

# АКТЁРНИНГ

## ЎЗ УСТИДА ИШЛАШИ

**БИРИНЧИ ҚИСМ**

**ИЖОДИЙ КЕЧИНМА ПРОЦЕССИДА  
ЎЗ УСТИДА ИШЛАШИ**

**ЎҚУВЧИНИНГ КУНДАЛИК ДАФТАРИ**

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2011

УДК: 792.028

85,33

C-89

Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши (I қисм. Ижодий кечинма процессида ўз устида ишлаши. Ўқувчининг кундалик дафтари) – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – 468 б. (Таржимон: Т.Хўжаев, муҳаррир: С.Муҳамедов)

К.С.Станиславский номи нафақат рус театри тарихида, шу билан бирга дунё театри тарихида, унинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда саҳна оламига ўзига хос ижод системасини олиб кирган ижодкор сифатида тилга олинади. Тақдим этилаётган мазкур китоб ҳам бутун жаҳон театр санъатининг ҳам бугуни, ҳам эртанги ривожига тааллуқли эканлиги билан қимматлидир.

Китобнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унда асосий таълим объекти, тадқиқот предмети қилиб саҳна хатти-ҳаракати ва унинг элементлари олинган.

**ББК 85.33**

**ТОШХҲЖА ХҲЖ АЕВ**

**таржимаси**

**Муҳаррир**

**СОБИР МУҲАМЕДОВ**

**Нашр учун масъул:**

**Нодирбек ЖҲРАЕВ**

ISBN 978-9943-08-651-7

© Станиславский Константин Сергеевич. Актёрнинг ўз устида ишлаши. (Актёрлик маҳорати). Қ. 1. Т.. «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1965.

© К.С.Станиславский. «Актёрнинг ўз устида ишлаши». «Янги аср авлоди», 2011 йил. Қайта нашр.

## ТАРЖИМОНДАН

К.С.Станиславский ўз «системаси» билан актёрлик ва режиссёрлик санъатида буюк ўзгариш ясади. Дунёдаги кўпгина миллат санъаткорлари унинг ҳаётбахш назарияларидан баҳраманд бўлишга интиларди. У ўз китобига ёзган сўз бошини шундай сўзлар билан тугатган эди: «Бироқ китобимда ёзганларим айрим давр ва ўша замон кишиларигагина тааллуқли бўлмай, балки ҳамма замон ва замоналардаги актёрлик қобилиятига эга бўлган барча миллатнинг органик табиатига тааллуқлидир». Станиславский ўз системаси билан театрдан бачкана театри, актёрлик ўйинидан сохталикни, юзакиликни, тақлидчиликни, бачкана қилиқ қилишни қувиб чиқарди ҳамда мазмундорлик ва ҳаётийликни ўрнатишга уринди. У ўзининг бутун ҳаётини саҳнада тирик инсон, жонли образ, ҳаётий ҳақиқатнинг тантана қилишига бағишлади. Саҳнада – кўпчилик олдида ижод қилганда ролни чинакамига ҳис этиш, туйғуни актёрчасига, ёлғондакам қилиб кўрсатмай, балки инсонийча, мантиқан, изчиллик билан, мақсадга мувофиқ, унумли хатти-ҳаракат орқали пайдо қилиш Станиславский системасининг асосий моҳиятини ташкил этади.

К.С.Станиславский системасининг яна бир аҳамияти шундаки, у ўзининг «олий мақсад» ва «олий-олий мақсад» ҳақидаги таълими билан актёрлар ва режиссёрлар қўлига жуда ўтқир, ғоятда кучли ғоявий қурол берди. Бу таълим санъаткорларнинг дунёқарashi, уларнинг ижоддаги халқчиллиги билан чамбарчас боғланиб кетади, яъни саҳнага чиққан актёр бугун, шу ерда, шу тобда нима учун саҳнага чиққанини, ўз олдига қандай олий мақсад қўйганини билмоғи лозим. Бу олий мақсад унинг саҳнада, спектаклда рол ижро этиш пайтидаги барча хатти-ҳаракатларини асослаб беради, уни саҳнада мантиқан, мақсадга мувофиқ ижод қилишга даъват этади.

Кўп асрлардан бери театр санъатининг буюк арбобларини актёрлик илҳоми ўзига тортиб келган. Уильям Шекспир, Дени Дидро, Александр Сергеевич Пушкин, Николай Василеевич Го-

голь, Михаил Семёнович Щепкин ва Александр Николаевич Островский актёрлик санъати ва илҳом масаласига катта эътибор билан қараганлар. Улуғ олим И.П.Павлов ҳам умрининг охиригидея бу масалага жуда қизиқиб қараган. Станиславскийнинг бу соҳадаги кашфиётларига юксак баҳо берган. У ўз системаси билан илҳом «илоҳий» бир ҳодисадир, у актёрга тўсатдан келиб қолади, унга мунтазам машқлар билан эришиб бўлмайди, деган назарияни таг-томири билан кўпориб ташлайди. У фақатгина актёрнинг органик табиатиғина мўъжизалар ярата олишини илмий равишда исботлади. Шундай қилиб, Константин Сергеевич актёр ижоди, театр санъати ҳақидаги фанни яратди. У биринчи бўлиб, актёрлар ва режиссёрлар учун мушқачиларнинг нотаси сингари, рассомларнинг, перспектива, нур ва соя қонунлари каби хатти-ҳаракат, жисмоний хатти-ҳаракатлар ҳақидаги қонунни очиб, уларга дастуруламал қилиб берди. «Саҳнада хатти-ҳаракат қилмоқ керак, – деб таъкидлайди Станиславский. – Драматик санъат ва актёрнинг санъати мана шу, хатти-ҳаракатга ва фаолликка қурилгандир».

К.С.Станиславский системаси актёрлик ва режиссёрлик санъатининг қомусидир. «Ижодий кечинма процессида ўз устида ишлаш» Станиславскийнинг «система»сида энг салмоқли асар ҳисобланади. «Актёрнинг ўз устида ишлаши» китоби ўқувчиларнинг кенг оммасига мақбул бўлган ҳамда кўпгина чет эл халқларининг тилларига таржима қилинган.

Бу китобнинг илк бор ўзбек тилига таржима қилинишида таржимоннинг олдида қатор қийинчиликлар турарди. Уларнинг энг биринчиси терминология масаласи эди. Улардан қандай фойдаланмоқ лозим? Уларни ўз ҳолича рус тилида қолдириш маъқул эмасмикан? Ҳамза номли театрнинг режиссёрлари М.Уйғур, Я.Бобожонов ва кўпгина актёрларнинг бой меросига ҳамда шу театр, Тошкент театр ва рассомчилик институтидаги кўп йиллик педагогик тажрибамга таяниб, ўзбек тилида рус терминиға монанд бўлган терминология ишлатишга қарор қилдим. Лекин бу – ҳамма терминология учун тамомила бошидан охирига ча ўзбек тилида аслиға монанд бўлган иборалар топилди, деган сўз эмас.

Иккинчи қийинчилик шундан иборат бўлдики, саҳна санъатидаги нозик психологик ҳолатларни соддалаштириб юбормаслик ва айни вақтда унинг чуқур мазмунини ўқувчига тушунарли



қилиб етказиш эди. Бунга қанчалик муваффақ бўлганлигимни ҳурматли ўқувчиларга ҳавола қиламан.

Ҳозирги замон актёрлик ва режиссёрлик санъати ҳар бир актёрдан, ҳар бир режиссёрдан ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлишини, ўз касбининг энг нозик томонларини мукамал билиб олишини талаб қилади. Имонимиз комилки, қўлингиздаги К.С.Станиславскийнинг «Актёрнинг ўз устида ишлаши» китоби ўзбек театрининг актёрлари, режиссёрлари учун, кўп мингли театр ҳаваскорлари учун ўз ҳаётини сахна санъатига бағишламоқчи бўлган барча ёшлар учун қўлланма бўлиб қолади. Чунки чинакам талант – тинмай меҳнат қилиш демакдир.

*Бу асаримни энг яхши шогирдим,  
санъат янгиликларини қидиришимда  
содиқ ёрдамчим, севимли артистка  
МАРИЯ ПЕТРОВНА ЛИЛИНАГА  
бағишлайман.*

## СЎЗ БОШИ

### 1

Мен актёрлик маҳорати ҳақида («Станиславский системаси» деб аталувчи) кўп томли катта асар ёзишни ўйлаб қўйдим.

«Менинг санъатдаги ҳаётим» номли нашрдан чиққан китобим шу асарнинг биринчи томи, яъни муқаддимасидир. «Кечинма» ижодий процессида «Ўз устида ишлаш» номли ушбу китоб эса шу асарнинг иккинчи томидир. Яқин орада учинчи томни ёзишга киришаман, унда «образга кириш»нинг ижодий процессида «Ўз устида ишлаш» ҳақида гап боради. Тўртинчи томни «рол устида ишлашга» бағишлайман.

Бу китоб билан бирга унга ёрдам ва илова тариқасида «Тренинг ва муштра»<sup>1</sup> номли машқлар тўпламини ҳам тавсия қилмоқчи эдим. Бироқ, ҳозирча бу ишни қилмайман, чунки бу нарса мени муҳим ва катта асаримдан, асосий мақсаддан четга тортиши мумкин.

«Системанинг» муҳим асосларини ифодалаб бўлгандан кейин юқорида айтилган ёрдамчи тўпламни тузишга киришаман.

### 2

Бу китоб каби бундан кейингилари ҳам илмийликни даъво қилмайди. Китобларимнинг мақсади, актёрларга амалий ёрдам беришдир. Улар менинг узоқ йиллар давомида орттирган актёрлик, режиссёрлик ва педагогик тажрибаларимни бошқаларга етказди. холос.

### 3

Бу китобда фойдаланилган терминларни мен ўзим ўйлаб топганим йўқ. Улар актёрлик тажрибасидан, ўқувчилар ва артист-

лик фаолиятини эндигина бошлаган кишилар тажрибасидан келиб чиққан. Улар иш давомида ўзларининг ижодий ҳис-туйғуларини шу терминлар билан ифодалаганлар. Улар фойдаланган терминологиянинг қиммати шундаки, булар артистликка қадам қўяётган кишиларга яқин, тушунарлидир.

Бу терминларнинг илмий асосларини қидиришга уринманг. Театр ҳаётимиз давомида яратган ўзимизга хос ибораларимиз, актёрлик тилимиз бор. Рост, ишимизда, шунингдек «Подсознание» (беихтиёр ижод), «Интуиция» (кўнгил сезиш) деган илмий сўзлардан ҳам фойдаланамиз, бироқ бу сўзлар фалсафий маънода ишлатилади.

Ахир саҳна санъати фаннинг назар-эътиборидан четда, ўрганилмай қолишига ва амалий ишимиз учун керакли сўзларни топиб бермаганига биз айбдор эмасмиз-ку! Бу қийин аҳволдан қутулиш учун ўз билганимизча – «Бой қўшнингдан сўрагунча, камбағал уйингдан ахтар» деганларидек хонаки тадбирларни қўллаб келмоқдамиз.

#### 4

«Системанинг» ўз олдига қўйган энг асосий вазифаларидан бири – актёрнинг органик табиатида беихтиёр ижод қўзғатишдир. Бу ҳақда китобнинг охириги – XVI бобида гапиримиз. Китобнинг ана шу бобини алоҳида аҳамият ва зўр диққат билан ўқимоқ лозим. Чунки ижод қилишнинг моҳияти ва системасининг бутун маъзи шундадир.

#### 5

Санъат ҳақида содда, тушунарли қилиб ёзмоқ, сўзламоқ керак. Донишмандларга хос гаплар ўқувчини чўчитиб юборади. Бундай сўзлар юракни эмас, фикрни уйғотади. Шу сабабли ижод даврида ақл артист туйғусини ва беихтиёр ижодни босиб кетади. Маълумки, бизнинг санъатимизда ижод ва туйғуга катта аҳамият берилди. Аммо мураккаб ижодий процесс ҳақида «содда» қилиб гапириш ва ёзиш қийин. Ғоят нозик сезгиларни, беихтиёр ижодни ифода қилиш учун сўзларнинг маъноси торлик ва қўполлик қилади.

Мана шу шартлар – китобимдаги фикрларни ўқувчилар тўла, чуқур ўқиб олиши учун махсус форма топишга мажбур қилади.

Мен бу вазифани ёрқин мисоллар, ўқувчиларнинг мактабда ба-  
жарган машқ ва этюдлари тасвири асосида бажармоқчиман.

Агар танлаган усулим қулай чиқса китобимдаги гаплар ўқув-  
чиларнинг ҳис-туйғулари туфайли жонланиб кетади. У ҳолда мен  
уларга ижодий ишмизининг асл моҳиятини ва психотехника асос-  
ларини тушунтириб бера оламан.

## 6

Китобимда тилга олинган драма мактаби ҳам, ундаги ўқув-  
чилар ҳам, муаллимлар ҳам аслида бўлмаган.

«Станиславский системаси» устида иш бошлаганимга кўп йил-  
лар бўлди. Дастлаб мен ўз мулоҳазаларимни эълон қилиш учун эмас,  
балки ўзим учун, санъатимиз психотехникаси соҳасидаги тадқи-  
қотларимга ёрдам берар деган ниятда ёза бошлаган эдим. Китобда  
далил учун келтирилган шахслар номи, иборалар, мисоллар, таби-  
ийки, урушдан илгариги (1907–1914 йиллар) ҳаётдан олинган.

«Система» ҳақида йиллар ўтиши билан аста-секин бир талай мате-  
риал тўпланиб қолди. Энди ўша материаллар асосида китоб ёзилди.

Китобда иштирок этувчи шахсларни ўзгартириш қийин ва оғир  
масала. Ўтмишдан олинган баъзи бир мисолларни, ибораларни ки-  
шилар характерларига, турмушига мослаш ундан ҳам қийин. У  
ҳолда мисолларни ўзгартиришга, янги иборалар ахтаришга тўғри  
келарди. Бу ундан ҳам оғир ва узоқ вақт талаб қиладиган ишдир.

Бироқ китобимда ёзганларим айрим давр ва ўша замон киши-  
ларигагина тааллуқли бўлмай, балки ҳамма замон ва замонлар-  
даги артистлик қобилиятига эга бўлган барча миллатларнинг<sup>2</sup>  
органик табиатига тааллуқлидир.

Баъзи фикрларнинг қайтарилиши лозим деб ҳисоблайман ва  
буни атайлаб қилганман. Китобхонлар менинг бу нуқсонимни  
кечиришларидан умидворман.

## 7

Ниҳоят, бу китобимни ёзишимда ўз маслаҳатлари, кўрсатма-  
лари ва материаллари билан озми-кўпми ёрдам қилган ўртоқла-  
римга мамнуният билан ўз миннатдорчилигимни билдираман.

*К. С. Станиславский*

## КИРИШ

.....19... йил... февралда хизмат жойим – N шаҳрида ўзимга ўхшаган стенографист ўртоғим билан мени машҳур артист, режиссёр ва ўқитувчи Аркадий Николаевич Торцовнинг оммабоп лекциясини ёзиб боришга таклиф қилишди. Ана шу лекция менинг келажакдаги тақдиримни белгилаб берди. У менинг қалбимда саҳнага кучли ҳавас уйғотди. Мен энди театр мактабига қабул қилиндим ва яқин орада Аркадий Николаевич Торцов ва унинг ёрдамчиси Иван Платонович Рахманов билан машғул бўшлайман.

Эски ҳаётимдан воз кечиб, янги ҳаёт йўлига кириб бораётганимдан беҳад бахтиёрман. Бироқ ўтмишимдан айрим нарсалар, масалан, стенография ёзуви менга асқотади. Борди-ю, барча дарсларни қўлимдан келганича стенография усулида ёзиб борсамчи? Шу йўсинда бутун бошли дарслик ёзилиб қолади-ку! Ўтган дарсларни қайтарганимда бунинг фойдаси тегади-ку! Ниҳоят, кейинчалик, артист бўлганимда ишда қийналиб қолган вақтларимда, бу ёзувлар компаслик вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, дарсларни кундалик усулида ёзиб боришга аҳд қилдим.<sup>3</sup>

Биз бугун Торцовнинг биринчи дарсини зўр ҳаяжон билан кутардик. Лекин Аркадий Николаевич синфга фавқулодда қизиқ бир хабар билан кириб келди: ҳар бир ўқувчи ўзи истаган пьесасидан парча танлаб, спектаклда қатнашар эмиш. Бу спектакль катта саҳна томошабинларига, театр труппаси ва унинг бадиий маъмуриятига кўрсатилармиш. Аркадий Николаевич бизларни спектакл шароитида – декорациялар ичида, гримда, костюмда, чироқлар билан ёритилган саҳнада кўриш ниятида эканини айтди. Унинг айтишича, фақат шундай қилгандагина бизларнинг саҳна қобилиятимиз ҳақида тўлиқ таассурот қолар эмиш.<sup>1</sup>

Ўқувчилар ҳайрон бўлиб, қотиб қолишди. Саҳнада ўйнаш ҳазилакам гапми? Бу санъатни таҳқирлаш, хўрлаш, оёқ ости қилиш эмасми? Мен Аркадий Николаевичдан спектаклни бошқа ерга, масъуляти камроқ жойга кўчиришини илтимос қилмоқчи бўлиб турган эдим, у синфдан чиқиб кетди.

Шундан кейин дарс қолдирилди, қолган вақтни пьесалардан парча танлаш билан ўтказдик.

Аркадий Николаевичнинг бу таклифини ҳамма қизгин муҳокама қилди. Аввалига бу ишни ўқувчиларнинг кўпчилиги маъқулламади. Буни фақат хушбичим, ёшгина йигитча, эшитишимга қараганда, қандайдир бир кичкина театрда рол ўйнаб келган Говорков ва баланд бўйли, тўладан келган сариқ соч, чиройликкина Вельяминова деган бир қизча ҳамда паст бўйли, абжир, бақариб чақариб юрадиган Вьунцовлар қизгин маъқулладилар, холос.

Аста-секин ўқувчилар ҳам шундай спектакл қўйиш керак деган фикрга қўшила бошладилар. Хаёлимда рампанинг нурлари ярқирай бошлади. Кўп ўтмай бизга ҳам бу спектакл жуда қизиқарли, фойдали, ҳатто зарурдай туюла бошлади. Спектаклни ўйласам юрагим орзиқа бошлади.

Шустов ва Пушкин учаламиз аввалига жуда камтар эдик: ниятимиз водевиль (кичик комедия) ёки оддийгина комедияларда ўйнашдан нарига ўтмас эди. Шундан ортигига кучимиз етмайди. Шерикларимиз аввалига рус ёзувчиларидан Гоголь, Островский, Чехов, сўнгра жаҳон генийларини номларини комил ишонч билан тилга ола бошлашди. Биз ўзимизнинг аввалги камтар нияти-

миздан қандай қилиб айниб қолганимизни билмай қолдик, романтикага, ажойиб кийимларга, шеърӣ асарларга истак туғила бошлади... Мени Моцарт, Пушкинни Сальери образи мафтун эта бошлади. Шустов бўлса, Дон Карлос ҳақида ўйлаб қолди. Кейин гап Шекспирга кўчди, ниҳоят мен ўзимга Отелло<sup>3</sup> ролини танладим. Отелло ролини танлашимга сабаб уйимда Пушкин асари йўқ, Шекспир асари эса бор эди. Ишлаш учун менда зўр иштиёқ туғилдики, китоб ахтариб юришга ортиқча вақтим ҳам йўқ эди. Шустов эса Яго ролини ўйнайдиган бўлди.

Ўша кунӣёқ биринчи репетиция эртага тайинланганини бизга эълон қилишди. Уйга келиб, хонамга кирдим-да, «Отелло» ни кўлимга олдим, диванга бемалол ўтириб олиб, зўр иштиёқ билан ўқишга киришдим. Бироқ, иккинчи бетиданоқ ўзимни рол ўйнашдан тўхтата олмадим. Қўлларим, оёқларим, юзим ўзидан-ўзи қимирлай бошлади. Декломация қилиб кетдим. Шу орада қоғоз қирқадиган суяк пичоқ кўлимга тушиб қолди. Уни худди хан-жардек шимимнинг камарига қистириб олдим. Паҳмоқ сочиқ рўмол бўлди, олачипор дераза пардасини рўмол устидан дуррача қилиб танғиб олдим. Чойшаб билан одеялни кўйлак ва чопон қилдим. Соябоним эгри қилич ўрнини босди. Фақат қалқон етишмади. Шунда ошхонадаги катта шкаф орқасидаги катта патнис эсимга тушиб қолди, у қалқон бўлиши мумкин эди. Ҳеч кимга сездирмай, уни яширинча олиб чиқдим.

Куролланиб олганимдан сўнг мен ўзимни улўғвор, келишган, чинакам сардор деб ҳис қилдим. Аммо менинг юриш-туришим ҳозирги замон маданий кишиларникига ўхшарди. Отелло бўлса – африкалик! Унинг юриш-туришида йўлбарснамо ҳаракатлар бўлиши керак. Йўлбарсга хос ҳаракатларни топиш учун бир қатор машқлар қилишга тўғри келди: хонадаги мебеллар орасидан эпчиллик билан ер бағирлаб писиб юра бошладим, ўлжа пойлагандек шкафлар орқасига яшириндим, пистирмадан бир сакраб ўзимча душман деб фараз қилган ёстиққа ҳамла қилиб, уни «йўлбарсчасига» бўғиб тагимга босдим. Кейинчалик ёстиқни Дездемона деб фараз қилдим, ҳирс билан уни бағримга босардим, ёстиқнинг бурчакларини Дездемонанинг кўли фараз қилиб, уларни ўпардим, сўнг яна нафрат билан отиб юборар ва яна кучоқлар эдим, кейин бўғардим ва ўзимни хаёлий жасад устига отиб, йиғлардим.

Кўпгина ҳаракатларим жуда муваффақиятли чиқди.

Шу йўсинда беш соатга яқин ишлаганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Буни мажбуран қилолмасдинг! Фақат артистлик илҳоми келгандагина соатлар сониядек бўлиб туюларди. Мен бошимдан кечирган мана бу ҳолат ҳақиқий илҳом эканлигидан далолат берарди.

Уйдагиларнинг ухлаганидан фойдаланиб, кийимларимни ечмасдан секингина даҳлизга чиқдим. У ерда каттакон ойна бор эди, чироқни ёқиб ўзимга қараган эдим, кутганимдан бутунлай бошқа бир нарсани кўрдим. Ҳалиги машқ вақтида топган вазият ва имо-ишораларим мен тасаввур қилгандан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Бу ҳам майли-я, ойнада гавдамнинг кўпол, беўхшовлигини кўрди. Буларни илгари пайқамаганимга ҳайрон бўлдим. Шундан кейин ҳафсалам пир бўлди, шу ондаёқ ғайратим сўнди.

...19 ...й.

Мен бугун одатдагидан анча кечроқ уйғондим, шоша-пиша кийиниб мактабга югурдим. Репетиция залига кирсам, ҳамма мени кутиб ўтирган экан, уялганимдан кечирим сўраш ўрнига:

– Мен бироз кечикдим шекилли, – деб жуда бемаъни гап қилдим.

Рахманов менга узоқ тикилиб турди-да, кейин таъна аралаш деди:

– Ҳамма диққат билан кутиб ўтирса-ю, сиз бўлсангиз бир оз кечикдим шекилли, дейсиз! Ҳамма янги ишга зўр иштиёқ билан келган эди, сизнинг бу қилиғингиз ҳафсаламни пир қилди, энди дарс ўтолмайман. Ижодга қизиқтириш жуда қийин, лекин, бу иштиёқни ўлдириш жуда ҳам осон. Бугун бир гуруҳнинг ишини тўхтатишга нима ҳақингиз бор? Мен касбимнинг жуда қадрига етаман, бинобарин, бундай тартибсизликка йўл қўёлмайман, жамоат ишда ҳарбийчасига пўлат интизом бўлиши керак. Актёрлик ҳам солдатлик каби темир интизомликни талаб қилади. Репетицияни кундалик дафтарга ёзмаслик шарти билан биринчи мартаба огоҳлантираман, лекин сиз ҳозир ҳаммадан кечирим сўрайсиз, бундан кейин эса репетицияга кечикиб келмай, балки, чорак соат илгари келишни ўзингизга одат қилиб олинг.

Мен шу ондаёқ кечирим сўрадим ва бошқа кечикмасликка ваъда бердим. Лекин Рахманов барибир иш бошламади.



– Биринчи репетиция артистлик ҳаётида катта воқеа, – деди у, – у киши ҳаётида ўчмас таассурот қолдиради, бугунги репетиция эса сизнинг айбингиз билан бузилди, шунинг учун бугунгисининг ўрнига эртагиси таассурот қолдирадиган репетиция бўлсин, – деди-да синфдан чиқиб кетди.

Лекин шу билан гап бир ёқли бўлмади, мени яна бошқа танбеҳ кутиб турган экан: Говорков бошлиқ болалар роса адабимни беришди. Буниси ўлганнинг устига тепган бўлиб тушди. Мен бузилган бу репетицияни сира-сира ёдимдан чиқармайман.<sup>6</sup>

\* \* \*

Кеча ҳафсалам пир бўлиб, бугун танбеҳ эшитганимдан кейин ролни қайтаришга юрагим бетламади, барвақтроқ ухламоқчи бўлдим. Шу тобда кўзим шоколадга тушиб қолди. Уни майдалаб сариёғга қориштирган эдим, жигарранг қиём бўлди. Юзимга силлиққина суркалди ва мен Мавр бўлдим-қолдим, юзимнинг қоралигидан тишларим янада оқариб кўринди. Ойна олдида узоқ ўтириб тишларимнинг оқлигидан завқландим, уларни ғижирла тишни, кўзларимни ола-кула қилишни машқ қилдим.

Гримни яхшироқ тушуниб текшириб кўрмоқ учун костюм керак бўлди, кечаги кийимларимни кийдим. ўйнагим келиб қолди, лекин бугун ҳеч қандай янгилик тополмадим, кечаги ҳаракатларимни қайтардим, холос, ҳаракатлар эса кечаги жиддийликни йўқотди. Лекин Оттеломнинг ташқи қиёфасини аниқлаб олдим. Бу ҳам жуда муҳим эди.

...19 ..й.

Бугун биринчи репетиция, мен унга анча барвақтроқ келдим. Раҳманов «ҳар ким ўзига хона қурсин, мебелларни ўз истаганча қўйиб олсин», деди. Бахтимга Шустов мени ҳамма таклифларимга осонгина кўна қолди, чунки уни саҳнани ташқи кўриниши қизиқтирмас эди. Менга бўлса бемалол ҳаракат қилишим учун мебелларни ўз уйимдагидек қилиб жойлаштиришим зарур эди.

Акс ҳолда илҳомим келмасди. Бироқ, кутган натижага эриша олмадим. Ўз уйимдаман деб ўзимни ишонтиришга қанча уринмай, барибир ҳеч нарса чиқмади. Аксинча, ўйинимга халақит берди холос.

Шустов ролини ёд қилиб олибди. Мен бўлсам гоҳ дафтарга қараб рол ўқиш, гоҳ эсимда қолган жойларининг маъносини ўз сўзларим билан тахминан беришга мажбур эдим. Шунисига ҳайронманки, матн менга ёрдам бериш ўрнига халақит берарди.

Ролдаги сўзлар билан бир қаторда драматургнинг менга ёд бўлган фикрлари, кўрсатган хатти-ҳаракатлари ҳам мени қийнаб қўйди, ваҳоланки, мен уйда маза қилиб эркин ўйнардим.

Ўз овозимни танимай қолишим яна ҳам кўнгилсизроқ бўлди. Бундан ташқари уйда ишлаганимда топган мизансцена ҳам, образим ҳам, Шекспир пьесасига мос келмади. Масалан, Яго билан Отеллонинг деярли осойишталик билан бошланадиган муносабати саҳнасига уйимдаги машқ пайти образга киришга ёрдам берган тиш ғижирлатиш, кўз олайтириш, «йўлбарснамо» қилиқларни қандай қилиб сиғдириш мумкин?

Лекин ёввойи одамга хос бўлган бу ўйин усулидан ва тузган мизансценадан воз кечолмадим. чунки уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳаракатларим йўқ эди. Рол матнини ўқишим алоҳида бўлса, ёввойи одамни ўйнашим алоҳида бўлди. шунинг учун бир-бирига сира қовушмади. Сўзлар ўйинимга, ўйиним сўзларимга халақит берди. Бундан жуда ҳафсалам пир бўлди.

Уйга келиб яна ишладим, барибир ҳеч қандай янгилик тополмадим, эскини такрорладим, холос. Бу эса энди мени қаноатлантирмади. Нега мен ҳадеб бир хил туйғу ва усулларни қайтаравераман? Бу туйғулар менинг туйғуларимми? Ёки ёввойи Маврикими? Нега кечаги ўйиним бугунгига, бугунгиси эса эртагисига ўхшайверади? Ёки фантазиям тугадими? Нега бошида қизиқ бошланган иш энди таққа тўхтаб қолди?

Шуларни хаёлимдан ўтказиб турганимда уйдагилар кўшни хонага кечги чойга тўпланишди. Уларнинг диққатини жалб қилмаслик учун уйнинг бошқа бир бурчагига машқ қилишга, ролимнинг сўзларини мумкин қадар секин такрорлашга тўғри келди. Шуниси қизиқки, мана шу арзимаган ўзгаришлар менга жон бағишлади. Этюдларимга, ҳатто ролнинг ўзига ҳам янгича муносабатда бўлишга мажбур қилди.

Сир очилди! Сир шундаки, узоқ вақт бир нарса устида тўхтаб қолиш, сийқаси чиққан нарсани ҳадеб қайтара бериш ярамас экан. Эртанги репетицияда мизансценага ҳам, рол талқинига ҳам, ролга кириш усулига ҳам янгилик киритаман деб аҳд қилдим.

Бугунги репетицияга биринчи саҳнадан бошлабоқ янгилик киритдим: юриш ўрнига ўтириб олдим, қўл ва гавда ҳаракатлари, ёввойи қилиқлар қилмай ўйнашга аҳд қилдим. Нима бўлди денг? Биринчи жумладаноқ адашиб кетдим, сўзлар эсимдан чиқди, таниш интонацияларни йўқотиб, тўхтаб қолдим.

Дарров дастлабки усулга ва мизансценамларга қайтишга тўғри келди. Афтидан, ёввойи кишини ўзлаштириб олган усулларимдан фойдаланишдан бошқа иложим йўққа ўхшарди. Мен усулларга эмас, балки улар менга ҳукмронлик қилмоқда. Бу нима? Усулларга қул бўлиб қолишми?

...19 ..й.

Репетицияда ўзимни яхши ҳис қилдим: аста-секин ишлаётган хонага, дарсда ўтирган одамларга ўргана бошладим. Ундан ташқари, қовушмаган нарсалар қовуша бошлади: аввал ёввойи одамни ўйнашдаги усулим Шекспирга сира тўғри келмаган эди. Дастлабки репетицияларда Маврнинг ҳаракатларига мос тушадди, деб топган қилиқларимда сунъийлик ва зўрақчилик сезилган бўлса, энди репетиция қилаётган саҳнамга баъзи бир нарсалар мос келгандай бўлди. Ҳар қалай, муаллиф билан ўртамиздаги келишмовчиликни камроқ сеза бошладим.

...19 ..й.

Бугун репетиция катта саҳнада бўлди. Мен кулисаларнинг кишини ҳаяжонга солишга, уларнинг сеҳрли кучига ишонган эдим. Хўш, нима бўлди денг? Мен саҳнада ёруғ рампани, тўстўполонни, қалаштириб ташланган декорацияларни кўрарман деган эдим, аксинча саҳна нимқоронғи ва жимжит, бўм-бўш эди. Каттакон саҳнанинг пардаси очиқ, лекин ҳеч ким йўқ. Фақат рампанинг олди томонида бўлажак декорациялар контурини кўрсатадиган бир нечта стуллар турибди, ўнг томондаги устунчада эса уч дона электр лампочкаси ёқиғлик.

Саҳнага чиқишим биланоқ рўпарамдан саҳна порталининг каттакон оғзи, унинг орқасида эса қоп-қоронғи зимистон бўшлиқ кўзимга ташланди, пардаси очилган саҳнадан одамсиз, бўм-бўш зални биринчи кўришим эди. Абажур тагидаги лампочка жуда олисда ёнаётгандек туюлди. У стол устидаги қоғозларни ёритиб

турарди: аллакимнинг қўли нуқсонларни ёзишга тайёрланмоқда... Мен ўзимни бўшлиқда эриб кетгандек сездим.

Кимдир «Бошланг!» деб бақирди. Менга стуллардан ясалган – Отеллонинг фараз қилинган уйига кириб, ўз жойимга ўтиришни таклиф қилишди. Мен ўз мизансценам бўйича ўтиришим лозим бўлган стулга ўтирмай, бошқасига ўтирдим. Ўз хонамнинг планини ўзим ҳам танймай қолдим. Ҳар бир стул нимани тасвишлашини менга бошқа ўртоқлар тушунтириб беришди. Стуллар билан ўралган бир парча ерга ўзимни сиғдиришим жуда қийин бўлди, атрофимда содир бўлаётган воқеаларга анча вақтгача диққатимни жалб қилолмадим.

Ёнгинамда турган Шустовга ҳам қараёлмадим. Диққатим гоҳ томоша залига, гоҳ саҳна атрофига жойлашган хоналарга, гоҳ устахонадаги репетициямизни писанд қилмай ўз иши билан машғул бўлган аллақандай буюмларни олиб ўтаётган, арра тортаётган, мих қоқаётган, баҳслашаётган кишиларга қараб кетаётган эди.

Шунга ҳам қарамай, шариллатиб гапириб, ҳаракат қилавердим. Агар уйда қилган узундан-узоқ машқлар туфайли матни, интонацияларни, ёввойи одамни ўйнаш усулини сингдириб олмаганимда борми, оғиз очишим биланоқ тўхтаб қолган бўлардим. Барибир, ахийри шундай бўлди. Бунга суфлёр айбдор эди. Мен шундагина бу «жаноб» актёрга дўст эмас, балки ўтакетган душман эканлигини тушундим. Менимча, бутун спектакль давомида жим ўтириб, артистнинг тўсатдан бирорга сўзи эсидан чиқиб, қийналиб турганида айтиб юборган суфлёр – яхши суфлёрдир. Бизнинг суфлёримиз эса тўхтовсиз валдираб халақит бергани-берган. Ўта серҳафсала бундай ёрдамчидан қандай қутулишни билмайсан. У қулоқларинг тагида пичиллайвериб жонингга тегиб кетаркан. Хуллас, суфлёр ғолиб чиқди, мен янглишиб кетиб, тўхтаб қолдим ва ниҳоят, ундан халақит бермаслигини илтимос қилдим.

...19 ...й.

Мана саҳнада иккинчи репетиция ҳам бўлди. Репетицияга тайёргарликни гримхонада ёлғиз қилмай, балки саҳнада – ҳамманинг олдида қилиш учун, театрга жуда эрта келдим. Саҳнада иш жуда қизиб кетган эди. Репетициямизга декорация ва бутофорияларни ҳозирламоқда эдилар. Мен ҳам тайёргарлик кўра бошладим.

Саҳна алғов-далғов. Уйда машқ қилганимда одатланган саранжомлик ва осойишталикни бу ерда кутиш бефойда эди. Аввало мени қуршаб олган янги шароитга мослашмоғим керак эди. Шунинг учун ҳам аванценага (саҳна олди) яқин келиб, саҳна рамкаси тешигидан даҳшатли зулматга тикилдим, бундан мақсад унга ўрганиш ва томоша залининг салобатидан қутулиш эди. Лекин мен томоша залига аҳамият бермасликка ҳар қанча уринмай, барибир зал хаёлимни борган сари кўпроқ торта берди. Баттароқ салобат босди. Шу пайт ёнимдан ўтиб кетаётган саҳна ишчисининг қўлидаги михлар сочилиб кетди. Мен унга михларни теришиб юбордим. Шунда катта саҳнада бўлишимга қарамай, ўзимни бирдан жуда енгил, жуда яхши ҳис қилдим. Лекин михлар теририлиб бўлди. Дилкаш ҳамсуҳбатим кетиши биланоқ, яна ўша бўшлиқ мени эза бошлади.

Яна у мени ютиб юборгандай бўлди. Ахир ҳозиргина ўзимни жуда эркин ҳис қилган эдим-ку! Бу табиий эди-да. Чунки, михларни тераётганимда порталнинг қора дарчасини унутган эдим. Мен шоша-пиша саҳнадан тушиб, партерга ўтириб олдим.

Бошқа отривкалар репетиция қилина бошлади; лекин залда ўтиришимга қарамай, саҳнада бўлаётган воқеаларни кўрмадим, ҳаяжон билан ўз навбатимни кутдим, холос.

Зориқиб кутишнинг бир яхши томони бор: одам шу даражага-бориб етадики, кўрққан нарсанг тезроқ бўла қолса, тезроқ қутула қолсам дейсан. Мен ҳам бугун шундай ҳолатга тушдим.

Ниҳоят навбат менга келди, саҳнага чиқдим, қарасам, саҳнада бошқа спектаклларнинг павильонлари, кулисалари ва турли жиҳозлардан декорация қуриб қўйилган экан. Улардан баъзилари тескари қўйилган. Мебел ҳам бир хил. Шунга қарамай, чироқ нурларида саҳнанинг умумий кўриниши ёқимли, бизга тайёрланган Отеллонинг хонаси қулай, шинам эди. Яхшилаб қарасам, ўз уйимни эслатадиган баъзи бир нарсалар бу ерда ҳам бор экан.

Парда очилиб томоша зали кўриниши биланоқ, мен бутунлай унинг ҳукмига тушиб қолдим. Шу пайт менда кутилмаган янги ҳис пайдо бўлди. Гап шундаки, декорация ва шип актёр назарида саҳнанинг кенг орқа томонини (аръерцена), тепадаги кенг-қоронғи бўшлиқни, саҳнага ёндашган хоналарни ва декорация саройини актёрдан яшириб туради. Бундай ёлғизлик кишига ёқади, албатта. Аммо шуниси ёмонки, павильон актёрнинг бутун диққатини томоша залига йўналтирувчи рефлекторга айла-

нади. Бу ҳам чиганоқ шаклидаги мусиқа эстрадасига ўхшаб оркестр садосини эшитувчилар томонига йўналтиради. Тағин бир янгилик чиқиб қолди. Менда залдагилар зерикиб қолишмасин деган хавф туғилди ва қўрқувдан уларни кулдириш иштиёқи пайдо бўлди. Бу ҳолат айтилаётган сўзларим ва қилаётган ишларимни маъносига тушунишимга халақит берар, сўзларимни машқ қилишга ўрганиб олган ҳаракатларимдан, фикр ва сезгимдан олдинроқ айтиб юбориб, хунобим ошарди. Шундан сўнг шошқалоқлик билан сўзларни шариллатиб ташлайвердим. Бу шошқалоқлик ҳаракатларимга таъсир қилди. Мен матнни шундай шариллатиб кетдимки, қани энди тўхтатишнинг иложиси топилса-ю, суръатни ўзгартиролсам. Ролимнинг энг яхши ерлари кетаётган поезд деразасидан кўринган симёғочлар сингари ўтиб кетаверди. Сал тутилсам борми, расво бўлишим турган гап. Мен бир неча бор илтижо билан суфлёрга назар ташладим, у бўлса парвойи фалак; зўр бериб соатни бурамоқда эди. Шубҳа йўқки, у ўтган репетициядаги гапим учун ўч олаётган эди.

...19 ...й.

Мен бугунги асосий репетицияга одатдагидан ҳам эртароқ келдим, чунки грим ва кийимларни тайёрлаб қўйишим керак эди. Мени жуда чиройли гримхонага жойлаштиришди. У ерда «Шейлок» спектаклидаги Марокаш шаҳзодасининг музейибоп тўни тайёр турган экан. Булар кишини яхши ўйнашга мажбур қилади. Мен грим столига ўтирдим, унинг устида бир неча париклар, сочлар, турли грим жиҳозлари ётарди.

Нимадан бошласам экан?.. Мен чўткада жигарранг бўёқдан олмоқчи бўлдим, бироқ шундай қотиб қолган эканки, зиғирдан бўёқни чўткага зўрға илаштирдим, бетимга суртаман десам, асло юқмади. Шундан сўнг чўткачани растушовка (пилта қоғоз)га алмаштирдим. Бу ҳам фойда бермади. Бармоғим билан олиб юзимга сурдим. Бу сафар ранг пича юққандай бўлди. Бошқа бўёқларни ҳам худди шундай қилиб сурта бошладим, бошқаларга қараганда кўк бўёқ яхшироқ суртилди. Лекин у Мавр гримига кераксиздек бўлиб кўринди. Мен юзимга лак суриб, бир тутам сочни ёпиштириб кўрдим. Лак юзимни ачиштирар, сочлар дикайиб турарди... Бирин-кетин учта парикни кийиб кўрдим, лекин олди-орқасини ажратолмадим. Гримсиз юзимда уччала парикнинг ҳам париклиги шундай яққол кўриниб турарди. Юзимга не

машаққатлар билан сурган озгина гримни артиб ташламоқчи бўлдим. Лекин қандай қилиб артиш керак?

Шу пайт гримхонага эгнига оқ халат кийган, кўзойнакли, баланд бўйли, қотма, чўққи соқол, шоп мўйловли бир киши кириб келди. Ана шу «Дон Кихот» икки букилди-да ҳаш-паш дегунча юзимни «ишлашга» тушиб кетди. У сурган бўёқларимни вазилин билан бир зумда артиб ташлади. Чўткаларни ёглаб бўёқларни яна сура бошлади, мой суртилган юзга бўёқ онсонлик билан бир текисда суртилди. «Дон Кихот» юзимга Маврга мос жигарранг тус берди. Мен илгари, шоколад суртганимдаги каби қорароқ чиқмаганига ачиндим, чунки ўшанда тишларим, кўзларимнинг оқи равшанроқ, ярқираб кўринган эди.

Грим қилиб бўлгач, кийимни кийдим-да, ойнага қараб «Дон Кихот»нинг санъатига қойил қолдим. Ўзимга ўзим жуда ёқиб кетдим. Тўн ичида гавдамнинг қўполлиги ҳам сезилмай қолди, мен машқ қилган ваҳшиёна ҳаракатлар жуда мос тушди.

Гримхонага Шустов ва бошқа ўқувчилар киришди, улар ҳам ташқи қиёфамни чин кўнгилдан мақташди. Бу менга далда берди, ўзимга бўлган ишончим мустаҳкамланди. Саҳнада мебелларнинг одатдагича қўйилмаганига ҳайрон бўлдим. Креслолардан бири девор ёнидан ўртага сурилган, стол бўлса ҳамма кўрсин дегандек, суфлёр будкасининг ёнгинасига суриб қўйилган.

Ҳаяжонланганимдан саҳнанинг у ёғидан-бу ёғига юра бошладим, қиличим мебелларга кетма-кет уриларди, тўним эса декорацияларнинг қиррасига илинар, лекин булар матнни беихтиёр қайтаришимга ва саҳнада тўхтовсиз юришимга халақит бермас эди. Бугун ўйинимни бир амаллаб охирига етказишимга кўзим етарди. Ролимнинг кульминация чўққиси келганда хаёлимдан «ҳозир тўхтаб қоламан» деган фикр ўтди-да, саросимага тушиб қолдим. Кўзларим тиниб, ўзимни йўқотиб қўйдим... Яна беихтиёр ўйнаб кетишимга нима сабаб бўлганини, шармандаликдан мени нима қутқариб қолганини ҳалигача ўзим ҳам билмайман.

Шундан кейин ҳафсалам пир бўлди. Тезроқ тамом бўлса-ю, гримни артиб, театрдан чиқиб кетсам, деган фикр хаёлимни чулғаб олди.

Мана уйда ёлғиз ўтирибман. Бироқ ўзимга-ўзим энг кўрқинчли ҳамроҳ эканлигим аён бўлиб қолди. Кўнглим ғаш, чироқ ёқса ёришмайди. Меҳмондорчиликка бориб бироз кўнглимни ёзай де-

дим-у, яна айнидим. Шарманда бўлганимни гўё ҳамма билгандек, масхара қилиб кўрсатаётгандек туюлди.

Бахтимга жонажон дўстим Пушкин келиб қолди. У мени томошабинлар орасида кўрган. Сальери ролини қандай бажаргани тўғрисида фикримни билмоқчи экан. Гарчи мен унинг ўйинига саҳна орқасидан қараб турган бўлсам ҳам, ўз навбатимни кутиб ҳаяжонда турганимдан ҳеч нарса кўролмаган эдим, шунинг учун ҳам унга ҳеч нарса деълмадим. Ўзим тўғримда ҳам ҳеч нарса сўрамадим, кўнглимда қолган умид учқунини сўндирмасин деб кўрқдим.

Пушчин Шекспир пьесаси ва Отелло роли ҳақида жуда яхши фикрлар айтди. Лекин у Отелло ролига шундай қатта талаблар қўйдики, мен уларга асло жавоб беролмас эдим. Дездемонанинг шундай гўзал вужудда яширинган даҳшатли бузуқликка ишонганида Маврининг куйиб-ёниши, ҳайратда қолиб изтироб чекиши тўғрисида жуда ғалати гаплар айтди. Булар Отеллонинг кўз ўнгида Дездемонанинг гуноҳини янада даҳшатлироқ қилиб кўрсатарди.

Ўртоғим чиқиб кетгандан сўнг ролимнинг баъзи бир жойларини Пушкин талқинича ўйнаган эдим, кўзларим ёшланиб, Маврга жуда раҳмим келиб кетди.

...19 ...й.

Бугун кундузи спектаклнинг кўриги. Театрга қандай кириб боришим, грим қилгани ўтиришим ҳам, «Дон Кихот»нинг кириб келиши, икки букилиб менга ёрдам қилиши – ҳаммаси менга аён.

Мабодо гримдан кейин ўзимга-ўзим ёқсам ҳам, рол ўйнагим келса ҳам, барибир ҳеч нарса чиқмайди. Жуда бепарво эдим ва мени ҳеч нарса қизиқтирмай қўйган эди. Лекин бундай ҳолат гримхонага киришим билан бутунлай йўқолди. Шу пайт юрагим шу қадар ура бошладики, нафасим сиқилгудай бўлди. Ҳатто кўнглим айниб, азойи-баданним бўшашиб кетди. Ўзимни нотобдек сездим. Қайтага яхши! Саҳнага биринчи муваффақиятсизлигимни касалikka йўйишим мумкин эди.

Мени аввало саҳнадаги фавқулодда тантана, жимлик ва саранжомлик безовта қила бошлади. Кулисалар орқасидаги қоронғуликдан чарақлаган саҳнага чиқишим биланоқ гангиб, кўзим кўрмай қолди. Чироқ шу қадар ёруғ эди-ки, мен билан томоша зали ўртасида нур пардаси пайдо бўлган эди. Ўзимни томоша-



бинлардан ҳолидек ҳис этиб, эркин нафас олдим. Лекин кўларим кўп ўтмай саҳнага ўрганди. Шу пайт қоронғу томоша зали яна ҳам ваҳимали кўриңди, томошабинга бўлган ингилишим яна ҳам кучайди, назаримда театр одамга лиқ тўлгандай, минглаб кўз ва дурбинлар менга тикилгандай уларнинг қараши баданимни тешиб ўтгандай туюларди. Ўзимни бу кўпчиликнинг қулидек ҳис қилиб, итоатгўй, беқарор одамга ўхшаб қолдим. Бу ғурбатдан қутулиш учун кўпчиликка хушомад қилгим, бутун борлигимни ҳадя қилгим келиб қолди. Лекин қалбим ҳар галгига қараганда бу сафар бўм-бўш эди.

Ўзимда ҳис-туйғулар уйғотиш учун ҳаддан ташқари ҳаракат қилишимдан, мумкин бўлмаган нарсани бажаришга ожиз бўлганимдан аъзойи-баданимда зўриқиш пайдо бўлди, томирларим тортиша бошлади. Натижада юзим, қўлларим, бутун гавдам ҳаракатдан тўхтади, юриш-туришга имкон қолмади. Бор-йўқ кучим ана шу бемаъни, бефойда зўриқишга кетди. Қотиб қолган гавдамга, туйғуларга бақириб сўзлаш билан ёрдам беришга тўғри келди. Бунда ҳам ҳаддан ташқари зўриқиш ўз ишини қилди. Томоғим қирилиб, нафасим қисилди, овозим энг юқори нотага чиқиб олди, ундан бошқа нотага кўчиришнинг иложи бўлмади. Натижада овозим хириллаб қолди.

Энди, ташқи хатти-ҳаракатларга ва ўйинга зўр беришга тўғри келди. Умумий зўриқишни ошираётган қўл-оёқларимни ортиқча ҳаракатдан тўхтатиб қолишга, сўз вулқонини босишга ожизлик қилдим. Сўзлаётган ҳар бир сўзимдан, қилаётган ҳар бир имо-ишорамдан қаттиқ уялдим, ўзимни койиб кетдим. Қизариб кетдим, оёқ-қўлимнинг бармоқларини қиса бошладим. Кучим борича ўзимни креслонинг суянчиғига босдим. Ожизлик ва хижолатдан бирдан жаҳлим чиқиб кетди. Томошабинларгами, ўзимгами кимга жаҳл қилганимни билмайман. Шу пайт ўзимни бир лаҳза ҳамма нарсдан холис ҳис қилдим, жасоратга тўлдим. «Қон, Яго, қон!» деган машҳур жумла қалбимдан беихтиёр отилиб чиқди.

Бу ғазабга тўлган жафокашнинг фарёди эди. Қандай айтганимни ўзим ҳам билмайман, балки шу сўзларда ишонувчан кишининг таҳқирланган қалбини, унинг дардини тушунгандирман, балки унга астойдил раҳмим келгандир, шу вақт Отелло образининг Пушчин айтган талқини миямда аниқ гавдаланди ва улар туйғуларимни ҳаяжонлантириб юборди.

Менинг назаримда томоша зали бир зумга ҳушёр тортгандек, гўё тўсатдан қўзғолиб, дарахтлар бошини силкитиб ўтган шамол сингари шивир-шивир товуш одамлар орасидан ўтгандек бўлди.

Ўтирганларга манзур бўлаётганимни сезишим биланоқ, кучқувватим шу қадар ошиб кетдики, уни нимага сарфлашимни биллолмай қолдим. Бу шижоат менга қанот бахш этди. Эпизоднинг охирини қандай ўйнаганимни ўзим ҳам билмайман. Фақат шуниси эсимдаки, рампа, порталнинг қора дарчаси кўз олдимдан йўқолди. Қўрқувлардан қутулдим, саҳнада шу дамгача маълум бўлмаган, янги, лаззатли ҳаёт пайдо бўлди. Саҳнадаги шу бир неча дақиқалик лаззатдан кучлироқ лаззат борлигини билмайман. Паша Шустов мендаги ўзгаришдан ҳайрон қолганини сездим. Мен уни ҳам руҳлантириб юбордим. У ҳам завқ билан ўйнай бошлади.

Парда тушди, томоша залида қарсак чалиб юборишди, ўзимни хурсанд ва енгил ҳис этдим. Ўз талантимга бўлган ишончим дарров мустаҳкамланди. Гердаиш пайдо бўлди, саҳнадан гримхонага ғолибона қайтар эканман, назаримда, ҳамма менга қойил қолиб қараётгандай туюлди.

Ҳали-ҳали эсимда, кийиниб, ўзимга оро бериб, гастроллар каби кўкракни кериб, ёпишмаса ҳам ўзимни бепарволикка солиб, антракт вақтида залга кирдим, залда кўтаринки руҳ йўқлигини, ҳатто саҳна ростакам спектаклдагидек ёритилмаганини кўриб ҳайрон қолдим. Саҳнадан кўзимга чалинган минглаб киши ўрнига партерда атиги йигирмага яқин кишини кўрдим. Ахир мен ким учун бу қадар ҳаракат қилдим? Ўзимга тасалли бера бошладим. «Майли, бугунги спектаклнинг томошабини кам бўлгани билан, – дедим ўз-ўзимга, – ўтирганларнинг ҳаммаси санъат усталаридир. Раҳманов, Торцовлар театримизнинг атоқли артистлари. Мана шундай одамлар менга қарсак чалди-я! Мен буларнинг зийрак қарсакларини минг кишилиқ оломоннинг олқишларига алишмайман...».

Улар мени ёнларига чақириб, бирор яхши гап айтарлар, деган ниятда Раҳманов билан Торцовга яққол кўринадиган партердаги бир креслога ўтирдим.

Саҳна чироғи ёниб парда очилган замониёқ, декорацияга қўйилган зинадан чиқаётиб, ўқувчи қиз Мололеткова полга ағдарилиб тушди-да, жон-жаҳди билан «Қутқаринглар!» деб бақириб юборди.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Шундан кейин, у нимадир деб бидирлади, мутлақо ҳеч нарсани англаб бўлмади. Кейин тўсатдан ролини унутиб, жумланинг ярмида тўхтаб қолди-да, юзини қўллари билан беркитганича кулислар орқасига чопиб чиқиб кетди. У ердан унга далда бериб, насиҳат қилаётган одамларнинг овозлари эшитилди. Парда ёпилди, лекин унинг қулоғимда «Қутқаринглар!» деган товуши ҳамон жарангларди. Мана буни талант деса бўлади! Талантни сезиш учун саҳнага чиқиб, бир оғиз сўз айтиш кифоя.

Назаримда, Торцов жуда ҳаяжонланган эди, «Ахир менда ҳам Малолетковага ўхшаган ҳодиса юз берди-ку, – дедим ичимда, «Қон, Яго, қон!» деган жумладан томошабинлар менинг ҳукимимда эди».

Ҳозир шу сатрларни ёзар эканман, келажагим порлоқ эканига шубҳа қилмайман. Бироқ, ўзимга бўлган бу ишонч назаримда катта бўлиб кўринган муваффақият, унчалик катта эмас, деб иқрор бўлишимга ҳалақит бермайди. Лекин ўзимга бўлган ишонч кўнглимнинг энг чуқур бир ерида галаба мадҳини ўқияпти.

Биз бугун кўрик спектаклимиздаги ўйинимиз тўғрисида Торцовнинг мулоҳазаларини эшитиш учун тўпланади.

Аркадий Николаевич бундай деди:

– Санъатда энг муҳими гўзалликни кўра билиш ва тушуна билиш зарур. Бинобарин, биринчи навбатда кўрикнинг ижобий томонларини гапириб ўтайлик. Кўрикнинг фақат иккита ижобий томони бўлади: биринчиси, Малолеткованинг зинадан ағдарилиб тушиб, жон-жаҳди билан «Қутқаринглар!» деб бақирган пайти бўлса, иккинчиси Названовнинг «Қон, Яго, қон!» деган саҳнаси. Бу ҳар иккала ҳолатда, сиз ўйновчилар ҳам, биз томошабинлар ҳам, саҳнада содир бўлаётган воқеага бутун вужудимиз билан берилиб кетдик, ҳаммамиз ҳам бир хил ҳаяжон билан кузатдик ва ҳайратда қолдик.

Бутун бир саҳнада мана шу муваффақиятли чиққан жойларини алоҳида олиб қарасак, буни кечинма санъат (переживаний) деб аташ мумкин, биз бу санъатни ўз театримизда тарғиб қилияммиз, сингдирияммиз, театримиз мактабида ҳам шу санъатни ўргатамиз.

– Бу кечинма санъат деганингиз нима? – деб қизиқиб сўрадим мен.

– Бунинг нималигини сиз ўз тажрибангизда билдингиз. Мана шу чинакам ижоднинг ўша лаҳзаларини қандай ҳис қилганингизни бизга гапириб беринг.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, эсимда ҳам йўқ, – дедим. Торцовнинг мақташидан гангиб, – фақат шуни биламанки, бу мен учун унутилмас лаҳзалар бўлди, фақат шу ёшимда ўйнашни истайман ва шундай санъатга бутун ҳаётимни бағишлашга тайёрман...

Жим бўлишга мажбур бўлдим, бўлмаса йиғлаб юборишим турган гап эди. Шунда Аркадий Николаевич:

– Бу қанақаси? Аллақандай даҳшатли нарсани ахтариб қанчалик изтиробга тушганингиз эсингизда йўқми? Қўлларингиз, кўзларингиз ва бутун гавдангиз нимагадир ташланишга тайёр экани, ниманидир бўғиб ташламоқчи бўлганингиз эсингизда йўқми? Лабингизни тишлаб кўз ёшларингизни аранг тийиб турганингизни унутдингизми? – деб суриштира бошлади.

– Нималар бўлганини айтиб берганингиздан кейин, ўзимни қандай ҳис қилганимни эслай бошладим. – деб иқрор бўлдим.

– Менсиз шуларни ўзингиз тушунолмасдингизми?

– Йўқ, тушуна олмас эдим.

– Демак, сиз беихтиёр ўйнабсиз-да?

– Эҳтимол шундайдир. Бу яхшими, ёмонми?

– Агар беихтиёр ижод сизни тўғри йўлдан олиб кетган бўлса, жуда яхши, мабодо янглиштирган бўлса – ёмон. Лекин кўриқда у сизни алдамади, бир неча дақиқа ичида бизга кўрсатган ўйинингиз жуда муваффақиятли чиқди, бизга бундан ортиғи керак ҳам эмас.

– Ростданми? – деб қайта сўрадим севинчдан нафасим тикилиб.

– Ҳа. Чунки актёр бутун вужуди билан пьесага берилиб кетса, бундан яхши нарса йўқ. Ана шундай пайтларда актёр ўзини қандай ҳис этаётганини, нима қилаётганини сезмаган ҳолда бахтиёр ҳаракат қилади, ҳаммаси ўз-ўзидан, беихтиёр равишда чиқаверади. Бахтга қарши бундай ижод ҳамма вақт ҳам бизнинг изми-мизда бўлавермайди.

– Биласизми, боши берк кўчага кириб қолганга ўхшаймиз: илҳомланиб ўйнаш лозим, лекин буни беихтиёр қилиш керак экан, ўзингиз кўриб турибсизки, биз бунга қодир эмасмиз, йўлини билмаймиз. Кечирасиз, бунинг чораси борми? – деди киноя билан, ҳайрон бўлган Говорков.

– Бахтимизга бунинг иложи бор! – деб, унинг сўзини бўлди Аркадий Николаевич. – Бу йўл онгнинг ижодга бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатишидадир. Масала шундаки, инсон қалби онгимиз ва иродамизга бўйсунуш қобилиятига ҳам эга. Мана шу хусусият бизнинг руҳий жараёнимизга беихтиёр таъсир кўрсатишга қодирдир.

Шуниси ҳам борки, бунга эришиш анча мураккаб ижодий меҳнатни талаб қилади, бу меҳнат онгимизнинг бир қадар назорати ва бевосита таъсир қилиши натижасида содир бўлади. Бу меҳнат кўпроқ беихтиёр ва иродамиздан ҳоли равишда бўлади. Бу иш моҳир, юксак истеъдодли, энг нозик, мураккаб, сеҳргар санъаткор бўлган органик табиатимиз қўлидан келади, холос.

Энг мукамал актёрлик техникаси ҳам, китобий билим ҳам бу билан тенглаша олмайди. Артистлик табиатимизга бу каби муносабатда бўлиш ва бу хилда қараш кечинма санъати учун хос нарсадир, – дер эди завқ билан Торцов.

– Борди-ю табиатимиз инжиқлик қилиб қолса-чи? – деб кимдир савол берди.

– Уни қўзғатиш ва йўлга сола билиш керак. Бунинг учун психотехниканинг алоҳида усуллари бор, ҳали сиз уларни ўргана-сиз. Бу усулларнинг асосий вазифаси беихтиёр ижодни онг ва бошқа воситалар ёрдами билан қўзғатиш ва уни ижодий жараён-га йўллашдан иборатдир. «Актёрнинг онгли психотехникаси ёрда-мида беихтиёр ижодга ўтиши», яъни онг натижасида беихтиёр ижодга, иродамиз орқали ихтиёрсиз хатти-ҳаракатга ўтиш деган принцип кечинма санъатининг асосларидан бири бўлиши бежиз эмас. Беихтиёр ижодни сеҳргар табиатимизга топширайлик-да, қўлимиздан келадигани – ижод қилишнинг онгли йўлларига ва психотехниканинг онгли усулларига мурожаат қилайлик. Улар бизни ҳаммадан бурун беихтиёр ижод бошлаганида унга ҳалақит бермасликка ўргатади.

– Беихтиёр ижоднинг онгга муҳтожлиги жуда қизиқ! – деб ҳай-рон бўлдим мен.

– Менимча, бу табиий нарсасиз. – дерди Аркадий Николаевич. – Электр қуввати, шамол, сув ва табиатнинг беихтиёр ҳаракат қилувчиси яна бошқа кучларини бўйсундирмоқ учун билимдон ва ақлли инженер керак. Бизнинг беихтиёр ижодий кучларимиз ҳам ўзига хос инженерсиз – онгли психотехникасиз иш қўролмайдими. Агар артист ўзини саҳнада ўраб олган шароит табиий ва нормал ҳолда, ҳатто жудда оддий шаклда, инсон табиатининг барча қонун-лари асосида содир бўлаётганини англай олса ва буни тўла ҳис этса, шундагина у беихтиёр ижоднинг чуқур сир-саноатларини аста-секин тушуниб олади. Бизга нотаниш бўлган туйғулар ҳам шундан келиб чиқади. Улар бизни қисқа муддат ичида ёки алла-вақтгача чулғаб оладилар-да, қалбимизга буйруқ қилган томон-га етаклаб кетади. Унинг бошқарувчиси кучларини билмаганимиз ва ўрганолмаганимиз учун уни, «табиат» деб атай қоламиз.

Бироқ тўғри давом этувчи органик ҳаётимизни буздиқми, саҳ-нада нотўғри ижод қила бошладикми, шу ондаёқ инжиқ беихти-ёр ижод зўравонликдан қўрқиб, яна ўзининг бежавотир сирхона-сига бекиниб олади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун, энг муҳи-ми, самимият билан тўғри ижод қилмоқ керак.

Шундай қилиб, беихтиёр ижодни уйғотиш, илҳомнинг жўш уриши учун артистнинг ички ҳаётида реализм ҳам, ҳатто натура-лизм ҳам зарурдир.

– Демак, санъатда тўхтовсиз, беихтиёр ижод қилмоқ керак экан-да, – деб хулоса чиқардим мен.

– Доимо беихтиёр ва илҳомланиб ижод қилиш мумкин эмас, – деб уқдирди Аркадий Николаевич, – бундай генийлар йўқ. Шунинг учун санъатимиз ҳақиқий ва беихтиёр ижод қилиш учун замин тайёрлаш керак, деган вазифани устимизга юклайди, холос.

– Бунга қандай эришиш мумкин?

– Аввало онгли ва тўғри ижод қила билиш керак. Бу эса беихтиёр ижодга, илҳомга қулай замин тайёрлайди.

– Қандай қилиб? – деб сўрадим тушунолмай.

– Чунки онгли ва тўғри ижод ҳақиқатни яратади, ҳақиқат эса ишонч уйғотади, агар табиатимиз инсон вужудида рўй бераётган аҳволга ишонса, ўзи ҳам ишга киришади. Унинг орқасидан беихтиёр ижод ишга тушиб, илҳом кела қолади.

– Ролни «тўғри» ўйнаш деганингиз нимаси? – деб суриштирдим.

– Бу, саҳнада туриб, рол ҳаёти ва унга монанд шароитда тўғри мантиқли, изчиллик билан ҳаётдагидек фикр юритмоқ, хоҳламоқ, интилмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқ демакдир. Артист шу айтганларимга эриша олса, ролга яқинлашади ва у билан бир хилда ҳис қила бошлайди.

Бизнинг тилимизда бу ролнинг кечинмаси деб аталади. Бу жараён ва уни ифодаловчи сўз санъатимизда жуда катта, биринчи даражадаги аҳамиятга эгадир.

Кечинма саҳна санъатининг асосий вазифасини бажаришда актёрга ёрдам беради. Вазифа эса ролдаги «инсон руҳининг ҳаётини» яратиш, бу ҳаётни саҳнада бадний ифодалашдан иборатдир.<sup>7</sup>

Кўриб турибсизки, вазифа фақат рол ҳаётининг ташқи кўринишини кўрсатишдан иборат бўлибгина қолмай, энг муҳими, саҳнада гавдалантираётган кишимизнинг ички ҳаётини, бутун пьесанинг ҳаётини яратиш, ўз инсоний туйғуларимизни шу бегона ҳаётга мосламоқ, қалбимизнинг ҳамма органик элементларини унга топширмоқдан ҳам иборатдир.

Буни бир умр эсдан чиқарманг. Ёдингизда бўлсинки, сиз саҳнада кечирадиган ўз ҳаётингизда, ижодингизнинг ҳамма соҳасида санъатимизнинг бирдан-бир ва асосий мақсадига мувофиқ иш тутишингиз лозим. Мана шунинг учун ҳам биз энг аввал яратилган ролимизнинг ички томони ҳақида, яъни унинг ички кечинма

процесси ёрдами билан яратиладиган руҳий ҳаёти тўғрисида бош қотирамиз. Бу ижод қилишнинг биринчи шартидир, бинобарин, артист энг аввал мана шу ҳақда ўйламоғи керак.

Ролга монанд туйғуларини ҳис этмоқ учун артист ҳар сафар, уни такрорлаганда рол ҳаёти билан яшамоғи лозим.

«Ҳар бир улуғ актёр нимани гавдалантираётганини сезмоғи керак ва ҳақиқатан ҳам сезади, – дейди бу оқимнинг энг яхши намояндаси, кекса Томазо Сальвини. – Менинг билишимча, ҳатто бу сезгини рол ўйнаётганда бир-икки мартагина сезиб қолмай, балки биринчи мартаба ўйнаганида ҳам озми-кўпми сезмоғи керак...». Аркадий Николаевич Иван Платоновичдан олган Томазо Сальвинининг мақоласини ўқиб берди (Унинг Кокленга жавоб<sup>8</sup>). Бизнинг театримиз ҳам актёрлик санъатини худди шундай тушунади.

...19 ...й.

Паша Шустов билан бўлиб ўтган узундан-узоқ баҳслашувларнинг таъсири остида қулай пайт топиб Аркадий Николаевичга:

– Қизиқ, агар одамнинг ўзи «сезмаса, бошдан кечирмаса», қандай қилиб уни тўғри сезмоққа ва бошидан кечирмоққа ўргатиб бўлади! – дедим.

– Сиз қандай деб ўйлайсиз: ўзингизни ёки бошқа бир кишини рол ва унинг моҳияти билан қизиқтириш мумкинми? – деб сўради мендан Аркадий Николаевич.

– Гарчи жуда қийин бўлса ҳам, боринги, мумкин дейлик, – деб жавоб бердим.

– Ролнинг қизиқарли ва муҳим мақсадларини белгилаш, унга тўғри ёндашиш, кўнглимизда чинакам интилишлар уйғотиш ва шуларга муносиб хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинми?

– Мумкин, – яна унинг фикрига қўшилдим.

– Қани, бажариб кўринг-чи, фақат шундай шарт биланки, содир бўлаётган воқеага бундай лоқайд, совуқ муносабатда бўлиб, астойдил ва чин юракдан ҳаракат қилиб кўринг-чи. Қўлингиздан келмайди. Сиз, албатта ҳаяжонга тушиб кетасиз, ўзингизни пьесада иштирок этган шахс тушган аҳволда ҳис қиласиз ва ўша шахснинг туйғуларига монанд туйғуларни ўзингиз кечири бошлайсиз. Шу йўсинда ролни бошидан охиригача ишлаб чиқсангиз, саҳнадаги ҳар лаҳза ҳаётингиз ўзига мос туйғуларни келти-



риб чиқарган бўлади. Мана шундай қатор лаҳзалар ролнинг уз-  
луксиз кечинмалар йўлини ва ундаги «инсон руҳининг ҳаётини»  
яратади.

Артистнинг саҳнадаги худди мана шундай чинакам шароит-  
да кечган онгли ҳолати туйғуларни ҳаммадан кўра кўпроқ  
ҳаяжонга солади, озми-кўпми беихтиёр ижод учун ва илҳомимиз-  
ни жўш урмоғи учун қулай замин тайёрлайди.

– Ҳамма айтилган гаплардан менинг тушунганим шу бўлдики,  
санъатимизни ўрганишимиз кечинма санъатнинг психотехникаси-  
ни ўзгартиришдан иборат экан. Кечинма санъат эса, ижодимиз-  
нинг асосий мақсади ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаёти»ни яратиш-  
га ёрдам берар экан. – деган хулоса чиқармоқчи бўлди Шустов.

– Санъатимизни мақсади ёлғиз ролдаги «инсонни руҳий ҳаёти»ни  
яратиб беришдан иборат бўлибгина қолмай, балки бадний шаклда  
унинг ташқи кўринишини ҳам етказиб беришдир. – деди. Шустовни  
тузатиб Торцов. – Бинобарин, актёр ролнинг фақат ички кечинмалар-  
ринигина ўз бошидан кечирибгина қолмай, ўша кечинмаларнинг та-  
шқи кўринишини ҳам гавдалантирмоғи лозим. Мана шу ерига диқ-  
қат қилинлар: ролнинг ташқи кўринишини гавдалантириш ички ке-  
чинмаларга боғлиқ бўлиши, айниқса, бизнинг санъатимизда кучли-  
дир. Кўпинча ғоятда нозик, беихтиёр ҳаётни акс эттирмоқ учун ниҳо-  
ятда яхши ва аъло овозга ҳамда гавда аппаратига эга бўлмоқ лозим.  
Овоз ва гавдамиз нозик, сезиларсиз ички туйғуларимизни ғоятда сез-  
гирлик ва самимият билан тез, аниқ кўрсата билиши керак. Мана  
шунинг учун бизнинг услубимизга мансуб бўлган артист фақат ке-  
чинма процессини яратувчи ички аппарати ҳақидагина қайгурмай,  
балки, туйғуларимизнинг ижодий иши натижасини, яъни унинг та-  
шқи, кўринишида мужассамлашган шаклини тўғри акс эттирадиган  
ташқи аппарати, гавдаси устида кўпроқ қайгурмоғи керак.

Бу ишга беихтиёр ижод ўзининг катта таъсирини кўрсатади.  
Образни гавдалантириш соҳасида аъло даражадаги актёрлик  
техникаси гарчанд ўзига биринчиликни даъво қилса ҳам беихти-  
ёр ижод билан тенглаша олмайди.

Мен кейинги ўтган икки дарсимизда кечинма санъатимизнинг  
умумий хусусиятларини айтиб ўтдим. – деб сўзини тамом қилди  
Аркадий Николаевич.

Артист ҳаётгий кечинмалари билан тўлиб-тошгандагина рол-  
нинг сезиларсиз, нозик ерларини ва унинг бутун ички дунёсини  
бадний тўла-тўқис ифодадай олишини тажрибадан биламиз ва

бунга ишонамиз. Фақат шундай санъатгина томошабинни ўзига тўла жалб қилишига, шунчаки тушунибгина қолмай, энг муҳими, саҳнада содир бўлаётган ҳамма воқеаларни ўз бошидан кечиришига мажбур қилади, унинг ҳаёти ҳақидаги тушунчаларини бойитади, қалбида умрбод йўқолмайдиган излар қолдиради.

Бундан ташқари, энг муҳими, бизнинг санъатимиз таянган ижод асослари ва органик табиат қонунлари артистларни майиб бўлишдан сақлаб қолади.

Сизларга қайси театрда ва қандай режиссёрлар билан ишлашга тўғри келишини ким билади дейсиз? Ҳамма ерда ҳам табиат талабига қулоқ солган ҳолда раҳбарлик қиладилар деб бўлмайди. Кўпинча табиат талаблари устидан кўпол равишда зўравонлик қиладилар, бу эса ҳамма вақт артистни майиб бўлишига олиб келади. Агар сиз ҳақиқий санъат ва ижод қилиш моҳиятининг органик қонунларини тўла-тўкис билиб олсангиз, адашиб кетмайсиз, ўз хатоларингизни яхши тушунасиз ва уларни тузатишга қурбингиз етади. Кечинма санъати бериши мумкин бўлган артистлик табиатининг етакчи қонунларисиз адашиб кетасиз, эсанкираб қоласиз ва андозангизни йўқотиб қўясиз. Мана шу сабабдан мен ҳамма артистлар учун, улар қайси оқимга мансуб бўлишларидан қатъи назар, кечинма санъатимизнинг асосларини ўрганишлари зарур деб ҳисоблайман.

– Жуда тўғри, бутун қалбим билан интилган нарсам ҳам шу эди, – дедим хурсанд бўлиб, – синов спектаклида, қисман бўлса ҳам, кечинма санъатимизнинг асосий талабини бажаролмаганимдан жуда хурсандман.

– Ҳалигдан хурсанд бўлманг, – деб ҳовуримни босиб қўйди Торцов. – Акс ҳолда мутлақо ихлосингиз қайтганини ҳам татиб кўришга тўғри келади. Ҳақиқий кечинма санъатини синов спектаклида кўрсатганларингиз билан аралаштириб юборманг.

– Бўлмаса мен нимани кўрсатувдим? – деб сўрадим ҳукмни кутиб турган жиноятчи каби.

– Сиз ўйнаган катта бир парчада фақат бир неча бахтли дақиқаларгина бўлди, улар сизни кечинма санъатига яқинлаштирди, деб айтган эдим. Мен ҳамма ўқувчиларга санъатимиз оқимининг асосларини тушунтиришда сизнинг мисолингиздан фойдаландим, холос. Отелло билан Ягонинг бутун саҳнасига келсак, уни мутлақо кечинма санъати деб бўлмайди.

– Нима деб атаса бўлади? – дедим, бутунлай гангиб.

– Бу ижрода, – давом этди Торцов, – ролнинг баъзи бир ерлари бирданига, тўсатдан юксак бадиий чўққига кўтарилиб, томошабинларни ҳаяжонлантириб юборди. Мана шундай лаҳзаларда артист импровизация усулидан илҳомланиб ижод қила бошлайди. Кўрикда «Қон, Яго, қон!» саҳнасини тасодифан кўтаринки руҳ билан ўйнаганингиздек «Отелло»нинг бутун бошли бешта катта-катта пардасини ана шундай кўтаринки руҳ билан ўйнашга ўзингизни ҳам руҳий, ҳам жисмоний қодир ҳис қиласизми?

– Билмасам...

– Эҳтимол, мен билсам керак. бундай вазифани жуда зўр темпераментга ва шунга яраша жисмоний кучга эга бўлган артист ҳам бажаролмайди! – деб менинг ўрнимга жавоб берди Аркадий Николаевич. – Табиатимизга ёрдам бермоқ учун янада такомиллашган психотехника керак. Лекин сиз ҳали буларни ҳаммасига эга эмассиз, бу иш юракдан ўйнайдиган, техникани тан олмайдиган артистларнинг ҳам қўлидан келмайди. Улар ҳам сизга ўхшаб ёлғиз илҳомга ишонадилар. Борди-ю, илҳом келмай қолса, улар ҳам, сиз ҳам рол ва ўйинингизнинг бўш ерларини нима билан тўлдиришни билмай қоласизлар, натижада рол ижросида асабий тушкунлик, бутунлай бадиий ожизлик, юракдан ўйновчи артистларнинг ўйини каби ўз ҳаётийлигини йўқотади, ғайритабиийлашади, зўрма-зўраки бўлади. Шундай қилиб, ролнинг кўтаринки ерлари сохталик билан навбатма-навбат алмашади ва оқсоқланиб кетаверади. Ролни шу йўсинда ижро қилиш актёрлик тилида юракдан ўйнаш дейилади.

Аркадий Николаевичнинг танқиди менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Мени хафа қилибгина қўймай, ҳатто қўрқитиб юборди. Мен руҳий тушкунликка тушдим, Торцовнинг кейинги гапларни қулоғимга кирмади ҳам.

...19 ...й.

Бугун ҳам кўрикдаги ўйинимиз тўғрисида Аркадий Николаевичнинг мулоҳазаларини эшитдик.

У синфга кириши билан. Паша Шустовга мурожаат қилди:

– Сиз ҳам синов спектаклида ҳақиқий санъатнинг бир неча ажойиб моментларини намоён қилдингиз, лекин қизиғи шундаки, бу кечинма санъат эмас, балки тақлидий санъатдир.

– Тақлидий! – жуда ҳайрон бўлди Шустов.  
– Бу қандай санъат? – сўрашди ўқувчилар.  
– Бу санъатнинг иккинчи оқимидир, бунинг маъносини кўрик спектаклида бизга бир неча мувафаққиятли моментларни кўрсатган ўртоғингиз айтиб бера қолсин.

– Шустов! Яго ролини қандай яратганингизнибир эсланг-чи, – деб тақлиф қилди Торцов.

– Санъатимиз техникаси тўғрисида тоғамдан баъзи бир нарсаларни билиб олганим учун тўғридан-тўғри ролнинг ички мазмунига кириб бордим ва узоқ вақт унинг маъносига тушунмоқчи бўлдим, – деб ваз кўрсата бошлади Шустов.

– Тоғангиз ёрдамлашдими? – суриштирди Аркадий Николаевич.

– Бир оз ёрдамлашди. Мен уйда ҳақиқий кечинма яратишга эришгандим. Баъзи репетицияларда ҳам ролимнинг айрим ерларини сездим. Шунинг учун ҳам гапингизни тушунолмай қолдим. Бунга тақлидий санъатнинг нима даҳли бор, – ўзини оқлашда давом этди Паша.

– Бу санъатда ҳам артист ролни ўз бошидан кечиради, бундай ҳодиса баъзан уйда ёки репетицияларда рўй беради. Асосий процесс – кечинманинг мавжудлиги, бу иккинчи оқимни ҳам ҳақиқий санъат деб аташга имкон беради.

– Бу оқимда рол қай йўсинда ҳис этилади? Бизнинг оқимдаги кабими? – деб савол бердим мен.

– Мутлақ шу йўсинда, аммо бу оқимнинг мақсади бошқа, санъатимиздаги каби рол ҳам ҳар сафар ҳис этилади. Лекин ролни фақат бир ёки бир неча мартаба ҳис этиб, туйғуларнинг табиий пайдо бўлишидаги ташқи шаклни билиб олгандан кейин, ўргатилган мускуллар ёрдами билан бу шаклни механик равишда қайтара бериш ҳам мумкин. Бу – ролга тақлид қилиш, деб аталади.

Шундай қилиб, санъатнинг бу оқимидаги кечинма процессни ижод қилишнинг асосий моменти бўлмай, балки кейинги артистлик меҳнати босқичлардан бири ҳисобланади, холос. Бу меҳнат яратилган сахна образининг ички мазмунини яққол кўрсатиб берувчи ташқи бадиий шаклни излашдан иборатдир. Шундай изланиш вақтида артист ҳаммадан бурун ўз-ўзига мурожаат қилади ва ўзи гавдалантираётган шахсни чинакам ҳис қилишга – унинг ҳаётини ўз бошидан кечиришга интилади. Лекин, яна қай-

тараман, артист буни спектаклда, томошабинлар олдида қилмайди, буни ўз уйида ёки репетицияда қилади.

– Шустов буни синов спектаклида қилди-ку! Демак бу кечинма санъат бўлган экан-да, – деб Шустовнинг ёнини олдим.

Кимдир Пашанинг нотўғри ўйнаган ролида санъатимизга мансуб бўлган чинакам кечинманинг бир қанча моментлари ҳам бўлди-ку, деб менинг гапимни қувватлади.

– Йўқ, – эътироз билдирди Аркадий Николаевич. – Бизнинг кечинма санъатимизда рол ижросининг ҳар бир моменти ҳар сафар янгидан ҳис этилиши ва янгидан гавдаланиши лозим.

Санъатимизда кўп нарсаларга, гарчи улар қатъий белгиланган бўлса ҳам, импровизация тарзида ёндашилади. Бу хил ижод артистнинг ижросига янгилик ва самимийлик бағишлайди. Бу ҳолат Названов ижросининг бир неча муваффақиятли чиққан моменларида кўринди. Аммо Шустовда ролни ҳис қилишдаги бундай янгилик ва импровизация сезилмади. У аксинча, бир неча ерда ўз ижросининг аниқлиги ва артистларга хослиги билан менинг завқимни келтирди. Лекин... унинг бутун ўйинида совуқлик сезилиб турди. Ундаги импровизацияга ўрин қолдирмайдиган ва ўйинни янгиликдан, самимийликдан маҳрум қиладиган узил-кесил ижро шакли мени шубҳага солиб қўйди: аслидан кўчирилган нусха усталик билан қайтарилганганини сезиб турдим. Асл нусхасининг яхшилиги ва тўғрилиги ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаёти» жонли бўлганлигидан гувоҳлик беради. Аллақачонлар ҳис этилган кечинма процессининг излари туфайли ўйинингиз, баъзи тақлидий моментларингиз ҳақиқий санъатдек бўлиб туюлди.

– Менда, Шустовнинг туғишган жиянида тақлидий санъат қаердан бўлиши мумкин?!

– Қани текшириб кўрайлик-чи. Аввало Яго роли устида қандай ишлаганингизни сўзлаб берсангиз, – деб таклиф қилди Торцов.

– Кечинманинг ташқи кўринишимда қандай ифодаланаётганини текшириб кўрмоқ учун кўзгуга қарадим, – деб эслай бошлади Паша.

– Бу хавфли, лекин тақлидий санъат учун жуда мос йўл. Эсингизда бўлсин, кўзгудан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланмоқ керак. Кўзгу артистнинг ички дунёсини эмас, балки ташқи қиёфасини кўришга ўргатади.

– Шундай бўлишига қарамай, кўзгу туйғуларим қай йўсинда ифодаланаётганини кўришга ва тушунишга озми-кўпми ёрдам қилди-ку! – деб Паша ўзини оқлай бошлади.

– Ўз туйғуларингизними ёки ролнинг ясама туйғулариними?

– Яго учун керак бўлган туйғуларимни.

– Шундай қилиб, кўзгуга қараб ишлаганингизда сизни қизиқтирган нарса ташқи кўринишингизни ўзи ҳам эмас, ҳаракатларингиз ҳам эмас, балки кечираётган ички туйғуларингизнинг жисмоний акс этиши, ролдаги «инсон руҳий ҳаёти»нинг акс этиши бўлган экан-да, – деб сўради Аркадий Николаевич.

– Ҳа, худди ўзи!

– Бу ҳам тақлидий санъатга хос бўлган усул. Чунки у ҳам, санъат бўлгани учун унга ролнинг фақат ташқи қиёфасигина эмас, балки энг муҳими «инсон руҳий ҳаёти»ни, унинг ички ҳаракатини кўрсатиб берувчи саҳна шакли керак бўлади.

– Ҳис этаётган нарсаларимни тўғри акс этаётганини кўриб, баъзи ўринларда ўзимдан мамнун бўлганим хотирамда – деб, Паша ролини эслашда давом этди.

– Хўш, ана шу ҳисларингизнинг ифодаланиш усуллари аниқлаб олдингизми?

– Кўп қайтариш натижасида улар ўз-ўзидан мустаҳкамланиб қолди.

– Натижада ролингизнинг муваффақиятли чиққан ерлари учун саҳнада ўйнашнинг аниқ ташқи шакли тайёр бўлди, сиз уларни гавдалантириш техникасини яхши эгаллаб олдингизми?

– Шундай бўлса керак.

– Сиз ҳар гал уйингиз ёки репетицияларда ролни қайтарган вақтингизда, ана шу тайёр шаклдан фойдаландингизми? – сўроқ қилди Аркадий Николаевич.

– Ҳа, одатланиб қолганимдан бўлса керак. – иқрор бўлди Паша.

– Менга яна шуни айтинг-чи, бу мустаҳкамланган шакл ҳар гал ички кечинмалар натижасида ўзидан-ўзи пайдо бўлармиди ёки бир марта содир бўлиб, умрбод қотиб қолганча, туйғуларингиз иштирокчисиз механик равишда қайтарилармиди?

– Назаримда ролимни ҳар гал ҳис этаётганга ўхшардим.

– Йўқ, бу кўрикда томошабинларга бориб етмади. Сиз нима қилган бўлсангиз, тақлидий санъатда ҳам шундай қиладилар: ролни ички ҳаётини кўрсатиб берувчи кишининг ташқи хусусиятларини

ўзида сезишга ва қўзғатишга уринадилар, артист бу кечинмаларнинг ҳар бирига хос бўлган энг яхши формани бир марта яратиб олиб буларни ҳамма вақт томошабин олдида ўз туйғуларининг иштирокисиз – механик равишда табиий қилиб кўрсатишга уринади. Бунга гавдаси, ўргатилган мускуллари, юзи, овози, интонация, юксак техника ва санъатнинг барча усуллари ва беҳисоб қайтаришлар орқали эршилади. Бу хилдаги тақлидий санъат артистларида мускуллар хотираси жуда тараққий этган бўлади.

Ролни механик равишда ўйнашга одатланиб қолган артист ўз ишини асаб ва қалб кучини сарфламай қайтара беради. Бу эса сахнадаги ижод даврида кераксизгина бўлиб қолмай, балки зарар ҳам келтиради, чунки ҳар қандай ҳаяжон артистни эсанкиратиб қўяди, ролнинг ўйнаш учун аниқлаб олинган шаклини ва йўлини бузиб юборади. Шаклнинг ноаниқлиги ва рол ўйнашдаги қатъиятсизлик томошабиннинг таассуротига путур етказди. Айтганларимнинг ҳаммаси озми-кўпми сиз ўйнаган Ягонинг баъзи бир жойларига тегишли.

Қани, рол устиди ишлаганингизда нималар содир бўлганини эслаб кўринг-чи.

– Ролнинг бошқа ерлари ва Яго образининг ўзи ҳам мени қаноатлантирмади. Мен кўзгуда кўрганимдан кейин бунга янада қаттиқроқ ишондим. – Эслай бошлади Шустов. – Ўз хотирамда Ягога мос келувчи нусхани ахтара бошладим, шу топда бир танишим эсимга тушиб қолди, гарчи ўша танишим мен ўйнамоқчи бўлган ролга алоқадор бўлмаса ҳам, назаримда айёрлик, жоҳиллик ва маккорликнинг намунаси бўлиб кўринди.

– Сиз ўша одамга тақлид қилиб, ўзингизни ўша одамга мослай бошлагингизми?

– Ҳа.

– Ўша элаган нусхангизни нима қилдингиз?

– Ростини айтсам, мен ўша танишимнинг ташқи қиёфасини тўғридан-тўғри кўчириб олдим. – деб иқрор бўлди Паша. – Назаримда, у ҳамма вақт ёнимда ҳозирдек: юрар, бир жойда турар, ўтирар эди, мен эсам унга кўз қиримни ташлаб, ҳаракатларини қайтарардим.

– Бу билан сиз жуда катта хато қилгансиз. Сиз ўша пайтда тақлидий санъатга хиёнат қилиб, тўғридан-тўғри оддий кўчирмага, ижодга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тақлидга, сохталик йўлига ўтгансиз.

– Ташқаридан келган ва тасодифан топилган образни Яго ро-  
лига сингдирмоқ учун нима қилишим керак эди?

– Сиз бу янги материални психик аппаратингиздан ўтказмо-  
фингиз, кечинма санъатида қилинганидек, ўз хаёлингиз, ўз тасав-  
вурингиз билан бойитмоғингиз ва жонлантirmoғингиз лозим эди.

Материал жонланиб, ўзингизга сингиб кетганидан кейин, рол-  
нинг образи хаёлингизда яратиб бўлгандагина, сиз янги ишни бош-  
лашингиз керак эди, бу тўғрида тақлидий санъатнинг энг яхши  
намояндаларидан бири – машҳур француз артисти Коклен (ака-  
си) жуда образли гапирган.

Актёр тасаввурда ўзига нусха яратади, сўнг «рассом синга-  
ри унинг турли хусусиятини олиб, уларни қоғозга эмас, балки  
ўзига кўчиради...» – деб ўқиб берди Аркадий Николаевич Кок-  
леннинг Иван Платонович узатган китобчасидан. – «У Тартюф-  
нинг эғнида бирорта кийимни кўради-да, уни дарров кийиб, уни-  
кига ўхшатиб юра бошлайди; афт-башарадаги хусусиятларни  
ҳам кўчириб олади. Бу беғараз танқидчи Тартюф билан ўзи ўрта-  
сида ижобий ўхшашликни топмагунча, терисини бичаверади, қир-  
қаверади. Ҳали бу ҳам ҳаммаси эмас: бу ҳали ўша ахтарган тип-  
нинг ўзгинаси бўлмай, фақат унинг ташқи нусхасидир, гавда-  
лантirmoқчи бўлган шахснинг ташқи монандлигидир. Бунинг  
устига актёр Тартюфнинг овози билан гапirmoғи, ролнинг бутун  
йўлини аниқлаб олмоқ учун Тартюф сингари юрмоғи, ҳаракат,  
имо-ишора қилмоғи, эшитмоғи, ўйламоғи, Тартюфнинг юраги-  
ни ўз қалбига жойлаб олмоғи керак. Фақат шундан кейингина  
портрет тайёр бўлади, уни рамкага солгандек саҳнага қўйса бўла-  
ди, шунда томошабин: «Мана бу Тартюф...» ё бўлмаса «актёр  
ёмон ишлаган», дейди.<sup>9</sup>

– Ахир, бу ғоятда мураккаб ва жуда қийин иш-ку! – дедим мен  
ташвишланиб.

– Ҳа. Бунга Кокленнинг ўзи ҳам иқрор бўлади. Унинг айти-  
шича: «актёр яшамайди, балки ўйнайди. У ўз ўйинининг мазму-  
нига лоқайд муносабатда бўлиб қолади, лекин унинг санъати ка-  
молотга етган бўлиши шарт».

– Ҳақиқатдан ҳам, – илова қилди Торцов, – тақлидий санъат  
– санъат бўлиши учун камолотни талаб қилади.

– Табиатимизга, табиий ижодга ва ҳақиқий кечинмага ишо-  
ниб, ўзимизни шу санъатга бағишлаганимиз осонроқ эмасми? –  
деб ўсмоқчиладим.



– Бунга Коклен комил ишонч билан бундай дейди: «Санъат бу ҳақиқий ҳаёт эмас, ҳатто унинг акси ҳам эмас. Санъат ўзича яратувчидир. У ўзининг замон ва макондан ажралган шахсий ҳаётини яратади. Бу ҳаёт эса мавҳумлиги билан гўзалдир».

– Биз ҳақиқий санъаткорлар – ижодий табиатимизнинг шаънига қарши айтилган бу кўр-кўрона даъвога қўшилмаймиз, албатта.

– Наҳотки, улар ўз техникасини табиатдан ҳам устун туради, деб астойидил ишонадилар? – дедим ўзимни тута олмай.

– Улар барқарор ҳаётдан ҳам яхшироқ ҳаёт яратаётганларига ҳам ишонадилар. Улар биз билган реал инсоний ҳаётни эмас, бошқача саҳна учун пардозланган ҳаётни яратадилар.

Мана шунинг учун ҳам тақлидий санъатга мансуб бўлган артистлар ролни, фақат ишнинг бошланиш пайтида, репетиция даврида тўғри, инсонга хос қилиб бошдан кечирадилар, кейин саҳнада, ижод қилиш пайтида аввалдан белгилаб қўйилган шартли кечинмага ўтадилар. Буни оқлаш учун шундай баҳоналарни ҳам топиб қўйишган: театр ва унинг томошаси шартлидир. Саҳна ҳақиқий ҳаётни гавдалантириш воситаларига ҳаддан ташқари камбағал: шунинг учун ҳам бу шартли воситалардан қўл силтамай, аксинча, уларни севмоғи лозим.

Бундай ижод гўзал, лекин мазмундор эмас, у кучли бўлишдан кўра кўпроқ жозибадордир; унда мазмунга нисбатан шакл қизиқроқдир, бундай ижод юракка эмас, кўпроқ кўз билан қулоққа таъсир қилади. бинобарин, ҳаяжонга солишдан кўра кўпроқ кишини завқлантиради.

Тўғри, бу санъат томошабинда кучли таассурот қолдира олади. Воқеа кўз ўнгингда бўлиб турганида ўзига маҳлиё қилади, ҳатто гўзал хотиралар учун асос ҳам яратади, лекин бундай таассуротлар кўнгилни иситадиган ва унга чуқур таъсир қила оладиган таассуротлар бўлмайди. Бундай санъатнинг таъсири ўткир бўлгани билан умри қисқа бўлади. Унга ишонишдан кўра кўпроқ таажжубланасан киши. Шунинг учун бу санъат катта кучга эга эмас.

Унинг кучи ҳайратда қолдиришга ва саҳнада ҳамма нарсани чиройли қилиб кўрсатишгагина етади, холос. Чуқур ҳисларни ифодалаш учун эса унинг воситалари ёки ҳаддан ташқари серҳашам ёки ҳаддан ташқари юзакидир, нозик ва чуқур инсоний туйғулар техник усулларга бўйсунмайди. Бу сезгилар таби-

ий кечинма ва уни гавдалантириш пайтида табиатимиз ёрдами-га муҳтождир. Лекин шунга қарамай, чинакам кечинма процесси ёрдами билан ролни тақлид қилишни ижод, санъат деб атаса бўлади.<sup>10</sup>

...19 ..й.

Бугун дарсида Говорков, мен тақлидий санъат артистиман, бу санъатнинг асослари менинг кўнглимга яқин, менинг артистлик туйғуларим, худди шуларни истайди, шуларга мен сиғинаман, менинг ижод ҳақидаги тушунчам ҳам худди шундай. бошқача бўлиши мумкин эмас деб, бизни зўр бериб ишонтира кетди. Аркадий Николаевич унинг бу сўзларига ишонмади ҳамда тақлидий санъатда кечинманинг зарурлигини унга эслатиб ўтди. Говорков бу жараёни саҳнадаги иш даврида эмас, ҳатто уйда ҳам қўллашни гапирди. Лекин у саҳнада қилган ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳамма вақт кучли ва астойдил ҳис қилишини ҳам айтди.

– Киши ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида бирор нарсани сезади, бошидан кечиради, – деди Аркадий Николаевич, – агар у ҳеч нарсани сезмаса, мурда ҳисобланади. Ахир, фақат ўликларгина ҳеч нарсани сезмайдилар-да. Саҳнада нималарни бошингиздан кечираётганингиз муҳим: рол ҳаётига ўхшаган сезгиларингизми ёки бутунлай бошқа – ролга алоқаси бўлмаган сезгиларми?

Баъзан катта тажрибали актёрлар ҳам уйларида ишлаб, рол учун, санъат учун муҳим ва алоқаси бўлмаган сезгиларни саҳнага олиб чиқадилар. Сизлар билан ҳам худди шундай ҳодиса юз берди. Баъзилар спектаклда ўз овозини, оҳангдор интонациясини, рол ўйнаш техникасини кўрсатган бўлса, яна бошқалар ажойиб юришлар, рақснамо сакрашлар, ошириб ўйнаш, чиройли имо-ишоралар ва вазиятлар билан залда ўтирганларнинг кўнглини овламоқчи бўлишди: қисқаси, ўйнаётган роллари учун мутлақо керак бўлмаган нарсаларни саҳнага олиб чиқишди.

Говорков, сиз ҳам ролингизнинг ички мазмунига, кечинмаларига тақлид қилиш орқали киришмай, мутлақо бошқа томондан киришсангиз, бунинг устига ўзингиз санъатда нимадир яратиб қўйдим деб, ўйласангиз керак. Тасвирланувчи шахсининг туйғуларига ўхшаш жонли туйғулар йўқ жойда, чинакам ижод ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун ўзингизни алдаманг-да, яхшиси ҳақиқий санъат қаерда бошланиши ва қаерда тамом бўлишини чуқурроқ тушуниб олишга ҳаракат қилинг. Шундагина ўйинингизнинг санъатга алоқаси йўқлигига ишонасиз.

– Бўлмаса менинг ўйинимни нима деса бўлади?

– Ҳунар. Ростини айтганда, бу рол тузуккина ишланиб, дурустгина баён қилиш усулига эга бўлган шартли тасвирлаш ҳунари.

Говорков бошлаган узундан-узоқ баҳсни қолдириб, тўғридан-тўғри ҳақиқий санъатни ҳунардан ажратиб турган чегаралари ҳақидаги Торцовнинг айтган сўзларига қайтаман.

– Кечинмасиз ҳақиқий санъат бўлмайди. Бинобарин, туйғу ўз ҳуқуқига эга бўлган жойдагина санъат бошланади.

– Ҳунар-чи? – деб сўради Говорков.

– Ҳунар, ўз навбатида, ижодий кечинма тугаган ердан ёки ролнинг хулосасини тасвирлашдан бошланади.

Кечинма санъатида ҳам, тақлидий санъатда ҳам кечинма процесси муқаррар, ҳунарда эса, унинг кераги йўқ, бўлганда ҳам тасодифий ҳолдир. Ҳунарманд-актёрлар ҳар бир ролни алоҳида ярата олмайдилар. Улар кечинмани ҳам, ҳиссиётларини ҳам табиий гавдалантиролмайдилар. Ҳунарманд актёрлар ҳеч қандай ташаббус кўрсатмай, рол матнини баён қиладилар, холос. Бу баён қилишини ҳам саҳна ўйинининг доимий қолипига солиб оладилар. Бу ҳунарнинг вазифасини жуда енгил-елпи қилиб қўяди.

– Бу енгил-елпилик нимадан иборат? – деб сўрадим.

– Сиз буни актёрлик штамплари деб аталган ҳунармандларча ўйнаш усуларини қаердан келиб қолганини ва қандай пайдо бўлганини билганингиздан кейин яхшироқ тушуниб оласиз. Уларнинг келиб чиқиши ва ўрнашиб қолиши мана бундай бўлган:

Ролнинг туйғуларин кўрсатмоқ учун, уларни, албатта билиб олиш лозим, билиб олиш учун эса шунга ўхшаган туйғуларни актёр ўз бошидан кечириши керак. Туйғунинг ўзини тақлид қилиб бўлмайди, уларнинг фақат ташқи кўриниши натижаларининггина, ясаб олиш мумкин. Лекин ҳунарманд-актёрлар рол кечинмасини билмайдилар, бинобарин, улар ҳеч қачон бу ижодий процесснинг ташқи натижаларини ҳам билмайдилар.

Нима қилмоқ керак? Ички туйғуларсиз уларнинг ташқи шаклини қандай қилиб топиб бўлади? Овоз ва ҳаракатлар билан ўзи бўлмаган кечинманинг ташқи кўринишини қандай кўрсатиш мум-

кин? Турган гап, юзаки, шартли ва ошириб ўйнашдан бошқа илож қолмайди. Бу ролнинг бегона туйғуларини жуда бачкана, расмий равишда юзаки тасвирлашдир. Чунки рол ижро этаётган актёрнинг ўзи бу туйғуларни кечирмаган, яхши билиб, ўрганиб олмаган. Бу – ролни юзаки тақлид қилишдир.

Ўнараманд актёр мимика, овоз, ҳаракатлар ёрдами билан саҳнадан томошабинларга гўё ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаёти»-ни тасвирловчи ташқи штампларни, ўзи бўлмаган туйғуларнинг жонсиз ниқобини тортиқ қилади, холос. Бу йўсинда ошириб ўйнаш учун турли-туман ташқи тасвирлаш усуллари ишлаб чиқилган. Гўё уларнинг ёрдами билан саҳнада учрайдиган ҳар хил туйғуларни ифодалаш мумкин эмиш. Ўнараманд актёрларнинг ўйинида сезги эмас, балки фақат тахминий сезги ва унинг ташқи натижаларига кулгили тақлид қилиш бор, холос; руҳий мазмун йўқ, балки гўё уни ифодаловчи ташқи усулгина бор.

Бу бир қолипга туширилган ўйин услубларининг баъзи бирлари биздан илгари яшаган актёрлардан қолган ҳунар анъанасидир, масалан: севги изҳор қилмоқчи бўлганда қўлини кўксига қўйиб кўрсатиш ёки ўлимни тасвирлаш олдида ёқавайрон қилиш. Бошқа бир турлари эса талантили замондош актёрлардан кўчирилиб олинади (фожиали моментларда кафтнинг орқа томони билан пешонани артиш, Вера Федоровна Комиссаржевская худди шундай қилар эди), учинчи ўйин услубини эса актёрларнинг ўзлари ўйлаб топадилар.

Ролни баён қилиш, яъни овоз, дикция ва сўзни ўйнатиб гапирининг ҳунарамандларга хос алоҳида йўллари бор (ролнинг кучли ерлари келганда овозни титратиш, алоҳида декламацияга хос овоз билан сўзлаш ёки жўртгага товушни пасайтириш). Саҳнада (ҳунараманд актёрлар тўғри юрмайдилар, балки театр саҳнасида ғоз сингари қадам ташлайдилар) юриш-туришнинг, хатти-ҳаракатнинг, пластиканинг, ташқи ўйин ҳаракатларининг алоҳида усуллари бор (бу айниқса ҳунараманд актёрларда кучли бўлади, уларнинг бу ҳаракати асл гўзалликни эмас, чиройли кўринишни ифодалайди).

Инсоннинг турли-туман туйғу ва эҳтиросларини кўрсатувчи усуллар ҳам бор (Названов сингари рашкни ўйнаган вақтда тишларини ғижирлатиш, кўзни олайтириш, йиғлашнинг ўрнига юз-кўзни қўл билан бекитиб олиш, умидсизликка тушганда сочларни тутамлаш). Жамиятдаги ҳар хил гуруҳларга мансуб бўлган

образ ва типларнинг қилиқларига тақлид қилувчи усуллар ҳам бор (деҳқонлар полга тупурадилар, бурунларини этаклари билан артадилар, ҳарбийлар шпорларини бир-бирига урадилар, оқ-суяклар кўзойнақларини ўйнайдилар); ҳар бир замоннинг ўзига хос қилиқлари бор (ўрта аср учун опера имо-ишоралари, XVIII аср учун эса бедана қадам билан юриш хосдир). Ҳатто бутун пьеса ва ролларни («Ревизор»даги ҳоким ролини) ижро этиш усуллари ҳам бор: томоша залига қараб бутун гавдани эгиш, «Апарт» (залга қараб сўзлаш) вақтида қўлни лабга қўйиб гапириш. Мана шу ҳамма актёрлик одатлари бора-бора анъанага айланиб қолган.

Бир хил қолипга солиб олинган умум актёрлик нутқи илгаридан ҳозирлаб қўйилган ғайритабиий эффектлар билан ролни баён қилиш услуби, саҳнада ғайритабиий юришлар, суратнамо вазиятлар ва имо-ишоралар мана шундай тарзда дунёга келиб қолган.

Саҳнада ўйнашнинг тайёр механик услублари ҳунарманд актёрларнинг ўргатилган мускуллари орқали осонгина бажарила қолади, улар ҳатто бунга одатланиб қоладилар, шуларсиз саҳнада яшай олмайдилар, бу ўйин услублари саҳнада ҳақиқий инсон табиати ўрнини эгаллаб олади.

Бу қолипга солинган сезги ниқоблари тез орада сийқаланиб, ҳаётга жиндаккина ўхшашлигини ҳам йўқотади ва оддий актёрлик штампига айланиб, бачканалашади ёки шартли ташқи белгиларга айланиб қолади. Ҳар бир ролни ўйнаш учун белгилаб олинган қатор шундай штамплар актёрларга расм бўлиб қолади ёки матнни шартли баён қилишни ҳамроҳ қилиб олишдек ёмон одатни келтириб чиқаради. Ҳунарманд актёрлар чинакам жонли ички кечинма ва ижодни мана шу айтилган ташқи ўйин услублари билан алмаштирмақчи бўлдилар. Ҳеч нарса асл туйғуга тенглаша олмайди, туйғу эса ҳунарнинг механик услублари орқали кўрсатишга бўйсунмайди.

Бу штамплардан баъзи бирлари таъсир қилиш қобилиятига ҳам эга, лекин уларнинг жуда кўпи ўз бачканалиги билан, инсон туйғуларини тушунмаслиги, уларга дағал муносабатда бўлиши ёки, тўғрироғи, аҳмоқоналиги билан инсон туйғуларини таҳқирлайди.

Аммо вақт ўтиши билан аерлар давомнда пайдо бўлган одатлар, бу ярамас, хунук, бемаъни қилиқларни бир-бирига яқин ва

туғишган қилиб қўяди (масалан, йиллар давомида одатга айланаб қолган оперетта комикларининг ва ўзини ёш кўрсатувчи кампирларнинг масхарабозлиги, пьесанинг қаҳрамони ёки гастролёр артист саҳнага кирганида ёки чиққанида, ўз-ўзидан очилиб-ёпудувчи саҳна павильонларининг эшиклари театр ҳаётида табиий бир ҳол деб ҳисобланади).

Мана шунинг учун ҳам ғайритабиий штамплар ҳунар бўлиб қолган: баъзи бир штамплар шу қадар ўзгариб кетганки, уларни қачон ва қаерда пайдо бўлганини ахтариб тополмайсан, киши.

Бир вақтлар пайдо бўлиб, эндиликда моҳиятини йўқотган актёрлик услуги ҳақиқий ҳаётга мутлақо алоқаси бўлмаган оддий саҳна қонун-қоидасига айланиб қолган, шунинг учун ҳам у артистнинг инсоний табиатини бузиб кўрсатади. Балет, опера ва айниқса, сохта классик трагедиялар бундай шартли штамплар билан тўлиб тошган. Уларда мана шу хилдаги қолипга солинган ҳунар услублари воситаси билан пьеса қаҳрамонларининг мураккаб ва юксак кечинмаларини кўрсатишга ҳаракат қилинган (масалан, ясама гўзаллик, ҳаддан ташқари чиройли юришлар, аламзада пайти юракни кўкракдан «суғуриб олиш»лар, қасоскор кўлларнинг қалтираши, илғижо учун кўлларининг кўкка кўтарилиши).

Ҳунарманд актёрнинг гапига қараганда, бундай умум актёрлик нутқи ва пластикасининг вазифаси (масалан, ролнинг лирик моментларида овозни ёқимли қилиш, эпик моментларида зерикарли бир оҳангда гапириш, нафратни ифода қилганда товушни дўриллатиш, изтироб чекканда ёлғондакам йиғламоғираб сўзлаш) гўё овозни, дикция ва ҳаракатларни олижаноб қилиш, уларни чиройлироқ кўрсатиш, саҳнавий эффект ва образли ифода таъсирини кучайтиришдан иборат эмиш. Лекин шуниси ачинарлики, олижаноблик кўпинча нотўғри тушунилади, гўзаллик тўғрисидаги тушунча эса равшан эмас, ифодалар дидсиз, бачкана, чунки дунёда бачкана дид яхши дидга нисбатан кўпроқдир. Мана шунинг учун ҳам олижанобликнинг ўрнини такаббурлик, чинакам гўзалликнинг ўрнини сохта гўзаллик ва ифода ўрнини театр эффекти эгаллаб оларди. Ҳақиқатан ҳам актёрнинг шартли нутқи ва дикциясидан тортиб, юриш-гуриши ва имо-ишоралари – ҳаммаси театрни бачканалаштиради, бадийлигига ҳалал беради.

Актёрнинг ҳунармандларга хос нутқи ва пластикаси, кўр-кўроиа эффектга, сохта олижанобликка олиб келади, булардан фақат театрга хос бачкана гўзаллик келиб чиқади.

Шартли штамп кечинманинг ўрнини босолмайди.

Яна шуниси ёмонки, штамп елимдай ёпишқоқ, ажратиб бўлмайди. У актёрнинг ижодига худди зангдай ёпишиб олади. Бир марта ўзига йўл топиб олдимиз, бас, борган сари чуқурроқ ўрнашади ва зўраяди, ролнинг ҳамма ерларини ва актёрнинг бутун ташқи тасвирий аппаратларини эгаллаб олишга уринади. Штамп ролнинг жонли туйғулар билан тўлмаган ҳар қандай бўш ерларини эгаллайди ва у ерга мустаҳкам ўрнашиб олади. Бу ҳам етмагандай, штамп чинакам сезгидан олдин отилиб чиқади ва унинг йўлини тўсиб қўяди. Шунинг учун ҳам актёр штампдан ўзини сақламоғи керак.

Юқорида айтиб ўтганларимиз ҳатто қобилятли, органик ижод қилишга қодир бўлган актёрларга ҳам тааллуқлидир. Ҳунарманд бўлиб қолган актёрларнинг деярли саҳна фаолияти штамплардан усталик билан фойдаланишдан иборатдир. Бу штампларнинг баъзи бирлари чиройли ва қизиқарлидир, ҳатто тажрибасиз томошабин актёрнинг бундай ўйини механик ўйин эканлигини сезмай қолади ҳам.

Бироқ актёрлик штамплари қанчалик мукамал бўлмасин, улар ўзича томошабинни ҳаяжонлантира олмайди. Бунинг учун яна қандайдир ҳаяжонни уйғотувчи қўшимча восита бўлиши керак. Бундай уйғотувчи қўшимча воситалар алоҳида услуб бўлиб, уларни биз актёрлик туйғуси деб атаймиз. Актёрлик туйғуси саҳнада ролни чинакам бадиий кечинма йўли билан тасвирлайдиган ҳақиқий туйғу эмас, у гавда аъзоларини сунъий йўл билан қўзғатишдир. Масалан, муштни қиссак, баданимиз мускулларини сезиларли даражада қисқартиради ёки тез-тез нафас олсак, ўзимизни жуда кучли жисмоний сиқикликка келтирамиз, бу эса кўпинча томоша залида зўр ҳаяжонли темпераментнинг пайдо бўлиши сифатида қабул қилинади. Қалб тўлқинисиз, механик равишда саҳнада у ёқдан бу ёққа чопиб юриш орқали ҳамма ҳаяжонни ифодалаш мумкин. Бу жисмоний қизиққонликка ўхшаш ҳолатни тасвирлайди, холос.

Асабий тоифадаги актёрлар асабларини зўрлаб қўзғатиш орқали актёрлик туйғуларини уйғотадилар; ички мазмунга эга бўлмаган сунъий жисмоний қизиққонлик сингари асаблар билан

бундай ўйнаш, ўз-ўзини сунъий равишда ҳаяжонлантириш но-соғлом жазавани пайдо қилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам биз бади-ий ўйинни эмас, балки ҳаддан ташқари ошириб ўйнашни, бажа-рилаётган ролга мосланган жонли туйғуларни эмас, балки ак-тёрлик туйғусини кўрамиз. Бироқ, бу туйғулар ўз мақсадига эри-шади ва ҳаётий туйғуларга ўхшаб, маълум таассурот қолдира-ди, чунки бадиий савияси паст кишилар бу таассурот сифатини фарқлай олмайдилар, балки унинг қўпол уйдирмасидан қаноат-ландилар. Бу тоифадаги актёрларнинг ўзлари кўпинча ҳақиқий санъат билан шуғулланыпмиз, деб ўйлайдилар, аслида эса улар саҳна ҳунари билан шуғулланувчи оддий ҳунарманд эканлари-ни билмайдилар.<sup>11</sup>

...19 ..й.

Аркадий Николаевич бугунги дарсда кўрик спектакли таҳли-лини давом эттиради. Калтак ҳаммадан кўра кўпроқ бечора Вьюн-цовга тегди. Аркадий Николаевич унинг ўйинини ҳатто ҳунар ҳам деб атамади.

– Бўлмаса нима? – деб гапга аралашдим.

– Бу бачкана қилиқ.

– Менда у нарса йўқмиди? – ҳар эҳтимолга қарши сўрадим мен.

– Бор эди!

– Қаерларида? – қўрқа-писа сўрадим. – Ахир ўзингиз юрак-дан ўйнадинг, деган эдингиз-ку!

– Бу усулдаги ўйин ҳақиқий ижод моментларининг яна бошқа моментлари билан бирлашган йиғиндисидан ташкил топади, деб... тушунтирган эдим-ку.

– Ҳунар ҳам аралашадими? – деган савол оғзимдан чиқиб кетди.

– Ҳунар сизда нима қилсин, у Говорков сингари кишиларда узоқ меҳнат қилиш туфайли пайдо бўлади, бунга сизнинг вақтин-гиз йўқ. Мана шунинг учун ҳам сиз ёввойи одамнинг қилиқлари-ни дилетантларга хос бўлган штамплар билан масҳара қилдин-гиз, бу штампларда ҳеч қандай техника сезилмади. Техника бўлмаса санъатгина эмас, ҳатто ҳунар ҳам бўлмайди.

– Мен эндигина саҳнага қадам қўйган одам бўлсам, менда штамп нима қилсин?



– Мен иккита қизни биламан, улар умрларида театрни ҳам, спектаклни ҳам, репетицияни ҳам кўрмаганлар, лекин шунга қарамай, трагедияни учига чиққан, ярамас штамплар билан ўйнадиларки, асти қўяверинг.

– Демак, менинг ижроим ҳатто ҳунар ҳам эмас, оддий дилетантларча қилиқ экан-да?

– Ҳа, бахтимизга фақат қилиқ, – тасдиқлади Аркадий Николаевич.

– Нега «бахтимиз»га дейсиз?

– Чунки қаттиқ ўрнашиб қолган ҳунарға нисбатан ҳаваскорларга хос бўлган қилиқдан қутулиш осонроқ бўлади. Сиз сингари саҳнага энди қадам қўяётган кишилар, агар қобилиятли бўлсалар, ролни тасодифан ва бир дақиқагина яхши ҳис этиш мумкин, аммо бутун ролни бошидан охиригача бадий шаклда олиб бормайдилар, шунинг учун ҳам улар ҳамма вақт қилиқ қилишга кўчадилар. Бошланғич вақтларда бу қилиқлар беғубор бўлади, лекин бунинг асосида катта ҳавф ётишини унутмаслик керак. Актёрни майиб қилувчи ва унинг табиий қобилиятини бузувчи бу одатлар кенг томир ёймай туриб, уларга қарши курашмоқ лозим. Ҳунар билан оддий қилиқнинг қаердан бошланиб, қаерда тамом бўлишини яхшилаб тушуниб олинг.

– Қаердан бошланади?

– Мен буни сизга тажрибангиз мисолида тушунтирмоқчиман. Сиз ақлли одамсиз, лекин синов спектаклидаги ўйинингизнинг баъзи ерларидан мустасно, қилган ишингиз ақлга сиғмайди. Наҳотки, сиз бир замонлар ўз маданияти билан донг чиқарган Маврларни худди қафасга тушган йиртқичлар деб ўйлайсиз? Сиз тасвирлаган ёввойи одам, ҳатто ўз адыютанги билан осойишта суҳбатлашганида ҳам бақиради, тишларни ғижирлатади, кўзларни ола-кула қилади. Нимага асосланиб сиз ролни бундай талқин қилдингиз?

Қани, бизга тушунтириб беринг-чи, бу номақулчилик қандай содир бўлди? Бунга сабаб адашган одамнинг кўчаси кўп бўлгандай, ижодий йўлга адашиб қолган актёрнинг ҳамқилиғи кўп бўлиши туфайли эмасмикан?

Мен уйда рол устида қандай ишлаганимни, деярли кундалик дафтаримда ёзилганидай қилиб бирма-бир гапириб бердим. Баъзи бир ерларни ҳаракатлар билан кўрсатдим. Яхшироқ тушуниб олишлари учун стулларни ўз уйимдагидек қилиб қўйдим. Баъзи

бир ерларни кўрсатаётганимда Аркадий Николаевич хандон ташлаб куларди.

– Энг ёмон ҳунар мана шу йўсинда пайдо бўлади, – деди у. мен ўйинни тамом қилгач. – Бундай ҳодиса ҳаммадан аввал кучинг етмаган, билмаган ва ҳис қилмаган нарсага қўл урганинг-да рўй беради.

Менимча, сиз кўрик спектаклида томошабинларни ҳайратда қолдиришни ўзингизга асосий мақсад қилиб олгансиз. Нима билан десам экан? Тасвирланган шахсга монанд органик туйғулар билан десаммикан? Лекин туйғулар сизда йўқ эди. Жилла бўлмаса ташқи кўринишга тақлид қилиш учун керак бўлган тўлиқ ва жонли образ ҳам йўқ эди. Нима қилишингиз керак эди? Образнинг хаёлингиздан лип этиб ўтиб кетган бир қилиғини ушлаб олишдан бошқа иложингиз йўқ эди. Ҳар қандай одамда бўлгани каби сизнинг ҳам хаёлингизда ҳаётнинг ҳар бир дақиқасига яраша сақланиб қолган жуда кўп ҳаракатлар бор. Ахир ҳаётдан олган таассуротларимиз хаёлимизда турли шаклларда сақланади ва лозим бўлиб қолса уларни образли ифодага айлантирамиз. Мана шундай шошилиш равишда «умуман» ифода қилганимизда эса унинг воқеликка ўхшаш – ўхшамаслиги ҳақида жуда кам ўйлаймиз, образнинг қандайдир бир томонини енгил-елпи кўрсатиш билангина кифояланиб қўя қоламиз. Турмуш эса бундай образларни гавдалантириш учун андоза ва ташқи тасвирий белгилар ҳам тайёрлаб қўйган. Ҳозир биронгизга «ёввойи одамни умуман тайёргарлик кўрмасдан ўйнаб беринг» десак, аминманки, кўпчилигинингиз кўрикда нима қилган бўлсангиз, худди шундай қилган бўлардингиз, чунки ваҳшийларча юриш, бўкириш, тишларни ғижирлатиш, кўзларни олайтириш, бизнинг хаёлимизда ёввойи одам ҳақидаги сохта тасаввур билан қоришиб кетган.

Ҳар бир одамда рашк, ғазаб, ҳаяжон, шодлик, умидсизланиш ва ҳоказоларни кўрсатадиган шундай «умумий» воситалар бор. Мана шу воситалар одамнинг қачон, қаерда ва қандай шароитда бошидан кечираётганидан қатъи назар, ишлатила беради. Бундай «ўйин» ёки тўғрироғи ошириб ўйнаш ўз юзакилиги билан саҳнада кулгули туюлади: аслида йўқ туйғунинг кучини кўрсатиш учун бўғилгунча бақирадилар, мимикани ошириб юборадилар ва хатти-ҳаракатларнинг ифодасини кучайтирадилар, қўлларини силтайдилар, бошларини сиқадилар ва ҳоказо.

Ўйиннинг мана шу айтилган ҳамма воситалари сизда ҳам бор, лекин бахтимизга, айтарли кўп эмас. Шунинг учун сиз уларни бир соатли иш мобайнида фойдаланганингиздан ҳайрон қолмасак ҳам бўлади. Бундай ошириб ўйнаш услублари ўз-ўзидан пайдо бўлади ва тез жонга тегеди.

Ролнинг ички ҳаётини яратишнинг бунга бутунлай қарама-қарши бўлган чинакам бадиий услублари қийин ва кўп меҳнат натижасида яратилади, лекин саҳнада ҳеч қачон жонга тегмайди. Улар ўзидан-ўзи пайдо бўлиб, янгилиниб туради ва артистни ҳам, томошабинни ҳам ўзига жалб этиб туради. Мана шунинг учун ҳам табиий ўйин услубида ишланган рол тобора такомиллашади, ошириб ўйнаш ва дилетантча қилиқ қилишга асосланган рол эса ҳаётини бўлмай, механик ўйин бўлиб қолади.

Нодон дўст зийрак душмандан хавфли бўлганидек, «умум инсон штамплари» ҳам жуда хавфлидир. Ҳар бир одамда бўлганидек, мана шу штамплар сизда ҳам бор, ҳунар техникаси билан ишлашни билмаганингиз учун сиз улардан фойдаландингиз.

Биобарин, қилиқ қилиш ҳам, ҳунар сингари, кечинма бўлгани туфайли рол беради, бироқ ҳунар туйғуларни тўғридан-тўғри ошириб ўйнаш билан алмаштиришга асосланиб, аллақачон яратилган штамплардан фойдаланади, қилиқ қилиш бўлса, буни ҳам уdda қилолмайди-да, суриштирмай-нетмай тўғри келган ва пардозланмаган «умум инсон» ёки «мерос қолган» штампларни ишга солади.

Сизда рўй берган бу ҳодиса эндигина саҳнага қадам қўяётган киши бўлганингиз учун ҳам тушунарли, ҳам кечирарли бир ҳолдир. Лекин келажакда эҳтиёт бўлинг. Дилетантларча қилиқ қилсангиз ва «умум инсон штамплари»дан фойдалансангиз бора-бора энг ярамас ҳунарманд бўлиб қоласиз. Унинг ривожланишига йўл қўйманг.

Бунинг учун, биринчидан, бу штамплар билан қаттиқ курашинг ва айна вақтда ўйнаётган образингизни «Отелло»да қилганингиздек фақатгина спектаклнинг баъзи бир моментларида эмас, балки ҳамма вақт ҳис этишга ўрганинг. Бу билан сиз юракдан ўйнашдан узоқлашасиз ва кечинма санъатига яқинлашасиз.

Менга Аркадий Николаевичнинг сўзлари жуда қаттиқ таъсир қилди. Шундай дақиқалар ҳам бўлдики, ҳатто мактабдан кетишим керак, деган қарорга ҳам келдим.

Мана шунинг учун ҳам бугун дарсда Торцовни кўришим биланок яна саволлар бера бошладим. Ўтган дарсларда айтилган гаплардан умумий хулоса чиқариб олмоқчи бўлдим. Пировардида шундай қарорга келдимки, ўйиним бир томондан ишимизда энг яхши ҳисобланган илҳомдан иборат бўлса, иккинчи томондан энг ёмон ҳисобланган қилиқ қилишнинг қоришмасидан иборат экан.

– Бу ҳали ҳаддан ташқари ёмон эмас. – деб мени тинчитди Торцов. – Бошқаларнинг кўрсатгани ундан ҳам ёмонроқ. Сиздаги дилетантликни тузатса бўлади, аммо бошқа ўртоқларингиздаги хатолар деярли тузатиб ва артистнинг кўнглидан таг-томири билан суғуриб ташлаб бўлмайдиган онгли принциплардир.

– У нима деганингиз?

– Санъатни эксплуатация қилиш.

– Бу нимадан иборат бўлади? – деб сўрашди ўқувчилар

– Вельяминованинг қилган ишидан мисол олсангиз бўлади.

– Мен? – дея кутилмаган жавобдан сакраб тушди у. – Мен нима қилибман Аркадий Николаевич.

– Сиз бизга қўлчаларингиз, оёқчаларингиз ва қадди-қома-тингизни кўрсатдингиз, ҳар қалай, уларни саҳнада яхшироқ томоша қилиш мумкин-да, – деб жавоб берди.

– Мен? Қўлларимни, оёқларимни? – ҳайрон бўлди қизча.

– Худди шундай, қўлчаларингиз, оёқчаларингизни.

– Тавба, қандай даҳшат гап-а! – деди Вельяминова. – Шундай иш қилибман-у, лекин ўзим билмабман-да!

– Одат бўлиб қолган бўлса, ҳамиша шундай бўлади.

– Нега бўлмаса мени бунчалик мақтадингиз?

– Чунки оёқчаларингиз, қўлчаларингиз чиройли экан.

– Бўлмаса нимаси ёмон?

– Шуниси ёмонки, сиз Катаринани ўйнамадингиз, балки томоша залидагиларга ноzi-карашма қилдингиз. Ахир Шекспир, «Қийиқ қизнинг қуйилиши» номли асарини ўқувчи қиз Вельяминова саҳнадан ўзининг оёқларини, қўлларини кўрсатсин, ўз мухлисларига ноzi-карашма қилсин деб ёзмаган-ку? Шекспирнинг мақсади бошқа эди, у мақсад сизга бегона, бизга эса мавҳумлигича қолиб кетди.

Афсуски, санъатимиздан кўпинча бутунлай унга ёд бўлган мақсадларда фойдаланадилар. Сиз чиройингизни кўрсатиш учун фойдаланган бўлсангиз, бошқа бировлар шуҳрат орттириш, муваффақият қозониш, мансабга миниш учун фойдаланадилар. Бу бизнинг ишимизда тез-тез учрайдиган ҳолдир. Мен сизларни ундан сақлаб қолиш учун ошиқаяпман. Ҳозир айтадиган гапларимни яхшилаб ўқиб олинг: театр ўзининг оммабоплиги ва спектаклнинг тасвирий кучга эгалиги туфайли икки ёқлама ўткир қуролга айланади: бир томондан у муҳим жамоатчилик вазифасини бажарса, иккинчи томондан санъатимизни ўз фойдасига ишлатмоқчи ва бу мансабга эришмоқчи бўлганларни рағбатлантиради. Бундай кишилар баъзиларининг тушунмаслигидан ва бошқаларнинг дид-фаросатсизлигидан фойдаланадилар, ижодга мутлақо алоқаси бўлмаган катта мансабдаги кишиларнинг ҳаммасига сиғинадилар, фисқи-фасод тарқатиш билан шуғулланадилар. Санъатга тамагирлик билан қаровчилар унинг ашаддий душманларидир. Улар билан қатъий кураш олиб бормоқ лозим, агар бунинг иложи бўлмаса, уларни саҳнадан қувиб чиқармоқ керак. Бинобарин, – деб яна Вельяминовага мурожаат қилди. – бир йўла, узил-кесил ҳал қилиб олинг. Сиз санъатга хизмат қилгани, фидоийлик қилиб келдингизми ёки ундан ўз шахсий манфаатингиз учун фойдаланмоқчимисиз?

– Бироқ, – ҳаммага мурожаат қилиб, сўзида давом этди Торцов, – санъатни даражаларга фақат назариядагина ажратиш мумкин. Ҳаёт ва тажриба эса чегаралар билан ҳисоблашмайди. Улар ҳамма оқимларни аралашриб юборади. Чиндан ҳам биз кўпинча катта артистларнинг инсоний ожизликлари туфайли ҳунарманд-актёр даражасига тушиб қолганларини, ҳунарманд-актёрлар эса баъзан ҳақиқий санъаткор даражасига кўтарилганликларини кўрамыз.

Бундай ҳодиса ҳар қандай спектаклда, ҳар бир рол ижро этилаётганда ҳам содир бўлиши мумкин. Чинакам кечинма билан бир қаторда ролни тақлид қилиш, ҳунармандларча қилиқ қилиш ва санъатни ўз фойдасига ишлатиш ҳам учраб туради. Артистлар ўз санъат чегараларини, ҳунармандлар эса қайси чегарадан кейин санъат бошланишини тушуниб олишлари жуда зарур.

Шундай қилиб, ишимизда иккита асосий оқим бор: бири – кечинма санъат, иккинчиси – тақлидий санъатдир. Буларнинг иккиси ҳам яхши ёки ёмон бўлган саҳна. Шунини ҳам қайд қилиб

ўтиш керакки, ички тўлқинланиш пайтларида жонга теккан штамплар ва ошириб ўйнашлардан ҳам чинакам ижод учқунлари отилиб чиқади.

Шунингдек, санъатдан ўз манфаатингиз учун фойдаланишдан ҳам сақланинг, чунки бу офат ўзингиз сезмаган ҳолда сингиб қолиши мумкин.

Дилетантизмга келсак, бу бир ҳисобда ҳам фойдали, ҳам хавфлидир. Бу унинг қандай йўлни танлашига боғлиқ.

– Биз дуч келиши мумкин бўлган бу ёмонликлардан қандай сақланиб қолсак бўлади? – тушуниб олмақчи бўлдим мен.

– Бунинг мен айтиб ўтган фақат бирдан-бир чораси бор: санъатимизнинг асосий мақсади рол ва пьесадаги «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратиш ҳамда шу ҳаётни гўзал, саҳнавий шаклда бадний гавдалантириш учун курашишдан иборатдир».

Мана шу сўзларда ҳақиқий артистнинг идеали яшириниб ётади.

Торцовнинг сўзларидан кейин менга шу нарса аён бўлдики, ҳали бизнинг саҳнага чиқиб ўйнашимизга вақт эрта экан ва кўрик спектакл ўқувчиларга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирибди.

– У сизга фойда келтирди, – эътироз билдирди Аркадий Николаевич, мен ўз фикримни баён қилганимда, – спектакл саҳнада ҳеч қачон қилиш керак бўлмаган ишнинг нималигини ва келажакда нималардан эҳтиёт бўлиш кераклигини кўрсатди.

Суҳбат охирида Торцов биз билан хайрлаша туриб, эртадан бошлаб, бизнинг овозимиз, гавдамизнинг жисмоний ривожланишига ёрдам берувчи дарсларни, яъни ашула, дикция, гимнастика, рақс, фехтование ва акробатика дарсларини бошлашимизни айтди. Бу дарслар ҳар куни бўлади, чунки инсон мускулларининг ўсиши доимий равишда чидамли ва узоқ машқлар қилишни талаб қилади.<sup>12</sup>

### III. ХАТТИ-ҲАРАКАТ. «АГАРДА», БЕРИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТ

...19 ..й.

Бугун биз бежиримгина, лекин яхшигина жиҳозланган мактаб театри биносига тўпландик.

Аркадий Николаевич кириб, ҳаммани бирма-бир кўздан кечирди-да:

– Малолеткова, саҳнага чиқинг, – деди.

Бечора қизнинг қандай саросимага тушганини тасаввур қила олмайман. Турган жойида типирчилай бошлади, оёқлари худди қўзичоқнинг оёқларидай силлиқ паркет ҳолда тирғалиб-тирғалиб кетди. Охири Малолетковани худди ёш болани етаклагандек хахолаб кулаётган Торцовнинг олдига ушлаб олиб келишди.

Қиз қўллари билан юзини беркитиб олиб, шоша-пиша бир сўзни ҳадеб қайтарар эди.

– Жонгиналарим, азизларим, бўлмайди, йўқ-йўқ, қўрқаман, қўрқаман!

– Тинчланинг, қани ўйнанг. Пьесамизнинг мазмуни мана бундай, – деди Торцов, унинг довдираб қолганига аҳамият ҳам бермай, – парда очилганда сиз саҳнада ўтирган бўласиз. Ёлғиз ўзингиз ўтирасиз, ўтираверасиз, ўтираверасиз, яна ўтираверасиз... Ниҳоят парда тушади – бор-йўғи мана шу. Ҳеч қандай қийинчилиги йўқ-ку, тўғрими?

Малолеткова индамай тураверди. Шунда Торцов уни қўлтиқлаб олиб индамай саҳнага олиб чиқа бошлади. Ўқувчилар роса кулишди.

Аркадий Николаевич залга тез ўгирилиб:

– Дўстларим, – деди, – сизлар синфда ўтирибсиз. Малолеткова эса артистлик ҳаётининг энг муҳим дақиқаларини ўз бошидан кечирмоқда. Қачон ва нимадан кулиш мумкинлигини билиш керак.

Торцов билан Малолеткова саҳнага чиқишди. Энди ҳамма жим, кутиб ўтирарди. Спектакл бошланиши олдидан содир бўлаган тантанали вазият пайдо бўлди.

Ниҳоят аста-секин парда очилди. Авансценанинг ўртасида Малолеткова ўтирар эди. У. томошабинларга қарашдан қўрқиб, аввалгидек қўллари билан юзини беркитиб олган. Залдаги жимлик саҳнада ўтирган кишидан қандайдир муҳим нарсани кутишга мажбур қилар эди. Маъноли пауза!

Афтидан Малолеткова буни пайқади шекилли, бирон нарса қилиш кераклигини тушунди. У эҳтиётлик билан юзидан аввал бир қўлини, кейин иккинчи қўлини олди, бироқ бошини шу қадар қуйи солдики, фақат сочининг фарқигина кўринар эди. Залга яна зерикарли узоқ сукунат чўкди.

Ниҳоят, у ҳамманинг кутиб ўтирганини сезиб томоша залига қаради, бироқ, шу ондаёқ ўтқир нурга қараб кўзи тинган кишидай биздан юзини ўгириб олди. Кийимини тузата бошлади, бошқача ўгириб кўрди, бемаъни позалар қилди, орқага ташланди, ҳар томонга эргашди, ўзининг калтагина юбкасини пастга торта бошлади, полда ётган алланимани диққат билан томоша қилди.

Ахийри Аркадий Николаевичнинг унга раҳми келди-да, ишора қилган эди, парда ёпилди.

Шу ондаёқ Торцовдан мен билан ҳам худди шундай машқ қилишини илтимос қилдим.

Мени саҳнани ўртасига ўтқазди.

Ростини айтсам, мен кўрқмадим. Ахир бу спектакл эмас-ку, лекин шунга қарамай, иккиланишдан, қўйилган талабни бир-бирига қовушмаганидан ўзимни ёмон ҳис қила бошладим: театр шаронти мени ҳаммага кўрсатган бўлса, мен саҳнада ижодий туйғуларимни яширишим керак эди. Гоҳ кўнглим томошабинларни кулдир деса, гоҳ уларга аҳамият берма деб буйруқ қиларди. Гарчанд оёқларим, қўлларим, бошим ҳам, менга итоат қилгани билан, айни вақтда беихтиёр ортиқча ҳаракат қилар, хатти-ҳаракатни ошириб юборар эди. Оёғимни ёки қўлимни тўғри қўймоқчи бўлсам, улар ўзидан-ўзи қимирлаб кетарди. Натижада расмга тушаётган одамга ўхшаб қолдим.

Қизиқ! Мен саҳнага фақат бир мартагина чиқдим, қолган бутун вақтни табиий инсонга хос ҳаёт билан ўтказдим. лекин мен учун саҳнада актёрларча – ғайритабиий ўтириш осонроқ туюлди. Менга саҳнада табиий ҳаётликдан кўра, театр сохталити яқинроқ эди. Айтишларига қараганда, менинг юзим аҳмоқона тусга кириб, айбдор ва кечирим сўраётгандай бўлиб кўринган эмиш. Нима қилишни, қаёққа қарашни билмай қолдим. Торцов бўлса, мени жўртгага толдирди.

– Мендан кейин бошқа ўқувчилар ҳам шу машқни тақрорлашди.

– Энди дарсни давом эттирайлик, – деди Аркадий Николаевич. – вақти-соати билан биз бу машқларга яна қайтамик ва саҳнада ўтиришни ўрганамик.



– Шунчаки ўтиришни ўрганиб нима қиламиз! – ҳайрон бўлди ўқувчилар. – Ахир ҳозиргина ўтирдик-ку...

– Йўқ, – қатъий эътироз билдирди Аркадий Николаевич, – сизлар оддийгина ўтирганларингиз йўқ.

– Қандай ўтириш керак экан бўлмаса?

Торцов жавоб бериш ўрнига жойидан турди-да, шахдам қадам ташлаб саҳнага чиқди. У саҳнадаги креслога худди уйида ўтиргандек ўтириб олди. У ҳеч нарса қилмади ва бирор иш қилишга уринмади ҳам, лекин унинг шундай оддийгина ўтириши ҳаммамизнинг диққатимизни ўзига торта бошлади. Биз, қараб турар эканмиз, унинг кўнглидан ўтаётган фикрларни билиб олишни истардик. У кулса-кулардик, у ўйлаиб қолса, нимани ўйлаётганини билмоқчи бўлардик, у нимагадир тикилса биз ҳам ўша жойга тикилар эдик.

Турмушда Торцовнинг оддий ўтириши билан қизиқмайсан. Лекин бу нарса саҳнада содир бўлганида негадир жуда зўр билан томоша қиласан, ҳатто бу томошадан қандайдир қаноатланасан, киши. Ўқувчилар саҳнада ўтирганида бундай бўлмаган бўлар эди: уларга қарашни ҳам, кўнглидан нима гаплар ўтаётганини ҳам билгинг келмас эди. Улар ўз бесўнақайлиги ва бизга яхши кўриниш истаги билан кишининг кулгусини келтиришар эди. Торцов бизга ҳеч қандай аҳамият бермаса ҳам, унга тикила берардик. Бунинг сири нимада экан? Аркадий Николаевич бу сирни айтиб берди.

– Саҳнада нимаки содир бўлмасин, ҳаммаси бирор мақсад билан қилинмоғи керак. У ерда томошабинларга ўзини кўрсатиш учун эмас, бир мақсад билан ўтирмоқ лозим. Аммо бу энгил иш эмас. Буни астойдил ўрганишга тўғри келади.

– Сиз ҳозир нима учун ўтирдингиз? – деб сўради. Вьюнцов.

– Ҳозиргина театрда ўтган репетициядан ва сизлардан бўшаб, бир оз дам олиш учун.

– Энди мени ёнимга келинг, янги пьеса ўйнаймиз, – деди у Малолетковага. – мен ҳам сиз билан бирга ўйнайман.

– Сиз-а? – деб хитоб қилди қизча ва саҳнага югуриб чиқди.

Уни тагин саҳна ўртасидаги креслога ўтқазиди, яна кийимини тузата бошлади. Торцов унинг ёнида туриб, ўз ён дафтарчасидан зўр бериб ниманидир ахтарарди. Шу вақтда Малолеткова аста-секин ўзини босиб олди ва ниҳоят Торцовга кўзларини тикиб, қотиб қолди. Торцовга халақит беришдан қўрқиб, муал-

лимнинг навбатдаги буйруқларини сабр билан кутарди. Унинг ўтириши табиий эди. Саҳна қизнинг актёрлик қобилиятини бўрттириб кўрсатди ва мен унга суқланиб қарай бошладим.

Шу йўсинда бир талай вақт ўтди. Кейин парда ёпилди.

– Ўзингизни қандай ҳис этдингиз? – деб сўради Торцов, икковлари томоша залига тушгандан кейин.

– Менми? – ҳайрон бўлди у. – Биз ҳеч нарсани ўйнадикми?

– Бўлмаса-чи.

– Мен бўлсам, ён дафтарчангиздаги ёзувни топиб, менга нима қилишим кераклигини айтасиз, деб кутиб ўтирибман. Мен ҳеч нарсани ўйнамадим-ку!

– Мана шу ҳеч нарсани ўйнамаганингиз ва ниманидир кутиб ўтиришингиз яхши бўлди-да. – унинг сўзини илиб олди Торцов. – Сизларга қайси бири маъқул, – ҳаммамизга мурожаат қилди у, – саҳнада Вельяминова сингари оёқ-қўлларини, Говорковага ўхшаб ўзини кўрсатган яхшими ёки кичкинагина бўлса ҳам бирор иш қилган яхшими? Майли, бу ҳозирча айтарли қизиқарли бўлмасин, лекин, худди шу нарса саҳнада чинакам ҳаётни яратади, ўз-ўзини кўрсатиш эса қай хилда бўлмасин, бизни санъат доирасидан чиқариб юборади.

Саҳнада хатти-ҳаракат қилмоқ керак. Драма санъати, актёрлик санъати хатти-ҳаракатга, активликка асосланган. «Драма» сўзининг ўзи қадим юнон тилида «содир бўлаётган ҳаракат» демакдир. Латин тилидаги *actio* сўзи драма сўзига монанддир. бу сўзнинг ўзаги *act* бизнинг «*активлик*», «*актёр*», «*акт*» сўзларимизга ҳам ўтган. Шундай қилиб, саҳнадаги драма кўз ўнгимизда кечаётган хатти-ҳаракат қилувчи кишидир.

– Кечирасиз, – тўсатдан гапириб юборди Говорков. – сиз саҳнада ҳаракат қилмоқ керак, дедингиз. Лекин сизнинг креслода ўтиришингиз қандай қилиб хатти-ҳаракатга кирсин? Менимча бу тамомила ҳаракатсизликнинг ўзгинаси-ку.

– Аркадий Николаевич хатти-ҳаракат қилдим, қилмадим, бунисини айтолмайман, – ҳаяжон билан гапирдим мен. – бироқ Аркадий Николаевичнинг «Хатти-ҳаракатсизлиги» сизнинг «серҳаракатлигингиз»га қараганда минг марта қизиқарлироқ бўлди.

– Саҳнада қимирламай ўтириш пассивликдан далолат бермайди, – тушунтира бошлади Аркадий Николаевич, – Саҳнада қимирламай ўтирган киши ҳам хатти-ҳаракат қилаётган бўлиши мумкин.

Лекин бу ташқи-жисмоний эмас, балки ички-психик ҳаракатдир. Бинобарин, жисмоний сокинлик кўпинча кучли ички хатти-ҳаракат туфайли содир бўлади, бу ижод қилишда жуда муҳим, жуда қизиқарлидир. Санъатнинг қиммати, унинг маънавий мазмуни билан белгиланади. Шунинг учун мен ўз формуламни бир оз ўзгартириб шундай дейман: саҳнада ҳам жисмоний, ҳам руҳий хатти-ҳаракат қилмоқ керак.

Бу билан санъатимизнинг асосларидан бири – саҳна ижодининг ва санъатнинг активлиги ҳамда ҳаракатчанлиги бажарилган бўлади.

...19 ..й.

– Янги пьесани ўйнаймиз. – деди Торцов Малолетковага қараб. – Пьесанинг мазмуни қуйидагича: онангиз ишсиз қолган, бинобарин ҳеч қандай даромади йўқ; ҳатто драматик мактабга тўлаш учун ҳам пули йўқ; эртага ўқиш ҳақини тўламаганингиз учун мактабдан ҳайдайдилар. Шунда дугонангиз сизга ёрдамга келди, пули бўлмагани учун, у сизга ўзининг биттаю-битта қимматбаҳо тўғноғичини ҳадя қилди. Ўртоғингизнинг бундай сахийлиги сизга қаттиқ таъсир қилди. Бундай ҳадяни индамай-нетмай олишнинг ўзи бўладими, сиз кўнмай, олишга тортинасиз. Шунда ўртоғингиз тўғноғични пардага тўнғаб, ўзи коридорга чиқиб кетади. Сиз унинг орқасидан чиқасиз, у ерда узундан-узоқ илтимос, йиғи-сиғи, миннатдорчиликлар бўлиб ўтади. Ниҳоят, сиз ҳадяни қабул қиласиз, дугонангиз кетади, сиз эса тўғноғични олгани уйга кирасиз. Бироқ... қани у? Наҳотки бирон одам кириб олиб чиқиб кетган бўлса? Кўпчилик яшайдиган уйда шундай бўлиши ҳам мумкин. Асабий ва синчиклаб қидириш бошланади.

Саҳнага чиқинг. Мен тўғноғични пардага қадаб қўяман, сиз уни парданинг қатламларидан ахтаринг.

Малолеткова саҳна орқасига ўтди. Торцов бўлса, тўғноғични қадамай, бир минутдан кейин саҳнага чиқишга буйруқ берди. Малолеткова саҳна олдига худди ичкаридан кимдир туртгандай отилиб чиқди-да, шу ондаёқ орқасига ташланди, икки қўли билан бошини ушлаб, даҳшатдан тўлғона бошлади. Кейин бошқа томонга югурди, пардани ёжимлаб, жон-жаҳди билан силкитди ва унга бошини буркаб олди. Бу билан у тўғноғични ахтараётганини тасвирламоқчи эди. Тўғноғични топол-

май қалтираган кўлларини кўкрагига қўйиб, яна саҳна орқасига отилди, бу гўё унинг мушкул аҳволда қолганини англатарлар эди.

Ҳаммамиз партерда кулиб юборай деб, зўрға ўтирардик.

Кўп ўтмай Малолеткова ғолиб кишидай югуриб залга тушди. Унинг кўзлари чақнар, ёноқлари қизарган эди.

– Ўзингизни қандай ҳис қилдингиз, – деб сўради Торцов.

– Ўргилиб кетагай! Шу қадар яхши-ки! Яхшилигини айтиб тугата олмайман... йўқ, йўқ ортиқ гапиролмайман. Мен шундай бахтиёрманки! – деб хитоб қилди Малолеткова, гоҳ сакраб ўрнидан туриб, гоҳ бошини кўллари орасига олиб. – Мен ўзимни шундай ҳис қилдимки, асти сўраманг!

– Жуда соз, – унинг кўнглини кўтарди Торцов. – Хўш, тўғноғич қани?

– Ҳа-я! Эсимдан чиқарибман-у...

– Қизиқ! – деди Торцов. – сиз уни шундай ахтарсангиз ҳам эсингиздан чиқарибсиз-да.

Малолеткова бир зумдаёқ саҳнага чиқиб парда қатларини қидира бошлади.

– Шуни яхши билингки, – эслатиб ўтди Торцов, – агар тўғноғич топилса, сиз мушкул аҳволдан қутуласиз ва мактабга қатнашингиз мумкин, борди-ю топилмаса, иш тамом: сизни ҳайдайдилар.

Малолеткованинг юзи бирданига жиддийлашди. У пардага тикилди ва парданинг ҳар бир қатини бирма-бир диққат билан кўздан кечира бошлади.

Бу сафарги қидириш, ўтган галдагига нисбатан бошқачароқ, осойиштароқ ўтди ва Малолеткова вақтни бекорга ўтказмаётганига астойдил ташвишланиб, ҳаяжонга тушиб қидираётганига ҳаммамиз ишондик.

– Азизлар, тўғноғич қани? Йўқолдимми?.. – деб шивирлади, парданинг ҳамма қатларини қараб чиққандан сўнг, ниҳоят, – йўқ-ку! – деб қичқирди.

Унинг юзида ташвиш аломати кўринди. У кўзларини бир нуқтага тикиб, қотиб қолди. Биз ҳам нафас чиқармай уни кузатиб турардик.

– Таъсирли! – деб шивирлади Торцов Иван Платоновичга.

– Ҳозир, иккинчи марта қидирганингизда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз? – деб сўради у Малолетковадан.

– Ўзимни қандай сезганимни сўрайсизми? – ҳафсаласизлик билан такрор сўради Малолеткова. – Билмадим, мен тўғноғични ахтардим.

– Бу тўғри. Ҳозир қидирдингиз. Биринчи марта нима қилган эдингиз?

– О! Биринчи мартами? Ҳаяжонга тушиб, нималар кўнглимдан ўтмади дейсиз?! Айтолмайман! Айтолмайман!.. – деди завқ-шавқдан қизариб.

– Саҳнадаги бу икки хил ҳолатдан қайси бири сизга ёқади?! Саҳнада у ёқдан бу ёққа югуриб, парданинг қатларини тортқилашингизми ёки хотиржамлик билан уларни кўздан кечирганингизми?

– Албатта, биринчи марта тўғноғични қидирганимда ўзимни яхши сездим.

– Йўқ. Биринчи галда тўғноғич қидирдим деб, ишонтиришга уринманг, – деди Торцов. – У хаёлингизга ҳам келгани йўқ. Сизнинг фақат азоб чеккингиз келди. Иккинчи гал эса астойдил қидирдингиз. Биз ҳаммамиз буни очиқ-ойдин кўриб турдик, тушундик, ҳайратда қолганингизга, эсанкираганингизга ишондик. Биринчи қидиришингиз эса мутлақо ярамайди: у, бачкана актёрлик ўйини эди. Иккинчи марта ахтаришингиз жуда яхши бўлди.

Бундай ҳукм Малолетковани эсанкиратиб қўйди.

– Саҳнада беҳуда югуришнинг ҳожати йўқ, – давом қилди Торцов. – Саҳнада бекордан-бекорга югуриш ва азоб чекиш мумкин эмас. Саҳнада хатти-ҳаракат қиламан деб, «умуман» ҳаракат қилишнинг кераги йўқ. Балки асосли, мақсадга мувофиқ ва унумли хатти-ҳаракат қилмоқ керак.

– Шу билан бирга чинакам, – деб қўшимча қилдим мен.

– Асосли ва мақсадга мувофиқ ҳаракат чинакам хатти-ҳаракат демакдир, – деб уқдирди Торцов. – Шундай қилиб, – давом этди у, чинакам хатти-ҳаракат қилмоқ керак, қани ҳаммангиз саҳнага чиқинг ва хатти-ҳаракат қилинг.

Биз саҳнага чиқиб узоқ вақт нима қилишимизни билмай турдик. Саҳнада шудай хатти-ҳаракат қилмоқ керакки, бошқаларга таъсир қилсин, бироқ мен томошабинлар диққатига сазовор бўладиган бирорта қизиқарли хатти-ҳаракатни тополмадим, шунинг учун Отеллони қайтара бошладим, лекин кўрик спектаклида қилганимдай, бачканалик қилаётганимни сезиб, дарров ўйнашдан тўхтадим.

Пушчин аввал генерал, сўнг деҳқон ролини ўйнади. Шустов стулга Гамлетона ўтириб олиб, дарди-ҳасратга ҳам, дунёдан бе-зишга ҳам ўхшамаган кайфиятни тасвирлади. Вельяминова нози-карашма қилди. Говорков эса унга, бутун дунё саҳналарида бўлганидек, штамп билан севги изҳор қила бошлади.

Саҳнанинг бир бурчагига қарасам, у ерга Умнових билан Димкова тиқилиб олишибди, уларнинг бақрайган кўзларини, кути ўчган, жиддий башараларини, қотиб қолган гавдаларини кўриб, ўзимни йўқотиб қўйишимга оз қолди. Билсам, у ерда улар Ибсен-нинг «Бранд» пьесасидан «Йўргак саҳнасини» ўйнаётган экан-лар.<sup>13</sup>

– Энди кўрсатганларингизни муҳокама қилиб олайлик, – деди Торцов.

– Сиздан бошлаймиз, – менга мурожаат қилди Аркадий Николаевич. – сиздан ҳам, сиздан ҳам, – деб, у Малолеткова билан Шустовга ишора қилди. – Мен сизларни яхши кўриб туришим учун стулларга ўтиринглар ва ҳозир кўрсатган нарсаларингизни ҳис этинглар: сиз – рашкни, сиз – азобни, сиз эса – ғамни.

Биз стулларга ўтирдик ва айтилган ҳиссиётни кўрсатишга уриниб кўрдик, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Саҳнада юриб ёввойи одамни кўз ўнгимга келтириб ўйнаганимда қалбим бутунлай бўш эканини ва ўз хатти-ҳаракатларимнинг бачканалигини сезмаган эдим. Лекин мени стулга ўтқазиб қўйганларидан кейин, юзаки қилиқлар қилишга имкон қолмаган эдики, бундай вазифани бажариш мумкин эмаслиги ва бемаънилиги менга равшан бўлди-қўйди.

– Нима дейсиз, – деб сўради Торцов, – стулга ўтириб олиб, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, рашк қилиш, ҳаяжонга тушиш, ғамгин бўлиш мумкинми? Ўзимизга мана шундай «ижодий ҳаракатни» буюртиришимиз мумкинми? Сиз ҳозир шундай қилишга уриниб кўрдингиз, лекин ҳеч нарса чиқмади, туйғу жонланмади, шунинг учун сиз ошириб ўйнадингиз, юзингизда ўзи йўқ кечинмани кўрсатишга уриндингиз. Туйғуни зўрлаб чиқариб бўлмайди, чунки, бунинг оқибати хунук, уйдирма ижролар билан тугайди. Шунинг учун хатти-ҳаракатни танлар экансиз туйғуни тинч қўйинг. У рашк, севги ва азобла-нишга сабабчи бўлган бирор нарса туфайли ўзидан-ўзи келиб чиқади. Мана, шунинг учун рашк, севгининг илгариги сабаб-

лари тўғрисида қунт билан ўйланг ва ўз атрофингизда шуни муҳайё қилинг. Натижанинг ғамини еманг. Названов, Малолеткова ва Шустовда бўлганидек, ҳирсни ошириб ўйнаш, Пушкин ва Вьонцовлардек образни бўрттириб кўрсатиш, Веселовский ва Говорковда бўлганидек, механик равишда ўйнаш – бизнинг касбимизда тарқалган жуда кенг тарқалган хатолардир. Бундай хатода саҳнада тақлид қилишга, актёрларча сохта ҳаракатга, қилиқ қилишга ўрганиб қолганлар йўл қўядилар. Бироқ, чинакам артист ҳиссиётнинг ташқи ифодасини масхара қилмаслиги, образни юзаки кўчириб олмаслиги, актёрликка расм бўлиб қолган одатларга биноан механик равишда ошириб ўйнамаслиги лозим. Балки, чинакам ҳаётгий, инсоний хатти-ҳаракат қилмоғи керак. Образ ва эҳтиросларни ўйнаб бўлмайди, балки образга кириб, эҳтиросларнинг таъсири остида хатти-ҳаракат қилмоқ керак.

– Саҳнанинг силлиқ полида – бир неча стуллар ўртасида хатти-ҳаракат қилиб бўладими? – деб важ қилишдан ўқувчилар.

– Худо ҳақи, агар биз декорация ичида, жиҳозланган, камин печи ва хоказолари бор ерда ишласак жуда бошлаб хатти-ҳаракат қилган бўлар эдик! – деди Вьонцов.

– Яхши! – деди-да, Аркадий Николаевич, синфдан чиқиб кетди.

...19 ...й.

Бугунги дарсимиз мактаб театри саҳнасига тайинланган эди, бироқ залнинг катта эшиги берк экан. Вақт бўлгач, тўғри саҳнага кириб борадиган эшикни очиб беришди. Биз тўғри даҳлизга кириб қолибмиз. Ҳамма ҳайрон қолди. Даҳлизнинг нарёғи яхши безатилган меҳмонхона бўлиб, унинг иккита эшиги бор экан: биттасидан торгина ошхона билан ётоқхонага чиқилса, иккинчиси даҳлизнинг эшиги экан. Даҳлизнинг чап томонида жуда яхши ёритилган зал бор экан. Кўп хонали бу уй қисман сукнолардан, қисман ҳар хил спектаклларнинг павильонларидан қурилган эди. Мебель ва бутофория жиҳозлари ҳам қўйилаётган спектакллардан олинган эди. Парда ёпиқ бўлгани учун саҳнанинг олди ва зал қаердалигини билиш қийин эди.

– Мана сизга бир уй, унда хатти-ҳаракат қилиш у ёқда турсин, ҳатто яшаш ҳам мумкин. – деб тушунтирди Аркадий Николаевич.

Биз саҳнани сезмай ўзимизни уйимиздагидек, ҳаётдагидек ҳис қилдик. Ишни уйни қараб чиқишдан бошладик, ундан кейин ҳаммамиз ўзимизга маъқул жой ва қўнғилдагидек ҳамсуҳбат топиб олиб, гапга тушиб кетдик. Торцов бу ерга гаплашиш учун эмас, балки дарс ўтиш учун тўпланганимизни эслатиб қўйди.

– Нима қилишимиз керак? – деб сўрадик биз.

– Ўтган дарсда нима қилган бўлсангиз, шуни қиласиз-да, – деди Аркадий Николаевич. – Чинакам, асосли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилмоқ керак.

Бироқ биз қимир этмай тура бердик.

– Ростини айтсам нима қилишимни билмаяпман. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилиш мумкинми? – деб гап бошлади Шустов.

– Агар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ҳаракат қилиш сизларга ноқулай бўлса, бир мақсадда хатти-ҳаракат қилинг. Наҳотки, мана шундай ҳаётий шароитда ҳам ўзингизни ташқи хатти-ҳаракатингизни асослай олмайсизлар? Қани, Вьонцов, сиздан, масалан, бориб, ҳув анови эшикни беркитиб келишингизни илтимос қилсам, йўқ дейсизми?

– Эшикни беркитишми? Жоним билан! – деди у, одатдаги масхарабозлиги билан.

У Аркадий Николаевич сўзини тамомламасиданоқ эшикни «тақ» этиб ёпди-да ўз жойига келиб ўтирди

– Буни эшик ёпиш демайдилар, – деди Торцов. – Буни мендан тезроқ қутулиш учун номигагина ёпиш дейдилар. «Эшикни ёпиш» учун аввало кишида зарурият туғилиши керак, масалан, эшикни ёпиш керакки, уйга совуқ кирмасин ёки бизнинг ҳозирги гапимиз даҳлиздан эшитилмасин.

– Ёпилмаяпти! Рост! Сира ёпилмаяпти!

У ўзини оқлаш учун эшикни ўзидан-ўзи очилиб кетаётганини сабаб қилиб кўрсатди.

– Демак, менинг илтимосимни бажариш учун кўпроқ меҳнат ва вақт сраф қилишга тўғри келади.

Вьонцов эшикни анча овора бўлиб ёпди.

– Мана буни чинакам хатти-ҳаракат деса бўлади, – деди Торцов унинг ишини маъқуллаб.

– Менга ҳам бирорта иш буюринг, – деб туриб олдим мен.

– Ўзингиз ҳеч нарса ўйлаб тополмайсизми? Ана печка ёнида ўтин ётибди. Бориб уни ёқиб юборинг.



Мен итоат билан печкага ўтин қаладим, лекин гугурт лозим бўлиб қолди, қарасам гугуртим йўқ экан, печканинг токчасида гугурт кўринмайди. Тагин Торцовга мурожаат қилишга тўғри келди.

– Гугуртни нима қиласиз? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Нима қиласиз деганингиз нимаси? Ўт ёқаман.

– Куллуғ-э! Ахир печка картондан-ку, бутуфория-ку. Ёки театрни ёндириб юбормоқчимисиз?

– Ростакамга эмас, ёлғондакамига ёқаман-да, – дедим мен ҳам.

– «Ёлғондакасига» ёқиш учун «ёлғондака» гугурт ҳам бўла-веради. Манг бу гугуртни олинг.

У менга қуруқ қўлини чўзди.

– Наҳотки ҳамма гап гугуртни ёқишда бўлса! Сизга бошқа нарса керак. Сиз қўлингизда ёлғондакам гугурт эмас. чинакам гугурт борлигига ишонишингиз ва чинакам гугурт билан ҳаракат қилгандек, ҳаракат қилишинигиз лозим. Гамлетни ўйнаганингизда, мураккаб психологик ҳолатларидан ўтиб, қиролни ўлидириш пайти келганда, ҳамма нарса ростакам чархланган қиличга қараб қолар экан-да? Борди-ю, қўлингизда ўша қилич бўлмаса, демак спектакл тамом бўлмай қолар экан-да! Шунинг учун қиролни қиличсиз ўлдириш ва печкани гугуртсиз ёқишингиз мумкин. Уларнинг ўрнига тасаввурингиз ярқираб ёнсин.

Мен каминни ёққани бордим. Торцов бошқа ўқувчиларга вазифа бераётгани қулоғимга кириб қолди. Вьюнцов билан Малолетковани залга кириб турли ўйинлар ўйнашга юборди: Умно-вихга, касби чизмакор бўлгани учун, уйнинг планини чизишни ва саҳнани қадамлаб ўлчаб чиқишни буюрди; Вельяминованинг қўлидаги аллақандай хатни олиб қўйиб, уни бешта хонанинг биридан қидириш кераклигини, Говорковга эса Вельяминовани хатини Пушчинга бериб, яхшироқ беркитиб қўйишни илтимос қилишни буюрди; бу Говорковни Пушчиннинг орқасидан пойлаб юришга мажбур қилди.

Қисқаси, Торцов ҳаммани ишга солиб юборди ва бирмунча вақтгача бизларни чинакам хатти-ҳаракат қилишга мажбур қилди.

Мен бўлсам печка ёқаётган бўлиб кўринишга ҳаракат қилавердим. Тасаввуримдаги гугурт «гўё» бир неча марта ўчиб ҳам

қолди. Айни вақтда мен уни кўришга ва сезишга уриниб ҳам кўрдим. Лекин уддасидан чиқолмадим. Печкада ёнаётган оловни кўришга ва унинг иссиғини сезишга ҳаракат қилдим, лекин бу ҳам чиқмади. Ўт ёқиш тезда жонимга тегди. Янги хатти-ҳаракат қидиришга тўғри келди. Мен хонадаги мебелларни ва жиҳозларни у ёқдан-бу ёққа сура бошладим, бироқ зўрма-зўракилик билан топилган мақсаднинг заминида ҳеч нарса ётмаганлиги учун мен, бу ишни механик равишда бажардим.

Бу механик равишдаги, асосиз хатти-ҳаракатлар онгли, асосли хатти-ҳаракатларга нисбатан ғоятда тез ўтишини Торцов менга уқтириб ўтди.

– Ҳайрон қолмасак ҳам бўлади. – деб тушунтирди у. – Механик равишда, аниқ бир мақсадсиз қилинган хатти-ҳаракат вақтида ўз диққатингизни бирор нарсага узоқ тўхтатишни ҳожати қолмайди. Бир неча стулларнинг ўрнини алмаштириб қўйиш узоққа чўзилмайди! Борди-ю, сиз уларни бир мақсадни кўзда тутиб, маълум бир сабаб билан бажарсангиз бошқа гап, айттайлик, масалан, хонада ёки овқат столи атрофида мўътабар ва иккинчи даражали меҳмонларни ўтқазиб лозим бўлиб қолса, баъзан битта стулни соатлаб у ердан бу ерга судрайсан киши.

Аммо менинг тасаввурим ожизлик қилди, ҳеч нарса ўйлаб тополмадим, қандайдир журналга тикилиб, расмларни томоша қила бошладим. Бошқаларнинг ҳам жимиб қолганини кўрган Торцов, ҳаммамизни меҳмонхонага тўплади.

– Уялмайсизларми? – деди у. – Ўз тасаввурингизни ишга сола олмайсиз-у, тагин сизлар актёрлар бўлмоқчимисизлар! Қани бу ерга беш-ўнга болани келтиринглар-а, мен уларга бу сизнинг янги кўчиб келган уйингиз дейман, ана шунда улар тасаввурингизни жўш урганини томоша қилар эдинглар. Улар шундай ўйин қилиб берардиларки, асло тугамасди. Болаларга ўхшанглар.

– Болаларга ўхшаш ҳазил гап экан-да! – деб хўрсинди Шустов. – Уларнинг табиати шунақа, ўйнагиси келади, биз бўлсак, ўзимизни зўрлаймиз.

– Албатта, агар «хоҳиш бўлмаса» гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, – деб жавоб берди Торцов. – Шундай экан, сизлар ўзи артистмисизлар, дейдиган савол туғилади.

– Кечирасиз! Пардани очиб, залга томошабин қўйиб юборинг-а, ҳаммамизда ўйнаш истаги пайдо бўлади, – деди Говорков.

– Йўқ. Агар ўзингизни артист деб ҳисобласангиз, уларсиз ҳам хатти-ҳаракат қила берасиз. Тўғриси айтинг: ўйнашга нима халақит берапти? – сўроқ қилишда давом этди Торцов.

Мен ўз аҳволимни тушунтира бошладим: каминни ёқиш ҳам, мебелларни жой-жойига қўйиш ҳам мумкин, лекин бу кичкина хатти-ҳаракатлар кишини қизиқтирмайди. Улар жуда қисқа: каминни ёқдинг, эшикни беркитдинг, қарайсанки – ғайратинг тугайди. Борди-ю, иккинчи хатти-ҳаракат биринчисидан келиб чиқиб, учинчисини барпо қилса эди. Бошқача иш бўларди.

– Шундай қилиб, сизларга қисқа, ташқи ярим механик хатти-ҳаракат эмас, балки катта, чуқур, мураккаб, узоқ ва кенг перспективали хатти-ҳаракатлар лозим экан-да? – деб яқун ясади Торцов.

– Йўқ. Булар бизга ҳали кўплик ва оғирлик қилади. Ҳозирча бу ҳақда ўйламаймиз ҳам. Бизга осонроқ, жўнроқ, лекин қизиқарли вазифа беринг, – дедим мен.

– Бу менга эмас ўзингизга боғлиқ, – деди Торцов. – Ҳар қандай хатти-ҳаракатни ҳам ўзингиз зерикарли ёки қизиқарли, қисқа ё узун қила оласиз. Наҳотки, ҳамма гап хатти-ҳаракатга асос ва замин бўлган ички хоҳиш, сабаб, шароитда бўлмай, юзаки мақсадда бўлса! Эшикни шунчаки очиб-ёпишни олиб кўринглар-чи. Бу йўсиндаги механик вазифадан бемаънроқ нарса борми? Фараз қилиб кўринглар-а, бугун Малолеткованинг кўчиб келиши муносабати билан тўпланган бу уйингизда, аввал бир жинни яшаган. Уни жиннихонага олиб кетишган... Агар ўша одам жиннихонадан қочиб келиб, эшик орқасида турган бўлса, нима қилардингиз?

Савол шу тарзда қўйилган эдики, хатти-ҳаракатга ёки Торцовнинг кейинги таъбирича, «ички нишон»га бўлган муносабатимиз дарров ўзгариб кетди: биз энди ўйинни қандай чиқиши ҳақида қайғурмай ҳам қўйдик, уни мутлақо ўйламадик, истак нуқтаи назаридан ҳар бир ҳаракатимиз қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида қайғурдик, кўзларимиз уйнинг саҳнини ўлчай бошладик, ўзимиз эса эшикка осонроқ етиб бориш йўлини ахтара бошладик. Уй ичи билан синчиклаб танишиб чиқдик, шароитни ўрганиб олдик; агар жинни уйга кириб келгудай бўлса, қаёққа қочишингизни ҳам белгилаб қўйдик. Ўз-ўзимизни ҳимоя қилиш инстинкти хавфни олдиндан сезиб, у билан кураш йўллари кўрсатиб берди.

Ўшандаги ҳолатимизни қуйидаги кичкина мисолдан билиб олса бўлади: Вьюнцов, билмадим, жўрттагами ёки чинданми, ўзини эшикдан бошқа томонга олди. Биз ҳам бир-биримизни турта-сурта ўзимизни бараварига четга олдик. Хотинлар қий-чув билан қўшни хонага ташландилар. Мен бўлсам, қўлимга офир мис кулдонни ушлаган ҳолда стол тагига кириб кетибман. Гарчи эшик маҳкам берк бўлса ҳам, биз хатти-ҳаракатдан тўхтамадик. Эшикнинг калити бўлмагани учун уйнинг ичида стол ва стуллардан баррикада ясадик. Фақатгина жиннихонага телефон қилиб, қочган жиннини ушлаш чорасини кўришларини айтишимиз қолган эди, холос.

Мен ўйинга жуда берилиб кетдим, этюд тамом бўлиши биланоқ, Торцовнинг олдига югуриб бориб:

– Мени печкани ёқишга қизиқтиринг-чи! Уни ёқиш мени сира қизиқтирмайди. Мабодо сиз шу этюдни жонлантириб юборолсангиз, мен «система»нинг ашаддий мухлиси бўлиб қоламан.

Аркадий Николаевич бир дақиқа ҳам ўйлаб турмасдан Малолеткованинг янги уйга кўчиб келганини, шу муносабат билан ўз мактабдошларини, таниш-билишларини бугун зиёфатга чақирганини ҳикоя қилиб кетди. Меҳмонлардан биттаси Москвин, Качалов, Леонидовлар<sup>14</sup> билан яқиндан таниш экан, улардан биттасини бу зиёфатга бошлаб келишга ваъда қилибди. Мактабимиз ўқувчиларини хурсанд қилмоқчи бўлган-да. Лекин шуниси ёмонки, уй жуда совуқ. Деразанинг қишки ромлари ўрнатилмаган, ўтин ҳозирланмаган, бунинг устига, бахтга қарши, тўсатдан бошланган совуқ уйни шу қадар музлатиб юборганки, мўътабар меҳмонларни қабул қилишнинг сира иложи йўқ. Нима қилиш керак? Қўшнидан ўтин олиб меҳмонхонадаги печкани ёқдингиз, лекин у тутаб, уй тутунга тўлди. Ўтни сув сепиб ўчириб, хизматчини топиб келиш учун югуриб кетдингиз. Хизматчи у ёқ-бу ёқни тузатгунча кеч кирди. Энди печкага ўтин ёқиш мумкин, лекин ўтин ҳўл, қанча уринманг, сира ёнмайди. Меҳмонларнинг келадиган вақти ҳам бўлиб қолди...

Энди менга айтингчи: агарда шу айтганларим рост бўлиб қолса, нима қилардингиз?

Бир-бирига улашиб кетган шартларнинг ички тугуни чамбарчас боғланиб кетди. Бу тугунни ечмоқ ва мушкул аҳволдан қутулмоқ учун инсоний қобилиятларимни ишга солишга тўғри келади.

Бу шароитда Леонидов, Качалов ва Москвиннинг келиши ҳаммамизни ташвишга солиб қўйди – улардан уятга қолишимиз

ҳаммамизни ғоят ўртай бошлади. «Агарда» турмушда чиндан ҳам шундай аҳвол юз берганда эди, ҳаммамиз шу оғир хижолатли дақиқаларни бошимиздан кечиришимиз турган гаплигини яхши тушунар эдик.

Ҳар бир киши аҳволни енгиллатишга ҳаракат қилар, ўзича режа тузиб, дўстларнинг муҳокамасига ташлар, бажаришга уринар эди.

– Бу гал, – деди Аркадий Николаевич, – сиз чинакамга хатти-ҳаракат қилдингиз, яъни мақсадга мувофиқ ва фойдали хатти-ҳаракат қилдинглар десам бўлади.

Бунга сизларни нима мажбур қилди? Бир оғиз сўз: АГАРДА!  
Ўқувчилар қойил қолишди.

Гўё «кароматли сўз» кашф қилганидек, шу сўзнинг ёрдами билан санъатдаги ҳамма нарсага эришиш мумкиндек туюлади. рол ёки этюд чиқмай турганда «агарда» сўзини айтсак, иш ўнгиндан келгандек туюлди.

– Шундай қилиб, бугунги дарс натижасида сиз саҳнавий хатти-ҳаракат мазмунли, асосли, мантиқли, изчил ва ҳаётий бўлиши кераклигини билиб олдингиз, – деб Торцов хулоса ясади.

«Агарда»ни ҳамма яхши кўриб қолди, ҳамманинг оғзида шу сўз. кўкларга кўтардилар, бугунги дарс деярли шу сўзни мақташга бағишланди.

Аркадий Николаевич синфга кириб ўрнига ўтиргани ҳам йўқ эдики, ўқувчилар уни ўраб олиб, миннатдорлик изҳор қила бошладилар.

– Сизлар «агарда» воситаси билан ички ва ташқи хатти-ҳаракатнинг табиий, органик, нормал ва ташқи хатти-ҳаракатнинг табиий, органик, нормал, ўз-ўзидан яратилишини тушундингиз ва қулай тажрибада синаб кўрддинглар.

Келинлар, жонли мисол тариқасида тажрибамизнинг ҳар бир фактори ва ҳаракатга келтирувчи вазифаларини кўриб чиқайлик.

«Агарда»дан бошлаймиз.

Авалло унинг яхшилиги шундаки, у ҳар қандай нжднинг бошланишига сабаб бўлади, – тушунтира бошлади Аркадий Николаевич. – «Агарда» сўзи артистлар учун, янаб турган ҳаётдан ижод яратиладиган оламга ўтиб олувчи қурол ҳисобланади.

Шундай «агарда»лар ҳам борки, улар кейинчалик мантиқий асосда аста-секин тараққий қилиб кетадиган ижоднинг бошланишига тўртки беради, холос.

Шу пайт Торцов Шустовга қўлини чўзганича ниманидир кутиб турди. Иккови ҳайрон бўлганича бир-бирларига қараб тура беришди.

– Ана кўрдингизми? – деди Аркадий Николаевич. – ўртамизда ҳеч қандай хатти-ҳаракат пайдо бўлмади. Шунинг учун мен «агарда» сўзини ишятиб «агарда» сизга бўш қўлимни эмас, хат узатаётган бўлсам нима қилардингиз?

– Уни олиб, кимга ёзилганлигини кўриб чиқардим. Агарда хат менга бўлса, сиздан ижозат олиб, хатни олиб ўқиб чиққан бўлардим. Севги хати бўлгани учун, ўқиётиб ҳаяжонга тушаётганимни сездирмаслик учун...

– Билдириб қўйишингиз мумкин бўлгани учун ташқарига чиқиб кетишинигиз маъқулроқ бўларди. – деб сўз қистирди Торцов.

– ... ундай бўлса хатни бошқа хонага чиқиб ўқирдим.

– Кўрдингизми, бир оғизгина «агарда» сўзи қанчадан-қанча онгли, бир-бирига боғланаган фикрларни – агарда, бўлгани учун, ундай бўлган тақдирда, ундай бўлса каби мантиқли поғоналарни, хилма-хил хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарди. Унинг ҳосил бўлиши мураккаб эмас.

Лекин «агарда» гоҳо ўз вазифасини қўшимча ёрдам талаб қилмай, бирданига ёлғиз ўзи ҳам адо этади. Мана мисол учун...

Аркадий Николаевич бир қўли билан Малолетковага мискулдон, иккинчи қўли билан Вельяминовага чарм қўлқопни узата туриб, шундай деди:

– Сизга совуқ қурбақа. сизга эса юшоқ сичқон.

У сўзини айтиб тугатмаган ҳам эдики, иккала аёл жирканиб орқага тисарилишди.

– Димкова, сувни ичинг. – деб буюрди Аркадий Николаевич.

У стаканни лабига олиб бориши билан:

– Унда заҳар бор! – деб қўйди Торцов.

Димкова қотиб қолди.

– Кўрдингизми! – деди Аркадий Николаевич ғурурланиб. – Буларнинг ҳаммаси оддий «агарда» эмас, балки хатти-ҳаракатларни бирданига, ўз-ўзидан қўзғатувчи «сеҳрли агарда»лардир. Жинни билан бўлган этюдда жуда ўткир ва эффектли бўлмаса ҳам, ҳар қалай кучли натижага эришинглар. Ундаги жинни фараз қилишнинг ўзи катта, чинакам ҳаяжонли ва деярли фаол хатти-ҳаракатга ундади. Бундай «агарда»ни «сеҳрли» деб атасак ҳам бўлади.

«Агарда»нинг хусусияти ва сифатини текширишда давом этар эканмиз, шунисига диққат қилмоқ керакки, улар бир қаватли ва кўп қаватли бўладилар. Масалан, биз ҳозиргина кулдон билан қилган тажрибамизда бир қаватли «агарда»дан фойдаландик. Агарда кулдон – қурбақа, қўлқоп сичқон бўлса-чи, дейишимиз билан хатти-ҳаракат пайдо бўлди.

Бироқ мураккаб пьесаларда қаҳрамонларнинг турли ишлари ва ҳаракатларини асословчи муаллиф яратган ёки мутлақо бошқа «агарда»лар чалкашиб кетган бўлади. Унда биз бир қаватли эмас, балки кўп қаватли «агарда»ларга, ўзаро чалкашиб кетган, жуда кўп тахминлар ва уларни асословчи тасаввурларга дуч келамиз. Унда муаллиф пьесани ёзаётган: «агарда» воқеа фалон замонда, фалон мамлакатда, фалон ерда ёки фалон хонадонда ўтса; агарда у ердаги яшовчи одамлар бундай хулқ, бундай фикр ва туйғуга эга бўлса: агарда улар ўзаро мана бундай вазиятда тўқнашсалар» ва ҳоказо, – дейди.

Пьесани саҳнага қўяётган режиссёр муаллифнинг ҳақиқатга яқин «агарда» сини ўз «агарда»си билан тўлдириб бундай дейди: «Агарда» пьесанинг қаҳрамонлари ўртасида мана бундай муносабатлар бўлса, уларнинг юриш-туришлари мана бундай бўлса, агарда улар мана бундай шароитда яшайдиган бўлсалар ва ҳоказо, унда пьеса қаҳрамонларининг шароитига нисбатан артист қандай хатти-ҳаракат қилар эди.

Ўз навбатида пьесанинг воқеаси ўтадиган жойни тасвирловчи рассом ҳам, саҳнани ёритувчи электр техник ҳам, спектаклни яратишда қатнашувчи бошқа кишилар ҳам пьеса ҳаётининг шарт-шароитларини ўз бадиий тасаввурлари билан бойитадилар.

«Агарда» сўзида қандайдир хусусият, қандайдир куч борлигини қадрланг, сиз буни жинни бўлган эподда синаб кўрдингиз. «Агарда»нинг шу хусусияти ва кучи қалбингизда жуда тез ўзгариш – силжиш пайдо қилди.

– Худди айтганингиздек, силжиш – ўзгариш пайдо қилди. – деб маъқулладим мен, сезгимга тўғри баҳо берганлигини пайқаб.

– Шунга кўра, – тушунтиришда давом этди Торцов. – худди «Кўк қуш» пьесасидаги сирли олмосни<sup>15</sup> кўз-кўз қилганда кўз қараши бошқача, қулоқларнинг эшитиши ўзгача, атроф-муҳитни англаш янгича бўлиб қолгандек, бунда ҳам тасаввур табиий тус олади, қўйилган мақсадни бажариш учун лозим бўлган реал хатти-ҳаракатни келтириб чиқаради.

– Бунинг сезилмай юз беришини кўрмайсизми! – дедим мен қойил қолиб.

– Чиндан ҳам: ёлғондакам печкага менинг нима даҳлим бор. Бироқ, уни «агарда»га қарам қилиб қўйган эдимки, машҳур артистларнинг келишини фараз қилган эдимки, қайсар печка ҳам-мамизни хижолат қилиб қўйишини англаган эдимки, у менинг ўша ондаги сахна ҳаётимда жуда муҳим ўринни эгаллаб олди. Мен бу картондан ишланган бутофорияни жуда ёмон кўриб қолдим. бемаҳал бошланган совуқдан хафа бўлдим; тасаввур бюрганларини тўла-тўкис бажаришга вақтим ҳам етмай қолди.

– Жиннининг келиши этюдида ҳам худди шундай бўлган эди. – деб уқтирди Шустов. – Унда ҳам машқни эшиқдан бошлаганимизда, эшик ҳимоя учун бир воситага айланиб қолди, ҳамманинг диққатини жалб қилган асосий мақсад эса ўз-ўзини муҳофаза қилиш туйғусидан иборат эди. Бу табиий равишда вужудга келди...

– Нима учун шундай бўлди. – Аркадий Николаевич қизиқиб кетиб, унинг сўзини бўлди. – Чунки бизни хавф тўғрисидаги тасаввурлар доим ҳаяжонга солади; у лаҳза сайин ошиб боравериши мумкин. Эшик ва печкага келсак, улар муҳимроқ нарсалар билан боғлиқ бўлгани туфайлигина ҳаяжонлантиради.

«Агарда»нинг бу қадар таъсир қилишининг яна бир сири шундаки, у реал, ҳозир содир бўлаётган факт ҳақида эмас. балки энди юз бериши мумкин бўлган нарса ҳақида гапирди. «Агарда»... Бу сўз ҳеч нарсани тасдиқламайди. У фақатгина фараз қилади, у масалани ҳал қилишга ҳавола қилади, холос. Актёр эса мана шу масалани ҳал қилишга уринади.

Шунинг учун ҳам масала зўрлашсиз, ёлғон-яшиқсиз ҳал этилади. Чиндан ҳам, мен сизларни эшик орқасида жинни турибди, деб ишонтирганим йўқ, ёлғон гапирганим ҳам йўқ, аксинча. «агарда» сўзи воситаси билан очиқдан-очиқ шундай хавф борлигини, аслида эса эшик орқасида ҳеч ким йўқлигини айтдим. Мен фақат сизлардан, «агарда» жинни ҳақидаги тасаввур рост бўлиб чиқса, нима қилардингиз деган саволимга виждонан жавоб беришингизни истадим. Мен сизнинг кўзингизга алланима балолар кўринсин деб ўз сезгиларимни намоиш ҳам қилмадим, балки ўзингиз нимани ҳис қилсангиз, шуни табиий равишда «ҳис қила беринг» деб, мутлақо эркинлик бериб қўйдим. Сизлар эса менинг жинни ҳақидаги тахминимни реал факт экан деб ўзингизни



зўрламадингиз, мажбур қилмадингиз. Фақат тахмин деб қарадингиз. Жинни ҳақидаги ёлғон воқеанинг ростлигига ишонишга сизни мажбур қилмадим, аммо шундай фактнинг ҳаётда бўлиши мумкинлигига сиз ўзингиз иқрор бўлдингиз.

– Ҳа, «агарда»нинг очиқ-ойдинлиги, росттўйлиги ва масалани равшан қилиб қўйиши жуда яхши экан. Бу кўпинча сахна ўйинида сезиладиган қалбакиликни бир қадар йўқотади! – дедим мен завқланиб.

– Борди-ю мен тахминий фараз ўрнига, сизларни эшик орқасида «чинакам» жинни турибди деб ишонтирсам, қасам ичсам нима бўларди?

– Мен бу ёлғонга ишонмас эдим ҳам, ўрнимдан қимирламасдим ҳам, – деб иқрор бўлдим мен, – шуниси яхшики, ажойиб «агарда» сўзи шундай ҳолат пайдо қилдики, унда зўрликка ўрин қолмайди, фақат шу шароитдагина ўзи бўлмаган, лекин ҳаётда бўлиши мумкин бўлган воқеа ҳақида астойдил фикр юритса бўлади. – деб мақташда давом этдим мен.

– Мана «агарда»нинг яна бир янги хусусияти, – деб эслади Аркадий Николаевич. – У актёрнинг ички ва ташқи фаоллигини зўрлаш натижасида эмас, табиий йўл билан қўзғатади. «Агарда» сўзи ҳаракатга келтирувчи, ички ижодий фаоллигимизни қўзғатувчи воситадир. Ҳақиқатан ҳам, сиз ўз-ўзингизга «агарда» жинни тўғрисидаги фараз чин бўлиб қолса, нима қилардим, ўзимни қандай тутардим» деган эдингизки, шу ондаёқ кўнглингизда фаоллик пайдо бўлди. Сизнинг актёрлик хусусиятингизга мувофиқ табиатингиз берилган саволга соддагина жавоб бериш ўрнига, сизда хатти-ҳаракатга иштиёқ туғдирди. Ўшанинг таъсирида тўғри келган ишни бошладингиз ва ўзингизни бу ишдан тўхтата олмадингиз. Шу билан бирга ўзини муҳофаза қилиш сингари реал, инсоний туйғу ҳақиқий турмушда қандай бошқариб борса, бу ҳозирги хатти-ҳаракатингиз ҳам худди шундай бошқариб борди...

«Агарда» сўзининг бу муҳим хусусияти оқимимизнинг асосларидан бири бўлган. санъатдаги ижоднинг фаоллиги ва хатти-ҳаракатчанлиги билан яқин алоқага эга.

– Лекин, «агарда» ҳамма вақт ҳам эркин, бетўсқин ҳаракат қилолмаса керак, – дея танқид қила бошладим мен. – Мана, масалан, кўнглимда силжиш тўсатдан пайдо бўлган бўлса ҳам, лекин унинг ўрнашиб олиши узоққа чўзилди. Ажойиб «агарда»

сўзидан фахрланишнинг биринчи дақиқадаёқ мен унга дарров ишондим ва силжиш пайдо бўлди. Аммо бундай ҳолат узоққа чўзилмади. Иккинчи дақиқадан бошлаб кўнглимда шубҳа туғилди ва ўзимга-ўзим: «Мунга тиришмасанг? Ахир ҳар қандай «агарда» чинакам ҳаёт эмас, хаёл, ўйин эканини ўзинг биласан-ку!» – дердим. Лекин кўнглимда бошқа бир фикр бунга қўшилмай: «Тўғри, «агарда» – ўйин. хаёл, бироқ унинг ҳақиқий ҳаётда учраши. бўлиши мумкинми, дерди. Бунинг устига сени ҳеч ким мажбур қилаётгани ҳам йўқ. Сендан фақат «ўша куни кечқурун сен ҳам Малолеткованинг уйида бўлиб, меҳмонлар тушган аҳволга тушсанг, нима қилардинг? – деган саволга жавоб беришингни илтимос қилади, холос».

Мен ўйлаб топилган фаразнинг реал эканлигини сезгач, унга жуда жиддий қарай бошладим, печкани нима қилиш ва чақирилган машҳур меҳмонларни қандай кутиб олиш кераклигини ўйлай бошладим.

...19 ..й.

– Шундай қилиб, «сирли» ёки оддий «агарда» ижодни бошлайди. У ролнинг яратилиш процессидаги кейинги тараққиётга биринчи туртки беради.

Бу процесснинг қандай тараққий этиши тўғрисида менинг ўрнимга Александр Сергеевич Пушкин айтиб берсин!

«Халқ драмаси ва М.П.Погодиннинг «Марфа Посадница» ҳақида» деган мақоласида Александр Сергеевич бундай дейди: «Бизнинг онгимиз драматик ёзувчидан «фараз қилинган шарт-шароитда эҳтиросларнинг ҳаққонийлигини, туйғуларнинг чинакам туйғуларга ўхшашлигини талаб қилади».

Ўзимдан қўшиб қўяй, онгимиз драматик артистдан ҳам худди шуларни талаб қилади, фақат фарқи шундаки, ёзувчи учун фараз қилинган шарт-шароит, биз артистлар учун тайёр ҳолда берилган шарт-шароит бўлади. Мана шунинг учун ҳам бизнинг иш тажрибамизда «берилган шарт-шароит» деган термин ўрнашиб қолган ва биз шундан фойдаланамиз.

– Берилган шарт-шароит... – ташвишга тушиб қолди Вьюнцов.

– Бу мазмунли гапнинг мағзини яхшилаб чақинг, кейин бу сўзнинг ҳам, яхши кўриб қолган «агарда» сўзимиз каби, Алек-

сандр Сергеевичнинг улуғ васиятини бажаришда қандай ёрдам беришини ёрқин мисолда тушунтириб бераман.

– «Берилган шарт-шароитда эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги, туйғуларнинг чинакам туйғуларга ўхшаганлиги» – мен бу таъбирни ёзиб олар эканман, уни минг оҳангга солиб ўқий бошладим.

– Мазмундор жумлани бекорга чайнаясиз, – мени тўхтати Торцов. – Бу йўсинда унинг ички мазмунини англаб ололмаймиз. Агар бутун фикрни дарров қамраб ололмасангиз, – уни мантиқий қисмларга бўлиб, ҳазм қилишга урининг.

– Аввало «берилган шарт-шароит» сўзи тагида нима назарда тутилганини англаб олоғимиз зарур бўлса керак? – деб сўради Шустов.

– Бу пьесанинг фабуласи, унинг фактлари, воқеалар, давр, воқеа ўтадиган вақт ва жой, ҳаёт шароитлари, пьесанинг актёр ва режиссёр томонидан тушуниб олиниши, қўшимчалар, мизансценалар, бутафория, ёритиш, сахнадаги турли-туман товуш ва овозлар ва ҳоказо ва ҳоказолар ижод даврида аҳамият бериши лозим бўлган шарт-шароитлардир.

«Берилган шарт-шароитлар», «агарда» сингари «тасаввуримиз меваси», фараз қилинган нарса. Уларнинг келиб чиқиши бир: «берилган шарт-шароит» – «агарда»нинг ўзи, «агарда» – эса «берилган шарт-шароитнинг» ўзидир. Бири – «агарда» фараз бўлса, иккинчиси – «берилган шарт-шароит» унга қўшимчадир. «Агарда» ижодни бошлайди, «берилган шарт-шароит» эса уни тараққий эттиради. Бири иккинчисисиз яшай олмайди ва ривожлана олмайди. Лекин уларнинг вазифаси бир қадар бошқа-бошқа: «агарда» мудраб ётган тасаввурни уйғотса, «берилган шарт-шароит» «агарда»га асос бўлиб хизмат қилади. Улар бирга ва ажралган ҳолда ички ривожнинг пайдо бўлишига ёрдам берадилар.

– «Эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги» нима? – қизиқиб сўради Вьюнцов.

– Эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги – эҳтиросларнинг ҳаққонийлигидир, яъни ҳақиқий, инсон эҳтироси, туйғуси, артист кечинмаларидир.

– Чинакам туйғуга ўхшаган туйғулар-чи? – савол беришни қўймади Вьюнцов.

– Бу чинакам эҳтирос, туйғу, кечинма эмас, балки уларнинг олдиндан сезилиши, уларга яқинликни билдирувчи ҳақиқатга

ўхшаш бир ҳолат дейиш мумкин, шунинг учун чинакам туйғуга ўхшаган туйғу деб аталади. Бу ҳақиқий эҳтироснинг тўғридан-тўғри, бевосита, беихтиёр намоён бўлиши эмас, балки, туйғуларни кўнгил назорати остида кўрсатиш демакдир.

Пушкин айтган жумлага келсак, сиз бу жумладаги сўзларни алмаштириб айтсангиз тушунишингиз осонроқ бўлади. Яъни мана бундай: «Берилган шарт-шароитда» – «Эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги», бошқача қилиб айтганда, сиз аввал ўзингизга берилган шарт-шароитни яратиб олинг, уларга астойдил ишонинг, ана ўшанда «эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги» ўзидан-ўзи пайдо бўлади.

– «Бе..рил...ган шарт... ша..ро..ит...да»... – тушуниб олмоқчи бўлди Вьонцов.

Аркадий Николаевич ёрдам бермоқчи бўлди.

– Амалда олдингизда тахминан мана шундай программа турди: сиз ҳаммадан бурун билганингизча пьесадан, режиссёрлик постановкасидан, ўз шахсий артистлик тасаввурингиздан олинган «берилган шарт-шароит»ларни кўз олдингизга келтиришингиз лозим. Мана шу материал тасвирламоқчи бўлган образингиз ва унинг турмуш шароити ҳақида умумий тасаввур пайдо қилади... Кундалик ҳаётимизда мана шундай реал воқеалар бўлишига қаттиқ ишонмоқ керак; унга шу қадар ишонмоқ керакки, сиз мана шу бегона ҳаёт билан қўшилиб кетинг. Агар шунга муяссар бўла олсангиз, унда қалбингизда ҳаққоний эҳтирос ёки чинакам туйғуга ўхшаган туйғу ўз-ўзидан пайдо бўлади.

– Тажрибада ишлатиб бўладиган яна ҳам аниқроқ йўлни билиб олсак яхши бўларди-да, – деб туриб олдим мен.

– Яхши кўриб қолган «агарда»ни олингда, уни ўзингиз тўплаган «берилган шарт-шароитлар» олдига қўйинг. Шу билан бирга ўзингизга шундай денг: агарда, отилиб кирган одам жинни бўлса, агарда ўқувчилар Малолеткованинг янги уйга кўчиб келиши муносабати билан тўпланган бўлсалар, агарда эшик бузилган бўлса-ю, ёпилмаса, агарда эшик олдида баррикада ясаган бўлсак ва ҳоказо, унда мен нима қилардим, ўзимни қандай тугган бўлардим?

Бу савол сизда дарров фаолликни қўзғатиб юборади. Унга хатти-ҳаракат билан жавоб беринг: «Мана бундай қилардим», деб айтинг. Нимани истасангиз, нимага иштиёқ пайдо бўлса, хатти-ҳаракат вақтида иккиланиб ўтирмасдан шуни бажаринг.

Мана шунда сиз Пушкин айтган «эҳтиросларнинг ҳаққонийлиги»ни ёки жуда бўлмаганда «чинакам туйғуга ўхшаган туйғу»ларни беихтиёр ёки онгли равишда ҳис этасиз. Бу процесснинг сири шундаки, туйғунгизни мутлақо зўрламайсиз, уни ўзига қўйиб берасиз. «Ҳаққоний эҳтирос» тўғрисида ўйламайсиз, чунки бу «эҳтирослар» бизга бўйсунмайди, балки ўзидан-ўзи келиб чиқади. Улар на буйруққа, на зўрлашга бўйсунадилар.

Артистнинг бутун диққати «берилган шарт-шароитга» жалб этилсин. Сиз унга чинакам берилиб яшанг-а, унда «ҳаққоний эҳтирос» қалбингизда ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Муаллиф, актёр, режиссёр, рассом, электротехник ва спектаклнинг бошқа яратувчилари томонидан турли-туман «берилган шарт-шароит» ва «агарда»лар туфайли саҳнада ҳақиқий ҳаётга ўхшаган шароит яратилишини Аркадий Николаевич тушунтириб келаётган эди, Говорковнинг жаҳли чиқиб, артистнинг ёнини олди.

– Кечирасиз, – эътироз билдирди у, – ҳамма нарсани бошқалар яратса, у ҳолда артистга нима қолади? Қуруқ гапми?

– Қуруқ гап деганингиз нимаси? – эътироз билдирди Торцов. – Бировнинг тасаввурига ишониш ва у билан астойдил яшаш қуруқ гапми? Ўзингиз фараз қилган нарсага нисбатан бировнинг берган мавзуида ижод қилиш қийинроқ бўлишини биласизми? Биз шундай ҳодисаларни биламизки, шоирнинг ёмон пьесаси моҳир артистнинг ижоди туфайли жаҳонда шуҳрат қозониб кетган. Шекспир баъзи муаллифлар новеллаларини янгидан пьеса қилиб яратганини ҳам биламиз. Биз драматургларнинг асарларини қайтадан яратамиз, ҳар бир сўзнинг тагида ётган маъносини очиб берамиз, одамлар ва уларнинг ҳаёт шароитига ўз муносабатимизни кўрсатамиз. Муаллиф ва режиссёрдан олган материални ўзимизга сингдираамиз, уни қайтадан ишлаб чиқамиз, жонлантираамиз ва тасаввуримиз билан бойитамиз. Биз у билан апоқ-чапоқ бўлиб, унга ҳам руҳий, ҳам жисмоний киришиб кетамиз; қалбимизда «ҳаққоний эҳтирос» пайдо қиламиз; пьесада яшириниб ётган фикр билан ижодий чамбарчас боғланиб, чинакам, унумли хатти-ҳаракатни яратамиз; тасвир қилаётган шахснинг эҳтироси ва туйғулари орқали жонли, типик образлар яратамиз. Шундай зўр иш қуруқ гапми?! Йўқ, бу улугвор ижод ва чинакам санъатдир! – деб яқун ясади, Аркадий Николаевич.

Аркадий Николаевич синфга кириб, дарс программасини эълон қилди:

– Бугун биз «агарда» ва «берилган шарт -шароит»дан сўнг ички ва ташқи саҳна хатти-ҳаракати тўғрисида гаплашамиз.

Ўз хусусиятига кўра фаолликка асосланган хатти-ҳаракат санъатимиз учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини биласизми?

Бу фаоллик саҳна ҳаракатида кўринади, хатти-ҳаракатда эса ролнинг жони ҳам, артистнинг кечинмаси ҳам, пьесанинг ички дунёси ҳам намоён бўлади; биз саҳнада кўрсатаётган одамлар ҳақида уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилган ишлари орқали ҳукм чиқарамиз ва уларнинг кимлигини билиб оламиз.

Биз буларга хатти-ҳаракат орқали эришамиз ва ундан томошабинларнинг кутган нарсаси ҳам шу.

Томошабин бизда кўпинча нимани кўради? Ҳаммадан бурун биз унга беҳуда, бекорчи уринишларни бир талай маъносиз имо-ишораларни, асабий, сунъий ҳаракатларни тортиқ қиламиз. Театрда биз буларга, ҳақиқий ҳаётдаги нисбатан жуда кўп ўрин берамиз.

Бироқ бу актёрлик хатти-ҳаракатлар ҳаётий, инсоний хатти-ҳаракатларга нисбатан бутунлай бошқачадир. Бунинг тафовутини мисолда кўрсатай: инсон ўзи учун муҳим бўлган, юракда яшириниб ётган кечинмалари ва фикрлари тўғрисида мулоҳаза юритмоқчи бўлганда (Гамлетдаги «Ё ўлиш, ё қолиш» каби) у ҳоли бўлишни истайди, ўз кўнглининг чуқур ерларига кўз ташлайди ва нима ҳақида ўйлаётганини ва нимани ҳис этаётганини сўз билан ифодалашга уринади.

Саҳнада эса актёрлар бошқача қиладилар. Улар ҳоли қолиш керак бўлган пайтларда саҳнанинг энг олдига чиқиб оладилар, баланд овоз, кўтаринки пафос билан тагида йўқ кечинмалари ҳақида томошабинларга ваъзхонлик қиладилар.

– «Тагида йўқ кечинмалар ҳақида» ваъзхонлик қиладилар, деганингиз нимаси?

– Бу деганим, улар ҳам худди сиз сингари, ўз ўйинининг бўш ерларини ташқи, юзаки актёрларча бўрттирилган ўйин билан тўлдиришни истайдилар.

Юракдан сезмаган ролни томошабинга ташқи дабада билан қарсақлар остида етказиб бериш қулайроқ-да. Аммо жиддий

артист ўзининг энг қимматли туйғуларини, қалбида яшириниб ётган орзу-умидларини айтмоқчи бўлганда, театр шовқин-суронни хушламайди.

Ахир уларда артистнинг шахсий, ролнинг туйғуларига ўхшаган туйғулари мужассамлашган-ку. Улар бачкана қарсақлар шовқини остида эмас, аксинча, мутлақо жимликда, бутунлай танҳоликда етказиб бериш лозим. Артист буни қадрламас экан, тантанали лаҳзаларни оёқости қилишдан кўрқмас экан, демак у, айтмоқчи бўлган рол сўзларини қадрламаганини, бу сўзларга ҳеч қандай маъно қўшмаганлигини, уларнинг юракдан чиқмаётганлигини исботлайди. Қуруқ сўзларга кўтаринки муносабатда бўлиш мумкин эмас. Қуруқ сўз овозни намоён қилиш учун бир товуш, дикцияни, нутқ техникасини, актёрлик, ҳайвоний темпераментини кўрсатиш учун бир воситадир. Пьесанинг ёзилишига сабаб бўлган фикр ва туйғуларга келсак, уларни бу йўсинда ўйнаганда фақатгина «умуман» ғамгин, «умуман» шод, «умуман» фожиали, умидсиз ва ҳоказо қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ўлик расмийчасига, ҳунармандчасига ўйнашидир.

Ташқи хатти-ҳаракат соҳасида ҳам аҳвол худди ички хатти-ҳаракатда (нутқда) бўлгани сингаридир. Актёрга ўзининг қилаётган иши одам сифатида керак бўлмас экан, рол ва санъат ўз вазифасига хизмат қилмас экан, у ҳолда хатти-ҳаракат бошдан кечирилмайди. қуруқ чиқади ва моҳиятини очиб бера олмайди. У ҳолда «умуман» хатти-ҳаракат қилишдан бошқа чора қолмайди. Актёр азоб чекиш учун азоб чекса, севиш учун сева, ранг қилиш учун рашк қилса, кечирим сўраш учун кечирим сўраса, буларнинг ҳаммаси чин қалбдан эмас, саҳнада ролнинг ҳаёти шундай яратилгани учун эмас, балки фақатгина пьесада шундай бўлгани учун қилинса, актёрнинг борадиган бошқа йўли қолмайди ва бундай вазиятда «умуман ўйнаш» актёр учун бирдан-бир чора бўлиб қолади.

«Умуман» сўзи қандай ярамас сўз!

Бу сўзла қанчадан-қанча чалкаш, ноаниқлик, асоссизлик, тартипсизлик бор.

Бирор нарсани «умуман» егингиз келадими? «Умуман» гаплашишни, бирор нарса ўқишни истайсизми? «Умуман» хурсанд бўлишни хоҳлайсизми?

Бу жумлалардан нақадар зерикниш ва бемаънилик иси келади.

Артистнинг ўйинига «умуман» сўзи билан баҳо берсалар, масалан, «фалон артист Гамлетни «умуман» ёмон ўйнамади!» десалар, бундай баҳо артист учун ҳақоратдир.

Менга севги, рашк, нафратни «умуман» ўйнаб беринг-чи!

Бу нима демак? Мана шу туйғулар ва уларнинг узвий элементлари қоришмасини ўйнашми? «Умуман» ўйновчи актёрларгина бизга сахнадан туриб худди мана шу туйғу, фикр, образ, хатти-ҳаракат мантиғининг қоришмасини тақдим этадилар.

Ҳаммадан қизиғи шундаки, улар ўзларининг умуман ўйнашларини ҳис қиладилар ва астойдил ҳаяжонга тушадилар. Сиз уларни биз каби ўйинларида эҳтирос ҳам, кечинма ҳам, фикр ҳам йўқлигига, фақатгина уларнинг қоришмаси борлигига сира ишонтира олмайсиз. Бундай актёрлар гарчи, уларни нима ҳаяжонга солганини ва нима қизиқтирганини ўзлари билмасалар ҳам терлаб пишадилар, ҳаяжонланадилар ва ўйинга берилиб кетадилар. Булар мен айтиб ўтган «актёрлик туйғуси» жазавага тушишининг худди ўзгинасидир. Бу «умуман» ҳаяжонланишдир.

Ҳақиқий санъат ва «умуман» ижро этиш бир-бирига зиддир. Бири иккинчисини йўқ қилади. Санъат тартиб ва узвийликни севса, «умуман» ўйнаш тартибсизлик, чалкашлик ва мантиқсизликни яхши кўради.

Мен сизларни ашаддий душманмиз бўлган «умуман» ижро этишдан қандай сақлаб қолсам экан-а?

Сусайиб кетган «умуман» ўйнашга қарши курашиш учун, унинг таркибига, унга хос бўлмаган ва уни емирувчи нарсаларни киритмоқ лозим.

«Умуман» ижро этиш – юзакилик ва енгилтакликдир. Шунинг учун ўйинингизга кўпроқ тартиб ва режа киритинг. сахнадаги ишингизга жиддий муносабатда бўлинг. Бу юзакилик ва енгилтакликни барбод қилади.

«Умуман» ижро этиш – чалкашлик, мантиқсизлик ва бемаъниликдир. Ролингизга мантиқ ва изчиллик киритинг, улар «умуман»нинг ёмон томонларини сиқиб чиқаради.

«Умуман» ҳамма нарсани бошлайди-ю, лекин ҳеч нарсани битирмайди. Ўйинингизнинг натижали бўлишига эришинг.

Биз бу иш билан бутун «система» курсини ўрганиш давомида шуғулланамиз. Мақсад сахнада «умуман» ҳаракат ўрнига бир умрга ҳаққоний, сермаҳсул ва мақсадга мувофиқ бўлган инсон ҳаракатларини вужудга келтиришдир.



Мен санъатда фақат шуни тан оламан, шуни қўллаб-қувватлайман ва тараққий этаман. Нима учун мен «умуман» ижро этишни бунчалик ёмон кўраман? Бунинг эса сабаблари бор.

Дунёга ҳар куни чинакам санъат талабига жавоб берадиган, ички моҳиятгни очиб бера оладиган спектакл кўп кўрсатиладими? Ўнлаб холос!

Маъносиз «умуман» ўйналадиган спектакллар-чи? Ўн мингларча. Шунинг учун ҳар куни дунёда юз минглаб актёрлар ўзларига зарарли, нотўғри саҳна қоидаларини систематик равишда ўзлаштирадилар ва майбликка учрайдилар десам ҳайрон бўлманглар. Бу шунинг учун кўрқинчлидирки, бир томондан театрнинг ўзи ва ундаги ижод шароити актёрни мана шу хавфли йўлларга бошлайди.

Иккинчи томондан, актёрнинг ўзи осон йўл ахтариш натижасида, бу ҳунармандларча «умуман» ўйнашдан жон-жон деб фойдаланади.

Шундай қилиб, нодон одамлар актёр санъатини кун сайин ҳалокатга яқинлаштирмоқдалар, яъни «умуман» ўйнашнинг шартли ташқи шаклидан фойдаланиб, унинг ички мазмунини барбод қилмоқдалар.

Кўриб турибсизки, сизга жуда кўп кураш олиб боришга, томошабин олдида ўйнашнинг шартлари билан, актёр ўқитиш методи, шу жумладан, саҳна хатти-ҳаракати ҳақида ўрнашиб қолган сохта тушунча билан доимий курашишга тўғри келади.

Олдимизда турган қийинчиликларни енгишда мувафаққиятларга эришмоқ учун, аввал дадил иқрор бўлиш керакки, қатор сабабларга кўра, саҳнага чиқаётиб, томошабинлар олдида ижод қилиш вақтида биз реал ҳаётни мутлақо унутиб кўямиз. Биз ҳамма нарсани – ҳаётда қандай юришимизни, қандай ўтиришимизни, қандай овқат ейишимизни, ичишимизни, ухлашимизни, гаплашишимизни, қарашимизни, эшитишимизни – хуллас, ҳаётда қандай ички ва ташқи ҳаракат қилишимизни унутамиз. Саҳнада шуларнинг барчасига худди ёш бола юришга, гапиришга, кўришга, эшитишга ўргангандек, қайтадан ўрганмоғимиз лозим.

Дарсларимиз давомида сизга бу фавқуллодда ва муҳим ҳулосани тез-тез эслатиб туришимга тўғри келади. Ҳозирча саҳнада актёрчасига – «умуман» хатти-ҳаракат қилишни эмас, балки одамларча – содда, табиий, органик жиҳатдан тўғри, эркин, театр шароити талаб қилганича эмас, жонли, органик табиат та-

лаб қилганича хатти-ҳаракат қилишни ўрганишимиз лозимлигини яхшилаб тушуниб олайлик.

– Қисқаси театрдан театрни қувиб чиқаришга ўқир эканмизда? – деб қўшиб қўйди Говорков.

– Жуда тўғри, ҳақиқий театрдан сохта театрни қувиб чиқаришни ўрганамиз.

Бундай вазифани бирданига бажариб бўлмайди, балки аста-секин, артистлик камолотига эришиш ва психотехникани тўғри ишлата билиш процессида бажариш мумкин.

– Ваня ҳозирча сендан илтимосим шуки, – Рахмоновга мурожаат қилди Аркадий Николаевич, – ўқувчилар саҳнада ўзларини ҳаракат қилаётган қилиб кўрсатмай, балки чинакам, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилишларини яхшилаб кузатиб бор. Ўйинга оғиб кета бошладиларми ёки қилиқ қила бошладиларми, шу ондаёқ тўхтат. Бу ишинг йўлга тушгандан кейин (бунинг тезроқ бўлишини истардим), уларни саҳнада ҳаракат қилишга мажбур қиладиган алоҳида машқлар ишлаб чиқ. Ўқувчиларни аста-секин, методикага асосланган ҳолда чинакам, самарали ва мақсадга мувофиқ, хатти-ҳаракат қилишга ўрганишлари учун бу машқларни кун сайин тез-тез қайтариб тур.

Чин инсоний фаоллик булар тасавурида, улар саҳнада, томошабин иштирокида, омма олдида ёки дарс қилаётган вақтдаги ҳолатларига қўшилиб кетсин. Ўқувчиларни саҳнада инсонларча фаолликка ўргатсанг, санъатда қўғирчоқ эмас, балки нормал ҳақиқий одам бўлишларига яхши одатлантирган бўласан.

– Қандай машқлар бўлсин? Қандай машқлар қилиш керак дейсиз?

– Дарс шароити жиддий бўлсин, асло бўшаштирма, ўйнаётган ўқувчилар ўзларини худди спектаклда ўйнаётгандек сезсинлар, бу сенинг қўлингдан келади.

– Хўп бўлади! – рози бўлди Рахмонов.

– Ўқувчиларни биттадан саҳнага чиқариб бирорта иш топшир.

– Қанақа иш бўлсин?

– Масалан, газета ўқиб чиқиб, нималар ёзилганини айтиб берсинлар.

– Бу кўпчилик билан ўтказиладиган дарсда жуда кўп вақтгни олади. Ҳаммани биттама-битта кўриб чиқишим керак бўлади.

– Гап бутун бир газетанинг мазмунини билишдами? Энг муҳими чинакам, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатга эришишда. Шундай ҳолат юз берганини, ўқувчи ўз ишига берилиб кетганини, газета ўқиш дарсида унга бу ёқдагиларнинг халақит бермаётганини кўрдингми, бошқа ўқувчини чақир, аввалгисини бошқа бир ерга, саҳнанинг ичкарироғига жўнат. Ўша ерда ҳаётий, инсоний хатти-ҳаракат қилишни қайтариб кўраверсин. Уларни яхшилаб сингдириб олмоқ учун саҳнадаги маълум миқдордаги вақт ичида чинакам унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилиб яшамоқ лозим. Мана шу «маълум» миқдордаги вақтда яшай олишларига сен ёрдам беришинг керак бўлади.

Дарсни тамомлай туриб, Аркадий Николаевич бизга тушунтирди:

– «Агарда», «берилган шарт-шароитлар», ички ва ташқи хатти-ҳаракат ишимизда жуда муҳим ҳисобланган омиллардир. Лекин булар ҳаммаси эмас. Бизга ҳали жуда кўп махсус билимлар, артистлик, ижодий қобилият, хусусий сифат, истеъдод, тасаввур, диққат, ҳақиқат сезгиси, вазифалар, саҳнавий лаёқат ва ҳоказо ва ҳоказолар керак бўлади.

Ҳозирчалик, қисқа ва қулай бўлиши учун буларнинг ҳаммасини битта сўз билан элементлар деб аташга келишиб олайлик.

– Ниманинг элементлари? – сўради кимдир.

– Бу саволга ҳозирча жавоб бермайман. Вақти-соати билан ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади. Бу элементларни бошқариш санъати, шу жумладан, биринчи галда «агарда», «берилган шарт-шароитлар», ички ва ташқи хатти-ҳаракатларни бошқармоқ учун, уларни бир-бирлари билан комбинация қила билиш учун, бир-бирига боғлаш, қўша билиш учун катта тажриба ва амалий иш, бинобарин, шунга яраша вақт керак бўлади. Бу масалада чидамли бўлайлик ва бутун фикримизни мана шу элементларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганишга ва сингдиришга жалб қилайлик. Бу йилги машғулотиимизнинг катта ва асосий мақсади мана шундан иборат.

Бугун Торцов бетоб бўлгани учун, дарс унинг уйига тайинланган эди. Аркадий Николаевич бизни ўз кабинетига йиғди.

– Бизнинг саҳна ишимиз. – деди у, – пьеса ва ролга сеҳрли «агарда»ни киритишдан бошланишини. бу эса артистни кундалик муҳитдан тасаввур оламига олиб кирадиган восита эканини билиб олинглар. Пьеса, рол – муаллиф фикрининг меваси, бир қатор сеҳрли «агарда», «берилган шарт-шароитлар»ни ҳам муаллиф ўйлаб топган. Чинакам «воқеа» реал воқелик саҳнада бўлмайди, реал воқелик санъат эмас. Санъат учун, ўз-ўзидан маълумки, бадий тўқима керак, бу биринчи галда муаллиф асаридир. Артист ва унинг ижодий техникасининг вазифаси пьесанинг тўқимасини бадий саҳнавий воқеликка айлантиришдан иборатдир. Бу процессда тасаввуримиз ғоятда катта рол ўйнайди. Бинобарин, бунга ва унинг ижоддаги вазифасига кўпроқ тўхташга ва кўпроқ эътибор беришга тўғри келади.

Торцов турли декорациялар эскизи осилган деворни кўрсатди.

– Бу расмлар мен яхши кўрадиган марҳум бир рассомники. У жуда ғалати одам эди: ҳали ёзилмаган пьесаларга эскизлар чизар эди. Мана, масалан, Чехов ёзмаган пьесанинг охириги пардаси учун чизилган эскиз, бу пьесани Антон Павлович вафотидан биров бурун ўйлаб қўйган эди: музлар исканжасида қолган экспедиция, даҳшатли қаҳратон шимол. Сузиб юривчи муз қатламлари орасида сиқилиб қолган улкан пароход. Тутундан қорайиб кетган, трубалари оқ фонда ваҳимали тусга кирган. Қаҳратон совуқ. Бўрон қор қуюнларини кўтаради.

Улар юқорига кўтарилганда кафанга ўралган хотиннинг қиёфасига ўхшаб кетади. Мана бу ерда унинг эри ва ўйнаши бир-бирига ёпишиб турибди. Улар қатбларидаги жароҳатни унуттиш учун ҳаётдан узоқлашганлар ва экспедицияга жўнаганлар.

Бу эскиз Москвадан нарига чиқмаган одам томондан чизилганига ким ишонади! У қутб манзарасини Москва қиш кўринишини кузатиш, бадий ва илмий адабиёт билан танишиш, фото суратларини кўриш натижасида яратган. Бутун тўпланган материаллардан эса расм вужудга келган. Бу ишда асосий рол тасаввур зиммасига тушган.

Торцов бизни қатор пейзажлар осиб қўйилган бошқа девор ёнига олиб борди. Тўғрироғи, бу ердаги расмлар бир мавзунини турли вариантларда такрорлар эди. Қандайдир боғнинг кўриниши расмнинг тасавури туфайли ҳар сафар бошқача тасвирланган эди. Қарағайзорда қатор турган чиройли уйлар – йилнинг турли фаслларида, куннинг турли соатларида, офтоб қизарганида, бўрон пайтида тасвирланган. Ундан нарида ўша манзаранинг ўзгинаси, бироқ қарағайзор қирқилиб, унинг ўрнига ҳовуз қазилган ва ҳар хил янги дарахтлар ўтқазилган. Табиат ва одамларни турли шароитга солиш расмни завқлантирган. У ўз эскизларида шаҳар ва уйларни бузар, қайтадан қуради, тоғларни текислаб ташлар, ер сатҳи режасини қайта-қайта чизаверарди.

– Қаранглар-а, нақадар гўзал! Москва Кремли денгиз қирғоғида! – хитоб қилди кимдир.

– Буларнинг ҳам барини расмнинг тасавури яратган.

– Мана бу эскизлар ҳали ёзилмаган пьеса «Планеталараро ҳаёт»га атаб чизилган, – деди Торцов, бизни бир қатор қалам ва акварел билан ишланган расмлар олдига олиб келиб. – Мана бунда планеталараро алоқа боғлаб турувчи аллақандай аппаратлар станцияси тасвирланган. Кўринглар. Металлдан ясалган жуда катта бир яшик токчаларида кўз кўрмаган аллақандай чиройли жониворлар. Бу вокзал. У фазода муаллақ турибди. Унинг деразаларидан одамлар – ердан келган йўловчилар кўринади... Чексиз фазода баланд ва паст томонга чўзилган худди шундай вокзалларнинг чизиқлари кўринади: улар жуда катта магнитларнинг ўзаро тортиши туфайли мувозанат ҳосил қилганлар. Уфқда бир неча қуёш ва ойлар турибди. Уларнинг нурлари, ерга кўринмайдиган ажиб манзара кашф этган. Шундай расмни ярата билмиш учун тасаввургина эмас, яхшигина фантазия ҳам даркор бўлади.

– Улар ўртасида қандай фарқ бор? – деб кимдир сўради.

– Тасаввур бор нарсани, бор бўлиши мумкин бўлган нарсани, билган нарсани яратади, фантазия эса йўқ нарсани, воқеликда учрамайдиган нарсаларни, ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайдиган нарсани яратади.

Эҳтимол, бир кун келиб рўёбга чиқса ҳам ажаб эмас. Ким билади дейсиз? Халқ фантазияси афсонавий учар гиламни яратар экан, одамларнинг аэропланларда парвоз қилишлари кимнинг хаёлига келибди? Фантазия ҳамма нарсани билади ва барча

ишнинг уддасидан чиқа олади. Фантазия тасаввур сингари санъаткорга ниҳоятда зарурдир.

– Артистга-чи? – сўради Шустов.

– Артистга, сизнингча, тасаввурнинг нима кераги бор? – деб қарши савол ташлади Аркадий Николаевич.

– Нима кераги бор, деганингиз нимаси? Сеҳрли «агарда»ни, «берилган шарт-шароитларни» яратиш учун, – жавоб берди Шустов.

– Уларни сизсиз ҳам муаллиф кашф қилиб бўлган. Унинг пьесаси тасаввурнинг меваси.

Шустов жим бўлиб қолди.

– Драматург артист билиши керак бўлган маълумотларнинг ҳаммасини берадилми? – сўради Торцов. – Юз varaқли пьесада ҳамма қатнашувчиларнинг ҳаётини тўла-тўкис кўрсатиб бўладими? Ёки кўп нарсалар очилмай қолган бўладими? Масалан, олайлик: муаллиф ҳар гал пьеса бошламасдан бурун нималар бўлиб ўтганини муфассал айтадилми? Пьеса тамом бўлганидан кейин нималар бўлишини, кулиса орқасида нималар кечаётганини, қатнашувчи шахс саҳнага қаердан келиб, қаерга чиқиб кетишини муфассал айтиб берадилми? Драматург бундай изоҳларга жуда хасис бўлади. Унинг матнида фақатгина: «Аввалгилар ва Петров» дейилади. Ёки: «Петров кетади». Биз ноаниқ жойдан келиб, ноаниқ жойдан кетолмаймиз, бундай келиб-кетишнинг мақсадини билмай қололмаймиз. Бундай «умумий» хатти-ҳаракатга ишониб бўлмайди. Биз драматургнинг – «туради», «ҳаяжонда юради», «кулади», «ўлади» деган ремаркаларини ҳам биламиз. Ролга «қадди-қомати келишган йигит. Кўп чекади» деган характеристика берилган чоғлари ҳам бўлади.

Образнинг ташқи кўринишини, хулқ-атворини, юришини, қилиқларини яратиш учун шулар етарлими? Матн-чи, ролнинг сўзлари-чи? Наҳотки, вазифа уларни ёдлаб олиб, гапириб беришдангина иборат бўлса?

Шоирнинг ремаркалари, режиссёрнинг талаблари, унинг мизансценалари ва ниҳоят бутун спектакл-чи? Наҳотки, уларни ёдлаб олиб, кейин саҳнада расмиятчасига қайтаришнинг ўзи етарли бўлса?

Шуларнинг ҳаммаси пьесадаги шахснинг характерини, ноаниқ фикрларини, сезгиларини, ниятлари ва ишларини ифода қила оладими? Йўқ, буларнинг ҳаммасини артистнинг ўзи тўлдирди-

ши, чуқурлаштириши лозим. Фақат шундагина шоир томонидан берилган ва бошқа ижодкорлар томонидан саҳнада яратилган спектакл жонланиб кетади, у саҳнада ижод қилаётганнинг ҳам, томоша залида ўтирганнинг ҳам туйғуларини уйғотади. Фақат шундагина артист тасвирлаётган образининг ички ҳаёти билан тўлиқ яшай олади, сценарий муаллифи, режиссёр ва жонли туйғумиз амри билан ҳаракат қила олади.

Мана шу ишларимизда бизнинг энг яқин ёрдамчимиз – тасаввур ва унинг сеҳрли «агарда»си ва «берилган шарт-шароитлари» бўлади. Тасаввур сценарий муаллифи, режиссёр ва бошқалар айтмагани айтибгина бермай, балки спектаклнинг бўлак яратувчиларининг ишига жон киргизади, чунки уларнинг иши томошабинга биринчи навбатда артистларнинг муваффақиятли ижроси орқали етиб боради.

Актёр кучли ва тасаввурга эга бўлишининг нақадар аҳамиятга эга эканлигига тушундиларингми? У артистга бадиий ишнинг ҳар бир лаҳзасида ва саҳнадаги ҳаётида жуда зарурдир, рол устида ишлаш даврида ҳам, ролни бажариш даврида ҳам керакдир.

Ижод процессида тасаввур бошловчи ҳисобланади, у артистни ўзи кетидан бошлаб боради.

Дарсимиз Москвада гастролда юрган машҳур трагик У...нинг тўсатдан кириб келиши сабабли бўлинди. Машҳур артист муваффақиятлари тўғрисида гапирар. Аркадий Николаевич бўлса, унинг ҳикоясини рус тилига таржима қилиб турарди.

Торцов бу ажойиб меҳмонни кузатиб, қайтиб кирди-да, кулимсираб:

– Турган гап, трагик бироз ёлғонни ҳам ишлатди, бироқ, кўриб турибсизки, у ўзи тўқийётган гапга ўзи берилиб, астойдил ишонадиган одам. Биз, артистлар, саҳнада кўп воқеаларни ўз тасаввуримиз билан тўлдиришга одатланиб қолганмиз, мана шу одатни саҳнадан ҳаётга ҳам олиб кирамиз. Улар ҳаётда ортиқчалик қиладди, албатта, лекин театрда жуда зарур.

Сиз, томошабинни жим ўтириб эшитишга мажбур қиладиган гапларни тўқий осон деб ўйлайсизми? Бу ҳам сеҳрли «агарда»нинг «берилган шарт-шароитлари»да етук тасаввур билан яратилган ижоддир.

Генийлар ҳақида, улар ёлғон гапиряпти деёлмайсан, албатта. Улар ҳаётини бизга нисбатан, биз оддий кишиларга нисбатан, бошқачароқ кўрадилар. Тасаввур уларнинг кўзига гоҳ пушти

ранг, гоҳ ҳаво ранг, гоҳ кул ранг, гоҳ қора ранг кўзойнак тақиб тургандан кейин уларни айблаб бўладими? Борди-ю, шу одамлар кўзойнақларини олиб қўйиб, бадиий тасаввурга ҳам, кундалик ҳаётга ҳам очиқ кўз билан қарасалар, санъат учун яхши бўлармиди?

Очигини айтсам, мени артист ёки режиссёр сифатида деярли қизиқтирмайдиган пьеса ёки рол устида ишлаганимда, мен ҳам кўпинча ёлгон гапираман. Бундай ҳолларда бўшашиб кетаман ва ижодий қобилиятим ҳам ожизлашади. Шунда менга туртки керак бўлади. Мен ишга берилиб кетдим, янги пьесани жуда қизиқиб ишляпман деб ҳаммани ишонтира бошлайман, пьесани кўқларга кўтараман. Бунинг учун пьесада йўқ нарсаларни ўйлаб топишга тўғри келади. Бу зарурият эса тасаввурни кўзғата бошлайди. Ёлғиз бўлсам, бу ишларни ҳеч вақт қилмас эдим. лекин бошқалар олдида ёлгонни ҳам ростдек кўрсатишга ва ваъдалар беришга тўғри келади. Кейинчалик ўйлаб топган тўқималардан фойдалана бошлайсан, рол, спектакл материали сифатида уларни пьесага олиб кирасан.

– Тасаввур артистлар учун шунчалик катта аҳамиятга эга экан, тасаввури йўқ одамлар нима қилмоғи керак? – тортиниб сўради Шустов.

– Уни аста-секин ривожлантирмоқ ёки саҳнадан кетмоқ керак. Акс ҳолда шундай режиссёрларнинг қўлига тушиб қоласизки, улар сизда етишмаган тасаввурни ўзиники билан тўлдиради. Бу сиз учун ўз шахсий ижодингиздан воз кечиш, саҳнада аҳамиятсиз одамга айланиб қолишнинг ўзгинасидир. Ундан кўра ўз тасаввурингизни ривожлантиришингиз яхши эмасми?

– Бу жуда қийин бўлса керак! – хўрсиниб қўйдим мен.

– Бу – тасаввурнинг қандайлигига боғлиқ! Ташаббускор тасаввур борки, у мустақил ишлайди. У ортиқча куч сарф қилинмай ривожланади: ўнгда ҳам, тушда ҳам узлуксиз, ғайрат билан ишлайверади. Ташаббуссиз тасаввур ҳам бўлади. Аммо у биров айтганини дарров илиб олиб, мустақил равишда ривожлантира бошлайди. Ундай тасаввур билан ишлаш ҳам деярли осон. Борди-ю, тасаввур биров айтганини илиб олса-ю, ривожлантирилмаса унда иш чатоқ. Бироқ шундай одамлар борки ўзлари ҳам яратолмайдилар, биров бергани ҳам эплаштиролмайдилар. Борди-ю, актёр кўрсатилган нарсанинг фақат ташқи, расмий жиҳатини қабул қилса, бу унда тасаввур йўқлигидан далолат беради, у артист бўлолмайд.



Ташаббуслими ёки ташаббуссизми?

Илиб олиб ривожлантирадими ёки илиб ололмайдими?

Мени безовта қилаётган масалалар мана шулар.

Кечки чойдан сўнг ҳамма тарқагач, ўз хонамни қулфлаб олдим-да, диванга қулайроқ ўтириб олиб, ёнбошимга ёстиқларни қўйдим, чарчаганимга қарамай, кўзларимни юмиб хаёл сура бошладим. Лекин шу заҳотиёқ диққатимни юмиқ кўзларим олдида, қоронғиликда пайдо бўлган ва сузиб юрган ранго-ранг нур доиралари ўзига тортиб кетди.

Бу чироқ нуридан пайдо бўлаётгандир, деб ўйлаб, уни ўчирдим.

«Нималар ҳақида хаёл қилсам экан?» деб ўйлаб топишга уриндим. Лекин тасаввурим сергак эди. Кўз ўнгимда катта қарағайзор ўрмонидаги дарахтларнинг учи гавдаланарди, дарахтларнинг боши аста эсаётган шамолда бир йўсинда ва бир маромда тебранарди.

Роҳалана бошладим.

Тоza ҳаво келгандай бўлди.

Аллақаяқдан... Сукунатни бузиб... соатнинг чиқиллагани эшитила бошлади.

.....  
.....  
.....  
.....

Мудрай бошлабман.

«Ҳа албатта-да!» – дедим, уйғониб. – Ташаббуссиз хаёл суриб бўлармиди?! Қани самолётда ҳалиги ўрмонлар тепасидан учиб кўрай-чи. Мен ўрмонлар, далалар, дарёлар, шаҳарлар, қишлоқлар устидан учиб бораяпман. Мана дарахтларнинг боши... оҳиста-оҳиста тебранмоқда... тоza ҳаво ва ... қарағайзорларнинг иси димоққа урмоқда... соат чиқиллайди.

.....  
.....  
.....

Хуррак тортаётган ким? Наҳотки мен бўлсам?! Ухлаб қолибман-да?.. Узоқ ухладимми?..»

Соат саккиз!.. Ташаб... б... у... с...

Уйдаги хаёл суришимнинг муваффақиятсизлигини ичимга сиғдиrolмай, ҳаммасини Малолеткованинг уйда ўтаётган бугунги дарсда Аркадий Николаевичга айтиб бердим.

– Тажрибангизнинг муваффақиятли чиқмаганлигига сабаб сиз бир қатор хатоларга йўл қўйгансиз. – деди у гапларимни эшитиб бўлиб. – Биринчи хато шундан иборатки, сиз тасаввурингизни қизиқтириш ўрнига зўрлагансиз. Иккинчи хатоингиз, сиз ҳеч қандай мақсадсиз, тасодифан хаёл сургансиз. Бирор иш қилиш учун иш қилиш мумкин эмаслиги каби (ҳаракат учун ҳаракат қилиш мумкин бўлмагани каби) хаёл суриш лозим бўлгани учун хаёл суриш ҳам ярамайди. Тасаввурингиз ишида ижод учун лозим бўлган маъно, қизиқарли вазифа бўлмаган.

Учинчи хатоингиз шундан иборатки, хаёлларингиз фаол, ишчан бўлмаган. Ҳолбуки, тасаввур қилинаётган ҳаётнинг фаоллиги актёр учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Тасаввур уни туртиб туриши, аввал ички, кейин ташқи ҳаракатни вужудга келтириши лозим.

– Мен хаёлимда ўрмонлар устидан жуда тез учиб ўтганим учун ҳам бундай ҳаракат қилишим лозим эди.

– Жуда тезлик билан кетаётган поездда ётганингизда бирор иш қиласизми? – сўради Торцов. – Ишни парвоз ва машинист қилади, йўловчи эса пассив ҳолда бўлади. Агар поездда кетаётган пайтда ишингизга алоқадор қизғин гап, баҳс бўлса ёки доклад ёзсангиз – бу бошқа гап, – унда ишингиз, хатти-ҳаракатингиз ҳақида гапирсак бўлади. Аэропланда учганингизда ҳам шундай бўлган. Учувчи ишлаган, сиз ўтиргансиз. Борди-ю ўша аэропланни ўзингиз бошқариб кетаётган бўлсангиз ёки ерни сураатга олаётганингизда эди, фаоллик ҳақида гапирсангиз ўринли бўларди.

– Бу фаолликни қандай пайдо қиламиз? – деб қизиқиб сўради Шустов.

– Мен сизга олти яшар жиянимнинг севги ўйинини гапириб берай, ўйиннинг номи «Борди-ю, агарда» деб аталади. Ўйиннинг мазмуни шундан иборат: «Нима қилаяпсан?» – деб сўрайди мендан қизча. «Чой ичаяпман», – дейман. «Борди-ю ичаётганинг чой бўлмай, сурги бўлса қандай ичардинг?» Менга ўша дорининг таъминни эслашга тўғри келади. Эслай олсам, афтимни буриштираман, бола бўлса уйни бошига кўтариб кулади. Шундан кейин

«Нимада ўтирибсан?» – деган савол берилади. «Стулда» – деб жавоб бераман. – «Борди-ю, қизиб турган плитада ўтирган бўлсанг нима қилардинг?» Қизиб турган плитага ўтириб қолгудай бўлсам, куйиб қолмаслик учун қандай ҳаракат қилишимни фикран кўз олдимга келтириб кўрдим. Ҳаракатим муваффақиятли чиққан пайтларда қизчанинг менга раҳми келиб: «ўйнамайман» деб бақирар эди. Шунда ўйинни яна давом эттирадиган бўлсам ўйин йиғи билан тугаган бўлар эди. Сиз ҳам машқ учун фаол хатти-ҳаракатни вужудга келтирадиган ўйинларни ўйлаб топинг.<sup>16</sup>

– Менимча, бу жуда содда ва қўпол услуб, – дедим. – Нозикроқ йўлини топсам девдим.

– Ошиқманг! Вақти келади! Ҳозирча содда, элементар хаёллар билан қаноатланиб туринг. Дарров баландга парвоз қилмай, биз билан ерда, атрофимизни ўраб олган ҳаёт кўйида яшаб тура туринг. Мана шу кўриб, сезиб турган мебел, уй жиҳозлари тасаввурингизда иштирок этсин. Мана, масалан, жиннинг этюдни олиб кўрайлик. Ўша пайтда атрофимизни ўраб турган реал ҳаётга тасаввур тўқимаси киритилган эди. Чиндан ҳам биз ўтирган хонамиз эшигига баррикада қилинган мебел, хуллас, бутун уй анжомлари ишлатилмади, фақатгина ўзи бўлмаган жинни ҳақида тўқима киритилди, холос. Қолган масалада этюд бор нарсага асосланади, муаллақ ҳолда кўрсатилгани йўқ.

Яна шунга ўхшаш бир тажриба қилиб кўрайлик. Ҳозир синфда, дарсда ўтирибмиз. Бу ҳақиқий воқеликнинг ўзи хона, жиҳозлар, дарс, ўқувчилар ва уларнинг муаллими, шу вазият, шу кўринишда, ҳозир ўтирган ҳолимизда қолсин, «агарда» ёрдами билан мен ўзимни бўлмаган, фараз қилинган ҳаётга кўчираман ва бунинг учун фақатгина вақтни ўзгартираман-да, ўзимга шундай дейман: «Ҳозир кундузи соат уч эмас, кечаси соат уч». Дарснинг чўзилиб кетиш сабабини ўйлаб топинг-чи. Бу қийин эмас. Фараз қилинг, эртага имтиҳону, ҳали кўп нарса чала, мана шу сабабдан театрда шу пайтгача қолиб кетдик. Бундан янги ташвиш ва вазият туғилади. Телефон бўлмагани учун уйдагилар огоҳлантирилмаган, улар хавотир олиб ўтиришибди. Ўқувчиларнинг биттаси чақирилган меҳмондорчиликка боролмай қолди, иккинчиси жуда узоқда туради, трамвай тўхтаб қолган, энди уйига қандай егиб олади ва ҳоказо. Киритилган фараз тагин ҳали бир талай фикрларни, туйғуларни, кайфиятларни туғдиради. Бунинг

ҳаммаси умумий ҳолатга таъсир қилади, бундан кейинги бўладиган ишларга йўл кўрсатади. Бу кечинма учун тайёргарлик босқичларидан биридир. Натижада мана шу фаразлар ёрдами билан «Тунги дарс» деб аташ мумкин бўлган этюд учун замин ва берилган шарт-шароит тайёрлаймиз.

Яна бир тажриба қилиб кўрайлик: воқеликка, яъни ҳозир ўтирган хонамизга янги «агарда»ни киритамиз. Вақти ўзича – кундуз соат учлигича қолсин-да, йилнинг фасли ўзгарсин, қиш ўн беш даражали совуқ эмас, мусаффо баҳор ҳавоси бўлсин. Кўрдингларми, шу заҳотиёқ руҳингиз кўтарилади, дарсдан сўнг шаҳар ташқарисига саёҳатга чиқамиз деган фикрнинг ўзиданоқ лабингизда табассум пайдо бўлди. Нима қилмоқчи эканлигинингизни фараз қилиб, уларни ростдек ҳис этинг, шунда тасаввурингизни ривожлантирувчи янги машқ келиб чиқади.

Яна бир янги «агарда»ни айтай: вақт, йил фасли, хона, мактабимиз, дарс ўз ҳолида қолсин-у, бироқ ҳаммасини Москвадан Қримга кўчирайлик, яъни уйдан ташқари жойлар ўзгарсин. Дмитровка кўчасининг ўрни – денгиз, унда дарсдан кейин чўмиласизлар. Қандай қилиб жанубга келиб қолдик дейдиган савол туғилади. Буни берилган шарт-шароитлар билан, тасаввурингизнинг истаган фарази воситаси билан исботланг. Балки Қримга гастролга боргандирмиз, мунтазам ўтиб турган дарсларимизни тўхтатмаслик учун давом эттираётгандирмиз?

Ушбу фараз қилинган ҳаётнинг турли моментларига тегишли «агарда»ни киритинг, шунда тасаввур машқи учун керак бўлган бир қатор янги сабаблар топган бўласиз.

Яна янги «агарда»ни киритаман ва ҳаммамизни Узоқ Шимолга, ҳамини кундуз бўлиб турадиган вақтга кўчираман. Бундай кўчишни қандай исботласа бўлади? Ўша ерга киносъёмкага борганмиз дейлик. Киносъёмка актёрдан ҳаётийлик ва соддаликни талаб қилади, чунки ҳар қандай сохталик плёнкани бузади. Орангизда ошириб ўйнашдан ҳоли одам деярли йўқ, бинобарин, менга, режиссёрга мактабдаги машғулоти давом эттиришга тўғри келади. Тўқималарнинг ҳар бирини «агарда» ёрдами билан қабул қилиб олиб, уларга ишонган ҳолда ўз-ўзингиздан: «Шундай шароитда мен нима қилган бўлардим?» деб сўранг. Шу саволга жавоб берар экансиз, тасаввур ишини кўзгатиб юборган бўласиз.

Энди, кейинги машқларда, «берилган шарт-шароитлар» фарзидан фойдаланайлик. Бизни қуршаб турган реал ҳаётдан фа-

қат ушбу хонани қолдирамиз. бу ҳам тасаввуримиз туфайли ғоятда ўзгарган бўлади. Фараз қилайлик, ҳаммамиз илмий экспедиция аъзоларимиз ва самолётда узоқ сафарга кетмоқдамиз. Чангалзор ўрмонлар устидан учиб ўтаётганимизда ҳалокат юз беради: мотор ишламай қолади. самолёт тоғ оралиғидаги бир сайхонликка қўнади: самолётни тузатиш лозим. Бу иш экспедицияни узоқ вақтга чўзади. Яхши ҳамки, озиқ-овқат бир қанча вақтга етади. бироқ унинг ҳам таги мўл эмас. Ов билан кун ўтказишга тўғри келади. Ундан ташқари, турар жой ясаш лозим, овқат пиширишни, маҳаллий ёввойи халқдан ёки ҳайвонлар хужумидан сақланиш учун навбатчилик қилиш зарур. Шу йўсинда, онгимизда, хавфли ва қўрқинчли ҳаёт пайдо бўлади. Унинг ҳар бир momenti бизнинг тасаввуримизда пайдо бўлган изчил, мантиқли, мақсадга мувофиқ, зарур бўлган хатти-ҳаракатни талаб этади. Уларнинг зарурлигига инонмоқ керак. Акс ҳолда хаёл суриш ўз маъносини, қизиқлигини йўқотиб қўяди.

Аммо артист ижоди – тасаввурнинг ички ишидангина иборат бўлиб қолмай, ижодий хаёлларнинг ташқи ифодасини топишдан ҳам иборатдир. Бу гапларни ҳақиқат деб ўйланг-да, илмий экспедиция аъзолари ҳаётдан олинган эпизодни ўйнаб беринг.

– Қаерда? Шу ердами? Малолеткованинг меҳмонхонасидами? – ҳайрон бўлдик биз.

– Бўлмаса қаерда? Махсус декорация буюртириб ўтирмасмиз, ахир! Ундан ташқари ҳар эҳтимолга қарши ўз рассомимиз ҳам бор. У бир секундда истаган талабимизни бепул бажариб беради.

Унга коридорни, зални, меҳмонхонани хоҳлаган жойимизга бир зумда айлантириб юбориш ҳеч гап эмас. Бу рассом – бизнинг тасаввуримиздир. Унга буюраверинг. Аэроплан қўнгандан сўнг, агар мана шу хона тоғ оралиғидаги водий бўлиб қолса, мана бу стол – катта харсанг тош, лампа билан абаяур тропик ўсимлик, қандил ўз шиша доналари билан – мевали дарахтнинг шохи, камин – темирчининг ташландиқ ўчоғи бўлиб қолса унда сиз нима қилардингиз.

– Коридор нима бўлади? – қизиқиб сўради Вьонцов.

– Дара бўлади.

– Қойил!.. – йигитча хурсанд бўлиб кетди. – Ошхона-чи?

– Қандайдир ибтидоий одамлар яшаган ғор.

– Зал-чи?

– Бу кенг уфқли, ғоят гўзал манзарали очиқ майдон. Қаранглар-а, деворларнинг ёруғ ранги тоза осмонга ўхшайди. Кейинчалик шу майдончадан самолётда осмонга кўтарилиш мумкин бўлади.

– Томоша зали-чи? – тинмай сўради Вьонцов.

– Жаҳаннам. У ердан, айвон томондан, денгиздан ёввойи одамлар ва ҳайвонлар ҳужумини кутмасангиз ҳам бўлади. Шунинг учун соқчиларни анови ерга, коридорнинг эшиклари олди-га, дарага қўйиш керак.

– Меҳмонхонанинг ўзи нимани ифодалайди?

– Уни самолёт тузатадиган жой деб фараз қилиш мумкин.

– Самолётнинг ўзи қани?

– Мана у, – диванни кўрсатди Торцов. – Ўтирадиган ери – йўловчиларнинг ўрни; дераза пардалари унинг қанотлари. Кенгроқ ёзиб қўйинглар. Стол – мотор. Ҳаммадан бурун двигателни кўриш зарур. У хийла шикастланган. Шу орада экспедициянинг бошқа аъзолари ётишга тайёргарлик кўрсинлар. Мана кўрпа-ёстиқлар.

– Қани?

– Дастурхонлар.

– Мана булар консерва ва бир бочка вино. – Аркадий Николаевич этажеркадаги қалин китобларни ва гул солинадиган катта вазани кўрсатди. – Хонани синчиклаб кузатиб чиқинглар, янги рўзгорингизда керак бўладиган кўпгина нарсаларни топасиз.

Иш қизиб кетди, иссиққина меҳмонхона шароитида тоғда ҳалокатга учраган экспедициянинг оғир ҳаётини ҳис қила бошладик. Бу шароитга мослашиб, унга кўника бошладик.

Мен бундай жой ўзгаришига ишониб қўя қолдим деб айта олмаман. – йўқ, кўриш керак бўлмаган нарсани кўрмасликка уриндим. Кўриб ўтиришга вақтимиз ҳам йўқ эди. Иш билан машғул эдик. Тасаввур этилган уйдирма туйғуларимиз жисмоний ҳатти-ҳаракатимиз ва берилган шарт-шароитга бўлган ишончимиз туйфайли ростга айланган эди.

Берилган этюдни тайёргарликсиз бир қадар дуруст бажарганимиздан кейин, Аркадий Николаевич шундай деди:

– Бу этюдда тасаввур олами реал воқеликка яна ҳам кучлироқ таъсир қилди: тоғ оралиғида бўлган ҳалокат ҳақидаги тўқнама меҳмонхонага суқилиб кирди. Бу, тасаввур ёрдами билан буюмлар оламини ички ўзгартириш мумкинлигини кўрсатадиган

жиддий мисоллардан биридир. Уларни назар эътибордан четда қолдириш ярамайди. Аксинча уни тасаввур қилаётган ҳаётга кинетик лозим.

Бундай ҳолат холи қолиб ўтказиладиган репетицияларимизда доим бўлиб туради. Чиндан ҳам автор ва режиссёрлар тасаввури ўйлаб топган ҳамма нарсаларни стуллардан ясай оламиз: уйларни ҳам, майдончаларни ҳам, кемаларни ҳам, ўрмонларни ҳам. Шу билан бирга стулларнинг чиндан ҳам дарахт ёки қоя эканлигига ишонмаймиз, аммо ўша сохта буюмларга бўлган муносабатимизнинг, яъни стулнинг дарахт ёки қоянинг ҳақиқат бўлиши мумкинлигига ишонамиз.

...19 ..й.

Дарс Аркадий Николаевичнинг қисқача кириш сўзи билан бошланди.

– Шу дамгача тасаввурни ривожлантириш учун қилган машқларимиз озми-кўпми бизни қуршаб олган буюмларга (хона, печка, эшик), баъзида чинакам ҳаётга воқеага (дарсимизга) алоқадор бўлиб келди. Энди ишимизни сизни қуршаб турган буюмлар олампдан тасаввур оламга олиб чиқамиз. Унда ҳам фаол хатти-ҳаракат қиламиз, фақат фикран хатти-ҳаракат қиламиз. Шу жойдан, вақтдан ажралиб чиқиб, бизга яхши таниш бўлган муҳитга кўчамиз ва тасаввур тўқимаси асосида хатти-ҳаракат қиламиз. Хаёлингизда ҳозир қаерда бўлишни истардингиз, – менга мурожаат қилди Аркадий Николаевич. – Воқеа қаерда ва қачон ўтади?

– Кечқурун ўз хонамда, – дедим.

– Жуда соз, – маъқуллади Аркадий Николаевич. – Сизни билмайману, лекин мен ўзимни тасаввур этган уйда ҳис этишим учун, аввал зинапоядан чиқиб боришим лозим, қисқаси қатор тадрижий ва мантиқий хатти-ҳаракат қилишим зарур. Босиш керак бўлган эшик дастасини ўйлаб кўринг. У қай томонга бурилишини, эшикни қандай очилишини ва ўз хонангизга қандай кириб боришингизни эсланг. Олдингизда нималарни кўряпсиз?

– Рўпарамда шкаф, умивальник...

– Чапда-чи?

– Диван, стол...

– Қани хонангизга юринг, унда яшаб кўринг-чи. Нега юзингизни буриштирдигиз?

– Кўзим стол устидаги хатга тушиб қолди, ҳали унга жавоб ёзмаганимни эслаб, хижолат бўлдим.

– Яхши! Афтидан, сиз энди «Мен ўз уйимда борман» дея оласиз.

– «Борман» деганингиз нимаси? – сўрашди ўқувчилар.

– «Борман» бизнинг тилимизда ишга киришдим, мен ўзимни тасаввур қилган шароит марказига қўйдим, мен, энди тасаввур қилган ҳаёт, буюмлар орасидаман, виждонан, ўз номимдан хатти-ҳаракат қиляпман, деган фикрни билдиради. Энди менга айтинг-чи, ҳозир нима қилмоқчисиз?

– Бу, куннинг қай вақти эканлигига боғлиқ.

– Тўғри гап. Кечаси соат ўн бир деб келишиб олайлик.

– Бу – уйга жимлик чўкадиган вақт, – сўз қистирдим мен.

– Бу жимликда нима қилишни истайсиз? – Мени ундади Торцов.

– Мен комик эмас, балки трагик эканлигимга ишонмоқни истайман.

– Минг афсуски, вақтни шундай бефойда нарсага сарф қилмоқчи экансиз. Хўш, ўзингизни қандай қилиб ишонтирасиз?

– Биронта фожиали ролни ўйнаб кўраман, – орзумни айтиб қўя қолдим.

– Қайси ролни? Отеллоними?

– Йўғ-е! Хонамда Отелло ролини машқ қилиш ортиқ мумкин эмас. У ернинг бир бурчаги, илгари кўп марта қилинган нарсаларни қайтаришга мажбур қилади.

– Бўлмаса нимани ўйнайсиз?

Бир қарорга келмаганим учун жавоб беролмай турардим.

– Ҳозир нима қиляпсиз?

– Хонани кўздан кечиряпман. Бирорта буюм ижод қилиш учун бирор қизиқ мавзуни эсга солмасмикан... Мана, масалан, эсимга тушди, шкафнинг орқасида қоронғу бурчак бор. У ернинг ўзи қоронғу эмас, кечки пайт шундай кўринади. У ерда вешалканинг ўрнига илгак осиглиқ, у, мана, ўзингни осиб ўлдирмоқчи бўлсанг мен тайёрман дегандай турибди. Борди-ю, чиндан ҳам ўз жонимга қасд қилсам-у, ўзимни оссам, ҳозир нима қилган бўлар эдим?

– Хўш, нима қилар эдингиз?

– Ўз-ўзидан маълумки, аввало арқон ёки белбоғ ахтаришим лозим, шунинг учун токчалардаги нарсаларни титиб кўряпман, яшиқларни қараяпман.



– Топдингизми?

– Ҳа... Лекин илгак жуда паст қоқилган экан. Оёғим ерга тегиб қоляпти.

– Бу жуда ноқулай. Бошқа илгак ахтаринг.

– Бошқа илгак йўқ.

– Ундай бўлса, тирик қолганингиз яхши эмасми?

– Қайдам, адашиб кетдим, тасаввурим тугаб қолди. – иқроор бўлдим.

– Чунки тўқиманинг ўзи мантиқли эмас. Табиатда (баъзи ҳоллардан ташқари) ҳамма нарса изчил ва мантиқлидир, тасаввур ҳам шундай бўлмоғи керак. Тасаввурингизда ҳеч қандай мантиқ йўқ, шунинг учун у, бемаъни оқибатга олиб келишдан бошқа иложи йўқ эди.

Шунга қарамай, ўзингизни ўлдириш тўғрисидаги ҳозир қилган тажрибангиз кутган натижани берди: у сизга хаёл суришнинг янги турини намойиш қилди. Тасаввурнинг шу йўсиндаги ишида артист ўзини қуршаб турган реал воқеликни тарқ қилади (айни вақтда ушбу хонани) ва тасаввурдаги жойга (сизнинг уйингизга) кўчади. Тасаввур қилинган бу шароитда сизга ҳамма нарса таниш, чунки хаёл суришда фойдаланилган материал сизнинг кундалик турмушингиздан олинган. Бу хотирангиздан фойдаланишингизни енгиллаштиради. Хаёл сураётиб бегона ҳаётга тўқнаш келиб қолганда нима қилиш лозим? Бу шароит тасаввур ишининг янги турини яратади.

Буни тушуниб олмоқ учун, яна қайтадан ҳозир ўзингизни қуршаб турган муҳитдан ажралганда, фикран бошқа, таниш бўлмаган, бироқ реал ҳаётда бўлиши мумкин бўлган муҳитга кўчинг. Масалан, орангларда ер юзини айланиб чиққан одам бўлмаса керак. албатта. Аммо бундай саёҳат реал ҳаётда ҳам, тасаввурда ҳам бўлиши мумкин. Бундай хаёл суришни «ярим-ёрти», «умуман», «тахминан» бажармай (ҳар қандай «ярим-ёртилик», «умуманлик», «тахминийлик»нинг санъатда бўлиши мумкин эмас). балки бутун тафсилоти билан бажариш лозим, негаки ҳар қандай тўлиқ ва яхши иш мана шундай тафсиллардан ташкил топади.

Сафарингиз давомида ҳар турли шароитни бошдан кечиришга, ўзга турмушни кўришга, бегона халқларнинг, мамлакатларнинг урф-одати билан тўқнашишга тўғри келади. Керакли ҳамма материални хотирангиздан топа олмассиз. Шунинг учун уни би-

лим берувчи ёки бошқа одамларнинг таассуротини акс эттирувчи китоблардан, суратлардан, расмлардан ва бўлак манбалардан билиб олишга тўғри келади. Бу маълумотлардан фикран қаерда бўлишингизни, йилнинг қайси фаслида, қайси ойларида бўлишингизни аниқлаб оласиз. Хаёлингизда қаерда параходда сузиб бораётганингизни ва қаерда, қайси шаҳарларда қўниш лозимлигини аниқлайсиз.

Ўша материаллардан, у ёки бу мамлакатларнинг, шаҳарлар ва халқларнинг шароити, урф-одатлари тўғрисида маълумот оласиз. Хаёлингизда ер юзини саёҳат қилиб чиқиш учун нима етмаса, уни тасаввурингиз яратсин. Мана шу барча муҳим маълумотлар ишни асосли қилади. кўпинча актёрнинг ошириб ўйнаши ва ҳунармандликка олиб келадиган умумий, асоссиз «хаёл суриш»ига чек қўяди. Мана шу дастлабки қилинган катта ишдан сўнг маршрут тузиб, йўлга тушиш мумкин. Мантиқ ва изчиллик билан алоқа боғлаб туришни сира унутманг. Бу сизга нотайин ва беқарор хаёлни турғун ва мустаҳкам воқеликка яқинлаштиради.

Хаёл суришнинг янги турига ўтар эканман. тасаввурда реал воқеликдан кўра табиатан кўпроқ имконият берилганини назарда тутаман. Чиндан ҳам, тасаввур реал ҳаётда қилиш мумкин бўлмаган нарсаларни чизиб беради. Мана, масалан, тасаввуримизда бошқа планеталарга учиб бориб, у ердан афсонавий париларни олиб қочамиз, афсонавий махлуқлар билан курашиб, уларни енгамиз; денгиз остига тушиб сув маликасига уйланишимиз мумкин. Шударнинг барини ҳаётда қилиб кўринг-чи. Бундай хаёл суриш учун тайёр материал топишнинг иложи бўлмаса керак. Шундай тарздаги афсонавий ҳаётга жўнамоғимиз учун, сизга фан, адабиёт, тасвирий санъат ва ҳикоялар фақатгина йўналиш, ишора, туртки беради, холос. Бинобарин, бундай хаёл суришда асосий ижодий иш фантазия зиммасига тушади. Бундай ҳолларда бизга афсонавийликни воқеликка яқинлаштирадиган воситалар керак бўлади. Бу ишда, юқорида айтганимдек, мантиқ ва изчиллик асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Улар йўқ нарсани бўлиши мумкин бўлган нарсага яқинлаштиради. Шунинг учун афсонавий ва фантастик нарсаларни яратишда мантиқли ва изчил бўлинг.

Энди сизга шуни тушунтирмоқчиманки. – бир оз ўйлаб олгандан сўнг давом этди Торцов, – сиз қилган этюдлардан турли ком-

бинация ва вариантларда фойдаланса бўлади. Мисол учун сиз, ўз-ўзингизга: «Қани бир кўрай-чи, Аркадий Николаевич ва Иван Платонович бошлиқ ўқувчи ўртоқларим Қримда ёки Узоқ Шимолда ўз дарсларини қандай ўтказаетган эканлар. Қани бир назар ташлай-чи, улар аэропланда экспедицияларини қандай ўтказаетган эканлар». Шу вақт сиз фикран четга чиқиб, ўртоқларингизнинг Қрим иссиғида қовурилатганини, шимолда совуқ қотаетганларини ё бўлмаса, ҳайвонлар ҳужумидан ҳимояга тайёрганликларини томоша қиласиз. Бу ҳолатда сиз ўз тасаввурингиз чизиб бораётган нарсани кўрувчи оддий томошабин бўласиз, тасаввур этилган ҳаётда ҳеч қандай рол ўйнамайсиз.

Бироқ, борди-ю тасаввур этилган экспедицияда қатнашмоқчи ёки Қримнинг жанубий қирғоғига кўчирилган дарсларда иштирок этмоқчи бўлсангиз: «Бу вазиятларнинг ҳаммасида қандай кўринар эканман?» – дейсиз-да, тагин четга чиқасиз. Қримдаги дарсда ёки экспедицияга чиққан ўқувчи ўртоқларингиз орасида ўзингизни кўрасиз. Бу сафар хаёлингизда пассив томошабин бўласиз ёки ўзингизни ўзингиз томоша қиласиз.

Борди-ю, ўзингизга четдан қараш жонингизга тегди-да, хатти-ҳаракат қилгингиз келиб қолди, унда хаёлингизни бир ерга тўплаб оласиз-да, Қримда ёки Узоқ Шимолда ўқий бошлайсиз, ундан кейин аэропланни тузатасиз ёки лагерни кўриқлайсиз. Энди тасаввур этилган шароитда ҳаракат қилувчи шахс сифатида ўзингизни кўролмайсиз, балки сизни қуршаб турган шароитни кўрасиз ва атрофингизда бўлаётган воқеаларга шу ҳаётнинг ҳақиқий иштирокчиси сифатида киришиб кетасиз. Шу хатти-ҳаракатли хаёл суриш вақтида қалбингизда шундай ҳолат пайдо бўладики, уни биз «мен борман» деб атаймиз.

... 19 ...й.

Бугунги дарс бошланиши билан Аркадий Николаевич Шустовдан:

– Қалбингизга қулоқ солиб кўринг-чи. Қримдаги охириги дарс ҳақида ўйлаганингизда вужудингизда нималар юз бераётган экан, – деб сўради.

– Қалбимда нималар юз берарди? – ўйланиб қолди Паша. – Менга негадир меҳмонхона кичкина, бир ҳолатда бўдиб кўриняпти, дерзаси денгизга қараган, бу тор хонада ўқувчилар ёғиз

ғиж бўлиб кетган. Кимдир тасаввурини ривожлантириш устида машқ қилмоқда.

– Ўқувчиларнинг ўша гуруҳи, тасаввур туфайли, шимолга кўчирилган бўлса, сизнинг қалбингизда нималар бўлади? – Димковага мурожаат қилди Аркадий Николаевич.

– Кўзимга муз тоғлари, гулхан, палатка кўриняпти, ҳаммамиз пўстин кийиб олганмиз....

– Шундай қилиб, – хулоса ясади Торцов, – хаёл суриш учун мавзу беришим биланоқ, ички кўриш деб аталган кўриш деб аталган кўриш билан тегишли тасаввур образларини кўрасиз. Уларни актёрлик тилимизда ички кўз билан кўриш деб атаймиз.

Агар шахсий сезгидан келиб чиқиб, фикр юритар эканмиз, тасаввур, фантазия қилиш, хаёл суриш, ўйлаган нарсангни ҳаммадан бурун ички кўз билан кўришдир.

Хонангиздаги қоронғу бурчакда фикран ўзингизни осмоқчи бўлганингизда қалбингизда нималар юз берди? – менга мурожаат қилди Аркадий Николаевич.

– Таниш муҳитни хаёлимдан ўтказганимда қалбимда менга яхши таниш бўлган шубҳалар пайдо бўлди, мен уларни ёлғиз қолган чоқларимда ўйлашга кўникаб қолганман. Юрагим сиқилиб кетганидан ва ич-этимни еб ташлаётган шубҳалардан қутулмоқ учун, сабрсизлигимдан ва характеримнинг бўшлигидан куйиниб, ўзимга ажал ахтардим. – деб тушунтирдим, бир қадар ҳаяжон билан.

– Шундай қилиб, – хулоса қилди Аркадий Николаевич, – ўзимизга таниш шароитни ички кўз билан кўрган, унинг руҳий вазиятини ҳис қилган эдингизки, ўша заҳотиёқ, воқеага алоқадор фикрларингиз жонланиб кетди. Фикр натижасида туйғу ва кечинмалар пайдо бўлди ва ундан сўнг қалбингизда хатти-ҳаракатга хоҳиш уйғонди.

– Жинни этюдини эслаганингизда, ички кўзингиз нималарни кўради? – ҳамма ўқувчиларга мурожаат қилди Аркадий Николаевич.

– Мен Малолеткованинг уйини кўряпман, у ерга ёшлар кўп йиғилган, залда танца, меҳмонхонада кечки овқат қилишяпти, холос. Хона ёруғ, иссиқ, ҳамма шодликка тўлган. Зинапоя олдидаги эшикда касалхона халати ва туфлисини кийиб олган, совуқдан, очликдан ҳолдан тойган паҳмоқ соқол бир одам турибди. – деди Шустов.

– Фақат этюднинг бошланишини кўрибсиз-да, – деб сўради Аркадий Николаевич, жим бўлиб қолган Шустовдан.

– Йўқ, эшикни тўсиш учун кўтариб борган шкафимизни ҳам кўряпман. Хаёлимда жинни қочган касалхона билан телефонда гаплашганим ҳам эсимда.

– Тагин нималарни кўряпсиз?

– Ростимни айтсам, ортиқ ҳеч нимани.

– Яхши эмас! Чунки бундай оз, майда-чуйда ички кўриш материалини этюдга етказа олмайсиз. Нима қилмоқ керак?

– Етмаганини ўйлаб топиш, тўқиб тўлдириш керак, – таклиф қилди Паша.

– Ҳа, баракалла, худди, шундай етмаганини тўқиб тўлдириш зарур!

Ижод қилувчи актёрга зарур нарсаларни муаллиф, режиссёр ва спектаклнинг бошқа яратувчилари айтмаган ҳолларда худди шундай қилиш лозим.

Биринчидан, этюд яратиладиган жойда «берилган шарт-шароитларнинг» узлуксиз давомати керак бўлса, иккинчидан такрор айтаман, шу берилган шарт-шароитлар билан боғланган тўхтовсиз ички кўринишлозим. Қисқаси: бизга берилган шарт-шароитнинг оддий, узлуксиз тизмалари эмас, балки берилган шарт-шароитнинг тасвир топган узлуксиз тизмалари керак.

Шунинг учун бир умр яхшилаб ўқиб олинг: саҳнадаги ҳар бир дақиқа, пьеса ва ундаги воқеаларнинг ташқи ёки ички ривожланиши вақтида артист кўнглидан ташқарида – саҳнада кечаётган нарсаларни (яъни режиссёр, рассом ва бошқалар томонидан яратилган ташқи шарт-шароитларни), ёки артистнинг қалбида, тасавурида бўлган нарсаларни, яъни рол ҳаётининг берилган шарт-шароитларини тасвирловчи ички кўриши бўлиши керак. Шу дақиқаларнинг барчасида гоҳ ичимизда, гоҳ сиртимизда ички кўришнинг ташқи ва ички узлуксиз оқимидан иборат кинолента пайдо бўлади. Ижод давом этар экан, у тўхтовсиз равишда ички тасаввуримиз кўринишида берилган шарт-шароитни акс эттираверади ва шу берилган шарт-шароит ичида артист, рол ижрочиси астойдил яшайди.

Бу ички тасаввурлар қалбингизда керакли кайфият туғдиради. У кайфият қалбингизга таъсир қилади-да, керакли кечинмани уйғотади.

Ички тасаввуримиз кинолентасини сурункасига кўриб туриш, сизни биринчидан пьеса ҳаётидан ташқарига чиқармай, сақлаб туради, иккинчидан, ижодингизни доим тўғри йўлга йўналтириб туради.

Хонаси келганда ички тасаввур ҳақида гапириб ўтайлик. Биз уларни ичдан сезамиз дейишимиз тўғрими? Биз аслида йўқ нарсаларни кўриш, фараз қилиш қобилиятига эгамиз. Бу қобилиятимизни синаб кўриш қийин эмас. Мана бу қандилни кўринг. У мендан ташқаридадир. У материя оламида мавжуд. Мен унга қараяпман ва агар таъбир жоиз бўлса, мен кўзларимни қири билан қандилга қараётганимни сезиб турибман. Мен кўзларимни юмиб олдим, қандилни тагин кўргим, хотирада тасаввур қилгим келди. Бунинг учун «кўзларимнинг қирини бор предметга эмас, актёрлик тилимизда аталган «тасаввуримизнинг хаёлий экранига» йўналтираман.

Бу экран қаерда туради, ёки тўғрироғи, мен уни қаерда ҳис қиламан – ўз вужудимдами ёки ташқаридами? Менинг ҳис қилишимча, у мендан ташқарида, рўпарамдаги бўшлиққа жойлашган. Кинолентанинг вужудимдалиги муқаррар, лекин унинг аксини ташқарида кўраман.

Охиригача тушунарли бўлиш учун, бу ҳақда сўзлар билан, бўлакча ҳикоя қилиб берай.

Хаёлий образлар вужудимизда, тасаввуримизда, хаёлимизда пайдо бўлади ва шундан сўнг кўришимиз учун биздан ташқарида пайдо бўладилар. Аммо бу хаёлимиздаги объектларни тасаввур қиламиз, яъни уларга ташқи кўз билан эмас, ички кўз билан қараймиз.

Эшитиш соҳасида ҳам худди шундай бўлади: хаёлимиздаги товушларни қулоқларимиз билан тингламай, балки ҳис этамиз, лекин бу товушларнинг манбалари, кўпинча, вужудимизда эмас, балки, ташқарида бўлади.

Шу фикр яна ҳам тушунарли бўлсин учун, қайтариб айтаман, лекин бунда жумлани тескари тузаман: тасаввур қилган объектлар ва образлар биздан ташқарида кўринса ҳам, бироқ ҳар қалай улар аввалига бизнинг вужудимизда, бизнинг тасаввуримизда ва хаёлимизда пайдо бўлади. Шуларнинг ҳаммасини мисолда текшириб кўрайлик.

Названов! – Менга мурожаат қилди Аркадий Николаевич. – ...шаҳардаги лекция эсингиздами? Иккимиз ўтирган эстрадани

шу дақиқада кўряписизми? Ўша кўринаётган образларни ичингизда ёки сиртингизда ҳис қиляписизми?

– Мен уларни, ўша пайтдаги сингари. ташқарида, ҳаётдагидек, мендан ҳоли бўлган ҳолда сезяпман, – жавоб бердим ўйла-ниб ўтирмай.

– Тасаввурингиздаги эстрадага қайси кўзларнингиз билан қараяписиз, – ички кўзлар биланми ёки ташқи кўзлар биланми?

– Ички кўзларим билан.

– Фақат шу йўсиндаги изоҳ ва шарҳлар билан «ички кўз» деган терминни қабул қилсак бўлади.

– Катта бир пьесанинг бутун моментларини ички кўз билан кўриш жуда қийин ва мураккаб иш-ку! – деб ваҳимага тушдим.

– «Қийин ва мураккаб?» – шу сўзларингиз учун сизга жазо бераман. Эсингизни таниган вақтингиздан кейинги ҳаётингизни бирма-бир гапириб беринг-чи, – тўсатдан буюрди Аркадий Николаевич.

Мен бошладим.

– Отам: «Болалигим ўн йиллар билан, йигитлигим йиллар билан, вояга етган чоғим – ойлар билан, қарилишим ҳафталар билан кўз ўнгимда гавдаланарди», дерди.

Мен ҳам ўз ўтмишимни худди шундай ҳис қиламан. Шў билан бирга, хотирамда қолган кўп нарсалар кўз ўнгимда батафсил, икир-чикиригача намоён бўлади, масалан, хотираларим, ҳаётимнинг дастлабки дақиқалари – боғимиздаги арғумчоқ билан бошланади. Мен арғумчоқдан кўрқардим. Шунингдек, онамнинг хонасида, энагамнинг бўлмасида, ҳовлида, кўчада ўтган болалик чоғларимни аниқ эслайман. Ўспиринлик даврим хотирамда жуда аниқ сақланган, чунки у давр мактабга кириш билан бошланади. Бу даврдан бошлаб ички кўриш қисқа-қисқа эпизодларни, бироқ сон жиҳатидан ҳаётимнинг кўпроқ қисмларини кўрсатади. Шундай қилиб, катта даврлар ва айрим эпизодлар бирин-кетин ўтмишга қараб кетаверади.

– Сиз уларни кўрасизми?

– Нимани?

– Узлуксиз чўзилиб кетган ўтмиш давр ва эпизодларни.

– Гарчанд, бўлак-бўлак ҳолда бўлса ҳам кўраман, – иқрор бўлдим мен.

– Эшитдингизми? – ғолибона хитоб қилди Аркадий Николаевич. – Бир неча дақиқа ичида Названов ўз ҳаётни кинолентасини

ярата олди-ку, уч соатга етар-етмас спектакл вақтида кўрсатиш учун лозим бўлган рол ҳаётини ярата олмас эмиш.

– Мен ҳаётимни бошдан-оёқ эслаганим йўқ-ку? Унинг бир неча моментларини эсладим, холос.

– Бутун ҳаётингиздан муҳим моментларгина хотирангизда қолибди. Ролнинг ҳаётини ҳам яшаб кўринг, майли ундан ҳам энг муҳим лаҳзалари хотирангизда қола қолсин. Нега бу ишни бунчалик қийин деб ҳисоблайсиз?

– Чунки ҳақиқий ҳаёт, ички сезиш кинолентасини ўзидан-ўзи, табиий йўл билан яратади, тасаввуримиздаги рол ҳаётини эса артистнинг ўзи яратиши лозим, бу иш жуда қийин ва мураккабдир!

– Бу иш ҳақиқатда унчалик қийин эмаслигини тезда тушуниб оласиз. Борди-ю, узлуксиз сезиш эмас, балки юрагингиз туйғуларни ва кечинмаларининг узлуксиз йўлини яратинг десам борми, бу иш «қийин» ва «мураккаб»гина бўлиб қолмай, бажариб бўлмас ҳамдир.

– Нима учун? – тушунмай сўрашди ўқувчилар.

– Шунинг учунки, бизнинг туйғу ва кечинмаларимизни қўл билан ушлаб бўлмайди, улар инжиқ, ўзгарувчан ва мустаҳкамлаб олишга ёки актёрлик тилимизда айтганимиздек «фиксажга – мустаҳкамлаб қўйишга» унамайди. Кўриш, гапга тезроқ ундайди. Унинг образлари эсингизда эркинроқ ва қаттиқроқ ўрнашиб қолади ҳамда тасаввуримизда янгидан пайдо бўлади.

Ундан ташқари, ноаниқ туйғулар тўғрисидаги тасаввуримизга нисбатан бизнинг назаримизда намоён бўлган образлар ўзининг хаёлийлигига қарамай, ҳар қалай реалроқ, маълум даражада сезиларлик бир қадар «моддийроқ»дир (агарда хаёлга нисбатан ушбу тадбир жоиз бўлса). Осонроқ пайдо бўладиган ва гапга кирадиган ички сезгилар турғун бўлмаган туйғуларни пайдо қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам берсин.

Ички сезгилар кинолентаси қалбимизда пьеса кайфиятига хос кайфиятни ҳамisha пайдо қилиб, уни қўллаб-қувватлаб турсин. Улар бизни қамраб олиб, керак бўлган кечинмалар, интилишлар ва хатти-ҳаракатни келтириб чиқарсин.

Мана шунинг учун бизга ҳар бир ролда оддий шарт-шароит эмас, балки тасвирий шарт-шароит лозим, – деб сўзларига яқун ясади Аркадий Николаевич.

– Демак, – мен гапни охиригача тушуниб етмоқчи бўлдим, – Борди-ю қалбимда Отелло ҳаётининг ҳамма моментлари учун



ички кўриш кинолентасини яратсам ва уни тасаввуримдан ўтказиб турсам...

– Ва борди-ю, – гапни илиб кетди Аркадий Николаевич, – сиз хаёлингизда яратган суратлар пьесанинг берилган шарт-шароитини ва сеҳрли «агарда»ни аниқ акс эттирса, борди-ю, улар ролда бўлган кайфият ва сезгиларни ҳосил қилса, шунда сиз, ҳойнаҳой ўз ички ҳиссиётингиздан ҳар гал таъсирланасиз ва кинолентани ҳар сафар тасаввурингиздан ўтказар экансиз, Отте-лонинг туйғуларини тўғри кечирган бўласиз.

– Лента яратилган бўлса, уни кетма-кет кўриш қийин эмас албатта. Гап шундаки, уни яратиб олмоқ керак! – бўш келмадим мен ҳам.

– Бу ҳақда кейинги сафар гаплашамиз, – деди Аркадий Николаевич, ўрнидан туриб, синфдан чиқиб кетар экан.

...19 ...й.

– Келинлар, хаёл суриб. киноленталар яратамиз! – деб таклиф қилди Аркадий Николаевич.

– Нималар ҳақида хаёл сурамиз? – деб сўрашди ўқувчилар.

– Мен атайлаб хатти-ҳаракатсиз мавзу танлайман, чунки хатти-ҳаракатли мавзу хаёл суриш процессининг бошланғач ёрдамисиз ҳам ўз-ўзидан фаолликни келтириб чиқариши мумкин. Кам хатти-ҳаракатли мавзу, аксинча, тасаввурнинг дастлабки кучли ишига муҳтождир. Ҳозир мени фаолликнинг ўзи эмас, балки унинг тайёргарлиги қизиқтиради. Мана шунинг учун мен хатти-ҳаракатсиз мавзуни оламан ва ўзларингизни узоқ йиллар яшаган дарахт каби яшаётгандек ҳис қилишни таклиф қиламан.

– Жуда соз! Мен – дарахтман, юз йиллик дубман! – деди Шустов. Бу гапни айтишга айтдим-у, аммо шундай бўлишига ўзим ҳам ишонмадим.

– У ҳолда ўзингизга шундай денг. Мен-ку менман, аммо дуб бўлсам-чи, агарда менинг атрофимда ва ичимда шу хилдаги ва шунақанги вазиятлар вужудга келганда-чи, унда мен нима қилардим? – Торцов унга ёрдам бера бошлади.

– Бироқ, – иккиланиб қолди Шустов, – қимирламай туриб қандай ҳаракат қилиш мумкин, бир жойда тек туриб нима қилиб бўлади?

– Ҳа, албатта, сиз бир жойдан бошқа ёққа силжиёлмайсиз, юролмайсиз. Бироқ бундан бўлак хатти-ҳаракатлар ҳам бор.

Уларни ҳосил қилмоқ учун биринчи навбатда қаерда турганингизни аниқлашингиз лозим: ўрмондами, яйловдами, тоғ чўққисидами? Сизни нима кўпроқ ҳаяжонлантирса, шуни танлаб олинг.

Шустов ўзини Алп тоғлари орасида ўсувчи дубдек ҳис қила бошлади. Чап томонда, олисда, қалъа қад кўтарган. Атроф бепоён кенглик. Олисларда қор тизмалари кумушдек ялтирайди, яқин-яқинларда эса туянинг ўркакчига ўхшаш паст-баланд сонсаноқсиз тепаликлар. Унда-бунда қишлоқлар кўзга чалинади.

– Қани, айтинг-чи, яқинингизда нималарни кўряпсиз?

– Мен ўзимни гўё қуюқ баргли дарахтдек ҳис қиляпман. Дарахт шохларининг тебранишидан эса кучли шитирлаган товушлар эшитиляпти.

– Турган гап! Тепангизда кучли шамоллар бўлиб туради.

– Мен шохларимда аллақандай қушларнинг инини кўраяпман.

Бу яхши, ёлғизликдан қутулишга сизга ёрдам беради.

– Бунинг яхши ери йўқ. Бу қушлар билан яшаш осон эмас. Улар қанотларини патилятиб, тумшуқларини менинг танамга ишқайдилар. Баъзан чуғурлашиб жанжаллашадилар, урушадилар. Бу менинг ғашимга тегади... Ёнгинамда ариқча оқади, бу эса менинг энг яқин дўстим ва суҳбатдошим. У мени ташналикдан қутқаради, – тўқиб кетди Шустов.

Шундан кейин Аркадий Николаевич Пушчинга мурожаат қилди. У тасаввурининг кучли ёрдамига мурожаат қилмай, оддий, ўзига яхши таниш бўлган, хотирада дарров жонланадиган воқеани – Петровск паркидаги дачани танлаган эди.

– Нимани кўряпсиз? – ундан сўради Аркадий Николаевич.

– Петровск паркини.

– Бутун бошли Петровск паркини кўриш қийин. Ўз дачангиз учун бирорта аниқ ерни танланг... Хўш, рўпарангизда нимани кўряпсиз?

– Панжарали деворни.

– Нимадан қилинган?

Пушчин жим турарди.

– Ўша девор нимадан ишланган?

– Нимадан?.. Эгилган темирдан.

– Шакли қанақа? Қани менга чизиб беринг-чи.

Пушчин бармоқлари билан стол устини чиза бошлади, гапирётган нарсасини ўйлаётгани аниқ кўриниб турарди.

– Тушунолмадим! Аниқроқ чизинг, – тасаввурдаги расмни охиригача чиздирмоқчи эди Торцов. Хўп, яхши... фараз қилайлик, сиз уни кўряпсиз... Энди менга айтинг-чи, девор орқасида нима бор?

– Кўча.

– Ундан кимлар ўтади?

– Боғдодлар.

– Тагин кимлар?

– Извошчилар.

– Яна кимлар?

– Аравакашлар.

– Йўлдан тагин кимлар ўтади?

– Отлиқлар.

– Балки, велосипедчилар ҳам ўтишар?

– Топдингиз! Велосипед минганлар, автомобиллар.

Пушчин бош қотириб тасаввур қилишга ҳам ҳафсаласи йўқ эди. Ўқувчининг ўрнига ўқитувчи ишласа, бундай пассив хаёл суришдан нима фойда?

Мен ажабланганимни Торцовга айтдим.

– Тасаввурни кўзғотиш методимнинг бир неча моменти бор. Уларни қайд қилиб ўтиш лозим. – жавоб берди у, – ўқувчининг тасаввури ишламай турган пайтда, мен унга жуда содда савол бераман. Биров мурожаат қилгандан кейин, унга жавоб бермасликнинг иложи йўқ. Ўқувчи жавоб беради, баъзида тезроқ қутулиш учун оғзига келган гапни гапираверади. Ундай жавобга қониқмайман ва унинг ассосизлигини исботлайман. Қониқарли жавоб бериш учун ўқувчи ё шу заҳотиёқ ўз тасаввурини ишга солишга, ундан сўраётган нарсаларни ҳис этишга ёки масалага ақлни ишлатиш йўли билан қатор мантиқий мулоҳазалар орқали ёндашишга мажбур бўлади. Тасаввур кўпинча шу йўсиндаги онгли, ақлий фаолият ёрдамида вужудга келтирилади. Мана, ниҳоят, ўқувчи хотирасида ёки тасаввурида ниманидир кўрди, кўз ўнгида аниқ образлар намоён бўлди. Хаёл суришнинг қисқа моменти яратилди. Шундан сўнг, янги савол ёрдами билан, яна аввалги процессни қайтараман. Шунда сезишнинг иккинчи қисқа моменти ҳосил бўлади, сўнг учинчиси. Шу йўсинда мен унинг хаёлини давом эттиришга ёрдамлашаман, натижада кўпгина жонли моментлар ҳосил бўлади, улар тўплаганидан кейин тасаввур этилган ҳаёт ман-

зараси яратилади. Майли ҳозирча у, унчалик қизиқарли бўлма-син. Шуниси яхшики, у ўқувчининг ички кўринишидан тўқиб яратилган. Тасаввурни биринчи марта қузатгандан сўнг, у ўша нарсани иккинчи марта ҳам, учинчи ва кўп марта ҳам кўриши мумкин. Қайтариш натижасида ҳалиги кўринган манзара ўқув-чининг онгига чуқурроқ ўрнашади ва ўқувчи унга ўрганиб қолади. Аммо танбал тасаввур ҳам бўлади, у энг оддий савол-ларга ҳам ҳамма вақт жавоб беравермайди. Унда ўқитувчи-нинг ўзи берган саволга, ўзи жавоб беришдан бошқа иложи қолмайди.

Борди-ю, ўқитувчининг таклифи ўқувчини қондирса, у ҳолда, бирорларнинг тасвирий образларини қабул қилиб олиб, ўзича бирор нарсани ичдан ҳис қила бошлайди. Акс ҳолда, ўқувчи ай-тиб берилган нарсани ўз дидига мослаб олади; бу ҳам ички кўз билан кўриш ва ҳис этишга мажбур қилади. Натижада бу гал ҳам хаёл сурувчининг материалдан тўқилган, тасаввур этилган ҳаёт яратилади... Кўриб турибманки, бундай натижа сизларни унчалик қизиқтирмайди. Шунга қарамай, бундай зўрлаб хаёл суриш ҳам бирор натижа беради.

– Қандай натижа экан?

– Жилла бўлмаса шундай натижаки, яратилаётган ҳаёт хаёл суришдан аввал образли тасаввурга эга булмайди. Аллақандай ноаниқ, дудмол бир нарса пайдо бўлади. Ана шундай ишдан сўнг, қандайдир жонли тасаввур кўриниб, аниқлаша боради. Ўқитув-чи ва режиссёр янги уруғларни сепса бўладиган замин тайёрла-нади. Бу шундай кўз илғамайдиган тасвирики, унинг устидан расм чизса бўлаверади. Ундан ташқари, менинг бу услубимдан фой-даланган ўқувчи тасаввурини қамчилаш йўлини ўқитувчидан ўрганиб олади, уни саволлар билан кўзғатиб бориш лозимлиги-ни ақлан ҳис этиб туради. Тасаввурининг пассивлиги, суствлиги билан онгли равишда курашиш одати пайдо бўлади. Бу озмунча иш эмас, албатта.

... 19 ...й.

Бугун ҳам Аркадий Николаевич тасаввурни ривожлантириш машқларини давом эттиради.

– Охирги дарсда, – у Шустовга мурожаат қилди, – ким экан-лигингизни, хаёлингизда қаерда турганингизни ва ён атрофин-гизда нималар кўраётганингизни гапириб берган эдингиз... Энди

менга шуни айтиб беринг-чи, тасаввурингиздаги қари дубнинг ҳаётидан ички қулоғингиз билан нималарни эшитяпсиз?

Аввалига Шустов ҳеч нимани эшитмади. Торцов унга дуб шохларига ин қўйган қушларнинг чуғур-чуғурини эслатди ва қуйидагиларни қўшимча қилди:

– Хўш, атроф сайҳонликдан келаётган қандай товушларни эшитяпсиз?

Энди Шустов қўйлар, сигирларнинг маърашини, қўнғироқларнинг жаранг-журунгини, чўпоннинг найини, оғир дала меҳнатидан сўнг дуб тагида ҳордиқ чиқариб ўтирган икки хотиннинг суҳбатини эшита бошлади.

– Энди айтинг-чи, ўз тасаввурингизда кўраётган ва эшитаётганларингиз қачон бўлиб ўтаяпти? Қайси тарихий даврда? Қайси асрда?

Шустов феодализм даврини танлади.

– Яхши. Шундай экан, қадимий дуб сифатида ўша давирга хос яна бошқа қандай товушларни эшитяпсиз?

Шустов, бир оздан кейин қўшни қалъага байрамга кетаётган сайёҳ ашулачининг қўшиғини эшитаётганини айтди. У ҳозир дуб тагидаги ариқ бўйида дам олиб, юз-қўлини ювиб, байрам либосини кийиб, халойиқ олдида ашула айтишга тайёрланмоқда. У аравасини созлаб, баҳор, севги, ҳижрон қўшиғини сўнгги бор репетиция қилиб олмоқда. Дуб кечалари қалъа хизматкорининг эрли хотинга муҳаббат изҳор қилишни ва уларнинг узоқ-узоқ ўпишиб туришларини тинглайди. Кейин икки ашаддий душманнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқиб сўкишгани, қиличларнинг жаранги, ярадор бўлган одамнинг сўнгги фарёди эшитилади. тонг отарда ҳалок бўлган одамнинг жасадини ахтариб ҳорган кишиларнинг бўғиқ, ҳаяжонли товушлари қулоққа чалинади, жасадни топганларидан сўнг ҳамманинг ғовури ва қаттиқ фарёдлар оламини тутуди. Жасадни кўтариб кетаётганларнинг бир йўсинда оғир қадам ташлашлари эшитилиб туради.

Нафасимизни ҳам ростлаб олмасимиздан, Аркадий Николаевич Шустовга янги савол берди.

– Нима учун?

– Нима? Нима учун? – ҳаммамиз ҳайрон бўлдик.

– Нима учун Шустов деб бўлар экан? Нима учун, у ўрта асрда, тоғда ўсар экан?

Торцов бу саволга катта аҳамият берарди. Саволга жавоб берилса, унинг фикрича кўз ўнгида хаёлий ҳаёт ўтмиши гавдаланар эмиш.

– Нега бу ерда ёлғиз ўсасиз?

Шустов қари дубнинг ўтмиши ҳақида шундай ривоятни ўйлаб топди. Бир вақтлар бу тепалик қалин ўрмон бўлган. Водийнинг нарёғида кўриниб турган қалъа эгаси барон урушқоқ феодал қўшнисининг ҳужумларидан сақланиши лозим эди. Ўрмон унинг кўзидан қўшнисининг келаётган аскарларини яширади ва у душман учун пистирмалик вазифасини ўташи мумкин. Шунинг учун ўрмонни кесиб ташлашган. Фақат шу бир азим дуб дарахтини қолдирганлар, сабаби унинг тагида булоқ бор эди, борди-ю шу булоқ қуриб қолгудай бўлса, бароннинг подасини суғорадиган ариқ ҳам қуриб қоларди.

Торцовнинг «Нима мақсадда», – деган янги саволи бизни тагин боши берк кўчага олиб кириб қўйди.

– Қийналаётганингизни тушуниб турибман, чунки гап ҳозир дарахт тўғрисида бормоқда. Аммо, умуман айтганда, нима мақсадда, деган савол жуда катта аҳамиятга эга. У интилишларимизнинг мақсадини аниқлашга мажбур қилди, мақсад эса келажакни аниқлайди ва фаолликка, ҳаракат қилишга ундайди. Дарахт ўз олдига мақсад қўёлмайди, албатта, бироқ у ҳам фаолиятга эга, бирор хизматни ўтайди, бирор вазифани бажаради.

Шустов қуйидаги жавобни ўйлаб топди: бу ерда дуб энг баланд пунктдир. Бинобарин, у душман қўшинини кузатиб туриш учун мезаналик вазифасини ўтайди. Бу маънода дарахтнинг ўтмиш хизмати жуда катта бўлган. Унинг қалъа одамлари ва яқин атрофдаги қишлоқ аҳолиси орасида катта обрў қозонганига ҳайрон қолмасак ҳам бўлади. Унинг шаънига ҳар йили баҳорда махсус байрам ўтказилади. Бу байрамга феодал-барон ҳам келиб катта косадаги винони тагигача шимиради. Дубни гуллар билан ясатадилар, атрофида рақсга тушадилар, ашулалар айтадилар.

– Энди, – деди Торцов, – берилган шарт-шароитлар аниқланиб, улар аста-секин тасаввурингизда жонлангандан сўнг ишимизнинг бошида нима бор эди-ю ва ҳозир нима ҳосил бўлганини солиштириб кўрайлик. Бошланишида, сиз тоғ оралиғидаги майдонда турганингизни билганимизда, сизнинг ички ҳиссиётингиз умумий, туманли, ҳали дорига тушмаган фотография плёнка-

сига ўхшар эди. Энди қилинган иш ёрдами билан, у анчагина равшанлашди. Қачон, қаерда, нима учун, нима мақсадда турганингиз равшан бўлди. Шу вақтгача сизга нотаниш бўлган аллақандай ҳаёт янги кўринишини энди бир-бирдан ажрата олдингиз. Қаерда турганингизни сеза бошладингиз ва фикран яшай бошладингиз. Лекин бу ҳали оз. Саҳнада ҳатти-ҳаракат лозим. Уни аниқ вазифа ва унга интилиш орқали ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун сеҳрли «агарда»га эга бўлган янги «шарт-шароитлар» керак, тасаввурнинг янги ҳаяжонли тўқималари лозим.

Аммо Шустов уларни ўйлаб тополмади.

– Ўзингизга савол беринг ва унга чин кўнгилдан жавоб беринг: сизни қандай воқеа, қандай фалокат совуққонликдан қутултира олади, ҳаяжонлантира олади, кўрқита олади, хурсанд қила олади? Ўзингизни тоғдаги сайхонликда деб ҳис этинг, «мен борман»ни яратинг ва фақат шундан сўнггина жавоб беринг, – деб маслаҳат берди Аркадий Николаевич.

Шустов айтилган гапларни бажармоқчи бўлди, лекин ўзи ҳеч нарса ўйлаб тополмади.

– Ундай бўлса, масалани ҳал қилишга бошқа йўл билан ёндошайлик. Бунинг учун аввало шу саволимга жавоб беринг. Ҳаётда ҳаммадан кўпроқ қайси нарсага сезгирсиз? Ҳаммадан кўпроқ сизни нима ҳаяжонга солади, кўрқитади, хурсанд қилади? Ҳаёл суриш мавзуига нисбатан сўраётганим йўқ. Табиий органик мойинглигингизни билиб олганимиздан кейин унга яратилган тўқимани қўшиш қийин эмас. Шундай қилиб, табиатингиздаги органик, ҳаммадан типик хусусиятни, одатни, орзу-ҳавасларингиздан биттасини айтиб беринг.<sup>17</sup>

– Мени курашнинг ҳар қандай тури ҳам ғоятда қизиқтиради. Бу гап менинг бўшанггина қиёфамга тўғри келмаслиги сизни ҳайратда қолдирдимиз? – деди Шустов, бир оз ўйлаб олгач.

– Бўлмаса гап шундай. У ҳолда душман ҳужум қилди! Герцогнинг аскарлари феодалингиз қалъасига томон келмоқдалар. Мана улар сиз турган майдонга кириб келишмоқда. Қуёшда найзалар ялтираб, девор тешувчи, ўқ узувчи машиналар келмоқда. Шохларингизга айғоқчилар чиқиб олиб, душманни кузатиб туришларини улар яхши билади. Сизни чопиб ёндириб ташлайдилар! – деб кўрқитди Аркадий Николаевич.

– Ёндириб бўпти! – дарров жавоб қилди Шустов. – Мени улар қўлига бериб қўймадилар. Мен керакман. Бизникилар

қўл қовуштириб ўтирмайдилар. Улар шу томонга югуриб келишмоқда, отличлар шамолдек елмоқдалар. Айғоқчилар лаҳза сайин уларга чопарлар юбориб турибдилар...

– Ҳозир бу ерда жанг бошланади. Сизга ва тепангизда ўтирган айғоқчиларингизга қараб сопқон ва камонлардан минглаб ўқлар узилади, улардан баъзи бирлари латта устига қорамой суртиб ёндирилган ўқлар... Қўрқмасдан тезда бир қарорга келинг, ҳали кеч эмас, агар шу воқеа реал ҳаётда рўй берса, унда нима қилар эдингиз?

Шустов, Торцов таклиф этган бу сеҳрли «агарда»дан қутулиш учун чора ахтариб, бетоқатланаётганлиги кўриниб турар эди.

– Илдизлари билан ерга маҳкам ёпишган, ўз жойидан жиллолмайдиган дарахт омон қолмоқ учун нима ҳам қила оларди? – хитоб қилди у, ноилож аҳволга тушиб қолганини кўриб.

– Шунчалик ҳаяжонга тушаётганингиз мен учун етарли маъқуллади Торцов. – Бу вазифани бажариб бўлмайти ва хаёл, суриш учун хатти-ҳаракатсиз мавзу берганларига сиз айбдор эмассиз.

– Нега бўлмаса бундай мавзу бердингиз? – ҳайрон бўлдиқ биз.

Бу сизга тасаввур тўқимаси хатти-ҳаракатсиз мавзуда ҳам ички ўзгариш яшашини, ҳаяжонлантира олишини ва хатти-ҳаракатда қалбдан жонли эҳтиёж туғдиришини исбот этсин. Энг муҳими бизнинг хаёл суриш соҳасида қилган машқларимиз, ролнинг<sup>18</sup> материали ва ички кўришлар унинг кинолентасининг қандай яратилишини ва бу иш сизга туюлганча қийин ва мураккаб эмаслигини кўрсатиши лозим эди.

...19 ...й.

Бугунги дарсада Аркадий Николаевич тасаввур қилиш қобилияти артистга фақатгина яратиш учунгина эмас, балки яратилган ва ишланиб эскириб кетганни янгилаш учун ҳам кераклигини тушунтириб улгурди, холос. Бу эса янги тўқима ёки унинг баъзи қисмларини киритиш ёрдами билан бажарилади.

– Сиз бунга амалий мисолда яхшироқ тушуниб оласиз. Охирига етмай эскириб қолган этюдни олайлик. Мен жинни билан бўлган этюд ҳақида гапиряпман. Уни бутунлайича ёки қисман янги тўқима билан янгилангчи...



Бироқ ҳеч қайсимиз янги тўқима тополмадик.

– Менга қаранглар-а, – деди Торцов, – эшик орқасида турган одам ашаддий жинни эканлигини қаердан билдинглар? Малолеткова айтдимиз? Рост, у зинапоёга чиқадиган эшикни очиб, у ерда бу уйнинг собиқ эгаси турганини кўрди. Унинг жиннилиги тутганда жиннихонага олиб кетди дейишган эди... Бироқ сиз бу ерда эшикни баррикада қилаётганингизда югуриб бориб Говорков жиннихонага телефон қилган эди, унга шундай жавоб беришди: у одам жинни бўлган эмас, ичкилик туфайли касалга йўлиққан-у, ҳозир унинг шу касали тутиб қолган экан. Ҳозир у соппа-соғ, касалхонадан чиқиб, уйига қайтиб келибди. Тағин, ким билади дейсиз – эҳтимол справка нотўғридир, балки докторлар адашгандир.

Агар ҳақиқатан шундай воқеа рўй берса, нима қилардинглар?

– Малолеткова чиқиб, нима учун келганини сўраб келмоғи керак, – деди Веселовский.

– Жонимдан тўйибманми? Ўлсам ҳам чиқмасман. Қўрқаман! – хитоб қилди Малолеткова рангги оқариб.

– Сиз билан Пушчин бирга чиқади. У бақувват йингит, – деди бирданига Торцов. – Бир, икки-уч бошланглар! – команда берди у ҳаммага мурожаат қилиб. – Янги вазиятни мўлжаллаб кўринг, эҳтиёжларни ҳисобга олинг ва хатти-ҳаракат қилинг.

Биз этюдни кўтаринки руҳ, чинакам ҳаяжон билан ўйнадик ва Торцовнинг ҳамда дарсда ўтирган Рахмановнинг мақтовига сазовор бўлдик. Тўқиманинг янги варианты бизга янги таъсир қилди.

Дарснинг охирини Торцов ижодий тасаввурни ривожлантириш бобида қилган ишимизнинг якунига бағишлади. Бу ишнинг турли босқичларини эслатиб ўтгандан сўнг, ўз сўзини шундай тамомлади:

– Тасаввурнинг ҳар қанақа тўқимаси аниқ далилларга асосланган ва пухта белгиланган бўлмоғи лозим. Тасаввурни кўзга-тиш учун ўзимизга берадиган ким, қачон, қаерда, нима учун, нима мақсадда деган саволлар, фараз қилинган хаёлий ҳаёт манзарасини тобора аниқроқ кўрсатишда бизга катта ёрдам беради. Баъзан шундай ҳам бўладики, тасаввур тўқимаси онгимиз ва ақлий фаолиятимизнинг ёрдамисиз ҳам, ёрдамчи саволларсиз ўзидан-ўзи пайдо бўлади. Бироқ ўзингиз ишонч ҳосил қилдинг-

ларки, хаёл суриш учун гарчи аниқ мавзу берилган чоғда ҳам, ўз ҳолига ташлаб қўйилган тасаввурнинг активлигига ишониб бўлмайди. Аниқ ва пухта белгиланган мавзусиз, «умуман» хаёл суриш натижа бермайди.

Бироқ, тўқима яратишда берилган саволларга ақл ёрдами билан жавоб қидирилар экан, жуда кўп ҳолларда онгимизда яратилаётган ҳаётнинг рангсиз тасвири пайдо бўлади. Бу саҳна санъати учун камлик қилади. Артист тўқима яратиш билан бирга ҳаяжонлансин, у, бутун табиати, органик ҳаёти билан, фақатгина руҳи эмас, балки жисми билан ҳам ролга берилиб кетсин. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Энди ўзингиз яхши билган: «Мен тўқиган тўқима чинакам ҳаётга айланиб қолса нима қилардим?» деган янги саволни ўз олдингизга қўйинг. Ўз тажрибангиздан яхши биласизки, артистлик табиатимизнинг хусусиятига кўра бу саволга хатти-ҳаракат билан жавоб беришга мажбур бўласиз. Хатти-ҳаракат тасаввурни қўзғотишда, ишга солишда яхши бир воситадир. Майли, ҳозирча бу хатти-ҳаракат амалга оширилмасин, вақти-соати келгунча ҳали ечилмаган эҳтиёж бўлиб қолаверсин. Шуниси муҳимки, бу эҳтиёж атайлаб ҳосил қилинган; уни фақатгина руҳан эмас, балки жисмоний равишда ҳам сезасиз. Бу сезги эса тўқимани мустаҳкамлайди.

Шуни англаб олиш зарурки, танадан, жисм ва материядан маҳрум бўлган хаёл жисмимиз ва баданимиз – материяни чинакам хатти-ҳаракатга солиш қобилиятига эгадир. Бу қобилият бизнинг психотехникамизда катта рол ўйнайди.

Менинг ҳозир айтадиган сўзимга диққат беринг: саҳнадаги ҳар бир ҳаракатимиз, ҳар бир сўзимиз тасаввуримиз яратган ҳақиқий ҳаётнинг натижаси бўлмоғи лозим.

Борди-ю, сиз саҳнада кимлигингизни, қаердан келганингизни, нима учун келганингизни, нима кераклигини, бу ердан қаерга боришингизни ва у ерда нима қилишингиз кераклигини билмай туриб, гапирсангиз ёки бирор иш қилсангиз, уни сиз механик равишда қилган бўласиз, сиз тасаввурсиз хатти-ҳаракат қилган бўласиз ва саҳнада бўлган даврингиз, озми-кўплигидан қатъи назар, сиз учун ҳақиқат бўлмайди сиз машина каби, автомат каби хатти-ҳаракат қилган бўласиз.

Агар ҳозир мен сиздан энг оддий бир нарсани: «Бугун совуқми ёки йўқми?» деб сўрасам, сиз «совуқ» ё «иссиқ» ёки «сезмадим» деб жавоб қилишдан илгари, хаёлингизда кўчага чиқиб ке-

ласиз, қандай келганингизни эслайсиз, ўз сезгингизни текшириб кўрасиз, кийимларига ўралиб, қулоқларини ёқалари ичига беки-тиб олган йўловчиларни. оёқ остидаги қорнинг ғижирлашини эслаганингиздан сўнг, фақат шундан кейингина керакли жавобни айтасиз.

Шу билан бирга, бутун ўша манзаралар, эҳтимол кўз ўнгингизда бир дақиқада лип этиб ўтиб кетар, чеккадан қараганда, сиз ўйлаб ўтирмай жавоб бергандай кўринарсиз, бироқ ўша манзаралар ўтди, сизда сезги пайдо бўлди. Сиз тасаввурингиздаги шундай мураккаб иш натижасида жавоб бердингиз.

Шундай қилиб, на бирорта этюд, саҳнада қўйилган бирор қадам асоссиз, яъни тасаввур иштирокисиз, механик равишда қилинмаслиги керак.

Агар сиз бу қоидага қаттиқ амал қилсангиз, мактабдаги ҳамма қилинган машқлар, программанинг қайси бўлимига оид бўлишидан қатъи назар, сизнинг тасаввурингизни ўстиради ва мустақамлайди.

Борди-ю, унинг тескарисини қилсангиз, саҳнада ҳар бир ишни совуқ кўнгил билан («совуққонлик билан») бажарар экансиз, у сизни хароб қилади, чунки тасаввурсиз ишлаш механик равишда, автоматик суратда хатти-ҳаракат қилишга одатлантириб қўяди.

Рол устидаги ва драматургнинг сўзларидан иборат бўлган асарини саҳна воқеасига айлантиришдаги ижодий иш, бошидан то охиригача тасаввур иштирокида ўтади.

Кўнглимизни чулғаб олган тасаввур тўқимасидан бўлак тагин нима иситиши ва астойдил ҳаяжонлантириши мумкин! Унга қўйилган талабларнинг ҳаммасини қондирмоқ учун тасаввур эпчил, актив, ёрдамга доим тайёр ва керакли даражада ривожланган бўлиши зарур.

Шунинг учун ўз тасаввурингизнинг ривожланишига ғоятда аҳамият беринг. Уни ҳар томонлама ривожлантиринг. Сизга таниш бўлган машқлар билан, яъни тасаввурнинг аввало ўзини ўстириш ва уни қўшимча йўллар орқали ўстириш билан шуғулланинг. Саҳнада ҳеч нарсани механик равишда, расмиятчилик билан қилмасликни қоида қилиб олинг.

Дарс «Малолеткованинг уйи»да, бошқача қилиб айтганда, жиҳозланган саҳнада, ёпиқ парда орқасида ўтди.

Биз жинни билан бўлган ва каминни ёқиш этюдлари устида ишлашни давом эттирдик.

Аркадий Николаевичнинг айтиб тургани туфайли бажараётган этюдларимиз муваффақиятли чиқди. Ишимиз кўнгилдагидай бўлганидан ва қувонганимиздан, ҳар иккала этюдни ҳам бошидан-охиригача қайтаришни сўрадик.

Мен девор ёнига бориб дам олиб ўтирдим.

Шунда тўсатдан кутилмаган ҳодиса рўй берди: ёнимда турган иккита стул, ўзидан-ўзи ағдарилиб тушди, ҳайрон бўлиб қолдим. Уларга ҳеч ким қўл тегизмаса ҳам ўз-ўзидан ағдарилиб тушди. Мен ағдарилган икки стулни кўтара туриб, тагин оғиб келаётган иккитасини ушлаб қолдим. Шу вақтда кўзимга деворда узун тирқиш кўринди. Бу тирқиш борган сари кенгайиб кетаверди, бора-бора бутун саҳнани қоплаб олди. Стулларнинг йиқилиши менга энди аён бўлди. Саҳна девори вазифасини ўтаб турган сукнолар икки ёққа очилиб, пастига илинган нарсалар ағдарилиб кетаётган эди. Кимдир пардани очаётган экан.

Мана, порталнинг нимқоронғилигида Торцов билан Раҳмановнинг қиёфаси кўринди.

Парда очилиши билан менинг қалбимда ҳам ўзгариш пайдо бўлди.

Буни нимага ўхшатса бўлади?

Кўз олдингизга келтиринг-а, мен хотиним билан (борди-ю хотиним бўлса) меҳмонхона номеридаман. Иккимиз юракдан гаплашиб ўтирибмиз, кейин ухламоқчи бўлиб ечинамиз, ўзимизни бутунлай эркин ҳис этамиз. Шу пайт тўсатдан, биз эътибор қилмаган каттакон эшик очилиб, ташқари қоронғидан бегона кишилар – қўшниларимиз қарашаётганини кўриб қолдик. Уларнинг неча кишилиги бизга номаълум. Қоронғида одамлар кўзингга кўп бўлиб кўринади. Биз дарҳол кийиниб, сочимизни тараб, ўзимизни меҳмонда ўтиргандек, сипо тутишга ошиқамиз.

Менинг қалбимда ҳам тўсатдан нимадир ўзгариб, томирларим таранг тортишиб кетди, ҳозиргина ўзимни уйимдагидек се-

зиб турган одам, кўпчилик ўртасида кўйлакчан қолган кишига ўхшаб қолдим.

Порталнинг қоронғилиги туфайли киши ўзини йўқотиб қўйиши қизиқ бўларди. Биз бежиримгина меҳмонхонада эканимизда унинг бир томони муҳим, иккинчи томони аҳамиятсиз эканлиги сезилмаган эди. Қай хилда турманг, қай томонга бурилманг, ҳамма ёқ яхши. Порталнинг каттакон қоронғи туйнуги бор. Саҳнанинг очиқ зал томони асосий томон бўлиб қолади, ўзингни шу томонга мослашинг керак. Ўзингни доимо шу тўртинчи – томошабин қараб турган томонга тўғрилашинг керак. Саҳнада муносабатда бўлган шерикларингга, сўзлаётганингга ўзингга қулайми-йўқми, бундан қатъи назар, рампанинг нариги томонида, қоронғида кўринмай ўтирган одамларга ҳамма нарса кўринарли ва эшитарли бўлиши шарт.

Ҳозиргина меҳмонхонада биз билан ўтирган очиқ кўнги, соддадил, яқин одамимиз Торцов билан Раҳманов, энди порталнинг нариги томонига, қоронғиликка ўтганларидан кейин, бизнинг хаёлимизда улар бутунлай бошқа – қаттиққўл, талабчан одамларга айланиб қолгандек туюлардилар.

Менда содир бўлган ўзгариш этюдда қатнашган ўртоқларимда ҳам юз берди. Фақатгина Говорков парда ёпиқлигида ўзини қандай тутган бўлса, парда очилганда ҳам ўзгармади. Ўйинимиз кўриққа айланиб кетиб, ҳеч нима чиқмаганини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

«Йўқ, порталнинг қоронғи туйнугини сезмасликка ўрганмагунимизча, артистлик ишимизда муваффақиятга эришолмай-миз!» – деган қарорга келдим мен ичимда.

Биз бу ҳақда Шустов билан маслаҳатлашдик. Унинг фикрича, бизга янги этюд берсалар-у, уни Торцов қизиқарли қилиб изоҳлаб турса, бу диққатимизни томоша залидан четга тортар эмиш.

Мен Шустовнинг мулоҳазаларини Аркадий Николаевичга айтган эдим, у шундай деди:

– Яхши, қилиб кўрамиз. Мана сизга жуда қизиқарли трагедия, балки бу томошабинни ўйламасликка мажбур қилар:

Воқеа Малолеткованинг мана шу уйида содир бўлади. Малолеткова Названовга эрга теккан, у бўлса аллақандай жамоат ташкилотининг газначиси бўлиб сайланган. Уларнинг бир шприн, дўмбоққина чақалоғи бор. Онаси чақалоқни чўмилтиргани чиқиб кетган. Эри пул санаб, қоғозларни кўздан кечирмоқда,

булар ташкилотнинг пули ва қоғозлари эканлигини унутманг. Вақт кеч бўлиб қолгани учун пулларни ишлаб турган ташкилотга топширишга улгурмаган. Стол устида эскириб, ёғи чиқиб кетган кредит қоғозлари уйилиб ётибди.

Названовнинг рўбарўсида Малолеткованинг эси паст, букур, овсар бир укаси турибди. У Названовнинг пул пачкаси устидаги ранг-баранг қоғоз – бандеролларни йиртиб олиб, камин печкага ташлаётганини томоша қилмоқда. Қоғозларнинг ловуллаб ёниши овсар болага жуда маъкул эди.

Ҳамма пул санаб бўлинди. У ўн минг сўмдан кўпроқ экан.

Малолеткова эрининг қўли бўшаганини билиб, чақалоқни томоша қилиш учун чўмилтираётган қўшни хонага чақиради. Названов чиқиб кетади, овсар бўлса, тақлид қилиб, қоғозларни ўтга ташлайди. Ранг-баранг бандероллар тугагандан сўнг пулларни ҳам ташлайди. Қарасаки, пуллар қоғозларга нисбатан яна ҳам яхши ёнар экан. Ўйинга берилиб кетиб овсар ҳамма пулларни, бутун жамоат маблағини счётлар билан бирга қўшиб муҳим ҳужжатларни ҳам ўтда ёндириб юборади.

Энг сўнгги пачка ёна бошлаганда Названов кириб келади. Воқеани дарров фаҳмлайди-ю, ҳамма нарсани унутиб букурга ташланади ва жон-жаҳди билан уни итариб юборади. Овсар чаккаси билан каминнинг панжарасига урилиб, йиқилади. Тамомила эсини йўқотиб қўйган Названов ёниб битаётган сўнгги пачкани ўтдан олади-ю, чидолмай бақириб юборади. Хотини югуриб кириб, каминнинг олдида чалқанчасига ётган укасини кўради-ю, унинг тепасига югуриб келиб, кўтармоқчи бўлади, кучи етмайди. Йиқилиб ётган укасининг юзида қонни кўрган Малолеткова овози борича эрига бақириб, сув келтиришни буюради, бироқ Названов ҳеч нарсани англамайди. Унинг эси чиқиб кетган эди. Шунда хотинининг ўзи сувга югуради ва шу заҳотиёқ ошхонадан унинг «до» деган овози эшитилади. Ҳаёт қувончи, жондан яхши кўрган боласи тоғорадаги сувга чўкиб ўлибди.

Агар бу трагедия ҳам диққатингизни томоша залиннинг қора туйнугидан четга тортолмаса, демак, юракларингиз тошдан экан.

Янги этюд ўз мелодраматиклиги ва фавқулудда учрайдиган воқеаси билан бизни ҳаяжонга солди... бироқ, юрагимиз тошдан экан шекилли... ўйнолмадик!

Аркадий Николаевич, ҳар галгидек, «агарда» дан ва берилган шарт-шароитдан бошлашимизни таклиф қилди. Биз бир-

биримиз билан гаплаша бошладик, лекин бу тасаввурнинг эркин ўйини эмас, балки ўзимизни зўрлаш, тўқимани ўйлаб топиш эди, ўз-ўзидан маълумки, бу ҳаракатларимиз ижодни қўзғатолмас эди.

Томоша залининг магнети ҳар қандай даҳшатли фожиалардан ҳам кучлироқ бўлиб чиқди.

– Ундай бўлса, партердан яшириниб бу «даҳшатларни» ҳам ёпиқ парда орқасида ўйнаймиз, – деб қарор қилди Торцов.

Парда ёпилиши билан меҳмонхонамиз кўзимизга яна ҳам яхши кўринди. Торцов билан Рахманов томоша залидан саҳнага қайтиб чиқишди ва яна аввалгидек хушмуомалада бўлди. Этюдни ўйнай бошладик. Унинг хотиржам жойлари дуруст чиқди, бироқ иш фожиага бориб етганда, мен ўз ўйинимдан қаноатланмадим, ҳолатни бўрттириброқ бергим келди, аммо туйғуларим ва темпераментим етмай қолди. Хатти-ҳаракатдан чиқиб кетганимни ва актёрларча ўзимни намоёиш қилиш йўлига тушиб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Торцовнинг таассуроти менинг тахминимни тасдиқлади. У шундай деди:

– Этюднинг бошида сиз тўғри хатти-ҳаракат қилдингиз, охирига борганда хатти-ҳаракат қилаётган киши бўлиб кўринмоқчи бўлдингиз. Аслида сиз туйғуларингизни зўрладингиз. Гамлет тили билан айтганда, «Эҳтиросни парча-парча қилиб ташладингиз». Демак, қоронғу залдан нолишингиз беҳуда гап. Саҳнада ҳаққоний яшашингизга ёлғиз қоронғиликкина халақит бергани йўқ, негаки парда ёпилганда ҳам натижа ўша-ўша бўлди.

– Менга парда очиқлигида томоша зали халақит берган бўлса, – иқрор бўлдим мен, – парда ёпиқлигида, ростини айтсам, сиз билан Иван Платонович халақит бердинглар.

– Ана холос. – деб кулди Торцов. – Иван Платонович! Хизматга туҳмат бўлди-ку! Бизни у қора туйнукка тенг қилиб қўйди-ку! Келинг, хафа бўлиб, чиқиб кетайлик! Ўзларича ўйнайверсинлар!

Аркадий Николаевич билан Иван Платонович хафа бўлган кишилардек, кулгили қадам ташлаб чиқиб кетишди. Уларнинг кетидан бошқалар ҳам чиқиб кетди. Биз холи қолганимиздан кейин, этюдни гувоҳларсиз, яъни халақит берувчиларсиз ўйнаб кўрдик.

Шуниси қизиқки, холи қолганимизда яна ҳам баттарроқ бўлдик. Менинг диққатим партнёримга кўчди. Мен зўр бериб

унинг ўйинини кузата бошладим, танқид қилдим, беихтиёр томошабинга айланиб қолдим. Менинг партнёрларим ҳам, ўз навбатида, мени синчиклаб кузата бордилар. Мен ўзимни айтиб бир вақтда ҳам томошабин, ҳам ўйнаб кўрсатаётган актёр деб ҳис қилдим. Иқрор бўлиш керакки, бир-биримиз учун ўйнашимиз зерикарли, бефойда, айтиқса, бемаъни бўлиб кўринди.

Шу пайт кўзим ойнага тушиб қолди, аксим ўзимга ёқиб, ғайратим кўзиб кетди, уйда Отелло роли устида ишлаганимда ҳам ойнага қараб, ўзим учун ўйнаганим эсимга тушди. «Ўзимга ўзим томошабин бўлиш» кўнглимга хуш келди, ўзимга ишонч пайдо бўлди, шунинг учун ҳам Шустовнинг Торцов билан Раҳмановни чақириб, уларга ишимиз натижасини кўрсатайлик, деган таклифига кўна қолдим.

Кўрсатишнинг ҳожати қолмади, чунки ёлғиз ўзимиз ўйнаганимизни улар эшик тирқишидан томоша қилиб турган эканлар.

Уларнинг фикрича, ҳозирги ўйинимиз парда очиқлигидагидан кўра ёмонроқ чиқибди. У гал ёмон бўлса ҳам, вазмин ва содда ўйнаган эканмиз, бу сафар ёмон ўйнашимиздан ташқари, ўзимизга бино қўйиб, кеккайиб кетибмиз.

Торцов бугунги ишимизни яқунлаб шундай хулоса чиқарди, парда очиқлигида нариги томонда, рампанинг орқасидаги қоронғида ўтирган томошабин, парда ёпиқлигида ёнимизда ўтирган Аркадий Николаевич билан Иван Платонович, холи қолганимизда эса томошабинга айланган партнёрларимиз ёлғиз ўйнаганимда мендаги томошабин, мендаги актёрга халақит берган экан. Хуллас, қаёққа қараманг, томошабин халақит берар экан. Шу билан бирга, томошабинсиз ўйнаш ҳам зерикарли иш.

– Ёш боладан ҳам баттарсизлар! – уялтирди бизни Торцов.

– Начора, – бир оз паузадан кейин гапирди у. – Вақтинча этюдларни йиғиштириб қўйиб, диққат объектлари билан шуғулланишга тўғри келади. Муваффақиятсизликка учрашимизнинг асосий сабаблари ана шулар. келгуси дарсни худди шулардан бошлаймиз.

...19 ...й.

Бугун томоша залига ИЖОДИЙ ДИҚҚАТ деган плакат осяиб қўйилган эди.



Бежиримгина меҳмонхонанинг тўртинчи девори – парда очик эди, ҳар галгидай пардага тираб қўйилган стуллар бугун бир чеккага олиб қўйилган. Илгариги шинам меҳмонхонамиз, битта деворидан ажралгандан кейин, томоша зали билан қўшилиб кетиб, энди кўзга яққол ташланарди. У оддий декорацияга айланиб қолган ва ўзининг шинамлигини йўқотган эди.

Декорация деворларининг ҳар ер-ҳар ерида электр лампочкалар осилган, худди иллюминацияга ўхшарди. Ҳаммамизни рампа бўйлаб бир қатор қилиб ўтқазиб қўйишди. Ўртага жимлик чўкди.

– Кимнинг пошнаси узилиб тушди? – тўсатдан савол берди Аркадий Николаевич.

Ўқувчилар ўзлари ва ўртоқларининг пойабзалларини диққат билан текшира бошладилар.

Торцов янги савол ташлади:

– Ҳозир томоша залида нима ҳодиса рўй берди? Нима дейшимизни билолмай қолдик.

– Наҳотки ҳовлиқма, бақироқ секретаримнинг келганини сезмаган бўлсаларинг. У менга қўл қўйдиргани қоғозлар олиб келди-ку.

Биз унинг келганини кўрмай қолибмиз.

– Бу мўъжиза-ку! – хитоб қилди Торцов. – Шундай бўлиши мумкинми, ахир? Бунинг устига парда ҳам очик! Томоша зали кишини ўзига қаттиқ тортади. деб ишонтирган сиз эмасмидингиз?

– Мен пошнамни қидириш билан банд эдим. – деган важ қилдим мен.

– Қандай қилиб?! – яна ҳам ҳайрон бўлди Торцов. – Наҳотки арзимаган, кичкина пошна парталнинг каттакон, қора туйнугидан кучлироқ бўлса! Демак, диққатни ундан бўлак ёққа буриш айтарлик қийин эмас экан-да. Бундан чиқди, бунинг сири жуда содда эканда: томоша залидан диққатни четга тортиш учун, саҳнадаги ишга берилиш керак.

«Чиндан ҳам, – ўйлаб қолдим мен, – бир дақиқагина саҳнадаги ишга қизиққан эдимки, порталнинг нариги томонини беихтиёр унутдим».

Шу вақт саҳнада сочилиб кетган михлар ва ишчи билан гаплашганим эсимга тушиб кетди. Бу воқеа синов спектаклимизнинг репетицияларидан бирида бўлган эди. Шунда мен ишчи би-

лан миҳларга оид суҳбатга берилиб кетиб, қоп-қоронғи туйнук-ни эсимдан чиқарган эдим.

– Энди, тушунгандирсизлар деб ўйлайман, – яқун ясади Торцов, – артистга диққат объекти керак, лекин бу объект томоша залида эмас, саҳнада бўлиши лозим, объект қанчалик қизиқарли бўлса, артистнинг диққати устидан унинг ҳукмронлиги ҳам шунчалик кучли бўлади.

Киши ҳаётида унинг диққати бирорта объектга жалб бўлмаган бирор дақиқа бўлмайди.

Шуниси ҳам борки, объект қанчалик қизиқарли бўлса, артистнинг диққати устидан унинг ҳукмронлиги ҳам шунчалик кучли бўлади. Томоша залидан диққатни бошқа томонга жалб қилиш учун, уни усталик билан шу ердан, саҳнадан топа билиш керак. Она боласининг диққатини қўғирчоқлар билан қай йўсинда жалб қилишини биласизлар-ку. Худди шу сингари артист ўз диққатини томоша залидан четга тортадиган қўғирчоқлар топа билсин.

«Бироқ, – ўйлаб қолдим мен, – саҳнада объектлар тўлиб-тошиб ётган бир пайтда, нима учун зўрлаб объект ахтаришим керак экан».

– Мен субъект эканман, мenden ташқарида бўлган ҳамма нарса объект-да. Бутун олам мenden ташқарида-ку... Турли-туман объектларнинг сон-саногни йўқ! Уни топиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?

Бунга Торцов ҳаётда шундай бўлади, деб эътироз билдирди. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда, объектлар ўзидан-ўзи пайдо бўлади ва диққатимизни ўзига беихтиёр жалб қилади. Ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида кимга ва қандай қарашимизни жуда яхши биламиз.

Аммо театрда бундай эмас, театрда артистнинг нормал яшашига ҳалақит берувчи порталнинг қора туйнуги – томоша зали бор.

Торцовнинг сўзига қараганда мен буни «Отелло» спектаклидан кейин ҳаммадан яхшироқ билишим керак эди. Лекин шуниси ҳам борки, рампаинг бу томонида, саҳнада порталнинг қора туйнугига қараганда қизиқроқ қанчадан-қанча объектлар бор. Фақат саҳнадаги бу нарсаларга диққат билан назар ташлаб билиш керак: донмий машқлар ёрдами билан саҳнада диққатни тўплаб билиш зарур. Объектни ушлаб олишга ёрдам берадиган алоҳида техникани ривожлантириш керак, шундан кейин саҳна-

даги объектнинг ўзи диққатингизни саҳнадан ташқаридаги воқеалардан четлатиб қўяди. Қисқаси, Торцовнинг айтишича, энди, биз саҳнада кўришни, диққатни бир нуқтага жалб этишни ўрганишимиз зарур экан.

Торцов бизга ҳаётда, бинобарин, саҳнада қандай объектлар бўлишини лекция қилиб ўтирмай, саҳнанинг ўзида ёрқин тасвирлаб бермоқчи бўлганини айтди.

– Ҳозир сиз кўрадиган нур манбаи ва шуълалар бизга ҳаётда, бинобарин, театрда лозим бўлган турли объектларни тасвирлайди.

Томоша зали ва саҳнани зулмат қоплади. Бир неча секунд ўтгач, нақ бурнимизнинг тагида биз ўтирган стулимиз устида қутича ичига беркитилган кичкина электр лампочка ёнди. Зулмат ичида пайдо бўлган нур нуқтаси киши диққатини ўзига жалб қилди. Ёлғиз бир ўзи диққатимизни тортиб олди.

– Қоронғида ёнаётган бу лампочка, – тушунтира бошлади Торцов, – бизга яқин турган объект нуқтани ифодалайди. Диққатимизни бир ерга тўплашимиз керак бўлганда, у тарқалиб, узоқларга кетиб қолмаслиги керак бўлган пайтларда биз ундан фойдаланамиз.

Торцов чироқ ёниши билан ўқувчиларга мурожаат қилди:

– Қоронғида диққатингизни нур нуқтасига тўплашга қийналмай эришдингиз. Энди худди шу машқларни қоронғида эмас, ёруғда қайтариб кўрамиз.

Торцов ўқувчилардан бирига креслонинг суянчиғини яхшилаб кўриб чиқишни, менга столнинг бутофор ишдаган эмалини, учинчи кишига ўйинчоқни, тўртинчи ўқувчига қаламни, бешинчисига арқонни, олтинчи ўртоққа гугурт кабиларни бериб, яхшилаб кўриб чиқишни буюрди.

Шустов арқоннинг тугунини еча бошлаган эди, мен, уни тўхтатиб, машқ хатти-ҳаракат қилиш учун эмас, балки фақат диққатни бир ерга тўплаш учун берилган, бинобарин, биз буюмларни фақат кўриб чиқиб, улар тўғрисида фикр юритмоғимиз лозим, дедим. Аммо Паша фикримга қўшилмади, ўзиникини маъқуллаб туриб олди. Баҳсни бир ёқлик қилиш учун Торцовга мурожаат қилишга тўғри келди. У эса шундай деди:

– Объектга бўлган диққат ўз-ўзидан бирор ҳаракат қилишга хоҳиш уйғотади. Хатти-ҳаракат эса объектга жалб бўлган диққатни яна ҳам кўпроқ тўплайди. Шундай қилиб, диқ-

қат хатти-ҳаракат билан қўшилиб, бир-бирини тўлдириб объект билан мустақкам алоқа яратади.<sup>19</sup>

Мен сирланган столни қайтадан текшира бошлаган эдимки, қўлимга тушиб қолган аллақандай ўткир тиғ билан ундаги расм устидан яна бир чизиб чиққим келди.

Бу иш, ҳақиқатан ҳам, столни яна ҳам яхшироқ кўриб чиқишга ва суратнинг шаклини ўрганишга мажбур қилар эди. Шу пайт Паша диққат билан арқоннинг тугунини ечарди. У ўз ишига жуда берилиб кетган эди. Бошқа ўқувчилар ҳам бирорта хатти-ҳаракатни бажаришга ёки объектни диққат билан текширишга берилиб кетишган эди.

Ниҳоят, Торцов эътироф қилди:

– Яқиндаги объект нуқтага диққатни жалб қилиш сиз учун фақат қоронғидагина эмас, ёруғда ҳам осон кўчди. Бу яхши!

Шундан кейин у бизга аввал қоронғиликда, сўнг чироқни ёқиб, ўрта ва узоқ объект – нуқталарни кўрсатди. Биринчи мисолда, яъни яқиндаги объект нуқтада бўлганидек диққатимизни мумкин қадар узоқроқ вақт ушлаб туриб, ўз қарашимизни тасаввуримиздаги тўқималар билан асослашимиз керак эди.

Янги машқларни қоронғида осонгина бажардик.

Ҳамма чироқлар ёндирилди.

– Энди сиз атрофингиздаги буюмларни қараб чиқинг, улар орасидан ўрта ёки узоқдаги объект – нуқтани танлаб олиб, бутун диққатингизни жалб қилинг, – деб буюрди Аркадий Николаевич.

Атрофимизда яқин, ўрта, узоқ масофада буюмлар шу қадар кўп эдики, дастлаб қараганда кўзларимиз қамашиб кетди.

Кўзимга битта объект – нуқтанинг ўрнига ўнлаб буюмлар кўринар, ҳазил қилиб айтганда, объект – нуқта эмас, объект кўп нуқталар ғужғон ўйнарди. Ниҳоят, диққатим узоқда, каминнинг устида турган кичкинагина ҳайкалчага келиб тўхтади, лекин уни диққат марказида узоқ вақт сақлаб туролмадим, чунки назаримни чор атроф ўзига тортарди, тезда ҳайкалча юзлаб бошқа буюмлар орасида йўқ бўлиб кетди.

– Э-ҳа, – хитоб қилди Торцов! – Ёруғда ўрта, узоқ объект нуқталарни яратишдан аввал, саҳнада анчайин кўришни, оддийгина назар ташлашни ўрганишга тўғри келади! Кимдир:

– Бунинг нимасини ўрганиш керак экан? – деб сўради.

– Бўлмаса-чи? Буни томошабин қаршисида, порталнинг қора туйнуғи олдида қилиш жуда қийин. Мана мисол келтирай:

менинг жиянларимдан бири овқат ейиш, тўполон қилиш, югуриш ва гап сотишни яхши кўради. Шу вақтгача қизча болалар хонасида овқатланар эди. Энди уни катталар овқатланадиган умумий столга ўтқаздилар, у бўлса овқат ейишни ҳам, гапиришни ҳам, тўполонни ҳам унутиб қўйди. «Нега овқатингни емайсан, гапирмайсан?» деб қизчадан сўрагандилар, у бўлса: «Нега менга қараб турасизлар?» деб жавоб қилади. Уни одамлар орасида ейиш, гапириш, шўхлик қилишга янгидан ўргатмасак бўладими?

Сиз ҳам худди жиянимга ўхшайсиз. Ҳаётда юриш, ўтириш, гапириш ва кўришни яхши биласизлар, театрда эса бу қобилиятингизни йўқотиб қўйиб, кўпчилик қараб турганини сезгач, ўзингизга-ўзингиз: «Нега булар қараб турибди?» дейсиз. Сизни ҳам саҳнада, кўпчилик олдида ҳамма нарсани қила билишга қайтадан ўргатиш лозим.

Ёдингизда бўлсин: ҳаётда жуда яхши билган энг оддий, энг жўн хатти-ҳаракатлар ҳам, одам саҳнага чиқиши билан, ёритилган рампа олдида, кўпчилик олдида турганида ўзгариб, телбатескари бўлиб кетади. Мана шунинг учун ҳам саҳнада юришга, ҳаракат қилишга, ўтиришга, ётишга янгидан ўрганмоқ керак. Мен бу ҳақда дастлабки дарсларимда гапирган эдим. Бугун эса диққатга тааллуқли бўлгани учун, айтганларимга шуни қўшимча қиламан, сиз ҳали саҳнада кўриш ва қараш, эшитиш ва қулоқ солишни ўрганмоғингиз зарур.

...19 ...й.

– Ўзингиз бирорта буюм танланг! – деди Торцов ўқувчилар пардаси очилган саҳнада ўтиришлари билан. – Ўзингизга объект қилиб, айтайлик, мана бу деворда осилиб турган парча гулли сочиқни олинг.

Ҳамма сочиққа тикила бошлади.

– Йўқ! – деб Торцов ҳаммани тўхтатди. – бу қараш эмас. Бу объектга кўзни бақрайтириш.

Биз ўзимизни бўш қўйиб қарай бошладик, аммо бу қарашимизда ҳам буюмни кўраётганимиз Аркадий Николаевични қониқтирмади.

– Диққат билан қаранглар! – деб буюрди Торцов.

– Ҳамма яна қаттиқроқ тикила бошлади.

– Ҳар қалай диққат кам, механик тикилиш кўп.

Қошларимизни чимириб, диққат билан қараётган бўлиб кўри-нишга уриндик.

– Диққат бошқа-ю, диққатли бўлиб кўриниш бошқа. Ўзингизни бир синаб кўринглар-чи: қайси бири ясама-ю, қайси бири чи-накам қараш.

Узоқ вақт қовушолмай қийналдик, кейин хотиржам ўтириб, мускулларни бўш тутишга уриндик ва сочиққа тикила бошладик.

Аркадий Николаевич тўсатдан хоҳолаб кулиб юборди, сўнг менга мурожаат қилди:

– Агар шу топда, сизни суратга олишнинг иложи бўлса эди, киши кучаниш натижасида бемаъни ҳаракатлар қилиши мумкинлигига аниқ ишонган бўлар эдингиз. Ахир, кўзларингиз, гапнинг очиги, косасидан чиқиб кетди-ку. Қараш учун шу қадар кучанишнинг нима ҳожати бор? Кучанишни камайтиринг, камайтиринг! Яна ҳам камайтиринг! Ўзингизни бутунлай эркин тутинг! Тўқсон беш фоизини олиб ташланг! Тағин... тағин... объектга шу қадар интилиш, бу қадар эгилишнинг нима ҳожати бор? Орқага суяниб ўтиринг! Янада яхшироқ суяниб ўтиринг! Тағин, тағин! Бундан ҳам кўпроқ! – деб ҳоли-жонимга қўймади Аркадий Николаевич.

Аркадий Николаевич қатъият билан ўзининг «тағин, тағин» деган сўзини қайтарган сари, менга «қарашга ва кўришга» халақит бераётган сиққиқлик аста-секин камаю борарди. Менда сиққиқлик ҳаддан ташқари кўп, ортиқча экан. Порталнинг қора дарчаси олдида чанг алдек қотиб турганинда унинг ҳажми ҳақида тасаввур ҳам қилолмайсан киши. Торцов саҳнада актёрларча қарашнинг тўқсон беш фоизи сиққиқликдан иборат дер экан, у мутлақо ҳақли эди.

– Қараш ва кўриш учун ортиқча ҳеч нарсанинг кераги йўқ экан! – дедим ҳаяжонланиб. – Шу пайтгача тикилганимга нисбатан бу жуда ҳам енгил! Чираниб, кўзингни лўқ қилганинг билан ҳеч нимани кўрмас экансан, аксинча, тиришмай қарасанг ҳамма нарсени ипидан-игнасигача кўриш мумкин бўлар экан, шунга фаҳмим етмаганига ҳайронман. Саҳнада ҳеч нарса қилмаслик – ҳаммадан қийини ҳам шунда-да.

– Худди шундай! – гапга аралашди Аркадий Николаевич. – Чунки шу дақиқада ҳаммасини ўйлайсан: мен томошабинларга ҳеч нарса кўрсатишга ҳаракат қилмасам, нега улар

пул тўлайдилар. Актёрлик учун олаётган маошни оқлаш керак, томошабинни хурсанд қилмоқ лозим!

Саҳнада бамайлихотир ўтириш, осойишта қараш ва кўриш қандай роҳат экан. Очиқ портал олдида бу ҳуқуққа эга бўлиш керак. Саҳнада ўтириш ҳуқуқига эга бўлганингни сезганингда, ҳеч нима қўрқинчли бўлмайди. Мен бугун саҳнада оддий, табиий, инсонларча лаззатланиб ўтирдим ва Аркадий Николаевичнинг биринчи дарсида худди шундай оддий ўтирганини эсладим. Бундай ҳолат менга ҳаётдан маълум ва у турмушда мени сира ҳам қувонтирмайди. Мен унга ўрганиб кетганман. Аммо бугун саҳнада уни биринчи бор сездим ва бунинг учук Торцовдан самимий миннатдорман.

– Баракалла! – қичқирди у менга. – Мана буни қараш ва кўриш деса бўлади. Кўпинча саҳнада бир нарсага қараймиз-у ҳеч нимани кўрмаймиз. Актёрнинг ифодасиз кўзидан даҳшатлироқ нарса борми? Бу рол бажарувчининг қалби мудраётганидан ёки унинг диққати аллақадерларда, театрда ва саҳнада гавдалантираётган ҳаётдан узоқдалигидан, хаёли бошқа нарсалар билан бандлигидан далолат беради.

Тўхтовсиз вайсайдиган тил ва бетўхтов қимирлайдиган қўл ва оёқлар, ҳамма нарсага ҳаёт бахш этувчи маъно тўла кўзларнинг ўрнини босолмайдилар. Кўзлар «кўнгил ойнаси» деб бекор айтмаганлар.

Актёрнинг қараётган ва кўраётган кўзи, томошабин диққатини ўзига жалб қилади ва шунинг билан бир вақтда, унинг диққатини керакли – томошабин қараши лозим бўлган объектга йўналтиради. Актёрнинг маъносиз кўзи эса томошабин диққатини, аксинча, саҳнадан бўлак жойларга қаратади.

Бу тушунтиришдан кейин Аркадий Николаевич шундай деди:

– Мен сизларга ҳар бир кўзи очиқ жониворга, бинобарин, ҳар бир саҳна образига ва бажарувчининг ўзига зарур бўлган яқин, ўрта, узоқ объект – нуқталарни ифодаловчи лампочкаларни кўрсатиб бердим.

Шу вақтгача кўрсатилган лампочкалар саҳнада артистнинг ўзи кўриши лозим бўлган объектларни ифода этарди. Театрда шундай бўлмоғи керак, аммо бу камдан-кам бўлади.

Энди мен сизга саҳнада ҳеч қачон бўлмаслиги керак бўлса ҳам, бироқ кўпчилик актёрларда деярли ҳамиша учраб турадиган аҳволни кўрсатаман. Ҳозир сизга саҳнадаги вақтларида

актёрларнинг диққатини доимо банд этувчи объектларни кўрса-таман.

Шу гапдан сўнг бирданига шуълалар ялтираб кетди. Шуълалар бутун саҳна, томоша зали бўйлаб липиллаб актёрнинг тарқоқ диққатини ифодалай бошлади.

Кейин шуълалар йўқолиб, улар ўрнига партердаги креслоларнинг бирида кучли, юз шамли чироқ ёнди.

– Бу нима, – деб сўради, – аллаким.

– Бу талабчан танқидчи, – жавоб берди Торцов, – актёр ўйнаётган пайти бунга яхшилаб диққат қилмоғи лозим.

Шуълалар яна ўйнаб, яна йўқ, бўлди ва ниҳоят, бир каттакон чироқ ёнди.

– Бу режиссёр.

Бу чироқ ўчиб улгургани ҳам йўқ эдики, саҳнада жуда кичкина, кўзга кўринар-кўринмас хира бир лампочка милтиллай бошлади.

– Бу шўринг қурғур партнёрингиз. Унга кам диққат қилинади. – киноя билан қайд қилди Торцов.

Хира чироқ тез орада ўчиб, саҳна олдида турган прожектор ёниб, кўзимизни қамаштира бошлади.

– Бу суфлёр.

Шундан кейин яна ҳамма ёқда шуълалар ўйнаб, ёниб ўчаверди. Шу вақтда мен «Отелло» кўрик спектаклидаги ўз ҳолатимни эсладим.

– Саҳнанинг ўзида қараш ва кўриш актёр учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигига тушундингизми, – деди Аркадий Николаевич дарснинг охирида, – мана шу қийин санъатга ўрганиш вазифаси олдингизда турибди!

...19 ..й.

Аркадий Николаевичнинг ўрнига дарсга Иван Платоновичнинг ёлғиз ўзи кириб келиши ҳамманинг ҳафсаласини пир қилди. У Торцовнинг топшириғига биноан биз билан дарс ўтишини айтди.

Шундай қилиб, бугун Раҳмановнинг биринчи дарси бўлди.

У қандай муаллим экан?

Турган гап, Иван Платонович Аркадий Николаевичга қараганда бутунлай бошқа одам. Унинг қандай одамлигини шу бугун билдик. Унинг бунақалигини ҳеч биримиз кутмаган эдик.



Ҳаётда, ҳурматли Торцов қаршисида, Раҳманов сипо, камтар, камсухан, бироқ у йўқлигида – серғайрат, дадил, қаттиққўл эди.

– Бутун диққатингизни тўпланг! Бўшашманг! – дадил буйруқ қилди у. – Машқимизнинг мазмуни қуйидагидан иборат: мен ҳар бирингизга қараш объекти белгилайман. Сиз унинг шаклини, чизиқларини, рангини, деталларини, хусусиятини кўриб оласиз. Ҳаммасини бирдан ўттизгача санагунимча кўриб олишингиз лозим! – Ўттиз дейманда, шундан кейин, объектингизни кўрмаслигингиз учун чироқни ўчираман ва унинг тўғрисида гапириб беришингизни талаб қиламан. Хотиранингизда қолганларини қоронғиликда гапириб берасиз. Сиз айтганларни объектининг ўзи билан солиштириб чиқаман. Бунинг учун яна чироқни ёндираман. Диққат қилинг! Бошляпман: Малолеткова – кўзгу.

– Барака топкурлар! – деди у шоша-пиша кўзгуни кўрсатиб, – шуми?

– Ортиқча савол берманг! Хонада бор-йўғи битта кўзгу бор. Бошқа йўқ! Артист фаросатли бўлиши лозим.

Пушчин – сурат. Говорков – қандил. Вельяминова – альбом.

– Духоба альбомми? – қайтариб сўради у ёқимли товуш билан.

– Кўрсатдим-ку! Икки марта қайтармайман. Артист дарров илиб олиши керак. Названов – гилам.

– Гиламдан кўпи борми? Қайси бири?

– Англашилмовчиликлар бўлса ўзингиз ҳалқилаверинг. Хато қилишингиз мумкин, аммо иккиланманг, қайтариб сўраманг! Артист серфаҳм бўлмоғи керак. Топқир, деяпман!

Вьонцов – ваза. Умногих – дераза. Димкова – ёстиқ. Веселовский – рояль! Бир, икки, уч, тўрт, беш... Иван Платонович шошилмай ўттизгача санади ва команда берди:

– Қоронғилик!

Қоронғилик бўлгач, у мени чақириб, кўрганларимни айтиб беришимни буурди.

– Сиз менга гиламни бергандингиз, – мен унга батафсил тушунтира бошладим. – Мен гиламлардан қайси бирини танлашни билмай қолдим ва вақтни ўтказиб юбордим.

– Қисқа қилинг ва мақсадга кўчинг. – Команда берди Иван Платонович. – Мақсадга кўчинг!

– Эрон гилами. Умумий рангги қизғиш жигарранг. Четлари ҳошия билан ўралган. Раҳманов қичқирмагунча тасвирлай бердим мен.

– Чироқ! Нотўғри эслаб қолгансиз, дўстим! Дўндиролмадингиз, синовдан ўтолмадингиз. Қоронғилик! Пушчин.

– Суратнинг сюжетини англай олмай қолдим. Кўзим ўтмаганидан ва суратнинг узоқлигидан кўролмадим. Фақат қизил фонда сариқ рангни кўролдим, холос.

– Чироқ! – Команда берди Иван Платонович. – Суратда қизил ҳам, сариқ ҳам ранг йўқ.

– Чиндан ҳам расво бўлдим, дўндиролмадим, – ғудурлади Пушчин.

– Говорков! – чақирди Раҳманов.

– Биласизми, олтин қандил, бозордан олинган. Шишачалари ҳам бор.

– Чироқ! – буйруқ қилди Иван Платонович. – Музейдан олинган асл қандил. Александровский амбир стилида ишланган. Йиқилдингиз!

– Қоронғилик! Названов, гиламни қайтадан тасвирлаб беринг.

– Мен яна айтиш кераклигини билмабман, кечирасиз. Мен ўйламай ўтирувдим, – деб кечирим сўрадим, ғафлатда қолганим учун.

– Кейинги сафар ўйлаб ўтиринг. Хатонгизни тузатинг ва бир секунд ҳам ишсиз, қўл қовуштириб ўтирманг. Шуни билинларки: мен кўргангингни тўла тасвирлаб бермаганингизча икки марталаб, тўрт марталаб сўрай бераман. Пушчин!

– Икки мартасида ҳам қойил қилолмадим.

Ниҳоят, Раҳманов муддаосига эришди: айтилган буюмларнинг энг кичкина деталларига ҳам ўргандик ва тасвирлаб бердик.

Бунинг учун мен беш марта қайтаришимга тўғри келди. Бу асабий иш тўла темпда ярим соатча давом этгани сабабли, кўзлар қаттиқ толиқди ва диққатга зўр берилди. Бундай зўриқиб ишлашда дарсни кўнга чўзиб бўлмайди. Раҳманов бунга яхши билгани учун ҳам дарсни ярим соатдан икки қисмга бўлди.

Биз вақтинча машқларни тўхтатиб, рақс дарсига кирдик. Ундан сўнг яна Раҳмановнинг дарси бўлди, бу дарсда ҳам биринчи ярим соатда қилган машқларимизни қайтардик, фақат ҳисоб йигирмагача қисқарди.

Иван Платонович машқларни уч-беш секундгача қисқартиришга ваъда қилди.

– Диққатни мана шундай қайраймиз! – деди у.

Иван Платоновичнинг биринчи дарсини кундалик дафтаримга ёзар эканман, кўнглимда шубҳа туғилди: унинг дарсида ўтаётганларимизни муфассал стенография қилишимнинг кераги борми? Ёки бу машқларни бўлак дафтарга ёзиб борсам яхши бўлармикан? Майли, бу ёзувлар амалий машқлар кўрсатмасини, ўзига хос масалалар тўпламини яратиш ёки «тренинг ва муштра» бўйича йўлланма бўлсин, ўз дарсларини Иван Платонович шундай деб атайди. Бундай ёзувлар кундалик машқларда менга керак бўлади, балки бир вақтлар келиб, режиссёрлик ва муаллимлик қилганимда керак бўлиб қолар...

Шундай қиламан.

Бундан буён иккита дафтарим бўлади. Уларнинг бирида (ушбу дафтарда), кундаликни давом эттираман, Торцов бераётган дарсни – санъат назариясини ёзиб бораман, бошқасига Раҳманов ўтадиган амалий машқларни ёзиб бораман.

Бу «система»нинг «Тренинг ва муштра» боби бўйича масалалар тўплами бўлади.

...19 ...й.

Торцов саҳнада диққат объектларининг нурли тасвирини давом эттирди.

– Шу пайтгача нуқта тарзидаги объектлар билан танишдик. Ҳозир мен сизга диққат доираси деб аталган нарсани кўрсатаман. У битта нуқтани эмас, балки кичик ўлчовли бутун бир участкадан иборат ва ўз ичига кўпгина мустақил объектларни олади. Кўз бир объектдан иккинчи объектга сакрайди, аммо диққат доираси чизиб берган чегарадан нарига ўтмайди.

Торцов сўзидан кейин қоронғи бўлиб қолди, бир секунд ўтгач, менинг олдимдаги стол устида катта чироқ ёнди. Абажур пастга – менинг бошимга ва қўлларимга доира шаклида нур сочар, стол ўртасини ва унда ётган майда-чуйда буюмларни ёритарди. Саҳна ва томоша залининг қолган ҳамма ёғи зимистондек эди.

Чироқнинг нур доирасида ўзимни яхши ҳис этардим, чунки атроф қоронғилик бўлгани учун чироқ менинг бутун диққатимни тортаётгандай бўларди.

– Стол устидаги мана шу нур, – деди Торцов бизга, – диққатнинг кичик доирасини тасвирлайди. Ўзингиз ёки тўғрироғи нур доирасига тушган бошингиз ва қўлларингиз унинг марказидадир. Бундай доира объект қисмининг майда деталларигача аниқ кўрсатиб берувчи фотография аппаратининг кичик диафрагмасига ўхшайди.

Торцов ҳақ эди: чиндан ҳам барча майда-чуйда буюмлар стол устида нурнинг кичик доирасида ётгани учун, ўзларига кишининг диққатини беихтиёр тортарди.

Тамомила қоронғилик ўртасидаги нур доирасида қолсанг, шу заҳотиёқ ўзингни ҳаммадан ажралган ҳис этасан. Унда, нурли доирада ўз уйингда ўтиргандайсан, ҳеч кимдан қўрқмайсан, ҳеч нарсадан уялмайсан. У ерда сенинг ҳаётингни қоронғиликдан қанча-қанча кўзлар кузатиб турганини унутиб қўясан. Кичик нурли доирада ўзимни уйда ўтиргандан зиёдроқ сезардим. Ҳар нимага қизиқувчи хўжайин нима қияпти экан, деб эшик тирқишидан мўралайди, кичик доирада эса қоронғилик деворлари уни ўраб олганлиги туфайли ҳеч нима кўринмайди. Бундай нур доирасида, диққатни бир ерга тўплаганда бўлгани каби барча буюмларни энг майда икир-чикиригача батафсил кўрибгина қолмай, самимий туйғулар билан яшаш, ўй ўйлаш ва мураккаб хатти-ҳаракатларни бажариш мумкин; қийин масалаларни ҳал қилиш, ўз туйғу ва ўйларининг нозик ерларини текшириб кўриш; ўзга шахс билан муносабатда бўлиш мумкин, уни сезиш, унга юрак сирларини айтиш, хотирангда ўтмишни гавдалантириш, келажак ҳақида хаёл суриш мумкин.

Торцов аҳволимни тушунди шекилли нақ рампанинг олдига келиб сўради:

– Дарҳол эслаб қолинг: ҳозирги ҳолатингиз актёрлик тилида «томошабин олдида ёлғиз қолиш» дейилади. Биз сиз билан биргамиз, шунинг учун томошабин олдида дейилади. Сиз биздан ажралиб, диққатнинг кичик доираси ичида танҳо қолгансиз, шунинг учун ёлғиз қолиш дейилади. Спектаклда, минг кишилиқ оломоннинг кўз ўнгида, чиғаноқ қурт ўз чиғаноғига бекиниб олгандай, сиз ҳам ёлғизликка яшириниб олишингиз мумкин.

Энди мен сизга диққатнинг ўрта доирасини кўрсатаман.

Зал қоронғи бўлди. Кейин саҳнанинг бир қанча мебеллар турган каттагина қисми ёритилди: унда стол, стуллар ва роялнинг

бир чеккаси. камин ва унинг олдида катта кресло бор эди. Мен шу доиранинг марказига тушиб қолдим.

Бирданига ҳамма ёқни кўздан кечиришнинг имкони йўқ эди. Уни қисмларга ажратиб кўришга тўғри келди. Доира ичидаги ҳар бир буюм алоҳида, мустақил объект – нуқта эди. Шуниси ёмон бўлдики, нурли сатҳ кенгайиши туфайли, ним ёруғ, ним қоронғи ерлар пайдо бўлади. Бу ним қоронғилик доиранинг ташқарисида бўлгани учун, унинг деворлари хиралашиб борарди. Ундан ташқари, ёлғизлигим ҳам мавҳумлашди. Агар кичик доирани бўйдоқ йигитнинг хонасига таққослаш мумкин бўлса, ўрта доира оилали кишининг уйига ўхшар эди. Ўн хоналик, совуқ, бўш, данғиллама ҳовлида бир кишига – сўққа бош одамга яшаш қанчалик ноқулай бўлгани каби, мен ҳам ўзимни худди шундай ҳис қилдим ва жозибали кичик доирамни қайтариб олгим келди.

Лекин бир ўзим бўлган пайтимдагина шундай сездим ва мулоҳаза юритдим. Менинг ёнимга, ёритилган доирага Шустов, Пушчин, Малолеткова, Вьюнцов ва бошқалар кирган эдилар. Доирага зўрға сиғдик. Стулларда, креслоларда ва диванда ўтирган гуруҳлар ҳосил бўлди.

Катта саҳна хатти-ҳаракат учун кенг имкон беради. Кенг жойда шахсий юрак дардларига нисбатан, умумий масалалар ҳақида гапириш қулайроқ. Шунга кўра ўрта доирадаги жонли, шўх, қизғин халқ саҳнаси чиройли чиқди. Уни буюрганда ҳам амалга ошириб бўлмайди. Бугун Торцов кўрсатган нурли ўрта доира, кичик доира сингари, диққат доираси кенгаётган лаҳзада мени артистнинг кайфияти, ҳолатини сезишга мажбур қилди.

Айтмоқчи, бу ёғини эшитинг: бугунги дарснинг бутун давомида саҳнадаги ашаддий душманам – порталнинг қора туйнуги, бирор марта ҳам эсимга келмади. Бу ҳайрон қоларли ҳол!

– Мана сизга катта доира! – деди Торцов, бутун меҳмонхона ёп-ёруғ бўлиб кетгандан кейин. Бўлак хоналар ҳозирча қоронғилигича қолди. Лекин диққат катта кенгликда дайдиб, адашиб қолди.

– Мана сизга энг катта доира! – хитоб қилди Аркадий Николаевич, қолган ҳамма хоналар бирданига ёришиб кетганидан кейин.

Мен катта бўшлиққа сингиб кетгандай бўлдим.

– Энг катта доира ўлчови қаровчи кўзининг ўткирлигига боғлиқ. Бу ерда, хонада, диққат қилиш сатҳини имкони борича

кенгайтирдим. Борди-ю ҳозир биз театрда бўлмай, қирда ёки денгизда бўлсак, диққат доирасининг чегараси олисдаги уфқ чизиғи билан аниқланарди. Саҳнада бу олисдаги чизиқни расом задникда тасвирлайди.

– Энди, – бир оз сукутдан кейин эълон қилди Аркадий Николаевич, – мен ҳалиги машқларни қайтараман, аммо қоронғида эмас, ёруғда.

Менга ҳозир рампа ва софитларнинг чироғи тўла ёниб турганда аввал диққатнинг кичик доирасини ва унда томошабин олдида ёлғиз қолишни, кейин ўрта ва катта доирани яратинг.

Торцов ёп-ёруғ пайти диққат тарқаб кетмасин учун, ўқувчиларга ёрдам тариқасида техник усулни кўрсатди.

Бунинг учун белгиланган саҳнни ёки диққат доирасини хонада турган буюмлар билан чегаралаб қўймоқ даркор. Мана, масалан, устига турли нарсалар қўйилган юмалоқ стол. Унинг ёритилган сатҳи диққатнинг кичик доираси ҳисобланади. Мана бу катта ёруғлик катта гилам, устида турган мебелни билан, ёруғликдаги ўрта доирадир.

Анови каттароқ гилам ёруғдаги катта доирани белгилайди.

Полнинг очиқ қолган еридаги паркет квадратчаларидан Торцов ўзига кераклигини санаб олди. Тўғри, белгиланган доиранинг чизиғини ёдлаб қолиш ва диққатни унинг чегарасида ушлаб туриш қийинроқ, лекин шунга қарамай квадратчалар ҳам ёрдам беради.

– Бутун квартира эса ёруғдаги диққатнинг энг катта доирасидир.

Майдон кенгая борган сари, бошимга бало бўлган порталнинг қора туйнуги яна саҳнадан кўриниб, бутун диққатимни тортиб олди. Шунга кўра илгари менда ишонч туғдирган бари машқларимиз ўз қимматини йўқотди. Мен тагин ўзимни ожиз ҳис қилдим.

Аҳволимни кўрган Аркадий Николаевич:

– Диққатни бошқаришга ёрдам берадиган яна бошқа техник усул ҳақида ҳозир гапириб бераман. У шундан иборат: ёруғликдаги доира кенгайтирилган пайтда – диққат марказингиз кенгаяди. Бироқ бу ҳол хаёлингизда чизиб олган доира чегараси бузилгунча давом этиши мумкин. Белгиланган чегаралар хиралашиб йўқола бошлаши билан доирани дарҳол кўз етган жойга қадар торайтириш лозим.

Аммо фалокат кўпинча худди шу лаҳзада юз беради: диққатингиз ҳукмингиздан чиқиб, кенгликда йўқолиб кетади. Уни қайтадан тўплашга ва йўналтиришга тўғри келади. Бунинг учун дарров объект – нуқтага мурожаат қилинг, жилла бўлмаса, масалан, мана стол устида турган, ҳозиргина қайтадан ёнган лампочкага қаранг. Ҳозир қоронғида ёруғ бўлиб кўрингандек ёруғ эмас, лекин шунга қарамай диққатимизни ўзига жалб қилиш учун ярай беради.

Бир лаҳзага диққатни мустаҳкамлаб олганингиздан кейин, аввал чироқ ёруғида кичик доира яратинг. Кейин ёруғда ўрта доирани ва унинг ичида бир неча кичик доираларни белгилаб олинг.

Биз айтилганларнинг ҳаммасини қилиб кўрсатдик. Диққат майдони кенгая бориб ўз маррасига етганда, мен ҳам саҳна бўшлиғига сингиб кетдим.

Тўла ёруғликда стол устида турган қутичадаги лампочка ҳам ёнди.

– Тезроқ мана бу объект – нуқтага қаранглар! – қичқирди Торцов.

Мен ёруғ залда ёниб турувчи чироққа тикилиб олдим, атроф қоронғи бўлгани ва катта доирадан ўрта доира ҳосил бўлганини пайқамай қолдим. Кейин ўрта доира кичик доирагача торайди. Яна ҳам яхши бўлди! Уни мен яхши кўраман ва ундан бемалол фойдалана оламан.

Шундан сўнг Аркадий Николаевич қоронғида бизга таниш бўлган каттадан кичик доирага ва аксинча кичикдан катта доирага ўтишни машқ қилди. Бундай биринчи доирадан иккинчи доирага ўтишлар ўн марта қайтарилгач, ўрганиб олдик.

Аммо, ўнинчи қайтариқдан кейин, диққат энг катта доиралигида саҳна жуда ёришиб кетган пайтда Торцов қичқириб қолди.

– Ёруғликда ўрта доирани ахтаринг ва нигоҳингиз унинг ичида бемалол сайр қилсин!

Тўхтанглар! Диққатни бўшаштириб юбординглар! Тезроқ қутқарувчи чироққа қаранг! У шунинг учун ҳам ёруғликда ёниб турибди. Ҳа, шундай, баракалла!

Энди ёруғда кичик доирани ҳосил қилинг. Марказида чироқ ёниб турганида уни ҳосил қилиш қийин эмас.

Кейин ёруғда охиридан бошлаб, катта доирага қайтиб келдик, хавфли дақиқаларда ёниб турган чироқ объект – нуқтага

қараб-қараб турдик. Бу ёруғликдаги доира ўзгартишлар ҳам кўп марта қайтарилди.

– Агар катта доирада адашиб қолсангиз. – дерди Торцов. – дарҳол объект – нуқтага қаранг. Унда диққатни тўплаб олгач, кичик доирани, кейин ўрта доирани ҳосил қилинг.

Торцов диққатни бузмаган ҳолда кичик доирадан каттасига ва катта доирадан кичигига ўтишда беихтиёр механик малака ҳосил қилдирмоқчи эди.

Мен ҳали бу ишга одатланолмаган бўлсам-да, кенгайиб бо-раётган доирада – томошабин олдида ёлғиз қолишга ўрганиш усули саҳнада табиий заруриятга айланиб кетмоғи лозимлигини тушунар эдим.

Мен бунди Торцовга айтганимда, у шундай деди:

– Сиз бу усул қадрига концерт эстрадасининг катта саҳнаси-да ёлғиз қолганингизда ета оласиз. У ерда артист ўзини худди саҳрода қолган сингари ожиз ҳис этади. Бундан қутулмоқ учун диққатнинг ўрта ва кичик доираларидан мукамал фойдалана билиш зарурлигини шунда тушунасиз.

Саросимага тушиб, гангиб қолган қўрқинчли дақиқаларда эсингизда бўлсин, катта доира қанчалик кенг ва бўш бўлса, унинг ичидаги диққатнинг ўрта ва кичик доираси шунчалик бир-бири-га яқин ва зич бўлмоғи керак. бинобарин, томошабин олдида ёлғиз қолиш мукамалроқ бўлиши лозим.

Бир оздан сўнг Торцов биздан ташқарида бўлган кичик, ўрта ва катта доираларни нур ёрдами билан кўрсата бошлади.

Шу пайтга қадар, биз турли диққат доиралари марказида эдик, энди эса қоронғиликка, яъни нур шуъласидан ташқарига чиқиб олдик.

Ҳамма чироқлар ўчди, сўнгра бирданига, қўшни овқатхона-даги осиглик чироқ ёнди. Нурнинг юмалоқ шуъласи овқат столи-даги оқ дастурхонга тушиб турар эди.

– Мана сизга диққатнинг биздан ташқаридаги кичик доираси.

Шу кичик доира биздан ташқарида бўлган ўрта доира миқдо-ригача кенгайди. У бутун қўшни хонани ёритди-да, кейин, биз турган қоронғи хонадан бўлак ҳамма хоналарни эгаллаб олди.

– Мана бу биздан ташқарида ётган катта доира.

Меҳмонхонанинг қоронғилигидан атрофимиздаги кўзимиз иллаган энг узоқ нуқталарда ҳам нималар бўлаётганини кузатиб



туриш қулай эди. Мен кузатишим учун биздан ташқарида ётган алоҳида объект – нуқталарни, кичик, ўрта ва катта доираларни танлаб олишим мумкин эди.

Биздан ташқаридаги турли миқдордаги доиралар билан бўлган бу машқлар тўла ёруғликда ўтказилди. Бу сафар меҳмонхона ва бошқа хоналар ҳам ёритилган эди. Биздан ташқарида ётган диққат доираларини, хаёлимизда илгари шу доира марказида бўлгандек, белгилашимиз, торайтиришимиз ва кенгайтиришимиз керак эди.

...19 ..й.

Бугун дарс бошланиши билан завқим келганидан гапириб юбордим:

– Саҳнадаги кичик доирадан сира ажралмасликнинг иложи бўлса эди!

– Ажралманг! Ихтиёр ўзингизда, – жавоб қилди Торцов.

– Ахир мен ссябон тутиб юрадиган одамдек, ўзим билан доим абажурлик чироқни кўтариб юролмайман-ку.

– Бундай қилишни, албатта, маслаҳат бермайман. Лекин сиз фақат саҳнадагина эмас, ҳатто турмушда ҳам ўзингиз билан диққатнинг кичик доирасини олиб юришингиз мумкин.

– Қандай қилиб?

– Мана ҳозир кўрасиз. Қани саҳнага чиқинг-да, у ерда ўз уйингиздаги каби турунг, юринг, ўтирунг.

Мен саҳнага чиқдим. Атроф қоронғи бўлди ва аллақердан-дир юмалоқ шуъла пайдо бўлди ва мен билан юра бошлади.

Хонани айлансам нур гардиши ҳам мен билан айланаверди.

Шу пайт ақлга сиғмайдиган ҳодиса рўй берди: мен рояль олдига ўтириб «Демон» операсидан биладиган биттагина куйимни чалдим.

Бу ғайри расмий фактга тегишли баҳо бериш учун уни изоҳлаш зарур. Гап шундаки, мен мутлақо мусиқачи эмасман ва уйда бутунлай ёлғиз қолган пайтларимдагина оҳиста чалиб ўтираман. Борди-ю, менинг тинг-тинг қилаётганимни биров эшитиб, кириб қолгундай бўлса борми, шўрим қуриydi деяверинг: дарров рояль қопқоғини ёпиб оламан, қизариб кетаман, ўзимни худди папирос чекаётганда қўлга тушган гимназистдек ҳис қиламан. Аммо бугун мен тортинмай, тутилмай уста пионистдек кўпчилик олдида рояль чалдим ва лаззатландим. Бу ақлга сиғмайди! Бу мўъжиза!

Бунинг сири нимада экан?! Эҳтимол, диққат доираси, ҳаётга нисбатан саҳнада бизни дурустроқ ҳикоя қилар ва артист уни саҳнада, турмушдагига нисбатан кучлироқ ҳис этар? Ёки диққат доирасининг менга номаълум бўлган бошқа хусусиятлари бормикан?

Мактабда ўтган шу қисқа вақт ичида, ижоднинг бизга ўргатилган сирларидан диққатнинг кўчиб юрувчи кичик доираси, менинг назаримда, энг муҳим ва амалий жиҳатдан жуда қимматли бўлиб кўринади. Диққатнинг кўчиб юрувчи доираси ва томошабин олдида ёлғиз қолишлик бугундан бошлаб саҳнадаги ёмон қилиқлардан сақловчи ҳимоячимга айланди.

Уларнинг моҳиятини яхшироқ тушунтириш ниятида, Торцов бизга ҳинд эртагини сўзлаб берди. Унинг мазмуни шундай: Махарожа (Буок Рожа) ўзига министр танлаб олмоқчи бўлибди. Кимки шаҳар атрофидаги девор устидан хумчадаги сутнинг бир томчисини ҳам тўкмасдан айланиб чиқса, ўшани ўзига министр қилиб олмоқчи бўлибди. Кўплари юриб ўтаётганида, пастдан бақириб-чақиривар, қўрқитивар, диққатини ўзларига тортивар ва улар сутни тўкиб юборивар экан. Буни кўрган Махарожа: «Булар министр бўлолмади» дер экан.

Мана, охири бир киши хумчани кўтариб йўлга тушибди. На бақиривар-чақириварлар, на қўрқитиварлар, на айёрликлар унинг диққатини сут тўла хумчадан четга тортолмабди.

– Ўқ узинглар, – деб қичқиривди шунда ҳукмдор.

Ўқ узишибди, аммо бу ҳам фойда бермабди.

– Мана бу министр бўла олади, – деган экан шунда ҳукмдор.

– Сен ҳаёқириварларни эшитдингми? – деб сўрабди у.

– Йўқ!

– Сени қўрқитганларини кўрдингми?

– Йўқ, Менинг икки кўзим сутда эди.

– Сен ўқ товушини эшитдингми?

– Йўқ, ҳукмдор. Менинг икки кўзим сутда эди.

Мана буни диққат доираси деса бўлади!

Мана буни чинакам диққат деса бўлади, унинг устига қоронғиликда эмас, ёруғдалигини айтмайсизми! – деб Торцов яқун ясади ҳикоясига. Сиз ҳам ўз тажрибангизни рампанинг тўла ёруғлигида қилиб кўринг-чи.

Афсуски, Махарожанинг министри лавозимига тўғри келмас эканмиз! Ёруғда, кўчиб юрувчи доира ичида холи қолишга ва

томошабин олдида ўзимни ёлғиз сезишга муваффақ бўлолмадим.

Шунда Иван Платонович ўзининг янги ўйлаб топган ўйини билан ёрдам берди. У бизга қамиш гардиш улашиб чиқди. бундай гардишдан циркдаги чавандоз қизлар сакраб ўтадилар. Гардишларнинг баъзилари катта, баъзилари кичикроқ эди. Бу гардишдан бошингизни ўтказиб қўлларингиз билан уни шундай ушлаб турингки, ўзингиз унинг марказида бўлиб қолинг, шунда доира ичида бўласиз. шунинг билан бирга, гардишнинг **сезиларли чизиқлари** равшан белгиланган доира чизигидан чиқиб кетмасликка ёрдам беради. Бундай гардиш билан хонада юрар экансан, хаёлда сақлаш керак бўлган диққатнинг кўчиб юрувчи доирасини кўрасан ва сезасан.

Баъзи бировларга, масалан, Пушкинга, Рахмановнинг топган ўйини ёрдам қилди. Бақалоқ шундай деди:

– Мен ўзимни бочкага тушган... Диогендек ҳис қилаяпман. Гарчи унга қорним сиғмаса ҳам, ёлғиз қолиш учун ва санъат учун бардош беришга мажбурман.

Менга келсак, кўчиб юрувчи доира талаб қилган оғир вазифани бажариш чорасини ўзимча топиб қўйдим.

Кашфиётим бугун кўчада топилди.

Қизиқ ҳол: хаёлда ўз теварагингда диққат доирасининг фараз қилинган чизигини чизиб олиб, у билан кўчадаги сон-саноқсиз йўловчилар, трамвай ва автомобиллар орасида юриш саҳнадагига нисбатан осонроқ эди.

Мен буни Арбат кўчасининг энг гавжум жойида осонгина қилиб кўрдим ва ўзимга ўзим шундай дедим: «Мана бу – тирсагим, қўлтигимдан чиқиб турган портфелнинг чеккаси, олға қадам ташлаётган оёқларим учигача ўзим белгилаган доира чизиги. Диққат мана шу чизикдан ташқари чиқмаслиги лозим». Шуниси ҳайрон қоларлики, белгиланган чегарада диққатимни бўлмай туrolдим. Бироқ гавжум жойдаги бу тариқа машғулот ноқулай эди: хунук оқибатларга олиб бориши муқаррар эди: кимнингдир оёғини босиб олдим, қандолатпурушнинг қутисини ағдариб юборишимга оз қолди, бир танишимга салом бермай ўтдим. Бу ҳол чегарани гавдамдан анча узоққача – ўрта доирагача кенгайтиришга мажбур қилди.

У хавфсизроқ бўлса ҳам, лекин диққат учун қийинроқ эди, чунки унинг кенг доираси ичидан худди оёқ ости ҳовлидан ўтган-

дай дақиқа сайин одамлар у ёқдан бу ёққа ғиз-ғиз ўтар эди. Доира бўлмаганда бу катта майдонда уларга қарамас эдим, аммо кузатиш учун олинган бу тор чегарада, нотаниш, жозибасиз одамлар, аксига кўзга яққол ташланар, диққатимни ўзларига тортар эди. Ахир лупа ёки микроскопнинг кичкина доирасида ҳамма майда нарсалар кўзга ташланади-да. Менинг кўчиб юрувчи доирада ҳам худди шундай бўлди. Зийраклашган диққатим кўзга кўринган ҳамма нарсаларни қамраб оларди.

Мен диққат доирасини кенгайтириш ва торайтиришни машқ қилиб кўрдим, лекин бу тажрибани тўхтатишга тўғри келди, чунки подвалга тушадиган зинапоядан ағдарилиб тушишимга оз қолди.

Арбат майдонига келиб, кўз илғашни мумкин бўлган энг катта доирани олдим, шу ондаёқ, ундаги бутун чизиқлар қоришиб ва қўшилиб кетди. Шу вақт мен автомобилларнинг қаттиқ сигнални, шофёрларнинг сўкишини эшитдим, босиб кетишга оз қолган автомобиль тумшуғини ҳам кўрдим.

Торцовнинг «Катта доирада адашиб қолсанг, дарҳол кичик доирага кириб ол». – деган сўзи эсимга тушди. Мен худди шундай қилдим.

«Қизиқ, – мулоҳаза қилардим ўзимча, – нега саҳнага нисбатан каттакон Арбат майдонида ва гавжум кўчада ёлғизликка эришиш осонроқ экан. Кўчада ҳеч кимнинг мен билан иши йўқлиги, саҳнада эса ҳамманинг кўзи актёрда бўлгани учун эмасмикан. Бу театрнинг ўзига хос хусусиятидир. Театрда одамларнинг саҳнага қараши, актёрнинг эса ўзини томошабин олдида ёлғиз ҳис этиши муқаррардир.

Ўша кунни кечқурун содир бўлган ҳодиса менга яна ҳам муҳим, ибратли сабоқ бўлди. Мана, шундай ҳодиса юз берган эди. Мен профессор Х. лекциясининг бошланишига кечикиб, шошапиша одамлар лиқ тўла залга кирдим. Худди шу пайтда лектор паст овоз билан ўз тезисларини ва лекциясининг асосий жиҳатларини гапираётган экан.

–Тсс... Секин! Эшитгани қўясизми, йўқми, – шивирлашди чор атрофдан менга.

Ҳамманинг менга қараётганини сезиб, ўзимни йўқотиб қўйдим; бир зумда «Отелло» кўрик спектаклида бўлганидек диққат-этиборим йўқолди. Аммо шу заҳотиёқ, диққат доирасини кўчма кичик доира чегарасига торайтирган эдим, унинг ичидаги

ҳамма объект – нуқталар шу қадар аниқлашдики, натижада ўз кресломнинг номерини шошилмай қидирсам бўладигандай бўлди... Бу ҳол мени шу қадар хотиржам қилдики, шошилмай, ҳамманинг олдида диққат доирасини каттадан-кичикка ва аксинча кичикдан-каттага торайтиришни машқ қила бошладим.

Натижада менинг хотиржамлигим, шошилмаслигим, ўзимга бўлган ишончим ҳаммага маъқул тушди ва улар бақаришдан тўхташди. Ҳатто лектор ҳам тўхтаб, нафасини ростлаб олди. Ҳамманинг диққатини жалб этиб туриш ва уларни ўз ҳукимимда сезиш менга жуда маъқул туюлди.

Бугун мен назаримда эмас, тажрибада кўчиб юрувчи диққат доирасининг фойдасини билдим, яъни ўзим сездим.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич:

– Биз шу вақтгача ташқари объектга қаратилган диққатни ўргандик, шуни ҳам айтиш керакки, у объектлар ўлик, «агарда» билан, берилган шарт-шароитнинг тасаввур тўқимаси билан жонланган, эмас. Бизга диққат-диққат учун, объект-объект учун керак эди. Энди реал, ташқи объект ва диққат тўғрисида эмас, ички, тасаввур этилган ҳаётдаги объект ва диққат ҳақида гаплашамиз, – дер эди.

Бу қандай объектлар? Баъзилар шундай ўйлайдилар. Агарда кўнглингга назар ташласанг, унинг ҳамма таркибий қисмларини – ақлни ҳам, туйғуни ҳам, диққатнинг ўзини ҳам, тасаввурни ҳам кўрасан. Қани, Вьонцов, кўнглингизга назар ташлаб, ундан диққат ва тасаввурни топинг-чи.

– Уларни кўнглимнинг қаеридан қидирай?

– Нега Иван Платонович кўринмайди? У қаерда? – қўққисдан сўраб қолди Аркадий Николаевич.

Ҳамма ён атрофга қараб бир нарса ҳақида ўйлаб қолди.

– Диққатингиз қаерларда тентираб юрибди? – Вьонцовдан сўради Торцов.

– Театрда Иван Платоновични қидириб юрибди... унинг уйига ҳам кириб чиқди...

– Тасаввур қаерда? – сўради Торцов.

– Ўша ерда, диққат билан бирга ахтаряпти, – деди Вьонцов жуда хурсанд бир ҳолда.

– Энди балиқ икрасининг мазасини эсланг.

- Эсладим, – жавоб қилдим мен.
- Диққатингиз объекти ҳозир қаерда?
- Аввал кўзимга кўринган нарса – таомлар тўла стол устидаги катта тарелка бўлди.
- Демак, объект фикран сиздан ташқарида экан-да.
- Сезгим ўша заҳотиёқ, оғзимда, тилимда овқат мазаларини пайдо қилди. – деб эсладим мен.
- Яъни ичингизда, – қайд қилди Аркадий Николаевич, – диққатингиз ҳам ўша жойга йўналди.
- Шустов! Семга балиғи ҳидини эсланг.
- Эсладим.
- Объект қаерда?
- Бу гал ҳам аввалги овқат столи устидаги тарелкада, – деб эслади Паша.
- Яъни, сиздан ташқарида.
- Кейинчалик ичимнинг аллақаерида, оғзимда. бурнимда, қисқаси ичимда.
- Энди Шопеннинг мотам маршини эсланг. Объект қаерда? – деб синар эди Аркадий Николаевич.
- Аввалига мендан ташқарида: мотам маросимида. Аммо оркестр товушини қулоғим ичида, яъни ўз ичимда эшитаяпман, – тушунтирди Паша.
- Диққатингиз ҳам ўша ёққа йўналганми?
- Шундай қилиб, биз аввал ўзимизда Иван Платоновичнинг қаердалиги ҳақида ёки овқат столи ёки мотам маросими ҳақида ички тасвирий кўринишлар яратамиз. Кейин, шу тасвирий кўринишлар орқали беш сезги организмиздан бирининг ички туйғусини кўзгатамиз ва унда диққатимизни узил-кесил мустаҳкамлаймиз. Шундай қилиб, диққатимиз тасаввур қилган ҳаётга тўғри йўл билан эмас, балки объект орқали, бошқа йўл билан ёндашамиз. Беш сезгимиз билан аҳвол шу тарзда кечади. Вельяминова! Саҳнага чиқаётганингизда нимани ҳис этасиз? – сўради Торцов.
- Билмайман, ростини айтсам, нима дейишимни ҳам билмайман, – деб гўзал қизимиз ҳаяжонлана бошлади.
- Ҳозир диққатингиз қаерга қаратилган?
- Билмайман, ростини айтсам. ...Кўрик спектаклининг бошланиши вақтидаги... Театримизнинг... кулисалар орқасидаги... артистларнинг кийимхонасига қаратилганга ўхшайди...

– Артистлар кийимхонасида нима қиялпсиз!  
– Нима десам экан... Кийим ташвишида юрибман.  
– Катерина роли сизни ташвишлантормайдими? – қайтариб сўради Аркадий Николаевич.

– Катерина учун ҳам ташвишдаман.  
– Хўш, нималарни сезялпсиз?  
– Шошилялпман, қўлим-қўлимга тегмайди... Улгуролмай хунобман... Қўнғироқ чалинди... Мана бу ерим ва мана бу еримнинг аллақасери... орқамга тортиб кетялпти... ўзимни бетоб одамдек дармонсиз сезялпман... Уҳ! Ҳатто чиндан ҳам бошим айланиб кетди.

Вельяминова стулнинг орқасига ташланди ва чиройли қўллар билан кўзларини бекитди.

– Кўрялпсизларки, бу гал ҳам яна ўша қайтарилди: сахнага чиқиш олдиан, кулисалар орқасидаги ҳаётнинг тасвирий кўриниши пайдо бўлди. Улар ички ҳисга таъсир ўтказиб, ундан жавоб олди ёки бошқача қилиб айтганда, кечинма туғдирди. У ўзини кейинги ривожда чинакам ҳушдан кетиш ҳолатига олиб бориши ҳам мумкин.

Диққатимиз объектлари реал ҳаётда қандай сочилган бўлса, тасаввур этилган ҳаётда ҳам ён-атрофга шундай сочилади. Тасаввур этилган ҳаёт фақат ҳақиқий оламни эмас, балки фантастик оламларни, воқеликда бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам ифодалайди. Эртақ ҳаётда рўёбга чиқмайди, аммо у тасаввурда яшайди. Бу соҳа, воқеликка нисбатан ўз объектлари билан яна ҳам хилма-хилдир.

Ички диққатимиз учун материалнинг битмас-туганмаслиги ҳақида эса ўзингиз ҳукм юрийтиб кўринг. Лекин қийинлиги шундаки, тасаввуримиздаги ҳаёт объектлари турғун эмас ва кўпинча тутқич бермайди. Агар сахнадаги моддий дунё яхши ўргатилган диққатни талаб қилар экан, турғун бўлмаган, тутиб бўлмайдиган тасаввур объектларига нисбатан бу талаб кўп марта ошади.

– Ички диққат объектнинг турғунлигига қандай эришмоқ мумкин? – сўрадим мен.

– Ташқи диққатни қандай ўстирган бўлсангиз, бунда ҳам худди шундай. У ҳақда билганларингиз ички объектларга ҳам, ички диққатга ҳам баб-баробар алоқадордир.

– Демак, биз ички ҳамда тасаввур қилган ҳаётимизда ўрта, узоқ объект – нуқталардан ва кичик, ўрта, катта, кўчмайдиган

ва кўчиб юрувчи диққат доираларидан фойдалансак бўлар экан-да? – Торцовдан сўрашда давом этдим мен.

– Ахир сиз уларни сезаяпсиз-ку. Демак, улар сизда мавжуд, улардан фойдаланиш керак.

Ички ва ташқи объектларни, ички ва ташқи диққатларни таққослашда давом этар экан, Аркадий Николаевич шундай деди:

– Хаёлингиз ҳар сафар саҳнада бўлаётган воқеадан порталнинг қора туйнугига қочгани эсингиздами?

– Албатта, эсимда! – дедим мен.

– Билиб қўйингки, ички диққат ҳам ўз шахсий ҳаётини эслаши туфайли лаҳза сайин артистни рол ҳаётидан бошқа томонга жалб қилади. Шунинг учун ички диққат соҳасида ҳам рол учун керак бўлган тўғри билан нотўғри диққат ўртасида, фойдали билан зарарли диққат ўртасида доимий кураш боради.

Зарарли диққат бизни тўғри йўлдан чалғитиб, рампанинг орқасига – томоша залига ёки театр ташқарисига тортади.

– Шундай қилиб, ички диққатни ривожлантирмоқ учун бир вақтлар ташқи диққат учун кўрсатилган машқларни фикран қилиб турмоқ лозим эканда? – масалани аниқлаб олмоқчи бўлдим мен.

– Ҳа, – тасдиқлади Аркадий Николаевич, – ўша вақтдаги сингари ҳозир ҳам, биринчидан, саҳнада диққатимизни керак бўлмаган фикрни ўйлашдан, керак бўлмаган нарсани кўришдан бошқа ёққа буришга ёрдам берадиган машқлар керак, иккинчидан эса ички диққатни рол учун керак нарсаларга жалб қиладиган машқлар лозим. Фақат шу шарт бажарилгандагина диққат ҳам ташқи, ҳам ички жиҳатдан кучли, ўткир, бир ерга тўпланган ва турғун бўлади. Бу катта, узоқ ва мунтазам ишни талаб қилади.

Бизнинг ишимизда, биринчи галда ички диққат муҳим, албатта, чунки артист ҳаётининг катта қисми саҳнада, ижод процессида, ижодий хаёл ва тўқима оламида, ўйлаб топилган, берилган шарт-шароитлар оламида ўтади. Буларнинг ҳаммаси артистнинг кўнглида яшайди ва фақат ички диққатгина унга эришолади.

Диққатни тарқатувчи минг кишилик оломон олдида, бутун вужудинг билан турғун бўлмаган ички объектга берилган ҳолда ижод қилиш, саҳнада туриб унга кўнгли кўзлари билан қарашга ўрганиш осон эмас. Бироқ одат ва меҳнат ҳамма ғовларни енгга олади.



– Ҳойнаҳой, бунинг учун махсус машқлар бор бўлса керак? – сўрадим мен.

– Мактабда ўргатиладиган ва саҳнада ишлаш процессида керак бўладиганлари сон-саноқсиз! У ижод сингари, ташқи ва айниқса, ички диққат каби деярли тўхтовсиз фаолиятни талаб қилади. Агар ўқувчи ёки артист бунинг тушуниб олса ва ўз ишига уйда, мактабда ва саҳнада онгли муносабатда бўлса, агар у керакли даражада интизомли бўлса ва ҳамиша сергак, тайёр бўлса, хотиржам бўлиши мумкин: унинг диққати кундалик ишда, ҳатто махсус машқларсиз ҳам такомиллашаверади.

Лекин бундай кундалик ҳалол иш катта ирода кучини, қатъийликни ва бардошни талаб қилади, аммо бунга ҳамма ҳам молик бўлавермайди. Шунинг учун диққатни саҳнадаги ишдан ташқари шахсий турмушда ҳам машқ қилиш мумкин. Тасаввурни ривожлантиришда қандай машқлар қилган бўлсангиз, бунда ҳам худди шундай машқларни қилинг. Улар диққат учун ҳам зарур.

Чироқни ўчириб уйкуга ётар экансиз, ўзингизни кун бўйи бошдан кечирганларингизни хаёлингиздан ўтказишга ўргатинг, шу билан бирга, хотираларингизни мумкин қадар деталлаштиришга урининг. Масалан, агар сиз тушки овқат ёки нонушта ҳақида ўйлар экансиз, еган овқатингизни эмас, балки овқат қандай идишда келтирилганлигини ва столнинг безатилишини эслашга ҳамда кўришга ҳаракат қилинг. Овқат маҳалидаги гаплардан туғилган ўйлар ва ички ҳиссиётларни, еган овқатингизнинг мазасини эсланг. Бўлак сафар яқин кунни эмас, ҳаётингизда илгари бўлиб ўтган воқеаларни эсланг.

Бир вақтлар яшаган ёки сайр қилган хонадонларни, уйларни, сайргоҳ жойларни хаёлдан ўтказганда, уларни икир-чикиригача кўришга урининг, шунинг билан бирга, баъзи буюмларни эслашингизда, улардан фикран фойдаланинг. Бу сизни бир вақтлар яхши таниш бўлган хатти-ҳаракат изчиллигига қайтаради ва ўтмишда яшаган кунингизни буткул эслатади. Уларни ҳам ўз ички диққатингиз билан бирма-бир текшириб чиқинг.

Ўз танишларингиздан тирикларини ва ўлганларини иложи борича аниқроқ эслашга урининг. Бу ишнинг барида диққатга катта ўрин ажратилган, чунки у машқлар учун янги асослар яратди.

Бугун Аркадий Николаевич аввал тугамай қолган дарсни давом эттириб бундай деди:

– Ўзингиз биласизки, санъатда диққат ва объектлар ниҳоятда турғун бўлмоқлари лозим. Бизга юзаки диққатнинг кераги йўқ. Ижод бутун организмнинг тўла жалб этилишини талаб қилади. Турғун объектга ва унга лозим бўлган диққатга қандай эришмоқ керак? Сиз буни биласиз. Бинобарин, ҳозир уни ишда синаб кўрамиз. Названов! Саҳнага чиқинг ва стол устидаги қутича ичида ёниб турган чироққа қаранг.

Мен саҳнага чиқдим. Тезда чироқ ўчди, битта лампочка ёниқ қолди, холос, у менинг бирдан-бир объектимга айланди. Аммо бир лаҳза ўтар-ўтмас мен уни жинимдан ҳам ёмон кўриб қолдим. У шу қадар ғашимни келтирдик, уни олиб ерга отворгим келди.

Мен буни Аркадий Николаевичга айтсам, у менга эслатиб:

– Сиз биласизки, диққатни объектга унинг ўзи ҳам, чироқ ҳам тортмайди, балки саҳнада тасаввурнинг жозибали тўқимаси тартади. Тўқима уни қайтадан ўзгартиради ва берилган шарт-шароит ёрдами билан объектни жозибали қилади. Уни тезроқ фантазиянгизнинг гўзал, тўлқинлантирувчи тўқимаси билан ўраб-чирманг. Шунда ғашингизни келтираётган чироқ ўзгаради ва ижодни кўзгатувчи омилга айланади, – деди.

Узоқ жимлик чўкди, шу вақт мен чироққа тикилдим, лекин қарашимни асослаш учун ҳеч нарса ўйлаб тополмадим.

Ниҳоят, Торцовнинг менга раҳми келди.

– Мен сизга ёрдамлашай. Бу лампочка сиз учун афсонавий махлуқнинг ярим очиқ кўзига айлансин. Тим қоронғида унинг ҳайбатли танаси кўринмайди. Шунинг учун ҳам у кўзингизга янада даҳшатлироқ кўринади. Ўзингизга шундай савол беринг: «Борди-ю, тўқима ҳақиқатга айланиб қолса, унда нима қилардим?» Бирор шаҳзода ҳам махлуқ билан олишувдан бурун, худди шу тарзда, сиз сингари ўйланиб қоларди. Масалани оддий мантиқ билан ҳал қилиб кўринг-чи, ҳайвонга қайси томондан ҳамла қилиш яхшироқ, унинг тумшуғи сизга қараб турган бўлса, демак думи анча узоқда ётибди. Майли, ҳамла қилиш режасини сиздан кўра афсонавий қаҳрамон яхшироқ тузар, лекин шунга қарамай, сиз бирорта чорасини ўйлаб топасиз ва бинобарин, диққатингизни объектга қаратасиз. Бу иш натижасида тасаввур уйғонади, у сизни ўзига ром этиб хатти-ҳаракатга эҳтиёж

туғдиради. Модомики, хатти-ҳаракат қила бошладингизми, демак, объектни қабул қилдингиз, унга ишондингиз, боғландингиз. Демак, мақсад пайдо бўлди ва диққатингиз саҳнадан ташқаридаги ҳамма нарсалардан четлашди. Бу диққат объектининг ўзгара бошлаши, холос.

Менга берилган вазифа қийин бўлиб кўринди. Лекин шу пайт Аркадий Николаевичнинг «агарда»ни зўрлаб бўлмайди ва туйғуни мажбур этиш мумкин эмас, балки, «инсоний мантиқ бўйича» жавоб бериш талаб қилинади, дегани эсимга тушди. Ҳозирчалик шуни ҳал қилиш керак: махлуққа қай томондан ҳамла қилиш қулайроқ? Шундан сўнг изчиллик билан мулоҳаза қила бошладим: «Қоронғидаги бу нур нима ўзи? – деб ўзимга савол бердим. – Бу мудраб ётган аждаҳонинг ярим очиқ кўзи. Шундай экан, у ҳозир тўғри менга қараяпти. Ундаё бекиниш лозим». Аммо қимирлашга кўрқардим. Нима қилиш керак? Ўзимга берган саволимни қанчалик кўп, қанчалик чуқур муҳокама қилар эканман, диққатим объекти шунчалик аҳамиятли бўлиб кўринарди. Қанчалик у билан машғул бўлсам, мени шунчалик ўз домига тортарди. Лампочка қўққисдан лип этди, мен чўчиб тушдим. Кейин у кучлироқ ёна бошлади. Бу кўзимни қамаштирар ва шу билан бирга, ваҳимага солар, кўрқитар эди. Мен орқамга тисарилдим, чунки аждаҳо мени кўриб, қимирлагандай бўлди. Мен бу тўғрида Аркадий Николаевичга айтдим.

– Ниҳоят сиз белгилаган объектингизга иқрор бўлдингиз! У ўзининг аввалги кўринишини йўқотди, гўё бардам топди, унинг ўрнига бутунлай бўлак, ундан кучлироқ тасаввурнинг ҳаяжонли тўқимаси томонидан яратилган (лампочка энди кўзга айланди) нарса пайдо бўлди. Бундай ўзгарган объект туйғунинг ички жавоб реакциясини пайдо қилади. Бундай диққат объект билан қизиқибгина қолмайди; у артистнинг бутун ижодий аппаратини ишга тортади ва у билан бирга ўз ижодий фаолиятини давом эттиради.

Объектни ўзгартира билиш керак. Унинг орқасидан диққатнинг ўзини ҳам совуқ фикр, мулоҳаза доирасидан илиқ, ёқимли ҳиссиёт доирасига ўткази билиш лозим. Бу терминология бизнинг актёрлик тилимизда қабул қилинган. Шуниси ҳам борки, «ҳиссиётли диққат» деб биз атаган эмасмиз. Буни психолог И. И. Лапшин айтган, бу иборани у биринчи марта «Бадий ижод»<sup>20</sup> деган китобида ишлатган.

Охирида сизга шуни айтмай, ҳиссиётлик диққат бизга айниқса керак ва айниқса «ролдаги инсоннинг руҳий ҳаётини» яратишдек ижодий ишида, яъни санъатимизнинг асосий мақсадини бажаришда қимматли ҳисобланади. Бизнинг ижодимизда ҳиссиётли диққатнинг аҳамияти ҳақида ўзингиз ўйлаб кўринг.

Мендан кейин Торцов саҳнага Шустов, Веселовский, Пушкинни чиқариб, улар билан ҳам шунга ўхшаш тажрибалар қилди.

Такрор бўлмасин учун, уларни ёзиб ўтирмайман.

Амаким бетоб бўлиб қолди. Мен синфга кечикиб кирдим. Дарс вақтида мени кўп марта телефонга чақаришди. Ниҳоят, дарс тамом бўлмасдан кетишга тўғри келди. Бунинг устига, Торцовнинг гапирганларини тушунишга халақит берган мендаги ҳаяжон, хаёлчанлик ва паришонликни қўшсангиз, бугунги дарсни чалакам-чатти қилиб ёзганимнинг сабабини тушуниб оласиз.

Мен синфга Веселовский билан баҳс қизиган пайтда кирдим. Афтидан у, бир вақтнинг ўзида ҳам ролнинг ғамини ейиш, ҳам техника усулларини бажариш ҳақида (диққат доирасидан чиқариб бўлмайдиган), томошабин ҳақида, ролнинг сўзлари, партнёрнинг репликалари, суфлёр ҳақида, баъзан бирданга бир неча объект ҳақида қайғуриш фақат қийингина эмас, ҳатто мумкин эмаслигини гапирган бўлса керак.

– Булар учун қанча диққат керак?! – деди Веселовский умидсизланиб.

– Сиз ўзингизни бундай иш учун ожиз деб ҳисоблайсиз, циркдаги ҳўққабоз – чавандоз бундан қийинроқ вазифани бажаради, у айна вақтда ўз ҳаётини хавф остига қўяди. Чиндан ҳам: чопаётган от устида оёқлари ва гавдаси билан мувозанат сақламоғи, кўзлари билан пешонасида турган таёқнинг учида айланаётган катта лаганчани кузатмоғи лозим ва ундан ташқари қўлидаги учта ёки тўртта тўпни ўйнаб бориши керак. Қани унинг объектлари қанча экан! Бунинг устига у отига «чу» деб ҳам қўяди.

Ҳўққабознинг буларни бажара олиш сабаби, одамнинг диққати кўп қаватлидир ва унинг бир қавати иккинчисига халақит бермайди.

Бошланишидан қийин бўлади, холос. Бахтимизга кўп нарсалар одат туфайли автоматик ҳолатга айланиб қолади. Диққат ҳам шундай бўлиши мумкин. Турган гап, агар сиз шу пайтгача актёр тусмоллаб ўйнайверадисиз, ёлғиз қобилият бўлса бас, деб ўйла-

ган бўлсангиз, фикрингизни ўзгартиришга тўғри келади. Қобилият бўлса-ю, иш бўлмаса – бу ҳали ҳам ишлов берилмаган материалдир.

Баҳс нима билан тугаганини билмайман, чунки мени телефонга чақиринди ва докторга бориб келишга тўғри келди.

Театр саҳнасига қайтиб кирганимда кўзларини ғайри табиий олайтириб турган Говорковни кўрдим; Аркадий Николаевич унга ниманидир қизгин исбот қилаётган экан.

– Нима бўлди? Нима ҳақида баҳслашяптилар? – ёнимда ўтирган ўқитувчидан сўрадим.

– Говорков «Томошабиндан кўзни узмаслик керак» деяпти, – деб жавоб берди у.

– Биз томошабин олдида ўйнаймиз! – дея хитоб қилди баҳслашувчи.

Аmmo Аркадий Николаевич «томошабинга» қараш мумкин эмас, деб унга қарши чиқди.

Баҳсининг ўзига тўхталиб ўтирмайман, Торцовнинг фикри бўйича, қандай ҳолларда томоша залига кўзни қаратиш мумкин эканини ёзиб оламан, холос.

– Фараз қилайлик, артистни томоша залидан ажратиб туриши лозим бўлган, тасаввур этилган деворга қарайсиз. Тасаввур этилган девордаги қандайдир энг яқин объект – нуқтага қаратилган кўзлар қандай ҳолатда бўлмоғи керак? Бурнингизни учига қараганингизда кўзларингиз қанчалик ғилай бўлса, унда шундай бўлади.

Бошқа пайтлари актёр нима қилади? Деворга қараган бўлиб, у қатъий ўрганиб қолган одати бўйича кўзларини портретга, режиссёрнинг, ганқидчининг ёки мухлисининг креслосига қаратади. Шунда унинг кўз қорачиқлари табиатимизга кўра яқин объект талаб қилинган нуқтаи назардан қарамайди. Наҳотки сиз, бундай физиологик хатони актёрнинг ўзи ҳам, шериги ҳам, томошабин ҳам пайқамайди, деб ўйлайсиз. Наҳотки сиз, шундай ғайритабиийлик билан ўзингизни ва бизнинг инсоний тажрибамизни алдаб кетишга ишонсангиз?

Энди мен бошқа мисолни оламан: сиз ролингиз бўйича олисолисларга, денгиз уфқининг энг узоқ чизигига сузиб кетаётган қайиқнинг елкани кўришиб турган ерга қарашингиз керак.

Эсланг-чи, кўз қорачиқларни узоққа тикилганда қандай ҳолатда бўлади?

Улар бутунлай тўғри ҳолатда бўлади, кўз нурининг иккала чизиғи бир-бирига деярли параллел равишда чўзилиб кетади. Кўз қорачиқларини шундай ҳолатга келтириш учун, партер орқасидаги деворни гўё тешиб ўтиб, фикран фараз қилинган энг олис нуқтани топмоқ ва унга ўз диққатини жалб қилмоқ лозим.

Бунинг ўрнига артист нима қилади? У бари бир ҳар вақтдагидек кўзларини партерга, режиссёрга, танқидчига ёки мухлисига қаратади.

Наҳотки, бундай ҳолда ўзингизни ҳам, томошабинни ҳам алдаш мумкин деб ўйлайсиз?

Сиз техника ёрдами билан объектни ўзининг асл жойига қўйишни ва ўз диққатингизни унга қаратишни ўрганиб олсангиз, нуқтаи назар учун саҳнадаги бўшлиқнинг аҳамиятига тушуниб етсангиз, ана унда олдингизда ўтирган томошабин томонга қарай беринг, уларнинг бошлари устидан ўз қарашингиз билан учиб ўтинг ёки, аксинча, нигоҳингиз уларга етиб бормасин. Ҳозирчалик жисмоний алдаш одатидан сақланинг. Бу одат ёш, ҳали кучга кирмаган аъзоларда диққатни майиб қилиб қўяди. Ҳозирчалик жисмоний алдаш одатидан сақланинг. Бу одат ёш, ҳали кучга кирмаган аъзоларда диққатни майиб қилиб қўяди.

– Бўлмаса, ҳозирча қаерга қарайлик? – деб сўради шунда Говорков.

– Ҳозирчалик порталнинг ўнг, чап, тепа чизиқларига қаранг. Қўрқманг, томошабин кўзларингизни кўраверсин. Керак бўлганда уларнинг ўзлари рампанинг нариги ёғидаги тасаввур қилинган объектга ўгирилиб олади. Бу ўз-ўзидан беихтиёр бажарилади. Аммо бу ички, беихтиёр, зарур психотехника вужудга келмагунча, тўғрига, йўқ деворга ёки узоққа қарашдан қочинг.

– Мени яна чақириб кетишди, шундан сўнг синфга қайтиб кирмадим.

...19 ...й.

Бугунги дарса Аркадий Николаевич шундай деди:

– Артистлик диққатининг амалий томонларидан тўлароқ фойдаланмоқ учун, унинг ижодий материал яратувчи қурол эканини муҳокама қилайлик.

Артист саҳнадагина эмас, балки турмушда ҳам зийрак, диққат-эътиборли бўлмоғи лозим. У диққатини тортган ҳар бир нарсага бутун вужуди билан қизиқиб қараши зарур. У анқов, калта-

бин одамларга ўхшаб қарамай, кузатаётган нарчасининг мағзи, моҳиятини билмоғи зарур.

Бусиз ижодий методимиз бирёқлама, ҳаёт ҳақиқатига, замонавийликка зид ва уларга ҳеч бир боғланмаган бўлиб қолади.

Шундай одамлар ҳам борки, улар табиатни кузатиш қобилиятига эга. Улар ўз ихтиёрларидан ташқари атрофда бўлаётган нарсаларни кўриб, эсларида сақлаб қолаверади. Шунинг билан бирга, улар кузатаётганларидан энг муҳимини, энг қизигини, типик ва кўркामини танлай билди. Бундай одамларнинг гапларига қулоқ солар экансан, кам кузатувчи кишиларнинг диққат-эътиборидан кўп нарсаларнинг тушиб қолганини, пайқаб олган нарсаларини образли қилиб гапириб беролмасликларини кўрасан ва тушунасан киши.

Афсуски, артистга зарур бўлган бундай диққатга – турмушда аҳамиятли ва характерли нарсаларни топа олувчи диққатга ҳамма ҳам эга эмас.

Кўпинча одамлар бунинг ўзларининг шахсий элементар фойдалари учун ҳам қилишни билмайдилар. Улар ҳатто ҳаёт ҳақиқатига тушуниб етмоқ, инсонларга илиқ ва ғамхўр муносабатда бўлмоқ, ҳақиқий, бадиий ижод қилиш мақсадида ҳам ҳаёт воқеаларини кўриш ва эшитишни билмайдилар. Бу қобилият жуда камдан-кам кишиларга берилган. Одамларнинг узоқни кўролмаслигидан, шу нуқсон сабабли юмшоқ табиатли кишиларнинг баъзан ўз яқинларини гуноҳсиз қийнашларидан, узоқни кўролмаслик, оқилларни кўз ўнгида нималар бўлаётганини сезмайдиган нодонларга айлантиришидан қанча азоб чекасан киши.

Кўп кишилар суҳбатдошининг юзидан, кўз қарашидан, товуши – оҳангидан унинг қай аҳволда эканини, ҳаётнинг мураккаб ҳақиқатига тийран нигоҳ билан қарашни, уни кўришни, астойдил қулоқ солиш ва чинакамига эшитишни билмайдилар. Агар улар бунинг қила билсалар эди, ижод беҳад даражада бой, нафосатли ва чуқур маъноли бўлган бўлар эди. Бироқ табиат бермаган нарчасини инсондан талаб қилиш мумкин эмас, фақат оз бўлса ҳам ўзида борини ўстириш ва тўлдиришга ҳаракат қилиш мумкин.

Диққат соҳасида ҳам бу иш катта меҳнатни, хоҳишни, вақтни ва мунтазам машқларни талаб қилади.

Турмушга бефарқ қаровчи одамларни табиат ва ҳаёт эҳсонларини сезиш ва кўришга қандай қилиб ўргатмоқ керак? Ҳамма

дан аввал уларга фақат ёмон нарсаларга қараш ва уларни кўриш. қулоқ солиш, эшитишни эмас, балки энг муҳими гўзалликни ҳис эта билишга ўргатиш лозим. Гўзаллик инсон қалбини юксалтиради, унда энг яхши ҳиссиётларни уйғотади. жўшқин хотираларда чуқур, ўчмайдиган из қолдиради. Дунёда ҳаммадан гўзал нарса табиатдир. Иложи борича, уни яхшилаб ўрганинг. Аввал гул ёки барги, ёки ўргимчак уясига ёки совуқ туфайли дераза ойнасига тушган тасвир ва шунга ўхшашларга қарашдан бошланади. Буларнинг ҳаммаси энг моҳир, энг улуг санъаткор – табиат яратган гўзал асарлардир. Уларнинг сизга ёққан жойларини сўз билан ифода қилишга урининг. Бу иш диққатни кузатилаётган объектни яхшироқ билишга, унга баҳо беришда онглироқ муносабатда бўлишга, унинг моҳиятига чуқурроқ тушунишга мажбур қилади. Табиатнинг хунук жиҳатларидан ҳам жирканманг, чунки салбий ҳодисалар ичида ижобийлари яшириб ётишини, хунукликда ҳам гўзаллик бўлгани каби, гўзалликда ҳам хунуклик борлигини сира унитманг. Аммо ҳақиқий гўзаллик хунукликдан кўркмайди. Кўпинча хунуклик гўзалликни янада гўзалроқ кўрсатишга восита бўлиб хизмат қилади.

Унисини ҳам, бунисини ҳам ахтаринг. уларни сўз билан ифодаланг, билинг ва кўра олинг. Бусиз гўзаллик ҳақидаги тасаввурингиз бир ёқлама, номига ширин, сохта чиройли, сентиментал бўлиб қолади, бу эса санъат учун хавфлидир.

Сўнгра худди шу йўсинда санъат асарларини, адабиётни, муסיқани, музей буюмларини, чиройли нарсаларни ва ҳоказоларни ўрганинг, кўзингизга кўринган, яхши дид ва гўзалликка муҳаббат пайдо қиладиган ҳамма нарсани ўрганинг.

Бироқ бу ишни танқидчи сингари қўлингизга қалам олганча совуққонлик билан қилманг. Чинакам артист атрофида бўлаётган воқеалар билан бирга яшайди, ҳаёт унинг учун ўрганиш ва эҳтирос объекти бўлиб қолади, кўрганидан ғоятда завқланади, ташқаридан олаётганини статист сифатида эмас, балки санъаткор сифатида фақатгина кўйин дафтарига эмас, нақ юрагининг ўзига ёзиб қолишга уринади. Ахир артистнинг топгани оддий нарса эмас, балки жонли, ижодий материалдир. Гапнинг қисқаси, санъатда совуққонлик билан ишлаш мумкин эмас. Бизларга маълум даражада ички ҳарорат, ҳиссиётли диққат зарур. Бу ижод учун материал қидириш процессига ҳам тааллуқлидир. Мана, мисол учун ҳайкалтарош Венера ҳайкалини яратиш учун тўғри



келадиган мрамр парчаларини қидирар ва кўздан кечирар экан. бу иш уни ҳаяжонга солади. Мрамр тошнинг тусида, унинг чи-зиқларида бўлажак ҳайкал танасини сезиш ва кўришга уринади. Биз саҳна артистларида ҳам, ижодий материал топиш процессининг асосида қизиқиш ётади. Бу, албатта, онгнинг катта хизматини инкор этмайди. Ахир совуққонлик билан эмас, ҳаяжон, шавқ билан ўйнаш мумкин эмасми? Кўпинча тасодиф ҳаётда диққатнинг табиий ва кучли бўлишига ёрдам беради; шунда ҳатто парижонхотир одам ҳам кузатувчига айланиб қолади. Мана, масалан, ўз ҳаётимдан бир лавҳани гапириб берай.

Мен иш юзасидан бир севимли ва машҳур ёзувчининг уйида бўлдим. Мени унинг кабинетига олиб кирганларида, ҳайратдан қотиб қолдим: ёзув столида қўлёзмалар, қоғозлар, китоблар уйилиб ётар, бу шоирнинг ҳалигина қилган ижодий ишидан гувоҳлик беради, столнинг ёнида туркларнинг катта ноғораси, литавралар, катта грамбон ва қўшни хонага сиғмаган оркестр пултлари турарди. Улар уйга кенг очилган икки табақали эшик орқали киритилган эди. Қўшни хона ивирсиган, таниб бўлмас: мебеллар тартибсиз равишда давол тагига суриб ташланган, бўшаган жойга эса пултлар териб қўйилган.

«Наҳотки шоир шу ерда, шу шароитда, ноғора, литавра, грамбон товушлари остида ижод қилса!» деб ўйладим. Энг кам кузатувчи одамнинг ҳам диққатини ўзига тортадиган бу ҳодиса тасодифий кашфийёт эмасми, ахир бу ҳолнинг сирини, у одам нима қилиб бўлса ҳам тушунмоқ ва билмоқ истайди. Менинг диққатим ошиб, ғайратга тўлдим.

О, қани энди артистлар ҳам пьеса ва ролнинг ҳаёти билан севимли ёзувчининг уйида мен қизиққанмча қизиқсалар эди. Агар улар реал ҳаётда, ўз атрофларида бўлаётган воқеалар маъносига шунчалик кузатувчанлик билан киришсалар эди! Ижодий материалга қанчалик бойиб кетган бўлардик. Бундай шароитда қидириш процесси асл артистга ярашадиган даражада ўтар эди.

Аммо шунини унутиш керак эмаски, бизни қуршаб турган воқеликнинг ўзи диққатимизни ўзига тортиб, қизиқтириб турганда кузатиш қийин эмас. Ундай ҳолда ҳаммаси ўз-ўзидан, табиий йўл билан ўтаверади. Лекин ҳеч нима қизиқишни уйғотмаса, ҳаяжонлантирмаса, гумонлар пайдо қилмаса, кўриб турган нарсамизни билишга иштиёқ туғдирмаса унда нима қилмоқ керак.

Мана, масалан, кўз олдингизга келтирингларчи: мен машҳур ёзувчининг уйига оркестр репетиция қилган куни эмас, балки пульта олиб чиқиб ташланиб, бутун мебеллар ўз жойида турган, оддий куни кирган бўлай. Мен сеvimли ёзувчининг уйида энг оддий, деярли мешчанларга хос жиҳозланган хонани кўрган-нимда биринчи қарашда сезгимга ҳеч нарса таъсир қилмайдиган, бу машҳур соҳибкорнинг ҳаёти менга ҳеч қандай характерли туюлмайдиган шароитни кўрган бўлардим, удиққатимни, қизиқишимни ва тасаввуримни қўзғотмас, гумонлар пайдо қилмас, кузатиш-у, билишга ундамас эди.

Бундай ҳолда инсон ҳаётини типик, деярли кўз илғамайдиган хислатларини ва ўзига хос фазилатларини пайқашга ёрдам берадиган зўр табиий кузатувчанлик ва ўткир диққат зарур ёки мудраб ётган диққатни уйғотишга ёрдам берадиган туртки, техник усуллар керакдир.

Аmmo фавқулодда табиий қобилиятлар бизга боғлиқ эмас. Техник усулга келганимизда, шуни айтиш керакки, уни олдин топиш, билиш ва қўллашни ўрганиб олмоқ лозим. Ҳозирча тажрибада синовдан ўтган ва ўзимизга яхши таниш бўлган нарсани олинг. Мен тасаввурни ундаш, ишламай ётган пайти уни ўз вақтида қўзғотишда сизга ёрдам берган туртки ҳақида гапиряпман. Бу усул диққатни уйғотади, сизга бегона бўлган ҳаётни совуқ-қонлик билан кузатиш ҳолатидан олиб чиқади ва ижодий ҳароратингиз даражасини оширади.

Илгари қилганингиз сингари, ўзингизга саволлар беринг ва виждонан самимият билан уларга жавоб беринг: сиз кузагаётган ҳодиса ким, нима, қачон, қаерда, нима учун, нима мақсадда юз берган? Уйда, хонада, буюмлар чиройида типик деб топган нарсаларингизни сўз воситаси билан аниқланг, сизни қизиқтирган ва уларнинг эгалариники кўпроқ характерлайдиган нарсалар вазифасини аниқланг. Ўзингизга савол беринг ва жавоб қайтаринг: нега мебел бошқача эмас, бундай қўйилган, нега бошқа буюмлар бу хилда қўйилган ва бу тартиб уй эгаларининг қандай одатидан дарак беради. Мана, масалан, ҳозир айтиб ўтилган сеvimли ёзувчининг уйидаги ҳодисага асосланиб ўзингиздан сўранг: «Нега камонча, турк шарфи ва чилдирма диванда ётибди? Бу ерда рақс ва мусиқа билан ким шуғулланади? Хўжайиннинг ўзими ёки бирор бошқа одамми?» Бу саволга жавоб бермак учун сизга ўша «номаълум» одамни қидиришга тўғри келади. Уни қандай топса бўлади? Суриштириш.

текшириш, тахмин ёрдами биланми? Хотин кишининг полда ётган шляпасидан хонада аёл кишининг ҳам бўлганини тахмин қилиш мумкин. Буни стол устида турган портретлар ҳам, яқинда кўчиб келинганлиги туфайли ҳали деворларга осилмаган, бурчакда тахлаб қўйилган рамкадаги расмлар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, столларда сочилиб ётган альбомларни текшириб чиқишга ҳаракат қилинг. Сиз ҳамма жойдан бир аёлнинг турли фотографияларини топасиз; бир хил суратларда у аёл гўзал бўлса, бошқаларида хунукроқ-ку, аммо жозибали, ўзига хос латофатга эга. Бу – сизга уйнинг ҳаёти кимнинг ихтиёри билан бошқарилиши сирини, кимнинг расм чизиш, рақс ўрганиш билан шуғулланишини, оркестрга ким дирижёрлик қилишини айтиб беради. Кўп нарсаларни тахминий тасаввурлар, суриштиришлар, машҳур одамнинг номи ҳақида тарқалган миш-мишлардан билиб олиш мумкин. Сиз улардан машҳур ёзувчи бир аёлга ошиқ эканлигини, ўз пьесаларининг, романлари ва повестларининг қаҳрамонларини шу хотин хислатидан ёзишини билиб оласиз. Балки сиз ноилож киритган тахминлар, қўшимчалар ва тўқималарингиз ҳаётдан тўплаган материалнингизга зид бўлиб чиқишидан қўрқарсиз? Қўрқманг! Кўпинча шахсий қўшимчалар (агарда уларга ишонсангиз) аслини кучайтиради, холос.

Бу фикрнинг исботи учун сизга шундай ҳодисани мисол келтирай: бир куни бульварда ўткинчиларни кузатиб ўтирганимда болаларнинг кичкина аравачасига бола ўрнига саъвали қафасни солиб кетаётган баланд бўйли, семиз кампирни кўрдим. У хотин балки юкини қўлида кўтариб юрмаслик учун аравачага солиб олгандир. Бироқ воқеликнинг аксини кўргим келди ва мен кампирни ўз болалари ва неваралари ўлган, бу дунёда унинг энг яхши курган шу жонивори – қафасдаги саъва қолган, яқин ўтмишда жонидан ҳам яхши кўрган охириг неварасини шу хиебонда қандай ўйнатиб юрган бўлса, ҳозир ҳам қафасдаги саъвани шундай ўйнатиб юрибди, деб фараз қилдим. Бундай талқинда воқелик ўткирроқ ўзига хос саҳнавий чиқади. Нима учун кузатувларимни хотирамда худди шу зайилда сақлаб қололмайман? Ахир мен, йиғаётган маълумотларимнинг аниқлиги учун курашувчи статист эмасман-ку, мен артистман, менга ижодий туйғулар зарур.

Ҳаётдан олинган ва шахсий тасаввурим билан бўлган бу лавҳа шу дамгача хотирамда яшайди ва ўз ифодасининг топилишини сўрайди.

Атрофингизни қуршаб олган ҳаётга синчиклаб қарашни ва ундан ижодий материал ахтаришга ўрганганингиздан сўнг, ижодимиз асоси ҳисобланувчи ва биз учун кўпроқ, керак бўлган материални ўрганишга киришишингиз лозим. Мен жонли объектлар, яъни одамлар билан бўладиган, шахсий муносабатларда учрайдиган қалбдан-қалбга ўтувчи туйғулар ҳақида гапиряпман.

Ҳис-ҳаяжонли материал, айниқса, шунинг учун қимматлики, ундан ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаёти» ташкил топади, уни яратиш эса санъатимизнинг асосий мақсадидир. Бу материални топшиш қийин, чунки у кўзга кўринмайди, аниқ эмас, уни фақатгина ҳис этиш мумкин.

Тўғри, кўзга кўринмайдиган кўпгина қалб кечинмалари мирикада, кўзларда, овозда, нутқда, характерда ва бизнинг бутун жисмоний аппаратимизда акс этади. Бу кузатувчининг вазифасини енгиллаштиради, бироқ шундай шароитда ҳам инсоннинг асосий моҳиятига тушуниш осон эмас, чунки одамлар ўз кўнгилларини, аслида қандайликларини камдан-кам билдирадilar ва кўрсатадилар. Кўп ҳолларда улар кечинмаларини яширадilar, кузатувчини эса у киши юзидаги ташқи ниқоб алдайди. тўғри тушунишга халақит беради ва натижада яширинган туйғуни пайқаб олиш яна ҳам қийинлашади.

Психотехника фанимиз бу ёзиб ўтилган ҳамма процессларни бажаришни енгиллаштирадиган усулларни ҳали ишлаб чиққан эмас, шунинг учун менга бир қанча амалий маслаҳатлар билан чекланишга тўғри келади, холос. Булар баъзи ҳолларда бир қадар ёрдам бериши мумкин. Менинг бу маслаҳатларим янги гаплар ҳам эмас: улар қуйидагилардан иборат: сиз кузатаётган одамнинг ички дунёси, унинг қилаётган ишлари, фикрлари, интилишлари ҳаёт тақозо қилган шарт-шароит таъсири орқали очилар экан, у қилаётган ишларни синчиклаб кузатинг ва шароитни ўрганинг, бир-бири билан солиштиринг ва охири ўзингиздан сўранг: «Нега бу одам ўзини бу йўсинда ёки бу ҳилда тутди, унинг мақсади нима эди?» Шуларнинг ҳаммасидан тегишли хулосалар чиқаришга, кузатилаётган объектнингизга ўз муносабатингизни белгилашга ва шу ишлар ёрдами билан унинг қалбини тушунишга ҳаракат қилинг.

Узоқ, синчиклаб кузатишдан ва текширишдан кейин бунга муваффақ бўлинса, унда артист яхши ижодий материал олади.

Аммо шундай ҳам бўладики, кузатаётган одамимизнинг ҳаёти онгимиз амрига бўйсунавермайди, уни фақат ўткир фаросат

орқали билиб олиш мумкин. Бу ҳолда ёт қалбларнинг чуқур сирини билишга ва ундан шахсий туйғумиз ёрдами билан ижод учун материал қидиришга тўғри келади.

Бу процесда энг нозик диққат ва беихтиёр келиб чиқувчи кузатувчанлик билан иш кўришга тўғри келади. Одатдаги диққатимиз бегона инсоний қалблардан материал ахтариш процессини бажармоқ учун етарли даражада кучга эга эмас.

Агар бундай процесс учун актёрлик психотехникамиз пишиб етган деб ишонтирадиган бўлсам, ёлгон айтган бўлардим ва бундай ёлгон амалий фойда келтирмас эди.

Онгимизга бўйсунмайдиган нозик туйғудан ижодий материал қидиришнинг бу мураккаб процессида кундалик онгли турмушга, инсоний тажрибамизга, зийраклигимизга, интуицияга суянишимиздан бошқа чорамиз йўқ. Бегона қалбни эгаллашнинг амалий йўллари топишда фаннинг бизга берадиган ёрдамини кутамиз; туйғунинг мантиқий юксалишини, унинг ҳиссиз изчиллигини, психологиясини, характерологиясини ўрганамиз. Эҳтимол, бу иш беихтиёр ижодий материални бизни қуршаб олган ташқи ҳаётдангина эмас, балки одамларнинг ички дунёсидан қидириш усулини яратишга ҳам ёрдам берар.

Бундай ҳодиса рўй берди:

Синфга кириб келган Аркадий Николаевич Малолеткова, Вьюнцов ва мени саҳнага чақирди ва пул ёндириш этидини қайтаришни буюрди. Биз ўйнай бошладик.

Бошланишида, биринчи қисмида яхши ўйнадик. Аммо, фожиали жойига келганимизда менда иккиланиш пайдо бўлганини... кейин кўнглимнинг гаш бўлиб... сиқила бошлаганини сездим. Жаҳлим чиқди. «Бўш келмайман!» деб аҳд қилдим ва ўзимни чалғитиш ниятида, аллақандай буюмни қаттиқ қисдим, у шиша кулдон экан. Лекин мен уни қаттиқ қисганим сари юрагим шунчалик кучли ҳаприқар эди, аксинча, кўнглим ҳаприққани сари мен кулдонни қаттиқроқ қисардим. Тўсатдан бир нарсачирсиллаб синди. Айни вақтда кўлим санчиб оғригани ва иссиқ суюқликдан ҳўл бўлганини сездим. Столда ётган бир варақ қоғоз ҳам, энгим ҳам қизилга бўялди. Кўлимдан қон тирқираб оқаётган эди.

Қўрқиб кетиб бошим айланаётганини ва кўнглим беҳузур бўлаётганини сездим. Кейинчалик ҳушимдан кетдимми, йўқми билмайман. Шовқин кўтарилгани ва Раҳманов билан Торцов эсимда: уларнинг биттаси кўлимни қаттиқ қисди, иккинчиси чизимча билан боғлади. Аввалига кўлтиқлаб боришди, кейин кўтариб олишди. Оғирлигимдан Говорков қулоғим тагида ҳарсиллаб борарди. Унинг жон куйдиришини кўриб кўнглим кўтарилди. Доктор келганини ва кўлимни оғритганини гира-шира эслайман. Кейин дармонсизлик борган сари кучая борди... бошим айланди... афтидан, ҳушимдан кетган бўлсам керак.

Театрдаги ҳаётим вақтинча тўхтади. Кундалик дафтардаги ёзувларимнинг ҳам тўхтаб қолгани табиийдир. Каравотда ётиш каби зерикарли ва бир зайлда ўтаётган турмушимни ёзиш учун дафтарда ўрин йўқ, бунинг ҳожати ҳам бўлмас.

Ҳозир мени кўргани Шустов келди; у мактабда бўлаётган ишларни жуда таъсирли қилиб гапириб берди.

Маълум бўлишича, мен учраган бахтсиз ҳодиса, дарснинг дастурига таъсир қилибди, кейинги дарсларда вақтинча бадан устида ишлашга мажбур қилибди.

Торцов шундай дебди: «Программадаги қатъий система ва назарий изчилликни бузишга ҳамда артистликнинг энг муҳим соҳаларидан бири – мускулларни бўшатиш процесси ҳақида муддатидан илгари гапириб беришга тўғри келиб қолди.

Бу масаланинг асл ўрни ташқи техника, яъни бадан устида ишлаш ҳақида гап борадиган бобда бўлиши керак эди. Бироқ фактлар бу масалага ҳозироқ, программадаги ички техника, тўғрироғи психотехника ҳақида гап кетаётган вақтда мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Сиз ижодий процессда мускулларнинг тортишиши ва гавда сиқиклигининг қанчалик зарар келтиришини кўз олдингизга келтиролмайсиз. Булар овоз органида пайдо бўлганида ажойиб овозга эга бўлган кишилар ҳам хириллай бошлайдилар. Бўғиладилар ёки гапириш қобилиятини йўқотишгача бориб етадилар. Сиқиклик оёқларда пайдо бўлса, актёр шол бўлган одамга ўхшаб қолади; агар қўлларда бўлса, улар қотиб тахтакачга айланади ва шлагбаум сингари кўтарилиб тушаверади. Бундай сиқикликлар ва улардан келиб чиқадиган бутун оқибат умуртқада, бўйинда ва елкада ҳам бўлади. Улар ҳар сафар артистни ўзига хос тарзда майиб қилади ва ўйнашга халақит беради. Ҳаммадан ёмони шундаки, сиқиклик юзда пайдо бўлса, уни бузади, мимикани қотириб қўяди ёки ишдан чиқаради. У вақтда кўзлар косасидан чиққудек бўлади, юз мускулларининг тортишиши юзни хунуклаштиради-да, натижада артист туйғусига мос келмайдиган ҳолатни акс эттиради. Сиқиклик нафас олиш процессида қатнашаётган диафрагма ва бўлак мускулларда пайдо бўлганида, бу процессни бузиши ва қарсиллатиши мумкин. Булар кечинмага, кечинманинг ташқи ифодасига ва артистнинг умумий ҳолатига зарар кўрсатмай қолмайди.

Жисмоний сиқиклик бутун фаолиятимизни, активликни қандай тўхтатиб қўйишини, мускулларнинг тортишиб туриши одамнинг психик ҳаётини боғлаб қўйишини кўриб, ишонч ҳосил қилишни истайсизми? Келинглар, тажриба қилиб кўрамиз: анави ерда, сахнада рояль турибди; шуни кўтариб кўринг-чи».

Ўқувчилар оғир роялнинг бир бурчагини чираниб галма-гал кўтариб кўришиди.

«Роялни кўтариб турганингизда, тезлик билан 37 ни 9 га қўпайтиринг-чи! – деб Торцов бир ўқувчига буюрди. – Кўпайтиролмайсизми? Бўлмаса, кўчамиз муюлишидан бошлаб ҳамма мага-

зинларни эсланг, буни ҳам қилолмайсизми? «Фауст»дан кавати-на айтиб беринг. Чиқмаяптими? Буйрак солинган солянка шўрвасининг мазасини ёки ипак духобани ушлагандаги сезгини ёки куйган латта ҳидини эслаб кўринг».

Торцовнинг топширигини бажармоқ учун ўқувчи базўр кўтариб турган роялнинг бурчагини ерга қўйди ва бир нафас дамини олгач, ҳамма саволларни эслаб уларнинг маъносини чақдида, ундан талаб қилинган ҳиссиётлар ҳосил этиб, саволларга бирин-кетин жавоб бера бошлади.

«Шундай қилиб, – хулоса ясади Торцов, – менинг саволларимга жавоб бериш учун, оғир роялни ерга қўйдингиз, мускулларни бўшатдингиз ва шундан кейингина фикр юритиш имкониятига эга бўлдингиз.

Бу ҳол, мускулларнинг тортилган бўлиши ички ишга ва айниқса, кечинмага халақит беришини кўрсатмайдими? Жисмоний сиққиқлиқ бор экан, тўғри, нозик ҳис ва ролнинг нормал, самимий ҳаёти ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, ижод қилишдан аввал хатти-ҳаракат эркинлигини бўғиб қўймасин учун мускулларни тартибга солиш лозим. Борди-ю, шундай қилинмаса, «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобида ҳикоя қилинган аҳволга тушиб қоламиз. У китобда артистнинг сиқилиб, муштларини қандай қисганлиги ва тирноқларини кафтига ботирганлиги ёки оёқ бармоқларини бутун гавдасининг оғирлиги билан ерга босганлиги баён этилади.<sup>21</sup>

Мана сизларга янги, яна ҳам ишонарли мисол – Названовнинг бошига тушган фалокат! У табиат қонунларини бузгани ва унинг устидан зўравонлик қилгани учун шикастланди. Бечора, ишқилиб тезроқ соғайсин, унинг воқеаси ўзига ҳам, сизларга ҳам саҳнада бундай қилиш мутлақо мумкин эмаслигини ва бундай одатга бир умр барҳам бериш зарурлигини кўрсатувчи мисол бўлсин».

– Бир умрга сиққиқлик ва жисмоний кучанишдан қутилишнинг иложи бор эканми? Бу тўғрида Аркадий Николаевич нима деди?

– Аркадий Николаевич «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобида кучли мускул тортишишига гирифтор бўлган артист ҳақида ёзилганларни эслатиб ўтди. У ўзини текшириб туришга одатланган экан. Саҳна остонасига қадам қўйиши билан мускуллар ўз-ўзидан ёзилиб, ортиқча тарангликдан бўшаларкан.



Саҳнада ижод қилишнинг оғир пайтларида ҳам шундай бўларкан.

– Қизиқ! – унга ҳавасим келди.

«Аммо артист ишини фақатгина кучли мускул сиққиқлиги бузмайди. Киши гавдасининг бирор еридаги, ҳатто унинг қаердалигини дарров сезиш қийин бўлса-да, сиққиқлик ҳам ижодни бўғиб қўяди. – Торцовнинг сўзларини эслашда давом этди Паша. – Мана, масалан, тажрибадан олинган бир воқеа бу фикрни тасдиқлайди. Зўр қобилиятли ва темпераментли бир артистка сиққиқликнинг қаердалигини ҳамма вақт ҳам топавермас экан. Бунга у камдан-кам ва тасодифий дақиқалардагина эриша оларкан. У кўпинча туйғуни оддий жисмоний зўр бериш билан алмаштирар (ёки бизнингча айтганда «кучанар») экан. Мускулларни бўшатиш борасида у билан кўп ишлаганлар ва бу маънода анчагина натижага эришганлар, аммо унга бу иш ҳам кўп ёрдам бермаган. Ролнинг драматик жойларида артистканинг ўнг қоши бир оз кўтарилганини тасодифан пайқаб қолганлар. Унга ролнинг қийин ери келганда юзидаги сиққиқликни йўқотишни, уни мутлақо бўш тутишни ва буни одат тусига киритишни таклиф қилганлар. У бунга муваффақ бўлгач, гавдасидаги бор сиққиқлик ҳам ўз-ўзидан йўқолган. У гўё бутунлай бошқа одамга айланган, гавдаси енгил, ифодали тус олган; юзи эса ҳаётининг самимий кечинмаларини ёрқин ифодаловчи серзавқ тусга кирган; ички туйғу сиртига тепган, эркин тус олган. Бу эркинликни англаган артистка қалбида тўпланган туйғуларини хурсандчилик билан изҳор этар ва бу ҳол уни яна ҳам илҳомлантирар экан».

...19 ...й.

Мени кўргани келган Умновихнинг айтишича, гўё Торцов: баданни ҳамма ортиқча сиққиқликдан бутунлай бўшатиб бўлмайди, деган эмиш. Бундай вазифани бажариб бўлмаслик муқаррар, ҳатто ҳожати ҳам йўқ эмиш. Шустов ҳам Торцовнинг фикрига қўшилиб мускулларни доимо – саҳнада ҳам, турмушда ҳам бўш тутмоқ лозим, деди. Бусиз сиққиқлик, мускуллар тортишиши ҳаддан ошиб кетиши ва ижод даврида жонли туйғуни бўғиб ташлаши мумкин эмиш.

Бироқ мускулларни бутунлай бўш тутиб бўлмайди, лекин уларни бўшатиш зарур, деган қарама-қаршиликни қандай мослаштириб бўлади?

Бу саволга, Умновихдан кейин мени кўргани келган Шустов тахминан шундай жавоб берди:

– Асабий одамларнинг мускуллари ҳамиша тортишган бўлади.

Актёр ҳам одам бўлгани туфайли, томошабин олдида ўйнаётганида доимо мускуллари тортишган бўлади. Орқангдаги сиққликни камайтирсанг, елкангда пайдо бўлади, у ердан кетказишинг билан, қарабсанки, диафрагмага ўтиб олади. Бинобарин, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда мускул тортишиши пайдо бўлаверади. Шунинг учун бу камчилик билан мутгасил ва тинмай кураш олиб бормоқ лозим. Бу балони йўқотиб бўлмайди, лекин у билан курашмоқ зарур. Курашдан мақсад ўзимиздаги кузатувчилик ёки контролёрлик ҳиссини ўстиришдир.

Контролёрнинг вазифаси оғир: у ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам, бирор еримизда ортиқча сиққлик, мускулларнинг тортишиши, кучаниш пайдо бўлмадимикан, деб тинмай текшириб туриши лозим. Сиққлик пайдо бўлганда контролёр уни йўқотмоғи зарур. Бу ўз-ўзини текшириш ва ортиқча сиққликни йўқотиш процессини механик даражага, инстинкт даражасига кўтармоқ керак. Бу ҳам кам, уни кундалик одатга, табиий эҳтиёжга айлантормоқ лозим. Бу процесс ролнинг хотиржам моментлари учунгина эмас, асосан энг юқори асабий ва жисмоний кўтарилиш моментлари учун қилиниши керак».

– Қандай? – тушунмадим мен. – Ҳаяжонланган пайтда мускуллар тортишмасинми?

– Мускулларнинг тортишиши у ёқда турсин, аксинча, иложи борича бўшатмоқ лозим, – тасдиқлади Шустов.

– Аркадий Николаевич шундай деди, – давом этди Паша, – артистлар ролнинг кучли, кўтаринки ўринларида ортиқча уринишлар туфайли, яна ҳам кучлироқ сиққиладилар. Буни ижодга қандай таъсир қилишини эса биз яхши биламиз. Шунинг учун, энг кўтаринки ерларда ижрони бузиб қўймаслик учун, мускулларни бўш қўйиш ҳақида қайғуриш керак. Ўз-ўзини доимо текшириб туриш ва сиққликка қарши курашиш одати артистнинг саҳнадаги нормал ҳолатига айланиб қолиши лозим. Бунга кўп машқлар ва мунтазам тренировка ёрдами билан эришиш мумкин. Шу даражага эришмоқ керакки, ролдаги кўтаринки ўринларда мускулларни бўшатиш одати, сиққликка бўлган эҳтиёжга нисбатан нормал ҳолатга айлансин, – деди Паша.

– Бунга эришиб бўлар эканми?!

– Аркадий Николаевичнинг гапига қараганда мумкин эмиш.  
«Агар қутулишнинг иложи бўлмаса, майли сиққиқлик пайдо бўла-  
версин, – деди у. Лекин унинг кетидан контролёр текшириши пай-  
до бўлсин.

Механик одатни ўзлаштиришнинг бошланишида контролёр ҳақида кўп ўйлашга ва унинг ҳаракатини бошқариб туришга тўғри келади. Бу эса диққатни ижоддан четга буради. Бироқ пирова-  
вардида мускулларни бўшатиш ёки, ҳеч бўлмаса ҳаяжонли диқ-  
қатларда унга интилиш нормал ҳолатга айланади. Бу одат синф ёки уй машқларидагина эмас, балки реал турмушнинг ўзида. саҳ-  
надан ташқарида ҳам, яъни киши ётганида, турганида, овқатлана-  
ётганида, сайр қилиб юрганида, ишлаётганида, дам олаётганида,  
хуллас, кундалик ҳаётнинг барча дақиқаларида мунтазам сурат-  
да ўзлаштириб борилмоғи лозим. Киши мускул контролёрини ўз  
физик табиатига сингдирмоғи, уни ўзининг иккинчи мижози қилиб  
олмоғи зарур. Фақат шундагина мускул контролёрни ижод пайтида  
ёрдам беради. Борди-ю, биз мускулларни бўшатиш билан фақат  
маълум вақтлардагина шуғуллансак, ҳеч қандай натижага эри-  
шолмаймиз, чунки маълум вақт билан чекланган бундай машқлар  
одатда беихтиёр механик кўникмага айланмайди.

Шустов айтганларини бажариш мумкинлигига шубҳаланиб  
қолганимни кўргач, Торцовнинг ўзини мисолга олди. Торцов  
артистликка янги қадам қўйган йилларида ҳаддан ташқари аса-  
бийлашган пайтлари мускуллари қаттиқ тортишганидан қотиб  
қолишгача етган экан. Ўзида механик контролёрни пайдо қил-  
гандан бери, ҳалигидай асабийлашган пайтлари, мускулларни  
тортиш эмас, аксинча, бўшатишга эҳтиёж туғиладиган бўлибди.

Бугун мени ҳурматли Раҳманов ҳам келиб кўрди. У Аркадий  
Николаевичнинг саломини айтгач, мен билан машқ қилиш унга  
топширилганини айтди. «Названовнинг ҳозирча қиладиган иши  
йўқ, – илова қилди Аркадий Николаевич, – ўрганиб турсин. Ҳозир  
унга боп машғулот шу».

Машқ шундан иборат эди: қаттиқ, текис ерда (масалан, пол-  
да) ётиб кераксиз тортишаётган мускуллар гуруҳини аниқлаш.

Шу машқ даврида ички туйғуларни яна ҳам равшанроқ се-  
зиш учун гавданинг сиққиқ жойларини аниқлаб, одам ўзига-ўзи:  
«Сиққиқлик елкамда, бўйнимда, курақларимда, белимда» деб  
айтиши мумкин.

Пайқалган сиқиқликни шу заҳотиёқ бирин-кетин бўшатиш ва шу билан бирга бошқаларни қидириш лозим.

Мен бу оддий машқларни Рахманов олдида қаттиқ полда эмас, юмшоқ ўрнимда қилиб кўрдим. Тортилган мускулларни бўшатиб, назаримда баданнинг оғирлиги тушаётган ерларни бўшатмадим ва шу ерларни айтдим.

«Иккала курак ва бўкса».

Бироқ, Иван Платонович эътироз билдирди.

– Ҳиндлар, азизим, худди гўдаклардай, ҳайвон болаларидек ётишни тавсия қиладилар. Худди ҳайвонлардек! – такрорлади у, ишонарлироқ бўлиши учун. – Амин бўлинг!

Шундан сўнг Иван Платонович бунинг нима учун кераклигини тушунтириб берди. Агар гўдак ёки мушук қумга тинч ётқизилса ва ёки ухлатилса-да, шундан кейин эҳтиётлик билан кўтариб олинса, бутун гавданинг шакли қумда қолади. Агар шундай тажриба катта одам билан ўтказилса, қумда унинг фақат кураклари билан бўксасининг изи қолади, холос, гавданинг бошқа жойлари эса мускулларнинг одатланган доимий сиқиқлиги туфайли қумга ботмайди ва из қолдирмайди.

Болаларга ўхшаб ётиш ва юмшоқ ерда гавданинг шаклини қолдириш учун ҳар қандай мускул сиқиқлигидан озод бўлиш керак. Бундай ҳолат гавдага жуда яхши дам беради. Бу йўсинда дам олган киши ярим ёки бир соат ичида шундай ҳордиқ чиқармоғи мумкинки, ҳатто бошқа шароитда бунга бутун кеча давомида ҳам эриша олмайди. Карвонбошилларнинг шу зайилда дам олишлари бежиз эмас. Улар саҳрода узоқ вақт дам олишлари мумкин эмас, уйқуларини мумкин қадар қисқартиришга мажбур эдилар. Узоқ дам олиш ўрнига улар баданларини мускуллар сиқиқлигидан озод қилардилар-да, бу ҳолат ҳориган организмга ором беради.

Иван Платонович ҳар куни кундузги ва кечкурунги дарс орасида шу усулдан фойдаланади. Ун минутлик дам олишдан сўнг у ўзини мутлақо тетик ҳис этади. Шундай дам олиб турмаса у кундалик қилаётган оғир ишини бажара олмаган бўлади.

Иван Платонович кетиши билан мен хонамга мушукни чақириб, танасининг шакли яхши тушсин учун диван болишларидан енг юмшоғига ётқиздим. Бўшатиш мускуллар билан қандай ётиш ва дам олишни мушукдан ўрганмоқчи бўлдим.

Аркадий Николаевичнинг «Артист ҳам худди гўдак сингари ҳамма нарсани – қарашни, юришни, гапириш ва ҳоказоларни бошидан ўрганмоғи лозим» деган сўзларини эслаб кетдим. Буларнинг ҳаммасини ҳаётда қила оламиз. Шуниси ёмонки, кўп ҳолларда биз буни табиатдагидек қила олмаймиз. Саҳнада қараш, юриш, гапиришни ҳаётга нисбатан яхшироқ, табиийроқ, нормалроқ бажаришимиз лозим. Чунки биринчидан, саҳна ёруғида нуқсонлар айниқса, яққол кўринади, иккинчидан, бу нуқсонлар актернинг умумий ҳолатига таъсир қилади».

Бу сўзлар, хойнаҳой саҳнада ётишга ҳам тааллуқли бўлса керак. Шунинг учун ҳам ҳозир диванда мушук билан бирга ётибман. Мен унга тақлид қилиш учун ухлашини кузатаётибман. Бироқ битта ҳам мускулни тортиштирмасдан баданнинг аъзоларини текисликка тегизиб ётиш анча қийин экан. Баданнинг турли ерларида тортилган мускулларни пайқаш ва аниқлаш қийин иш деёлмайман. Уни ортиқча сиққикликдан бўшатиш ҳам қийин эмас. Бироқ битта сиққикликдан қутилишинг билан иккинчиси, учинчиси ва ҳисобсиз равишда пайдо бўлавериши чатоқ экан. Баданингда рўй бераётган сиққикликлар ва тортишишларга қанчалик кўп қулоқ солсанг, улар шунчалик кўп пайдо бўлаверар экан. Шунинг билан бирга, илгари ўзингда сезмаган ҳиссиётларни сезишни ўрганиб оласан. Бу шароит борган сари янги ва янги сиққикликлар топишга ёрдам беради, аммо улар топилган сайин янгилари кўпаяверар экан. Мен қисқа муддатда орқамдаги ва бўйнимдаги сиққикликдан халос бўлишга муваффақ бўлдим. Бунинг натижасида мен жисмоний жиҳатдан тетиклик сездим дея олмайман, лекин биз хаёлимизга ҳам келмагандек қанчадан-қанча зарарли, ортиқча мускул сиққиклиги бор эканлиги равшан бўлди. Қошнинг хоинона чимирилишини эслар экансан, жисмоний сиққикликдан кўрқа бошлайсан киши. Гарчи ҳамма мускулларимни тўла бўшатишга эришолмаган бўлсам ҳам, лекин вақти-соати келиб унга эришсам, оладиган лаззатни ҳар қалай олдиндан сездим.

Ҳамма бало шундаки, мускулларимни бир-бирдан ажрата-япман. Бунда бошинг ва қўлингни қаердалигини тушунмай қолар экансан.

Бугунги машқдан ниҳоятда чарчадим.

Бунақа ётишда дам ололмайсан!

...Ҳозир ётганимда энг кучли сиқикликларни бўшатишга ва диққат доирасини бурнимгача қисқартишга эришолдим. Бош айланганда бўладигани сингари кўзим тинди ва мен мушугимга ўхшаб уйқуга кетдим. Диққат доирасини қисқартириш ва аини вақтда мускулларни бўшатиш уйқусизликдан қутулишнинг яхши чораси экан.

Бугун Пушчин келиб муштра ва тренинг ҳақида гапириб берди. Торцовнинг топшириғига биноан Иван Платонович ўқувчиларни горизонтал ҳолатдагина эмас, балки вертикал ҳолатда ҳам, яъни ўтириб, ёнбошлаб, тик туриб, чўккалаб, ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб, стул, стол ёки бошқа мебел билан турли кўринишларни машқ қилган экан. Бу ҳолатларнинг ҳаммасида ҳам ётгандаги каби ортиқча сиқилган мускулларни сезиш ва айтиб бериш керак. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай позада ҳам айрим мускулларнинг бир қадар тортилиши турган гап. Майли фақат ўша мускулларнинг ўзи тортилаверсин, лекин тинч туриш лозим бўлган қўшни мускуллар тортилмаса бўлгани. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, сиқиклик билан сиқикликнинг фарқи бор: поза учун қанча сиқиклик керак бўлса, мускуллар шунча тортилиши керак, бироқ сиқикликни ҳаддан ошириб юбориш натижасида мускулларнинг тортилиши энтикишгача бориб етиши мумкин. Бундай ортиқча уриниш позанинг ўзи учун ҳам, ижод учун ҳам гоят зарарлидир.

Дўстим Пушчин синфда бўлганларни муфассал сўзлаб бергандан кейин, машқларни ўзи билан бирга қилиб кўришни таклиф қилди. Мен, турган гап, дармонсизлигимдан ва ярамнинг очилиб кетишидан қўрқмай рози бўлдим. Шунда Жером-Жером<sup>22</sup> қаламига арзийдиган воқеа юз берди. Барваста Пушчин кучанишдан қизариб, терлаб, пишиллаб полда ётар ва энг ғайри табиий позаларни оларди. Унинг ёнида мен ориқ, новча, рангсиз бир ҳолда йўл-йўл пижамада худди цирк масхарабозларига ўхшаб ётардим. Семиз ўртоғим билан роса дўмбалоқ ошдик! Гоҳ алоҳида, гоҳ бирга ётар эдик, олишаётган гладиаторлар қиёфасига кирардик; айрим-айрим, кейин ҳайкалдаги фигураларга ўхшаб, бирга турдик; гоҳ мен турсам, у оёқларим остида мағлуб бўлиб ётар, гоҳ у туради, мен эсам қарши-сида тиз чўкардим, кейин иккимиз ибодат қилаётган кишилар қиёфасини олардик ёки жанг қилаётган икки гренадёрга ўхшаб турардик.

Бу ҳолатларнинг ҳаммасида бирор гуруҳ мускулларни доим бўшатиб туриш ва назоратнинг жадал ишлаши талаб қилинади. Бунинг учун тезда мўлжаллай оладиган, жисмоний ҳиссиётларни фарқ қиладиган ва уларни ажрата биладиган, ўргатилган диққат лозим эди. Мураккаб позада керакли ва кераксиз сиқикликларни ажратиш олиш ётгандагига қараганда қийинроқ. Кераклиларни ҳаёлда мустақамлаб олиш ва ортиқчаларини қисқартиш осон иш эмас. Бу ишда нима кераклигини ва уларни қандай бошқариш лозимлигини тушунолмайд қоласан киши.

Пушчин кетиши билан, мушукни олиб келдим. Ҳаракатларнинг эркинлигини ва майинлигини ундан бошқа кимдан ҳам ўрганиш мумкин.

Чиндан ҳам, унга ўхшатиш мумкин эмас! Бу жиҳатдан унга етиб бўлмайди.

Мен уни қай кўйга солмадим дейсиз: бошини эгдим, ёнбошлатдим, орқаси билан ётқиздим, оёғидан кўтариб осилтирдим, кейин бир йўла ҳамма ёқларидан ушлаб осилтирдим, думидан кўтардим, бу ҳолатларнинг ҳаммасида ҳам у бир дақиқага гавдасини йиғиб олиб шу заҳотиёқ керагини олиб қолиб, ортиқча сиқикликдан енгиллик билан қутулишини кўриш мумкин бўлди. Мақсадимни тушунган мушугим ҳар бир позага мослашарди ва шу вазият учун қанча куч лозим бўлса, шунча сарф этарди, кейин у керак бўлган вазиятда қанча туриш керак бўлса шунча турарди. Қандай ажойиб мослашиш! Мушук билан кўрсатаётган сеансларим вақтида бир одам тўсатдан кириб келди...

Ким деб ўйлайсиз? Бу мўъжизани қандай тушунса бўлади?

Говорков келган эди!!!

Келганига жуда хурсанд бўлдим!

Мен ўшанда ҳушимдан кетиб, қонга беланиб ётганимда, у мени ҳансираб, пишиллаб кўтариб кетаётганида қалбининг иссиқ нафасини сезгандай бўлудим. Мана ҳозир яна ўзимни шундай сездим. Мен ҳозир унинг биз ўйлагандан бошқачароқ одам эканини билдим. У Торцов ҳақида ҳар галгидан бутунлай бошқача фикр юритди ва дарснинг қизиқ ўтганини муфассал гапириб берди.

Аркадий Николаевич мускулларни бўшатиш ва позани сақлаб туриш учун лозим бўлган сиқиклик ҳақида гапириб берар экан ўз ҳаётидан бир воқеани эслабди: Римда – бир одамнинг уйида америкалпк бир аёл томонидан берилган сеансда қатна-

шишга тўғри келган экан. У аёл антик дунё санъатидан бизгача етиб келган синиқ ҳайкаллар – қўлсиз, оёқсиз, бошсиз, танаси синган-у, аъзолар бутун қолган ҳайкалларни тиклаш билан қизиқар экан. У аёл сақланиб қолган парчаларига асосан ҳайкалнинг позасини топишга ҳаракат қиларкан. Бунинг учун инсон гавдасининг мувозанатини сақлаш қонунларини ўрганиш ва шахсий тажрибасида ҳар бир вазиятда турган оғирлик марказини белгилашга одатланишга тўғри келган экан. Америкалик аёл оғирлик марказини бир нафасда усталлик билан аниқлаш машқини олган ва уни мувозанатдан чиқаришнинг сира иложи йўқ экан. Уни туртишар, йиқитишар, қоқилиб кетишга, тик туриб бўлмайдиган позада туришга мажбур қилишар, аммо аёл сира бўш келмас экан. Бу ҳам майли-я, нозиккина хотин енгил бир ҳаракат билан барваста эркакни йиқитиб юборибди. Бунга ҳам у мувозанат қонунларини яхши билганлиги туфайли эришибди. Аёл ортиқча куч сарфламай ўз рақибини мувозанатдан чиқариш ва йиқитиш учун туртиш керак бўлган ерини билар экан.

Торцов унинг санъати сирларини билолмабди. Бироқ унинг қатор тажрибаларида мувозанатни сақловчи оғирлик маркази ҳолатини топа билиш аҳамиятига тушунган. У ўз баданининг ҳаракатчанлиги, эгилувчанлиги ва мослаша олишини қай даражага етказиш кераклигини кўрибди. Бадан мускуллари фақатгина камолотга эришган мувозанат сезгисининг буйруғи билан ишлайди. Аркадий Николаевич бу санъатни ўрганишга (ўз гавдамизнинг оғирлик марказини билиб олмоққа) даъват этди.

Буни мушукдан бошқа яна кимдан ўрганиб бўлади? Шунинг учун Говорков кетганидан кейин мушук билан бажариш учун янги ўйин ўйлаб топдим: уни туртардим, итқитардим, чалқанчасига ётқизардим, хулласки, йиқитишга уринардим, лекин ҳаракатларим зое кетарди. У фақат ўзи истаган пайтдагина йиқилар эди.

...19 ...и.

Тренинг ва муштра бўйича Аркадий Николаевич синов ўтказганини Пушчин келиб гапириб берди. Бугун машқларга муҳим қўшимчалар киритилган экан: Торцов ўқувчилардан ҳар бир позани шахсан текшириб, танани сиққикликдан механик равишда бўшатишнигина эмас, балки бу текширув тасаввур тўқимаси.



берилган шарт-шароит ва «агарда»нинг ўзи билан асосланган бўлишини ҳам талаб қилган. Шу лаҳзадан бошлаб, у қуруқ поза бўлишдан тўхтади, унга актив вазифа юклатилади ва хатти-ҳаракатга айланади. Чиндан ҳам: мен қўлимни юқорига кўтараман ва ўзимга шундай дейман:

«Агарда мен шундай турган бўлсам-у, тепамда баланд шоҳда шафтоли осилиб турган бўлса, уни узиб олмоқ учун нима қилмоғим ва қандай иш тутмоғим керак?»

«Бу тўқимага ишониш билан, шу заҳотиёқ ҳаётини вазифа – шафтолини узиш учун жонсиз поза жонли позага, асл хатти-ҳаракатга айланади. Бу хатти-ҳаракатда ҳақиқатни сезишингиз биланоқ табиатнинг ўзи сизга ёрдамга келади: ортиқча сиқиклик бўшашиди, кераги эса мустаҳкамланади ва бу иш онгли техника иштирокисиз бажарилади.

Саҳнада асоссиз ғайри табиий позалар бўлмастиги лозим. Асл ва жиддий санъатда театр шартлигига ўрин йўқ. Борди-ю, шартлилик керак бўлиб қолса, уни асосламоқ лозим, у ташқи чирой учун эмас, ички мазмун учун хизмат қилмоғи зарур.

Шундан сўнг Пушкин дарсда қилинган бир неча намунали синов машқларини гапириб берди ва уларни шу ондаёқ кўрсатди. Семиз дўстим диванга жуда кулгили қилиб ётди-да, дуч келган биринчи позани олди. У гавдасининг юқори қисмини дивандан пастга осилтириб, юзини полга яқинлаштирди ва қўлини олдинга чўзди. Натижада бемаъни ва бесўнақай ҳолат пайдо бўлди. Унинг ўнғайсиз ётгани сезилиб турарди ва у мускулларининг қайси бирини бўшатиш ва қайси бирини тортишни билмас эди. У контролёрни ишга солган эди, керакли ва кераксиз сиқикликни ажратиб берди. Аммо семиз дўстим бутун мускуллар тўғри ишлайдиган эркин ва табиий позани эгаллашга муяссар бўлолмади.

У тўсатдан бақирди: «Мана келмоқдадир улуғ суварак! Тезроқ калласига туширмоқ керак» деди. Ва шу ондаёқ қандайдир нуқтага фараз қилинган суваракни **эзиб ташлаш** учун интилди ва бирданига ҳамма мускуллари табиий равишда ўз жойига тушиб тўғри ишлаб кетди. Поза асосланди, энди чўзилган қўлга ҳам, осилиб турган гавдага ҳам, диваннинг суянчиғига тиралган оёққа ҳам ишонса бўларди. Пушкин фараз қилган суваракни ўлдирётди, қотиб қолди, унинг гавда аппарати вазифани тўғри бажарётгани кўриниб турарди.

Табиат тирик организмни онг ва машҳур актёрлик техника-сига нисбатан яхшироқ бошқаради.

Бугун Торцовнинг кўрсатган ҳамма машқларидан мақсад – ўқувчиларни гавданинг саҳнадаги ҳар бир вазияти ва ҳолатида уч момент бор деган фикрга ишонтириш эди.

*Биринчиси* – ортиқча сиққлик ҳар бир янги позага кирганда ва томошабин олдига чиққанда ҳаяжондан пайдо бўлиши муқаррардир.

*Иккинчиси* – контролёр ёрдами билан механик равишда ортиқча сиққликдан қутилиш.

*Учинчиси* – агар поза артистнинг ишончини ўз-ўзидан қозон-маса, унда уни асослаш ёки унга важ топиш зарур.

Пушчин кетди. Мушук ёрдами билан мен ҳозир кўрсатилган машқларни текшириб кўрдим ва маъносига тушундим.

Бу шундай бўлди: шогирдимни ўзимга ўргатиш ниятида, ёним-га ётқизиб, эркалаб силай бошладим.

Бироқ, у, ётиш ўрнига, сакраб полга тушиди-да, орқа оёғида тик туриб, сўнгра уйнинг бурчаги томон писиб кета бошлади, афтидан ўша ерда бирор ўлжа борлигини пайқаган бўлса керак.

Унга ҳавасим келиб, ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатардим. Мушукни кўздан қочирмаслик учун циркдаги «одам-илон»га ўхшаб эгилишга тўғри келди. Боғланган касал қўлим туфайли жуда ноқулай ҳолатга тушиб қолдим. Шу заҳотиёқ, бутун гавдамда пайдо бўлган сиққликни текшириш учун контролёрни ишга солдим. Биринчи дақиқада иш жуда яхши юришди: тортишиши лозим бўлган мускулларгина тортишди. Шундай бўлиши керак эди. Ҳаётий вазифа мавжуд бўлгани туфайли табиатнинг ўзи ҳаракат қилмоқда. Лекин диққатимни мушукдан ўзимга кўчиришим билан ҳамма нарса ўзгарди қолди. Диққатим ҳар томонга тарқалди, у ер-бу еримда мускул тортишиши пайдо бўлди, лозим бўлган тортишиш кучайиб кетиб, кучаниш даражасигача етди. Қўшни мускуллар ҳам керак бўлмаганда ишга тушиб қолди. Табиий вазифа ва хатти-ҳаракат ўрнини одатдаги актёрларга хос бўлган спазма эгаллади. Ундан «мускулларни бўшатиш» ва «важ топиш» йўли билан қутилиш мумкин эди, холос.

Шу пайт оёғимдаги туфли тушиб кетди: уни кийиш ва тугмасини қадаш учун эгилдим. Касал қўлим боғланган бўлгани учун яна ўз-ўзидан қийин ва сиққ поза пайдо бўлди.

Буни мен ҳам контролёр ёрдами билан текшириб кўрдим!

Хўш нима бўлди? Бутун диққатим хатти-ҳаракатга қаратилган пайтда ҳаммаси жойида эди: поза учун керак бўлган мускул гуруҳлари кучли тортишган бўлиб, бўшатишган мускулларга ортиқча зўр бермаган эдим. Аммо диққатни ҳаракатдан четга қаратишим билан вазифа йўқолар, ўзимни жисмоний кузатишга ўтганимда ортиқча тортиш пайдо бўлар, кераклилари эса сиқиқликка айланарди.

Мана, яна бир яхши мисол, бу тасодиф хаёлимга келиб қолгандай эди. Ҳозиргина юзимни ювиб турган эдимки, қўлимдан совун сирғаниб умивальник билан шкаф ўртасига тушиб кетди. Соғлом қўлим билан совунга чўзилишга, касал қўлимни осилтириб туришга тўғри келди. Тагин ноқулай поза пайдо бўлди. Контролёрим уйғоқ бўлгани учун ўз ташаббуси билан мускулларнинг тортишишини текширар эди. Ҳаммаси жойида бўлиб чиқди: фақат керак бўлган ҳаракатлантирувчи мускул гуруҳлари тортишган эди.

«Қани шу позани атайин такрорлаб кўрайчи!» – деб ўзимга-ўзим ва такрорладим. Бироқ... совун ётган еридан олинган ва бу позага тушиш учун реал зарурият йўқ эди. Жонли вазифа йўқолди. Жонсиз поза қолди.

Мускулларнинг ишини текшириб кўрганимда, маълум бўлдики, мен уларга қанчалик онгли муносабатда бўлсам, шунчалик кераксиз сиқиқлик пайдо бўлар, уларнинг фарқига боринш ва кераклигини танлаш шунчалик қийинлашар эди.

Мана мен илгари совун ётган ерга яқин жойдаги аллақандай қора чизиққа қизиқиб қолдим. Унинг нималигини ушлаб билиш учун қўл чўздим. Чизиқ полнинг ёриғи экан. Гап чизиқда эмас, гап менинг мускулларим ва уларнинг табиий тортишишида, гамомида табиий хатти-ҳаракат қилинишида эди. Бу синовдан кейин жонли вазифа ва ҳақиқий хатти-ҳаракат (реал ёки тасаввур этилган, актёр ишонмоғи лозим бўлган, таклиф этилган шарт-шароит) ишга жон бағиштай бериши менга аён бўлди.

...19 ...й.

Диванда мудраб қолибман.

Мудроқ пайти мени нимадир безовта қилди. Нима биландир шуғулланишим керак эди... Хат жўнатишим керак эди, шеклили?.. Кимга?.. Хатни кеча юборганимни англадим... Бугун касалман, қўлимни қайтадан боғлашим керак...

Йўқ, қўлни боғлаш ўз йўли билан... Ҳа... Пушчин келувди, ниманидир айтувди... Мен ёзиб олмадим... Жуда муҳим гап эди. Ҳа, эсимга тушди. Эртага... Отеллонинг генерал репетицияси... Ноқулай ётиб қолибман... Тушунарли, ҳаммаси равшан бўлди...

Иккала елкам аллақандай мускулларнинг тортишиши натижасида уюшиб қолипти... Шунчалик қаттиқ уюшибдики, ёзолмайсан киши... Контролёр эса гавда бўйлаб қидириб юрибди... ва мени уйғотмоқда. Уф, худога шукур, бўшашдим! Бутунлай бўлак таянч нуқтасини топдим, қулайлик пайдо бўлди. қандай яхши, қанчалик соз... Ўзим ётган юмшоқ диванга янада чуқурроқ ботиб кетгандай бўлдим. Мана тағин бир нарсани унутдим. Ҳозиргина эсимда эди, бироқ негадир унутдим.

Ҳа... Тушунаман, бу контролёрнинг, йўқ, инспекторнинг, мускуллар инспекторининг иши... Инспектор сўзи салобатлироқ. Тағин бир секундга уйғондим ва орқамда сиқиклик борлигини сездим. Фақат орқамдагина эмас, елкаларим ҳам... чап оёғимнинг бармоқлари ҳам тортишиб қолган.

.....  
Шундай қилиб, чала уйқуда ўзимдаги сиқикликни контролёр ёрдамида қидириб кўрдим. Ҳозир буларни ёзаётганимда ҳам улар тўхтамай ишлаяпти.

Кеча Пушчин келганда ҳам худди шундай англаб бўлмас безовталиқ пайдо бўлганди. Учунчи кунни доктор келишидан аввалроқ умуртқа поғонамдаги сиқикликдан ҳатто ўтириб қолишимга тўғри келди. Ўтирган эдим, қўйиб юборди.

Бу нимаси? Менда доимо сиқиклик пайдо бўлаверадими? Тўхтовсиз-а? Нега илгарилари бундай бўлмасди? Сезмагандирман, чунки, у вақтда менда ҳали контролёр йўқ бўлган бўлса керак? Демак, у энди яратилди. Ёки ундан ҳам аниқроқ айтганда: у ишлаб тургани учун илгари сезмаган янги-янги сиқикликларни топаялманми? Ёки бу эски абадий сиқикликларми, мен ўзимда онгли равишда энди сеза бошладимми? Ким айтиб берди?

Шуниси шубҳасизки, менинг қалбимда, илгари бўлмаган... янги бир нарса пайдо бўлаяпти.

...19 ...й.

Шустовнинг гапига қараганда Торцов ҳаракатсиз бажариладиган машқлардан кейин жистга ўтибди ва ўқувчиларни бу ишга мана шундай жалб этиб, қуйидагича яқун ясабди.

Дарсни залда ўтказишибди.

Ҳамма ўқувчиларни худди кўриқдан ўтадигандай сафга те-ришибди. Торцов уларга ўнг қўлларини кўтаришни буюрибди ва ҳаммалари бир кишидай, буйруқни бажарибдилар.

Қўллар худди шлагбаум сингари аста кўтарилибди. Аини вақтда Рахманов ҳамманинг елка мускулларини ушлаб кўриб: «Ярамайди, бўйинни, куракни бўшатиш. Қўллар тортишиб ётибди» дер экан.

«Қўл кўтаришни билмайсизлар» дебди Торцов. Кўринишдан бизга берилган вазифа жуда осон бўлса ҳам, бироқ ҳеч ким уни бажаролмади. Ўқувчилардан елка ҳаракатини бошқарувчи бир гуруҳ мускулларнинг «ажралган» ҳаракати талаб қилинади, қолган бўйин, курак, айниқса, бел мускуллари – ҳар қандай сиқиқликдан холи бўлишлари керак эди. Маълумки, булар қилинаётган ҳаракатга ёрдам бериш учун кўпинча гавдани кўтарилаётган қўлнинг қарши томонига оғдиради.

Мускулларнинг бу ошиқча, туташ сиқиқлиги Торцовга роялнинг босганда бир-бирига тегиб кетадиган бузуқ клавишларини эслатибди. Бунда «до» нотасида унга туташган, «си» ва «до-дизз» кўшилиб жаранглайди. Бундай асбобда чалинган мусиқа жуда хушоҳанг бўлса керак! Агар бизнинг ҳаракатимиз роялнинг бузуқ клавишларини эслатса, ундан чиққан мусиқа ҳам кўп соз бўлса керак. Бундай шароитда бизнинг ҳаракатимиз, мойланмаган машинанинг ҳаракатига ўхшаб ноаниқ чиқиши ажабланарли эмас. Ҳаракатлар роялнинг жаранглаган оҳанги каби равшан бўлмоғи зарур. Бусиз рол ҳаракатининг шакли беўхшов бўлади, унинг ички ва ташқи ҳаётининг тасвири эса аниқ ва бадиий бўлмайди. Туйғу қанчалик нозик бўлса, у ўзининг жисмоний ифодасида шунчалик равшанликни, аниқликни ва нафисликни талаб қилади.

– Бугунги дарсдан менда шундай таассурот қолдики, – давом этди Шустов. – Аркадий Николаевич гўё механик каби ҳаммамизнинг муруватларимизни бўшатиб, ҳаммамизни қисм-қисмларга ажратди, суяқларимизни, бўғинларимиз ва мускулларимизни бўлак-бўлак қилиб, уларнинг ҳаммасини ювиб тозалади, мойлади ва яна жой-жойига қўйиб, бураб маҳкамлади. Бугунги дарсдан кейин мен ўзимни ихчамроқ, эпчилроқ, жозибалироқ сезяпман.

– Тағин нималар бўлди? – сўрадим Шустовнинг ҳикоясига қизиқиб.

– Биздан, – деб эслади Паша, – мускулларнинг «ажратилган» айримларини – елка, қўллар, курак ёки оёқ ҳаракати вақтида бошқа мускулларнинг бутунлай бўш ҳолда қолмоғини талаб қилдилар. Мана, масалан, қўллар елка мускуллари гуруҳи ёрдами билан кўтарилганда ва улар керагича сиққиқликда бўлган вақтида, тирсак, бармоқлар ва бўйин пастга эгилган ҳолда қолмоғи лозим ва уларни ҳаракатлантирувчи мускуллар эса мутлақо эркин, бўшатилган бўлиши керак албатта.

– Бу талабни бажаришга муваффақ бўлодиларингми? – қизиқдим мен.

– Ростини айтсам, йўқ, – иқрор бўлди Паша. – Келажакда машқ натижасида ҳосил бўладиган ҳиссиётларни олдиндан пайқадик, сездик, холос.

– Сиздан талаб қилинган нарса шу қадар қийинми, – тушунолмадим мен.

– Бир қарашда енгил. Бироқ ҳеч биримиз вазифани қойил қилиб бажара олмадик. Бу вазифа махсус тайёргарликни талаб қилади. Начора! Ўзингни: жону-танингни бутунлай санъат ёки тўғрироғи, табиатнинг талабига кўра қайтадан қуришга ва унга мослашишга тўғри келади. Ахир санъат табиат билан боғлиқ нарса-ку. Бизнинг табиатимизни турмуш ва унинг ёмон одатлари бузади. Турмушда сезилмайдиган камчиликлар ёруғ саҳнада сезилиб қолади ва томошабин кўзига яққол ташланади.

Бу тушунарли ҳол, албатта: саҳнада инсон ҳаёти, худди фотография диафрагмаси орқали кўринганидай, тор саҳна рамкаси ичида кўринади. Театр порталига киритилган бу ҳаётга биноклдан миниатюрага қарагандек, лупа орқали қарайдилар. Бунда ҳар бир детал, ҳар қандай майда тафсилот ҳам томошабин эътиборидан четда қолмайди. Агар ҳаётда тўппа-тўғри, шлагбаум сингари кўтарилаётган қўлларни кўрганда бир амаллаб чидаш мумкин бўлса, саҳнада уларга тоқат қилиб бўлмайди. Улар одамнинг қомадини ёғоч ҳайкалга айлантириб қўяди. Бундай актёрларнинг юраги ҳам қўли сингари ёғочдан қилингандек туюлади. Агар бунинг устига умуртқа ҳам тарновдек чўзилса борми, гапнинг очиги одам эмас, «хода» бўлиб қолади. Бундай «хода» нимани ҳам кўрсата олади? Қандай кечинмаларни кечиради?

Пашанинг айтишича, бугунги дарсда энг оддий вазифани – елка мускулларининг тегишли гуруҳи ёрдамида қўлни кўтариш

машқини бажаролмаптилар. Худди шундай тирсакни, панжани, бармоқларнинг биринчи, иккинчи, учинчи бўғинлари ва бошқаларини эгиш машқи ҳам муваффақиятсиз чиқибди. Бу гал ҳам айрим қисмларнинг ишида бутун қўл ҳаракатлангирилибди. Торцов, ҳамма машқларни, қўлнинг эгиладиган қисмларини елкадан бармоқларга қараб ва, аксинча, бармоқлардан елкага қараб изчиллик билан ҳаракат қилдиришни таклиф қилганда, натижа яна ҳам муваффақиятсизроқ чиқибди. Масала равшан. Бу эгишлардан ҳар бирини алоҳида бажаришга эришмагандан кейин, барча ҳаракатларни ҳам бирин-кетин, мантиқий изчиллик билан бажариш яна ҳам қийинроқ-да.

Шуниси ҳам борки, Торцов бу машқларни кўрсатар экан, уларни шу ондаёқ бажаришга қистамасди. У фақат Раҳмановнинг тренинг ва муштрадан ўтказадиган навбатдаги машғулоти учун кўрсатмалар берарди. Шу сингари машқлар бўйин билан (уни ҳамма ёққа буриб кўришда), умуртқа суяги, бел, оёқлар ва айниқса Торцов бадан кўзлари деб атаган қўл панжалари билан ҳам қилиб кўрилибди.

Пушчин келди. У шундай мулойим эдики, Шустовнинг оғзаки тушунтирганларини амалда кўрсатиб берди. Унинг гимнастикаси кулгили эди. Айниқса, умуртқа суягини поғона бўйича, гардандан бошлаб, белдан пастки қисмигача эгиш ва тиклаш машқи жуда кулгили чиқди. Дўстим Пушчиннинг миқти гавдаси эгилганда бадан гўштлири у ёқдан-бу ёққа силжиб, ҳаракатни майинлаштираётгандай туюларди. У қўлини умуртқа суягигача етказиб, ҳар бир поғонасини биттадан ушлаб кўрганга ишонмадим. Бу кўринишдан осон, аммо бажариш қийин иш. Мен умуртқа суягимнинг белимдан юқориги учтасига қўл тегизишга муяссар бўла олдим. Ахир умуртқа поғонамизнинг йигирма тўртта ҳаракатчан суяги бор.

Шустов билан Пушчин кетишди. Навбат мушгумга келди.

Мен у билан ҳазиллаша бошладим ва унинг хилма-хил, ниҳоятда қийин, айтиб бўлмайдиган вазиятларини кузатиб турдим.

Ҳайвонлар ҳаракатидаги гармония ва баданидаги камолот инсон учун эришиб бўлмайдиган нарсадир. Ҳеч қанақа техника ёрдами билан мускулларни бошқаришда бундай камолотга эришиш мумкин эмас. Бундай эпчиллик, аниқликни ҳаракат ва поза эркинлиги ҳамда майинликни фақат табиатгина ярата олади. Гўзал мушукчам сакраганда, ўйнаганда ёки эшик тирқишидан

чиқиб турган бармоғимга ташланганида хотиржамликдан яшин тезлигидаги ҳаракатга кўчади. Уни пайқаб олиш ҳам қийин. Шу билан бирга, у кучини жуда тежаб сарф қилади ва тақсимлайди. Мушук ҳаракатга ёки сакрашга тайёрланар экан, у ўз кучини беҳуда, ортиқча сиқикликка сарфламайди. Ҳал қилувчи моментда ҳаракат марказига йўналтириш учун зарур бўлган кучнигина ўзида йиғиб туради. Шунинг учун ҳам унинг ҳаракатлари аниқ, чиройли ва кучли. Енгиллик, ҳаракатчанлик, дадиллик ва мускуллар эркинлиги биргаликда жуда чиройли гавда ҳаракатини ҳосил қилади, мушуклар зотига кирувчи ҳайвонларнинг бу билан машҳур бўлиши бежиз эмас.

Ўзини синаш ва мушук билан беллашиш ниятида Отелломнинг «Йўлбарсларча» юришини қилиб кўрдим. Биринчи қадамдаёқ, беихтиёр ҳамма мускулларим тортишди, кўрик спектаклидаги ҳолатимни аниқ эсладим ва асосий хатомни тушундим. Ўз баданининг сиқиклигига дучор бўлган одам, ўзини эркин ҳис этолмайди ва саҳнада тўғри яшай олмайди. Роялни кўтариб турганда, яъни бадан сиқиклигида сонларни бир-бирига кўпайтиришни қийин бўлгач. Отеллодек мураккаб ролнинг нозик психологиясини, нафис ички туйғуларини яратиш қандай қилиб осон бўлсин! Торцовнинг кўрик спектаклида берган сабоғи мен учун бир умрга етади. У мени ҳеч қачон саҳнада қилмаслик керак бўлган ишни, ўзимга ишонган ҳолда қилишга мажбур қилган эди.

Аксини кўрсатиб исбот қилиш жуда ишонарли ва оқилона йўл эди.



Бугунги машғулотимиз томоша залида ўтди. У ерга киришимиз билан кўзимиз БЎЛАКЛАР ВА ВАЗИФАЛАР деб ёзилган катта шиорга тушди.

Аркадий Николаевич ўқишимиздаги ғоят муҳим босқичнинг бошланиши билан табриклади ва бўлаklar нималигини, пьеса ёки рол қандай узвий қисмларга бўлинишини тушунтира бошлади.

Гапирган гаплари ҳар галгидай тушунарли ва қизиқарли эди. Шунга қарамай, ёзувни Торцовнинг дарсидан эмас, балки дарсдан сўнг юз берган ва Аркадий Николаевичнинг айтганларини яна ҳам яхшироқ тушунишга ёрдам берган ҳодисадан бошладим.

Гап шундаки, мен бугун биринчи марта дўстим Пашанинг тоғаси машҳур Шустовнинг уйида бўлдим.

Овқат пайтида машҳур артист жиянидан ўқишлар ҳақида сўради. У ҳам бизнинг ишимиз билан қизиқар экан. Паша «Бўлаklar ва вазифалар» деган янги босқичга ўтганимизни айтди.

– Шпондяни танийсизларми? – сўради чол.

Шустовнинг болаларидан бирига Торцовнинг ашаддий мухлиси, Шпондя деган кулгили фамилияли ёш муаллим драматик санъатдан дарс бераркан. Шу сабабли барча ўспирин-у, болалар бизнинг терминологиямизни ўрганиб олишибди. Сехрли «агарда», «тасаввур тўқимаси», «чинақам хатти-ҳаракат» ва ҳали менга номаълум бўлган терминлар болаларнинг кундалик тилига кириб қолибди.

– Шпондя кун бўйи ўргатгани-ўргатган! – деб ҳазиллашди буюк артист, олдимизга пиширилган катта куркани қўйишаётганда. – Бир марта у бизникига келган эди. Худди шунақа таом тортилганди. Менинг бармоғим оғриётганлиги туфайли куркани тўғраб, ҳамманинг олдига қўйиш вазифасини унга юкладим.

– Болалар! – деб мурожаат қилди Шпондя менинг тимсоҳларимга қараб. – Фараз қилинг, бу курка эмас, балки, беш пардали бутун бир пьеса, масалан, «Ревизор» деяйлик. Буни бутунлайин бирданига ҳазм қилиб бўладими? Эсларингда бўлсин, курка гўшти у ёқда турсин, ҳатто беш пардали «Ревизор»га ўхшаган пьесани ҳам бирданига ҳазм қилиб бўлмайди. Бинобарин, уни энг йирик бўлаklarга бўлиш лозим. Мана бундай... Мана бундай...»

Шустов тоға шу сўзларни айтар экан, курканинг оёқларини, қанотларини, гўштарини тарелкага майдалаб қўйди.

– Мана сизларга дастлабки катта бўлақлар, – деди Шпондя. – Турган гап, менинг ҳамма тимсоҳларим тишларини тиржайтириб, гўштни бирданига ютиб юбормоқчи бўлдилар. Бироқ биз юхтобларни ушлаб қолдик. Шпондя бу ибратли мисолдан фойдаланди. Эсларингда бўлсин, катта бўлақларни бирданига еб бўлмайди. Шунинг учун уларни майдароқ бўлақларга бўлмоқ керак. Мана... Мана... Мана... – дер эди Шустов курканинг қанотларини майдалар экан.

– Тарелкангни чўз, тимсоҳ, – катта ўғлига мурожаат қилди у. – Мана сенга катта бўлақ. Бу биринчи саҳна.

– «Сизларни чақирришдан мақсад, жаноблар, сизга жуда хунук хабарни айтмоқчиман...» Цитата келтирди бола, тарелкасини чўза туриб ва овозини йўғон қилишга сунъий равишда уриниб.

– Евгений Онегин, иккинчи бўлақни, почта мудури билан бўлган саҳнани ол, – мурожаат қилди буюк артист кичик ўғли Женяга. – Князь Игорь, шоҳ Федор мана сизларга Бобчинский ва Добчинский саҳнаси, Татьяна Репина, Екатерина Кабанова, Марья Антоновна ва Анна Андреевнанинг саҳналарини олинглар, – ҳазиллашарди Шустов, болалар чўзиб турган тарелкаларга гўшт солар экан.

– «Бирданига енглар!» – деб буюрди Шпондя, – деб давом этди тоға. – Нима бўлди денг-а!.. Менинг очиққан тимсоҳларим овқатга ташландилар ва ҳаммасини бирданига ютиб юбормоқчи бўлдилар.

Ҳали гапириб улгурганича ҳам йўқ эдики, улар оғизларига катта-катта бўлақларни тиқдилар, биттасига тиқилиб қолди, иккинчиси хириллай бошлади. Хайрият, бу иш яхшилик билан тугади.

«Эсларингда тутинглар, – деди Шпондя, – катта бўлақни уддасидан чиқолмас экансан, уни майда, ундан ҳам майда бўлақларга бўл, агар лозим бўлса яна майдала». Яхши! Яна ҳам майдалаб оғизларига солдилар-да, чайнай бошладилар, – деб ўзи қилаётган ҳаракатларни тасвирлай бошлади Шустов тоға.

– Онаси! Гўшт қаттиқ ва қуруқ экан! – деб у кутилмаганда хотинига мурожаат қилди ғамгин бир қиёфада.

– «Агар танлаган бўлагинг қуруқ бўлса, – болалар Шпондя сўзларига асосан ўрганишарди. – Уни тасаввурнинг гўзал тўқимаси билан жонлантир».

– Мана, дадажон, сеҳрли «агарда»дан пиширилган қайлани олинг, – ҳазил қилди Евгений Онегин, отасига кўкат солинган қайладан кўя туриб. – Бу сизга муаллиф томонидан... «берилган шарт-шароит».

– Мана бу, дадажон, режиссёрдан, – деб ҳазиллашди Татьяна Репина ҳам хрен сола туриб.

– Мана бу актёрнинг ўзидан аччиқроқ бўлсин, – мурч таклиф қилди ҳазиллашиб шоҳ Фёдор.

– Яна ҳам аччиқроқ бўлсин учун «сўл» оқимдаги рассом горчичасини қабул қилгайсиз? – таклиф қилди отасига Катя Кабанава.

Шустов тоға тарелкасига солинган ҳамма нарсани вилкаси билан қориштирди ва курка гўштини майдалаб, қайлага аралаштира бошлади. У гўшт бўлаклари қайлага яхшироқ аралашсин учун, яна ҳам яхшилаб қориштира бошлади.

– Иван Грозний, такрорла! – деб Евгений Онегин кенжа-тойни ўргатишда давом этди. – «Бўлак»...

– Бў-бў.... – деб хурсанд бўлиб гапира бошлади.

– Бўлаklar «тасаввур тўқимаси» қайласидан идишларига солиб оладилар.

– «Тасаввур тўқимасининг» қайласи жуда мазали экан, – дер эди Шустов, майдаланган гўшtlарни ҳамон аччиқ қайлага аралаштирар экан. – Мазаси оғзингдан кетмайди. Бу қайла ҳатто мана бу тагчармни ҳам еса бўладиган қилиб кўяди, – деб у яна давом этди хотинини изза қилар экан. – Рол бўлаklарига ҳам худди мана шу йўсинда, мана бундай қилиб, берилган шарт-шароитни иложи борича кўпроқ сингдириб олмоқ лозим. Бўлак канчалик қуруқ бўлса, шунчалик кўп қайла керак, қанча қуруқ бўлса, шунча қайла.

Энди қайлани шимиб олган майда бўлаklарни бир жойга уямиз ва...

Уларни оғзига солди-да, узоқ вақт лаззатланиб чайнади, юзига қарасанг кулгинг қистарди.

– Мана «эҳтиросларнинг чинлиги», – театр тилида ҳазил қилишди болалар.

Мен Шустовлар уйдан кетар эканман, бўлаklar тўғрисида ўйлар эдим. Гўё менинг бутун умрим майда бўлаklarга бўлиниб кетганга ўхшарди.

Бу томонга қаратилган диққат бўлаklarни беихтиёр турмушнинг ўзидан ва ундаги хатти-ҳаракатдан қидираар эди. Масалан, улар билан хайрлаша туриб, ўзимга-ўзим «бу бир бўлак», дедим. Зинадан тушаётиб, бешинчи поғонага етганимда бошимга бир фикр келди: пастга тушишни бир бўлак деб санаш керакми. ёки ҳар бир зинапоя биттадан бўлак ҳисобланадими?! Бундан натижада нима чиқади? Шустов тоға учинчи қаватда туради, уларни-кига чиқиш учун камида олтмишта поғона бор... бинобарин, олтмиш бўлакми?! Шундай экан, тротуарда қўйилган ҳар бир қадамни ҳам бир бўлак деб ҳисоблаш керакми? Жуда кўпайиб кетар экан!

– Йўқ, – қарор қилдим мен ўзимча – зинадан тушиш бир бўлак, уйга кетишдаги йўл иккинчи бўлак. Кўча эшиги қалай бўлди? Мана уни очдим. Бу нима, битта бўлакми ёки кўпми? Майли кўп бўла қолсин. Бу сафар зиқналик қилмасам ҳам бўлади, чунки бошида катта қисқартишлар қилиб юбордим.

*Шундай қилиб, мен пастга тушдим – икки бўлак.*

*Эшикнинг рўчқасини ушладим – уч бўлак.*

*Уни тортдим – тўрт бўлак.*

*Эшикнинг тавақасини очдим – беш бўлак.*

*Остонадан ўтдим – олти бўлак.*

*Эшикни ёпдим – етти.*

*Рўчқани қўйиб юбордим – саккиз.*

*Уйга кетдим – тўққиз.*

*Ўткинчини туртиб юбордим...*

*Йўқ, бу бўлак эмас, тасодиф.*

Магазин витринаси олдида тўхтадим. Ҳозир қандай қилиш керак? Ҳар бир китоб сарлавҳасини ўқишни ҳам алоҳида бўлак ҳисоблаш керакми ёки кўргазмага қўйилган молларни кўриш битта бўлакми?

– Бир бўлак ҳисоблайвераман.      Ўн.

Уйга келиб, кийимларимни ечиб, умивальник олдида бориб қўлимни совунга чўзарканман санадим:

*икки юз етти.*

*Қўлимни ювдим – икки юз саккиз.*

*Совунни жойига қўйдим – икки юз тўққиз.*

*Совун кўнигини сув билан ювдим – икки юз ўн.*

Нихоят, ўрнимга ётиб кўрпага буркандим – икки юз ўн олти.

Бу ёғи қандай бўлди? Хаёлимга турли фикрлар кела бошлади. Наҳотки уларнинг ҳар бирини янги бўлак ҳисоблаш керак бўлса? Мен бу саволга жавоб тополмадим, бироқ шундан кейин ўйлаб қолдим: «Борди-ю, шундай ҳисоб билан беш пардали «Отелло» трагедияси санаб чиқилса, бўлақлар минг-минглаб чиқса керак. Наҳотки уларнинг ҳаммасини эслаб қолиш лозим бўлса? Жинни бўлиб қолиш, адашиб кетиш мумкин! Сонини чеклаш зарур. Қандай қилиб? Нима билан?»

...19 ..й.

Бугунги биринчи имкониятдан фойдаланиб, Аркадий Николаевичдан кўп сонли бўлақлар тўғрисида сўрадим. У шундай жавоб қилди:

– Бир лоцмандан «Узоқ йўл давомида қирғоқнинг бурилиш жойларини, саёз жойларни, сув ости қояларини қандай эслаб қололасиз?» деб сўрабдилар.

– Менинг улар билан ишим йўқ, – жавоб берибди. лоцман, – мен фарватер (кемалар юра оладиган чуқур жой) бўйлаб бораман.

Актёр ҳам ўз ролида мутлақо ёдда сақлаб бўлмайдиган, саноқсиз бўлақчалар бўйлаб бормай (буларни эслаб қолиш мумкин эмас), ижодий йўл бўйлаб катта-катта, хусусан, муҳим бўлақлар бўйлаб бормоғи лозим. Бу катта бўлақларни фарватернинг чизиғи кесиб ўтадиган участкаларга ўхшатиш мумкин.

Юқорида айтилганидек, Шустовнинг уйдан кетишингизни кинода тасвирлаб бериш керак бўлиб қолса, сиз ҳаммадан бурун ўзингиздан: «Мен нима қиляпман?» – деб сўрашингиз лозим.

«Уйимга кетаяпман».

Демак, уйга қайтиш биринчи ва асосий бўлак ҳисобланади.

Лекин йўлда тўхташлар, витринани кўздан кечиришлар бўлди. Бу пайтда сиз юрганингиз йўқ, аксинча, бир жойда туриб, бошқа иш қилгансиз. Шунинг учун витрина томошасини янги мустақил бўлак деб ҳисоблаймиз. Шундан кейин сиз яна йўлингизда давом этгансиз, яъни ўзингизни биринчи бўлагингизга қайтгансиз.

Нихоят, уйингизга келдингиз ва ечина бошладингиз. Бу сиз кечирган кундаги янги бўлакнинг бошланишидир. Ётиб хаёл сура

бошлаганингизда тагин янги бўлак пайдо бўлган. Шундай қилиб, сизнинг икки юз бўлагингиз ўрнига, биз атиги тўртта бўлак санадик: худди мана шулар фарватер ҳисобланади.

Бирлаштириб олинганда бу бўлаklar асосий бош бўлакни, яъни уйга қайтишни ташкил қилади.

Энди бошланғич биринчи бўлакни – уйга қайтишни фараз қилайлик, сиз кетяпсиз, кетяпсиз, кетяпсиз... Бошқа ҳеч нима қилмайсиз. Иккинчи бўлакни – витринани томоша қилиш бўлагини кўрсатишда сиз турибсиз, турибсиз, яна турибсиз – бошқа иш йўқ. Учинчи бўлак тасвирида сиз ювинасиз, ювинасиз, тўртинчи бўлакда ётаверасиз, ётаверасиз ва ётаверасиз. Албатта, бундай ўйин зерикарли, бир хилда чиқади, режиссёр эса сиздан ҳар бир бўлакни айрим ҳолда батафсил ривожлантиришингизни талаб қилади. Бу уларни узвий, яна ҳам майдароқ бўлаklarга бўлишни, ривожлантиришни, тўлдиришни, ҳар бирини бутунлай тафсилотлари билан аниқ кўрсатишни талаб қилади.

Борди-ю, янги бўлаklar ҳам бир хил бўлиб кўринса, унда сизга уларни ўрта, кичик бўлаklarга бўлишга тўғри келади. Кўчадаги юришингиз шу хатти-ҳаракатга хос типик тафсилотларни – танишлар билан учрашганингизни, таъзимларни, ён-атрофда кечаётган воқеаларни, тўқнашиш ва ҳоказоларни акс эттириши лозим. Акс ҳолда бу ҳаракатларни қайтара беришга тўғри келади. Ортиқларини олиб ташлаб, кичик бўлаklarни энг катта бўлаklarга қўшсангиз, «фарватер»ни (ёки схемани) яратган бўласиз.

Торцов шундан сўнг Шустов тоға овқат маҳалида гапирган гапларини тушунтира бошлади. Шунда биз Паша билан улуғ артист иккаласи курка гўштининг катта бўлаklarини кичик бўлаklarга бўлганини, уларни «Тасаввур тўқимасининг косасидаги қайлага» аралаштирганини, кейин вилка билан қайлага қорганини, кейин майда бўлаklarни бир жойга тўплаб, улардан катта бўлак ясаганини, оғзига солганини ва чайнаганини эслаб бир-биримизга қараб кулиб қўйдик.

– Шундай қилиб, – якун ясади Аркадий Николаевич, – энг катта бўлаklarдан ўрта бўлаklarга, ўртадан кичикка, кичикдан энг кичик бўлаklarга уларни яна қайтадан қўшиб, энг катта бўлаklarга қайтмоқ лозим.

– Пьеса ва ролни бўлаklarга бўлишга фақат вақтинчалик чора сифатида йўл қўйилади. – огоҳлантирди Торцов. – Пьеса ва

рол узоқ вақт бундай бурдаланган, майдаланган ҳолда қололмайди. Синган ҳайкал, йиртилган суратнинг парчалари қанчалик гўзал бўлмасин, барибир бадий асар бўлолмайди. Биз кичик бўлақлар билан фақат тайёргарлик давридагина тўқнашамиз, ижод пайтида эса улар катта бўлақларга қўшиладилар. Бунда уларнинг ҳажми максимумга, сони минимумга келтирилади: бўлақлар қанчалик йирик бўлса, сони шунчалик оз бўлади, оз бўлгандан сўнг, улар ёрдамида бутун пьеса ва ролни яхлитлигича қамраб олиш энгил бўлади.

Ролни анализ қилиш ва ўрганиш учун майда қисмларга бўлиш процесси тушунарли, аммо қандай қилиб уларни бир бутун ҳолга келтириш мумкинлиги тушунарли эмас.

Мен бу ҳақда Аркадий Николаевичга айтган эдим, у шундай деб тушунтирди:

– Фараз қилайликки, сиз мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган кичкина этюдни юз бўлақка бўлдингиз ва кўплигидан бўлақларни чалкаштириб юбордингиз, яхлитликни йўқотдингиз, лекин ҳар бир бўлақни алоҳида ҳолда яхши ўйнаяпсиз. Бироқ оддий ўрамчик этюд бу қадар мураккаб ва ички мазмуни жиҳатидан бунчалик чуқур бўлиши, бунинг устига юзта асосий ва мустақил бўлақларга бўлиниши мумкин эмас. Ҳойнаҳой уларнинг кўпчилиги такрорланса ёки бир-бирига ўхшаб қолса керак. Ҳар бир бўлақнинг ички моҳиятига тушуниб етганингиздан кейин, айтайлик, биринчи, бешинчи бўлақлар, ўнинчидан ўн бешинчигача, йигирма биринчи ва ҳоказо бўлақлар битта маънони бераётганига тушунасиз: айтайлик, иккинчидан тўртинчигача, олтинчидан тўққизинчигача, ўн биринчидан ўн тўртинчигача ва ҳоказо бўлақларнинг бир-бирига ўхшашлигини кўрасиз. Натижада юзта майда бўлақ ўрнига иккита катта маъноли бўлақ ҳосил бўлади, улардан усталик билан фойдаланиш мумкин.

Бундай вазиятда чалкаш этюд оддий, осон ва тушунарли бўлиб қолади. Қисқасини айтганда, яхши ишланган катта бўлақларни артистлар осон ўзлаштиради. Бутун пьеса бўйлаб қўйиб чиқилган бундай бўлақлар биз учун фарватерлик вазифасини бажаради: у бизга тўғри йўлни кўрсатиб туради ва хавфли саёзликлардан, сув остидаги қоя тошлардан, пьесанинг адашиб қолиш мумкин бўлган мураккаб чигилларидан ўтказиб кўяди.

Афсуски, кўп артистлар бусиз иш кўрадилар. Улар пьесани қисмларга ажратиб таҳлил қилишни билмайдилар ва шунинг учун

жуда катта маъносиз бўлақлар билан иш кўришга мажбур бўладилар. Бўлақлар кўплигидан артист адашиб кетади ва ҳиссий яхлитликни йўқотади.

Бундай артистлардан ибрат олманг, пьесани бекордан-бекор майдалаб ташламанг, ижод моментига кичик бўлақлар орқали борманг, балки фарватер йўлини энг катта, яхши ишланган ва узвий қисмида жонлантирилган бўлақлар устида ўтказинг!

Бўлақларга бўлиш процессининг техникаси жуда осон. Бунинг учун ўзингизга: «Ўзир таҳлил қилинаётган пьеса нималарга асосланади!» деб савол беринг ва шундан кейин уни бўлақларга бўлмай, асосий этапларини эслай бошланг. Фараз қилайлик, Гоголнинг «Ревизор»ини ишляпмиз. Бу пьеса нимага асосланади?

– Ревизорга. – деди Вьонцов.

– Ёки тўғрироғи, Хлестаков эпизодларига, – илова қилди Шустов.

– Тўғри, – эътироф қилди Аркадий Николаевич. – Бироқ, масала биргина Хлестаковда эмас-да. Гоголь тасвирлаган фожиа комедия воқеаси учун мос келадиган шароит лозим. Бу шароитни пьесада шаҳар ҳоқимига, Земляникага, Ляпкин-Тяпкинга ўхшаган муттаҳамлар, Бобчинский билан Добчинскийга ўхшаган ғийбатчилар яратадилар. Бундан келиб чиқадики, «Ревизор» пьесаси фақатгина Хлестаковсиз эмас, балки «уч йил от чопганинда ҳам бирон мамлакатга етолмайдиган» бу шаҳарнинг оми фуқаросига ҳам асосланади.

– Яна нималарга асосланади?

– Аҳмоқона романтизмга, провинцияли танноз Марья Антоновнага асосланади. Шу туфайли бутун шаҳарда алғов-далғов бошланади. – деди кимдир.

– Яна нимага асосланади? – сўрашда давом этди Торцов.

– Синчков табиатли почта мудирига, эҳтиёткор Осипга, порахўрликка, Тряпичкиннинг хагига, чинакам ревизорнинг келишига. – эслай бошлашди ўқувчилар бир-бирини бўлиб.

– Сизлар ҳозир пьесани юқоридан туриб, асосий эпизодлар бўйича кўриб чиқдингиз ва шу билан бирга, «Ревизор»ни узвий ва таркибий қисмларга ажратдингиз. Улар пьеса ташкил топган асосий йирик бўлақлар ҳисобланади.

Бўлақларни анализ қилиш учун ҳар бир ўрта ва кичик бўлақлар яна худди шундай майда қисмларга бўлинади. Бу бўлақлар йиғиндиси кейин бориб энг катта бўлақларни ҳосил қилади.



Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бўш авторларнинг хом пьесаларига ўзининг хусусий (режиссёрлик ёки актёрлик) бўлакларини ҳам киритишга тўғри келади. Бу ўзбошимчалик зарурият тугайли қилинган учун кечириш мумкин. Лекин ўздан қўшишни яхши кўрадиганлар ҳам борки, улар қўшимчани мутлақо кераги бўлмаган гениал, монолит классик асарларга ҳам киритаверадилар. Киритилаётган бўлакнинг асар хусусиятига ўхшашлиги бўлса ҳам бир нав. Кўпинча бундай бўлиб чиқмайди: ажойиб пьесанинг тирик баданида бутун пьесани ўликка айлантирадиган бегона эт пайдо бўлади.

Дарснинг охирида, бугун қилинган ҳамма ишга баҳо берар экан. Аркадий Николаевич шундай деди:

– Артист учун бўлакларнинг нақадар аҳамиятли эканини ўз вақтида тажрибада биласизлар. Ёмон ишланган ва ёмон таҳлил қилинган, аниқ бўлакларга бўлинмаган ролни саҳнада ўйнаш жуда азоб. Бундай спектаклни ўйнаш қийин, артист учун ғоятда зерикарли ва бундай пьеса ўз салобати билан ҳаммани кўрқитади ва жуда узун бўлиб туюлади. Яхши тайёрланган пьесада ўзини бутунлай бошқача сезасан, киши. Грим қила туриб, фақат энг яқин, галдаги бўлак ҳақида ўйлайсан, аммо бутун пьесага ва унинг асосий мақсадига бу бўлак алоқадор бўлади. Биринчи бўлакни ўйнаб бўлиб, диққатингни иккинчисига ўтказасан ва шу тахлитда давом этаверасан. Бундай спектакл енгил бўлиб туюлади, мен шунақа иш тўғрисида ўйлаганимда, мактабдан уйига қайтаётган ўқувчи эсимга тушаверади. Агар йўлнинг олислиги уни кўрқитса, нима қилишини биласизми? Ўқувчи тош олиб, бор кучи билан олдинга қараб отади ва... ташвишга тушиб, «топмай қўймайман», деб қидириб бораверади. Топгач, хурсанд бўлади ва янги ғайрат билан ўша тошни яна ҳам узокроққа отади ва яна ташвишланиб қидира бошлайди. Узок йўл бу хилда қисмларга бўлинганлиги тугайли унутилади ва натижада уйга бориб, яхши дам олажани эслаб, масофа тўғрисида ўйламай қўяди ва уни сезмайди.

Сизлар ҳам ўз ролларингиз ва этюдларингизда бир катта бўлақдан иккинчисига ўтинг, туб мақсадни эрдан чиқариб қўйманг, у ҳолда сизларга соат саккизда бошланиб ярим кечада тугайдиган трагедия ҳам қисқа бўлиб туюлади.<sup>23</sup>

– Пьесани бўлақларга бўлиш таҳлил қилиш ва асарни ўрганиш учунгина эмас, балки бундан ташқари яна ҳам муҳимроқ мақсад учун – ҳар бир бўлақнинг ички моҳиятини билиш учун ҳам керакдир, – деб тушунтирди Аркадий Николаевич бугунги дарсда.

Гап шундаки, ҳар бир бўлақда ижодий вазифа жойлашган бўлади. Вазифа ўз бўлагидан узвий равишда келиб чиқади ёки аксинча ўзи бўлақни келтириб чиқаради.

Биз пьесага тааллуқли бўлмаган бўлақни зўрлаб киритиш мумкин эмаслигини гапириб ўтган эдик, бундай ишни вазифалар билан ҳам бажариб бўлмайди. Улар ҳам бўлақлар каби, бир-биридан мантиқий равишда, изчиллик билан келиб чиқмоғи лозим.

Уларнинг орасида узвий боғланиш борлиги туфайли бўлақ тўғрисида илгари гапирилган ҳамма гапларни вазифаларга ҳам татбиқ қилса бўлади.

– Шундай экан, демак, катта, ўрта, кичик, муҳим иккинчи даражали вазифалар мавжуд. Уларни бир-бири билан бирлаштироқ мумкин. Демак, вазифалар ҳам фарватер йўлини ҳосил қилар экан-да, – деб мен ҳам бўлақлар ҳақида билганларимни эслай бошладим.

– Шу вазифаларгина фарватер йўлини машғал сингари ёритиб, ҳар бир участкада адашиб кетишга йўл қўймайди. Бу – ролнинг артист ижод вақтида таянадиган асосий этапларидир.

– Вазифа?! – чуқур мулоҳаза юрита бошлади Вьонцов. – Арифметикада... Вазифалар! – Бу ерда ҳам... Вазифалар! Ўлай агар бирор нарса тушунсам! Яхши ўйнаш – мана буни вазифа деса бўлади! – деди у.

– Ҳа, бу бутун умримизнинг энг катта вазифаси! – тасдиқлади Торцов. – Бунинг учун қанчадан-қанча иш қилмоқ керак! Ўйлаб кўринглар-а: мактабнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи курсни тамомлаш керак. Ахир бу вазифа эмасми? Рост, ҳали бу буюк артист бўлиб етишишдек катта вазифа эмас!..

Ҳар бир курсни битириш учун неча марта мактабга келиш, қанчадан-қанча дарсларни тинглаш, уларни тушуниш ва ўзлаштириш керак. Эҳ-ҳе, ҳали қанчадан-қанча машқлар қилмоқ керак! Ахир булар вазифа эмасми? Ҳар бир курсни битиришга нис-

батан кичикроқ, албатта. Ҳар куни мактабга келмоқ учун қанча марта ўз вақтида уйғонмоқ, ўз вақтида турмоқ, ювинмоқ, кийинмоқ, кўчада югурмоқ керак. Булар ҳам вазифалар, лекин яна ҳам кичикроқ вазифалардир.

– Ювинмоқ учун. неча марта совунни олмоқ, қўлга, юзга суртмоқ керак! – эслади Вьюнцов. – Неча марталаб костюм, шим киймоқ тугмаларни солмоқ лозим!

– Буларнинг бари вазифадир, бироқ энг кичик вазифа, – туншунтирди Торцов.

Ҳаёт, кишилар, шароитлар; биз ўз олдимизга ва бир-биримизга қатор қийинчиликлар қўямиз ва улардан, чангалзордан ўтгандек, ўтиб борамиз. Бу ғовларнинг ҳар бири вазифани ва уларни энгиб ўтиш учун лозим бўлган ҳаракатни келтириб чиқаради.<sup>24</sup>

Одам ҳаётининг ҳар бир дақиқасида нимадир истайди, нимагадир интилади, ниманидир энгиб чиқади. Шунга қарамай, кўпинча, агар одамнинг мақсади улкан бўлса, бутун умри давомида бошлаган ишини тугатолмай ўтиб кетади.

Каттакон, оламшумул, умуминсониятга оид бўлган вазифалар бир одам томонидан эмас, балки авлодлар ва асрлар томонидан бажарилади.

Саҳнада бу каттакон умуминсоний вазифалар Шекспирга ўхшаган гениал шоирлар ва Мочалов, Томазо Сальвини каби гениал артистлар томонидан бажарилади.

Саҳна ижоди улкан вазифаларни қўя билишдан ва уларни бажармоқ учун чинакам, унумли, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдан иборатдир. Хулоса шуки, агар илгариги кўрилган тийёргарлик тўғри бўлган бўлса, у ўзидан-ўзи келиб чиқаверади.

Кўпчилик актёрларнинг хатоси шундаки, улар хатти-ҳаракат тўғрисида ўйламай, фақат унинг натижаси ҳақида ўйлайдилар, унга интилаверадилар. Натижани бундай ошириб ўйнаш ҳунарга олиб келади, зўриқишга мажбур этади.

Саҳнада натижаларни ошириб ўйнамасликка, балки вазифаларни чинакамига унумли, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат билан бажаришга ўрганинг ва одатланинг. Ўз вазифаларингизни севишингиз ва улар учун актив хатти-ҳаракат топа билишингиз керак. Мана, масалан, ҳозир ўзингизга бир вазифани ўйлаб топинг ва уни бажаринг, – деб таклиф қилди Аркадий Николаевич.

Биз Малолеткова билан чуқур мулоҳаза юритар эканмиз, олдимизга Шустов келиб, шундай таклиф қилди:

– Фараз қилайлик, икковимиз ҳам Малолетковани севамиз ва иккимиз Малолетковадан хотин бўлишни таклиф қилганмиз. Агар шу воқеа чин бўлганда нима қилган бўлардик?

Аввало бизнинг трио ўзига хос мураккаб шарт-шароитларни белгилаб олди, уларни хатти-ҳаракатни вужудга келтирувчи вазифаларга, бўлақларга бўлиб чиқди. Унинг активлиги сусайганда, биз янги вазифалар яратувчи «агарда»ни ва «берилган шарт-шароитни» киритиб турдик. Бу вазифаларни бажариб туриш керак эди. Бу узлуксиз туртки натижасида биз доимий банд бўлдик. Ҳатто парда кўтарилганини ҳам сезмай қолибмиз. Парданинг орқасида бўш сўрилар, кечқурунги спектакл учун деворларга тахлаб қўйилган декорациялар тайёр турган экан.

Аркадий Николаевич саҳнага чиқиб, машқларни яна бир синаб кўришимизни буюрди. Биз унинг айтганини қилдик. Ўйинимиз тамом бўлгандан кейин Торцов:

– Дастлабки дарсларимиздан бирида мен худди шундай бўш саҳнага чиқиб ҳаракат қилинглар, деганим эсингиздами? Шунда сизлар айтганимни бажара олмагандингиз, саҳнада ҳеч қандай иш қилолмай, сандираклаб юргандингиз, образ ва эҳтиросни ошириб ўйнагандингиз. Бугун эса жиҳозсиз, мебел қўйилмаган, буюмлар йўқ саҳнада бўлишингларга қарамай, кўпчилигингиз ўзингизни эркин, енгил ҳис этдингиз. Хўш, нима ёрдам қилди? – деб сўради.

– Ички, фаол вазифалар ёрдам қилди, – дедик биз Паша билан.

– Ҳа, – тасдиқлади Торцов. – Улар артистни тўғри йўлга солади ва уни ошириб ўйнашдан сақлаб қолади. Вазифа артистга саҳнага чиқиш, у ерда ролнинг ҳаётига монанд бўлган ҳаёт билан яшаш ҳуқуқини беради.

Афсуски, бугунги тажриба бунга ҳаммани ишонтиролмади, чунки бугун ҳам баъзи ўқувчиларнинг вазифалари хатти-ҳаракат учун эмас, балки вазифани бажариш учун бажаришди. Шунга кўра улар дарров актёрчасига – юзаки «қилиқ» қилишга ўтиб олди. Веселовский билан шундай бўлди. Бошқаларнинг, масалан, Вельяминовнинг вазифаси жуда юзаки, ўзига-ўзи маҳлиё бўлишга яқин эди. Говорковнинг вазифаси ҳар галгидек ўз техникаси билан ҳаммани қойил қолдиришдан иборат эди. Булар ҳам натижа беролмайди ва чинакам хатти-ҳаракатни эмас, балки юзаки ҳаракатни яратади. Пушчиннинг вазифаси дуруст эди, бироқ жуда сермулоҳазали, адабий бўлди. Адабиёт – яхши нарса, бироқ у актёрлик санъати эмас.

Бугун Аркадий Николаевич:

– Саҳнавий вазифалар жуда турли-тумандир. Бироқ уларнинг ҳаммаси биз учун керак ва фойдали эмас: кўплари зарарлидир. Шунинг учун, артистлар вазифанинг сифатини ажрата билишлари, ёмонларидан қочиб, керакли ва фойдалиларини топа билишлари лозим. – деди.

– Уларни қандай белгисидан ажратиб олса бўлади? – тушуниб олмоқчи бўлдим мен.

– «Керакли вазифалар» деганимда мен қуйидагиларни назарда тутамаман:

1. Аввало томошабин томонидаги, яъни у томондаги вазифаларни эмас, биз томондаги, актёрлар турган саҳна вазифаларини. Бошқача қилиб айтганда, партердаги томошабинларга қаратилган вазифани эмас, пьесага алоқаси бўлган партерга, бошқа ролни бажарувчига хос вазифани.

2. Ролнинг вазифаларига монанд бўлган артист – одамнинг вазифаларини.

3. Санъатнинг асосий мақсади бўлган ролдаги инсоннинг руҳий ҳаётини яратиш ва бадиий ифодалашга ёрдам берувчи ижодий ва бадиий вазифаларни.

4. Актёрларга хос шартли, ўлик, гавдалантирилаётган шахсга алоқаси бўлмаган, томошабинларни лақиллатиш каби вазифаларни эмас, ролда илгари суриладиган чинакам инсоний, жонли, актив вазифаларни.

5. Артистнинг ўзини, партнерларни, томошабинларни ишонтира оладиган вазифаларни.

6. Асл кечинма процессини қўзғатишга қобил бўлган қизиқарли, тўлқинлантирувчи вазифаларни.

7. Бажарилаётган рол учун типик бўлган аниқ вазифаларни; тахминан эмас, драматик асарнинг мағзи билан боғланган вазифаларни.

8. Пьесанинг сиртида ётган майда вазифалар эмас, ролнинг ички моҳиятига жавоб берадиган мазмундор вазифаларни.

Энди сизларни ишимизда кенг тарқалган ва хавфли бўлган, бевосита ҳунарга олиб борадиган механик, тушунмай-нетмай бажариладиган актёрлик вазифаларидан эҳтиёт қилиш қолди.

– Шундай қилиб. – деб ҳазиллашдим мен, – сиз фақат ташқи ва ички, яъни жисмоний ва психологик вазифаларни тан олар экансиз-да?

– Элементар-психологик вазифаларни ҳам, – қўшимча қилди Торцов.

– Бу қанақа вазифалар? – тушунмадим мен.

– Тасаввур қилинг: уйга кирасиз, қўлингизни бериб, бошингизни қимирлатиб мен билан саломлашасиз. Бу одатдаги механик вазифа. Бунга психологиянинг алоқаси йўқ.

– Қандай қилиб! Демак, саҳнада саломлашиш мумкин эмас экан-да? – ҳайрон бўлди Вьюнцов.

Аркадий Николаевич уни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

– Саломлашиш мумкин, лекин механик равишда севиш, азоб чекиш, нафратланиш ва жонли, инсоний вазифаларни сиз яхши кўрадиган усулда ҳеч қандай кечинмасиз механик равишда бажариш мумкин эмас.

Бўлак пайтларда, – тушунтиришда давом этди Аркадий Николаевич, – қўлингизни чўзиб, панжаларини қисиб, кўз қарашингиз билан севги ҳисларингизни, ҳурмат ва эҳтиромингизни изҳор қилишга ҳаракат қиласиз. Бу вазифа ва унинг бажарилиши бизга одат бўлиб қолган бўлса-да, унда қисман психология ҳам иштирок этади. Бундай вазифалар бизнинг тилимизда элементар – психологик вазифалар деб аталади.

Мана бу учинчи ҳодисага киради. Фараз қилайлик: кеча орамизда жанжал чиқди. Мен сизни кўпчилик олдида ҳақорат қилдим. Бугун бўлса, учрашган пайтимизда, олдингизга бориб, қўлингизни қисгим ва шу билан кечирим сўрагим, айб менда ва ўтган гапни унутишингизни иштайман дегим келарди. Кечаги рақибга қўл бериш осон иш эмас, бинобарин, кўп нарсани ўйлаб чиқишим, ҳис этишим ва бу вазифани бажаришдан бурун кўнглимдаги кўп нарсаларни енгимиз лозим.

Бундай вазифани психологик вазифа, деб аташ мумкин, вазифа бўлганда ҳам анча мураккаб вазифа.

Дарснинг иккинчи ярмида Аркадий Николаевич шундай деди:

– Вазифа қанчалик тўғри бўлмасин, унинг энг муҳим ва асосий хусусияти артистнинг қизиқишида ва жалб қила билишидадир. Вазифа ёқимли ва жозибадор бўлиши керак, токи артистда уни бажариш истаги уйғонсин. Бундай вазифа жозибадор кучга эгадир. У магнит сингари, артистнинг ижодий эркинлигини ўзига тортади.

Артист учун зарур ва турли хусусиятларга эга бўлган ва-  
зифаларни биз ижодий вазифалар деб атаймиз. Ундан ташқари  
вазифаларнинг тушунарли, енгил бажариладиган бўлиши ҳам  
катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда улар артист табиатини зўрлайди.  
Мана, мисол учун Бранд пьесасида сиз яхши кўрган «Йўргак»  
саҳнасидаги вазифангиз нимадан иборат?

– Инсониятни қутқариб қолиш, – жавоб қилди Умнових.

– Мана кўрдингизми! Бундай катта вазифани бажариш би-  
рорта одамнинг қўлидан келармикан? Енгилроқ, вазифани –  
аввалига жисмоний, аммо қизиқарли вазифани олинг.

– Бу... жисмоний... вазифанинг нимаси қизиқ? – ёқимли  
илжайиш билан тортинибгина мурожаат қилди Умнових.

– Кимга қизиқ экан? – қайтариб сўради Аркадий Николаевич.

– Томошабинларга, – жавоб қилди уятчан психологимиз.

– Томошабинларнинг ташвишини қилманг. Ўзингизни ўй-  
ланг, – жавоб берди Торцов. – Агар ўзингиз қизиқиб кетсан-  
гиз, томошабин ҳам сизга эргашиб бораверади.

– Менга ҳам... бунинг... қизиғи йўқ. Мен психологик  
вазифани... бажарсам... дуруст бўларди.

– Ҳали улгурасиз. Психологияга ва бошқа вазифаларга чу-  
қур кириб бориш сизга ҳали эрталик қилади. Вақт-соати  
билан уларга ҳам етасиз. Ҳозирчалик энг оддий жисмоний вазифа  
билан қаноатланиб туринг. Ҳар қандай вазифани ҳам  
қизиқарли қилиш мумкин.

– Ахир минг қилганда ҳам... жонни тандан ажратиб бўлмай-  
ди. Қориштириб юбориш... Хато қилиш... Қарабсизки...  
Хижолатда қолиб, уқдирар эди Умнових.

– Худди ўзи! Мен ҳам шуни айтаяпман, – маъқуллади  
Торцов.

– Ҳар бир физик, ҳар бир психологик вазифада ва унинг  
бажарилишида иккаласи ҳам иштирок этади. Мутлақо ажратиб  
бўлмайди. Фараз қилайлик, Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери»  
пьесасида сиз Сальерини ўйнашингиз керак. Моцартни  
ўлдиришга қасд қилган Сальерининг психологияси жуда мурак-  
каб: қадаҳни олишга журъат этиш, унга вино қуйиш, заҳар  
солиш ва ўз дўсти ва яратган мусиқаси билан завқланган зако-  
ват эгасига тутиш оғир иш. Ахир булар жисмоний хатти-ҳара-  
катлар-ку. Аммо уларда қанча психология бор! Ёки, тўғрироқ  
қилиб айтганда, буларнинг ҳаммаси мураккаб психологик хат-

ти-ҳаракатлардир, буларда қанча жисмоний хатти-ҳаракат бор! Мана сизга энг оддий жисмоний хатти-ҳаракат, чунончи, бир одамнинг олдига бориб, юзига тарсаки туширишингиз керак. Аммо буни бажариш учун олдин қанча мураккаб кечинмаларни бошингиздан ўтказишингиз керак! Вино қуйилган қадаҳ ва тарсаки тушириш билан боғлиқ бўлган бир қатор жисмоний ҳаракатлар қилиб кўринг, уларни берилган шарт-шароит ва «агарда» билан асосланг, шундан кейин, жисмоний соҳа қаерда тамом бўлиб, руҳий саҳна қаерда бошланишини аниқланг. Буни бажариш осон эмаслигини ва чалкаштириб юбориш мумкинлигини кўрасиз. Аммо сиз бундан қўрқманг, бирини – бирига аралаштира беринг. Жисмоний ва психологик вазифалар ўртасида аниқ чегара йўқлигидан фойдаланинг. Вазифани танлаганда жисмоний ва руҳий табиат орасидаги чегарани кескинлаштиришга уринманг. Буни тахминан, айтайлик, ўз сезгиларингизга асосан қилинг ва бунда жисмоний вазифа томонга кўпроқ майл кўяверинг. Хато қилсангиз ҳам майли. Бу нарса ижод пайтида фойда беради.

– Нима учун бундай аниқ хато фойдали бўлар экан? – ҳайрон бўлдик биз.

– Чунончи, шу хато туфайли, туйғунгизни чўчитиб юбормайсиз, бу хато сизни ички зўриқишдан ҳимоя қилади. Жисмоний вазифанинг тўғри бажарилиши, сизга тўғри руҳий ҳолат яратишга ёрдам қилади. У жисмоний вазифани руҳий вазифага айлантиради. Юқорида айтганимдай, ҳар қандай жисмоний вазифани психологик жиҳатдан асослаш мумкин.

Ҳозирча фақат жисмоний вазифалар билан иш кўрамыз деб шартлашиб олайлик. Улар энгилроқ, тушунарлироқ ва бажаришга осонроқдир. Уларни ошириб ўйнаш хавфи камроқ. Вақт-соати билан биз психологик вазифалар ҳақида ҳам гапиришамиз, ҳозирчалик сизларга ҳамма машқларингизда, этюдларингизда, пьесалардан олинган парчаларда, ролларингизда, аввало жисмоний вазифани ахтаришингизни маслаҳат кўраман.<sup>25</sup>

...19 ...и.

Навбатда муҳим масалалар турибди. Бўлакдан вазифани қандай келтириб чиқариш мумкин. Бу процесс психотехникасининг вазифаси таҳлил қилаётган бўлакларга уларнинг ички моҳиятини ифодалайдиган номлар ўйлаб топишдан иборатдир.



– Исм қўйиш маросимининг нима кераги бор? – киноя қилди Говорков.

Бунга Аркадий Николаевич бундай деди:

– Бўлакнинг ички моҳиятини аниқлайдиган муваффақиятли топилган яхши ном қандай аҳамиятга эга, биласизми?

Ном бўлакнинг синтези, қиёмидир. Уни топмоқ учун, бўлакни қандни қайнатиб новвот қилган каби қайнатиш лозим, унинг ички мағзини йиғиб олиб, кристаллаштирмоқ ва олинган «кристалга» мос ном топмоқ лозим. Артист керакли сўзни ахтарар экан, айни вақтда бўлакни текшира бошлайди, уни ўрганади, кристаллаштиради ва синтезлаштиради. Номни ахтараётганингда вазифанинг ўзини топасан.

Бўлакнинг моҳиятини аниқловчи тўғри ном унда ётган вазифани ҳам очиб беради.

Бу ишни тажрибада кўрмоқ учун, уни ҳеч бўлмаса «Бранд»-даги «йўргак» парчасида қилиб кўрамыз. – деди Аркадий Николаевич. – Дастлабки икки бўлак, икки эпизодни олиб кўрамыз. Уларнинг мазмунини эслатаман.

Руҳоний Бранднинг хотини Агнес ягона фарзандидан жудо бўлади. Ундан ёдгор қолган йўргак, кўйлак, ўйинчоқлар ва бошқа буюмларни у ҳасрат-надомат билан кўздан кечирмоқда. Ҳар бир буюм онаизорнинг кўз ёшларидан ҳўл бўлади. Хотиралар юракни тилка-пора этмоқда. Бахтсизликнинг сабаби зах ва ифлос жойда яшашлари бўлган. Она ўз вақтида – бола касаллигидаёқ, эридан бу жойдан кетишни сўраб ёлворганди. Аммо Бранд ўтакетган мутаассиб, ўз ғоясига содиқ бўлганидан оиласининг бахт-саодати йўлида руҳонийлик вазифасидан кетишни истамади. Бу уларнинг боласидан айрилишига сабаб бўлди.

Иккинчи бўлак – эпизод мазмунини эслатиб қўяй. Бранд кириб келади. У ўзи учун ҳам, Агнес учун ҳам азоб чекмоқда. Бироқ мутаассиблик бурчи уни шафқатсиз бўлишга мажбур қилади ва у ўлган боласининг буюмлари ва ўйинчоқларини дўли хотинга ҳада қилишга хотинини кўндирмоқчи бўлади: чунки бу буюмлар Агнеснинг ҳудожўйлигига, унга содиқлигига ҳалал етказиши мумкин эди.

Энди иккала бўлакнинг ички моҳияти, мағзини чақинг ва бунинг учун уларнинг ҳар бирига муносиб ном ўйлаб топинг.

– Бунинг ўйлаб ўтирадиган нимаси бор? Ҳаммаси равшан. Биринчи вазифанинг номи – она меҳри ва иккинчи вазифанинг номи, ҳўш, мутаассибнинг бурчи. – деди Говорков.

– Майли, шундай бўлақолсин. – рози бўлди Торцов. – Мен кристаллаштириш процессининг тафсилотларига тўхтаб ўтирмайман. Бу ишни биз пьеса ёки рол устида ишлаганимизда батафсил ўрганамиз.

Ҳозирча вазифага исм қўймасликларингни маслаҳат кўраман. Уни бўлакни номлаш учун сақлаб қўйинг, саҳнавий вазифани эса албатта, феъл билан аниқлаш лозим.

– Нима учун? – ҳайрон бўлдик биз.

– Бу саволга жавоб беришингиз учун ёрдамлашаман, фақат шартим бор, ҳозиргина от билан аталган, яъни: 1) она меҳри ва 2) мутаассибнинг бурчи дейилган вазифани амалда бажариб кўришинглар лозим.

Буни Вьонцов билан Вельяминова бажарадиган бўлишди. Вьонцов қовоғини солиб, кўзларини чақчайтирди-да, қаддини ростлаб ғоз туриш қилди. Шундан кейин полда шахдам юриб, товони билан ер депсиниб, дўриллаб «умуман» қандайдир бурчни ифодалаш билан ўзини қатъий, кучли, жасур қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Вельяминова ҳам «умуман» меҳрибонлик ва муҳаббатни ифодалашга уриниб, бачкана қилиқлар қилди.

– Қандай деб ўйлайсизлар, – деди Аркадий Николаевич, уларнинг ўйинини кўриб бўлгач, – исм билан белгиланган вазифаларингизни бажарар экансиз, бирингизни ҳукмрон одамнинг образини, иккинчигизни – эҳтиросли она муҳаббатини ўйнаш жалб этмадими? Сизлар ҳукмдор ва муҳаббат эгаси бўлиб туюлдингиз, аслида эса бўлоганингиз йўқ. Сабаби исмлар тушунча, маълум ҳолат, образ, кўриниш ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

От бу тушунчаларни фақатгина образли ёки расмий равишда белгилайди, активликка, хатти-ҳаракатга ундамайди. Ваҳоланки, ҳар бир вазифа албатта актив бўлмоғи лозим.

– Бироқ, мени кечиринг, отни кўрсатиш, тасвирлаш, ифода-лаб бериш ҳам мумкин, у ҳам ҳаракатдан иборат, – деб баҳс-лашди Говорков.

– Ҳа, хатти-ҳаракат, аммо бизнинг санъатимиз, саҳна-миз талаб қилган чинакам, унумли, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат эмас, балки бу актёрлик, тақдирнинг хатти-ҳаракатдир. Бундай ҳаракатларнинг бизга кераги йўқ, театрдан қувиб чиқарамиз.

Энди вазифа номини феъл билан алмаштирганимизда нима бўлишини кўра-миз, – давом этди Аркадий Николаевич.

– Бу қандай қилинади? – тушунтириб беришини сўрадик.  
– Бунинг оддий йўли бор, – деди Торцов, – чунончи, феъл-ни аташдан илгари, ўзгарувчи отнинг олдига «истайман»: «Нима... қилишни истайман» деган саволни қўйинг.

Бу процессни мисолда кўрсатишга ҳаракат қилиб кўраман. Фараз қилайликки, тажриба «ҳокимият» сўзи устида ўтказилипти. Унинг олдига «истайман» сўзини қўйинг. «Ҳокимиятни истайман» бўлади. Бундай истак ҳаддан ташқари умумий ва реал эмас. Уни жонлантирмоқ учун аниқроқ мақсад киритинг. Агар у сизга қизиқарли бўлиб кўринса, кўнглингизда уни бажармоқ учун интилиш ва эҳтиёж пайдо бўлади. Худди ана ўшани, ички моҳиятини очадиган, унга мувофиқ ном қўйинг. Бу – от ҳосил қилувчи ҳаракатсиз тушунчани эмас, балки жонли, актив вазифани белгиловчи феъл бўлади.

– Сўзни қандай топиш мумкин? – деб сўрадим ментушунолмай.

– Бунинг учун ўзингизга бундай денг: «Ҳокимиятни қўлга олмоқ учун... нима... қилишни истайман?» деган саволга жавоб беринг, шунда қандай хатти-ҳаракат қилишингиз кераклигини билиб оласиз.

– Ҳукмрон бўлмоқни истайман, – Вьонцов ўйлаб ўтирмай гапирди-қўйди.

– Бўлмоқ сўзи турғун ҳолатни белгилайди. Унда актив вазифа учун зарур бўлган ҳаракат йўқ, – уқтирди Аркадий Николаевич.

– Ҳокимиятни олмоқ истайман, – аввалги гапини тўғрилади Вельяминова.

– Бу бир қадар активликка яқин, лекин ҳар ҳолда ҳаддан ташқари умумий ва бирданига бажариб бўлмайди. Дарвоқе, мана бу стулга ўтирингда «умуман» ҳокимиятни олишни истаб кўринг. Аниқроқ, яқинроқ, реал бажариш мумкин бўлган вазифа керак, кўриб турибсизки, бунинг учун ҳар қанақа феъл ҳам ярайвермайди, ҳар қанақа сўз актив, унумли хатти-ҳаракатга келтирмайди. Вазифанинг номини танлай билиш лозим.

– Бутун инсониятни бахтиёр этмоқ учун ҳокимиятни қўлга киритишни истайман, – кимдир таклиф қилди.

– Бу чиройли жумлагина холос, аммо унинг бажарилишига ишониш қийин, – эътироз билдирди Аркадий Николаевич.

– Мен ҳокимиятни ҳаёт лаззатига қониш учун, иззат-ҳурматда бўлиш учун, шахсий истакларимни бажармоқ учун, ўз

иззат-нафсимни қондирмоқ учун олишни истайман. – тўғрилади Шустов.

– Бу истагингиз ҳақиқатга яқинроқ ва у енгилроқ амалга ошади, аммо уни бажармоқ учун сизга олдин бир қатор ёрдамчи вазифаларни ҳал қилишга тўғри келади. Бундай асосий мақсадга бирданига эришиб бўлмайди, унга аста-секин, худди юқори қаватга зинапоядан чиқиб боргандай бормоқ керак. У ерга бир ҳатлаб чиқа олмайсиз. Сиз ҳам, ўз вазифангизга олиб борадиган ҳамма зиналардан ўтинг, бу зиналарни санаб чиқинг.

– Мен кишиларда ўзимга нисбатан ишонч туғдирмоқ учун ишчан, доно бўлиб кўринишни истайман. Бирор иш қилиб кўзга кўринишни, хушомадгўйлик билан мақсадимга етмоқни, ҳамманинг эътиборини қозонмоқ ва ҳоказоларни истайман.

Шундан сўнг Аркадий Николаевич «Бранд» пьесасидаги «Йўрғак» саҳнасига қайтди ва ҳамма ўқувчиларни ишга тортмоқ учун шундай таклиф киритди:

– Ҳамма эркалар ўзини Бранд деб ҳис этсин ва унинг вазифасига ном ўйлаб топсин, унинг руҳий ҳолатини тушунсин. Хотинларга келганимизда, улар Агнеснинг вакиллари бўлсин. Уларга аёл кишининг ва она муҳаббатининг нозик томонлари кўпроқ яқин.

Бир, икки, уч! Синфдаги эрка ва хотинлар ўртасида мусобақа бошланди!

– Агнес устидан ҳукмрон бўлишни, уни қурбон қилишни, уни қутқариш ва эзгу йўлга солишни истайман.

Жумламни ҳали айтиб тугатганим ҳам йўқ эдики, хотинлар менга истаклари билан ёпиридилар.

– Марҳумни ёд этгим келяпти!

– Унга яқинлашмоқни, у билан гаплашмоқни истайман!

– Даволашни, эркалашни, унинг кўнглини олмоқни истайман!

– Уни тирилтирмоқни истайман! Марҳум кетидан боришни, унинг яқинлигини сезишни, уни буюмлар орасида кўришни истайман! – Уни тобутдан чиқармоқни истайман! – Уни ёнимга қайтармоқни истайман! Унинг ўлимини унутишни истайман! – Ғам-ҳасратимни босишни истайман!

Малолеткова бир жумлани ҳаммага қараганда қаттиқроқ бақариб айтар эди.

– Ундан ажралмасликни истайман!

– Шундай экан, курашганимиз бўлсин. – ўз навбатида эълон қилди эркаклар. – Агнеснинг кўнглини кўтариб, ўзимга оғдириб олишни истайман! – Эркалатишни истайман! – Мен унинг азоб-укубатлар тортаётганини сезиб турганимни унга билдирмоқни истайман! Мен, у ўз бурчини бажаргандан сўнг бўладиган шодликларини кўз ўнгида гавдалантиришни истайман. – Унга инсоннинг улуғ вазифаларини тушунтиришни истайман.

– Ундай бўлса. – деб бақирар эди аёллар. – ўз оқ-фарёдим билан эримнинг кўнглини юмшатишни истайман! Менинг кўз ёшларимни кўришни истайман!

– Унга яна ҳам қаттиқроқ ёпишиб олиб, қўйиб юбормасликни истайман! – бақирарди Малолеткова.

Унга жавобан эркаклар: – Инсоният олдидаги масъулият билан кўрқитишни истайман! – Жазо ва ажралиш билан кўрқитишни истайман! – Бир-биримизни тушунишнинг иложи йўқлигидан мушкул аҳволда қолганимизни билдирмоқни истайман!

Бу даҳанаки жанг давом этар экан, янги-янги фикрлар ва туйғулар пайдо бўлар, улар ўзларини аниқлаш учун тегишли феълларни талаб этар эдилар, феъллар эса ўз навбатида, ички эҳтиёжни активлаштирарди.

Хотинларни ишонтириш учун роса курашдим, ақлим, туйғум ва иродам айтиб турган ҳамма вазифалар тугаган пайтда қалбимда бутун бир саҳна ўйналгандай ҳиссиёт пайдо бўлди. Бу ҳолат ижодий қаноат ҳосил қиларди.

– Танланган вазифаларнинг ҳар бири маълум хатти-ҳаракатни келтириб чиқаради. – деди Аркадий Николаевич. – Баъзи бировлар, яъни хусусан табиатан актив кишилар учун ўлганни эслашни истайман, деган вазифа туйғуни камроқ ифодалайди; уларга бошқа вазифа: ёпишиб олиш ва қўйиб юбормасликни истайман деган вазифа керак бўлади. Нимага ёпишиб оласиз ва қўйиб юбормайсиз? Буюмларга, хотираларга, ўлик ҳақидаги фикрларгами? Борди-ю, сиз бу вазифани бошқаларга айтсангиз, улар буларга эътибор бермайдилар ҳам. Ҳар бир вазифа кишини қизиқтирмоғи ва ҳаяжонга солмоғи керак...

Ҳозир менга берган «Нега вазифани от билан эмас, балки, албатта феъл билан белгилаш керак?» деган саволингизга, менимча ўзингизни тажрибада жавоб беришга мажбур қилдим.

Ҳозирчалик бўлақлар ва вазифалар ҳақида сизларга айтадиган гапим шу. Қолганини вақти келганда, санъатимиз ва унинг психотехникаси тўғрисида кўпроқ билиб олганларингизда, бўлақ ва вазифаларга бўлиш мумкин бўлган пьеса ва роллар бўлганда айтиб бераман.

## VIII. ҲАҚИҚАТ ТУЙҒУСИ ВА ИШОНЧ

Дарс шиор билан бошланди. Унда ҲАҚИҚАТ ТУЙҒУСИ ВА ИШОНЧ деб ёзилган эди.

Дарс бошлангунча ўқувчилар Малолеткованинг саҳнада йўқолиб қолган пуллик сумкачасини қидириш билан банд бўлгандилар.

Тўсатдан Аркадий Николаевичнинг овози эшитилди. У партердан бизни анчадан бери кузатиб турган экан.

– Ёритилган рампа ўз олдида бўлаётган ишларни қанчалик яхши кўрсатади. Ахтараётган вақтингизда самимий қайғурдингиз, ҳаммаси ҳақиқат бўлди, ҳаммасига ишонса бўларди, кичик жисмоний вазифалар аниқ бажарилди: улар аниқ ва равшан бўлди, диққат кучли жалб қилинди; ижод учун зарур бўлган элементлар тўғри ва ҳамкорликда ҳаракат қилди... Қисқаси, саҳнада ҳақиқий санъат пайдо бўлди, – деб у кутилмаганда яқун ясади.

– Йўқ... санъат деманг? Воқелик, ҳақиқий воқелик, сизнинг сўзингиз билан айтганда «бўлган воқеа» юз берди, – эътироз билдирди ўқувчилар.

– Қани, шу «бўлган воқеани» тақрорланг-чи.

Биз сумкани илгариги жойига қўйдик ва бир бор топилган, энди эса қидиришнинг мутлақо ҳожати бўлмаган нарса-ни ахтаришга киришдик. Турган гап, бундан ҳеч нима чиқмади.

– Йўқ, бу гап мен на вазифани, на ҳаракатни, на асл ҳақиқатни... сездим. – Танқид қилди Аркадий Николаевич. – Нега ҳозиргина тажрибада бошингиздан ўтган воқеани қайтаролмайсиз? Афтидан, бунинг учун актёр бўлиш шарт эмас, балки оддий одам бўлиш кифоя эди.

Ўқувчилар Торцовга, биринчи марта қидириш зарур бўлганини, иккинчи марта эса заруриятни қолмаганлигини, улар фақатгина қидираётган бўлиб кўринмоқчи бўлганларини тушунтира бошладилар. Биринчи марта асл воқеликнинг ўзи эди, иккинчи марта эса – унинг ясамаси, унга тақлид қилиш, ёлғон ҳаракат қилиш бўлди.

– Бўлмаса ахтариш саҳнасини ёлғон-яшиқсиз биргина ҳақиқат билан ўйнаб беринглар, – таклиф қилди Аркадий Николаевич.

– Лекин... – тортиниб турдик биз. – Бу сиз айтганчалик осон эмас. Тайёрланиш, репетиция қилиш, қайтадан кечинмоқ лозим...

– Кечинмоқ керак деганингиз нимаси?.. Сумкачани ахтарганингизда кечинмадингларми?

– У воқелик эди, энди бўлса биз тўқимани яратишимиз ва кечинишимиз лозим.

– Демак, саҳнада ҳаётга нисбатан бошқачароқ кечиниш керак экан-да? – тушунолмайд сўради Торцов.

Аркадий Николаевич гапни айлантириб, янги саволлар ва тушунтиришлар ёрдами билан бизни реал воқелик оламида чинакам ҳақиқат ва ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлади деб ишонтирди. Мана, масалан: ҳозир ўқувчилар саҳнада йўқолган нарсани қидираётганларида, у ерда чинакам ҳақиқат ва ишонч пайдо бўлди. Бу шунинг учун рўй бердики, у вақтда саҳнада ўйин эмас, реал воқелик бор эди.

Саҳнада воқелик эмас, ўйин бўлаётганда ҳақиқат ва ишонч яратиш олдиндан тайёргарликни талаб қилади. У шундан иборатки, ҳақиқат ва ишонч даставвал тасаввур этилган ҳаёт оламида, бадиий тўқимада пайдо бўлади ва кейинчалик саҳнага кўчирилади.

– Шундай қилиб, ўзимизда чинакам ҳақиқат яратиш ва ҳозиргина ҳаётда юз берган воқеани саҳнада акс эттириш учун, ичимиздаги аллақандай ричагни бураб қўйиб, тасаввур этилган ҳаёт оламига кўчиб ўтишимиз керак. – тушунтирди Торцов. – У ерда воқеликка ўхшаш ўз тўқимангизни яратасиз. Бу ишда сеҳрли «агарда» ва тўғри қабул қилинган шарт-шаронглар саҳнада саҳнавий ҳақиқатни ва ишонч яратишга ҳамда сезишга ёрдам қилади. Шундай қилиб, ҳаётимизда ҳақиқат – мавжуд бўлган, яшаб турган, одам аниқ билган нарсадир. Саҳнада эса ҳақиқат деб ҳаётда рўй бермаган, аммо рўй бериши мумкин бўлган воқеага айтилади.

– Мени кечиринг. – сўради Говорков. – Театрда Шекспирнинг пьесасидан тортиб, то Отелло ўзини ўлдириши керак бўлган қоғоз ханжаргача, ҳаммаси ясама, уйдирма ва ёлғондан иборат бўлганда, яна қанақа ҳақиқат тўғрисида гапиришимиз мумкин?

– Агар сизни ханжарнинг пўлатдан эмас, қоғоздан эканлиги хи жолат қилаётган бўлса, – эътироз билдирди Говорковга Аркадий Николаевич, – агар сиз худди шу қўпол, бутофория асбобини



саҳна ёлғони деб атасангиз, агар сиз шунинг учун бутун санъатни қоралаётган бўлсангиз ва саҳнавий ҳаётнинг ҳақиқатлигига ишонмай қўйган бўлсангиз, хотиржам бўлинг: театрда Отелло ханжарининг пўлат ёки қоғоздан бўлиши муҳим эмас, балки Отеллонинг ўз-ўзини ўлдиришини тўғри, самимий ва чинакамлигини асословчи артистнинг ички туйғуси муҳимдир. Отеллонинг ҳаёт шароити ва аҳволи ҳақиқат бўлганда, ўзини ўлдирадиган ханжари ҳам ҳақиқий ханжар бўлганда, актёрнинг қандай хатти-ҳаракат қилиши муҳимдир.

Аниқланг, сизга қайси бири муҳим ва қизиқроқ, нимага ишонини истайсиз: театрда ва пьесада мавжуд бўлган фактларнинг, воқеаларнинг, моддий дунёнинг реал ҳақиқатигами ёхуд воқеликда бўлмаган, саҳнавий тўқима билан артистнинг кўнглида пайдо бўлган туйғунинг чинакамлиги ва тўғрилигигами?

Биз театрда мана шундай туйғу тўғрисида гапирамиз. Актёр учун ижод пайтида керак бўладиган саҳнавий ҳақиқат мана шудир. Бундай ҳақиқатсиз ва ишончсиз чинакам санъат бўлмайди! Саҳнада декорациянинг кўриниши қанчалик реал бўлса, артист томонидан ролнинг кечинмаси органик табиатга шунчалик яқин бўлмоғи керак.

Бироқ кўпинча биз саҳнада бунинг тескарисини кўрамиз. Декорацияларнинг, буюмларнинг реал кўринишини яратадилар, уларнинг барчасида ҳақиқат кўришиб туради, аммо айни вақтда рол ижрочилари кечинмаси ва туйғусининг ҳақиқийлигини унутиб қўядилар. Буюмларнинг ҳақиқийлиги билан туйғуларнинг сохталиги орасидаги бундай номуносиблик рол бажаришда чинакам ҳаётнинг йўқлигини кучлироқ бўрттириб кўрсатади.

Бу ҳол юз бермаслиги учун, саҳнада қилаётган ишингизни ва хатти-ҳаракатингизни «агарда» ва берилган шарт-шароитларингиз билан асослаб боринг. Фақат шу йўсинда ижод қилганингиздагина сиз ўзингизни ҳақиқат туйғунгизни қониқтироласиз ва ўз кечинмаларингизнинг чинакамлигига ишонасиз.

Бу процессни биз асослаш процесси деб атаймиз.

Мен Торцовнинг гапларини яхшироқ тушуниб олиш ниятида театрдаги ҳақиқат нимадан иборатлигини айтиб беришини сўрадим. У менинг саволимга шундай деб жавоб берди:

– Ўзимиз ва партнерларимиз ишонган нарса саҳнадаги ҳақиқатдир. Ҳақиқат ишончдан, ишонч эса ҳақиқатдан ажрал-

масдир. Улар бир-бирисиз яшай олмайди, уларнинг икковисиз эса кечинма ҳам, ижод ҳам бўлмайди.

Саҳнада ҳамма нарса артист учун ҳам, партнер учун ҳам, томоша қилаётганлар учун ҳам ишонтирарли бўлмоғи керак. Ҳамма нарса саҳнада ижод қилаётган артист кечираётган туйғуларнинг ҳаётда ҳам бўлиши мумкинлигига ишонч туғдириши лозим. Саҳнада ҳар бир лаҳза кечирадиган туйғуларимиз, хатти-ҳаракатларимизнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилмоғимиз лозим.

Артистга саҳнада мана шундай ички ҳақиқат ва унга бўлган ишонч зарурдир. – деб гапини тамомлади Аркадий Николаевич.

...19 ...й.

Бугун мен театрда махсус товушлар ва шовқин-суронлар ҳосил қилишда қатнашдим.<sup>26</sup> Антракт вақтида эса Аркадий Николаевич актёрлар фойёсига келиб, артистлар ҳамда биз ўқувчилар билан суҳбатлашди. У Шустов иккаламизга гап орасида шундай деди:

– Афсус, бугун театрдаги репетицияни кўрмадинглар-да! Бўлмаса саҳнадаги чинакам ҳақиқат ва ишонч нималигини яққол кўрган бўлардингиз. Гап шундаки, ҳозир театрда бир қадимий француз пьесасини репетиция қиляпмиз. У шундай бошланади: бир қизча уйга югуриб кириб қўғирчоғининг қорни оғриб қолганини айтади. Қатнашувчилардан кимдир дори бериш керак, дейди. Қизча чопиб чиқиб кетади. Бир оз вақтдан сўнг қизча қайтиб кириб, қўғирчоғи соғайганини айтади. «Никоҳсиз (қонунсиз) ота-онанинг» фожиаси шу саҳна асосига қурилгандир.

Театрдаги бутофория буюмлари ичида қўғирчоқ йўқ экан. Унинг ўрнига битта ёғочни чиройли, юпқа газламага ўраб, рол ўйнаётган қизчага беришди. Қиз бу қўғирчоқ боласи эканлигига дарров ишониб, унга меҳру муҳаббатини қўйди. Аммо масаланинг чатоқлиги шунда эдики, жажжи она қўғирчоқни даволашда пьеса авторининг фикрига қўшилмади: у сургидан бошқа дорини тан олмасди. Шу маънода рол ижрочиси қизча пьесани ўзича таҳрир қилган, ундаги сўзларни ўз сўзлари билан алмаштирган эди. Шунинг билан бирга қизча ўз тажрибасидан жуда асосли далиллар келтирар эди: ҳаёт тажрибаси қизчани шунга ўргатганки, унинг учун ҳар қандай бўшаштирувчи дориларга нисбатан сурги яхшироқ эди.

Репетиция тамом бўлгандан сўнг қизча ўз боласидан сира ажралгиси келмади. Бутофор ёғоч қўғирчоқни қизга жон деб берар эди-ю, лекин у ўралган юпқа газлама кечқурунги спектаклга керак экан. Қиз шўрликнинг йиғисиғи, кўз ёшларини айтмайсизми. Унинг оҳ-воҳи чиройли, нафис газламани арзон, дағал мовутга алмаштирадиган бўлишгандан сўнг тугади. Қизча қорин оғриганда юпқа ва чиройли газламага нисбатан иссиқ мовут фойдалироқ деб ўйлади ва алмаштиришга рози бўлди.

Мана бу чинакам ишонч ва ҳақиқатдир!

– Саҳнада ўйнашни мана шу қизчадан ўрганишингиз керак! – деб қойил қолди Торцов. – Эсимга яна бошқа бир воқеа тушди. – деб давом этди у, – бир кун гилам устида сакраб ўйнаётган жиянчамни қурбақа деб атаган эдим у бир ҳафтагача бу рождан чиқмай, тўрт оёқлаб сакрайверди. У бир неча кунгача столлар тагида, стуллар орқасида, уй бурчакларида одамлардан ҳам, энагасидан ҳам яшириниб юрди.

Бир кун овқат вақтида жуда сипо, худди катталардек ўтиргани учун уни мақтаган эдилар, у шу заҳотиёқ расмиятчига айланиб мураббиясини яхши одатларга ўргата бошлади. Бу ҳафта уйдагилар учун энг тинч, жонимиз роҳатда бўлган ҳафта бўлди, чунки қизчанинг ғиринг деган овози эшитилмади. Ўйлаб кўринглар-а, бир ўйин деб бир ҳафта мобайнида ўз ихтиёри билан темпераментини жиловлаш ва бундан лаззат олиш осон гапми! Бу ахир тасаввурнинг мухтасарлиги ва ўйин учун мавзу танлашда боланинг мойиллиги, камсуқумлигининг далили эмасми?! Бу ўзи ўйлаб топганининг чинакамлиги ва ҳақиқатлигига бўлган ишонч эмасми?!

Болаларнинг ўз диққатини бир объект ва битта хатти-ҳаракатда шунчалик узоқ ушлаб турилишидан ҳайратда қоласан киши. Улар бир хил кайфиятда, сеvimли образлари ҳолатида юришни яхши кўрадилар. Болалар яратган ҳаёт иллюзияси жуда кучли бўлгандан ҳатто ундан ҳақиқий ҳаётга қайтишлари ҳам қийин бўлади. Улар дуч келган нарсадан ўзлари учун хурсандчилик яратадилар. «Борди-ю, шундай бўлса» дейишлари биланоқ уларда ҳаётий тўқима ҳосил бўлади.

Болаларнинг «борди-ю, шундай бўлса»си бизнинг сеҳрли «агардамизга» нисбатан кучлироқдир.

Болаларда яна шундай бир хусусият борки, уни биз ҳам олишимиз лозим: улар нимага ишониш керак ва нимага эътибор бер-

маслик мумкинлигини яхши биладилар. Мен ҳозир гапириб берган қизча ҳам, оналик сезгисини қадрлаш ва ёғочга эътибор қилмаслик кераклигини билади.

Актёр ҳам сахнада ишонса бўладиган нарсаларга қизиқсин, ишончга халақит берувчи нарсаларга эътибор бермасин. Бу порталнинг қора дарчасини ва ҳамманинг олдида рол ўйнашидаги шартлиликни унутишга ёрдам беради.

Сиз санъатда болалар ўз ўйинларида эришган ҳақиқат ва ишончга эришолсангиз, шундагина улуг артист бўлиб етишасиз.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич:

– Мен сизларга ижодий процесда ҳақиқатнинг аҳамияти ва тутган мавқеининг умумий хусусиятларини гапириб ўтдим. Энди сахнадаги сохталик ва ёлғон тўғрисида гаплашамиз. – деди.

Ҳақиқат туйғусига эга бўлиш яхши, бироқ ёлғонни ҳам ҳис этишга қодир бўлиш лозим.

Менинг бу икки тушунчани ажратишим ва қарама-қарши кўйишим сизларни ажаблантирапти, шекилли. Ҳаётнинг ўзи талаб қилаётгани учун шундай қилаяпман.

Театр раҳбарлари, артистлар, томошабинлар ва танқидчилар орасида сахнада шартлиликни, театр сохталигини ва ёлғонни севадиганлар кўпгина топилади.

Бу ҳол баъзиларда дид-фаросатнинг йўқлиги туфайли, баъзиларда эса томоша меъдаларига текканидан келиб чиқади. Кейингилар овқат шинавандалари сингари, сахнада аччиқ, нордон нарсаларни кўрсатишни, постановкачи ва артистларнинг ўйинига зиравор қўшилган бўлишини истайдилар. Уларга ҳаётда бўлмаган, «алоҳида» нарса керак. Реал воқелик уларнинг жонларига теккан ва уни сахнада кўришни истамайдилар. Улар ҳаётдан узоқлашмоқ учун, сахнада ҳаддан ташқари айниган, ахлоқсиз нарсаларни ахтарганлари учун: «Фақат ҳаётга ўхшамаган нарсани беринг», – дейдилар.

Буларнинг барини олимона сўзлар, мақолалар, лекциялар ва гўё санъат нафосатини яхши тушунишлари туфайли яратган олиф-та назариялари билан асослайдилар. «Театр учун гўзаллик керак! – дейди улар. – биз томошада дам олишни, хурсандчилик қилишни, кулишни истаймиз! Азоб чекишни, йиғлашни истамай-

миз!» «Ҳаётнинг ўзида ҳам ҳам-қайғу ошиб-тошиб ётибди» – дейишади яна бошқалари.

Бу одамларга қарама-қарши турувчи кўпгина театр раҳбарлари, артистлар, томошабинлар, танқидчилар сахнада фақатгина ҳаётийликни, табиийликни, реализмни – ҳақиқатни севадилар ва тан оладилар. Бу одамлар фойдали нормал овқатни, ҳеч қанақа зарарли «қайла», қалампир қўшилмаган яхши «гўштни» истайдилар. Улар театрда кучли, киши руҳини тозаловчи таасуротлардан қўрқмайдилар; улар унда йиғлашни, кулишни, кечинмани, пьеса ҳаётида қисман иштирок этишни истайдилар. Улар сахнада – чинакам «инсоннинг руҳий ҳаёти»ни акс эттирилишини хоҳлайдилар.

Шу айтганларимга ҳар икки ҳолатда ҳам ҳаддан ошишлар бўлишини қўшиб қўйинг, бундай ҳаддан ошишлар вақтида сохталик ва айниш даҳшатли тус олади, соддалик, табиийлик эса ўта натурализм даражасига кўтарилади. Ҳар иккала чегарадан чиқиш ҳам энг ёмон, ошириб ўйнашга олиб боради.

Шу айтганларим туфайли мен ҳақиқатдан ёлғонни ажратиб улар тўғрисида айрим-айрим гапиришга мажбурман.

Аммо уларни севиш ёки ёмон кўриш – бир масала бўлса, иккинчи масала... айтгандай... – деб Аркадий Николаевич тўхтаб қолди ва паузадан сўнг, бошлаган жумласини тугатмай, Димкова билан Умновихга мурожаат қилди:

– Бизга ўзингиз яхши кўрган «Бранд» спектаклидаги «йўргак» сахнасини ўйнаб беринг.

Улар буйруққа биноан астойдил ўйнашди, аммо ҳар галдагидек қийналишди, «терлаш»ди.

– Менга айтинг-чи, – мурожаат қилди Аркадий Николаевич Димковага, – нега сиз ҳозир бунчалик тортиндингиз ва ҳаваскорлар каби иккиланиб ўйнадингиз?

Димкова тортиниб бошини қуйи солганча индамай тураверди.

– Сизга нима халақит берди?

– Билмайман! Юрагимдагини кўрсатолмаяпман... Бир сўзни айтаману, дарҳол уни қайтариб олгим келади.

– Нега энди шундай? – У сахнада сохта ва ошириб ўйнашдан ғоятда қўрқинини айтиб бермагунга, иқрор бўлмагунга қадар сўрай берди Аркадий Николаевич.

– Ҳа! – Торцов унинг бўйнига қўйди. – Сиз ёлғондан қўрқингизми?

– Ҳа, – деб иқрор бўлди Димкова.

– Сиз-чи, Умнових? Нега сизнинг ўйинингизда бунчалик интилиш, зўриқиш, вазминлик, зерикарли паузалар кўп? – суриштирди Аркадий Николаевич.

– Чуқурроқ берилишни, ролга кўпроқ киришни истайман... Жонли туйғу ва ҳаққоний сўзлар топсам девдим... Одам шундай бўлсаки... юракка таъсир қилса, ҳаяжонлантирса, киши мудрамаса... ишониш керак, ишонтириш...

– Сиз ҳаққониятни, сезгини, кечинмани, сўзлар маъносини қидирдингиз шундайми?

– Худди шундай! Айтганингиздай!

– Мана сизларга икки турдаги актёр вакиллари, – Аркадий Николаевич ўқувчиларга мурожаат қилди. – Икковлари ҳам саҳнада сохталикни ўзларига хос тарзда ёмон кўрадилар. Мана, масалан, Димкова ундан ғоятда қўрқади ва ўзининг бутун диққатини ёлғиз ёлғонга қаратади. Саҳнада бўлган вақтида фақат шу ҳақда ўйлайди. Ҳақиқатни эсига ҳам келтирмайди, эсига келтиришга улгурмайди ҳам, чунки ёлғондан қўрқишлик уни бутунлай қамраб олган. Бу бутунлай тутқинликда қолишдир, бу ҳолда ижод ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Умнових ҳам шундай тутқинликка тушиб қолган, бироқ у ёлғондан қўрққанидан эмас, балки, аксинча, ҳақиқатни қаттиқ севганидан. У ёлғон тўғрисида мутлақо ўйламайди, чунки у бутунлай ҳақиқатга берилиб кетган. Ёлғонга қарши кураш ҳақиқатни севгани учунгина унга интилиш каби ҳоллар актёрни ошириб ўйнашдан бўлак ҳеч нарсага олиб келмаслигини тушунтириб ўтиришимнинг ҳожати бормикан?

Саҳнага «ишқилиб сохта ўйнамасам бўлгани» деган фикр билан чиқиб, ижод қилиб бўлмайди. У ерга нима бўлса-да фақат ҳақиқатни яратаман деган ният билан ҳам чиқиш ярамайди. Бу фикрлар кўпроқ сохталikka олиб келади.

– Қандай қилиб бундан сақланиш мумкин? – сўради йигламсирагандек шўрлик Димкова.

– Устарани қайроқ тошда йўналтирувчи куч каби, ижодни ҳам йўналтирувчи икки жиҳат мавжуд. Миянгни ёлғон ҳақидаги фикр чулғаб олганда, текшириш учун ёритилган рампа олдида турганингизда, ўзингиздан сўраб кўринг: «Хатти-ҳаракат қиляпманми ёки ёлғон билан курашяпман-ми?»

Биз саҳнага ўз камчиликларимизга қарши курашиш учун эмас, балки чинакам, фойдали, мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилиш учун чиқамиз. Агар шу мақсадимизга эришсак, демак, сохталикни енгган бўламиз. Тўғри хатти-ҳаракат қилаётганингизни билмоқ учун ўзингизга: «Ким учун хатти-ҳаракат қиляпман: ўзим учунми ёки томошабин учунми ёки қаршимда турган жонли одам, яъни ёнимдаги шеригим учунми?» – деган саволни беринг.

Биласизки, артист ижод қилаётган вақтида ўзига-ўзи судья бўлолмайди. Томошабин ҳам судьялик қилолмайди. У ўз ҳукмини уйида чиқаради. Судья партнёрдир. Агар артист унга таъсирини ўтказган бўлса, шеригини ўз туйғу ва муносабатлари ҳаққониятига ишонтиришга муваффақ бўлган бўлса – демак, у ижодий мақсадга эришган ва сохталикни енгган.<sup>27</sup>

Кимки ижод вақтида тақлид қилмай, сунъий ўйнамай, балки чинакам, фойдали, мақсадга мувофиқ, шунинг билан бирга, бетўхтов хатти-ҳаракат қилар экан; кимки саҳнада томошабин билан эмас, балки партнёри билан муносабатда бўлар экан, у ўзини пьеса ва рол доирасида, жонли ҳаёт, ҳаққоният, ишонч, «мен борман» шароитида сақлаб қолган бўлади. У одам саҳнада ҳақиқатан яшаган бўлади.

Ёлгон билан курашишнинг бошқа йўли ҳам бор, – деб Аркадий Николаевич йиғлаётган Димковани овутиди. – Ёлгонни улоқтириб ташлаш керак. Бўшаган жойни бошқа яна ҳам каттароқ сохталик эгаллаб олмаслигига ким кафил бўла олади.

Бошқача йўл тутмоқ лозим ва аниқланган ёлгон ўрнига чинакам ҳақиқат уруғини сепмоқ лозим. Болаларнинг янги чиққан тиши гўдаклик тишлари ўрнини эгаллагани каби ҳақиқат уруғи ҳам ёлгонни суриб чиқарсин. Актёрлик штампларини, ошириб ўйнаш ва ёлгонни яхши асосланган «агарда», берилган шартшароитлар, қизиқарли вазифалар, тўғри хатти-ҳаракатлар суриб чиқарсин.

Қани энди ҳақиқатни тушуниб етиш ва шу туфайли ёлгонни суриб чиқариш қанчалик муҳим ва зарур эканлигини билсанглар эди. Бу процесс (биз бунга ёлгон ва штампларни суғуриб ташлаш деб атаймиз) одатга айланмоғи, саҳнада қўйиладиган ҳар бир қадамни сезилмаган ҳолда доимо текшириб бормоғи лозим.

Ҳақиқатга эришиш ҳақида ҳозир гапирганларимнинг ҳаммаси фақат Димковагагина эмас, балки Умнових сизга ҳам таал-

луқлидир, – уқтириб ўтди Аркадий Николаевич «чизмакашимиз»-га мурожаат қилар экан.

Менинг сизга берадиган бир маслаҳатим бор, сиз уни яхши-лаб уқиб олмоғингиз лозим: саҳнада ҳақиқатга бўлган талабни ва сохталик аҳамиятини ҳеч қачон ошириб юборманг. Биринчисига бўлган қизиқиш ҳақиқатни ҳақиқат учун ўйнашга, сунъийликка олиб келади, холос. Бу сохталикнинг энг ёмонидир. Ёлғондан ҳаддан ташқари кўрқинч эса сунъий эҳтиёткорликни келтириб чиқаради. бу ҳам саҳнавий «ёлғонларнинг» энг йиригидир. Ёлғонга ҳам саҳнадаги ҳақиқатга бўлган каби осойишта, адолат юзасидан, эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш керак. Театрда ҳақиқат – мумкин қадар ўзига ишонч ҳосил қилмоқ учун артистнинг ўзи ва партнёрини ишонтиришга ёрдам бергани учун ва қўйилган вазифани ишонч билан бажаришга кўмаклашгани учун керакдир.

Агар ёлғонга оқилона муносабатда бўлинса, ундан ҳам фойда чиқариш мумкин.

Ёлғон – актёрнинг қилмаслиги керак бўлган иш ўлчовидир.

Бир дақиқага янглишсак ва сохталikka йўл қўйсак, унинг айтарли зарари йўқ. Аммо ўлчов тўғри ҳолатнинг, яъни ҳақиқатнинг чегарасини аниқлаб бериши, хато юз бераётган пайтда бизни тўғри йўлга солиб юбориши жуда муҳим. Шундай пайтда бир лаҳзалик янглишиш ва сохталikka йўл қўйиш ҳақиқат чегарасини кўрсатиб бергани учун ҳатто фойдалидир

Ижод вақтида ўз-ўзини текшириш зарурдир. Шу билан бирга у тўхтовсиз, сурункасига давом этиб туриши лозим.

Кўпчилик олдида ижод қилишда артист ҳаяжонланганидан туйғуни ўзидагига нисбатан кўпроқ намоён қилишни истайди. Аммо бу туйғуни қаердан олиш мумкин?

Бизда эса ҳиссиётлар омбори йўқки, саҳнавий кечинмаларни ундан олиб, тартибга солаверсак. Хатти-ҳаракатни тўхтатиб турмоқ ёки оширмоқ, гўё ҳиссиётни ифодалаш учун керагига нисбатан кўпайтирмоқ мумкин. Бироқ буларнинг ҳаммаси уни кучайтирмайди, балки, йўқ қилади. Бу ташқи сунъийлик, ошириб юборишдир.

Ҳақиқат сезгисининг норозилиги бундай вақтларда энг яхши регулятор ҳисобланади. Артист ролда астойдил яшаётган пайтларида ҳам бу норозиликка қулоқ солишга тўғри келади. Лекин кўпинча бу моментда унинг ташқи ифода аппарати, асабийлик



сабабли ҳаддан ортиқ уринади ва беихтиёр равишда сунъий ўйнашга йўл қўяди. Бу ҳол муқаррар равишда ёлғонга олиб келади.

Торцов дарсинг охирида жуда нозик ҳақиқат туйғусига эга бўлган аллақандай бир артист ҳақида гапириб берди. У томоша залида ўтириб, бошқаларнинг ўйинини жуда тўғри таҳлил қилар экан. Лекин ўзи саҳнага чиқиши ва пьесада ўйнаётган шахсга айланиши биланоқ ҳақиқат туйғусини йўқотар экан.

– Ҳозиргина ўз ўртоқлари ўйинининг сохталиги ва сунъийлигини яхши тушунган бу одам, саҳнага чиқиши билан, – деди Аркадий Николаевич, – танқид қилган ўртоқларига нисбатан ҳам катгароқ хато қилар эди.

Бу ва бунга ўхшаган актёрлар томошабин ҳақиқатини ва спектакль ижрочиси ҳақиқатини турлича ҳис этадилар.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич дарсда бундай деди:

– Саҳнада артист томонидан бажарилаётган ишнинг чинлиги ва ҳақиқийлиги ўз-ўзидан пайдо бўлса, бундан яхшиси йўқ.

Бундай ҳолат юз бермаганида нима қилмоқ керак?

Унда психотехника ёрдами билан бу ҳақиқатни, унга бўлган ишончни қидиришга ва яратишга тўғри келади.

Ўзинг ишонмаган, ҳақиқат деб ҳисобламаган нарсангни нжод қилиб бўлмайди.

Ўзимизда ҳақиқат ва унга ишончни топмоқ, яратмоқ учун уларни қаердан қидирмоқ керак? Ички ҳиссиётдан ва хатти-ҳаракатдан, яъни артистнинг психик ҳаётидан қидириш керакмикан? Бироқ ички ҳиссиётлар ҳаддан ташқари мураккаб, тутқич бермайдиган, инжиқ бўлади, уларни белгилаб олиш амри маҳол. Демак, қалбда ҳақиқат ва ишонч ёки ўз-ўзидан туғилади ёки мураккаб психотехника ёрдамида яратилади. Ҳақиқат ва ишончни жисмимизда энг кичик, содда жисмоний вазифалар ва хатти-ҳаракатлар ёрдамида топиш ёки яратиш осондир. Улар тушунарли, турғун, кўринарли, сезиларли, онг ва буйруққа итоатлидир. Ундан ташқари, уларни енгилгина белгилаб олиш мумкин. Мана шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда ўшаларга мурожаат қиламиз, чунки уларнинг ёрдами билан яратаётган ролларимизга ёндошамиз. Келинглр, буни тажрибада қилиб кўрамиз...

– Названов, Вьюнцов! Саҳнага чиқинглар, бошқа этюдларга нисбатан муваффақиятсиз чиққан этюдларингни ўйнаб беринглар. Мен «пулни ёндириш» этюдини шундай этюдлардан ҳисоблайман.

Сиз бу воқеани ифодалай олмасликларингизнинг биринчи сабаби мен ўйлаб топган фабулага, қўрқинчли воқеага бирданига ишонишни истайсизлар. «Бирданига» эса сизни «сумуман» ўйнашга олиб боради. Бу қийин этюдни қисмма-қисм энг оддий жисмоний хатти-ҳаракатлардан иборат тарзда, лекин воқеани яхлит кўзда туган ҳолда бажариб кўринг-чи. Майли, ҳар битта энг кичкина ёрдамчи хатти-ҳаракат ҳам ҳақиқатга айлантирилсин, шунда яхлит бир воқеа ифодаланади ва сиз унинг чинакамлигига ишонасиз.

– Марҳамат, бутафор пулларни беринг-чи, – кулисалар орқасида турган саҳна ишчисига мурожаат қилдим мен.

– Улар керакмас. Ҳеч нарса сиз ўйнай беринг. – тўхтатди Аркадий Николаевич.

Мен, йўқ пулларни санашга киришдим.

– Ишонмайман! – Тўхтатди Торцов фараз қилган бир пачка пулни олиш учун кўлимни чўзган заҳотим.

– Нимага ишонмайсиз?

– Сиз кўлингиз тегаётган нарсага қарамадингиз ҳам.

Мен, фараз қилинган пачка-пачка пуллар ётган жойга қараб, ҳеч нимани кўрмадим, кўлимни чўздим ва тортиб олдим.

– Сиз жилла бўлмаса, инсоф юзасидан, бармоқларингизни эгсангиз бўларди, бўлмаса пачка тушиб кетади. Уни ташламанг, секин қўйинг, бунга ҳеч қандай вақт кетмайди. Агар сиз қилаётган ишингизни асослашни ва жисмоний жиҳатдан ишонишни истасангиз бир дақиқа вақтингизни аяманг. Пул боғламини ким бундай ечади? Пачка бойланган ип учини топинг. Бундай эмас! Буни бирданига қилиб бўлмайди. Кўпинча пачка ечилиб кетмаслиги учун ипнинг учини бураб, боғлам орасига тиқиб қўйилган бўлади. Учини топиб олиш сиз қилганингиздек осон эмас. Бу бошқа гап, – рағбатлантириб турди Аркадий Николаевич. – Энди ҳар бир пачкани санаб чиқинг.

Эҳ-ҳе! Бу ишни жуда тез бажариб юбордингиз-ку. Ҳар қандай катта тажрибали кассир ҳам эскирган, эзилган қоғозларни бунчалик тез санаб чиқолмайди.

Кўрдингизми, саҳнада қилаётган ишингизга табиатимиз жисмоний ишонмоғи учун қандай реалистик деталларга, кичик-кичик ҳақиқатларга ҳам эътибор бермоқ лозим.

Торцов жисмоний ҳаракатларимни кетма-кет изчиллик билан кузатиб йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Фараз қилинган пулларни санар эканман, ҳаётда бу процесс қай тартибда ва қандай изчиллик билан қилинишини аста-секин эслай бошладим.

Торцов айтиб турган ҳамма мантиқли хатти-ҳаракатлар туфайли ўзи йўқ нарса бўлса-да, унга муносабатим ўзгарди. Йўқ нарсанинг ўрни гўё фараз қилинган пуллар билан тўлди ёки тўғрироғи мени тасаввур қилинган, аммо воқеликда мавжуд бўлмаган объектга тўғри йўллади. Кир, ғижимланган пулларни санаш мен ўйлагандек бармоқларни беҳуда қимирлатиш билан бўлавермас экан, иккаласининг ўртасида катта фарқ бор экан.

Жисмоний ҳаракат ҳақиқати сезилиши биланоқ, саҳнада ўзимни эркин сездим.

Шунингдек, ихтиёримдан ташқари, экспромт ҳам пайдо бўлди: канопни эҳтиётлик билан ўраб ёнимдаги столга қўйдим. Бу арзимаган ҳаракат ўз ҳаққонийлиги билан ўзимга ҳам ёқиб тушди. Бунинг устига, у қатор янги-янги экспромтларни келтириб чиқарди. Масалан, пачкаларни санашдан аввал текислаш ва бир хилда тахлаш учун уларни анча вақт столга уриб бараварладим. Шунда ёнимда турган Вьюнцов, менинг хатти-ҳаракатимни тушуниб кулиб юборди.

– Нимага куляпсан? – сўрадим ундан.

– Жуда ҳам ростакамга ўхшаб кетди, – деб тушунтирди у.

– Мана шуни биз тўла-тўқис асосланган физик хатти-ҳаракат деб атаймиз, ана шунда артистга органик ишониш мумкин! – деб Аркадий Николаевич партерда туриб қичқирди.

Қисқа паузадан сўнг Аркадий Николаевич ҳикоя қила бошлади:

– Бу ёзда мен кўп йилдан бери бормаган жойим Серпухов яқинидаги боғда дам олдим. Илгарилари таътил вақтини ўша ерда ўтказар эдим. Мен ижарага олган уй станциядан узоқда эди. Борди-ю, станцияга тўғри кесиб чиқмоқчи бўлсангиз жарлик, асаларичилик хўжалиги, ўрмондан ўтилса масофа бир неча марта қисқарарди. Ўз вақтида кўп қатнаганим туфайли оёқ изларимдан сўқмоқ йўл ҳосил бўлган эди, аммо бормаган йилларим ичида сўқмоқдан ҳам ўтлар ўсиб кетибди. Йўлни яна

очишимга тўғри келди. Аввалига осон бўлмади: мен ҳадеб тўғри йўлдан чеккага юрилавериб ўнқир-чўнқир бўлиб кетган катта кўчага чиқиб қолавердим. Катта йўл эса станциядан бутунлай бошқа томонга олиб борарди. Орқамга қайтиб изимни топишга ва сўқмоқни янгидан давом эттиришга тўғри келди. Бу пайтлари дарахт ва тўнкалар жойлашуви тепалик ва пастликлар менга йўл кўрсатарди; улар хотирамда яхши сақланган эди.

Шаҳарга тез-тез бориб келадиган пайтларим деярли ҳар куни яқин йўл билан қатнашга тўғри келарди, бинобарин, тез кун ичида сўқмоқ йўл очилди.

Янги паузадан кейин Аркадий Николаевич давом этди:

– Биз бугун Названов билан «пулни ёндириш» этюдидаги жисмоний хатти-ҳаракатлар чизиғини аниқлаб жонлантириб чиқдик. Бу тузилиш ҳам ўзига яраша «сўқмоқдир». У сизга реал ҳаётда жуда таниш. Аммо саҳнада бу йўлни қайтадан текислаб чиқиш керак бўлади.

Названовда тўғри йўлдан четга чиқиб кетиш одатлари ҳам бўлиб, у штамп ва ноаниқликлардан иборат эди. Названов бу йўлга ихтиёрсиз равишда кириб кета берди. Уни арава ғилдираклари ўйиб юборган қишлоқ кўчасига ўхшатиш мумкин. Бу кўча Названовни лаҳза сайин тўғри йўлдан четга – ҳунармандлик йўлига олиб кетарди. Бундан қутулиш учун ҳам мен каби ўрмондаги жисмоний хатти-ҳаракатларнинг тўғри йўлини ахтаришга ва очишга тўғри келди. Уни ўрмонда топталган ўт йўлига ўхшатса бўлади. Названов бу йўлни янада зўр қунт билан «топташи», «сўқмоққа» айлангунча босиб юравериши керак эди. Бу иш эса ролнинг тўғри йўлини белгилаб бериши мумкин.

Мен қўллаган усулнинг сири равшан. Гап жисмоний хатти-ҳаракатларнинг ўзида эмас, уларга бўлган ишонч ва ҳақиқатдир; бу хатти-ҳаракатлар уларни пайдо қилишга ва сезишга ёрдам қилади.

Кичик, ўрта, катта, энг катта бўлақлар, хатти-ҳаракатлар ва ҳоказолар бўлгани сингари, бизнинг ишимизда кичик, катта, энг катта ҳақиқатлар ва уларга ишониш моментлари ҳам мавжуддир. Агар катта ҳақиқатни, хатти-ҳаракатларни бир йўла қамраб олиш қийин бўлса, уни қисмларга бўлиб жилла бўлмаганда, уларнинг энг кичигига ишонишга уриниб кўрмоқ лозим.

Мен ўрмон ва жарликларда сўқмоқ йўл очганимда шундай қилган эдим. У вақтда менга энг кичкина белгилар (тўнгалар.

ариқлар, тепачалар), тўғри йўл ҳақидаги хотиралар ёрдам берганди. Мен ҳам Названов билан катта жисмоний хатти-ҳаракатлар эмас, балки энг кичкиналари бўйича бордим, уларда кичкина ҳақиқат ва ишонч моментларини ахтардим. Бири иккинчисини келтириб чиқарар, сўнгра иккиси бир бўлиб учинчисини, тўртинчисини яратар эди. Сизга бу оз кўриняпти шекилли? Янглишаяпсизлар, бу жуда катта гап. Биласизми, кўпинча, кичик бир ҳақиқат ва чинакам хатти-ҳаракатга бўлган биргина ишонч моментини ҳис қилиш билан артист ўзига келади, ўзини ролда ҳис этиб, бутун пьесанинг хатти-ҳаракатига ишонади. Ҳаётий ҳақиқат бутун ролга тўғри йўл кўрсатади.

Тажрибамдан бундай мисолларни қанчадан-қанча келтиришим мумкин! Актёрнинг ноаниқ ва ҳунармандларча ўйини вақтида кутилмаган воқеалар рўй берарди: стул йиқилиб тушар ёки артистка рўмолчасини тушириб юборар, уни олиш лозим бўлар ёки мизансцена ўзгариб қолса, кутилмаганда мебелларни бошқача қўйишга тўғри келар эди. Димиқиб кетган хонага тоза ҳаво кириб тозалагани сингари сахнанинг шартли муҳитига отилиб кирган ҳақиқий, ҳаётий тасодиф ҳам ўлик, шаблон ўйинни жонлантириб юборади.

Артист рўмолча ёки стулни экспромт усулида кўтариб олишга мажбур, чунки ролдаги бу тасодиф репетиция қилинмаган. Бундай кутилмаган хатти-ҳаракат актёрчасига эмас, балки табиий, ҳаётий равишда бажарилади ва чинакам, ҳаётий ҳақиқатни пайдо қилади: унга ишонмасликнинг иложи йўқ. Бундай ҳақиқат шартли, театрчасига, актёрчасига ўйнашдан кескин фарқ қилади. Буларнинг ҳаммаси сахнада ҳақиқий турмушнинг ўзидан олинган, жонли хатти-ҳаракатни пайдо қилади, актёрни тўғри йўлга солади. Тўғри йўлга тушиб олиш ёки янги ижодий ундов ясаш силжишга эришиш учун кўпинча шу йўсиндаги момент кифоя қилади. Шу туфайли бутун сахнага, эҳтимол, бутун бир пардага ёки бутун пьесага жон киради. Жонли, инсоний ҳаётдан ўтган бу тасодифий моментни ролнинг оқимига киритиш ёки ундан воз кечиш ҳамда ролдан чиқариб ташлаш артистнинг ўзига боғлиқдир.

Бошқача айтганда, артист тасодифийликка пьесада қатнашаётган шахе сифатида муносабатда бўлиши ва бу тасодифийликни ўз ролига, унинг ҳаётига фақат бир мартагагина киритиши мумкин. Аммо у, шунингдек, бир лаҳзага ролдан чиқиши ва унинг

иродасига қарши саҳнада учраган тасодифийликни (яъни рўмолчани олиш, стулни кўтариб қўйишни) чиқариб ташлаб, саҳнадаги шартли ҳаётга, узилиб қолган актёрлик ўйинига яна қайтиши мумкин.

Агарда бир кичкинагина ҳақиқат ва ишонч моменти актёрни ижодий ҳолатга йўллар экан, мантиқий ва изчиллик билан бирин-кетин алмашиб турувчи бир қатор шундай моментлар, жуда катта ҳақиқатни ва бутун бир даврга чўзилган чинакам ишончни яратади. Шу билан бирга, бир хиллари ҳаётийликни ҳосил қилса бошқалари кучайтиради.

Кичкина жисмоний хатти-ҳаракатлардан қўл силтаманг. саҳнада қилаётган ишингизнинг ҳақиқий ва ишончлилиги учун улардан фойдаланишни ўрганинг.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич:

– Биласизларми, кичик жисмоний хатти-ҳаракат ҳақиқатлар ва уларга бўлган ишонч саҳнада ролнинг осойишта пайтларидоғина эмас, балки кечинмаларнинг кучли, фожиали, драматик ўринларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Мана, масалан, «Пулни ёндириш» этюдининг иккинчи ярмини, драматик ерини ўйнаганингизда нима билан шуғулланасиз, – деб менга мурожаат қилди у. – Сиз каминга ташланасиз, оловдан пулларни тортиб оласиз, кейин букурни ҳушига келтирасиз, гўдакни қутқаргани югурасиз ва ҳоказо... Мана шулар этюднинг фожиали саҳнасида сиз яратган ролнинг жисмоний ҳаётининг табиий ва изчиллик билан кечадиган жисмоний хатти-ҳаракатлари босқичларидир.

Яна бошқа мисол келтирай.

Жон бераётган одамнинг яқин дўсти ёки хотини нима билан машғул бўлади? Беморнинг осойишталигини сақлаш, докторларнинг айтганларини бажариш, ҳароратини ўлчаш, ва ҳоказолар билан банд бўлади. Бу кичик хатти-ҳаракатлар беморнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга, бинобарин, булар худди эзгу иш каби меҳр билан бажарилади. Ҳеч таажжубланадиган ери йўқ, чунки бемор ўлим билан курашаётган бир пайтда эҳтиётсизлик жиноятдир, акс ҳолда касални ўлдириб қўйиши ҳам мумкин.

Энди учинчи мисолни айтиб берай.

Леди Макбет трагедиянинг кульминацион моментидан нима билан машғул бўлади? Оддий жисмоний хатти-ҳаракат: қўлларидоги қон доғларини артиш билан.

– Мени кечиринг, – деб Говорков шоша-пиша Шекспирнинг ёнини олмақчи бўлди. – Наҳотки, улуғ ёзувчи ўзининг нодир асарларини, қандай десам экан, қаҳрамонлари ўз қўлларини ювишлари ёки бўлак натуралистик хатти-ҳаракатларни бажаришлари учун яратган бўлса?

– Э, жуда бопплади-ку! – киноя қилди Торцов. – «Фожа» ҳақида ўйламаслик, сиз севган сиқикликдан, актёрчасига зўр беришдан, сунъийликдан, тирноқ ичидаги «кўтаринкиликдан» ва «илҳомдан» воз кечиш осон эмас-да! Томошабинни нутиб, унга таъсир қиладиган актёрлик қилиқлари ўрнига кичик жисмоний реалистик хатти-ҳаракатлар қилиш ҳақиқатлар ва уларнинг чинакамлигига ишониш қийин гап!

Вақти келганда бунинг натурализм учун эмас, балки туйғу ҳақиқати учун, унинг чинакамлигига ишониш учун кераклигини, турмушнинг ўзида кўтаринки кечинмалар кўпинча энг оддий кичик натуралистик хатти-ҳаракатларда ҳам намоён бўлишига тушуниб оласиз.

Биз, артистлар бу берилган муҳим шарт-шароитлар орасидаги жисмоний хатти-ҳаракатлардан, улар катта кучга эга бўлгани учун кенг қўламда фойдаланишимиз керак. Бундай шароитларда тан ва жоннинг, хатти-ҳаракат ва туйғунинг бир-бирига таъсири пайдо бўлади: шунга кўра ташқи ҳаракат ичкига ёрдам беради, ички эса ташқини вужудга келтиради: қонли доғларни артиш Леди Макбетнинг шуҳратпарастлик ниятларини амалга оширишга ёрдам беради, шуҳратпарастлик ниятлари эса қонли доғларни артишга мажбур қиладди. Леди Макбетнинг монологидан доғлар ташвиши Банко фожиасининг айрим моментларини эслаш билан алмашиб туриши бежиз эмас. Қонни артиш каби кичик, реал жисмоний хатти-ҳаракат Леди Макбетнинг кейинги ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Улкан ички истак (шуҳратпарастлик) эса кичик жисмоний хатти-ҳаракатга муҳтождир.<sup>28</sup>

Аммо фожиали кўтаринки дақиқаларда жисмоний хатти-ҳаракатларнинг нима учун бунчалик катта аҳамиятга эга бўлишларининг яна ҳам содда ва амалий сабаби бор. Масала шундаки, кучли трагедияда артист ўзини энг юқори ижодий кўтаринки нуқтага олиб чиқиши керак бўлади. Бу қийин иш. Чиндан ҳам таби-

ий хоҳиш бўлмагач, ўзида жазава қўзғатиш ҳаддан ташқари зўравонликдир! Фақат ижодий завқ туфайли пайдо бўладиган энг олий кечинмага истаксиз эришиш осон иш эмас! Бу хилдаги ғайри табиийлик натижасида ҳаётийликдан узоқлашиши ва чинакам туйғу ўрнига оддий ҳунармандликни, актёрларча сунъийликни ва мускуллар тортишишини ҳосил қилиш қийин эмас. Сунъийлик жуда осон, таниш нарса; у механик тарзда ўрганилган одатга ўхшайди. Бу энг осон йўлдир.

Киши ўзини бундай хатодан сақлаб қолмоғи учун бирор реал турғун, органик, сезиларли нарсани қўлга киритмоғи лозим. Худди шу лаҳзаларда бизга аниқ, пухта, ҳаяжонлантирувчи, бироқ, бажарилиши осон бўлган, типик жисмоний хатти-ҳаракат зарур. У сизни ижод учун қийин бўлган лаҳзаларда табиий, механик равишда тўғри йўлга солади. Ёлғон йўлга кириб кетишингизга йўл қўймайди.

Трагедия ва драманинг худди мана шундай кучли кечинма дақиқаларида оддий, аммо таъсирли жисмоний хатти-ҳаракатлар катта аҳамиятга эгадир. Улар қанчалик содда, тушунарли ва бажарилиши енгил бўлса, қийин моментда уларни қўллаш шунчалик осон бўлади. Тўғри вазифа тўғри мақсадга олиб боради. Бу артистни енгил-елпи йўлдан, яъни штампдан, ҳунармандликдан сақлаб қолади.

Оддий, кичик жисмоний хатти-ҳаракатга тагин ҳам каттароқ куч ва маъно бағишлайдиган яна бир фавқулодда муҳим шарт бор.

Бу шарт қуйидагидан иборат: артистга сенинг ролинг, вазифанг, хатти-ҳаракатларингнинг психологик маъноси чуқур ва фожиали десангиз, у шу заҳотиёқ сиқилади. эҳтиросни ошириб ўйнаб «уни парча-парча қилади» ёки қалбини поралаб туйғуни бекорга зўрлайди. Борди-ю, сиз артистга энг оддий жисмоний вазифани берсангиз ва уни қизиқарли, ҳаяжонга соларли шартшароитлар билан безасангиз бу хатти-ҳаракатни у чўчимай бажаришга киришади ва қилаётган ишининг асосида нима яшириб ётганини, психологиями, трагедиями ёки драма, ўйлаб ўтирмайди.

Шунда ҳақиқат сезгиси ишга тушади, бу эса ижоднинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. бунга артистлик психотехникаси олиб келади. Бундай ёндашиш натижасида туйғу зўрланмайди, табиий равишда ривожланади.



Катта ёзувчиларнинг асарларида ҳатто энг кичкина жисмоний вазифалар ҳам катта муҳим шарт-шароитлар билан асосланган бўлади, уларда туйғуни қўзғатувчи куч яширинган бўлади.

Шундай қилиб, кўриб турибсизки, трагедияда, Умнових сингари ички туйғуни зўрлаш эмас, аксинча атрофимизни ўраб олган шарт-шароитларда жисмоний хатти-ҳаракатнинг тўғри ба-жарилишини ўйламоқ даркор.

Ролнинг фожиали моментларига Умновихга ўхшаб кучаниш ва зўрлаш билан ёндашиш у ёқда турсин, Димкова каби қалтираб асабийлашиш билан ёндашиш ҳам бўлмайди, ёндашганда ҳам кўпчилик актёрлар қилганидек, бирданига эмас, балки аста-секин, изчиллик билан, мантиқан бирин-кетин келаётган жисмоний хатти-ҳаракатларнинг кичик ва катта ҳақиқатини сезмоқ ҳамда уларга самимий ишонмоқ керак.<sup>29</sup>

Туйғу қўзғатишнинг шундай техникасини ўзлаштириб олганингизда, сизларда ролнинг драматик ва трагик томонларига бутунлай бошқача муносабат яратилади. Улар сизни ортиқ қўрқитолмайди.

Кўпинча драма, трагедия, водевиль ва комедиянинг фарқи гавдалантираётган шахе хатти-ҳаракатларининг берилган шарт-шароитлардаги йўналишида кўринади. Бошқа ҳамма ҳолларда эса жисмоний ҳаёт бир зайлда давом этади. Водевильда ҳам, трагедияда ҳам одамлар ўтирадилар, юрадилар, овқат ейдилар.

Бироқ, бизни шу нарсалар қизиқтирадими? Бизга нима мақсадда қилинаётганлиги берилган шарт-шароитлар, «агарда»лар муҳим. Улар хатти-ҳаракатни жонлантиради ва асослаб беради. Хатти-ҳаракатлар фожиали ёки пьеса ҳаётининг бўлак шароитига тушган вақтда бутунлай бошқа маънони ифодалайди. У унда катта воқеаларга, жасоратга айланади. Албатта, бу ҳақиқат ва ишонч оқибатига боғлиқ бўлади. Биз кичик ва катта жисмоний хатти-ҳаракатларни уларнинг аниқ ва сезиларли ҳақиқати учун севамиз: улар гавдамизга ҳаётнийлик бахш этади, бу эса бутун рол ҳаётининг ярми демакдир.

Жисмоний хатти-ҳаракатларни биз рол ҳаёти ва руҳига осонгина олиб киргани учун яхши кўрамыз. Жисмоний хатти-ҳаракатлар артист диққатини саҳнада, пьесада, рол доирасида сақлаб туришга ёрдам бергани учун ҳам яхши кўрамыз. Унинг диққатини ролнинг турғун, қатъий ва тўғри йўлига йўналтириб туради.

Аркадий Николаевич Вьонцов иккаламизга ўтган дарслардан биридаги «Пул ёндириш» этюдиди қилганларимизни қайтаришни буюрди. Файратим келиб турган эди. ўтган дарсда топганларимни тезда эсладим ва ҳамма жисмоний хатти-ҳаракатларни бажардим.

Саҳнада ҳақиқатни фақат қалбинг билан эмас, тананг билан ҳам сезиш кишига роҳат бағишлайди. Бундай ҳолатда мустаҳкам турасан ва ҳеч ким сени чалғитолмаслигига ишончинг қатъий бўлади!

– Саҳнада ўзингга ишонишинг ва бошқалар ҳам сенга ишонаётганини сезиш қандай яхши! – дедим мен ўйинни тамомлагач.

– Бу ҳақиқатни топишда сизга нима ёрдам берди? – деб сўради Аркадий Николаевич.

– Фараз қилинган объект! Йўқ нарса!

– Ёки тўғрироғи. йўқ нарса билан қилинган жисмоний хатти-ҳаракатлар. денг. – деб тўғрилади Аркадий Николаевич. – Бу жуда муҳим момент ва ҳали бу ҳақда қайта-қайта гапиришимиз лозим. Қаранглар. бутун театрга тарқалиб кетган диққат бўлмаган объектга. йўқ нарсага қаратилади. У йўқ нарса саҳнада, пьеса ҳаётининг энг қайнаган еридадир: у иждорни томошабиндан ва саҳнадан ташқарида бўлган барча нарсалардан холи этади. Йўқ нарса артистнинг диққатини аввал ўзида, кейин жисмоний хатти-ҳаракатларда тўплайди ва уни кузатишга мажбур этади.

Йўқ нарса сизга ҳам катта жисмоний хатти-ҳаракатларни узвий қисмларга ажратишга ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганишга ёрдам беради. Гўдаклик чоғларингизда диққат билан қарашни, эшитишни, юришни ўрганган вақтингизда, ҳар бир кичкина, ёрдамчи, узвий хатти-ҳаракатни билишга интилгансиз. Худди шундай ишни саҳнада ҳам қилиб кўринг. Артистликнинг бошланғич йилларида ҳам ҳамма нарсани қайтадан ўрганишга тўғри келади.

«Пул ёндириш» этюдиди ҳақиқатга эришмоқ учун сизга таян нима ёрдам берди? – суриштиришда давом этди Аркадий Николаевич.

Жавоб тополмаганим учун жим туравердим.

– Сизга хатти-ҳаракатларингизнинг мантиғи ва изчиллиги ёрдам берди, сиздан шуларни сўраётгандим. Бу жуда ҳам муҳим моментдир, бунга батафсил тўхталишга тўғри келади.

Жисмоний хатти-ҳаракатларда мантиқ ва изчиллик ҳам қатнашади; улар хатти-ҳаракатларда тартиб, мунтазамлик, маъно пайдо қилади ва чинакам, унумли ҳамда мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатни келтириб чиқаришга ёрдам беради.

Реал ҳаётда биз бу ҳақда ўйлаб ўтирмаймиз. Ҳаётда ҳаммаса ўз-ўзидан бўлаверади. Почтадан ёки банкдан пул олганимизда, биз уни Названов каби санамаймиз. Эюдни тузатганимга қадар у шундай санади. Банка пулларни мен Названов билан ишлаганимдан кейингисига ўхшатиб санайдилар.

– Бўлмаса-чи! Банкада юз, икки юз сўм кам чиқиши даҳшат, аммо эюдда кам чиқса ҳеч нарса қилмайди. Саҳнада ҳеч ким зарар кўрмайди, – деб ўқувчилар ҳам муҳокамага қўшилишди.

– Ҳаётда бир турдаги хатти-ҳаракатларнинг тез-тез қайтарилиб тургани сабабли агар таъбир жоиз бўлса, механик мантиқ ва жисмоний ҳамда бошқа ҳаракатлар изчиллиги вужудга келади, – деб тушунтирди Торуов. – Натижада, диққат эҳтиёткорлиги ҳамда ўз-ўзини беихтиёр текшириш пайдо бўлади ва бизни бошқариб туради.

– Хатти-ҳаракат... нинг ...мантиқ ва из...чил.. ли.. лиги... механик... эҳти...ёт...корлик ...ўз...ўзи...ни тек.. ши... риш, – деб Вьонцов тушуниш қийин бўлган бу сўзларни билиб олишга астойдил уринар эди.

– Мен сизга «хатти-ҳаракатнинг мантиғи ва изчиллиги» ва улар «механиклигини» ҳамда сизларни чўчитган бошқа сўзларни тушунтириб бераман. Менга қулоқ солинглар.

Борди-ю, хат ёзмақчи бўлсангиз, конвертни ёпиштиришдан бошламайсиз-ку, ахир. Тўғри эмасми? Сиз аввал қоғоз, сиёҳ, ручка тайёрлайсиз, нима ёзиш кераклигини ўйлайсиз ва қоғозда ўз фикрларингизни баён этасиз. Фақат шундан кейингина конвертни оласиз, адресини ёзасиз ва ёпиштирасиз. Нима учун шундай қиласиз, чунки сиз ўз хатти-ҳаракатларингизда мантиқли ва изчилсиз.

Актёрлар саҳнада хатни қандай ёзганларини кўрганмисиз? Улар столга ётиб олиб кўзга кўринган қоғоз парчаси устида ручкани бемаъни тебратаверадилар; чала тахланган қоғозни бир

бало қилиб конвертга соладилар-да, лабларини хатга текизган бўладилар ва... ҳаммаси тайёр бўлади-қўяди.

Шу хилда иш қилган актёрлар ўз хатти-ҳаракатларида мулоҳазали ва изчил эмаслар. Тушунарлими?

– Тушунарли! – деб хурсанд бўлди Вьюнцов.

– Энди жисмоний хатти-ҳаракатларда мантиқ ва изчилликнинг механиклиги тўғрисида гаплашиб олайлик. Овқат еётган вақтингизда ҳар бир майда-чуйда ҳаракатлар тўғрисида (вилка ва пичоқни қандай ушлаш, уларни қандай ишлатиш, чайнаш, ютиш) ўйламайсиз. Умрингиз мобайнида минг мартаб овқат егансиз, бу процессларнинг ҳаммаси одатга айланиб кетган, уларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан қилинади. Сиз мантиқий ва изчил ҳаракатларсиз овқат еёлмаслигингизни ва қорнингизни тўйғизолмаслигингизни инстинктив равишда тушунайсиз.

Мантиқ ва механик хатти-ҳаракатларни ким текшириб туради? Сизнинг беихтиёрий сергак диққатингиз, ўз-ўзини инстинктив равишда текшириб туришингиз. Тушунарлими?

– Қойил!.. Тушунарли!

– Реал ҳаётда ана шундай рўй беради. Саҳнада эса бўлак масала. У ерда, ўзингизга маълумки, биз хатти-ҳаракатларни ҳаётий ва органик зарур бўлгани учун эмас, сценарий муаллифи ва режиссёр буюргани учун бажарамиз.

Саҳнада жисмоний хатти-ҳаракатнинг табиий заруриятига, унинг «механик» мантиғи ва изчиллигига, табиий беихтиёр сергаклик ва ўз-ўзини инстинктив текширишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Уларсиз қандай қилиш мумкин? Бунинг учун механик ҳаракатни жисмоний хатти-ҳаракатнинг ҳар бир моментини онгли, мантиқий ва изчиллик билан текшириб бориш билан алмаштиришга тўғри келади. Вақти келиб хатти-ҳаракат тез-тез қайтарилиши туфайли, бу процесс кишига одат бўлиб қолади.

Қани энди жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиғи ва изчиллигини сезишга тезроқ одатланиш, улар натижаси бўлган ҳақиқатга, бу ҳақиқатнинг чинлигига ишончининг қанчалик муҳим эканлигини тезроқ билиб олганингизда эди. Бу сезгилар ва уларга бўлган эҳтиёж, тўғри машқлар қилинган тақдирда, қалбимизда қандай тез ривожланишини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз.

Бу ҳам оз: мантиқ ва изчилликка, ҳақиқат ва ишончга бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан бутун бошқа соҳаларга – фикрлар, истаклар, туйғулар қисқаси, ҳамма «элементларга» ўтади. Мантиқ ва изчиллик уларни, айниқса, диққатни интизомга солади. Улар объектни саҳнада ёки қалбда сақлашга, жисмоний хатти-ҳаракатларнигина эмас, ҳатто ички, руҳий хатти-ҳаракатларнинг, майда узвий қисмларнинг бажарилишини текшириб туришга ёрдам беради.

Ички ва ташқи ҳақиқатни сезганингизда ва унга ишонганингизда, хатти-ҳаракатга аввало ички эҳтиёж, кейинчалик хатти-ҳаракатнинг ўзи бевосита пайдо бўлади.

Агар артистдаги инсоний табиатнинг барча соҳалари мантиқан, изчил. чинакам ишонч билан ишласа, кечинма мукамал бўлади.

Саҳнадаги воқеаларга, пьеса ва рол соҳасидаги ҳодисаларга мантиқий ва изчил, чинакам ҳаққоният ва ишонч билан муносабатда бўладиган артистларни етиштириш улуг вазифа эмасми! Бахтга қарши Димкова ҳушидан кетиб қолгани учун дарсимиз узилиб қолди. Уни олиб чиқишга ва доктор чақиришга тўғри келди.

...19 ..й.

– Названовнинг кўзларидан нимани сўрамоқчилигини тушуниб турибман. – деди Аркадий Николаевич синфга кириб келгач. – У кичик жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали туйғуга таъсир ўтказиш услубини тезроқ билиб олмақчи.

Бу ишда сизга кўп жиҳатдан «буюмсиз хатти-ҳаракат» устида ишлаш ёрдам беради. Сиз бу ишни кўргансиз ва унинг ёрдами нимадан юборатлигини биласиз.

Эсингиздами, дастлабки «пул ёндириш» этюдини бажарганда Названов йўқ нарса билан ҳеч қандай маъносиз, мақсадсиз нима қилаётганини ўзи ҳам билмай хатти-ҳаракат қилди. чунки саҳнада унинг эҳтиёткорлиги ўзини-ўзи текшириб туриши ва механик мантиғи йўқолган эди. Мен Названов онгини бошқариб туриш вазифасини ўз устимга олдим, уни эшлашга, катта хатти-ҳаракат билан (пулни санаш) кичик узвий қисмларнинг маъноси ва алоқасини, мантиқий, изчил ривож йўлини тушунишга ёрдамлашдим. Названовни ҳар бир кичик, ёрдамчи хатти-ҳаракат устидан назорат ўрнатишга ўргатдим.

Булар қандай натижа берганини ўзингиз кўрдингиз. Названов саҳнадаги хатти-ҳаракатларида ҳақиқатни, ҳаётни эслади, билди, сезди ва ҳаққоний, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қила бошлади. Бугун эса у ортиқча куч сарфламай, ҳаммасини эслади.

Названов тартибга тушган ўша ишни ўн, юз марталаб қайтарса унинг саҳнадаги мантиқлик ва изчил хатти-ҳаракатларида механиклик яратилади.

– Шундай ҳам бўлиши мумкинки, биз бу буюмсиз хатти-ҳаракатларнинг шунчалик ҳавосини олишимиз натижасида, кейинчалик спектаклда бизга ростакам буюмлар берганларида уларни нима қилишни билолмай ўзимизни йўқотиб қўямиз-ку, ахир, – мазах қилгандай гапирди Говорков.

– Дарҳақиқат, нега бир йўла ростакам буюмлар билан машқ, қилиб қўяқолмаймиз, – деб сўради кимдир.

– Фантазиямизни ўстириш учун керакдир-да? – сўз қистирди Шустов.

– Яқинда биз, масалан, уй қурдик, шунда хода, фишт ташидик, – деб эсладим мен.

– Бундан ҳам муҳимроқ сабаблар бор. Уларни сизга Говорков тажрибада тушунтириб беради. – деди Аркадий Николаевич. – Говорков! Саҳнага чиқинг, у ерда турган юмалоқ стол устидаги ростакам буюмлар ёрдами билан хат ёзинг.

Говорков саҳнага чиқиб, буйруқни бажарди. У ишини тугатгач, Торцов ўқувчилардан сўради:

– Унинг ҳамма хатти-ҳаракатини кўрдингизми ва ишондингизми?

– Йўқ! – деб деярли барча ўқувчилар бир оғиздан жавоб қилишди.

– Нимани кўрмадинглар ва сизларга нима нотўғри туюлди?

– Биринчидан, қоғозни, ручкани қаердан олганини пайқамай қолдим, – деди ўқувчилардан бири.

– Говорковдан сўранг-чи, кимга қандай хат ёзди экан? Ҳеч нарса айт олмайди. Чунки нима ёзганини ўзи ҳам билмайди, – деди иккинчиси.

– Бунчалик оз вақт ичида кичкинагина оддий хатни ҳам ёзиб улгурмайсан киши, – таъкид қилди учинчиси.

– Дузенинг Маргарита Готье ролидаги (Дюманинг «Камелиялик хоним» асари) Арманга ёзган хати икир-чикиригача эсимда турибди. Бу спектаклни кўрганамга бир неча ўн йиллар бўлди. лекин ҳанузгача унинг севган киши-сига хат ёзишидаги жисмоний хатти-ҳаракатининг энг кичик тафсилотларидан ҳам завқланаман. – деди Аркадий Николаевич.

Кейин у яна Говорковга мурожаат қилди:

– Энди худди шундай машқни «буюмсиз хатти-ҳаракат» билан қилиб кўринг.

Уни катта хатти-ҳаракатнинг ҳамма кичик узвий қисмларини мантиқий ва изчиллик билан бирма-бир эслатиш ва йўналтиришга муваффақ бўлгунча жуда узоқ овора бўлишга тўғри келди. Говорков уларни эслаб. изчиллик билан қилгач, Аркадий Николаевич ўқувчилардан сўради:

– Энди бунинг хат ёзишига ишондингларми?

– Ишондик!

– Сиз унинг қаердан қоғоз, ручка ва сиёҳ олганини кўриб, эслаб қолдингларми?

– Кўрдик ва эслаб қолдик.

– Говорков хат ёзишдан аввал хаёлида унинг мазмунини ўйлаб олганини ва шундан кейин уни мантиқан, изчиллик билан қоғозга туширганини сездингларми?

– Сездик.

Бу мисолдан қандай хулоса чиқармоқ лозим?

Нима деб жавоб беришимизни билмаганимиз учун жим туравердик.

– Хулоса шундан иборатки. – деди Аркадий Николаевич. – саҳнада артистнинг хатти-ҳаракатини қараб ўтирган томошабин ҳам унинг хатти-ҳаракатининг мантиғи ва изчилигини сезмоғи лозим. биз эса уларни ҳаётда ихтиёрсиз қилаверамиз. Бусиз томошабин саҳнада бўлаётган воқеалар ҳақиқатига ишонмайди. Томошабин ҳар бир хатти-ҳаракатингиздаги мантиқ ва изчилликни сезсин. Аввал уларни сиз онгли равишда кўрсатинг, кейинчалик у одатга айланиб кетади.

– Яна бир хулоса чиқарса бўлади. – деди Говорков. – Биласизми, у шундан иборатки, саҳнадаги ҳар бир жисмоний хатти-ҳаракатни ростакам буюмлар билан қайта-қайта ишлаб чиқишга тўғри келади.

– Сиз ҳақсиз, бироқ дастлабки пайтларда ростакам буюмлар билан ишлаш. йўқ нарса билан ишлашга нисбатан қийинроқ бўлади, – деди Торцов.

– Нега энди?

– Чунки ростакам буюмлар билан қилинган кўпгина хатти-ҳаракатлар. ҳаётини механика туфайли, инстинктив равишда. яъни ўз-ўзидан бажарилаверади, ўйнаётган киши эса уларга эътибор қилишга улгуролмайди ҳам. Ҳаммасига эътибор қилиш ҳам қийин, борди-ю, уларга эътибор берилса, жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқий ва изчил йўлини бузувчи бўшлиқлар пайдо бўлади. Бузилган мантиқ эса, ўз навбатида, ҳақиқатни йўқ қилади. Маълумки, ҳақиқат бўлмаса, ишонч ва кечинманинг ўзи артистда ҳам, кўриб турган одамда ҳам бўлмайди.

– Буюмларсиз хатти-ҳаракат қилганда бўлак шароитлар пайдо бўлади. Уларни бажараётган вақтда диққатни чор-ночор катта хатти-ҳаракатнинг ҳар бир энг кичик узвий қисмларига жалб қилишингга тўғри келади. Бусиз эса бутун ҳаракатнинг барча ёрдамчи қисмларини эслаёлмайсан ва бажаролмайсан, бир бутуннинг ёрдамчи қисмларисиз эса катта хатти-ҳаракатни сезолмайсан.

Аввал ўйлаб, кейин ҳаракат қилишга тўғри келади. Натижада эса ҳаракатларнинг мантиғи ва изчиллигига кўра, ҳақиқатга, ҳақиқатдан ишончга ва асл кечинманинг ўзига табиий йўл билан борасан.

Нима учун дастлабки пайтлари «буюмсиз хатти-ҳаракатлардан» бошлашингизни тавсия этганим ва ростакам буюмларни вақтинча рад этганимни энди тушунгандирсиз. Уларнинг йўқлиги жисмоний хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини диққат билан чуқурроқ тушунишга, билиб олишга мажбур қилади.

Мен таклиф қилаётган усул ва машқларга зўр эътибор билан қаранг, уларнинг ёрдами билан хатти-ҳаракатингизни органик ҳақиқат даражасига етказинг.

– Мени кечиринг, – деб баҳслаша бошлади Говорков. – қандай қилиб буюмсиз хатти-ҳаракатни жисмоний ва ҳаттоки органик деб бўлади?

Говорковнинг фикрини Шустов ҳам қувватлади. Унинг фикрича, реал, ростакам объектлар билан хатти-ҳаракат қилиш ва фараз қилинган объектлар (йўқ нарса) ёрдамида ҳаракат қилиш бу ўз хусусиятига кўра икки хил хатти-ҳаракат эмиш.



– Масалан, ўзингиз ўйлаб кўринг, сув ичишни олайлик, у, биласизми, бир қатор ҳақиқий жисмоний ва чинакам органик процессларни – суюқликни оғизга симириш, мазасини сезиш, ютишни вужудга келтиради.

– Худди шундай! – деб Торцов унинг гапини бўлди. Бу барча нозик томонларни буюмсиз хатти-ҳаракатда ҳам такрорлаш зарур, чунки уларсиз сув ичиб бўлмайди.

– Оғзимизда ҳеч нарса бўлмагач, ўзингиз ўйлаб кўринг, нима билан буни такрорлаймиз?

– Сўлагингизни, ҳавони ютинг, барибир эмасми? – таклиф қилди Аркадий Николаевич. – Бу иш хуштаъм винони ичиш билан баробар эмас, дерсиз, албатта, тўғри. Фарқи бор. Аммо шунда ҳам мақсадимизга етарли бўлган жисмоний ҳақиқатнинг кўп моментлари қолади.

– Кечиринг-ку, лекин бу зайлдаги иш ролнинг асосий моҳиятидан четга тортади. Ҳаётда, ўзингизга маълумки, сув ичиш ўз-ўзидан бўлаверади, у ҳеч қандай диққатни талаб қилмайди, – деб Говорков яна гапга аралашди.

– Йўқ, ичаётган нарсангизнинг таъмини татиб кўриш ҳам диққатингизни талаб қилади, – эътироз билдирди Аркадий Николаевич.

– Лекин татиб кўрмасангиз ўйламайсиз-ку.

– Буюмсиз хатти-ҳаракатлар вақтида ҳам худди шундай бўлади. Илгари айтганимдек уларни қайта-қайта қилиб кўринг, барча узвий моментларини тушунинг, эслаб англаб, шунда танангиз таниш хатти-ҳаракатларни танийди, сезади ва уни қайтарганингизда сизга ўзи кўмаклашади.

\* \* \*

Дарсдан сўнг ўқувчилар хайрлашар ва тарқалишар экан, Аркадий Николаевич Иван Платоновичга топшириқлар берди. Торцов қаттиқ гапиргани учун, гапни мен ҳам эшитдим:

– Ўқувчилар билан худди шундай ишламоқ лозим. Майли, дастлабки пайтларда муаллим ўқувчи учун ақл юритсин, хато қилиб тушириб қолдирган майда узвий хатти-ҳаракатларни кўрсатиб турсин.

Ўқувчилар ҳам, ўз навбатида, катта хатти-ҳаракатларнинг бу узвий қисмлари ва улар тараққиётининг мангиқий ҳамда изчил йўналишини билишлари зарурлигини эсларида тутсинлар.

Шундай қилиш керакки, ўқувчилар хатти-ҳаракат табиати талабларининг аниқ бажарилишини эътибор билан кузатиб туришга ўргансинлар; саҳнадаги физик хатти-ҳаракатлар мантиқий ва изчиллигини ҳамиша сезиб турсинлар. Бу уларнинг саҳнадаги табиий эҳтиёжига, яъни нормал ҳолатга айланиши керак. Шундай қилиш керакки, ўқувчилар катта хатти-ҳаракатларнинг ҳар бир кичик узвий қисмини, худди мусиқачи чалаётган куйининг ҳар бир нотасини севгани каби севсинлар.

Шу дамгача сен ўқувчилар саҳнада сохта эмас, чинакам, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилишларига эътибор қилиб келдинг. Бу жуда яхши! Шу ишингни бундан кейин ҳам «тренинг ва муштра» дарсларида давом эттиравер. Бурунгидай хат ёзинглар, овқат ейдиган столга дастурхон ёзинглар, турли таомлар пиширинглар, чой ичинглар, ўзингизга кийим тикинг, ўйлар қуринг ва ҳоказо. Аммо бугундан бошлаб бу физик хатти-ҳаракатларнинг барчасини буюмсиз, йўқ нарса билан қилинг; бу машқлар артистнинг қалбида асл органик ҳақиқат ва жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали ишонч ҳиссини тарбиялашда зарурлиги эсингиздан чиқмасин.

Названов йўқ пулни санашдек жисмоний хатти-ҳаракатнинг ҳар бир моментига тушуниб етишга мажбур бўлганини энди яхши билади. Диққатнинг ғоятда муҳим бўлган бу ишини энг юксак техника камолоти даражасига етказинг. Шундан сўнг бир хилдаги жисмоний хатти-ҳаракатларни турли шарт-шароитлар ва сеҳрли «агарда»лар билан мустаҳкамланг. Масалан, ўқувчи кийинишнинг жисмоний процессини тўла-тўқис тушунади десак, ундан «Мақтабга шошилмайдиган, бўш куни қандай кийинасан?» деб сўранг.

У эслаб кўргач, бўш куни қандай кийинса, худди шундай кийинсин.

Иш куни, ҳали дарс бошланишига талай вақт бор бўлганида қандай кийинасиз?

Мақтабга кеч қолаётганда-чи?

Уйда тревога бошланганда ёки ўт тушганда-чи?

Ўз уйингизда эмас, меҳмонга борганда қандай кийинасиз ва ҳоказо.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммасида одамлар жисмоний жиҳатдан деярли бир хилда кийинадилар, галстукларини боғлайдилар, тугмаларини қадайдилар ва ҳоказо. Бу жисмоний ҳаракатларнинг

мантиқ ва изчиллиги ҳар қандай вазиятда деярли ўзгармайди. Бу мантиқ ва изчиллиликни бир умрга ўзлаштириб олмоқ, уни ҳар бир жисмоний ҳаракатда камолотга етказмоқ керак. Берилган шарт-шароитлар ҳамда сеҳрли ва бошқа «агарда»лар ўзгариб туради, аммо жисмоний ҳаракатлар ўзгармайди. Атрофдаги муҳит хатти-ҳаракатнинг ўзига таъсир қилади, бироқ буни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Бу ишларни бизнинг ўрнимизга табиатнинг ўзи, ҳаёт тажрибаси, одат, беихтиёр онгининг ўзи бажаради. Улар биз учун лозим бўлган ҳамма ишни бажаради. Биз эса фақат жисмоний хатти-ҳаракатнинг берилган шарт-шароитларда мантиқ ва изчиллик билан бажарилишини ўйламоғимиз керак бўлади, холос.

Мана шу ишда – хатти-ҳаракатни ўрганишда сизга «буюмсиз хатти-ҳаракат» машқлари катта ёрдам беради, улар орқали сиз ҳақиқатни билиб оласиз. Мана шунинг учун ҳам мен бу машқларга ғоятда зўр аҳамият бераман ва сендан, Ваня, бу машқларга жуда катта эътибор беришингни яна бир бор сўрайман.

– Хўп бўлади! – денгизчилар каби жавоб қилди Иван Платонович.

...19 ...й.

Жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллиги онгимизга қаттиқ ўрнашиб қолди. Машқлар, этиюллар, тренинг ва муштралар вақтида диққатимиз фақат улар билан банд бўладиган бўлди. Синф ва саҳнада ўзимизга ҳар хил тажрибаларни ўйлаб топадиган бўлдик. Бу ҳам майли-я, жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллиги ҳақида қайғуришимиз кундалик ҳаётимизга ҳам кириб келди. Бизда бир-биримизни тўхтовсиз кузатиб туришимиз ва жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқсизлиги ва изчил эмаслигини топнишимиз одат бўлиб қолди.

Мана, масалан, мактаб саҳнаси ўз вақтида супурилмагани учун Аркадий Николаевичнинг дарсини мактаб театрининг қўшни коридорида кутиб туришга тўғри келди. Шунда Малолеткова тўсатдан чинқириб қолди:

– Дўстларим! Шўрим қуриди, уйимизнинг калитини йўқотиб қўйдим!

Ҳамма йўқолган нарсани қидиришга тушиб кетди.

– Мантиқан эмас! – деб Говорков Малолетковага тегишди. – Сиз олдин энгашиб, калитни қаердан қидириш кераклигини

кейин ўйлай бошляпсиз. Агар билсангиз бундан шундай хулоса чиқадики, сизнинг жисмоний хатти-ҳаракатингиз қидириш учун эмас, балки бизга – томошабинга нозу қарашма қилиш учун бўляпти.

– Вой-бў, дўстим, мунча ёпишиб олмасанг! – деб Малолеткованинг жаҳли чиқди.

Шу пайт Вьюнцов Вельяминовага эргашиб юриб:

– Ана! Бўлди! Ютқаздингиз! Изчиллик йўқ! Ишонмайман! Кўлларингиз диванни тимискилайди-ю, кўзларингиз менда. Турган гап. Ютқаздинг! – деб тегишарди.

Бунга Пушчин, Веселовский, Шустов, қисман менинг мулоҳазаларимни кўшиб кўйсангиз, қидирувчиларнинг аҳволи танг бўлганлиги равшан бўлади қолади.

– Тентаклар! Ўзингизни майиб қилманглар! – тўсатдан Аркадий Николаевичнинг қаттиқ овози эшитилди.

Ўқувчилар ҳайратда қолишди.

– Ҳаммангиз скамейкаларга ўтиринглар, сизлар эса Малолеткова ва Вельяминова, коридор бўйлаб олдинга – орқага юринглар! – деб буйруқ қилди Аркадий Николаевич, бизга нотаниш бўлган кескин бир оҳангда.

– Бундай эмас! Шундай ҳам юрадиларми? Оёқ товонларини ичкарига, учларини четка қилиб юринг! Нега тиззангизни букмайсиз? Нега белингиз кам ҳаракат қилади? Гавдангизнинг оғирлик марказини кузатинг! Бусиз, ҳаракатларингизнинг маъноси йўқ, изчиллиги йўқ! Ишонмаяпман! Нима бу, юришни билмайсизми? Қилаётган ишингиз ҳақиқати ва унга бўлган ишонч қани? Нега мастга ўхшаб гандираклайсиз? Оёгингиз тагига қараб юринг!

Аркадий Николаевич айб топаверган сари, қизлар ўзларини яна ҳам баттарроқ йўқотиб қўярдилар. Торцов уларни шу қадар қийнаб юбордики, ҳатто тиззалари, товонлари ва оёқ таглари қаердалигини ҳам ажратолмай қолдилар. Аркадий Николаевич ҳаракатга келтирувчи мускуллар учун вазифа берса, эсапкираб қолган бечора қизлар керак бўлмаган ерларини ҳаракатга келтирар эдилар. Бу эса ўқитувчининг янги-янги талабларини келтириб чиқарар эди.

Бу ишлар ўз оёқларини адаштириб юбориш билан тугади. Вельяминова эса коридорнинг ўртасида оғзини очганча, кўзлари жиққа ёшга тўлганча қимирламай қолди.

Торцовга қараган эдим, Рахманов иккаласи оғизларини рўмолчалари билан бекитиб, ичларида қотиб-қотиб кулаётганларини кўриб, ҳайратда қолдим.

Тез орада ҳазил ошкора бўлди.

– Бемаъни ўйинларингиз, – деди Аркадий Николаевич, – менинг усулим маъносини барбод қилишини, наҳотки тушунмасангиз? Наҳотки, ҳамма гап катта жисмоний хатти-ҳаракатнинг узвий қисмлари мантиғи ва изчиллигини расмий белгилашдан иборат бўлса? Менга уларнинг кераги йўқ, – менга сезгилар ҳақиқати ва ижодкор артистнинг унга бўлган самимий ишончи керак.

Бундай ҳақиқат ва ишончсиз саҳнада нимаики қилинмасин, у барча мантиқий ва изчил хатти-ҳаракатларни шартлиликка, яъни ишониб бўлмайдиган ёлғонга айлантиради.

Менинг усулим, бутун «система», унинг психотехникаси бу ниҳоят, бутун санъат учун энг хавфли нарса мураккаб ижодий ишимизга расмий ёндашиш, уни тор маънода, нотўғри тушунишдир. Катта жисмоний хатти-ҳаракатларни узвий қисмларга ажратишни ўрганиб олиш, бу қисмлар орасидаги мантиқ ва изчилликни расмий равишда белгилаш, бунинг учун тегишли машқларни ўйлаб топиш, уларни ўқувчилар билан ишлаш, энг асосий мақсад, яъни жисмоний хатти-ҳаракатларни чинакам ҳақиқат ва ишонч даражасига кўтариш ҳақида ўйламаслик осон иш, албатта!

Булар «система» эксплуататорлари учун қандай зўр ҳавас!

Санъатда «система» «система»нинг ўзи учун керак дейишдан бемаънироқ ва зарарлироқ нарса борми? «Система» мақсад эмас – восита, воситани моҳиятга айлантириш мумкин эмас. Акс ҳолда энг катта ёлғон мана шу бўлади.

Ҳозиргина мен дарсга кирганимда худди шуни, йўқолган нарсани қидирар экансизлар, худди шу ёлғонни кўрсатдинглар. Сиз ҳар бир кичик жисмоний хатти-ҳаракатга ҳақиқатни қидириш ва унинг чинакамлигига ишонч пайдо қилиш учун эмас, балки жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллигини расмий равишда бажариш учун ёпишиб олдинглар. Бу санъатга мутлақо алоқаси бўлмаган, бемаъни ва зарарли ўйиндир.

Ундан ташқари, сизларга дўстона маслаҳатим ҳеч қачон санъатнингиз, ижодингиз, усулларингиз психотехникасини ва ҳоказоларни танқидовозларга ва тирноқ остидан кир қидирувчиларга

бериб қўйманглар. Улар артистни оқилона фикридан маҳрум этиб, уни фалаж ёки қоқшол қилиб қўйишлари мумкин. Нега уларни ўзингизда ҳам, бошқаларда ҳам бемаъни ўйин ёрдами билан тараққий эттиряпсизлар? Уни йўқотинг, акс ҳолда ортиқча эҳтиёткорлик, айбситувчанлик ва сохталикдан ҳаддан ташқари қўрқиш сизларни ишдан чиқариб қўяди. Ёлгонни шунчаки ҳақиқатни топишга ёрдам бергани учун қидиринг. Шу билан бирга, эсингиздан чиқмасинки, танқидвоз ва айбситувчилар сохталикни ҳаммадан кўпроқ вужудга келтирадилар, шунда актёр хоҳишидан ташқари танланган фаол вазифасини бажаришдан тўхтайти ва унинг ўрнига ҳақиқатнинг ўзини сунъий ўйнай бошлайди. Бу сунъийликда эса энг катта сохталик яшириниб ётади. Ичингиздаги ва ташингиздаги танқидвозни, яъни томоша қилаётганни ҳам, ундан кўпроқ ўзингиздаги шубҳани ҳам қувиб чиқаринг! Танқидвоз доимо шубҳаланувчи артист кўнглига жон-жон деб ўрнашиб олади.

Ўзингизда соғлом, хотиржам, доно фикрли танқидчини – артистнинг энг яқин дўстини етиштиринг. У хатти-ҳаракатни бўшаштирмай, балки жонлантиради, у хатти-ҳаракатни расмий эмас, чинакам чиқишига ёрдам беради. Асл танқидчи гўзал нарсани кўра билади, тирноқ орасидан кир қидирувчи танқидвоз эса фақат ёмонни кўради, яхшини кўрмай ўтказиб юборади.

Худди шу нарса бўлак ўқувчиларнинг ишини кузатиб турувчиларга ҳам тегишли. Бўлак кишининг ижодини текшириб турган одам, кўзгу вазифасини ўташ билан чегаралансин ва виждонан, айбситмай: кўраётган ва эшитаётганларига ишонаптимини ўққми айтсин, уни ишонтирган моментларини кўрсатиб ўтсин. Улардан бундан ортиқ нарса талаб қилинмайди.

Борди-ю, театр томошабини ҳам саҳнадаги ҳақиқатга худди ҳаётдагидек талабчанлик билан қарасамин, у тақдирда биз шўринг кургур актёрларнинг саҳнага чиқишимиз мумкин бўлмай қолар эди.

– Ҳали, томошабин ҳақиқатни талаб қилмайдими? – кимдир сўради.

– У талабчан-у, аммо сизга ўхшаган айбситувчи эмас. Аксинча! Яхши томошабин театрда бўлаётган барча ҳодисага ишонишни истайди. У саҳна тўқималарига ҳам ишонишни хоҳлайди. Бу истак унинг ниҳоят, соддалигидан дарак беради.

Мен сизларга яқинда бўлиб ўтган ғалати бир воқеани айтиб берай.

Танишларимдан бирининг уйида чол Шустов ёшларни хурсанд қилиш ниятида моҳирлик билан бир фокус кўрсатди. У ҳаманинг олдида меҳмонлардан бирининг пиджак ва жилетига қўл тегизмай, ечиб олди. Кўйлагини ечиб олишдан бурун фақат галстуги ва тугмаларига қўлини тегизди.

Бу фокуснинг сирини мен билардим, чунки бу фокусга тайёрланаётганини тасодифан кўриб қолиб, Шустов ўз ёрдамчиси билан келишиб олаётганини эшитган эдим. Мен фокуснинг ўзини томоша қилаётганимда эшитганимни унутиб қўйдим ва чол Шустовнинг янги ролига таҳсинлар ўқидим.

Тажрибадан сўнг ҳамма ҳаяжонланиб фокус техникасини муҳокама қила бошлади, уларнинг бу ишига мен ҳам қўшилиб кетдим, билганимни унутдим ёки, тўғрироғи, уларни ўйлашни хоҳламадим. Ўзимни ишонч ва завқланиш лаззатидан маҳрум қилишни истамаганим учун, у гапларни унутдим. Бу англаш қийин бўлган фаромушхотирлик ва соддаликни бошқачасига тушунтиролмайман.

Театр томошабини ҳам худди шунга ўхшаш, уни «алдашларини» истади, унга сахнавий ҳақиқатга ишонч ва театрдаги ўйин ҳақиқий ҳаёт эмаслигини унутиш кўнглига хуш келади.

Сахнада қиладиган ишингиздаги ҳаққоният ва унга ишончингиз билан томошабинни мафтун этинг.

...19 ...й.

– «Пул ёндириш» этюдининг бир неча кун бурун биринчи қисми устида қандай иш олиб борилган бўлса, бугун иккинчи қисми устида ҳам худди шундай иш олиб борамиз. – деб маълум қилди Аркадий Николаевич синфга киргач.

– Бу вазифа қийинроқ бўлса керак, кучимиз етармикан. – деб гап қистирдим мен, Малолеткова ва Вьюнцов билан бирга сахнага чиқиш учун ўрнимдан турар эканман.

– Зарари йўқ, – деб мени хотиржам қилди Аркадий Николаевич, мен бу этюдни сизга нима бўлса-да, яхшилаш учун берганим йўқ, балки қийин вазифа ёрдамида сизга нима етишмаётганини ва нимани ўрганишингиз кераклигини яхшироқ тушуниб олмақларингиз учун бердим. Ҳозирча кучингиз етганича бажаринг. Агар бутун этюдни кўрсатолмасангиз, менга лоақал бир қисмини қилиб беринг. Жисмоний ҳатти-ҳаракатнинг фақат ташқи кўринишини ифодаланг. Унда ҳақиқат сезилса бўлгани.

Мана, масалан, қилаётган ишингизни ташлаб, хотинингиз чақирган жойга, ошхонага бориб, болани қандай чўмилтираётганини кўриб кела оласизми?

– Кўриб кела оламан, бу қийин эмас!

Мен ўрнимдан туриб, қўшни хонага жўнадим.

– Эй, йўқ! – Мени шошиб тўхтатди Аркадий Николаевич. – Худди мана шуни тўғри қилиш қўлингиздан келмас экан. Ҳақиқатан ҳам саҳнада хонага кириш ва ундан кулисалар орқасига чиқиб кетиш – осон иш эмас. Сиз ҳозир анча-мунча мантиқсизликка йўл қўйдингиз, унга таажжубланмаса ҳам бўлади.

Ўзингиз бир текшириб кўринг-чи, қанчадан-қанча билинар-билимас кичик зарур бўлган жисмоний хатти-ҳаракатларни ва ҳақиқатларни ташлаб кетдингиз. Мана, масалан, чиқиб кетмасдан бурун ахир бекор ўтирганингиз йўқ эди, балки муҳим ишлар билан, яъни ҳужжатлар ва кассани текшириш билан машғул эдингиз. Нега энди ўз ишингизни бирданига ташладингиз, нега секин чиқмай, гўё уйнинг томи қулаётгандай югуриб чиқдингиз? Ҳеч қандай фалокат юз берганича йўқ: сизни хотинингиз чақирди, холос. Ундан ташқари, наҳотки сиз ҳаётда чақалоқнинг олдига оғзингиздаги ёниб турган папирос билан кирсангиз. Ахир чақалоқ тамаки тутунидан йўталади-ку. Онаси ҳам чекаётган кишини чақалоқ чўмилаётган жойга қўярмикан? Шунинг учун папиросни қўядиган жой топинг, уни шу ерда, шу хонада қолдириб, кейин боринг. Айтилган кичик ёрдамчи хатти-ҳаракатларнинг ҳар бирини бажариш қийин эмас.

Мен худди шундай қилдим: меҳмонхонага папиросни қўйдим ва кулисалар орқасига чиқиб кетдим, у ерда саҳнага қайтиб чиқишимни кутдим.

– Мана ҳозир кичик хатти-ҳаракатларнинг ҳар бирини алоҳида бажардингиз ва улардан ошхонага чиқиш деган катта бир хатти-ҳаракат келиб чиқди. Бунга ишонса бўлади.

Меҳмонхонага қайтиб киришим ҳам шу сингари жуда кўп тузатишларга дучор бўлди, аммо бу сафар мен шундайгина хатти-ҳаракат қилиб қўяқолмадим: ҳар бир кичик ҳаракатни керагидан ортиқ бажардим, меъёрига етказдим, ҳатто, ошириб ўйнадим. Бу ҳам саҳнада ёлғонни вужудга келтиради.

Ниҳоят биз энг қизиқ, драматик моментига келдик. Саҳнага чиқиб, столга қайтиб бораётганимда, унинг устида пулларни, қоғозларни қолдириб кетган эдим, уларни ёндирган ва ўз



ўйинидан телбаларча хурсанд бўлаётган анқов Вьонцовни кўриб қолдим.

Трагик моментни сезиб, худди сигнал эшитган жанговар от каби илгарига ташландим. Темпераментим ошиб сунъийликка йўл кўйдим, ҳатто ўзимни қайтаролмадим ҳам.

– Тўхтанг! Тойдингиз! Издан чиқиб кетдингиз! Сохта йўлдан бораяпсиз! – деб Аркадий Николаевич тўхтатиб кўйди. – Эсингиздан чиқмасдан, нима ишлар қилганингизни бир ўйлаб кўринг-чи.

– Трагедияни ўйнадим, – айбимга иқрор бўлдим.

– Нима қилишингиз керак эди?

Камин олдига югуриб бориб, ёнаётган пачкани ўтдан чангаллаб олишим керак экан. Аммо бунинг учун аввало йўлни тозалашим, букурни четга итариб юборишим керак эди. Мен худди шундай қилдим. Бироқ Торцов бундай кучсиз туртишдан фалокат юз бериши ва ўлим тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини уқдирди.

– Кескинроқ хатти-ҳаракатни қандай қилиб келтириб чиқариш ва асослаш мумкин?

– Менга қаранг, – деди менга Аркадий Николаевич, – мен мана бу қоғозни ёндириб, мана бу ерга, катта кулдонга ташлайман, сиз нарироқ тулинг ва алангани кўришингиз билан, куйиб тамом бўлмаган парчасини сақлаб қолиш учун югулинг.

Аркадий Николаевич айтганини қилиши билан, мен ёнаётган қоғозга отилдим, йўлда Вьонцовга тегиб кетиб, қўлини синдиришимга оз қолди.

– Кўрдингизми, – деб мот қилди Аркадий Николаевич, – ҳозир қилганингиз бундан бурунги қилганингизга, наҳотки ўхшаса? Ҳозир фалокат юз бериши мумкин эди, боягида эса ошириб ўйнашнинг айнан ўзи эди.

Менинг сўзларимдан, актёрларнинг қўлини синдириш, майиб қилиш лозим деган хулоса чиқмаслиги керак. Бунда сиз бир муҳим вазиятни эътиборга олмадингиз, яъни пуллар жуда тез ловуллаб ёнади, уларни қутқармоқ учун, жуда тезлик билан ҳаракат қилмоқ лозим эди, деган хулоса чиқаринг. Буни сиз қилмадингиз, бинобарин ҳақиқатни ва унга бўлган ишончни бўздингиз. Энди давомига ўтайлик.

– Қандай?.. Бошқа ҳеч нарса қилмайманми? – мен астойдил ҳайрон бўлдим.

– Тагин нима қилмоқчисиз? Иложи борича қутқариб қолдингиз, қолгани ёниб кетди.

– Одам ўлдириш-чи?

– Ҳеч қанақа одам ўлдириш бўлгани йўқ.

– Қанақасига бўлмади?

– Ҳа-да. Сиз тасвирлаётган одамингиз ҳозирчалик ҳеч қимни ўлдиргани йўқ. Пулларнинг ёниб кетганидан гангиб қолгансиз, холос.

– Сиз, ҳатто тентакни туртиб юборганингизни ҳам сезмадингиз. Агарда содир бўлган воқеага тушунганингизда, серрайиб қолмай, ўлаётган одамга ёрдам бериш учун шошилардингиз.

– Шундайликка шундайку-я... лекин, ҳар ҳолда, бу саҳнада бирор нарса қилиш керак. Ахир бу драматик момент-ку!

– Тушуняпман! Очиғини айтганда, трагедияни ошириб ўйнамоқчисиз. Яхшиси бу фикрдан қайтинг. Қани давом этайлик-чи.

Биз янги – мен учун қийин бўлган моментга келдик: қотиб қолишим ёки Аркадий Николаевичнинг ибораси билан айтганда «фожиали хатти-ҳаракатсизликда қолишим» керак эди.

Мен қотиб қолдим... Ошириб юборганимни ўзим ҳам сездим.

– Мана улар, азизларим! Даққиюнусдан қолган эски одатлар! Бу штампларнинг ҳали мустаҳкам, ашаддий, қолоқ эканлигини айтмайсизми? – деб Торцов мени мазах қилди.

– Улар нималарда кўринади?

– Даҳшатдан чақчайган кўзларда, пешонани фожиали артишда, бошни қўллар билан сиқишда, панжалар билан сочи тарашда, қўлларни юракка қўйишда. Бу штамплар уч юз ёшга кирган бўлсалар керак. Энди қўйинглар, бу эски одатлардан воз кечайлик! – деб у буйруқ берди. – Пешона, юрак ва сочлар билан ўйнашни йиғиштиринг! Уларнинг ўрнига менга жилла бўлмаса энг кичик, лекин чинакам, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат, ҳақиқат ва ишончни кўрсатинг.

– Драматик хатти-ҳаракатсизликда турар эканман, яна қандай ҳаракат қилишим мумкин! – ҳайрон бўлдим мен.

– Қандай ўйлайсиз, драматик ё бўлак хатти-ҳаракатсизликда ҳаракат борми? Агар бўлса, у нимадан иборатлигини айтиб беринг-чи.

– Драматик хатти-ҳаракатсизлик моментда одам нима билан машғул бўлишини эслаш учун, хотирамнинг барча тоқчаларини титкилаб чиқишга тўғри келди. Шунда Аркадий Николаевич бизга қуйидаги воқеани айтиб берди.

Бир бахтсиз аёлга эрининг тўсатдан ўлиб қолганлиги ҳақидаги машғум хабарни маълум қилиш керак экан. Хабарчи узоқ тайёрлангандан сўнг, ниҳоят бу қўрқинчли аччиқ ҳақиқатни айтибди. Шўрлик хотин қотиб қолибди. Лекин чеҳрасида ҳеч қандай фожиа ифодаланмабди (Саҳнадагига сира ўхшамайди, у ерда актёрлар бундай вақтларда ошириб ўйнашни яхши кўрадилар). Юзида ифода бутунлай бўлмагани учун қотиб туриши жуда даҳшатли туюлди. Хотиннинг қалбида юз бераётган ички процессни бузмаслик учун бир неча дақиқа қимирламай туришга тўғри келди. Пировардида қимирлаш лозим бўлди ва бу қимирлаш уни карахтликдан чиқарди. Хотин ўзига келди ва... ҳушсиз йиқилди.

Кўп вақт ўтгандан кейин, ўтмиш ҳақида гап очиш имконияти пайдо бўлганда ундан: «фожиали хатти-ҳаракатсизлик» моментда у аёл нималарни ўйлаган экан? деб сўрабдилар.

Ўлим хабарини эшитишдан беш дақиқа илгари у хотин эрига майда-чуйда сотиб олмоқ учун қаергадир отланаётган экан... Бироқ у ўлгани учун, қандайдир бошқа иш қилмоғи лозим бўлиб қолибди. Қандай иш бўлиши мумкин? Янги ҳаёт бошлаши, эскиси билан видолашмоғи керакмиди? Бир лаҳзада бутун ўтган ҳаётини қайта бошидан кечириб, келажак билан бетма-бет турганча ўйлаб ўйинга етолмай қолган. Келажак ҳаёт учун эса зарур мувозанатни ҳам тополмаган ва ожизлик туфайли ҳушидан кетган. Бир неча дақиқалик драматик хатти-ҳаракатсизлик етарли даражада фаоллашганини инкор этмасиз. Дарҳақиқат, шундай қисқа муддат ичида бутун ўтмишни бошдан кечириб, унга баҳо бериш ҳазил гап эмас! Ахир бу хатти-ҳаракат эмасми?

– Тўғри, лекин у жисмоний эмас, балки соф психологик хатти-ҳаракатдир.

– Тўғри, маъқул. Боринг, бу жисмоний эмас, бўлак бир хатти-ҳаракат бўлсин. Номи ва унинг қанақалигини аниқлаш учун бош қотириб ўтирмайлик. Ҳар бир жисмоний хатти-ҳаракатда психологик хатти-ҳаракатдан озми-кўпми бўлади. Психологик хатти-ҳаракатда эса жисмоний хатти-ҳаракат бор.

Машҳур бир олим: борди-ю туйғумизни ёзиб оладиган бўлсак, у жисмоний хатти-ҳаракат ҳақида ёзилган ҳикоя бўлиб чиқар эди, дейди.

Хатти-ҳаракат қанчалик жисмонийликка яқин бўлса, туйғуни зўрлашдан шунчалик қутулган бўлаемиз.

Бироқ... Яхши, майли шундай ҳам бўлсин: гап психология ҳақида борсин. ташқи эмас, ички хатти-ҳаракатга ишимиз тушган бўлсин, жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллиги билан эмас, балки туйғуларнинг мантиғи ва изчиллиги билан иш кўра қолайлик. Аммо бу ҳолда нима қилмоқ кераклигини тушуниш муҳимроқ ва айниқса қийинроқ бўлиб қолади. Ўзинг тушунмаган нарсани бажариш, «умуман» ўйнаш мумкин эмас. Хатти-ҳаракатнинг ички йўли ва аниқ режаси бўлиши керак. Уларни яратмоқ учун туйғуларнинг хусусияти мантиқ ва изчиллигини билмоқ зарур. Ҳозиргача биз сезиларли, кўринарли, тушунишимиз осон бўлган жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқ ва изчиллиги билан иш кўриб келдик. Энди бўлса сезилмас, кўринмас, беқарор ички ҳиссиётлар мантиғи ва изчиллигига дуч келамиз. Қаршингизда турган бу соҳа ва янги вазифа анчагина мураккабдир.

Ҳис этишнинг хусусияти, мантиқ ва изчиллиги ҳазил гап эмас! Бу мураккаб психологик масалалар фан соҳасида жуда кам ўрганилган. фан бизга бу соҳада ҳеч қандай амалий кўрсатмалар ва асосларни бергани йўқ.

Бу мушкул аҳволдан ўз тадбирларимиз, чунончи, хонаки воқеаларимиз ёрдами билан қутулишдан бошқа иложимиз йўқ. Улар ҳақида келгуси сафар гаплашамиз.

...19 ...й.

– «Туйғу мантиқ ва изчиллиги» тўғрисидаги мураккаб масалани қандай еҳса бўлади? Уларнинг ёрдамсиз «фожиали хатти-ҳаракатсизликнинг» паузасини жонлантиролмаймиз.

Биз олимлар эмас, артистмиз. Бизнинг соҳамиз, хатти-ҳаракатдан иборат. Биз, инсоннинг тажрибаси, ҳаёт хотиралари, мантиқ ва изчилликдан фойдаланамиз, саҳнада қилаётган ишимизнинг ҳақиқатига ва ишончига амал қилаемиз. Шу сабабли ҳам, масалани шу жиҳатдан ҳал қилмоқчиман.

Тажриба асосида топган усулим кулгили даражада содда. У ҳам бўлса «Агар мен реал ҳаётда фожиали хатти-ҳаракатсиз-

ликка тушиб қолсам нима қилардим?» деган саволни беришдан иборат. Шу саволга инсонларча самимият билан жавоб беринг, бошқа нарса керак эмас.

Кўриб турибсизки, туйғу соҳасида ҳам мен оддий жисмоний хатти-ҳаракатнинг ёрдамига мурожаат қиламан.

– Кечирасиз-у, лекин мен бу фикрингизга қўшилолмайман, чунки туйғу соҳасида жисмоний хатти-ҳаракатлар эмас, психологик хатти-ҳаракатлар мавжуд.

– Йўқ, янглишасиз, – қатъий рад этди Аркадий Николаевич. – Бирор қарорга келишдан олдин одам ўз ичида, ўз тасаввурда ғоятда тез ҳаракат қилади: у ички кўзлари ёрдамида ўйлаган ишлари натижасини кўради, мўлжаллаган хатти-ҳаракатини хаёлида бажариб чиқади. Бунинг устига артист ўйлаган нарсасини жисмоний жиҳатдан ҳис этади, қалбидаги ички туғённи сиртида ифодалашга бўлган эҳтиёжларни аранг босиб туради.

Хатти-ҳаракат тўғрисидаги тасаввурлар энг муҳим ҳисобланувчи ички фаолликни, ташқи хатти-ҳаракатга бўлган эҳтиёжни вужудга келтиришга ёрдам беради. Шуни ҳам эътиборга олинганки, бутун бу процесс шундай соҳада рўй берадики, у соҳа бизнинг нормал, табиий ижодимиз учун зарур бўлган муҳит вазифасини ўтайди. Ахир артистнинг барча иши ҳақиқий, реал. «ростакам» ҳаётда эмас, балки, тасаввур этилган мавжуд бўлмаган, аммо мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳаётда ўтади. Ана шулар, биз артистлар учун чинакам ҳаёт ҳисобланади.

Шунинг учун таъкидлаб айтаманки, биз артистлар тасаввур этилган ҳаёт ва хатти-ҳаракатлар ҳақида гапирар эканмиз, уларга ҳақиқий, реал, жисмоний ҳаракатга қандай муносабатда бўлсак, шундай муносабатда бўлишга ҳаққимиз бор. Шундай қилиб, ҳиссиётлар мантиғи ва изчиллигини жисмоний хатти-ҳаракат мантиғи ва изчиллиги орқали билиш усули амалда ўзини тамомила оқлайди.

Ҳар гал мураккаб топшириқ олганимда бўлганидек, бу гал ҳам бошимда ҳаммаси аралашиб кетди. Этюднинг ҳар бир фактини, ҳар бир берилган шарт-шаронтни эслашга, умумлаштириб баҳо беришга тўғри келди: соғ-саломатлик, оила ва жамият олдидagi бурчим, ғазначиннинг жавобгарлиги, оқловчи ҳужжатларнинг муҳимлиги; хотиним ва ўғлимга бўлган муҳаббатим ва майлим; рўпарамда ҳаминша қоққан қозикдек турувчи эси паст букур; келгусида бўладиган ревизия ва умумий мажлис; ҳужжат ва

пулларнинг ёниш фалокати; уларни қутқариш учун инстинктив равишда унга отилиш; ўзимни йўқотиб қўйишим, ақлдан озиб, жондан тўйишим. Шуларнинг бари хаёлимда, ички сезгиларимда пайдо бўлди ва ҳиссиётимга таъсир этди. Фактларни жой-жойига қўйиб, улар қандай оқибатга олиб келишини, келажакда мени нималар кутаётганини, нималар менга қарши эканлигини тушуниб олмоғим лозим эди.

Улардан биринчиси – катта, яхши уй. У даромадга қараб яшамаганликдан далолат беради, растратга туширган ҳам шу. Кассада бир тийин ҳам қолмаган, оқловчи ҳужжатларнинг ярми ёниб кетган: эси паст букур ўлган ва менинг айбдор эмаслигимни исботловчи бирорта ҳам гувоҳ йўқ, ўғилчам ҳам чўкиб ўлган. Бу янги далил қочишга тайёргарлик кўрилганини, чақалоқ ва эси паст букур эса бунга катта тўсиқ бўлганликларини билдиради. Суд ҳам «мана шунинг учун биринчи навбатда манави қотил икковини йўқ қилган» дейди-да.

Ўғилчанинг ўлими бу жинойишга фақат менинггина эмас, хотинимни ҳам тортади. Ундан ташқари, укасининг ўлими туфайли бизнинг шахсий муносабатларимизда ҳам қийинчиликлар туғилиши муқаррар. Шунинг учун ҳам мен хотинимдан яхшилик кутмайман.

Ҳамма фактлар, «агарда»лар ва берилган шарт-шароитлар бошимда шу қадар қоришиб, чувалиб кетдики, илк лаҳзадаёқ қочпб, яширннишдан бўлак чора қолмади.

Лекин, бир лаҳзадан кейин шубҳа ўйламай қилинган қарорни йўққа чиқара бошлади.

«Қаерга қочаман? – дедим ўзимга. – Ахир қочоқнинг ҳаёти турмадагидан афзалми, қочиб кетишнинг ўзи менга қарши энг кучли зарба эмасми, ахир? Йўқ, суддан қочиш эмас, балки бўлган воқеани тўғри гапириб бериш лозим. Нимадан кўрқаман? Ахир мен айбдор эмасман-ку. Айбдор эмасман?... Қани, бунини исбот қилиб кўр-чи!...»

Ўз мулоҳаза ва шубҳаларимни Аркадий Николаевичга гапириб берган эдим. у менга шундай деди:

– Ҳамма мулоҳазаларингизни қоғозга ёзиб чиқинг, кейин уларни ҳаракатга айлантинг, чунки «реал ҳаётда фожиали ҳатти-ҳаракатсизликка учраб қолсам нима қилардим?» деган саволга жавоб топишда, худди шуларнинг ўзи сизга кўмаклашади.

– Мулоҳазаларни қандай қилиб хатти-ҳаракатга кўчириш мумкин? – тушунолмайд сўрашди ўқувчилар.

– Жуда осон. Айтайлик, олдингизда мулоҳазаларингиз рўйхати ётибди. Уни ўқинг. Яхши уй, ҳеч қандай пул йўқ, куйдирилган ҳужжатлар, икки мурда ва ҳоказолар.

Шу сатрларни ёзаётган ва ўқиётган вақтингизда нима қилдингиз? Далил бўлиши мумкин бўлган фактларни эсладингиз, сараладингиз, баҳоладдингиз. Мана сизга хатти-ҳаракатга кўчирилган биринчи мулоҳазаларингиз. Рўйхатнинг давомини ўқинг: аҳволингиз мушкуллигини кўрганингиздан кейин, сиз қочишга қарор қиласиз. Хатти-ҳаракатингиз нимадан иборат?

– Илгариги қароримдан қайтаман, янги режа тузаман, – деб жавоб бердим.

– Мана бу сизнинг иккинчи хатти-ҳаракатингиз. Рўйхат бўйича давом этаверинг.

– Ундан кейин ҳозиргина тузган режамни танқид қиламан ва яна йўққа чиқараман.

– Бу учинчи хатти-ҳаракатингиз. Давом этинг!

– Шундан кейин ҳамма гапнинг тўппа-тўғриси айтишга қарор қиламан.

– Бу сизнинг тўртинчи хатти-ҳаракатингиз. Энди белгилаб чиқилганларни бажариш қолди, холос. Агар бу иш актёрларга расмиятчилик билан, «умуман» қилинмай, балки чинакам инсоний, унумли ва мақсадга мувофиқ қилинса, унда фақат сизнинг бошингиздагина эмас, балки бутун вужудингизда, унинг барча ички «элементларида» гавдалантираётган шахсийингизнинг ҳолатига монанд бўлган жонли, инсоний ҳолат пайдо бўлади.

«Фожиали хатти-ҳаракатсизлик» паузасини ҳар гал қайтариб, саҳнада бажараётган вақтингизда, ўз мулоҳазаларингизни янгидан кўриб чиқинг. Бугунги кунда улар сизга илгаригиларга ўхшамай, бошқачароқ бўлиб кўринади. Яхшироқ ёки ёмонроқлигининг аҳамияти йўқ, бугунги эканлиги, янгиланганлиги муҳим. Шундагина сиз бир марта ўрганганни ҳадеб қайтара бермайсиз, ўзингизга штампларни орттириб олмайсиз, балки битта вазифанинг ўзини янгичасига, борган сари яхши, чуқур, тўла, мантиқлироқ ва изчилроқ бажарган бўласиз. Фақат шу шартлар билангина саҳнада сиз жонли, чинакам ҳақиқатни, ишончни, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатни сақлаб қолишга муваффақ бўласиз. Бу актёрчасига шарт-

ли тақлид қилишга эмас, балки инсоний, самимий кечинишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, «фожиали хатти-ҳаракатсизлик ҳолатига, яъни мураккаб психологик ҳолатга тушиб қолсам, нима қилган бўлардим?» деган саволга, илмий терминлар билан эмас, балки ғоятда мантиқий, изчил хатти-ҳаракатларнинг қатор рўйхати билан жавоб берасиз.

Кўриб турибсизки, бизнинг ишимиз учун зарур бўлган шу туйғуни, мантиқ ва изчиллик бўйича кичик миқёсдаги масалани хонаки воситалар билан амалий равишда ҳал қиламиз.

Бу усулнинг сири шундаки, туйғу мантиғи ва изчиллиги сингари мураккаб психологик масалани ўзимиз ечолмаганимиз учун, уни шу ҳолда қолдириб ва текширишни бўлак, бизга тушунарли бўлган соҳа – хатти-ҳаракатлар мантиғига кўчираемиз.

Бу ерда биз масалани илмий жиҳатдан эмас, балки фақат амалий жиҳатдан, оддий йўл билан, инсоний табиатимиз, ҳаёт тажрибаси, инстинкт, сезгирлик, мантиқ, изчиллик ва беихтиёрий онгнинг ёрдами билан ҳал қилаемиз.

Жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқий ва изчил ташқи кўринишини яратар эканмиз, агар синчиклаб қарасак, ичимизда бу йўлга параллел ҳолда бошқа ҳиссиётларимизнинг мантиқий ва изчил йўли пайдо бўлади. Бу тушунарли: ахир, ички ҳисларимиз биз учун хатти-ҳаракатни сездирмаган ҳолда пайдо қилади, улар ҳам шу хатти-ҳаракатларнинг ҳаёти билан боғланади.

Мана шу исботланган жисмоний ва психологик хатти-ҳаракатларнинг мантиғи ва изчиллиги қай йўсинда ҳаққоний ва ишончли ҳиссиёт вужудга келтиришига мисолдир.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич бугун яна Вьонцов, Малолеткова уламузга «пул ёндириш» этюдини кўрсатишни буюрди.

Дастлаб, пуллари сана ш саҳнасидаги ишим негадир бошбошига қовушмади ва Аркадий Николаевич, биринчи галдаги каби, бошқариб турди. Жисмоний хатти-ҳаракатлар ҳақиқатини сезганим ва унинг чинакамлигига ишонганимдан сўнг, жуда қизиқиб кетдим: саҳнада ўзимни эркин сездим, ҳатто бу ҳузур ҳам бағишлади, тасаввурим ҳам бинойидек ишлаб кетди.

Пулни санаб туриб, кўзим тасодифан букур Вьонцовга тушди, шу пайт хаёлимда бу ким, нега ҳаминиша рўпарамда ғўдайиб



туради. деган савол пайдо бўлди. Букурга бўлган муносабатимни аниқламагунча этюдни давом эттириш мумкин бўлмай қолди. Бу ҳақда гапириб берган эдим:

– Кўрдингизми! – деди Аркадий Николаевич, тантановар бир оҳангда. – Кичик ҳақиқатлар борган сари катта-катта ҳақиқатларни талаб қилади.

Партнёр билан бўлган муносабатни асослаш учун Аркадий Николаевичнинг ёрдами билан ўйлаб топган тўқима мана бу бўлди.

Рафиқамнинг ҳусни ва саломатлиги эси паст укасининг хунуклиги эвазига сақлаб қолинган. Гап шундаки, улар эгизаклардир. Улар дунёга келаётганларида онанинг ҳаёти хавф остида қолган эди: бир бола ва онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун иккинчи боланинг ҳаёти таҳликага тушса ҳам, доя операция қилишга мажбур бўлган. Ҳаммалари саломат қолганлар-у, аммо бола шикастланган: у эси паст ва букур бўлиб қолган. Саломат қолганларнинг ҳаёлидан бу боланинг шундай бўлиб қолишида бутун оиламиз айбдор деган, фикр сира кетмас эди.

Бу тўқима этюдда силжиш ясади ва бахтсиз тентакка бўлган муносабатимни ўзгартирди. Букурга нисбатан меҳрим ошиб, унга бошқача кўз билан қарай бошладим ва ўтмиш учун ҳатто виждоним азобланаётгандай бўлди.

Пул санаш саҳнаси бахтсиз тентак туфайли жонланиб кетди, у эса ёнаётган қоғозларни кўриб қувонарди. Раҳмим келганидан уни турли бемаъни қилиқлар билан овунтиришга тайёр эдим: пачкаларни столга урардим, кулгили ҳаракатлар қилардим, афгимни буриштирардим, оловга қоғозни ташлар эканман қўлларимни кулгили қимирлатар ва миямга келган барча ҳазилларни қилар эдим. Вьонцов менинг экспериментларимга ўз ҳаракатлари билан жавоб қилар ва улардан хурсанд бўлар эди. Унинг сезгирлиги эса тобора янги-янги қилиқлар ўйлаб топишга ундарди. Шу сабабли бутунлай бошқача: ёқимли, жонли, қизиқ, шўх бир саҳна пайдо бўлди. Бу саҳна томоша залини ҳам жонлантириб юборди. Бу эса бизларни рағбатлантирар, ғайратимизга ғайрат кўшар эди. Ошхонага кириш пайти ҳам келди. Кимнинг олдига бораман? Хотинимнинг олдигами? У ўзи ким? Хаёлимда ўз-ўзидан янги савол пайдо бўлди.

Бу гал ҳам хотинимнинг кимлиги аниқланмагунча ўйинни давом эттириш мумкин бўлмай қолди. Фоятда сентименталь бир

тўқима ўйлаб топдим. Уни ҳатто ёзгим ҳам келмади. Шунга қарамай, у мени ҳаяжонлантирар. ишонишга мажбур қиларди. Борди-ю, ҳаммаси тасаввуримдагидек бўлиб чиқса, хотиним ҳам. ўғлим ҳам мен учун энг азиз одамлар бўлар, улар учун ҳормай-толмай ишлар эдим.

Этюд тобора жонланар экан, илгариги ўйин ва актёрлик усуллари ҳақоратдек туюла бошлади.

Чумилаётган ўғлимни кўргани қалбимнинг ўзи чорлагандек, жуда ўнғайлик билан кириб бордим. Бу гал папирос тўғрисида эслатишнинг ҳожати йўқ эди, уни эҳтиётлик билан меҳмонхонада қолдирдим. Болага нисбатан ачиниш ва эҳтиёткорлик шуни талаб қиларди.

Энди устида қоғозлар тўла стол олдига қайтиб келиш зарурдек туюлди ва у тушунарли бўлди. Ахир мен хотиним, ўғлим ва букур қайним учун ишлар эдим-да!

Ўз ўтмишимни билиб олганимдан сўнг, жамоат пулларини ёндириш бутунлай бошқа аҳамият касб этди. Энди ўзимга: «Агарда шу воқеалар ҳаётда рўй берса, нима қилган бўлардинг?» дейишим биланоқ ожизлигим сезилиб, юрагим қаттиқроқ ура бошлар эди.

Яқин келажагим жуда даҳшатли, ваҳимали туюлди. Унинг пардасини очиб сири-амалидан хабардор бўлишим лозим эди.

Бунинг учун қимирламай туришим зарур бўлди. «фожиали хатти-ҳаракатсизлик» эса ниҳоятда серҳаракат бўлиб кетди. Униси ҳам, буниси ҳам тасаввур ва тафаккур ҳарорати ҳамда кучни тўплаш учун керак эди.

Ўлиб қолган букурни тирилтиришга уриниш саҳнаси табиий чиқди. Букурга бўлган янги, илиқ муносабатим эндиликда тушунарли эди, чунки у қариндошим ва яқин кишимга айланганди.

– Биргина ҳақиқат мантиғи ва изчиллиги бошқа ҳақиқатларни вужудга келтиради, – деди Аркадий Николаевич, мен унга ўз кечинмаларимни тушунтириб берганимдан сўнг, – сиз аввал «пул санаш» хатти-ҳаракатининг кичик ҳақиқатларини ахтардингиз ва реал ҳаётда пул санаш жисмоний процессининг қандай юз беришини энг майда тафсилотигача эслашга мувофиқ бўлганингиздан хурсанд бўлдингиз. Саҳнадаги пул санаш вақтида ҳақиқатни сезганингиздан кейин худди шундай ҳаётий ҳақиқатга бошқа моментларда ҳам, хотинингиз ва букур каби шахслар билан тўқнашганингизда ҳам эришмоқчи бўлдингиз. Сиз нега бу

букур рўпарангизда ғўдайиб туришини билишингиз керак эди. Турмуш мантиғи ва изчиллиги ёрдамида ишонарли ҳақиқат тўқималари яратдингиз. Буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, саҳнада сизни табиий, ҳаётий яшашга мажбур қилди.

Мен энди жонга тегиб кетган этюдга бошқача қарай бошладим: у ҳис-туйғуларимга жон бағишлади. Торцовнинг ажойиб усулига тан бермаслик мумкин эмас. Менинг назаримда унинг муваффақияти, сеҳрли «агарда» ва берилган шарт-шароитнинг ҳаракатига асосланган эди. Менинг ўсишимда жисмоний ва тасаввур этилган хатти-ҳаракатларнинг яратилиши эмас, юқоридагилар катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай экан, ишни бир йўла ўшалардан бошлаш осон эмасми? Нега вақтни беҳуда жисмоний хатти-ҳаракатларга сарфлаш керак?

Бу ҳақда Аркадий Николаевичга гапирдим.

– Албатта! – деб у фикримга қўшилди. – Мен шундан бошлашни таклиф қилган эдим... Сизлар этюдни биринчи бошлаганларингизда бундан икки-уч ой илгари шундай деган эдим.

– У вақтда ҳали тасаввуримни уйғотиш қийин эди. У мудроқ бир ҳолда эди, – деб эсладим.

– Ҳа, энди у уйғонди, сиз эндиликда тўқималарни ўнғайлик билан топаверасиз; уларни ичдан сезиш, ҳақиқатни ҳис этиш ва унга ишонч ҳам осон бўлади. Нега бундай ўзгариш содир бўлди? Сабаби, сиз авваллари тасаввур уруғларини тошга сепганингиз учун улар униб чиқмаган. Сиз ҳақиқатни сезгансиз, аммо қилаётган ишингизга ишонмагансиз. Беўхшов қилиқлар, жисмоний сиқиқлик ва баданнинг нотўғри ҳаракати ҳақиқат ва кечинма яратиш учун яхши замин бўлолмайди. Энди сизда фақат руҳий ҳаёт эмас, балки жисмоний ҳаётингиз ҳам бор. Бутун ҳақиқат ана шундадир. Сиз унга ақлингиз билан эмас, балки ўз органик, жисмоний табиатингизни сезиш билан ишондингиз. Бундай шароитларда тасаввур тўқимасининг илдиз отиши ва мева бериши таажжубланарли эмас. Энди сиз илгаригидай бекорга, «умуман» эмас, балки анча асосли хаёл сурасиз. Энди хаёл суришлик мавҳум эмас, реал маънога эгадир. Улар ташқи хатти-ҳаракатни ичдан асослаб беради. Жисмоний хатти-ҳаракатлар ҳақиқати ва уларга бўлган ишонч психикамизни жонлантиради.

Бироқ бутун билганларингизнинг энг асосийси ва энг муҳими қуйидагидан иборатдир: сиз ҳозир саҳнада эмас, Малолеткова-

нинг уйда эдингиз, ҳозир сиз саҳнада ўйнамадингиз, балки яшадингиз. Сиз тасаввурингиздаги оилада чинакамига яшадингиз. Саҳнадаги бундай ҳолатни театр тили билан «мен борман» деб атаймиз. Бунинг сири шундаки, жисмоний хатти-ҳаракатлар ва ҳиссиётланишнинг мантиқ ҳамда изчиллиги сизларни ҳақиқатга олиб келади, ҳақиқат ишончини келтириб чиқаради ва шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб «мен борман»ни яратди. «Мен борман»нинг ўзи нима? У мен мавжудман, яшайман, рол билан бир хилда ҳис қилайман, фикр юритаяман, деган маънони беради.

Бошқача айтганда, «мен борман» бирикмаси ҳиссиёт, туйғу, кечинма ҳосил қилади.

«Мен борман» саҳнадаги мутлақо ҳақиқат мағзидир.

Бугунги ижро яна шуниси билан диққатга сазоворки, бу кичик ҳақиқатлар каттасини, каттаси ундан ҳам каттасини, униси ундан ҳам каттароғини вужудга келтириш каби ҳақиқатнинг янги муҳим хусусиятини очиқ-ойдин намоиш қилади.

Ўз кичик жисмоний хатти-ҳаракатларингизни йўлга солишингиз ва уларнинг чинакам ҳақиқатини сезишингиз биланоқ, пулни тўғри санашнинг ўзи камлик қилиб қолди, ким учун бу ишни қилаётганингизни, кимни хурсанд қилаётганингизни ва ҳоказоларни тушунгингиз келиб қолди.

Саҳнада «мен борман» ҳолатини яратиш учун катта, мутлоқ ҳақиқатга эришмоқ лозим.

Қаердаки, ҳақиқат, ишонч ва «мен борман» мавжуд экан, ўша ерда чинакам инсоний (актёрлик эмас) кечинма мавжуддир. Бу ҳиссиётимиз учун энг зўр «имловчидир».

...19 ..й.

Аркадий Николаевич синфга киргач:

– Энди сизлар, саҳнадаги ҳақиқат ва ишонч нималигини биласизлар. Уларнинг ҳар бирингизда бор-йўқлигини текшириб кўриш қолди, холос. Бинобарин, мен ҳамманинг ҳақиқат туйғуси ва унга бўлган ишончини кўриқдан ўтказаман. – деди.

Биринчи бўлиб саҳнага Говорков чақирилди. Аркадий Николаевич унга бирор этюд кўрсатишни буюрди.

Турган гапки, бизнинг бош тақлидчимизга унинг содиқ партнёри Вельяминова керак бўлиб қолди.

Одатдагидек улар қандайдир беаза бир нарсани жон-жаҳдлари билан ўйнадилар.

Ўйин тамом бўлгач, Аркадий Николаевич Говорковга, шундай деди:

– Саҳнада ўйнашнинг фақат ташқи техникаси билан қизиқувчи сиздек эпчил механик ижрочининг нуқтаи назаридан қараганда, бугунги ижронгиз ўзингизга ҳаммаси тўғри бўлиб кўринди ва ўз маҳоратингизга маҳлиё бўлиб қолдингиз.

Аmmo сизга ачинмадим, чунки мен санъатда ўлик ролга чинакам инсоний ҳаёт бахш этиб тирилтирадиган органик, табиий ижодни излайман.

Сиздаги сохта ҳақиқат «образ ва эҳтирослар»ни тасаввур қилишга ёрдам беради. Менинг ҳақиқатим образларнинг ўзини яратишга ва эҳтирослар вужудга келтиришга ёрдам беради. Бинобарин, менинг санъатим билан сизники ўртасидаги фарқ «ту-юлди» билан «бор» сўзи ўртасидаги фарқ кабилар.

Менга чинакам ҳақиқат керак, сиз учун эса ҳақиқатга ўхшас бўлгани. Менга ишонч керак, сиз бўлсангиз томошабиннинг ишончи билан кифояланасиз. Сизни кўриб ўтирган томошабин артист ўша бир марта кўрсатган ўйин усулининг айнан ўзини такрорлайверади деб хотиржам ўтиради. Томошабин, трапецияда ўйнаётган гимнастнинг йиқилиб кетмаслигига ишонгани каби, сизнинг маҳоратингизга ҳам ишонаверади. Сизга хос санъатда томошабин томошабинлигича қолаверади. Менинг санъатимда эса у ижоднинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб қолади; у саҳнада ҳаёт гирдобига тортилади ва унга ишонади.

Аркадий Николаевичнинг тушунтиришига жавоб бериш ўрнига Говорков заҳархандалик билан: Пушкин санъатдаги ҳақиқат тўғрисида Торцовга нисбатан бошқачароқ фикрда эканлигини айтди. Фикрининг исботи учун шоирнинг доим шундай пайтларда эслайдиган байтини келтирди:

*Туман-туман наст ҳақиқатдан,  
Бизни юксалтирувчи ёлгон афзалдир.*

Фикрингизга қўшиламан... Пушкин ҳам қўшилади. Буни сиз келтирган шеър исботлайди, уларда шоир биз ишонган ёлгон тўғрисида гапиради. Худди мана шу ишонч сабабли, ёлгон бизни юксалтиради. У бўлмаса, бизни юксалтирувчи, нажотбахш ёлгоннинг таъсири бўлармиди, ахир? Фараз қилингки, ҳамма бир-бирини алдайдиган биринчи апрелда сизнинг олдингизга кели-

шиб, артистлик хизматларингиз учун ҳукумат сизга ҳайкал қўядиган бўлди, деб ишонтира бошласа, бундай ёлғондан руҳан ўсасизми?

– Шуни билинг-ки, мен аҳмоқ эмасман, аҳмоқона ҳазилларга ишонмайман ҳам! – деб жавоб берди Говорков.

– Бундан чиқдики, юксалишингиз учун. «аҳмоқона ҳазилларга ишониш зарур экан-да», – Аркадий Николаевич унинг гапидан тутиб олди. Бўлак бир шеърда ҳам Пушкин худди шунга ўхшаган фикрни тасдиқлайди:

*Ўзим ўйлаб топган нирсамги ўзим йиғлайман.<sup>30</sup>*

Ўзинг ишонмагач, йиғлаб бўпсан. Биз артистлар ишонадиган ёлғон-яшиққа қойил қолиш керак, чунки улар артистларни ҳам, томошабинларни ҳам маънавий юксалтиради. Бундай ёлғон унга ишонган одам учун ҳақиқатга айланади. Бу ҳол сахнадаги ҳамма нарсани артистнинг тасаввур этилувчи ҳаётида чинакам ҳақиқатга айланиши кераклигини яна бир бор тасдиқлайди. Аммо буни мен сизнинг ўйинингизда кўрмадим.

Аркадий Николаевич дарсинг иккинчи ярмида Говорков билан Вельяминова ҳозиргина ўйнаган сахнани тузата бошлади. Торцов ўйинни кичик хатти-ҳаракатларда текшириб кўриб, ҳақиқат ва ишончга эришиш учун «пул ёндириш» этюдиди мен билан қандай ишлаган бўлса, улар билан ҳам худди шундай ишлай бошлади.

Бироқ... тортишув бошланиб кетди, мен уни баён этмоқчиман, чунки у Торцовни қаттиқ жавоб беришга мажбур қилди, бу жавоб мен учун ҳам жуда ибратлидир. Воқеа бундай бўлди.

Говорков дарс ўртасида гўсатдан ўйинини тўхтатди-да, асабийлашиб, жаҳли чиқиб қўлларни, лаблари қалтираган ҳолда жим тураверди.

– Индамай турулмайман! Биласизми, мен ичимдагини айтишим керак. – деди-да ҳаяжонини босишга ҳаракат қилиб гап бошлади. Ёки мен ҳеч нарсани тушунмайман, у ҳолда театрдан кетишим керак, ёки, мени кечиринг-у, бу ерда бизга ўргатаётганлари кераксиз нарсалар, бунга биз қаршимиз.

Мана ярим йилдан бери стулларни у ердан бу ерга суришга, эшикни ёпишга, каминни ёқишга мажбур қиладилар. Яқинда кичик ва катта жисмоний ҳақиқат деб бурун кавлашга ҳам ўргатадилар. Бироқ мени кечиринг-у, сахнада стулларни судраб юриш билан санъат яратилмайди. Ҳақиқат ҳар хил натуралистик икир-

чикирларни кўрсатишда эмас. Бундай ҳақиқатни жин урсин, ундан кишининг кўнгли айнийди!

«Жисмоний хатти-ҳаракатлар?» Йўқ, мени кечиринг! Театр цирк эмас. Циркда жисмоний хатти-ҳаракатлар биласизми, трапецияни ушлаб олиш ёки чаққонлик билан отга миниш учун керак, чунки акробатнинг ҳаёти шунга боғлиқ.

Лекин, машҳур ёзувчилар шоҳона асарларини қаҳрамонларим жисмоний хатти-ҳаракатни машқ қилсинлар деб ёзган эмаслар! Бизни бўлса фақат шуларни бажаришга мажбур қиладилар! Булар жонга тегиб кетди!

Бизларни эркин кўйинг!.. Қанотимизни қайирманг! Юксакларга, само-ю бутун жаҳон бўйлаб қанот қоқишимиз учун имконият беринг! Санъат эркин нарса! Унга кичик ҳақиқатлар эмас, эркинлик даркор. Буюк парвоз учун, биласизми, зўр қанотлар лозим, ердаги қурт-қумурсқага ўхшаб судралмаслигимиз керак! Биз кўркам, маънавий бой, юксак санъатни истаймиз! Санъат осмонини биздан тўсманг!

«Торцов Говорковни парвоз этишга қўймай тўғри қилади. Бу унинг қўлидан келмайди, – деб ўйладим мен ичимда. – Лекин бу қандай гап? Ашаддий тақлидчи Говорков кутилмаганда осмонга учишни истаб қолипти. Машқларни бажариш ўрнига, «санъат яратмоқчи».

Говорков гапини тамом қилгандан кейин, Аркадий Николаевич шундай деди:

– Эътирозингиз мени ҳайрон қилиб қўйди. Шу дамгача биз сизни ташқи техник актёр деб ҳисоблар эдик, чунки бу жиҳатдан ўзингизни яққол кўрсатгандингиз. Бироқ тўсатдан билдикки, сизнинг ҳақиқий майлингиз олий муҳитларда экан, сизга абадий, жаҳоншумул санъат керак экан. Афсуски, бу жиҳатдан ҳам ўзингизни мутлақо кўрсатолганингиз йўқ. Ахир артистлик интилишларингиз қай томон парвоз этмоқчи: бу биз томонгами, томоша залигами (ҳамиша шу томошабин учун ўйнайсиз) ёки рампанинг орқа томони, яъни саҳнага, шоирга, артистларга, ўзингиз хизмат қилаётган санъатга, кечинаётган «ролингиз» томонигами? Сўзингизга қараганда, сиз кейингисини истайсиз! Жуда яхши! Тезроқ ўз моҳиятингизни намоён қилинг ва сиз яхши кўрган кўтаринки услубда ўйнаш деб аталган ўйин усулларида (бундай ўйнаш диди паст томошабинларга керак) воз кечинг.

Ташқи шартлилик ва ёлфоннинг қаноти йўқ. Киши гавдаси учолмайди. Нар и борганда у бир-икки метр ердан баландга сакраши ёки оёқ учида тепага чўзилиши мумкин, холос.

Тасаввур, туйғу, тафаккурларгина парвоз қила олади. Фақат ўшаларгагина кўзга кўринмас, номоддий қанотлар берилган; сиз «самовий» деб атаган санъатни орзу қилар эканмиз, фақат ўшалар ҳақида гапиришимиз мумкин. Уларда хотирамининг жонли эсдаликлари, «инсон руҳий ҳаёти», орзуларимиз яширингандир.

Мана шулар, фақат «юқорига» эмас, балки ундан ҳам нарига – ҳали табиат яратмаган, фақат артистнинг чексиз фантазиясида яшаётган бўлак оламларга элта олади. Бироқ сизнинг туйғунгиз, фикрингиз, тасаввурингиз эса томоша залидан нарига ўтолмайди, сиз унинг қулисиз. Шунинг учун улар сўзларингизни ўзингизга қайтариб айтишлари керак: «бизларни эркин қўйинг! Жонга тегди! Қанотларимизни қайирманг! Абдий, самовий санъат сари қанот қоқишимизга имконият беринг! Бизларга сийқаси чиққан актёрлик штамплари эмас, юксак санъат керак!»

Аркадий Николаевич Говорковнинг актёрлик пафосининг бемазалигини ва декламацион усулини жаҳл билан тақлид қилиб кўрсатди.

– Агар, қанотларингизни илҳом бўрони қуондек учирмас экан, сизга бошқаларга нисбатан, айниқса сизга, ердан кўтарилмоқ учун жисмоний хатти-ҳаракатларнинг ҳаққоний ва ишончли бўлиши зарурдир.<sup>31</sup>

Лекин сиз ундан кўрқасиз, артистлар учун зарур бўлган машқларни бажаришни камситиш деб биласиз. Нега сиз ҳамма учун баробар бўлган қоидадан истиснони талаб қиласиз?

Раққоса кечкурунлари оёқлари учида (Пуантларда) учиб ўйнамоғи учун ҳар куни эрталаб терлаб-пишиб мажбурий машқларни бажаради. Ашулачи ҳар куни эрта билан овозини текширади, турли ноталарни ижро этиб кўради, диафрагмасини мустаҳкамлайди, боши ва бурнида резонатор ҳосил қилади: сабаби, кечкурун ашулада ўз юрагини изҳор қилмоғи лозим. Барча артистлар ўз тана аппарати ва техника талаб қилган жисмоний машқлардан қўл силтамайди.

Нега сиз бундан истисно бўлмақчисиз? Биз танамиз билан руҳий табиатимизга таъсир ўтказмоқ учун уларнинг бирлигига эришайлик десак, сиз уларни ажратишга интиласиз. Бу ҳам майли-я.



сиз (албатта сўзда) ўз табиатимизнинг ярмидан – жисмоний бўлагидан воз кечмоқдасиз. Бироқ табиат сизнинг устингиздан кулиб, ардоқлаган нарсангизни – юксак туйғу ва кечинма бахш этган эмас, уларнинг ўрнига актёрлик тақлиди ва ўз-ўзини кўрсатишнинг қуруқ жисмоний техникасини қолдирган, холос.

Сиз кўпроқ ташқи, ҳунар усули билан, актёрча декламацион пафос билан одатга кирган турли штамплар билан маст бўласиз.

Юксак санъатга қайси биримиз яқинроқмиз, оёқ учига кўтарилиб олиб, осмону фалакдан келувчи сизми ёки жисмоний хатти-ҳаракат ва артистлик техникаси ёрдами билан мураккаб инсоний кечинмалар ва ишончга эришадиган менми? Ўзингиз айтинг-чи: қайси биримиз унга яқинроқмиз?

Говорков жим тураверди.

– Ақлга тўғри келмайди! – деди Торцов бироз сукунатдан сўнг. – Юксак санъат тўғрисида кўпроқ бунга лаёқати бўлмаганлар, парвоз қилиш учун кўринмас қанотдан маҳрум бўлганлар гапирадилар. Бундай одамлар санъат ва ижод ҳақида сохта пафос билан ноаниқ, дудмал қилиб гапиради. Асл артистлар эса аксинча, ўз санъатлари тўғрисида содда ва тушунарли қилиб сўзлайдилар.

Сиз биринчилар қаторига кирмайсизми?

Шу ҳақда ўйлаб кўринг, шуни ҳам унутмангки, табиат бахш этган ролларда сиз ажойиб артист ва фойдали санъат арбоби бўлиб етишишингиз мумкин.

Говорковдан сўнг Вельяминова саҳнага чиқди. У оддий машқларни дуруст бажариб, уларни ўзича асослаб ҳам берган эди, мен ҳайрон бўлиб қолдим.

Аркадий Николаевич уни мақтади ва столдан қоғоз қирқадиган пичоқни олиб, ўзига санчишни буюрди.

Иш трагедияга бориб етган эдики, Вельяминова дарров яса-маликка ўтиб, «эҳтиросларни парча-парча қила бошлади» энг кучли жойига етганда эса шундай қичқариб юбордики, ўзимизни тиёлмай ҳаммамиз пиқиллаб кулиб юбордик.

Буни кўриб, Торцов:

– Менинг бир аслзодага теккан холам бўлар, у шу эрига тегиши билан «аслзода хоним» бўлиб қолганди. У ўзининг аслзодалиқ «сиёсатини» зўр маҳорат билан, худди пичоқнинг дами устида юрган каби усталик билан юргизар, барча ҳолларда ғолиб чиқар эди. Ҳамма унга ишонарди. Кунлардан бир кун одам лиқ

тўла бутхонада баланд мартабали бир одамга жаноза ўқишаётган экан. Холам марҳумнинг қариндошларини ўзига оғдириб олиш ниятида тобут ёнига келиб, икки букилганча ўликка қаттиқ тикилиб тургач, бутун бутхонага қараб: «Алвидо, дўстим! Ҳамма қилган яхшиликларинг учун раҳмат!» дебди. Лекин ундан ҳақиқат туйғуси юз ўгиргани туфайли унинг қайғусига ҳеч ким ишонмабди. Ҳозир шунга яқин нарса сизда ҳам содир бўлди. Ролнинг кулгили ерларида унинг жимжимали расмини чиздингиз, бу ўринларда мен ишондим; аммо кучли драматик ерларида хатога йўл қўйдингиз. Ҳойнаҳой, сизда ҳақиқат туйғуси бир томонлама бўлса керак. У комедияга сезгиру, драмага саёз бўлса керак. Сиз ҳам Говорков сингари, театрда асл ўрнингизни топиб олмоғингиз лозим. Ўз вақтида ўз «амплуасини» тушуниб олиш санъатимизда муҳим ишдир.<sup>32</sup>

...19 ..й.

Аркадий Николаевич ҳақиқат туйғуси ва унга бўлган ишончни текширишни давом эттирди ва Вьонцовни биринчи бўлиб чақирди. У Малолеткова иккаламиз билан «Пул ёндириш» этюдини ижро этди.

Вьонцов этюднинг биринчи ярмини ҳар қачонгидан ҳам яхши бажарди деб дадил айтоламан. Бу сафар у мени меъёрни сезишлиги билан ҳайратда қолдирди ва ўзида чинакам истеъдод бор эканлигига ишонишга мажбур қилди.

Аркадий Николаевич уни мақтади ва шу ондаёқ огоҳлантирди:

– Ўлиш саҳнасида бундай «ҳақиқатни» ўйнашнинг нима ҳожати бор эди, қорин оғриғи, кўнгли айнаши, ўқчиш, юзни қўрқинчили буриштириш, қалтираш каби ҳақиқатларни саҳнада кўргинг келмайди киши.

Бу ўринда сиз натурализм, деб натурализмга берилиб кетдингиз. Сизга чинакам ўлим учунгина ўлим ҳақиқати керак бўлди. Сиз «инсоннинг руҳий ҳаёти»нинг сўнгги дақиқаларини эсладингиз, сизни ташқи кўринишнинг хотиралари, тананинг жисмоний ўлиши қизиқтирди.

Бу нотўғри.

Гауптманнынг «Ганнела» деган пьесасида натурализмга йўл қўйилган. Бу пьесанинг асосий моҳиятини янада аниқроқ бўрттириш учун қилинган. Бундай усулдан фойдаланса бўлади. Аммо керакисизларини чиқариб ташлаш лозим бўлганида, уни реал ҳаёт-

дан заруриятсиз ола беришнинг нима ҳожати бор? Бундай вазифа ва бундай ҳақиқат ғайри бадийдир ва уларнинг таассуроти ҳам худди шундай бўлади. Бедаводан гўзал нарса яратиб бўлмайди, қарға кабутар очмайди, сассиқ салафдан атиргул очилмайди.

Шундай қилиб, ҳаётдаги ҳар қандай ҳақиқат ҳам театр учун мос келавермайди.

Саҳна ҳақиқати ҳаққоний, бўлмаган, лекин турмушнинг ортиқча майда-чуйдасидан тозаланган бўлмоғи лозим. У реал ҳаёт сингари ҳаққоний, аммо ижодий тўқима ёрдамида шоирона тасвирланган бўлиши керак.

Саҳнада реал ҳақиқат бўлсин, у бадий ва бизни юксалтирадиган бўлсин.

– Бундай бадий ҳақиқат нимадан иборат бўлади? – заҳархандалик билан сўради Говорков.

– Мен нима демоқчилигингизни биламан: санъатнинг муҳим мавзуи ҳақида гаплашмоқчисиз. Масалан, шуни айтишим мумкинки, бадий ҳақиқат билан бадий бўлмаган ҳақиқат ўртасида расом ишлаган расм билан фотография ўртасидаги чалик фарқ бор. Фотография ҳамма нарсани кўрсатади, расм эса энг муҳим жиҳатларни кўрсатади. Буларни тасвирламоқ учун расом талант эгаси бўлиш лозимдир. Ёки «пул ёндириш» этюдидаги Вьонцовнинг ўйинини олиб кўрайлик. Бу ерда томошабин учун букурнинг ўлими муҳим, лекин ўлиш пайтида содир бўладиган турли физиологик ҳодисаларнинг юз бериши ҳеч кимни қизиқтирмайди, чунки булар фотография деталлари бўлиб, расм учун зарарлидир. Ўлимни ифодаловчи бириккита муҳим белги кифоя, бундан ортиғи ортиқ, аммо ўлимнинг барча белгиларини кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Акс ҳолда асосий мавзу – ўлим, яқин кишисидан жудо бўлиш иккинчи планга ўтиб қолади, иккинчи даражали ҳодисалар эса бўрттириб юборилади-да, томошабин йиғлаш ўрнига кўнгли айнайди.

Мана кўрдингизми, бундай ҳолларда нима дейиш кераклигини биламан, лекин айтмайман? Нега? Чунки баъзи бир кам талабчан кишиларда хотиржамлик пайдо бўлади: қисқагина тушунтиришдан сўнг улар ўзларини ижод соҳасидаги бадийликнинг ҳаммасини билиб олган ҳисоблайдилар. Такрор айтаман, бу тариқада тушуниш зарардир. У ҳеч нарса бермайди ва шунинг билан бирга синчковликни, биллишга интилишни сусайтириб қўяди, ваҳоланки, улар артист учун ғоятда керакдир.

Борди-ю, мен сизларга қатъий рад жавоб бергудай бўлсам, бу аксинча, сизларда билишга истак, қизиқиш пайдо қилади, ҳаяжонга солади, сизларни сергак бўлишга, ҳамма нарсани синчиклаб кўришга ва ечилмаган саволга жавоб ахтаришга мажбур қилади.

Мана шунинг учун ҳам айтиб қўяй: мен санъатдаги бадиийликни сўзлар билан белгилаш ва таърифлашни ўз устимга олмайман. Мен тажрибага суянаман, бадиий ҳақиқат нималигини сўзда эмас, амалий ишда тушуниб олишингизга, яъни сезишингизга ёрдам бераман. Бунинг учун сизлар жуда сабр-тоқатли бўлишингиз керак. Чунки мен бу ишни бутун курс давомида бажараман ёки бутун «система»ни ўтганингиздан кейин, қалбингизда оддий, ҳаётий, инсоний ҳақиқатни пайдо қилиш, саралаш, кристаллаш йўллариини ўрганганингиздан кейин бадиий ҳақиқат нималиги ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади. Бу бирданига яратилмайди, балки ролнинг ўсиши, камол топиш процессида яратилади. Биз ролнинг асосий моҳиятини ўзлаштириб, унга мос, чиройли саҳна шаклини ва ифодасини бериш, ошиқчасини ташлаш ҳамда беихтиёрий онг, артистлик, талант, сезгирлик, дид ёрдами билан ролни жозибатор, чиройли, уйғунлашган, содда, тушунарли, кўраётганларга маънавий озуқа берувчи даражасига етказамиз. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси саҳна асарининг шундайгина оддий, ҳаққоний бўлишидан ташқари, балки бадиий бўлишига ҳам ёрдам беради.

Мана шу гўзаллик ва бадиийликни сезиш каби ғоятда муҳим ҳиссиётни қуруқ формулада аниқлаб бўлмайди. Улар туйғуни, машқни, тажрибани, шахсий қизиқувчанликни ва вақтни талаб этади.

Вьонцовдан кейин Малолеткова «Ташландиқ бола» этюдини бажарди. Бу этюднинг мазмуни, қуйидагича: Малолеткова уйига қайтиб келаётиб, эшиги тагига ташлаб кетилган болани топиб олади. Ташлаб кетилган бола дармонсизликдан тез орада унинг қўлида жон беради. Аввалига у бола топиб олганига жуда хурсанд бўлади, унга худди Тирик қўғирчоқдай муомала қилади. У қувончдан елиб-югуриб йўрғаклайди, бағрига босиб, ўпиб эркалайди, унинг дастурхонга ўралган бир палён эканини унутиб қўяди.

Аммо гўдак тўсатдан унинг ўйинини сезишдан тўхтади. Малолеткова бунинг сабабини тушунмоқ ниятида унга узоқ тики-

либ қолди. Шунда унинг ифодаси ўзгарди. Унинг ҳайрат ва ҳаяжони ошган сари у шунчалик жиддийлашар эди. У болани оҳистагина диванга ётқизди-да, ундан узоқлаша бошлади. Малолеткова бир оз узоқлашгандан сўнг фожиали бир ҳолатда қотиб қолди. Қилган иши шу, ортиқ ҳеч нима қилмади. Бироқ бунда нечоғли ҳақиқат, ишонч, соддалик, ёшлик, ёқимли назокат, дид, чинакам драматизм бор эди. У чақалоқнинг ўлимига, бўйи етган қизнинг ҳаётга чанқоқлигини ажойиб равишда қарама-қарши қўйди! У ҳаёти барқ уриб турган ёш вужуднинг ўлим билан биринчи мартаба учрашувини, ҳаёт тугаган жойга биринчи бор назар ташлашини жуда назик ҳис этди.

– Мана бу бадиий ҳақиқат! – деб хитоб қилди ҳаяжонланган Аркадий Николаевич. Малолеткова кулисалар орқасига чиқиб кетганидан сўнг. Унинг ҳаракатларининг ҳаммасига ишонасан, чунки, ҳамма нарса ҳаққоний, жонли ҳаётдан олинган, лекин кўтарасига, пала-партиш эмас, саралаб, танлаб, кераклиги олинган. Ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Малолеткова қарашни, гўзалликни кўришни ва меъёрни билади. Бу муҳим хусусиятлардир.

– Бундай камолот ҳали жуда ёш, эндигина ўқишни бошлаган қизда қаердан пайдо бўлиши мумкин? – ҳайрон бўлишди баъзи бир ҳасадгўйлар.

– Табиий талант ва энг муҳими ҳақиқатни яхши ҳис қила билишидандир. Нозик, ҳаққоний бўлган нарсанинг юксак бадиий бўлиши муқаррардир. Безалмаган ва бузилмаган табиий ҳақиқатдан гўзалроқ нарса бўлиши мумкинми?!

Дарсинг охирида Аркадий Николаевич шундай деди:

– Назаримда саҳнадаги ҳақиқат, сохталик ва ишонч тўғрисида ҳозирчалик нимани айтиш мумкин бўлса, ҳаммасини айтдим.

Энди табиат тақдим этган бу муҳим қобилиятни қандай қилиб камолга етказиш ва текшира бориш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди. Бундай ишни бажариш учун сабаб ахтариш керак эмас, чунки ҳақиқат туйғуси ва ишонч ҳар қадамда, ижоднинг ҳар бир моментиди, уйда, саҳнада репетицияда ёки спектаклда ўзини намоён қилиб туради. Артист бажараётган ва томошабин кўриб ўтирган ҳамма нарса ҳақиқат туйғуси билан суғорилган ва маъқулланган бўлмоғи лозим.

Хатти-ҳаракатиинг ташқи ва ички жиҳатлари билан боғланган ҳар қандай энг арзимайдиган машқ ҳам текшириб кўриш, ҳақиқат туйғуси мавжудлигини талаб қилади.

Айтилган гапларнинг ҳаммасидан равшанки, унинг ривожланиши учун бизга мактабдаги, театрдаги ва уйдаги ишимизнинг ҳар бир моменти хизмат қилиши мумкин.

Бу моментларнинг бари зараримизга эмас, балки фойдамизга хизмат қилмоғи, улар ёлғонни, сохталик ва сунъийликни эмас, балки ҳақиқат туйғусини ривожлантирмоғи, мустаҳкамламоғи лозим. Бу оғир вазифа, чунки ёлғон гапириш ва сохта ўйнаш, ҳаққоний хатти-ҳаракат қилмоқ ва сўзламоққа нисбатан анча осондир.

Ўқувчида ҳақиқат туйғуси тўғри ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун ўқитувчи диққат ва қунт билан ишлаб, доимий равишда текшириб бориши керак.

Кучингиз етмаган ва табиатингизга, мантиққа, соғлом ақлга тўғри келмаган нарсдан қочинг! Буларнинг барчаси майиблик, зўракилик, сунъийлик ва сохталикка олиб боради. Булар саҳнага қанча кўп чиқса ҳақиқат туйғуси учун шунча зарар, чунки сохталик уларни бузади ва майиб қилиб қўяди.

Саҳнада сохталик ва ёлғонга одатланишдан қўрқинг, қалбингизда уларнинг илдиз отишига йўл қўйманг. Уларни аёвсиз равишда юлиб ташланг. Акс ҳолда ёввойи ўтлар ўсиб, қалбингиздаги қимматбаҳо зарур ниҳолларни босиб кетади.

Дарс бошланиши билан Торцов бизга жинни ва каминни ёқиш этюдига қайтайлик, чунки уларни қайтармаганимизга талай вақт бўлди, деди. Бу таклифдан ҳамма хурсанд бўлди, чунки ўқувчилар бу этюдларни соғинган эдилар. Ундан ташқари яхши чиқаришингга ишонган ва муваффақият қозонган нарсангни қайтариш кишига ёқади.

Ҳаммамиз зўр қизиқиш билан ўйнадик. Бунинг ҳайрон қоларли ери йўқ, ҳар бир одам нима қилмоғи ва қандай қилмоғи кераклигини билар эди; ўзимизга ишонганимиздан ҳатто олифтагарчилик ҳам пайдо бўлди. Бугун ҳам илгариги сингари, Вьонцов чўчиб тушиши билан атрофга қочиб кетдик.

Аммо бугун чўчиш биз учун қутилмаган ҳол бўлмади, унга тайёрланишга ва ким қаёққа қочишни ўйлаб олишга вақтимиз бор эди. Шунга кўра умумий урсур аниқроқ, силлиқроқ ва шунинг учун илгарига нисбатан кучлироқ чиқди. Ҳаммамиз овозимизнинг борича бақириб ҳам юбордик.

Мен бўлсам илгариги сингари стол тагига кириб кетдим, лекин бу гал қулдонни топмадим, шунинг учун катта альбомни ушлаб олдим. Бошқалар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Мана, мисол учун, Вельяминовани олайлик, биринчи марта Димковага урилиб кетиб ёстиқни тушириб юборган эди: бугун урилмади, шунга қарамай у ўтган сафар қилганидай ёстиқни кўтариб олиш учун, уни тушириб юборди.

Этюд тамом бўлиши биланоқ Торцов ва Раҳманов илгариги ўйинимиз яхши, самимий, янги ва ҳаққоний эди, бугун эса сохта, самимий эмас ва олдиндан билиб қилинган деб айтганларида биз ҳаммамиз ҳангу манг бўлиб қолдик. Елкаларимизни қисишдан бошқа иложимиз қолмади.

– Ахир бизлар воқеани ҳис қилдик, кечиндик-ку! – дейишди ўқувчилар.

– Одам ўз ҳаётининг ҳар бир моментидеда бирор нарсани ҳис қилиши, кечиниши муқаррар, – деди Торцов. – Борди-ю, у ҳеч нарсани ҳис этмаса ва кечинмаса, у тирик одам эмас, мурда бўларди. Ахир фақат ўликларгина ҳеч нимани ҳис этмайдилар. Сиз саҳнада, ижод пайтида нимани «сездингиз-у», нимани «кечиндингиз», масала шунда.

Келинлар, илгари қандай эди-ю, этюдни бугун қайтарганингизда нима қилганингизни текшириб, солиштириб кўрайлик.

Шубҳа йўқки, барча мизансценалар, бўлакдан-бўлакка ўтишлар, ташқи ҳаракатлар, уларнинг изчиллиги группировкаларнинг энг майда тафсили ҳам ҳайрон қоларли даражада аниқ сақланган. Ҳеч бўлмаганда эшикни, баррикада учун уйиб ташланган мана бу мебелларни кўринглар. Буюмларни тахлаш лойиҳаси чизиб қўйилган ёки расмга олинган. Сиз баррикадани шу режага асосан янгидан тахладинглар, деб ўйлаш мумкин.

Шундай қилиб, этюднинг бутун ташқи жисмоний томони, ҳайрон қоларли даражада аниқлик билан қайтарилди, бу сизларни мизансценани, жисмоний хатти-ҳаракатни, бўлакдан-бўлакка ўтишлар ва шу кабиларни эслаб қолиш қобилиятига эга эканлигингиздан гувоҳлик беради. Ташқи томондан қараганда аҳвол шундай. Аммо қандай турганингиз, қандай группировкалашганингиз шунчалик муҳимми? Мени ҳам, томошабинни ҳам кўпроқ қандай ички хатти-ҳаракат қилганингиз, нимани ҳис этганингиз қизиқтиради. Кундалик ҳаётдан олинган ва ролга кўчирилган шахсий кечинмаларингиз саҳнада қаҳрамон ҳаётини барпо қиладди. Худди мана шу ҳиссиётларингизни мен сезмадим. Ичдан асосланмаган ташқи хатти-ҳаракат, мизансценалар, группалар расмий ҳамда қуруқдир ва унинг саҳнада ҳеч кимга кераги йўқ. Этюдни бугунги ижроси билан аввалги ижроси ўртасидаги фарқ худди мана шундадир.

Чақирилмаган меҳмоннинг жиннилиги тўғрисидаги тахминини биринчи марта айтганимда, ҳамма бирдан саросимага тушди ва ўзини сақлашдек муҳим масалани ўйлаб қолди. Ҳамма рўй берган вазиятни англагач ҳаракат қила бошлади. Бу ҳаракат мантиқан тўғри, чинакам кечинма ва унинг гавдаланиши эди.

Бугун бўлса, аксинча, яхши кўрган ўйинингизни ўйнашдан севиниб кетдинглар ва берилган шарт-шароитларни ўйламай, баҳоламай, илгаридан маълум бўлган ташқи хатти-ҳаракатни бирданига такрорлашга тушдинглар. Бу тўғри эмас. Ўтган сафар ҳамма жим қолган бўлса, бу гал шодланиш ва ҳаяжон пайдо бўлди. Ҳамма нарса тайёрлашга ошиқди: Вельяминова ёстиқларни, Вьюнцов абажурни, Названов кулдон ўрнига альбомни.

– Уларни ўз жойига қўйишни бутафор унутибди-да, – баҳона қилдим мен.



– Биринчи марта сиз уларни олдиндан тайёрлаб қўйганмидингиз? Вьюнцовнинг бақириб сизни қўрқитиб юборишини билганмидингиз? – деб кесатди Аркадий Николаевич. – Тавба! Бугун сизга альбом керак бўлишини қайдан билдингиз? У тасодифан қўлингизга тушиб қолиши керак эди, шекилли. Бу ёки бошқа тасодифлар бугун қайтарилмаганлиги жуда ачинарли! Мана яна бир тафсилот: биринчи марта сиз кўзларингизни эшикдан узмаган эдингиз. чунки унинг орқасида фараз қилинган жинни бор эди. Бугун эса хаёлингиз жиннидан бўлмади, бизда, яъни томошабинларингиз: мен ва Иван Платоновичда бўлди. Ўйинингиз бизга қандай таъсир этишини билиш сизни жуда қизиқтирди. Жиннидан яшириниш ўрнига, сиз ўзингизни кўрсатиш билан овора бўлдингиз. Биринчи марта ўз туйғунгиз, фаҳм-фаросат, ҳаётий тажрибанинг ички суфлёрлиги остида хатти-ҳаракат қилган бўлсангиз, бугун кўр-кўрона, деярли механик йўлдан кетдингиз. Сиз биринчи, муваффақиятли чиққан репетицияни қайтардингиз, бугунги куннинг янги, чинакам тафсиллини яратмадинглар. Сиз материални ҳаётдан эмас, балки театр, актёрлик хотирасидан олдингиз. Биринчи марта ўз-ўзидан пайдо бўлиб, хатти-ҳаракатда табиий равишда акс этган нарсалар, бугун томошабинга кучли таъсир қилмоқ учун сунъий равишда оширилди ва бўрттирилди. Қисқаси, сизлар билан ҳам бир вақтлар бир ёш йигит билан бўлган воқеа юз берди. У Василий Васильевич Самойловдан<sup>33</sup> театрга кириш-кирмасликка маслаҳат сўраб келган экан.

«Ташқарига чиқиб яна қайтиб киришда, ҳозир менга айтган гапларингиз гапиринг». – дебди унга машҳур артист.

Йигитча биринчи киришини ташқи жиҳатдан қайтарибди, лекин биринчи бор киргандаги кечинмаларини қайтаролмабди. У ўзининг хатти-ҳаракатларини тегишли мазмун ила асослай ололмаган.

Бироқ на сизларни ёш йигитчага ўхшатишим, на бугунги муваффақиятсизликка учрашишингиз сизларни хижолат қилмаслиги керак, буларнинг ҳаммаси одатдаги бир нарсадир, нега шундай эканлигини эса ҳозир тушунтириб бераман. Гап шундаки, кўпинча тасодифийлик, ижодий мавзунинг янгилиги ижоднинг энг яхши қўзғатувчисис ҳисобланади. Эпюдни биринчи марта ижро этганингизда бу тасодифийлик мавжуд эди. Эшик орқасида жиннинг турганлиги ҳақидаги менинг тахминим сизни чиндан ҳам ҳаяжонлантирди. Бугун бу тасодиф бўлмади, чунки сизларга ҳамма

нарса маълум, тушунарли, равшан, ҳатто хатти-ҳаракатингиз ташқи шакли жиҳатидан нимадан иборат бўлиши ҳам маълум эди. Бундай шароитда янгидан фикр юритиш, чинакам воқеликда кечирилган, ҳис этилган. Ҳаётий тажрибани суриштириб ўтиришнинг ҳожати бормикан? Ҳамма иш бажарилган, мен ва Иван Платонович томонидан маъқулланган экан, бундай ишнинг нима кераги бор? Тайёр ташқи шакл актёрни жуда қизиқтиради! Сиз, энгидигина театр саҳнасида атак-чечак қилаётганлар тайёр шаклга учганларингга таажжубланмаса ҳам бўлади ва шунинг билан бирга бундай ташқи хатти-ҳаракатни яхши эслаб қолиш қобилиятига эга эканликларинг маълум бўлади. Ҳиссиётларни эслаш қобилиятига келсак, у бугун ўзини кўрсатмади.

– Ҳиссиётларни эслаш қобилияти? – тушуниб олишга уриндим мен.

– Ҳа. Ёки биз уни ҳиссиётларни хотирада сақлаш қобилияти (эмоциональная память) деб айтамыз. Авваллари–Рибо айтганидек – биз уни «асабийликни эслаб қолиш қобилияти» (аффективная память)<sup>34</sup> деб атар эдик. Ҳозир бу термин бекор қилиниб, бошқаси билан алмаштирилган. Аммо бизга уни белгилаш учун бирорта сўз керак, шунинг учун биз ҳозирчалик ҳиссиётларни хотирада сақлаш қобилияти деб аташга келишиб олдик.

Ўқувчилар бу сўзларнинг маъносини аниқроқ тушунтириб беришларини илтимос қилишди.

– Буни сиз Рибо келтирган мисолдан тушуниб оласиз.

Икки сайёҳ денгизнинг даҳшатли тўлқини пайти қоя устида қолиб кетадилар. Улар омон бўладилар ва кейинчалик ўз таассуротларини айтиб берадилар. Бирининг эсида ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати: қаёққа, қандай, нега борганлиги, қаерга сақраганлиги қолган. Иккинчисининг эсида бу нарсалар эмас, фақат ўша пайтдаги ҳиссиётлар қолган: аввал завқ, кейин эҳтиёткорлик, ваҳима, умид, шубҳа ва ниҳоят, саросимага тушгани қолган.

Мана шу туйғулар ҳиссиётларни эслаш қобилиятига эга бўлганлигимиз туфайли сақланиб қолади...

Борди-ю, бугун жинни ҳақидаги этюд эсингизга тушиши билан иккинчи сайёҳнинг ҳис этганлари сингари хотирангизда ўша ҳиссиётлар гавдаланса эди, борди-ю, сиз уларни янгидан кечирсангиз ва янгичасига, чинакам, унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракат қилишни бошласангиз эди, борди-ю, шуларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан, ихтиёрсиз рўй берса эди, мен сизларнинг эс-

лаб қолиш қобилиятингиз аъло даражали, жуда кучли экан, дердим.

Лекин афсуски, бу камдан-кам учрайдиган бир ҳолдир. Шунинг учун мен талабимни камайтираман: сизлар этюдни ташқи мизансценаларга амал қилган ҳолда бошлаганингизда, бу ташқи мизансценаларсиз кечинган ҳиссиётларни эслатиб турган ва сиз бу ҳиссиётларни эшлашга берилиб этюдни ўшалар таъсири остида бажарган бўлар эдингиз. Бу ҳолда мен сизларнинг эслаб қолиш қобилиятингиз жуда кучли, ниҳоятда зўр бўлмаса ҳам. ҳар қалай, яхши экан деб айтар эдим.

Мен ўз талабимни яна ҳам камайтиришим ва сизлар этюдни қуруқ, расмий равишда ўйнадингиз, таниш мизансценалар ва жисмоний хатти-ҳаракатлар ўзлари билан боғлиқ бўлган ҳиссиётларни жонлантормади, сизларда мавжуд бўлган шарт-шароитларни баҳолашга бўлган эҳтиёж ҳам келиб чиқмади, у шарт-шароитларда биринчи бор каби хатти-ҳаракат қилишингиз лозим эди, дейишим мумкин. Бундай ҳолларда ўзимизга психотехника билан кўмаклашмоғимиз мумкин, яъни янги «агарда»ни ва берилган шарт-шароитни киритиб, уларни янгича баҳолаб ҳамда мудраб ётган диққат, тасаввур, ҳақиқат туйғуси, ишонч, фикр улар орқали эса ҳиссиётни уйғотиш керак.

Агар шу айтганларимни бажара олсангиз, сизларда ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти бор эканлигига иқрор бўлардим.

Аммо бугун сизлар мен айтган имкониятларнинг бирортасини ҳам кўрсата олмадинглар. Бугун сизлар, биринчи сайёҳ каби фақат ташқи хатти-ҳаракатларни ғоят аниқлик билан қайтардингиз, лекин уларни ички кечинмалар билан жонлантирмадингиз. Бугун сизлар фақат натижаларнинг ғамини едингиз. Шу сабабли, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятингизни намоён қилолмадингиз, деб айтишим мумкин.

– Демак, у бизда йўқ экан-да? – дедим мен умидсиз бир оҳангда.

– Ундай эмас. Сиз нотўғри хулоса чиқаряпсиз. Буни биз кейинги дарсда текшириб кўрамиз. – хотиржамлик билан жавоб берди Аркадий Николаевич.

Бугунги дарс менинг ҳиссиётларимни эслаб қолиш қобилиятимни текшириш билан бошланди.

– Эсингиздами, – деди Аркадий Николаевич, – менга актёрлар фойесиди: Москвин \*\*\* шаҳрига гастролга келганда

сизда зўр таассурот қолдирганини айтиб берган эдингиз? Наҳотки, ҳозир ҳам беш-олти йил бурун у қатнашган спектакллар аниқ эсингизда қолган бўлса, улар эсингизга тушиши билан завқингиз келиб ҳаяжонлансангиз?

– Балки у ҳозир аввалгидай кучли бўлмас, лекин бу хотиралар мени ҳозир ҳам ҳаяжонга солади.

– Бу таассуротлар нақадар кучли бўлганлигидан у ҳақда ўйланганингизда юрагингиз шиддат билан ура бошлайдими?

– Уларга жуда берилиб кетсам, шундай бўлса керак.

– Ўша куни фойеда менга гапириб берган дўстингизнинг фожиали ўлимини эслаганингизда руҳий ёки жисмоний жиҳатдан нимани сезасиз?

– Бу оғир хотираларни эсламасликка тиришаман, чунки улар менга ҳанузгача ёмон таъсир қилади.

– Москвиннинг гастроли ва дўстингизнинг ўлими вақтида кечинган сизга таниш, эски ҳиссиётларингизнинг такрорланиши, ҳиссиётларини эслаб қолиш қобилиятининг худди ўзгинасидир.

Бир кўрган нарсани эслаб қолганингиз сабабли, ички нигоҳингиз олдида аллақачонлар унутилган буюм, манзара ёки сиймо намоён бўлгани сингари, илгари кечинилган туйғулар ва ҳиссиётларни эслаганингизда ҳам улар худди шундай жонланади. Улар бутунлай унутилган бўлиб кўринсалар ҳам, тўсатдан қандайдир ишора, фикр, таниш образ намоён бўлиши билан сизни янгидан кечинма чулғаб олади, баъзан биринчи марта бўлганидай кучли, баъзида бир қадар кучсизроқ, баъзида кучлироқ, худди ўшанга ўхшаган ёки бир оз ўзгарган ҳолда намоён бўлади.

Бошингиздан ўтказган ишларни эслашнинг ўзидаёқ қизариш ҳамда оқаришга қодир экансиз, аллақачонлар кечинган бахтсизлик тўғрисида ўйлашдан кўрқар экансиз, демак, туйғуни эслаш ёки ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятига эгасиз. Аммо у кўпчилик олдида ижод қилиш шароити қийинчиликлари билан курашиш учун етарли даражада ривожланмаган бўлади.

Энди менга айтинг-чи. – деди Торцов Шустовга мурожаат қилиб. – Сиз марваридгулнинг ҳидини яхши кўрасизми?

– Яхши кўраман, – деб жавоб қилди Паша.

– Горчицанинг таъминини-чи?

– Ўзини ёқтирмайман, мол гўшти билан бўлса хуш кўраман.

– Бароқ мушукнинг жунини ёки бахмални силашни яхши кўрасизми?

- Ҳа.
- Сиз шу сезгиларнинг ҳаммасини яхши эслаб қолганми-сиз?
- Эсимда.
- Мусиқани севасизми?
- Уни ҳам севаман.
- Севган куйларингиз борми?
- Албатта, бор.
- Масалан, қайсилар?
- Чайковский, Григ, Мусоргскийнинг кўпгина романслари.
- Улар эсингиздами?
- Ҳа. Мен яхши эслаб қола оламан.
- Эшитиш ва эшитганни эслаб қолиш қобилияти денг, – деб қўшиб қўйди Торцов. – Сиз живописни ҳам яхши кўрсангиз керак?
- Жуда ҳам.
- Яхши кўрган суратингиз борми?
- Бор.
- Улар ҳам эсингиздами?
- Жуда яхши эсимда.
- Табиатни севасизми?
- Ким уни ёмон кўради!
- Сиз кўринишлар, хоналардаги жиҳозлар, буюмлар шаклини яхши эслаб қоласизми?
- Эслаб қоламан.
- Одамларнинг юзларини ҳамми?
- Ҳа, менга таъсир қилганларини.
- Масалан, кимнинг юзи аниқ эсингизда қолган?
- Масалан. Качаловнинг. Мен уни яқиндан кўрганман, у менда кучли таассурот қолдирган.
- Демак, сизда кўрган нарсангизни эслаб қолиш қобилияти ҳам бор экан-да.
- Буларнинг ҳаммаси ҳам, қайтариладиган ҳиссиётлардир, уларни бешшала сезги аъзоларимиз келтириб чиқаради. Улар ҳиссиётларни хотирада сақлаш келтириб чиқарган кечинмаларга тааллуқли бўлмай, улардан алоҳида туради.
- Шунга қарамай, мен баъзан ҳиссиётларни хотирада сақлаш қобилияти билан баравар бешта сезги аъзомиз ҳақида ҳам гапираман.

Саҳнада артистларга бешта сезги аъзомиз ҳиссиётини сезишни эслаш лозимми ва қанчалик лозим?

Бу масалани ҳал этмоқ учун сезгиларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Бешта сезги аъзомиз ичида таассуротларни қабул қилиш жиҳатидан энг сезгири кўздир. Эшитиш ҳам жуда зийракдир. Мана шу сабабли туйғуларимизга кўз ва қулоқ орқали таъсир қилиш ҳаммадан осонроқдир.

Маълумки, баъзи рассомларда ички кўриш шу қадар аниқ бўладики, улар йўқ одамларнинг ҳам портретларини чизавердилар. Баъзи муסיқачиларда ички эшитиш қобилияти шу қадар камолотга етган бўладики, улар ҳозиргина ўйналган симфонияни хаёлларида эслай оладилар. эслаганларида ҳам ижронинг бутун деталларини эслайдилар ва партитурадан салгина чиқиб кетилганини ҳам сезадилар. Рассомлар ва мусиқачилар сингари, саҳна артистлари ҳам, ички кўриш ва эшитишни эслаб қолиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг ёрдами билан артистлар кўрган ва эшитган образлари, одамнинг юзи, мимикаси, қадди-қомати, юриши, қилиқлари, ҳаракатлари, овози, ҳаётда учровчи кишиларнинг сўз оҳанглари, уларнинг кийимлари, рўзғорга оид нарсалар, табиат манзаралари ва шу кабиларни эслаб қоладилар ва бу хотираларни қайтадан жонлантирадилар. Ундан ташқари одам, айниқса, артист, реал ҳаётда кўрган ва эшитганини эслаб қолиши ва янгидан бажариши у ёқда турсин, у ўз тасавурида кўринмай, эшитилмай янгидан пайдо бўлган нарсани ҳам яратиш қобилиятига эгадир. Кўрганларини эслаб қолиш қобилиятига эга бўлган типдаги артистлар ундан нима истаганликларини хатти-ҳаракатда кўрсатиб беришларини ёқтирадилар ва шундагина, улар қандай туйғу ҳақида гап бораётганини осонгина ҳис этадилар. Эшитиш қобилиятига эга бўлган типдаги артистлар, аксинча, ўзлари гавдалантираётган шахснинг товуши, нутқи ёки сўзлаш оҳангини тезроқ эшитишни истайдилар. Улар ҳиссиётни кўзгатиш учун биринчи туртки эшитиш хотираларидан келиб чиқади.

– Бешта сезги аъзомизнинг бўлак ҳиссиётлари-чи? Саҳнада улар ҳам керак бўладими? – қизиқиб сўрадим мен.

– Албатта!

– Улар нима учун керак ва саҳнада улардан қандай фойдаланиш мумкин?

– Фараз этингки, – деб тушунтира бошлади Аркадий Николаевич, – сиз Чеховнинг «Иванов» деган пьесасининг учинчи пардасининг бошланишини ўйнаяпсиз. Ёки бирортангиз Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси» пьесасидаги кавалер ди Рипафратта ролини ўйнаяпсиз ва ёлғондакам жаркопни еб маза қиляпсиз. Уни эса моҳир пазанда Мирандолина<sup>35</sup> пиширган. Бу саҳнани шундай ўйнаш керакки, фақат ўзингизни эмас, ҳатто томошабинларнинг ҳам сўлақлари оқиб кетсин. Бунинг учун ўйнаётган одам айна вақтда жаркопнинг таъмини сезмаса ҳам, жилла бўлмаганда бошқа бир мазали овқат таъмини тасаввур этиши керак. Акс ҳолда овқатдан маза қилганингизни кечиниш ўрнига сунъийлик билан ўйнашингизга тўғри келади.

– Қўллар билан сезиш-чи? У қайси пьесада керак бўлиши мумкин?

– Мисол учун «Эдип» пьесасидаги болалар саҳнасида, икки кўзи ўйилган Эдип болаларини қўллари билан ушлаб танийдиган саҳнада керак бўлиши мумкин.

Бу ҳолда сизларга жуда яхши ривожланган жисмоний сезгирлик лозим.

– Аммо, кечирасизлар, яхши актёр буларнинг ҳаммасини туйғуга дахлсиз, ёлғиз техника ёрдами билан ҳам ифода қила олади. – деди Говорков.

– Бундай ўзбилармандларча айтилган гапларга ишонманг. Актёрнинг техникаси қанчалик камолотга эришган бўлмасин, у табиатнинг эришиб бўлмайдиган юксак ва ғоятда нозик санъатига тенглашолмайди. Мен ўз умримда техникани сув қилиб ичиб юборган, турли мактаб ва миллатларга мансуб бўлган жуда кўп моҳир ва машҳур актёрларни кўрдим, лекин уларнинг ҳеч бири табиатнинг кўзга кўринмас суфлёрлиги остида беихтиёр ҳаракат қилувчи артистлар кўтарилган чўққиларга кўтарила олган эмас. шуни унутмаслик керакки, мураккаб табиатимизнинг кўпгина муҳим томонларини оғир ёрдамида бошқариб бўлмайди. Биз бошқаролмаган бу томонларни ёлғиз табиатгина бошқара олади. Унинг ёрдамисиз биз ўзимизнинг кечинмамизни, гавдалантирайдиган мураккаб ижодий аппаратимизни бутунлай эмас, фақат қисман эгалтай оламиз, ҳолос.

Майли таъм, жисмоний сезиш ва ҳид билан аъзоларимиз бизнинг санъатимизда кам қўлланилади дейлик, шунга қарамай, баъзан улар катта аҳамиятга эга бўладилар, лекин бу ҳолларда

уларнинг роли фақатгина ёрдамчи хизматни ўташдан иборат бўлади.

– Аниқроқ қилиб айтганда нималардан иборат? – билиб олмоқчи бўлиб сўрадим мен.

– Мен мисол билан тушунтира қолай, – деди Торцов. – Яқинда кўрган бир воқеамни айтиб берай: икки йигитча аллақандай тунги майхўрликдан сўнг, бачкана бир полька куйини эсладилар, улар бу куйни қаердадир эшитганлар-у, лекин қаердалигини ўзлари ҳам билмайдилар.

«– Биласанми, қаерда эшитгандик... Қаерда эди?.. Биз устун ёки колонна тагида ўтирган эдикми... – деб эслолмай қийналар эди улардан бири.

– Колоннага бало борми? – қизишарди иккинчиси.

– Сен чап томонда, ўнгда эса... Ўнгда ким ўтирувди? – кўрганларини хотирага келтиришга тиришарди биринчи ишратпараст.

– Ҳеч ким ўтиргани ҳам, ҳеч қандай колонна ҳам йўқ эди. Яхудийчасига пиширилган чўртан балиқни еганимиз рост ва...

– Арзон атирми, одеколонними ҳиди келарди.

– Ҳа, ҳа, – деб тасдиқлади уни иккинчиси. – Атир ҳиди яхудий-часига пиширилган чўртан балиқнинг ҳидига аралашиб, одамнинг кўнглини айнитарди...».

Бу таассуротлар улар билан қисқичбақа еб ўтирган хотинни эслашга ёрдам қилди.

Кейин улар столни, унинг устидаги идишларни, ўзлари тагида ўтирган колоннани кўз олдига келтиришди. Шунда майпарастлардан бири тўсатдан флейта чаладиган куйининг тез қисмини ашула қилиб айта бошлади ва ўшанда мусиқачи буни қандай чалганини қилиб берди. Капельмейстер ҳам эсга тушди.

Шу ҳолда хотирада бирин-кетин овқатнинг таъми, ҳиди, жисмоний сезгилар жонлана бошлади, улар орқали ўша кечаси кўрган ва эшитган таассуротлар ҳам намоён бўлди.

Ниҳоят майпарастлардан бири бачкана полька куйининг бир неча тактини элади. Иккинчиси, ўз навбатида, бир неча тактни унга кўшди, кейин эса икковлари хотираларида қайта жонланган куйни айтдилар ва Капельмейстердек дирижёрлик қилиб турдилар.

Бу билан гап тугамади. Майпарастлар маст ҳолда айтилган аллақандай ҳақоратни эсга олдилар, қаттиқ тортишувдан сўнг яна уришиб қолдилар.



Бу мисолдан бизнинг бешта сезги аъзоларимизнинг яқин алоқаси ва ўзаро муносабати, шунингдек, уларнинг ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятига бўлган таъсири кўриниб турибди. Шундай қилиб, кўриб турибсизки, артистга ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятига эга бўлиш билан бирга, бешта сезги аъзоимиз ҳиссиётларини ҳам эслаб қолиш зарур.

...19 ..й.

Торцов Москвадан гастролга жўнагани учун дарсларимиз вақтинча тўхтади. Ҳозирча «тренинг ва муштра», рақслар, гимнастика, қиличбозлик, овоз постановкаси, талаффуз ва илмий дарслар билан кифояланишга тўғри келди. Дарсларимиз тўхтагани учун кундалик ёзувлар ҳам узилиб қолди.

Аммо кейинги вақтларда менинг шахсий ҳаётимда шундай воқеалар юз бердики, улар бизнинг санъатимизда ва хусусан ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимизда жуда муҳим бўлган баъзи нарсаларни тушуниб олмаққа мажбур этди.

Яқинда Шустов билан уйга қайтиб келаётган эдим, Арбат кўчасида оломонга дуч келдим. Мен кўчада учрайдиган ҳодисаларга жуда қизиқаман, шунинг учун биринчи қаторга суқилиб ўтиб олдим. Шунда кўз ўнгимда даҳшатли манзара намоён бўлди. Рўпарамда жағлари мажақланган, икки кўли, товонлари қирқилган тиланчи чол қоп-қора қонига беланиб ётар эди. Мурданинг кўриниши даҳшатли эди, қуртлаган тишлари мажақланган, паст жағи оғзидан чиқиб, қонга бўялган мўйлови олдида турарди. Узилган қўллари нарида ётарди. Улар шафқат тилаб олға чўзилгандай туюларди. Битта бармоғи тепага қараб турар, худди бировни кўрқитаётгандай кўринар эди. Суяк ва гўшт тўла этик тумшуғи ҳам алоҳида ётарди. Ўз қурбони тепасида турган трамвай вағони жуда баҳайбат, кўрқинчли кўринар эди. У худди ваҳший ҳайвон сингари мурдага иржайар, хириллар эди. Вожатий трамвайнинг қаеринидир тузатар, бу билан ҳаммага унинг бузуқлигини намоён қилишга ва шунинг билан ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатишга уринар эди. Бир одам ўликнинг юзига маъноли қараб, унинг бурнига ифлос рўмолчани тикар эди. Нарироқда болалар сув ва қонни ўйнаб ўтиришарди. Эриган қор жилғалари қизил қон жилғалари билан қўшилганда, янги пушти ранг жилға ҳосил бўлиши болаларга жуда ёқар эди. Бир аёл йиғлар, бир хиллари қизиқсиниб тикилар, баъзилари ирганиб қараб турар

эди. Расмий амалдорлар, доктор тез ёрдам аравасини кутишмоқда эди.

Бутун бу реал-натуралистик манзара одамда мудҳиш таассурот қолдирар, кишини ларзага келтирар эди ва серқуёш, қувончли ва нурли куннинг аксини ифода этар эди.

Мен ҳалокат юз берган жойдан узоқлашдим ва анча вақт даҳшатли таассуротдан қутулолмадим. Бу тасвирланган ҳодисанинг хотираси кўнглимни ғаш қилиб, кун бўйи хаёлимдан кетмади.

Кечаси уйғониб кетиб, кундузи кўрган манзарам эсимга тушди, яна ҳам баттароқ титрадим, яшаш қўрқинчли бўлиб кўринди. Хотирамдаги ҳалокат воқеликка нисбатан яна ҳам даҳшатлироқ бўлиб кўринди, эҳтимол кечаси бўлганидан шундай кўрингандир, кечаси ҳамма нарса қўрқинчлироқ туюлади. Мен бундай ҳолатимни таассуротни кучайтирувчи ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятидан кўрдим.

Мен ҳатто бу қўрқишимдан севиниб кетдим, бу менда ҳиссиётларни яхши эслаб қолиш қобилияти борлигидан далолат берарди.

Юқоридаги воқеадан бир кунми, икки кунми ўтгач, мен яна Арбатдаги ҳалокат юз берган жойдан ўтиб боратуриб, яқинда бу ерда бўлган ҳодисани ўйлаб беихтиёр тўхтаб қолдим. Бари даҳшат – ўтди кетди, дунёда бир одам камайди, холос. Кўчани супураётган аёл гўё ҳалокатнинг сўнгги гардларини қириб-қиртишлар, трамвайлар инсон қони тўкилган машъум жойдан қувончла елар эдилар. Бутун трамвай вагонлари у галги сингари иржайиб хирилламас, аксинча, шўхликла ғизиллаш учун, қўнғироқларини тинмай чаларди.

Дунёнинг бебаҳолиги тўғрисидаги менинг фикрларим туфайли яқинда бўлиб ўтган ҳалокат хотиралари ўзгариб кетди. Ни-майки дағал натуралистик бўлса – тушиб кетган жағ, кесилган қўллар, бир бурда оёқ, тепага қараб қотиб қолган бармоқ, болаларнинг қон жилғаларини ўйнашлари, гарчи бугун мени ўшанчалик ларзага келтирган бўлса ҳам, энди бутунлай ўзгача эди. Жирканч ҳиссиёт ўрнига нафрат пайдо бўлди. Кўнглимда ва хотирамда рўй берган ўзгаришни мен шундай аниқлашим мумкин эди: ҳалокат юз берган куни мен кўрган воқеам таассуроти остида тезкор мухбирлар каби газетага ўткир мақола ёзишим мумкин эди, эндиликда эса мен шафқатсизлик ҳақида заҳарханда фельетон ёзишим мумкин эди. Ҳалокатнинг эсимда қолган ман-

зараси энди мени ўзининг натуралистик тафсилоти билан эмас, балки ҳалок бўлган одамга ачиниш ва унга нисбатан раҳмдиллик ҳиссиёти билан ҳаяжонга соларди. Бугун мен аччиқ-аччиқ йиғлаган аёлнинг юзини самимият билан эслайман.

Ҳиссиётларимизни хотирлашнинг тараққиётига, вақтнинг нақадар зўр таъсир этишига ҳайрон қоласан, киши.

Бугун эрталаб, яъни ҳалокат юз берган кундан бир ҳафта ўтгач, мактабга кетатуриб, мен тагин ўша машъум жойдан ўтаётиб, бўлиб ўтган воқеани эсладим. Бугунгига ўхшаган ўша кунги оппоқ қор ҳам эсимга тушди. Бу – ҳаётдир. Қулоч ёзган, қайёқадир интилаётган қора қиёфа эса – ўлимдир. Оқайётган қон эса одамдан чиқиб кетайётган эҳтирос. Чор атроф, яна шу воқеага қарама-қарши манзара, тагин ўша осмон, қуёш, нур, табиат. Бу – абадият. Физиллаб ўтиб кетайётган трамвайнинг одамга лиқ тўла вагонлари менга абадиятга йўл олган инсонлар авлоди бўлиб туюлар эди. Бутун бу манзара яқингинада жирканч бўлиб кўринган бўлса, кейинчалик шафқатсиз, энди бўлса улуғвор сезилди. Агар биринчи кун газетага мақола, кейинчалик фалсафий тарздаги фельетон ёзишга истак пайдо бўлган бўлса, бугун поэзияга, шеърятга, тантанали лирикага майлим бор эди.

Туйғу ва ҳиссиёт хотираларининг ўзгариши таъсири остида Пушкин билан бўлиб ўтган воқеа ҳақида ўйлаб кетдим, буни у менга яқинда сўзлаб берган эди. Гап шундаки, кўнгилчан дўстимиз бир вақтлар оддий қишлоқи қизга уйланган экан. Улар яхши яшашган экан-у, ammo қизнинг учта катта нуқсонлари бор экан: ҳаддан гашқари эзма, илми паст бўлгани учун гаплари маза-матрасиз, иккинчидан, оғзи сассиқ ва учинчидан, кечалари қаттиқ хуррак отар экан. Пушкин у билан ажрашибди, ажралишига хотиннинг нуқсонлари сабаб бўлибди.

Анча вақт ўтгач, у тагин ўзининг Дульцинеяси ҳақида ўйлай бошлабди. Унинг салбий томонлари аҳамиятсиз бўлиб кўрина бошлабди – вақт ўтиши билан улар камайиб, хиралашибди, ижобий томонлари эса равшанроқ бўлибди. Улар бир кун тасодифан учрашиб қолишибди. Дульцинея бир уйда хизматкор бўлиб ишлар экан, Пушкин ҳам шу ерга ўйламай-нетмай кўчиб келибди. Тез орада ҳаётлари яна эски изига тушиб олибди.

Энди, қачонки, ҳиссиёт хотиралари ҳақиқатга айланганда, Пушкин тагин ажралишни орзу қилиб қолибди.

Тавба, ҳозир, бир қанча вақт ўтгандан кейин, Арбат кўчасидаги ҳалокатни эслар эканман, кўз ўнгимда ҳаммадан аввал трамвай вағони гавдаланади. Аммо ўша кунги вағонни эмас, бошқасини, ундан анча илғари юз берган воқеада эсимда қолган вағонни эслайман.

Шу йил куз кечаларидан бирида Стрешневадан уйимга.<sup>36</sup> Москвага, охириги трамвайда қайтиб келаётган эдим. Вағон зим-зиё, кенг майдонга чиқиб улгурмаган ҳам эдики, изидан чиқиб кетди. Вағондаги озгина пассажирларнинг кучи билан уни изига қайтариб қўйиш керак бўлди. Шунда вағон менинг кўзимга шундай ҳайбатли, қудратли бўлиб кўриндики, одамлар унга қараганда аянч ва ожиз эди.

Мен бир масалани ҳал қилмоқчиман: нега менинг хотирамда бу эски туйғулар яқинда Арбатда кечирган туйғуларимга нисбатан кучлироқ ва чуқурроқ ўрнашиб қолган?..

Мана бу ҳам ўшанга ўхшаш жумбоқлардан бири: ерда қулочларини ёзиб ётган тиланчини ва унинг устига энгашган номаълум кишини эслар эканман. Арбатдаги ҳалокат эмас, бошқа ҳодиса хотирамга келади: бунга кўп вақт бўлди, кунлардан бир кун, тротуарда жон бераётган маймун тепасида ўтирган сербиялик бир кишига дуч келдим. Бечора, кўзлари ёшга жиқ тўлган ҳолда, ҳайвоннинг оғзига бир парча ифлос мармеладни тикарди. Бу воқеа, гадойнинг ўлимига нисбатан менга кучлироқ таъсир қилган бўлса керак. У менинг хотирамга чуқурроқ ўрнашиб қолган. Мана шунинг учун ҳам мен кўчада юз берган ҳалокат тўғрисида ўйлар эканман, гадой эмас, балки ўлган маймун, номаълум киши эмас, сербиялик одам эсимга тушади. Борди-ю, менга бу ҳодисани саҳнага кўчириш тўғри келиб қолса борми, мен ўз хотирамдан унга мос ҳиссиёт материаллини олмай, балки бошқасини, анча илғари, бошқа шароитда, бутунлай бўлак қатнашувчилар билан, яъни сербиялик одам ва маймун билан бўлган материалли олардим. Бу нега шундай?

Торцов сафардан қайтиб келди, бугун унинг дарси бўлди. Мен ҳалокатдан сўнг ўзимда бўлган ўзгаришни сўзлаб бердим. Аркадий Николаевич кузатувчанлигим учун мени мақтади.

– Сиз билан бўлган бу ҳодиса, – деди у, – ҳиссиётларни хотирада сақлашда юз берадиган туйғуларнинг кристаллашиш процессини яққол намоиш қилади. Ҳар бир одам ўз умрида фалокатларни бир эмас, бир нечтасини кўрган. Хотирада уларнинг барча тафсилотлари сақланиб қолмайди, балки фақатгина айрим жиҳатлари – уни ҳаммадан кучли ларзага солганлари қолади. Бундай бошдан кечирилган ҳодисаларнинг қолдирган кўпгина бир хилдаги изларидан битта катта, яхлит, кенг кўлами ва чуқур ҳиссиёт пайдо бўлади. Бу хотираларда фақат зарур ва муҳимлари сақланган, холос. Бу ҳамма бир турдаги туйғуларнинг бирикмасидир. У кичик, айрим ҳодисаларга эмас, балки барча бир турдаги ҳодисаларга алоқадордир. Бу катта миқёсда олинган хотирадир. У ҳатто воқеликнинг ўзига нисбатан софроқ, лўндароқ, тўлароқ, маънолироқ ва ўткироғидир.

Масалан, охириги сафаримни аввалгилари билан таққослаб кўриб турибманки, тамом бўлган гастроллар менда жуда яхши таассурот қолдирган бўлсалар ҳам, шунга қарамай, ўзининг турли даврларида шодликка раҳна солган, уни икир-чикирларга тўлдирган, арзимаган, кўнгилсиз воқеалар кўп бўлган.

Илгариги сафарлар ҳақида бундай таассурот қолган эмас эди. Ҳиссиётларнинг эслаб қолиш қобилияти хотираларни давр синовида тозалаган. Бу яхши ҳол. Акс ҳолда, хотирамиздаги тасолифий тафсилотлар асосий ҳодисаларни хиралаштириб асосий ҳодиса майда-чуйда ҳодисалар орасида йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Вақт бошдан кечирилган ҳиссиётлар ҳақидаги хотираларни усталик билан элакдан ўтказди ва яхшилаб тозалайди. Бу ҳам оз, вақт ажойиб санъаткордир. У фақат тозалабгина қолмай, хотираларни шоирона тасвирлай ҳам олади.

Хотиранинг шу хусусиятига кўра, ҳатто энг қайғули, реал ва кўпол натуралистик кечинмалар ҳам вақт ўтиши билан чиройлироқ, бадиийроқ бўлиб қоладилар. Вақт уларга жозиба ва таъсирчанлик бахш этади.

Улкан шоирлар ва рассомлар аслига қараб ёзадилар ва чизадилар-ку, дейишлари мумкин!

– Тўғри, бироқ улар фотограф сингари борини суратга олмайдилар, ундан илҳомланадилар ва нусхани ўз қалбларида сақланган ҳиссиётларининг жонли материаллари билан тўлдирадилар.

Аксинча бўлганда эди ва шоирлар ўз салбий қаҳрамонларини фотографияга ўхшатиб, тирик нусхада кўрган ва сезган ҳамма реал тафсилотлари билан натурадан ёзган бўлсалар эди, унда бундай асарлари билан кишиларни ўзларига ром этолмаган бўлардилар.

Шундан сўнг мен Торцовга гадой тўғрисидаги хотирам маймун тўғрисидаги хотирам билан ва трамвайнинг битта вағони эса бошқаси билан алмашганини айтиб бердим.

– Бунинг сира ҳам таажжубланарли ери йўқ, – деди Аркадий Николаевич. – Жуда кенг тарқалган ўхшатишдан фойдаланиб, айтишим мумкинки, биз хотирамиздаги ҳиссиётлардан худди ўз кутубхонамиздаги китоблардан фойдалангандек фойдаланишимиз мумкин эмас.

Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобиляти нима эканлигини биласизми ўзи? Фараз қилинг, кўпгина уйлар, уйларда беҳисоб хоналар – уларнинг ичида сон-саноғи йўқ шкафлар, жуда кўп қути ва қутичалар, яшиқлар ва энг кичкина қутича ичида мунчоқ бор. Уйни, хонани, шкафни, токчани осонгина топса бўлади, қути ва қутичаларни қийинроқ; бугун қўлдан ялт этиб тушиб, бутунлай йўқолган мунчоқни топиб олувчи ўткир кўз борми? Уни топиб олишга фақат тасодифгина ёрдам бериши мумкин.

Хотираларимиз архиви ҳам худди шундай. Унинг ҳам ўзининг шкафлари, яшиқлари, қути ва қутичалари бор. Улардан баъзи бирлари эсга тушса бошқалари тушмайди. Уларнинг ичидан бир марта кўриниб ва бутунлай йўқ бўлиб кетган, улар юлдуздай бир нафасга нур сочиб ва абадий ғойиб бўлган ҳиссиёт хотираси «мунчоқни» қандай топса бўлади.

Улар пайдо бўлиб бирданига қалбимизда жонланган пайтда (маймун етаклаган сербияликнинг образи каби), бу ички кўринишларни сизга бахш этгани учун Аполлонга қуллуқ қилинг, аммо бутунлай йўқ бўлиб кетган туйғуни қайтаришни орзу қилманг. Эртага сербиялик ўрнига бирор бошқа нарса эсингизга тушади. Кечагини кутиб ўтирманг, бугунгисига қаноат қила беринг. Фақат янги пайдо бўлган хотираларни яхши қарши олинг, шунда қалбингиз пьесада кўп марта қайтарила бериши туфайли ҳаяжонга тушишдан тўхтаб қолган нарсага янги куч билан жавоб беради. Сиз қизиқиб кетасиз ва шунда илҳом келса, ажаб эмас!

Бироқ эски мунчоқ кетидан қувманг, у кечаги кун сингари, бола қувончи каби, биринчи севгига ўхшаш ҳеч қачон қайтиб

келмайди. Ҳар гал бугунги кун учун аталган янги илҳомнинг пайдо бўлишига ҳаракат қилинг. Унинг кечагидан кучлироқ бўлишининг аҳамияти йўқ. Шуниси яхшики, у бугунгидир, у табиийдир. ижодингизни қизитмоқ учун, бир лаҳзага қалбингиз хилватгоҳидан ўз-ўзидан чиқиб келгандир. Унинг устига, чинакам илҳомнинг ижодий кўтарилишининг яхши ёки ёмонлигини ким ҳам аниқлаб бера олади. Уларнинг ҳаммаси ўзича гўзалдир, ҳеч бўлмаганда шунинг учун гўзалки, улар – илҳомдир.

...19 ...й.

Дарснинг бошланишида мен Аркадий Николаевичдан тушунмай ҳайрон бўлган нарсамни тушунтириб беришини сўрадим.

– Демак. – дедим мен, – илҳом мунчоқлари қалбимизда сақланар экан-да, бизга ташқаридан, юқоридан, Апполлондан учиб тушмас экан-да? Демак, илҳом, ибтидоий эмас, такорланувчи нарса экан-да?

– Билмадим! – Жавоб беришдан бош тортди Аркадий Николаевич. – Беихтиёр онг масалаларига менинг ақлим етмайди. Ундан ташқари, илҳом лаҳзаларини махфий сақлашга одат қилганмиз, шуни ўлдирмайлик. Махфийлик чиройликдир ва ижодни қитиқлайди.

– Бироқ, саҳнада кечинадиган нарсаларнинг ҳаммаси такрорий эмасдир? Ахир биз биринчи марта ҳам кечинамиз-ку? Ҳеч пайт чинакам ҳаётда кечирмаган туйғуларнинг саҳнага биринчи бўлиб кириб келгани яхшими ёки ёмонми? Шуни билмоқчи эдим, – деб туриб олдим.

– Туйғуларнинг қандайлигига боғлиқ, – деди Торцов. – Мисол учун олайлик, фараз қилайликки, сиз Гамлетни ўйнаяпсиз, охириги пардада қиролни ўйнаётган ўз ўртоғингиз Шустовга қилич билан ташланасиз. Шунда сиз ўз ҳаётингизда, шу пайтгача номаълум бўлган, хун талаб қилишдек кучли туйғуни сездингиз дейлик. Фараз қилайлик, қилич ёлғондакам, ўтмас экан ва иш қон тўкилмай ажрим бўладиган бўлди, лекин хунук муштлашиш содир бўлиши мумкин, шунга кўра пардани ўз вақтидан илгари бекитишга ва протокол тузишга тўғри келади. Борди-ю, артист шунинг каби биринчи келган туйғуга берилиб кетса ва бунинг каби «илҳомгача» кўтарилса, спектакл учун фойдалими?

– Бундан чиқдики, дастлабки туйғулар унчалик эмас эканда? – тушуниб олмоқчи бўлдим мен.

– Аксинча, жуда ҳам кўнгилдаги нарса, – мени тинчитди Аркадий Николаевич. – Улар самимий, кучли. ранг-барангдир, аммо, улар саҳнада сиз ўйлаганингиздек, яъни узундан-узун давр ичида, парданинг бошдан оёғигача давом этадиган бўлмайди. Дастлабки туйғулар бир лаҳза пайдо бўлиб, ролга алоҳида-алоҳида эпизод бахш этади. Улар бу хилда саҳнада ғоят мақбулдирлар ва мен уларни чин кўнгилдан табриклайман. Майли, улар бизга тез-тез ташриф буюрсинлар ва ижодимизда ҳаммадан қадрли бўлган эҳтиросларнинг чинлигини кучайтирсинлар. Дастлабки туйғуларда яширинган ногоҳлик, ўзида артист учун рад қилиб бўлмайдиган қўзғатувчи кучни сақлаб келади.

Ачинарли бир томони бор: дастлабки кечинма лаҳзаларига биз ҳукмрон эмасмиз, балки улар бизга ҳукмрондирлар; бинобарин, масалани табиатнинг ўзига ташлаб қўйишдан бўлак иложимиз йўқ ва ўз-ўзимизга: агар дастлабки туйғулар ўзларига керак бўлган пайтда бунёдга кела олар эканлар – ўзлари келаверсинлар, фақат пьеса ва ролга қарама-қарши келмасалар бас, – дейишимиз керак.

– Демак, биз беихтиёрий онг ва илҳом масалаларида ожиз эканмиз-да? – дедим мен паст овоз билан.

– Бизнинг санъатимиз ва унинг техникаси ёлғиз дастлабки туйғулардан иборатми ахир? Улар фақатгина саҳнада эмас, ҳатто ҳаётнинг ўзида ҳам камдан-кам учраб турадилар. – деб юпатди мени Торцов. – Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимиз айтиб турадиган такрорий туйғулар бор! Ҳаммадан аввал улардан фойдаланишни ўрганинг. Улар бизнинг тушунишимизга осонроқдир.

Турган гап, тўсатдан келган беихтиёрий илҳом (наитие) кишини ўзига тортади. У бизнинг орзумиз ва ижодимизнинг энг севимли туридир. Аммо бундан ҳиссиётларни онгли эслаб қолиш қобилиятимизнинг, такрорий хотираларнинг аҳамиятини камситиш керак, деган хулоса чиқмайди. Аксинча, сиз уларни севишингиз лозим, чунки фақат ўшалар орқали илҳомга бир қадар таъсир ўтказиш мумкин.

Биз танлаган йўлнинг асосий принципи – «онг орқали беихтиёрий ижод» қилишни эслаб ўтайлик.

Такрорий хотираларни яна шунинг учун ҳам севмоқ керакки, артист ролига уларнинг биринчи дуч келганларини эмас, балки ўзи кечирган туйғуларнинг жонли хотиралари ичидан танлаб ол-



ган, ўзига қадрдон, яқин ва қизиқарли бўлганини тақдим этади. Ижод қилувчига образ ҳаётини тасвирлашда унинг кундалик оддий ҳаётидан кўра хотирада сақлаган туйғуларидан фойдаланиш, кўпинча қимматроқ бўлади. Бу илҳомга замин эмасми. ахир! Артист ўзи танлаган, энг яхши нарсалар саҳнага эҳтиётлик билан ўтади. Шунинг билан бирга, пьесанинг талабига яраша шакл, муҳит ўзгаради, лекин артистнинг ролнинг туйғуларига монанд бўлган инсоний туйғулари жонлигича қолмоғи керак. Уларни ясама қилиш, расвоси чиққан актёрларча сунъий ўйнаш билан алмаштириб бўлмайди.

– Қандай қилиб? – деди ҳайрон бўлиб Говорков. – Демак, ҳамма ролларда, Гамлетда ҳам, Аркашка ва Несчастливцев ролида ҳам, «Кўк қуш» пьесасидаги Нон ва Қанд ролларида ҳам биз, ўша ўзимизнинг шахсий туйғуларимиздан фойдаланишимиз керак экан-да?

– Бўлмаса-чи? – ўз навбатида тушунолмас эди Аркадий Николаевич. – Артист фақатгина ўз шахсий ҳиссиётларини кечина олади, холос. Ёки сиз актёр ҳар сафар аллақаерлардан янги-янги туйғуларни ва ҳар бир бажарадиган рол учун юракнинг ўзини ҳам қарзга олишини истайсизми? Бундай қилиш мумкинми ахир? У ўз қалбига нечта юракни сиғдириши керак? Ўз юрагингни олиб ташлаб, унинг ўрнига, ролга мосроқ келадиган бўлак юракни ижарага ололмайди. Уни қаердан олса бўлади? Жонсиз, ҳали тирилмаган ролданми? Лекин унинг ўзи жон бағишлашларини кутиб ётибди. Ижарага кийимни, соатни олса бўлади, аммо бўлак одамдан ёки ролдан туйғуни ижарага олиб бўлмайди. Бунинг қандай қилинишини, майли, менга айтиб берсинлар! Менинг туйғум шахсан меники, сизнинг туйғунгиз эса сизникидир. Ролни тушуниш, сезиш, киши ўзини унинг ўрнига қўйиб ва гавдалантираётган шахси каби хатти-ҳаракат қилиши мумкин. Бу ижодий хатти-ҳаракат артистнинг ўзида ҳам ролга монанд бўлган кечинмаларни келтириб чикаради. Аммо бу туйғулар шоир томонидан яратилган шахсга эмас, балки артистнинг шахсан бир ўзига тегишлидир.

Ҳаётингизда ёки тасаввурингизда ниманики ўйламанг, ниманики кечинманг, сиз бари бир ҳамиша ўзингизлигича қоласиз. Ҳеч қачон саҳнада ўзингизни йўқотманг. Ҳамиша ўзингиз, одам-артист бўлиб ўйнанг. Ўзлигингиздан воз кечолмайсиз. Борди-ю, ўзлигингиздан воз кечар экансиз, у ҳолда ўзлигингизни йўқота-

сиз, бу эса энг қўрқинчли ҳолдир. Саҳнада ўзингиздан узоқлаш-дингиз – дарҳол кечинма тугайди ва сунъийлик бошланади. Шунинг учун сиз нимаики ўйнаманг, ниманики тасвирламанг, ҳамиша ҳеч қандай истисносиз, сиз шахсий туйғунгиздан фойдалана-сиз! Бу қонунни бузиш бажараётган ролни ўлдириш билан бара-вардир, ўлик ролга бирдан-бир ҳаёт берувчи жонли, инсоний юракдан, ҳаракатдан маҳрум қилиш билан баравар.

– Демак, бутун умримиз ўзимизни ўйнар эканмиз-да! – таажжубланди Говорков.

– Худди шундай, – деб унинг гапини бўлди Торцов. – саҳнада ҳамма вақт, умрбод фақат ўзингизни ўйнайсиз, бироқ, ҳар сафар вазифага қараб, рол учун берилган шарт-шароитга қараб, турлича бўлса ҳам, лекин барибир ўз-ўзингизни ўйнайсиз. Ана шу процесда ҳиссиётлар хотираси ижод учун бирдан-бир ва энг яхши материалдир. Шулардан фойдаланинг ва биров-дан қарз олишга умид боғламанг.

– Мени кечирасиз, – деб баҳслашди Говорков. – мен ахир дунё репертуаридаги ҳамма ролларнинг туйғуларини ўз ичим-га сиғдира олмайман-ку.

Ичингизга сиғдиролмаган ролларни ҳеч қачон яхши ўйнай олмайсиз. Улар сизнинг репертуарингиз эмас. Актёрларнинг амплуасига қараб эмас, балки уларнинг ички хусусиятига қараб ажратмоқ керак.

– Қандай қилиб бир одам ҳам Аркашка, ҳам Гамлет бўла олади? – деб ҳайрон бўлдиқ биз.

– Ҳаммадан бурун, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, у – актёрдир. У, шунчаки, ички ва ташқи хусусиятлари равшан ёки хира ифода-ланган бир одамдир. Ушбу актёрнинг табиатида Аркашка Счаст-ливцевнинг муғамбирлиги ва Гамлетнинг олижаноблиги бўлмас-лиги ҳам мумкин, аммо одамдаги деярли барча яхши ва ёмон сифатларнинг нишонлари, уруғи унда бордир.

Актёр санъати ва психик техника табиий йўл билан ўзида-ги мавжуд инсоний сифатларнинг яхши ва ёмон нишонларини топа билишга йўналтирилган бўлиш керак, шундан кейин у ижро этаётган роли учун уларни ўстириши ва ривожланти-риши лозим.

Шундай қилиб, саҳнада гавдалантираётган образнинг руҳи артист юрагининг жонли элементларидан, ҳиссиёт хотиралари кабилардан ташкил топади.

Аркадий Николаевичнинг айтган бу янгиликларига мен яхши тушунолмадим, буни мен унинг ўзига айтдим.

– Муסיқада нечта нота бор? – деб сўради у мендан. – Еттита, холос. – Шу ондаёқ ўзи жавоб берди. – Шуни айтиш керакки, бу еттита нотадан бўладиган комбинациялар беҳисоб. Инсоннинг рухий элементлари, ҳолатлари, кайфиятлари, туйғулари қанча деса бўлади? Шахсан мен санаб чиққаним йўқ, аммо мусиқадаги ноталарга нисбатан кўпроқ эканлигига гумоним йўқ. Шунинг учун хотиржам бўлаверинг, улар сизнинг бутун артистлик умрингизга бемалол етади. Шунинг учун, сиз биринчидан, юрагимиздан ҳиссиёт материалларини чиқариш усуллари ва воситаларини топишга ва иккинчидан, улар билан роллер, характерлар, туйғулар, эҳтирослардан ҳисобсиз комбинациялар яратиш усулларини эгаллашга ҳаракат қилинг.

– Бу усул ва воситалар нимадан иборат? – деб билмоқчи бўлдим мен.

– Ҳаммадан аввал, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятини жонлантиришни ўрганишдан иборатдир. – тушунтирди Торцов.

– Уни қандай жонлантирмоқ керак? – деб туриб олдим мен.

– Сиз биласиз-ку, бу иш жуда кўп ички воситалар ва қўзғаткичлар ёрдами билан бажарилади. Лекин ташқи қўзғаткичлар ва воситалар ҳам бор. Бу масала анча мураккаб бўлгани учун улар ҳақида келгуси сафар гаплашамиз.

...19 ...й.

Бугунги дарс ёпиқ парда орқасида, «Малолеткова уйи» деб аталган жойимизда ўтди. Бироқ, биз у ерни таний олмай қолдик. Илгарни меҳмонхона бўлган хона ҳозир ошхона эди, илгариги ошхона ётоқхонага айланган, зални бир неча хоналарга бўлишибди, улар шкафлар билан ажратилибди. Ҳаммаёқ беўхшов арзон мебеллар билан тўла. Аввалги яхши уйга гўё тадбирли уста хотин кириб олган-да, бинони ижарага қўйиб, кўп фойда олиш мақсадида уни хоналарга ажратиб ташлагандай кўринарди.

– Янги уйингиз муборак бўлсин. – табриклади Иван Платонович.

Кутилмаган бу ишдан ҳайрон бўлган ўқувчилар бир оғиздан Малолеткованинг эски, саранжом уйини қайта қуриб беришларини сўрай бошладилар, чунки улар янги бинода ўзларини ёмон

ҳис этаётганликларини ва самарали ишлай олмасликларини айтдилар.

– Иложимиз йўқ, деб бош тортди Аркадий Николаевич. – Бу ерда турган буюмлар театрнинг кундалик репертуари учун керак бўлиб қолибди, уларнинг ўрнига бериш мумкин бўлган буюмларни беришибди ва ўз билганларича қўйиб кетишибди. Сизларга ёқмаса, шу ерда бор нарсалардан ўзларингизга қулайлик туғдириб олинглар.

Тўполон билан ишга киришиб кетилди. Тез орада ҳамма ёқ айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

– Тўхтанглар! – қичқирди Аркадий Николаевич. – Бу тартибсизлик ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятингизда қандай хотираларни ва қанақанги такрорий туйғуларни қўзғатди?

– Армавирда... зилзила... бўлганида... мебеллар ҳам... худди шундай... юрар... – деб ғудурлади чизмакаш ва ер ўлчовчимиз Умнових.

– Нима дейишимни билмайман. Арафа куни пол артувчилар келганга ўхшайди... – эслади Вельяминова.

– Ҳой, яхшилар, бўлди, одам ачиниб кетяпти, бу ағдар-тўнтарлар жонга тегди деб. – уввос сола бошлади Малолеткова.

Мебелларни жойлаш пайтида тортишув бошланди. Мебелларни кўрганда пайдо бўлган ҳиссиёт хотираси ва руҳий ҳолат сабабли жонланган кўринишда бировлар бир хил кайфиятни қидирсалар, бошқалар бошқасини қидирар эдилар. Ниҳоят, мебеллар анчагина дуруст ўрнаштирилди. Бундай жойлаштириш ўзимизга ҳам маъқул бўлди, лекин саҳнани кўпроқ ёритишларини илтимос қилдик. Шу пайт нур ва товуш эффектларининг намоиши бошланди. Дастлаб ёрқин қуёш нуруни беришганди, кўнглимиз ёришгандек бўлди. Айни вақтда саҳна орқасида товушлар симфонияси бошланди: автомобиллар, трамвай қўнғироғи, фабрика гудоклари, паровозларнинг олисдан эшитилаётган қичқириви, кундузи иш қизиб кетганидан далолат берарди.

Кейин аста-секин ярим ёруғлик сўнди. Биз оқшомда ўтиргандек бўлдик. Атроф ёқимли, сокин ва бир оз ғамгин эди. Биз хаёлга ботдик, уйқумиз кела бошлади. Кейин қаттиқ шамол гурди, бўрон деса ҳам бўлади. Дераза ойналари дириллар, шамол ўкирар, ҳуштак чалар эди. Деразага қорми, ёмғирми уриларди. Учаётган чироқ билан баравар ҳаммаси жим бўлди. Кўча шовқини тинди. Қўшни хонада соат занг урди. Кейин кимдир роялни авва-

лига қаттиқ, кейин секин ва ғамгин чала бошлади. Уйнинг мўриси увиллар, кўнгил ғаш эди. Хонага оқшом чўкди, чироқлар ёқилди, рояль овози тинди. Кейин олисда, деразалар орқасида, минора соати ўн иккига занг урди. Ярим кеча. Сукунат чўкди. Полнинг тагида сичқон қитирлатар эди. Аҳён-аҳёнда автомобилларнинг гудоклари, паровозларнинг қисқа қичқириқлари эшитилиб турарди. Ниҳоят, олам уйқуга толди. қабристон жимлиги ва қоронғилик ҳукмрон бўлди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг тонг ота бошлади, атроф кулранг тусга кира бошлади. Хонага биринчи шуъла кириб келиши билан мен ўзимни қайтадан туғилгандай ҳис этдим.

Ҳаммадан ҳам Вьонцов қойил қолди.

– Ҳаётдагидан ҳам яхшироқ! – деб ишонтирарди у бизни.

– Ҳаётда, бутун бир сутка мобайнида нур таъсирини сезмайсан, – деб Шустов ўз таассуротини тушунтирди. – бироқ бир неча дақиқа давомида, ҳозиргига ўхшаган, кўз олдиндан кеча-кундуз нур жилвалари ўтиб тургач, уларнинг устимиздан қанчалик ҳукмрон эканликларини сезасан, киши.

– Ёруғлик ва товуш ўзгариши билан туйғулар ҳам ўзгаради: кўнгилга гоҳ маъюслик, гоҳ ғулғула тушади, гоҳ жон киради... – деб ўз таассуротимни гапира бошладим мен. – Гоҳ уйда ётган бемор секин гаплашишни илтимос қилгандай, гоҳ ҳамма тинч, осойишта бўлгандек, яшаш завқига тўласан. Шунда тетикланиб жонли-жонли гапиргинг келади.

– Кўриб турибсизки, – уқдиришга ошиқди Аркадий Николаевич, – туйғумизга бизни қуршаб олган муҳит таъсир қилади. Бу ҳол фақатгина реал ҳаётдагина эмас, балки саҳнада ҳам рўй беради. Саҳнада ўз ҳаётимиз, табиатимиз, ўрмон, тоғ, денгиз, шаҳар, қишлоқларимиз, қасрларимиз, ертўлаларимиз мавжуддир. Улар рассомларнинг полотноларида акс этирилган ҳолда яшайдилар. Талантли режиссёр кўлига тушгач, театрнинг барча постановка воситалари ва эффектлари кўпол, ясама бўлиб кўринмайди, балки бадий асарга айланади. Улар пьесада қатнашувчиларнинг руҳий ҳаёти билан узвий боғланган бўлса, у ҳолда ташқи муҳит саҳнада ҳақиқий ҳаётнинг ўзига нисбатан кўпгина муҳим аҳамиятга эга бўлади. У ҳосил қилган кайфият, агар у пьеса талабига жавоб беролса, диққатни ролнинг ички ҳаётига жуда яхши йўналтиради, ижрочининг психикаси ва кечинмасига таъсир қилади. Шундай қилиб, ташқи саҳнавий ша-

роит ва у яратадиган кайфият туйғумизнинг қўзғатувчиси ҳисобланади. Шунинг учун, артистка ибодат вақтида Мефистофель томонидан йўлдан оздирилаётган Маргаритани гавдалантирар экан, режиссёр унга тегишли бўлган бутхона кайфиятини яратиб берсин. У ижрочига ролни сезишга ёрдам берсин.

Эгмонтни ўйнаётган актёрга режиссёр қамоқхонадаги ёлғизлик кайфиятини яратсин.<sup>39</sup>

Артист бунинг учун раҳмат айтади, чунки кайфият туйғуни йўналтиради.

Спектаклнинг кулиса орқасидаги бўлак ижодкорлари ҳам барча саҳна воситалари билан бизга ёрдам қилсинлар. Уларнинг имконияти ва санъатида ҳам бизнинг хотирамиздаги ҳиссиётларни ва такрорий туйғуларни қўзғатувчи жиҳатлар яшириниб ётади.

– Борди-ю, режиссёр пьесанинг ички моҳиятига тўғри келмаса ҳам, лекин жуда чиройли ташқи шароит яратса, унда нима бўлади? – сўради Шустов.

– Афсуски, бундай ёмон ҳол жуда кўп рўй беради, чунки режиссёрнинг хатоси ижрочиларни нотўғри йўлга бошлайди ва улар билан роллари орасида тўсиқ пайдо қилади.

– Борди-ю, режиссёрнинг постановкаси ташқи жиҳатдан анчайин ёмон бўлса-чи, унда қандай бўлади? – деб сўради кимдир.

– Унда яна ҳам ёмонроқ! Режиссёрнинг ва кулисалар орқасидаги ижодкорларнинг спектаклдаги иши бутунлай қарама-қарши натижага олиб келади: ижрочининг диққатини саҳнага ва ролга тортиш ўрнига, ёмон постановка артистни саҳнадаги нарсалардан четлатади ва уни рампанинг нариги томонидаги минг кишилиқ оломоннинг ҳукмига топширади.

– Агар режиссёр постановканинг ташқи қиёфасида бачканалик, ясамалик, кечаги Н... театрда кўрганимдек паст дид билан ишланган саҳна берса-чи? – деб сўрадим мен.

– Бундай тақдирда бачканалик актёрни ўз оғуси билан заҳарлайди ва у режиссёр кетидан кетади. Баъзи бировлар учун саҳнавий бачканаликда ғоятда зўр «қўзғаткичлар» яширинган бўлади. Шундай қилиб, кўриб турибсизки, спектаклнинг ташқи жиҳати режиссёр қўлидаги ўткир қиличдир.

Ўз навбатида, артистлар ҳам саҳнада уларни қуршаб олган нарсаларга қарашни, кўришни, уқиб олишга ва саҳнавий иллюзия яратаётган руҳий ҳолатга бевосита берилиб кетишига ўрган-

синлар. Бундай қобилиятга эга бўлган артист ташқи саҳнавий постановкада ётган ҳамма қўзғаткичлардан фойдалана олади.

Энди мен саволлар бераман, – деб давом этди Торцов. – Ҳар қандай яхши декорация ҳам артистга ёрдам бериб, унинг ҳиссиётларини эслаб колит қобилиятини қўзғата оладими? Бўёқлар, чизиқлар ва перспективани ғоятда моҳирлик билан эгаллаб олган ажойиб рассом томонидан ёзилган гўзал полотноларни кўз олдингизга келтиринг. Сиз у полотноларга томоша залидан қарасангиз, сизни саҳнага тортиб кетади. Лекин саҳнага чиқсангиз у ёқмайди ва у ердан кетгингиз келади. Сири нимада? Сири шундаки, агар декорация фақат живопислик вазифасини бажарса ва унда актёрларнинг талаби ҳисобга олинмаган бўлса, у саҳна учун ярамайди. Бундай саҳнавий полотноларда рассом худди суратдаги каби уч ўлчовни эмас, фақат икки ўлчовни, эини ва бўйини ҳисобга олиб ишлаган бўлади. Чуқурлигига келганда ёки бошқача қилиб айтганда, саҳна ичкарисига келганда, бу бўш ва жонсизлигича қола беради.

Сизлар ўз тажрибангиздан биласизларки, актёр учун текис ва бўш жой қанчалик ноқулай, унда диққатни тўплаш, кичкинагина машқда ёки соддагина этюдда киши ўзини топиб олиши амри маҳолдир.

Қани шунақа, худди концерт эстрадасидаги сингари қуруқ жойда, саҳнанинг олдида Гамлет, Отелло, Макбет ролларининг бутун «инсоннинг руҳий ҳаётини» кўрсатиб кўринг-чи. Буни режиссёрнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, буюмлар ва мебелсиз қилиб кўринг-чи. Уларга ўтириш, суяниш улар атрофида группалар ҳосил қилиш мумкин! Ахир бундай вазиятлар саҳнада яшамоққа ва ўзимизнинг ички ҳолатимизни пластик равишда ифодалашга ёрдам беради. Бунга саҳнанинг олдида, устундек қотиб туриб эмас, аксинча, турлича бой мизансценада эришмоқ мумкин. Бизга учинчи ўлчов, яъни саҳна сатҳи керак, биз унинг устида юрамиз, унинг устида яшаймиз ва хатти-ҳаракат қиламиз. Бизга учинчи ўлчов биринчи, иккинчи ўлчовга нисбатан зарурроқдир. Орқада, бизнинг орқамизда, гениал рассомнинг ажойиб декорацияси осилиб турганидан артистларга нима фойда? У орқада тургани учун биз уни кўпинча кўрмаймиз, У бизни фақат яхши ўйнашга, ўз муҳптимизга лойиқ бўлишга мажбур қилади, у бизга ёрдам бермайди, чунки рассом уни яратаётганда фақат суратни ўйлаган ва фақат ўзини кўрсатган, артистни эса унутиб қўйган.

Суфлёр ҳужраси олдида туриб олиб, ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мизансценасиз, режиссёр ва рассомсиз пьеса ва ролнинг бутун моҳиятини кўрсата оладиган бундай генийлар, бундай техниклар қани?!

Санъатимиз ҳеч кимнинг ёрдамисиз артистнинг якка ўзи ижодий вазифани бажаришга имконият берадиган психотехника соҳасида энг юқори чўққига кўтарилгунга қадар бизлар режиссёрнинг ва кулиса орқасидаги спектакл ижодкорларининг ёрдамига муҳтожмиз. чунки ҳар хил декорация, планлаштириш, ёруғлик, товушлар ва бўлак қўзғаткичлар уларнинг қўлидадир.

...19 ...й.

– Нега бурчакка суқилиб олдингиз? – деб мурожаат қилди Аркадий Николаевич Малолетковага қараб.

– Мен... узоқроқда ўтирмасам бўлмайди! – деди у ҳаяжон ичида гангиб қолган Вьонцовдан яшириниш учун яна ҳам бурчакка тикилиб оларкан.

– Нега ҳаммаларинг тўпланиб олдингиз? – деди Торцов, энг шинам бурчакда, стол ёнидаги диванга ўтираркан. Аркадий Николаевичнинг келишини кўраётган бир гуруҳ ўқувчиларга қараб.

– Анекдотлар айтиляпти... шундай... қулоқ солиб ўтирибмиз. – деб жавоб берди чизмакаш Умногих.

– Говорков икковингиз лампа олдида нима қиляпсизлар? – мурожаат қилди Аркадий Николаевич Вельяминовага қараб.

– Мен... мен... билмайман... нима дейишимни билмайман... – деди хижолат тортиб қизча. – Хат ўқияпмиз... шунинг учун... аҳ, нима учунлигини ўзим ҳам билмайман...

– Нега сиз Шустов билан юрибсиз? – мени сўроққа тутди Торцов.

– Бир нарсани муҳокама қиляпмиз. – жавоб бердим мен.

– Хуллас, – деб якун ясади Аркадий Николаевич. – ҳар бирингиз кайфиятингиз, кечинмангиз ва ишингизга қараб, ҳаммадан қулайроқ жойни танлагансиз, керакли мизансценани яратгансиз ва ўз мақсадингизга ишлатгансиз, эҳтимол, аксинча. Мизансцена сизларга ишни, вазифани айтиб бергандир.

Торцов каминнинг олдида ўтирди. биз эса унга қараб ўтирдик. Баъзилар унинг сўзларини яхшироқ эшитиш шиятида ўз стулларини унга яқинроқ суриб олишди: мен лампа турган столнинг



ёнидан жой олдим, чунки ёзишим учун қулайлик керак эди. Говорков билан Вельяминова пичирлаб гаплашиб ўтириш учун нарироққа силжишди.

– Энди айтинглар-чи, нега сиз бу ерга, сиз у ерга, сиз эса стол ёнига ўтирдингиз? – деб тушунтириб беришимизни талаб қилди Аркадий Николаевич.

Биз яна ўз хатти-ҳаракатимиз ҳақида унга ҳисобот бердик ва улардан Аркадий Николаевич бу сафар ҳам, бизларнинг ҳар биримиз ўзимизча, шароитга, ишимизга, руҳий ҳолатимизга ва кечинмаимизга қараб мизансценадан фойдаланганимизни асослаб берди.

Шундан кейин Аркадий Николаевич бизларни хонанинг турли бурчакларига олиб борди-да (ҳар бир бурчакда мебел турлича қўйилган эди) улар қандай кайфиятларни, ҳиссиёт хотираларини, такрорий кечинмаларни уйғотишини аниқлаб беришимизни таклиф қилди. Биз ушбу мизансценадан қандай шароитларда қандай фойдаланишимизни аниқлаб беришимиз лозим эди.

Шундан сўнг Торцов ўз хоҳишича, бизлар учун қатор мизансценалар яратди, биз эса қандай руҳий ҳолатларда, қандай шароитларда, қандай кайфиятда ёки берилган шарт-шароитда у бизга кўрсатиб берганича ўтиришимиз қулайлигини эслашимиз ва белгилашимиз керак эди. Бошқача қилиб айтганда, илгари ўз руҳий ҳолатимизни, хатти-ҳаракат вазифасини сезишимизга қараб ўзимиз мизансцена топган бўлсак, энди бу ишни бизнинг ўрнимизга у бажарар эди, биз эса бировнинг айтган мизансценасини фақат асослаб беришимиз, яъни унга тегишли кечинма ва хатти-ҳаракатни топишимиз, улардан тегишли руҳий ҳолатни аниқлашимиз лозим эди.

Торцовнинг сўзига кўра, иккала биринчи ҳолатда – ўз мизансценамизни яратиш ва шунингдек, учинчи ҳолатда – бировнинг мизансценасини асослаш – актёрнинг тажрибасида доимий учраб туради. Шунинг учун улардан яхши фойдалана билиш керак экан.

Кейин «аксинча исботлаш» тажрибаси ўтказилди. Аркадий Николаевич билан Иван Платонович дарсни бошлашга ҳозирлангандай ўтиришди. Биз «ишга мос руҳий ҳолатда» ўтирдик. Аммо Торцов биз танлаган мизансценани таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборди. У ўқувчиларни жўрттага ноқулай, биз қилмоқчи бўлган ишимизга ва руҳий ҳолатимизга қарама-

қарши равишда ўтказди. Баъзилар анча олисда, бошқалар гарчи яқин ерда ўтирган бўлсалар ҳам, муаллимга орқа ўгириб олган эдилар.

Мизансенанинг руҳий ҳолат ва иш билан мос эмаслиги туйғуни чалкаштирар. ички ноқулайликни келтириб чиқарар эди.

Бу мисол мизансцена билан артистнинг руҳий ҳолати ўртасидаги алоқа қанчалик зарур эканлигини сезиларли даражада кўрсатиб берди ва бу алоқанинг узилиши ёмон ҳол эканлигини исботлади.

Кейин Аркадий Николаевич бутун мебелларни деворга тақаб қўйишни, уларни ёнига ҳамма ўқувчиларни ўтказишни ва ўртага – қуруқ полга битта кресло қўйишларини буюрди.

Шундан кейин, ҳар бир ўқувчини навбат билан чақириб, тасаввур нималарни ўйлаб топиши мумкин бўлса, шу кресло билан ҳамма вазиятни қилиб кўришликни таклиф қилди. Бутун вазиятлар, албатта, ички тасаввур тўқимаси берилган шарт-шароитлар ва туйғу билан асосланган бўлиши шарт. Биз машқни навбатма-навбат кўрсатдик, мизансенанинг ҳар бири, группа ёки вазият қандай кечинмага ундашини аниқладик ёки тескарисини, қандай ички ҳолатларда қай хилдаги позалар ўз-ўзидан қилинишни кўрдик. Бу машқлар яхши, қулай ва бой мизансенани, унинг мизансеналиги учун эмас, балки у чақирадиган ва белгилайдиган туйғулар учун қилинаётганини яна ҳам юқорироқ баҳолашимизга мажбур этди.

– Шундай қилиб, – сўзларига яқун ясади Аркадий Николаевич, – бир жиҳатдан артистлар ўзлари кечираётган руҳий ҳолатига, бажараётган ишларига, вазифаларига қараб мизансцена ахтарадилар, иккинчи томондан эса руҳий ҳолатнинг ўзи, вазифа ва иш бизга мизансцена яратиб беради. Улар ҳам бизнинг ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимизни кўзгатувчилардан бири ҳисобланади.

Одатда сахна жиҳозлари, ёритилиши, товушлари ва бошқа режиссёрлик усуллари билан биз биринчи навбатда партерда ўтирган томошабинларни лол қилишни истаймиз деб ўйлайдилар. Йўқ. Буларга мурожаат қилишимизнинг боиси томошабинлардан кўра кўпроқ артистларнинг ўзлари учун керакдир.<sup>36</sup> Биз уларга бутун диққатларини сахнада бўлаётган нарсага қаратишларига ва ундан ташқарида бўлган нарсаларга эътибор бермасликларини учун ёрдам беришга уринамиз. Борди-ю, биз томонда,

рампанинг актёрлар турган томондаги яратилган руҳий ҳолат, пьесага мос экан, демак, у тақдирда ижод учун ҳиссиётларни эслаб қолиш ва кечинмани қўзғатувчи тўғри шароит вужудга келган бўлади.

Энди, қатор тажриба ва намоишлардан сўнг саҳнада кайфият яратувчи постановка, декорация, планлаштириш, ёритиш, товуш ва бўлак воситалар ҳамда эффектларнинг бизнинг туйғуларимиз учун энг ажойиб ташқи қўзғаткичлар эканига ишондингизларми? – деб сўради Аркадий Николаевич.

Говорковдан бўлак ҳамма ўқувчилар бунга олишди.

– Бироқ, – давом қилди Аркадий Николаевич. – саҳнада қарашни ва кўришни билмайдиган актёрлар оз эмас. Бундай одамларни ҳар қанақа декорация ичига қўйманг, бу декорацияларни ҳар қанақасига ёритманг, саҳнани ҳар қандай товушлар билан тўлдирманг, саҳнада турли-туман иллюзияларни яратиб берманг, барибир, бундай актёрлар саҳнада бўлаётган воқеа билан эмас, балки томоша залида, рампанинг нариги томони билан қизиқадилар. Уларнинг диққатини шароит билан тортиш у ёқда турсин, уни ҳатто пьесанинг ўзи ва ички моҳияти билан ҳам қизиқтиролмайсан. Улар саҳнада ўзларини жуда муҳим ташқи қўзғаткичлардан маҳрум қиладилар, ваҳоланки, уларнинг ёрдами билан режиссёрлар ва спектаклнинг кулиса ортидаги бўлак ижодкорлари кўмак берган бўлардилар.

Бундай ҳодиса сизларда ҳам рўй бермаслиги учун, саҳнада қарашни ва кўришни ўрганинглар, сизни қуршаб олган нарсага берилишни ва жавоб қила билишни билинглар. Қисқаси, мавжуд барча қўзғаткичлардан фойдалана билинг.

...19 ...и.

Аркадий Николаевич бугунги дарсда шундай деди:

– Шу пайтгача биз қўзғаткич билан туйғуга таъсир қилишни кўрган эдик. Аммо кўпинча бунга тескари йўл билан туйғудан қўзғаткичга ўтишга ҳам тўғри келади. Тўсатдан пайдо бўлган кечинмани мустаҳкамлаб олиш керак бўлган ҳолларда биз шундай қиламиз. Мисолда тушунтириб бераман.

Горькийнинг «Тубанликда» пьесасининг дастлабки спектаклларида бирида менда шундай ҳодиса рўй берди.

Мен учун Сатин роли, охириги пардадаги «Одам ҳақидаги» монологини мустасно қилганда, деярли енгил кўчди. Мендан мум-

кин бўлмаган нарсани: ижтимоий, назаримда. Жаҳон аҳамиятига эга бўлган сахнани, монолог бутун пьесанинг маркази бўлмоғи ва унинг мағзини очиб бермоғи учун ғоятда чуқур маъноли под-  
текстни (сўзнинг туб маъносини) талаб қилишарди. Хавfli жой-  
га келганимда мен ички тормозларни ишга солиб эҳтиёткорли-  
гимни оширар, тепаликка кўтарилаётган от сингари кучанар  
эдим. Бу «тепалик» ролимда эркин югурмоғим учун халақит бе-  
рар ва ижод қувончини бўғар эди. Мен монологдан кейин ўзимни  
юқори нотани ололмай қолган ашулачидек сезардим.

Бироқ, ролимнинг чиқмаётган ери, кутилмаган бир вақтда  
учинчи ёки тўртинчи спектаклда ўз-ўзидан чиқди-қўйди.

Ўзимнинг тасодифий муваффақиятим сабабини тушуниш ни-  
ятида, кечкурунги спектаклда ўйнашимга қадар бўлган воқеа-  
ларни эслай бошладим. Эртадан кечгача бўлган воқеаларни кўз  
ўнгимдан ўтказдим.

Куним тикувчидан каттагина счёт олишим билан бошланди.  
У ҳамёнимни қуришиб, хафа қилди, Кейин ёзув столининг кали-  
тини йўқотиб қўйдим. Бунинг қанчалик кўнгилсиз ишлигини ўзин-  
гиз биласиз. Хафа бир ҳолда «Тубанликда» спектаклимиз ҳақида  
ёзилган рецензияни ўқиб чиқдим, спектаклда муваффақиятсиз  
чиққан ерини мақтаб, яхши жойини ёмонлаб ёзибди. Рецензия  
менга жуда ёмон таъсир қилди. Кун бўйи пьесани ўйлаб юрдим.  
Пьесанинг асосий мағзини тинмай ахтарар, ўз кечинмамнинг  
ҳамма моментларини қайта-қайта эслаб чиқар эдим, бу ишга шу  
қадар берилиб кетдимки, ўша кечаси муваффақият тўғрисида  
ўйламадим, сахнага чиқишимдан олдин унинг ташвишини қил-  
мадим, томошабинларни эсламадим; томошанинг қандай туга-  
ши ва шахсан ўз ўйинимнинг натижаси эса менга барибирдек  
кўринди. Ўша кечаси мен ўйнаганим йўқ, балки шунчаки ман-  
тиқ ва изчиллик билан ролимнинг вазифасини сўзларда, хатти-  
ҳаракатларда бажардим. Мантиқ билан изчиллик бирга бўлиб,  
мени тўғри йўлдан бошлади ва рол ўз-ўзидан ўйналди, унинг чиқ-  
маган жойи шундай ўтиб кетдики, мен ҳатто уни пайқамай ҳам  
қолдим.

Натижада менинг ижром «жаҳон миқёсида» аҳамиятга эга  
бўлмаса ҳам, пьеса учун, гарчи мен бу ҳақда ўйламаган бўлсам  
ҳам, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзи нима гап? Тўғри йўлдан кетишим учун халақит берган  
занжирлардан бўшашга нима ёрдам берди? Нима мени тўғри

йўлга солиб юборди ва йўл нечун мени исталган мақсадга олиб келди? Гап тикувчи катта суммага счёт юборганида ҳам, калитни йўқотиб қўйганимда ҳам ва рецензияни ўқиганимда ҳам эмас. Ҳаётгий шароитлар ва тасодифийликларнинг бутун комплекси бирлашиб менинг кўнглимда шундай ҳолатни пайдо қилдики, шунга кўра рецензия менга кутилганига нисбатан кучлироқ таъсир қилди. У ролнинг умумий планига нисбатан қарашни инкор қилди ва уни янгидан кўриб чиқишга мажбур этди. Бундай янгидан кўриб чиқиш мени муваффақиятга олиб келди.

Мен бир тажрибали актёр ва уста психологга ўша кечаси топилган кечинмани мустаҳкамлаб олишимга ёрдам беришини сўраб мурожаат қилдим. У менга шундай деди: «Саҳнада тасодифан кечинилган туйғуни такрорлаш сўлган гулни тирилтириш билан баравардир. Ундан кўра бўлак нарсанинг ғамини ейиш яхши эмасми: ўлганни тирилтириш эмас, балки сўлиганнинг ўрнига янгисини ўстириш маъқулдир. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Аввало гул ҳақида ўйламай, балки унга сув бериш ёки ерга янги уруғ сепиб янги гул ўстириш лозим».

Актёрлар эса кўпинча бошқача иш тутадилар. Борди-ю, ролларнинг бирор ери яхши чиқиб қолса, уни қайтармоқчи бўлсалар, улар бевосита туйғуга мурожаат қиладилар ва уни янгидан кечинишга уринадилар. Бу ҳам табиатнинг иштирокисиз гул ўстириш билан баравардир. Лекин бундай вазифани бажариш мумкин эмас, бинобарин, гулни қоғоздан яшадан бошқа иложлари қолмайди.

Нима қилмоқ керак?

Туйғуни ўйламасдан, уни нима яратгани, кечинмани яратган шароитлар ҳақида ғам емоқ лозим. Улар шундай заминки, уни суғормоқ ва ўғитламоқ зарур, унда туйғу унади. Шу пайт ичида табиатнинг ўзи илгари кечинилган туйғуга ўхшаш туйғуни барпо қилади.

Сизлар ҳам шундай қилинглар, ҳеч қачон ролни натижадан бошламанг. У ўз-ўзидан келиб чиқмайди, балки илгари қилинган ишнинг мантиқий натижасидир.

Мен ҳам доно маслаҳатчим айтганини қилдим. Бунинг учун гул поясидан унинг илдизларигача кўздан кечиришга, бошқача қилиб айтганда, «Одам ҳақидаги» монологдан пьесанинг асосий идеясигача бўлган йўлни кўриб чиқишга тўғри келди. Сабаби пьеса шу ғояни илгари суради. Бу ғояни қандай деб атаса бўла-

ди? Озодликми? Инсонлик қадрига тушуниб еттанликми? Бу ҳақда дарвиш Лука, пьесанинг бошидан охиригача гапирди.

Мана энди, ролимнинг мағзига етиб борганимдагина, уларни пўпанак босиб кетганини, ҳар хил кераксиз, зарарли актёрлик вазифалари қоплаб олганини тушундим.

Менинг «жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган» монологимни Горький ёзган «одам тўғрисидаги» монологга алоқаси йўқлигини тушундим. Биринчиси актёрчасига сунъий ўйнашликнинг кульминацион моменти бўлса, иккинчиси эса пьесанинг асосий идеяси ҳақида гапириши ва унинг энг юқори нуқтаси, муаллиф ва артист кечинмасининг асосий ижодий кўтаринки моменти бўлмоғи лозим. Илгари мен гавдалантираётган шахсимнинг кечинма ва фикрларига монанд бўлган ўзимнинг фикрларим ва кечинмаларимни партнерга равшанроқ ва ранг-баранг қилиб етказиб беришни ўйлаш ўрнига, ролнинг мен учун бегона бўлган сўзларини қандай бўлмасин таъсирлироқ қилиб сўзлаб беришни ўйлардим, холос. Мен мантиқ ва изчиллик билан хатти-ҳаракат қилишининг ўрнига ва шу йўл билан ўзимни шу натижага, яъни пьесанинг ҳамда артистлик ижодимнинг асосий ғоясига олиб келиш ўрнига, натижани сунъийлик билан ўйнардим. Йўл қўйган хатоларим мени асосий фикрдан тош девор сингари ажратиб қўйганди.

Бу деворни бузиб ташлашга менга нима ёрдам берди? Ролнинг инкор этилган плани. Ким уни инкор этди? Рецензия.

Унга бундай кучни ким бахш этди? Тикувчининг счёти, йўқолган калит ва бўлак тасодифий ҳодисалар, улар менинг кайфиятимни бузди, умумий асабийлашган ҳолатни пайдо қилди, буларнинг барчаси, ўша кун ўтмишини қайта синчиклаб кўриб чиқишга мажбур қилди.

Келтирилган мисол билан мен иккинчи йўлни, у ҳақда бугун гапириб ўтдим, жонланган туйғудан унинг қўзғаткичига ўтишни кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Бу йўлни билиб олгач, артист истаган вақтида ўзига керакли такрорий кечинмани ҳосил қила олади.

Шундай қилиб, тасодифан пайдо бўлган туйғудан – қўзғаткичга, кейинчалик бориб яна қўзғаткичдан туйғуга ўтмоқ керак, – сўзини яқунлади Горцов.

Бугун Аркадий Николаевич шундай деди:

– Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти қанчалик кенг бўлса, унда ички ижод учун материал шунчалик кўп ва артистнинг ижоди бой ва тўла бўлади. Мен ўйлайманки, бу ўз-ўзидан тушунарлидир ва ортиқча изоҳни талаб қилмайди.

Бироқ ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг бойлигидан ташқари, унда сақланаётган материалнинг кучи, турғунлиги ва унинг сифатини фарқ қила билиш керак.

Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг кучи бизнинг ишимизда катта аҳамиятга эгадир. У қанчалик кучли, ўткир ва аниқ, бўлса, ижодий кечинма шунчалик равшанроқ ва тўлароқ бўлади. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти бўш бўлса, у сезиларсезилмас, ноаниқ туйғуларни келтириб чиқаради. Улар сахнага ярамайди, чунки таъсирчан бўлмайди, кўринмайди, томоша залига кам етиб боради.

Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти ҳақидаги кейинги суҳбатлардан маълум бўлдики, унинг кучи, давомати ва таъсири турлича бўлар экан. Бу ҳақда Аркадий Николаевич шундай деди:

– Кўз олдингизга келтиринг, сиз кўпчилик олдида ҳақоратландингиз ёки тарсаки едингиз, демак, бутун умрга уятга қолдингиз. Бундай воқеадан шундай қаттиқ ларзага келгансизки, бу ларза ҳатто унинг бутун бошқа тафсилотлари ва ташқи жиҳатларини босиб кетган.

Арзимас сабаб ёки ҳеч қандай сабабсиз чекилган бу алам-ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятларимизда бирданига ловиллаб кетади ва икки баробар куч билан жонланади. Шунда юз қизаради ёки оқариб кетади, юрак эса сиқилиб қаттиқ-қаттиқ ура бошлайди.

Бундай ўткир, осонлик билан ҳаяжонланувчи туйғу материалига эга бўлган актёрга сахнада, ҳаётда ларзага солиб чуқур из қолдирган ҳодисанинг туйғусига ўхшаш туйғуни кечиниш ҳеч гап эмас. Бунда техниканинг ёрдами керак бўлмайди. Ҳаммаси ўз-ўзидан содир бўлади. Артистга табиатнинг ўзи ёрдамлашади.

Бу туйғуни хотирлаш ва такрорий сезгининг, хусусан, кучли, ўткир, аниқ ва яшовчан турларидан биридир.

Бошқа бир ҳодисани олайлик. Менинг бир дўстим ғоятда парижонхотир одам эди. У бир танишиникига бир йилдан кейин

зиёфатга борибди ва шунда уй соҳибининг сеvimли, жажжи ўғлининг саломатлиги учун қадаҳ кўтарибди.

Боланинг соғлиғи учун кўтарилган бу қадаҳни ҳамма чуқур сукунат билан қарши олибди, шундан сўнг уй бекаси – боланинг онаси, ҳушидан кетиб қолибди. Маълум бўлишича, бечора дўстим соғлиғи учун қадаҳ кўтарган боланинг ўлганига бир йил ўтгандан кейин берилаётган йил оши эканини унутиб қўйган экан. «Шунда кечирган ҳолатимни ўла-ўлгунимча унутмайман!» – деб иқрор бўлди оғайним.

Бироқ, бу ҳолда туйғулар атрофда бўлган воқеани бекитиб қўймади, у ҳолат тарсаки ейилганда бўлган эди, шунинг учун дўстимнинг хотирасида кечинманинг ўзи эмас, балки унинг айрим. айниқса, аниқ моментлари ва воқеанинг вазияти равшан сақланиб қолган. У рўпарасида ўтирган меҳмоннинг қути ўчган башарасини ҳам, ёнидаги хижолатдан ерга қараб олган хотинни ва столнинг нариги бошидан чиққан нидони ҳам эслаб қолган.

Ҳозир, бу воқеага узоқ вақт ўтган бўлса ҳам, унинг кўнглида ўз-ўзидан йил оши вақтидаги бошидан кечирганлари тўсатдан жонланиб кетади. Бироқ, баъзан бирданига буни қилишни уддасидан чиқолмайди, шунинг учун бу бахтсиз ҳодиса билан бир вақтда бўлган вазиятни эслашга тўғри келади ва шунда бирданига ёки аста-секин туйғунинг ўзи ҳам жонланиб кетади.

Мана бу – кўпинча психотехника ёрдамидан талаб қилувчи анчагина бўш ёки, айтайлик, ўрта даражадаги ҳиссиёт-хотираларининг яшовчанлиги ва кучига мисол бўла олади.

Мен энди шунга ўхшаш учинчи ҳодисани айтиб бераман. Бу воқеа ҳам ўша паришонхотир дўстим билан содир бўлган, фарқи шундаки, кўпчилик ўртасида эмас, бетма-бет, ўзаро суҳбатда бўлиб ўтган.

Гап бундай: амманинг қизи онасининг вафотидан кейин келиб, унинг тобути устига қўйиш учун дўстим юборган гулчамбар учун миннатдорлигини билдирмоқчи бўлган. Қиз миннатдорчилик изҳор қилиб бўлмасданоқ, паришонхотир дўстим меҳрибонлик юзасидан «аммасининг» (марҳуманинг) «саломатлигини» сўраган.

Бу хижолатвозлик ҳам унинг хотирасида сақланиб қолган. лекин илгариги. яъни қадаҳ кўтарганига нисбатан анча хирароқ қолган. Шунинг учун. борди-ю, дўстим ижодий мақсадлари учун ўзидаги шу туйғу материалларидан фойдаланмоқчи бўлса, даст-



лаб жуда катта ички ишни бажаришга тўғри келади. Бунинг сабаби, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятидаги хотираларнинг излари чеккадан ёрдам олмай, мустақил равишда жонланиши учун айтарлик чуқур ва ўткир бўлмаганидадир.

Бу туйғуларнинг хотираси ва такрорий сезгиларнинг бўшлигига мисолдир. Бундай ҳолда психотехниканинг зиммасига катта, мураккаб вазифа юкланади.

... 19 ...

Аркадий Николаевич ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг ҳар хил турларининг сифат ва кучини таҳлил қилишни давом эттириб шундай деди:

– Кечинилган туйғуларнинг баъзи бир хотиралари бизда хира роқ сақланса, баъзилари, камдан-кам бўлса ҳам, кучли бўлади.

Кўпинча хотирамизда ўрнашиб қолган таассуротлар борган сари ривожлана боради ва чуқурлашади. Улар янги процессларни кўзгатувчиларга айланиб қолади; улар бир жиҳатдан бўлиб ўтган воқеанинг тўла кечинмаган тафсилотларини эслатса, иккинчи жиҳатдан тасаввурни кўзгатади, унутилган тафсилотларнинг кам-кўстини тўлдирди. Бу ҳол биз артистларда кўплаб учраб туради. Лоақал меникида учратган италиялик артист-гастролёрни эсланглар.

Мана менинг синглим билан бўлиб ўтган аниқ бир воқеа бунга яққол мисол бўла олади.

Синглим, шаҳардан қишлоқдаги уйига сумкасида марҳум эрининг хатларини олиб қайтаётган экан, бу хатлар унинг учун жуда қимматли экан. Поезд станцияга кириб келаётганда вагондан шошиб чиқиб, зинапоянинг охиригисига оёқ қўйворгач, зинапоя яхлаб қолган экан, оёғи тойиб кетиб, перрон устунлари орасига йиқилиб тушибди. Одамлар кўрқиб кетибди. Шўрлик хотин жонжаҳди билан бақириб юборибди: кўрққанидан эмас, балки кўз қорачиғидан азиз бўлган хатлар солинган сумкаси отилиб кетган экан, улар ёлдирак тагида қолди деб ўйлабди. Одамлар бир хотин киши поезднинг тагига тушиб кетди, деб қий-чув кўтаришибди, кондуктор эса ёрдам бериш ўрнига синглимни ҳақоратлаб сўкибди. Жуда ёмон, хунук воқеа юз берибди. Шўрлик синглим кун бўйи ўзига келолмабди; ўзининг ҳалокатга учрашига оз қолганини бутунлай унутиб, уйдагиларига кондукторнинг сўкишлари алам қилаётганини айтиб йиғлабди.

Кеч кирибди. Қоронғида синглим бўлиб ўтган воқеани ҳаммасини эслабди-да, асаблари бўшашиб, ҳушидан кетиб қолибди.

Бу ҳодисадан сўнг у, фалокат юз беришига оз қолган станцияга боришга сира ботинолмабди. У ерда хотиралари яна ҳам кучайиб кетишидан қўрқарди. У олисдаги, бошқа станцияга боришни, беш чақирим аравада юришни афзал биларди.

Шундай қилиб, одам хавф таҳдид қилган вақтда хотиржам бўлади, уни эслаган пайтда эса қаттиқ ҳаяжонга тушади. Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг ва тақрорий кечинманинг кучи аслига нисбатан кучлироқ бўлишига бу мисол бўлолмайди, чунки улар хотирамизда ривожлана боради.

Туйғу хотирасининг кучи, интенсивлигидан ташқари унинг характери ва сифатини бир-биридан фарқ қила билиш керак. Масалан, фараз қилинг, мен айтиб берган тарсаки ейиш, қадаҳ кўтариш ва амманинг қизи билан бўлган воқеаларда сиз қатнашувчи шахс бўлмай, балки уларнинг оддий гувоҳи бўлдингиз.

Ҳақоратни ўзинг эшитишинг ва қаттиқ хижолат чекишинг бошқа-ю, бўлаётган воқеани кузатиш ва ундан нафратланиш, жанжалнинг айбдорларини масъулиятсиз танқид қилиш бутунлай бошқа.

Турган гап, гувоҳ одамда кучли кечинмалар бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда улар воқеада қатнашаётган одамниқига қараганда кучлироқ ҳам бўлади. Лекин ҳозир мени қизиқтираётган бу нарса эмас. Энди мен бошқа нарсани – гувоҳнинг ва воқеа қатнашувчиси кечинган туйғуларнинг сифати бир хил эмаслигини айтмоқчиман.

Шундай ҳам бўлиши мумкинки, одам на воқеанинг бевосита қатнашчиси, на ҳатто гувоҳи бўлмаган, у ё бу ҳақда эшитган ёки ўқиган.

Бу туйғулар хотирасининг на таъсир қилиш кучига ва на чуқурлигига ҳалал бермайди. Улар ёзаётган ва сўзлаётган одамнинг ишонтира олишига, ўқиётган ва тинглаётганнинг сергаклигига боғлиқдир.

Кўп кишилиқ кеманинг ўспирин талабалар командаси билан ҳалок бўлганини ўз кўзи билан кўрган кишининг ҳикоясини сира унутмайман, у кеманинг капитани довул вақтида тўсатдан ўлиб қолган экан. Фақатгина бир толеи баланд киши омон қолган. Бутун тафсилотлари билан ёрқин ҳикоя қилинган бу денгиз фо-

жиаси мени ларзага келтирган эди, бу воқеа ҳозир ҳам ҳаяжонлантиради.

Турган гап, воқеа қатнашчисининг, гувоҳнинг, тингловчи ва ўқувчининг туйғу хотиралари сифат жиҳатидан турлича бўлади.

Артистларга бу туйғу материалнинг ҳамма турлари билан иш кўришга тўғри келади, уни ролга татбиқ қилишга ва рол талабига яраша қайта ишлаш лозим бўлади.

Мисол учун, фараз қилайлик, мен сизларга ўтган дарсда гапириб берган тарсаки ейишдек хунук воқеани сизлар бевосита қатнашувчиси эмас, балки гувоҳи бўлдинглар.

Шунингдек, айтайлик, ўшанда кўз олдингизда бўлиб ўтган воқеадан олган таассуротингиз кучли бўлди ва ҳиссиётларнинг эслаб қолиш қобилиятига қаттиқ ўрнашиб қолди. Саҳнада худди шундай кечинмани бунга мос ролда қайтариш осон бўлар эди. Яна фараз қилайлик, шундай рол топилди ҳам, бироқ унда гувоҳни эмас, балки тарсаки еб ҳақоратланган шахсни ўйнашингиз лозим. Гувоҳнинг туйғу хотирасини қандай қилиб қатнашувчи шахснинг кечинмасига айлантирса бўлади?

Қатнашувчи калтакни ўз танасида сезади, гувоҳ эса унга ачинади. Шунинг учун сизга ачинишни сезишга айлантириш керак.

Гувоҳнинг ачинишини қатнашувчи шахснинг чинакам туйғусига айланишига қуйидаги воқеа мисол бўла олади.

Фараз қилайлик, сиз ўз дўстингиз олдига келдингиз ва уни ёмон ҳолатда учратдингиз: у нималарнидир гудурлайди, ўзини ҳар томонга уради, йиғлайди, ғоятда мушкул аҳволда қолганини билдиради. Аммо сиз нима гаплигига тушунмасангиз ҳам дўстингизнинг аҳволига ачинасиз. Шундай лаҳзаларда нималарни ҳис этасиз? Ачинишни. Аммо дўстингиз сизни қўшни хонага олиб чиқади ва у ерда сиз унинг ўз қонига беланиб ётган хотинини кўрасиз.

Бу ҳодисани кўрган эри ўзини ушлолмай энтикиб, ҳўнграб йиғлайди, аллақандай сўзларни айтиб бақиради, гарчи бу сўзларнинг фожиали моҳиятини сезсангиз ҳам, уларга тушунмайсиз.

Шу лаҳзада нимани ҳис этасиз?

Сиз дўстингизга яна ҳам қаттиқроқ ачинасиз.

Бироқ у шўринг қурғурни сиз бир амаллаб овтасиз ва у тушунарлироқ қилиб гапира бошлайди.

У хотинини... сизга рашк қилганидан сўйиб қўйибди...

Шу хабарни эшитишингиз биланоқ, хаёлингиздаги ҳамма нарса ўзгариб кетади. Илгариги гувоҳнинг ачиниши бирданига фожиа қатнашувчисининг туйғусига айланади, чунки сиз чиндан ҳам қатнашувчи бўлиб чиқдингиз.

Шунга ўхшаган процесс рол устида ишлаганда ҳам рўй беради. Артистнинг қалбида шунга ўхшаш ўзгариш пайдо бўлган пайтдан бошлаб, у ўзини пьесадаги ҳаётнинг фаол иштирокчиси деб сезади, унда чинакам инсоний туйғу пайдо бўлади. Одам-артистнинг ачиниши қатнашувчи шахснинг туйғусига айланиб қолиши, кўпинча пьесада ўз-ўзидан содир бўлади.

Биринчи (яъни одам-артист) иккинчининг (яъни қатнашувчи шахснинг) ҳолатига шунчалик кучли кириб кетиши мумкин ва унга шу қадар кор қиладики, ўзини унинг ўрнидаман деб ҳис этади.<sup>39</sup>

Бу вазиятда у бўлиб ўтган воқеага беихтиёр ҳақоратланган одамнинг кўзи билан қарайди. У ишга киришиб, жанжалга ара-лашишни, ҳақорат қилувчининг қилиғига қарши чиқишни истайди, гўё бу иш унинг иззат-нафсига теккан каби туюлади.

Бу ҳолда гувоҳнинг кечинмалари, ўз-ўзидан ачинишни туйғуга айлантириб юборади, яъни сифат жиҳатидан ҳам пьесада қатнашувчи шахсникига ўхшайди ва деярли ўша кучга эга ҳам бўлади. Аммо бу процесс ижод вақтида содир бўлмаса қандай бўлади? У ҳолда берилган шарт-шароитга, сеҳрли «агарда»га эга бўлган психотехниканинг ёрдамига ва ҳиссиётларнинг эслаб қолиш қобилиятига жавоб берувчи бўлак қўзғаткичларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Шундай қилиб, ички материални қидириш вақтида, ўзимиз кечирганлардангина фойдаланиб қолмай, бўлак одамлардан эшитганларимиздан, астойдил ачинган ҳодисалардан ҳам фойдаланмоқ лозим. Шунга ўхшаш процесс китоблардан ўқилган ёки бўлак шахслардан эшитган хотиралар билан ҳам содир бўлади.

Бу таассуротларни ҳар бир одам ўз қалбида ҳис этиб кўришига, яъни ўқиётган ёки тинглаётган одамнинг ачинишини шахсан ўзиникига, чинакам туйғусига – ҳикоядаги қатнашувчи шахснинг туйғусига ўхшаган туйғуга айлантиришига тўғри келади.

Ўқиётган одамнинг ачинишини қатнашувчи шахснинг туйғусига айланиш процесси сизга таниш эмасми? Ахир ҳар бир янги рол устида ишлаганимизда, биз кўнглимизда худди шу ишни қил-

маймизми? Биз бу рол билан пьесани ўқиш орқали танишамиз, пьеса бўлиб ўтган воқеа тўғрисида драматургнинг ҳикояси ҳисобланади, биз артистлар, унинг гувоҳи ҳам, қатнашувчиси ҳам бўлган эмасмиз, уни биз ўқилганда билиб олганмиз.

Биз драматург асари билан биринчи марта танишаётганимизда кўнглимизда, айрим ҳолдан мустасно, пьеса қатнашувчиларига фақатгина ачиниш пайдо бўлади. Пьесани тайёрлаш даврида бу ачинишни биз одам-артистнинг чинакам шахсни туйғусига айлантиришимиз керак бўлади.

... 19 ...й.

– Жинни ёки йиқилган аэроплан билан бўлган этюд эсингиздами? – деб сўради бугун Аркадий Николаевич. – Уларнинг «агардаси», берилган шарт-шароитлари, тасаввур тўқималари ва бўлак қўзғаткичлари эсингиздами, уларнинг ёрдами билан ижод учун ҳиссиётларнинг эслаб қолиш қобилиятидаги руҳий материал кашф этилган эди. Сизлар худди шундай натижаларга ташқи қўзғаткичлар ёрдами билан эришган эдингизлар.

«Бранд» пьесасидан олиб ишлаган саҳнамиз ва унинг бўлак ҳамда вазифалари эсингиздами, бу бўлаklar эркаклар ва хотинлар ўртасида қизғин курашни келтириб чиқаргани эсингиздами? Бу ички қўзғаткичларнинг янги туридир.

Электр чироқлари билан кўрсатилган диққат объектлари эсингиздами, улар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда – саҳнада ва томоша залида ёнган эди? Сизлар энди биласиз, жонли объектлар ҳам биз учун қўзғаткичлик вазифасини ўтай оладилар.

Жисмоний хатти-ҳаракатлар, уларнинг мантиқ ва изчиллиги, ҳақиқат ва унинг чинлигига бўлган ишонч эсингиздами? Бу ҳам туйғунинг муҳим қўзғаткичидир.

Сизлар келажакда қатор янги ички қўзғаткичларни билишингиз лозим. Уларнинг энг кучлиси пьесанинг сўз ва фикрларида, муаллиф томонидан берилган сўзларнинг маъносида ётган туйғуларида, қатнашувчи шахсларнинг ўзаро муносабатларида яширинган бўлади.

Сизлар яна бир қатор ташқи қўзғаткичларни билиб олдингиз. Улар чинакам ҳаёт иллюзияси ва унинг жонли кўринишларини яратувчи декорациялар, жиҳозлар, чироқлар, товуш ва мизансценалардан иборат.

Борди-ю, сиз билиб олган ҳамма қўзгаткичларни йиғиб чиқса ва уларга келажакда яна билишингиз лозим бўлганлари қўшилса, уларнинг сони анчага етади. Булар сизларнинг психотехник бойлигингиздир. Улардан фойдалана билиш лозим.

– Қандай фойдаланиш мумкин? Мен буюртма бўйича такрорий туйғуларни келтириб чиқаришни ва ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятини қўзғатишни ўрганиб олишни истардим! – деб Торцовни ишонтирмақчи бўлдим.

– Овчи ёввойи қушни қандай овласа, сиз ҳам ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти билан такрорий туйғуларни шундай овланг, – деб тушунтирди Аркадий Николаевич. – Агарда қушнинг ўзи сизга қараб учиб келмас экан, уни барглар орасидан сира ҳам тополмайсиз. У ҳолда ёввойи қушни ўрмондан алоҳида ҳуштақлар, «киркик» деб аталган асбоб ёрдами билан алдаб чақиришдан бўлак чора қолмайди.

Бизнинг артистлик туйғумиз ҳам ўрмон қуши каби чўчимадир, у қалбимизда яшириниб ётади. Борди-ю, туйғу ўша ётган еридан жавоб қилмаса, уни ҳеч қанақа чора билан тополмайсан. Бундай ҳолларда киркикка суянмоқ лозим.

Киркиклар худди ўша ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятини ва такрорий сезгиларни қўзғатувчидир, шу пайтгача улар тўғрисида гапириб келдик.

Дастурнинг ҳар бир ўтилган босқичи ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятига ва такрорий сезгиларга янги киркик (ёки қўзгаткич) берди. Дарҳақиқат, сеҳрли «агарда», берилган шарт-шароитлар, тасаввур тўқималари, бўлақлар ва вазифалар, диққат объектлари, ички ва ташқи хатти-ҳаракатлар ҳақиқати ва ишончи бизларга тегишли киркиклар (қўзгаткичлар) берди.

Шундай қилиб, шу пайтгача мактабда қилиб келган ишимиз бизларни киркикларга олиб келди, булар эса бизга ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятимизни ва такрорий сезгиларни қўзғатиш учун керакдир.

Киркиклар психотехника соҳасидаги ишимизда асосий воситалардир. Киркикнинг туйғу билан бўлган алоқасидан кенг фойдаланмоқ лозим, чунки бу алоқа табиий ва нормалдир.

Артист киркикларга бевосита жавоб қайтара билишни ва уларни, моҳир пианиночи рояль клавишларини усталик билан эгаллагани сингари эгалламоғи лозим: жинни ҳақида ёки қулаган аэроплан тўғрисида, ёхуд пулни ёндириш эпюдида қизиқарли

тўқима ёки вазифа ўйлаб топар экансан, шу ондаёқ қалбингда худди шундай туйғу қўзғалади. Бошқасини ўйлаб топсанг, ўзгача кечинма ҳосил қилади. «Чувалчангга» нима илинишини, нима нимани келтириб чиқаришини билмоқ лозим. Чунончи, одам қалбан боғбон бўлмоғи лозим, чунки у қандай уруғдан нима ўсиб чиқишини билади. Хотирадаги ҳиссиётларни қўзғатувчи сабабларга, предметларга бепарво муносабатда бўлиш ярамайди. Дарс охири бутун ўтилган машғулотлар, унинг босқичлари даставвал ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятини ва такрорий сезгиларни қўзғатишга олиб келишини исботлашга бағишланди.

...19 ..й.

Аркадий Николаевич бугунги дарсда шундай деди:

– Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти ва такрорий сезгилар ҳақида айтилган ҳамма гаплардан уларнинг ижод процессида қандай катта ўрин эгаллашлари равшан бўлди.

Энди ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг қўшимча жиҳатлари ҳақидаги масалага навбат келди. Улар доимо, бетўхтов тўлдирилиб турилиши керак. Бунга қандай эришса бўлади? Бунинг учун ижодий материални қаердан қидирмоқ керак?

Сизларга маълумки, шундай материал вазифасини биринчи навбатда бизнинг шахсий таассуротларимиз, кечинма ва туйғуларимиз ўтайди. Уларни биз воқеликдан қандай олсак, тасаввур этилган ҳаётдан, эсдаликлардан, китоблардан, санъатдан, фан ва билимдан, саёҳатлардан, музейлардан ва асосан, инсонлар билан муносабатлардан ҳам шундай оламир.

Актёрнинг ҳаётдан оладиган материали характери театр санъатининг вазифасини ва томошабин олдидаги ўз бадий бурчини тушунишига қараб ўзгаради. Шундай замонлар бўлган эдики, бизнинг санъатимиз озчиликни ташкил қилган бекорчиларнинг вақтини чоғ қилишга ва ўшандай томошабинларининг талабини қондиришга хизмат қилар эди. Лекин шундай замонлар ҳам бўлганки, унда актёр ўз ижоди учун материални атрофидаги қайноқ ҳаётдан олган.

Театр ижодига турли даврларда турли материаллар кирган. Водевиль учун ҳаётни юзаки кузатиш етарли эди. Озеровнинг шартлиликка асосланган трагедиялари учун (актёр бир оз температура ва ташқи техникага эга бўлса) қаҳрамонона руҳдаги асарларни кўп ўқиган бўлиши кифоя эди.<sup>40</sup> XX асрнинг 60-90 йилла-

ридаги ўртамиёна рус психологик драмаси учун (Островский асарларини мустасно қилганда) актёрлар ўз муҳитларидан ва ўзларига яқин бўлган жамиятдан олган тажрибаларидан қаноатланиб қўя қолардилар. Аммо Чехов янги давр руҳи билан суғорилган «Чайка» асарини ёзганда, илгариги материал камлик қилиб қолди. мураккаброқ ва қизиқроқ янгиликлар пайдо бўлаётган бутун жамият ва башариятнинг ҳаётига чуқурроқ тушуниб етиш зарур бўлиб қолди.

Айрим шахслар ва бутун инсониятнинг ҳаёти тобора ривожлангани ва мураккаблашгани сари, артист бу ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларига чуқурроқ кириб бормоғи лозим бўлди.

Бунинг учун ҳаётни яхшироқ билишга тўғри келди. Ҳаётни билиш, жаҳоншумул воқеалар даврида яна ҳам кенгайди, чуқурлашди.

Бироқ, ҳаётни тўла, ҳар турли соҳаларини билиш камлик қилади. кузатишнинг ўзи етмайди. кузатаётган воқеаларнинг маъносига тушуниб етмоқ лозим, хотирада сақланган туйғуларни қайтадан кўнгилдан ўтказмоғимиз, атрофингизда кечаётган воқеаларни асл маъносига тушуниб етмоғимиз даркор. Санъат яратиш ва саҳнада «инсоннинг руҳий ҳаётини» тасвирлаш учун, бу ҳаётни ўрганиш зарургина бўлмай, балки унинг барча соҳасида, қачон бўлмасин, қаерда бўлмасин, имкони борича, унга бевосита аралашмоқ лозим. Бунингсиз бизнинг ижодимиз қурийди – штампга айлана бошлайди.<sup>41</sup>

Атрофдаги ҳаётни чеккадан туриб томоша қилувчи артист, рўй бераётган ҳодисаларнинг қувонч ва машаққатларини ўзида сезган, аммо уларнинг мураккаб сабабларига тушуниб етмаган ва улар асосидаги буюк драматизм, буюк қаҳрамонлик хусусиятлари билан суғорилган ҳаётнинг улуғвор воқеаларини кўролмайдиган артист – ҳақиқий ижод учун ўлган ҳисобланади. Санъат учун яшамоқчи бўлган одам ҳаётнинг маъносига тушуниб етмоғи, ўз ақлини астойдил ишлатмоғи, доимо тўлатиб бормоғи, ўз нуқтаи назарини текшириб турмоғи зарур. Агар артист ўз ижодини ўлдирмоқчи эмас экан, у ҳаётга юзаки қарамасин. Такасалтанг одам санъаткор деган номга арзимайди. Актёрларнинг кўпчилиги, саҳнада ўзига мартаба орттириш учун ишловчи обивателлардир.

Туйғу материални ахтарганда шунини ҳам назарда тутмоқ керакки, биз руслар, ҳаммадан аввал бўлак одамнинг ҳам, ўзимиз-



нинг ҳам ёмон томонимизни кўришга мойилмиз. Шунинг учун хотирамизда салбий туйғулар захираси кўпроқдир. Ахир адабиётимизда ҳам салбий образлар тўлиб-тошиб ётибди, ижобий образлар эса жуда камдир.

Албатта, нуқсонлар ичида ҳам кўпгина бадий образлар бор (Хлестаков, шаҳар ҳокими), қора ниятли кишилар доирасида ҳам буюк эҳтирос эгалари бор (Иван Грозний). Аммо «инсоннинг руҳий ҳаёти»нинг гўзаллигини кўрсатувчи санъатимизнинг асосий моҳияти буларда эмас. Бизга бошқача материал керакдир. Уни қалбимизнинг ёруғ жойларидан – шавқ-завқ, эстетик ҳислар яшайдиган жойлардан ахтаринг. Майли, гўзаллик, олижаноблик захираси ҳиссиётингизда зўр бериб бойий берсин.

Айтганларимнинг ҳаммасини бажармоқ учун ҳақиқий артист мазмундор, қизиқ, гўзал, бой, қайноқ ва илҳомга тўла ҳаёт кечирмоғи зарурлиги энди сизларга равшан бўлгандир, деб ўйлайман. У катта шаҳарлардагина эмас, балки провинцияларда, қишлоқларда, фабрикаларда, заводларда, дунёнинг энг маданий марказида ҳам нима бўлаётганини билсин. Артист ўз мамлакатининг, шунингдек, бошқа мамлакатлар аҳолисининг ҳаёти ва психологиясини кузатиб, ўрганиб борсин.

Бизга ғоятда бой билим керак, чунки биз замондош бўлган барча миллатларнинг пьесаларини ўйнаймиз, чунки биз ер қуррасидаги барча «одамларнинг руҳий ҳаётини» кўрсатиб беришга даъват этилганмиз.

Бу ҳам оз. Актёр саҳнада фақатгина ўз замонасининг ҳаётини эмас, балки ўтган ва келажак замонларнинг ҳаётини яратади.

Вазифалар мураккаблашиб бораверади. Артист ўз замондошларини тасвирлаётганда, бор нарсани, атрофида бўлаётган воқеаларни кузата олади. Ўтган ва келажак замонни ёки ўзи йўқ ҳаётни кўрсатишда, ҳаммадан бурун уларни қайтадан тикламоғи ёки ўз тасаввурида янгидан яратмоғи лозим, бу эса маълум бўлдики, мураккаб ишдир.

Бизнинг ижодимиз учун, санъатда абадий бўлган, ҳеч қачон ўлмайдиган ва эскирмайдиган, ҳаммиша ёш ва одамларга қадрлик бўлган нарса доимо идеал бўлиб келди ва доимо шундай бўлиб қолади.

Мен бизлар учун классик намуна бўлиб қолган, идеал бўлиб қолган, умрбод унга интилишимиз керак бўлган ижодий чўққилар ҳақида гапиряпман.

Бу намуналарни ўрганинг ва уларни кўрсатиш учун жонли, таъсирчан ижодий материаллар изланг.

Артист ҳақиқий ёки тасаввур этилган ҳаётдан, у одамга нимани беролса, шунинг ҳаммасини олади. Аммо ҳамма таассуротлар, эҳтирослар, лаззатлар, одамлар ҳаётида фойдаланган ҳамма нарсалар, артистнинг қўлида ижод учун материалга айланади.

У шахсий ва ўткинчи ҳодисалардан поэтик образлар, порлоқ гоёлар дунёсини яратади, улар ҳамма учун абадий яшайди.

Мен ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти ҳақида ўқишни янги бошлаган ўқувчига айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳаммасини айтдим, қолганини келажакда ўрганиш давомида билиб оласизлар, – деб Аркадий Николаевич бугунги дарсни якунлади.

Томоша залида МУНОСАБАТ деб ёзилган шиор осиб қўйилган эди.

Аркадий Николаевич кириб, бизларни ўқишдаги янги босқич билан табриклади ва Веселовскийга мурожаат қилиб:

– Ҳозир ким ёки нима билан алоқа қиляпсиз? – деб сўради.

Веселовский ўз хаёли билан банд эди, шунинг учун нимани сўраётганларига дарров тушунолмади.

– Менми? Ҳеч ким ва ҳеч нима билан! – ўйлаб ўтирмаёқ жавоб берди у.

– Бўлмаса сиз «табиат яратган мўъжиза» экансиз! Агар сиз ҳеч ким билан алоқада бўлмай яшай олсангиз, демак зиндоннинг якка хонасида ҳам яшай берар экансиз-да! – ҳазил қилди Аркадий Николаевич.

Веселовский менга ҳеч ким қарагани йўқ ва ҳеч ким менга мурожаат қилгани йўқ, деб кечирим сўраб ишонтиришга уринди.

– Ахир, бунинг учун сизга қарашлари ёхуд сиз билан гаплашмоқлари керакми? – ҳайрон бўлди Аркадий Николаевич. – Кўзингизни юминг, қулоқларингизни бекитинг-да, ким ҳамда нима билан фикран муносабатда бўлаётганингизни жимгина кузатинг. Жилла бўлмаса муносабатнинг объектсиз қолган бирор дақиқасини аниқланг.

Мен ҳам ўзимни синаш учун кўз-қулоқларимни юмдим ва қалбимда нималар кечаётганини кузата бошладим.

Менинг кўз ўнгимда кечаги театрда бўлиб ўтган ўйин-кулги кечаси, у кечада концерт берган машҳур торли квартет гавдаланди ва мен фикран, уерда мен билан бўлган ҳодисаларни бирма-бир эслай бошладим. Мана мен фойега кириб келдим, саломлашдим, ўтирдим ва чалишга тайёрланаётган мусиқачиларни кўздан кечира бошладим.

Кўп ўтмай улар чала бошладилар, мен тинглаб ўтирдим. Аммо мен улар ижросига яхшилаб тушуниш учун, тинглаш учун бутун вужудим билан улар чалаётган берилолмас эдим.

– Мана шу, муносабатнинг бўш қолган дақиқаси! – дедим ва буни Торцовга маълум қилишга ошиқдим.

– Қандай?! – хитоб қилди у таажжубланиб. – Санъат асарини тинглашни муносабатдан маҳрум бўлган бўш дақиқа деб ҳисоблайсизми?

– Ҳа. Чунки мен қулоқ солдим-у, лекин ҳали эшитганимча, муסיқани сеза бошладиму, лекин тўла сезганимча йўқ. Бинобарин, менимча, муносабат ҳали бошланганича йўқ ва дақиқа бўш қолди. – деб туриб олдим мен ҳам.

– Муסיқани тинглаш ва унга бўлган муносабатнинг бундан аввалги процесси ҳали тугаб битмаган ва диққатингизни бошқа ёққа тортиб турган. Бироқ у тугаши биланоқ сиз муסיқани тинглай бошлагансиз ёки бирорта бошқа нарсага қизиқиб қолгансиз. Шунинг учун алоқада ҳеч қандай танаффус бўлган эмас.

– Майли. шундай бўла қолсин, – рози бўлдим ва давомини эслай бошладим.

Хаёл сураар эканман кўп қимирладим, бу эса ўтирганларнинг диққатини тортди. Бир неча вақт жим ўтириш ва мусиқа. Эшитаятган одам бўлиб кўриниш керак эди, аммо аслини олганда, мен уни тингламадим, балки атрофда нималар бўлаётганини кузатдим.

Кўз қирим Торцовга тушди, у менинг қимирлаганимни кўрмаганини пайқадим. Кейин мен Шустовнинг тоғасини қидирдим, у йўқ эди. бўлак артистлар ҳам кўринмади. Кейин ўтирганларни бирма-бир кўздан ўтказдим, фикрим тарқаб, уни қайта йиғолмадим. Шу пайт хаёлимдан нималар ўтмади-ю. кўзимга нималар кўринмади! Мусиқа фикр ва тасаввурим парвозига ёрдам берарди. Мен узоқда, бошқа шаҳарда яшайдиган ота-онамни, қариндошларимни ва марҳум дўстимни ўйлаб кетдим.

Аркадий Николаевич менда бу тасаввурлар бежиз пайдо бўлмаганини, улар ўз фикр ё туйғуларимни бўлак объектларга бериш, ё уларни ўзгалардан олиш натижасида пайдо бўлганини айтди. Пировардида менинг диққатимни қандил чироқлари ўзига жалб қилди ва мен уларнинг ғалати шаклини узоқ томоша қилдим.

«Бўш дақиқа мана шу бўлса керак, – дедим мен. -- Чунки тилсиз лампаларга оддийгина қарашни муносабат деб бўлмаса керак, албатта».

Мен бу янги кашфиётимни Аркадий Николаевичга айтганимда, у шундай деб тушунтирди.

– Сиз бу буюмнинг нимадан ва қандай қилинганни тушунишга ҳаракат қилгансиз; у сизга ўзининг шаклини, умумий

кўринишини, турли деталларини намоён қилган. Сиз бу таассуротларни қабул қилгансиз ҳамда уларни ўз хотирангизга ёза туриб, қабул қилиб олганингиз ҳақида ўйлагансиз. Демак, сиз объектдан ўзингизга ниманидир олгансиз. бинобарин, бизнингча, актёрчасига айтганда, шу пайт бизга зарур муносабат процесси бўлган. Сизни буюмнинг жонсизлиги ҳайрон қиляптими? Ахир сурат ҳам, ҳайкал ҳам, дўстингиз портрети ҳам, музейлардаги буюмлар ҳам жонсиз-ку, лекин уларда ўз ижодкорларининг ҳаёти акс этган. Чироқ ҳам, диққат-этиборимизни берганимиз туфайли биз учун маълум даражада жонланиши мумкин.

– Шундай экан, – деб баҳслашдим мен. – кўзимиз тушган ҳар бир нарса билан муносабат қилар эканмиз-да?

– Атрофингиздаги нарсаларга кўз югуртиб чиқишингиз билан бирор нарсани идрок этиш ёки ўзимиздан уларга бирор нарса беришга улгуролмасангиз керак. Идрок этиш ёки қайтариб бериш моментисиз саҳнада муносабат йўқ деган гап. Буюмларга ўзингиздаги ниманидир юборсангиз ёки улардан ниманидир идроклаб улгурсангиз, шунда улар билан муносабатнинг қисқа моменти пайдо бўлади.

Мен кўп марта гапирганман, саҳнада қараш ҳам, кўриш ҳам мумкин, лекин қараган билан ҳеч нимани кўрмаслик мумкин. Ёки, тўғрироғи, саҳнада бўлаётган ҳамма ҳодисага қараш, кўриш ва сезиш ҳам мумкин, лекин саҳнада қараб туриб, томоша залида ёки театрдан ташқарида бўлаётган нарсаларни сезиш ва уларга қизиқиш ҳам мумкин.

Ундан ташқари, кўраётган нарсангизга қараш, уни кўриш ва идрок этиш мумкин. Бироқ қараб ва кўриб туриб, саҳнада бўлаётган воқеалардан ҳеч бирини идрок этмаслик ҳам мумкин.

Гапнинг қисқаси, чинакам ва юзаки, расмий ёки бизнинг тилимизда айтганларидек, «ҳеч нарсани ифодаламайдиган кўзларни лўқ қилиб қараш» ҳам бордир.

Қалб бўшлигини яшириш учун ўзига хос қалбаки усуллар бор, ammo улар ҳеч нарсани ифода этмайдиган кўзни лўқ қилиб туришни кучайтиради, холос.

Саҳнада бу хилда қараш керак эмаслиги ва зарарлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати борми? Кўз қалб ойнасидир. Ифодасиз кўзлар – бўш қалб ойнасидир! Буни ҳеч қачон унута кўрманг!

Саҳнада артистнинг кўзлари, нигоҳи, қараши унинг юксак ижодий қалбининг улкан, чуқур ички мазмунини ифода қилиши

лозим. Бунинг учун унинг қалбида «инсоннинг руҳий ҳаётига» монанд бўлган бу улкан ички мазмун тўпланган бўлмоғи лозим: ижрочи саҳнадалигида кўнглининг шу мазмуни орқали пьесадаги ўз партнёрлари билан муносабатда бўлиши керак.

Аммо артист ҳам инсон, унда ҳам одамларда бор камчиликларнинг бўлиши муқаррар. Унинг саҳнага реал воқеликда тугилган ҳаётий, ўзига хос ўй-фикрларини, шахсий туйғуларини, мулоҳазаларини олиб чиқиши табиийдир. Шунинг учун театрға ҳам у турмуш икир-чикирлари, тор шахсий фикрлари билан кириб келади, булар имконият пайдо бўлиши билан артист гавдалантираётган шахсларнинг кечинмасига ҳам ора-сира кириб туради. Артист ролга уни қизиқтирган моментларидагина киришиб кетади. Шунда у образга кириб, ижод қила бошлайди. Лекин ролдан диққатини олиши биланоқ, у қайтадан ўзининг шахсий, инсоний ҳаёт йўли билан машғул бўла бошлайди, бу ҳаёт уни ёхуд рампа орқасига, томоша залига ёки театрдан ташқарига, олис-олисларга олиб кетади ва у ерда ҳаёлий муносабат учун объектлар қидира бошлайди. Бундай пайтларда рол юзаки ва механик усулда ўйналади. Диққатни бундай бўлавериб сабабли рол ҳаётининг йўли ва муносабат дақиқа сайин узилиб туради, бўш ерлари эса гавдалантираётган шахсга алоқаси бўлмаган шахсий ямоқлар билан тўлдирилади. Кўз олдингизга қимматбаҳо занжирни келтиринглар, ундан учтаси олтин ҳалқада, тўртинчиси олдий, қалай ҳалқа, кейинги иккита олтин ҳалқа эса арқон билан боғлаб қўйилган.

Бундай занжирнинг нима кераги бор? Шунга ўхшаш бундай узук-юлуқ муносабат кимга керак? Рол ҳаётининг доимий узилиб туриши уни сурункасига бузиш ёки ўлдириш демакдир.

Агар ҳаётда тўғри, узлуксиз муносабат процесси зарур экан, саҳнада эса бунга талаб ўн марта ошади. Бундай ҳол театр ва санъатнинг хусусиятидан келиб чиқади, сабаби у қатнашувчи шахсларнинг бир-бирлари билан ва ҳар бирининг ўз-ўзи билан қилган муносабатига асослангандир. Ҳақиқатан фараз қилиб кўринглар: пьеса муаллифи ўз қаҳрамонларини томошабинларга ухлаган ёки ҳушидан кетган ҳолда, яъни қатнашувчиларнинг руҳий ҳаётлари мутлақо намоён бўлмайдиган моментларида кўрсатишни хоҳлаб қолган.

Ёки кўз олдингизга келтириб кўринглар: драматург саҳнага бир-бирига нотаниш бўлган икки шахсни чиқариб қўяди, улар

бир-бирларига на ўзларини таништиришни, на ўзаро фикр ва туйғулар алмашишни истайдилар, балки, аксинча, уларни яшириб, сахнанинг икки чеккасида чурқ этмай ўтира берадилар.

Бундай шароитда томошабиннинг театрда қиладиган иши қолмайди, у оламан деб келган нарчасини ололмайди. У пьесадаги шахсларнинг туйғуларини сезмайди, фикрларини билмайди.

Борди-ю, улар сахнада муносабатда бўлса, улардан бири ўз ҳис-туйғуларини шеригига сездирган ва унга ўз фикрларини айтган бўлса, айна вақтда ўртоғи унинг туйғу ва фикрларини идрок этишга уринса, унда, бутунлай бошқа гап бўларди.

Бир ёхуд бир неча кишиларнинг фикр-туйғуларини билдириш ва идрок этиш процессида иштирок этилганда, томошабин худди гапнинг устидан чиқиб қолган гувоҳ сингари, у ўз-ўзидан сахнадагиларнинг сўзларига, хатти-ҳаракатларига киришиб кета бошлайди. Шунинг билан уларнинг муносабатларида жимгина иштирок этади, кўради, билади ва бошқаларнинг кечинмасига берилади.

Айтилганлардан шундай хулоса чиқадики, театрдаги томошабинлар пьесанинг қатнашувчи шахслари ўртасида муносабат содир бўлаётгандагина тушунадилар ва унда билвосита қатнашадилар.

Агар артистлар томоша залида ўтирган минглаб кишиларни ўз ҳукмидан чиқариб юборишни истамас эканлар, улар гавдалантираётган ролларнинг туйғуларига, фикрларига, хатти-ҳаракатларига монанд бўлган ўзларининг туйғулари, фикрлари, хатти-ҳаракатларининг, ўз шериклари билан муносабатининг узлуксиз процесси тўғрисида ғам емоқлари лозим. Шу билан бирга, алоқа учун ички материал албатта эшитувчилар ва кўрувчилар учун қизиқарли ва ёқимли бўлиши шарт. Сахнада муносабат процессининг ғоятда муҳимлиги бизларни унга алоҳида эътибор билан қарашимизни ва бундан кейин сизга учраб туриши мумкин бўлган муносабатларнинг муҳим турларини жуда яқин орада кўриб чиқишимизни тақозо қилади.<sup>42</sup>

...19 ..й.

– Танҳо муносабатдан ёки ўз-ўзи билан муносабатда бўлишдан бошлайман. – деди Аркадий Николаевич. синфга кириб келгандан сўнг. – Кундалик ҳаётда қандай пайтларда биз ўз-ўзимиз

билан қаттиқ-қаттиқ гаплашамиз, танҳо муносабатда бўлганимиздами?

Ҳаяжонланганимизда, ниҳоят даражада ғазабланганимизда ёки тушуниш қийин бўлган бирор фикрнинг ҳаммасини онг бирданига қамраб ололмаганидан уни тушуниш учун овоз чиқариб ўқиб ёдлаб олмоқчи бўлганимизда; ўзимиз ёлғиз пайти кўнглимизни қийнаётган ёки хурсанд қилаётган туйғуни аниқламоқчи бўлганимизда (жилла бўлмаса руҳимизни енгиллатиш ниятида) рўй беради.

Бундай ўз-ўзи билан муносабатда бўлиш ҳоллари турмушда жуда кам учраса ҳам, саҳнада кўп учрайди.

Саҳнада ёлғиз қолиб сукут сақласам ўзимни жуда яхши ҳис этаман ва менга рол ҳаётидан яхши таниш бўлган бу хилдаги танҳо муносабатда бўлиш жуда ёқади. Аммо саҳнада ёлғиз ўзимга узундан-узун шеърӣй монологларни ўқиш тўғри келганда, ўзимни йўқотиб қўяман ва нима қилишим кераклигини билолмайман.

Чинакам ҳаётда деярли асослай олмаган нарсани саҳнада қандай қилиб асослаб бўлади?

Ўз-ўзим билан муносабатда бўлганимда мен ўзимни қаердан ахтарай? Одам катта бўлса, қаерга мурожаат қилмоқ керак? Миягами, юракками, тасаввургами, қўлларгами, оёқларгами?.. Ўз ичимдаги муносабат қувватини қаердан ва қаёққа йўналтирмоқ лозим?

Бу процесс учун аниқ субъект ва объект керак. Улар танамизнинг қаери бўлади? Ички муносабатдаги икки марказдан маҳрум бўлгач, мен тарқоқ, керак нарсага йўналтирилмаган диққатни сақлаб туролмайман. Унинг томоша залида кузатиб турувчи, енгиб бўлмайдиган объект томошабин томон интилиши таажжубланарли эмас. Аммо менга бу авҳолдан қутулиш йўлини ўргатишди. Менга оддий нерв психик ҳаётимизнинг маркази – бош миядан ташқари, яна бошқа марказ, юрак яқинида жойлашган қуёш ўралмаси ҳам (қоринда туташган вегетатив нерв системаси) борлигини айтишди.

Мен уларни ўзаро гаплашмоқлари учун зикр этилган иккала марказни учраштирмоқчи бўлдим.

Менга шундай туюлдики, улар менинг ичимда аниқланибгина қолмай, балки тилга ҳам кириб кетишди.

Бош мия маркази менга онгнинг вакили, қуёш ўралмасининг, нерв маркази эса ҳиссиёт вакили бўлиб туюлди.



Шундай қилиб ҳис этишимча, шундай бўлиб чиқдики, ақл туйғу билан муносабатда бўлди. «Ҳечқиси йўқ, – дедим ўзимга, – муносабатда бўла берсинлар. Демак, ичимда менга этишмай турган субъект ва объект пайдо бўлди».

Тасвирланган моментдан бошлаб, саҳнада ўз-ўзим билан муносабатда бўлганимда аҳволим сукут пайтларигагина эмас, балки ўз-ўзим билан қаттиқ сўзлашганимда ҳам турғун бўлиб қолди.

Мен сезган нарсам шундайми ёки бошқачами, фан томонидан тўғри деб топилганми ёки йўқми суриштириб ўтиришни истамайман.

Менинг андозам – шахсий аҳволимдир. Майли, менинг ҳиссиётим ўзимга хос бўлсин, фантазиямнинг самараси бўлсин, бироқ у менга ёрдам беради ва мен ундан фойдаланаман.

Борди-ю, менинг фанга эмас, тажрибага асосланган усулим сизларга ёрдам берса яна ҳам яхши: менинг фикрим тўғри деб тасдиқламайман ҳам, даъво ҳам қилмайман.

Бир оз сукутдан сўнг Аркадий Николаевич сўзида давом этди:

– Саҳнада партнёр билан ўзаро муносабатда бўлиш процессини эгаллаш ва қўллаш осонроқдир. Аммо бунда ҳам биз қийинчиликларга дуч келамиз. Уларни билиш ва улар билан кураша олиш лозим. Масалан, ҳаммамиз саҳнада бевосита муносабатдамиз. Аммо мен сиздан каттаман. Кўрдингизми, қандайман! Менинг бурним, оғзим, оёқларим, қўлларим, гавдам бор. Наҳотки, мен ташкил топган гавдамнинг ҳамма аъзолари билан бир йўла муносабатда бўла оласиз? – деб сўради мендан Аркадий Николаевич. – Борди-ю, бунинг имкони бўлмаса, менинг бирорта аъзойимни, мен билан муносабатда бўладиган нуқтангизни танлаб олинг.

– Кўзларини танланг! – деб кимдир таклиф қилди. – Улар қалб ойнасидир.

Кўрдингизми, муносабатда бўлганда сиз ҳаммадан бурун одамнинг қалбини, унинг ички дунёсини ахтарасиз. Мендан ҳам қалбимни, жонли «менни» қидиринг.

– Буни қандай қилиш мумкин? – ҳайрон бўлди ўқувчилар.

– Наҳотки, сизларни турмуш бунг ўргатмаган бўлса? – таажжубланди Аркадий Николаевич. – Наҳотки, сизлар бировнинг кўнглини билиш учун, қўйнига қўл солиб кўрмагансиз? Бунинг ўрганадиган ери йўқ. Менга диққат билан қараб, ички

ҳолатимни тушунишга ва пайқашга ҳаракат қилинг. Мана шундай. Сизнингча, мен ҳозир қанақаман?

– Меҳрибон, ихлоскор, хушмуомала, қувноқ, серзавқсиз, – дедим мен унинг ҳолатини аниқлаш мақсадида.

– Энди-чи? – деб сўради Аркадий Николаевич.

Мен айтишга чоғланиб турган эдимки, бирдан кутилмаганда рўпарамда Аркадий Николаевични эмас, балки Фамусов пайдо бўлди, унга одат бўлган юзининг пир-пир учиб туриши, ўзига хос беғараз кўзлари, дўрдайган лаблари, лўппи қўллари ва эркатой одамнинг қариларга хос қиёфаси намоён бўлди.

– Ким билан муносабатдасиз? – мендан сўради Торцов Фамусов овози билан. Молчалин билан сўзлашадиган каби нафратли оҳангда.

– Фамусов билан, албатта. – деб жавоб бердим мен.

– Ундай бўлса Торцов қаерда қолди, – яна сўради Аркадий Николаевич, бир лаҳзада ўзига айланиб. – Борди-ю, сиз мен тасвир этган Фамусовнинг бурни ва қўллари билан муносабатда бўлмай (булар менинг характерим туфайли ўзгарди), қалбим билан муносабатда бўлсангиз, қандай бўлади, қалбим ҳали ҳам ўзимда. У мендан ажралолмайди, бошқа қалбни ололмайман ҳам. Демак, сиз бу сафар хато қилибсиз ва қалб билан муносабатда бўлмай, бўлак нарса билан муносабатда бўлибсиз-да? Хўш, нима билан экан?

Чиндан ҳам, мен нима билан муносабатда бўлдим?

Шубҳасиз қалб билан. Торцовнинг Фамусовга айланиши билан, яъни объектнинг ўзгариши билан менинг қалбимда ҳам туйғу ўзгариб кетгани эсимда; менда Аркадий Николаевичга бўлган иззат-ҳурмат Торцов ижро этган Фамусов образида кинояли, соддадил, кулгили муносабатга айланиб қолди. Ким билан муносабатда бўлганимнинг сира тагига етолмадим ва мен буни Аркадий Николаевичга айтдим.<sup>43</sup>

– Сиз янги зот билан муносабатда бўлгансиз, унинг номи Фамусов-Торцов ёки Торцов-Фамусовдир. Вақти келганда ижод қилувчи артистнинг бу мўъжизали ўзгаришини билиб оласиз. Ҳозирча шуни билиб қўйинг, одамлар актёрлар саҳнада қилганлари сингари, бурун-кўзлар, тугмалар билан эмас, балки ҳамшиша объектнинг қалби билан муносабатда бўлишга уринадилар.

Шундай қилиб, кўриб турибсизки, икки шахс бир-бири билан учрашган заҳотиёқ, улар ўртасида табиий равишда ўзаро муносабат пайдо бўлади.

Мана, масалан, ҳозир биз учрашдик ва ўртамизда шу хилдаги муносабат пайдо бўлди.

Мен сизга ўз фикрларимни етказишга уринаман, сиз бўлсангиз мени тинглайсиз ва менинг тажрибам ва билимимни идрок этишга ҳаракат қиласиз.

– Демак, бу нарса, ўзаро муносабат эмас экан-да, – деб гапга аралашди Говорков, – чунки туйғуларни англатиш процесси ёлғиз сиз субъект, яъни гапираётган одам томонидан бўляпти, туйғуларни идрок этиш процесси эса кўриб турибсизки биз – объект, эшитаётганлар томонидан содир бўляпти. Кечирасиз-у, бунда иккиёқлама, ўзаро муносабат қани? Қаршидан келувчи туйғунинг оқимлари қани?

– Шу топда сиз нима қиляпсиз? – ундан сўради Торцов. – Сиз менга эътироз билдирыяпсиз, сиз мени ишонтиряпсиз, яъни менга ўз иккиланишларингизни англатяпсиз, мен бўлсам уларни идрок этяпман. Бу сиз айтган қарши оқимнинг худди ўзгинасидир.

– Буниси ҳозир бўлди, илгаричи, сиз бир ўзингиз гапирганингизда-чи? – деб Говорков ҳам бўш келмади.

– Мен иккаласининг фарқини кўрмаяпман, – эътироз билдирди Аркадий Николаевич, – унда ҳам муносабатда бўлган эдик, ҳозир ҳам муносабатдамыз. Муносабат вақтида англатиш ва идрок этиш процесси ўзаро навбат билан алмашиб туриши равшандир. Аммо ўша пайти бир ўзим гапирганимда ҳам, сизлар мени тингладингиз, мен бўлсам сизнинг кўнглингиздаги шубҳаларни сезиб турдим. Менга сизнинг сабрсизлигингиз ҳам, таажжубланишингиз ҳам, ҳаяжонингиз ҳам сезилиб турди.

Нега ўшанда мен сизнинг сабрсизлигингизни ҳам, ҳаяжонланишингизни ҳам идрок этдим? Чунки сиз уларни ичингизда сақлаб туrolмадингиз, чунки сизда идрок этиш ва англатиш процесси билинмаган ҳолда ўзаро навбат билан алмашиб турди. Демак, биз жим турган вақтимизда ҳам, юқорида айтилган, қаршидан келувчи оқим ўтиб турган. Аммо у ҳозир келиб, сиз эътироз билдирганингизда ташқарига отилиб чиқди. Ахир шунинг ўзи тўхтовсиз муносабатда бўлишнинг мисоли эмасми?!

Саҳнада худди шундай ва шунинг билан бирга тўхтовсиз муносабат бўлиши, айниқса муҳим ва зарурдир, чунки муаллифнинг асари, артистларнинг ўйини деярли диалоглардан иборатдир, улар пьесанинг қатнашувчи шахслари бўлган икки ёхуд кўп кишиларнинг ўзаро муносабатидир.

Афсуски бундай тўхтовсиз ўзаро муносабат театрда камданкам учрайди. Кўпчилик актёрлар бундан фойдаланган ҳолларда ҳам фақат ўз ролларининг сўзларини гапирганларида ишлатадилар, аммо жим қолганларида партнёрнинг репликасини тингламайдилар, унинг фикрларини идрок этмайдилар, ўзларининг навбатдаги репликаларигача ўйнамай қараб тура берадилар. Бундай актёрлик одати ўзаро муносабатнинг тўхтовсизлигини йўқотиб юборади. Актёр гапирганда ва жавоб тинглаганда туйғуларни англатиш ва идрок этишни талаб қилибгина қолмай, балки жим қолган пайтларда ҳам шундай қилишни тақозо қилади, чунки шундай пайтда кўп ҳолларда кўзлар гаплашади.

Танаффусли муносабатлар нотўғридир, шунинг учун ўз фикрларингизни сўзлаб беришни ўрганинг ва гапириб бўлиб, улар партнёрнинг онг ва туйғусига етиб боришини кузатиб туринг; бунинг учун бир оз тўхтаб олишингиз лозим. Партнёрга етиб борганига қаноат ҳосил қилганингиздагина ва сўзларга сифмаган фикрларни кўзларингиз билан айтиб бўлганингиздан кейингина, репликанинг навбатдаги қисмларини айтишга киришинг. Ўз навбати билан партнёрдан унинг сўзларини ва фикрларини ҳар сафар янгичасига, худди бугун биринчи марта эшитаётган каби тингланг. Репетицияда ва жуда кўп марта ўйналган спектаклларда эшитган бегона одамнинг репликаларидаги яхши таниш бўлган сўзлар ва фикрларни англаб олишга урининг. Туйғу ва фикрларни ўзаро идрок этиш, англатишнинг тўхтовсиз ва ижодий ишни ҳар гал такрорлаб туриш лозим. Бу катта диққат, техника ва артистлик интизомини талаб қилади.

Дарсни тугатиш керак бўлгани учун Аркадий Николаевич масалани охиригача тушунтиролмади.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич муносабатнинг ҳар хил турларига бера бошлаган характеристикани давом эттирди. У шундай деди:

– Мен муносабатнинг янги тасаввурдаги, реал мавжуд бўлмаган (масалан, Гамлет отасининг арвоҳи билан муносабат) тури-

ни кўриб чиқишга ўтаман. Арвоҳни на сахнада ўйнаётган артистнинг ўзи, на залдаги томошабин кўради.

Тажрибасиз кишилар бундай ўзи йўқ нарсани кўраётгандай бўлиб кўринишга ҳаракат қиладилар. Сахнада бунга уларнинг ҳамма куч ва диққатлари сарф бўлади.

Аммо тажрибали артистлар учун гап «арвоҳнинг» ўзида эмас, балки унга бўлган ички муносабатдадир. Шунинг учун улар ўзи йўқ объектнинг («арвоҳнинг») ўрнига ўзларининг сеҳрли «агарда»ларини қўядилар ва агарда бўшлиқ фазода, уларнинг олдида «арвоҳ» пайдо бўлиб қолса, нима қилардик, деган саволга виждонан ва астойдил жавоб беришга уринадилар.

Баъзи бир артистлар ҳам, айниқса, энди ўргана бошлаган ўқувчилар ҳам, уйларида репетиция қилган пайтларида жонли объект бўлмагани учун хаёлий объектга мурожаат қиладилар. Уни хаёлан рўпараларига қўядилар-да, шундан кейин уни кўришга ва у билан муносабатда бўлишга уринадилар. Бундай ҳолда кўп куч, кўп диққат (кечинма процесси учун керак бўлган) ички вазифага эмас, балки, аслида бўлмаган нарсани кўришга уриниш учун сарф қилинади. Бундай нотўғри муносабатга одатланиб қолгач, артистлар, ўқувчилар бу усулни беихтиёр сахнага ҳам олиб чиқадилар ва бориб-бориб жонли объектни унутиб қўядилар, ўзлари билан партнёр ўртасига хаёлдаги ўлик объектни қўйишга одатланиб қоладилар. Бундай хавфли одат кўпинча шу қадар сингиб кетадики, гоҳо умр бўйи ундан қутулиб бўлмайди.

Сизга қараб туриб бошқани кўрадиган, сизга эмас, бошқага мослашадиган актёрлар билан ўйнаш қандай азоблигини билсангиз эди! Бундай партнёрлар билан бевосита муносабат қилишлари керак бўлган одамлар ўртасида доимо тўсиқ бўлади; улар на репликаларни, на сўз оҳанглари ва на муносабатнинг бирорта усулини идрок эта олмайдилар. Уларнинг парда қоплаган кўзлари бўшлиққа қараб йўқ нарсани кўргандай бўлади. Бундай хавфли ва ўлик актёрлик тойишларидан эҳтиёт бўлинг! У осонлик билан сингиб кетади ва тузалиши қийин бўлади.

– Аммо, муносабат учун жонли объект бўлмаганда нима қилмоқ керак? – деб сўрадим мен.

– Иложи жуда осон: то объект топилмагунча, муносабат қилмаслик керак. – деб жавоб берди Горцов. – Сизларнинг «тренинг ва муштра» классингиз бор. У якка ҳолда эмас, балки икки-уч киши ёхуд гуруҳ бўлиб машқ қилиш учун яратилган. Такрор

айтаман: ўқувчилар йўқ нарса билан муносабат қилмасинлар, улар жонли объектлар билан машқ қилсинлар ва шунинг билан бирга бу ишни тажрибали одам текшириб турсин.

Жамоавий объект, яъни бошқача айтганда, жамиятда «томошабин» деб аталган минг-минг одам тўла томоша зали билан муносабат қилиш ҳам осон эмас.

– У билан муносабат қилиш мумкин эмас! Мутлақо мумкин эмас! – деб огоҳлантиришга шошилди Вьонцов.

– Ҳа, сиз ҳақсиз: спектаклда бевосита муносабат қилиш мумкин эмас, аммо билвосита муносабатда бўлиш зарурдир.

Саҳнавий муносабатимизнинг қийинлиги ва ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳам партнёр билан, ҳам томошабин билан бир вақтда содир бўлади. Биринчиси – партнёр билан бевосита, онгли равишда, иккинчиси – томошабин билан билвосита, партнёр орқали беихтиёр равишда муносабатда бўлилади. Шуниси ажойибки, бу билан ҳам, у билан ҳам бўлган муносабат бир-бирларига ўзаро таъсир қилади.

Шустов эътироз билдирди.

– Актёрнинг бошқа ижрочилар билан саҳнадаги муносабати бир-бирига ўзаро таъсир қилишини тушунаман, аммо томошабин хусусида, шундай деб бўладими? Бунинг учун томошабин ўз навбатида бизларга, саҳнага бирор таъсир ўтказиши лозим. Лекин ҳақиқатда улар бизга қандай таъсир этади? Қарсак ҳамда гулдасталарни бўлса ижод momentiда, воқеа кетаётганда эмас, балки танаффусларда оламин.

– Кулги, йиғи, қарсақлар-чи, воқеа пайтидаги шивир-шивирлар-чи, ҳаяжонланишлар, яна қандай ҳаяжонланиш денг?! Сиз буни ҳисобга олмайсизми? – ҳайрон бўлди Аркадий Николаевич.

Мен сизларга томошабиннинг саҳна билан бўлган муносабати аъло даражада ифодаловчи бир воқеани айтиб бераман. – деб бизни ишонтиришда давом этди у. – Кундузги, болалар учун қўйилган «Кўк қуш» спектаклларида бирида, болаларни дарахтлар ва ҳайвонлар суд қиладиган саҳнасида қоронғида кимдир мени турткилаётганини сездим. У ўн ёшлар чамасидаги бир бола эди. «Уларга айтинг, мушук бекиниб олиб гапга қулоқ соляпти. Ана у – бекиниб олди, мен кўр... иб турибман» – деб шивирларди бола Тильтил билан Митилнинг тақдири учун хавотирланиб.

Мен уни тинчита олмадим, шунинг учун ҳам кичкина томошабин сахнанинг олдига келиб, болаларни ўйнаётган актрисаларга хавф таҳдид қилаётганни шивирлай бошлади.

Ахир бу томошабиннинг залдан берган жавоби эмасми?!

Томошабинлар таассуротини яхшироқ қадрламоқ учун, спектаклни мутлақо бўш залда ўйнаб кўринг-чи. Истайсизми?

Мен, бўш залда ўйнаётган бечора актёрнинг аҳволини бир зумда кўз олдимга келтирдим... ҳам бундай спектаклни охиригача ўйнаб бўлмаслигини сездим.

– Нима учун шундай? – деб сўради Торцов, мен ўз фикримни айтганимдан сўнг. – Чунки ундай шароитда актёрнинг томоша зали билан бўладиган ўзаро муносабатининг таъсири йўқ, бусиз эса кўпчилик олдида ижод қилиш мумкин эмас.

Томошабинсиз ўйнаш – юмшоқ мебеллар ва гиламлар билан лиқ тўлган уйда ашула айтиш билан баробардир. Сизга хайрихоҳ томошабин лиқ тўла залда ўйнаш, овоз яхши жаранглайдиган бинода ашула айтиш билан баробардир.

Томошабин руҳий акустикани барпо қилади. У бизни идрок этади ва худди резонатор сингари, ўзининг жонли инсоний туйғуларини бизга қайтариб туради.

Шартли, тақлидий санъатда, ҳунарда коллектив билан муносабатда бўлишнинг бу тури жуда осон ҳал қилинади. Кўпинча пьеса ва ижронинг ҳамда бутун спектаклнинг услуби шартли усулнинг ўзидан иборат бўлади. Масалан, актёрлар эски француз комедия ва водевилларида доимо томошабин билан гаплашадилар. Спектакл қатнашувчилари сахнанинг олдига келиб залда ўтирганларга айрим репликалар ёхуд пьесанинг кириш қисмини узундан-узун монологда ўқийдилар. Бу комил ишонч, дадиллик, манманлик билан қилинади ва томошабинни ўзига жалб қилади. Ҳақиқатан ҳам: томоша зали билан муносабатда бўлинар экан, шундай муносабат қилмоқ керакки, томошабиндан устун турмоқ ва уни бошқармоқ лозим.

Жамоавий равишда муносабатда бўлишнинг янги турида – халқ сахналарида – биз худди шунга ўхшаш халойиқ билан учрашамиз, аммо томоша залидаги билан эмас, балки сахнанинг ўзида ва ундан билвосита эмас, оммавий объект билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатдан фойдаланамиз. Бундай ҳолларда баъзан халойиқ ичидаги айрим объектлар билан, бўлак пайтлар-

да бутун халқ оммаси билан муносабатда бўлишга тўғри келади. Буни, кенг кўламли, ўзаро муносабат деса бўлади.

Халқ саҳналарида, ўз хислатлари билан бутунлай бошқа-бошқа бўлган жуда кўп одамлар ҳар хил туйғу ва фикрлари билан ўзаро муносабатда бўлиб, процессни ғоят ўткирлаштиради, жамоавий муносабат эса ҳар бир кишининг ва бутун қатнашувчилар темпераментини ошириб юборади. Бу актёрларни ҳаяжонлантиради ва кўриб ўтирганларга қаттиқ таъсир қилади.

Шундан кейин Аркадий Николаевич муносабатнинг янги турига – актёрчасига, ҳунармандчасига муносабатда бўлишга ўтди.

Бундай муносабат саҳнадан тўғридан-тўғри, партнёрни – пьесанинг қатнашувчи шахсини бир чеккада қолдириб, томоша залига йўналади. Бу энг осон йўлдир. Бундай муносабат, сизларга маълумки, оддий актёрчасига ўзини кўрсатиш, сунъийликнинг ўзгинасидир. Унинг тўғрисида узоқ тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки мен ўтган дарсларда ҳунар ҳақида кўп гапирганман. Ўйлайманки, муносабат соҳасида сизлар оддий актёрчасига ўзини кўрсатишни партнёрларга жонли, инсоний таъсир этиб ва уларни идрок этишга чинакам интилиш билан қориштириб юбормайсизлар. Бу юксак ижод билан оддий актёрчасига механик равишда хатти-ҳаракат қилиш ўртасида жуда катта фарқ бор. Бу бутунлай бир-бирига қарама-қарши бўлган муносабатнинг икки хил туридир.

Бизнинг санъатимиз актёрчасига муносабатда бўлишдан бўлак муносабатларнинг барча турларини тан олади. Бироқ у билан курашмоқ учун уни билмоқ ҳамда ўрганиб қўймоқ лозим.

Кўплар ташқи, кўзга кўринадиган қўлларнинг, оёқларнинг, гавданинг ҳаракатларини активлик нишонаси деб биладилар, айни вақтда ички, кўзга кўринмайдиган хатти-ҳаракатлар ҳамда руҳий муносабатларнинг характерини хатти-ҳаракатсизлик деб ўйлайдилар.

Бу хато ва афсусланарлидир, чунки ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратувчи бизнинг санъатимизда ички хатти-ҳаракатни ҳар қандай намоён бўлиши муҳим ҳолдир.

Ички муносабатни қадрланг ва саҳнада ҳамда ижодда у энг муҳим, актив хатти-ҳаракат эканини, ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратиш процессида ва уни кўрсатишда у жуда зарур ҳисобланишини унутманг.



– Муносабат қилмоқ учун муносабат қилинадиган нарсага, яъни ҳаммадан аввал, шахсий туйғу ва фикрларга эга бўлмоқ керак. – деди Аркадий Николаевич бугунги дарсда.

Реал воқеликда уларни ҳаётнинг ўзи яратади. Унда бизни қуршаб олган шароитга қараб, муносабат учун материал ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Театрда ундай эмас, янги қийинчилик ҳам худди мана шундан иборатдир. Театрда бизларга муаллиф томонидан яратилган, пьеса текстида жонсиз ҳарфларда босилган ролнинг бегона туйғулари ва фикрлари таклиф қилинади. Бу хилдаги руҳий материални чинакамига кечиниш мушкул иш. Ролнинг ўзида бўлмаган эҳтиросларнинг ташқи натижасини актёрчасига сунъий ўйнаш анча осондир.

Муносабат соҳасида ҳам худди шундай: партнёр билан чинакам муносабатда бўлиш қийин, лекин муносабатда бўлаётган бўлиб кўриниш анчагина осондир. Бу энг осон йўлдир. Актёрлар бу йўлни яхши кўрадилар ва шунинг учун саҳнада чинакам муносабат процессини оддий актёрчасига сунъий ўйнаш билан жон деб алмаштирадилар. Қани кузатиб кўрайлик-чи. Бундай ҳолларда томошабинларга қандай материал берар эканмиз?

Бу масала ҳақида ўйлаб кўрса арзийди. Менга шуниси муҳимки, сиз уни фақатгина тушуниш билан ёки сезиш билан чегараланмай, балки томошабин билан муносабатда бўлиш учун биз саҳнага нима олиб чиқишимизни ўз кўзларингиз билан кўришингиз керак. Буни сизларга кўрсатмоқ учун ҳаммадан осони ўзим саҳнага чиқиб, билиш, сезиш ва кўриш лозим бўлган нарсаларни ўзим тасвирлаб берақолай.

Аркадий Николаевич талант, маҳорат ва актёрлик техникаси жиҳатидан ажойиб бир спектаклни ўйнаб берди. У қандайдир шеърдан бошлади-да, жуда тез, таъсирли қилиб ўқиди, лекин фикр жиҳатидан шу қадар ноаниқки, биз ҳеч нарса тушуна олмадик.

– Мен ҳозир нима билан муносабатда бўляпман? – деб сўради у.

Ўқувчилар хижолат бўлиб жавоб беришга ботинолишмади.

– Ҳеч нима билан! – биз учун жавоб берди у. – Мен кимга гапираётганимни ва нима гапираётганимни ўзим ҳам тушунмаган ҳолда шариллатиб кетавердим.

Мана шу қуруқ материалдир, актёрлар кўпинча шундай материалга суяниб, томоша зали билан муносабатда бўладилар, улар сўзларни гапираверадилар-у, аммо унинг на маъносига, на нима учун гапираётганига эътибор бермайдилар, балки фақатгина уларнинг таъсирли бўлишини ўйлайдилар.

Бир лаҳза, ўйлаб олгандан сўнг Аркадий Николаевич «Фигаронинг ўйланиши» пьесасининг охири пардасидан Фигаронинг монологини ўқиб беришини айтди.

Бу сафар унинг ўйини кишини ҳайратда қолдирарли даражада кўп ҳаракатлар, интонациялар, бир жумладан иккинчисига ўтишлар, кишининг ҳавасини келтирадиган кулгилар, нозик талаффуз, тез гапиришлар ҳамда ажиб жарангловчи овознинг равон оқими бутун бир шалолога ўхшарди. Бу шу қадар саҳнабоп ва эффе́ктли эдики, биз ўзимизни қарсақ чалиб юборишдан зўрға тийиб қолдик. Монологнинг ички мазмунига келсак, биз уни пайқаб ололмадик ва унда нима тўғрида гап бораётганини билмадик.

– Сизлар билан ниманинг ёрдамида муносабатда бўлдим? – тагин сўради Торцов. Биз бу гал ҳам жавоб беролмадик, чунки бу сафар у бизга жуда кўп нарсани берди, биз бўлсак кўрган ва эшитганларимизни дарров ажратиб ололмадик.

– Мен сизларга ўзимни ролда кўрсатдим, – деб биз учун жавоб берди Аркадий Николаевич, – ва Фигаронинг монологи, унинг сўзлари, мизансценаси, ҳаракатлари, хатти-ҳаракат ва ҳоказоларидан ролнинг ўзини эмас, балки мен ролда ўзимни, яъни ўз хусусиятларимни, қоматимни, юзимни, жестларимни, позаларимни, қилиқларимни, характеримни, юришимни, овозимни, талаффузимни, нутқимни, сўз оҳангимни, темпераментимни, техникамни – қисқаси, туйғу ва кечинмадан бўлак ҳаммасини намоёйиш қилмоқ учун фойдаландим.

Кимнинг ташқи тасвирий аппарати яхши ўргатилган бўлса, унинг учун бундай вазифа қийин эмас. Овоз жаранглашини, тил ҳарфларни, бўғинларни, сўзларни, жумлаларни чертиб-чертиб айтиб туришининг ғамини ейилса бас: позалар ва ҳаракатлар пластикани кўрсатса ва шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб томоша қилаётганларга маъқул тушса бўлгани. Шу билан бирга, фақатгина ўзини текшириб боришдан ташқари, рамланинг нариги томонида ўтирганларни ҳам кузатиб бормоқ керак бўлади. Кафешантанда ўйновчи хотин сингари, мен сизларга қадди-қоматимни кўрсатдим ва кўрсатаётганим таъсир қиляптими деб ҳамма

вақт қараб-қараб турдим. Мен ўзимни товар, сизларни эса харидор деб ҳис қилдим.

Бу, томошабинларда катта муваффақият қозонишга қарамай, саҳнада артистлар ҳеч қачон қилмасликлари керак бўлган муносабат намунасидир.

Кейин учинчи тажрибага ўтилди.

– Ҳозир мен сизга ўзимни ролда кўрсатдим. – деди у. – Энди ролнинг ўзини. муаллиф томонидан берилган ҳам мен томонидан ишланганини кўрсатаман. Бу – мен ролни кечинаман деган гап эмас. Гап кечинмада эмас, гап фақат унинг шаклида, оғзаки матнида ташқи мимика ва хатти-ҳаракатларда, мизансцена ва шу кабилардадир. Мен ролнинг ижодчиси бўлмай, балки фақатгина расмий равишда ролни баён қилувчисиман.

Аркадий Николаевич бизга таниш бўлган пьесада бир саҳнани ўйнаб берди, унда эътиборли бир генерал тасодифан уйда ёлғиз қолганда нима қилишини билмайди. Зерикканидан, стулларни, саф тортган солдатларга ўхшатиб, териб чиқади. Кейин стол устидаги нарсаларни тартибга солади, аллақандай шўх ва қизиқ нарсани ўйлаб топади, хизматга оид ҳужжатларга даҳшат билан назар ташлайди, уларнинг баъзи бирларига ўқимай қўл қўяди, кейин эснайди, керишади, яна илгариги маъносиз ишига киришади.

Бутун ўйин давомида Торцов баланд мартабалиларнинг олижаноблиги ва қолган барча одамларнинг беадаблиги тўғрисидаги монолог матнини ғоятда усталик билан ўқиди.

Аркадий Николаевич рол матнини совуққонлик билан юзаки ўқиди, мизансценани намойиш қилди, унинг ташқи йўлини ва шаклини расмий равишда кўрсатди, уларни жонлантиришга ва чуқурлаштиришга ҳаракат қилмади. Баъзи ерларида матни техника жиҳатидан бурро-бурро қилиб гапирар, бошқа жойларида эса хатти-ҳаракатни, юриш-туришини, ўйинини, жестларини бўрттириб берар, гоҳо образнинг характерли тафсилотига эътибор берар, рол учун танлаган шакли томоша залига етиб бораётганлигини текширмоқ учун у томонга кўз қирпини ташлаб қўяр эди. Керак ўринларда, у зўр бериб паузани чўзар эди. Актёрлар жонларига тегиб кетган, аммо яхши ишланган ролни беш юзинчи марта ҳам шу йўсинда ўйнайдилар. Улар ўзларини ё грамматик ёки бир кинолентани қайта-қайта кўрсатадиган кино кўювчи деб ҳис этадилар.

– Таажжубланарли ва ачинарли ери шундаки, бундай яхши ишланган рол шаклини расмий равишда кўрсатиш театрларда кўп учрамайди. – деди Аркадий Николаевич. – Энди. – деб давом этди у, – сахнада нима билан ва қай йўсинда муносабатда бўлишни, яъни актёрнинг ролга монанд бўлган жонли ва орзиқиб кутган, яхши кечинган ҳамда ижрочи гавдалантирган туйғуларини кўрсатиб беришим қолди, холос.

Аммо бундай ўйинни сахнада кўп кўргансиз, у ерда мен муносабат процессини бажаришга озми-кўпми муваффақ бўлганман. Биласизларки, бу спектаклларда мен фақат партнёр билан иш кўришга, гавдалантираётган шахсимнинг туйғуларига монанд бўлган ўз шахсий инсоний туйғуларимни партнёрга сингдиришга ҳаракат қиламан. Рол билан тамомила қўшилиб кетувчи ва янги яратилган нарсани – артист – ролни пайдо қилувчи бошқа жиҳатлар беихтиёрий равишда содир бўлаверади. Бундай спектаклларда мен сахнада пьеса, режиссёрлар, ўзим ҳамда спектаклнинг бўлак ижодкорлари томонидан берилган шарт-шароитда ўзимни ўзимдек ҳис қиламан.

Бу сахнавий муносабатнинг кам учрайдиган туридир, минг афсуски, бунга эргашувчилар ҳам оз.

Бизнинг санъатимиз, – деб сўзларига хулоса ясади Торцов. – муносабатнинг фақат шу охириг турини – партнёр билан, шахсий туйғулар билан муносабат қилишни тан олади. Муносабатнинг қолган турларини инкор этамиз ёки чор-ночор чидаймиз. Уларга қарши курашмоқ учун ҳар бир артист уларни билмоғи лозим.

Энди сахнада сизларнинг нима билан ва қандай муносабат қилишингизни текшириб кўрамиз. Бу гал сиз ўйнанг, мен қўнғироқ ёрдами билан нотўғри моментларини айтиб тураман. Объектдан – партнёрдан узоқлашсангиз ёки ролни ўзингизда, ўзингизни ролда кўрсатсангиз ёхуд уни баён қилсангиз, булар нотўғри моментлар деб ҳисобланади. Бу хатоларни қўнғироқ билан қайд қилиб тураман.

Муносабатнинг фақат уч туригина сукунат – аломати ризо билан кутиб олинади:

1) сахнада объект билан бевосита ва у орқали томошабин билан билвосита муносабатда бўлиш:

2) ўз-ўзи билан муносабатда бўлиш;<sup>44</sup>

3) ўзи йўқ бўлган ёки хаёлдаги объект билан муносабатда бўлиш.

Шундан сўнг кўрик бошланди.

Биз Шустов билан ҳар ҳолда ёмон ўйнамадик, яхши ўйнадик, лекин шунга қарамай, кўнғироқ кўп бўлди, иккаламиз ҳайрон бўлдик.

Шунга ўхшаган тажрибалар қолган ҳамма ўқувчилар билан ҳам қилинди, энг охири саҳнага Говорков билан Вельяминова чиқди.

Аркадий Николаевичга уларнинг ўйини вақтида тўхтовсиз кўнғироқ чалишга тўғри келади деб ўйлаган эдим, аммо, кўнғироқ кўп чалинган бўлса ҳам, биз кутгандан анча кам бўлди. Бу нима деган гап, бугун ўтказилган тажрибадан қандай хулоса чиқармоқ лозим?

– Бу, – деб яқун ясади Аркадий Николаевич, биз унга таажжубда қолганимизни айтганимиздан сўнг, – тўғри муносабат қиламан деб мақтаганларнинг кўпи, аслини олиб қараганда, хато қиладилар, ёмонлаган одамлари эса, тўғри муносабат қилишга лаёқатли бўлиб чиқадилар деган гапдир.

– Бу тажрибалардан сиз шундай хулоса чиқарсангиз бўлади, – деди Аркадий Николаевич дарснинг охирида. Тўғри ёки нотўғри муносабат тўлиқ ҳолда бўлмайди. Актёрнинг саҳнадаги ҳаёти тўғри ва нотўғри муносабатлар билан бўлиб кетади ва шунинг учун тўғри нотўғри билан алмашиб туради

Борди-ю, муносабатни таҳлил қилиб чиқиш мумкин бўлса эди, у ҳолда қуйидагини қайд қилишга тўғри келарди: партнёр билан муносабат – фалон кўрсаткич, томошабин билан муносабат – фалонча, ролнинг тасвирини кўрсатиш – бунча баён қилиш шунча бўлди, ўзини кўрсатиш бунча бўлди ва ҳ.к. Комбинацияларнинг ҳамма миқдори муносабатнинг тўғрилигини у ёки бу даражасини белгилайди. Кимда партнёр билан, хаёлдаги объект билан, ўз-ўзи билан бўлган муносабатнинг кўрсаткичи қанчалик кўп бўлса, ўша энг мукамал муносабатга яқин келган бўлади, кимда бундай моментлар кам бўлса, у тўғри муносабатдан узоқлашиб кетган бўлади.

Бундан ташқари, биз нотўғри ҳисоблаган объектлар ва улар билан бўлган муносабатлар ичида нотўғрилиқнинг яхши ва ёмонроқлари ҳам бор. Мисол учун ролнинг ўзини, унинг психологик тасвирини кечинмай туриб кўрсатиш, ўзини ролда ёхуд ролни ҳунармандчасига баён қилганга нисбатан яхшироқдир.

Қатор комбинациялар келиб чиқаяттики, уларни ҳисобга олиш мушкул гап.

Ҳар бир артистнинг вазифаси – мана шу кўрсатиб ўтилган хатолардан қутулиш ва доимо тўғри ўйнашдир.

Бунинг учун қуйидагича иш тутилса соз бўлади: бир жиҳатдан саҳнада объектни – партнёрни ва у билан муносабатни қарор топтиромоқни ўрганмоқ, иккинчи жиҳатдан нотўғри объектларни, улар билан муносабатни яхшилаб билиб олиб, ижод вақтида бу хатоларга қарши кураш олиб боришни ўрганмоқдир. Шунингдек, муносабат қиладиган ички материалнинг сифатига зўр аҳамият беринг.

...19 ...й.

– Мен бугун сизнинг ташқи муносабатингиз қуролларини ва воситаларини текшириб чиқмоқчиман. Сиз уларни етарли даражада қадрлай оласизларми, йўқми, шунга билишим керак! – деб эълон қилди Аркадий Николаевич. – Ҳаммангиз саҳнага чиқиб жуфт-жуфт бўлиб ўтиринглар ва бирорта баҳсни бошланглар.

«Буни бизнинг бош баҳслашувчимиз – Говорков билан қилиш осон бўлади». – деб ўйладим мен.

Шунинг учун ҳам унинг ёнига ўтирдим. Бир дақиқадан кейин ниятимга етдим.

Мен Говорковга фикримни тушунтираётганимда панжаларим ва бармоқларимнинг ҳаракат қиладиганини Аркадий Николаевич сезибди. Шунинг учун у қўлларимни сочиқ билан боғлаб қўйишни буюрди.

– Нега бундай қиляпсиз? – ҳайрон бўлдим мен.

– Тескарисидан келиб чиқиб исботлаш учун: биз кўпинча эга бўлган нарсамизни қадрламаслигимизнинг ва «йўқотгандан сўнг йиғлашимизни» яхшироқ тушуниб олмаганингиз учун шундай қилдим. Кўзимиз қалбимиз ойнаси, бармоқларимиз учи эса танамизнинг кўзи эканига ишонч ҳосил қилишингиз учун шундай қилиш керак. – дер эди Торцов менинг қўлларимни боғлар экан.

Муносабатда бўлиш учун панжа ва бармоқларимдан айрилганимдан сўнг, нутқ оҳангига куч бердим. Аммо Аркадий Николаевич ҳовуриمنى босишни ва овозимга ортиқча зўр бермай, секин гапиришни таклиф қилди.

Улар ўрнига менга кўзим, мимика, қош, бўйин, бош, гавда ҳаракатларининг ёрдами керак бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб, мендан тортиб олинганлар ўрнини тўлдирмоқчи эди. Лекин менинг қўл-оёқларим, гавдам, бўйнимни креслога маҳкам боғлаб қўйишди ва менинг ихтиёримда фақат оғзим, кулоқларим, мимикам, кўзларим қолди, холос.

Ҳадемай бутун юзимни рўмол билан боғлаб қўйишди. Мен ёўлдирай бошладим, лекин бу ҳам фойда бермади.

Шу лаҳзадан бошлаб мен учун ташқи дунё йўқолди, ихтиёримда фақат ички кўз билан кўриш, ички кулоқлар билан эшитиш, тасаввур, «инсоний руҳим ҳаёти» қолди, холос.

Шу алфозда мени узоқ ушлаб туришди. Ниҳоят, кулоғимга ташқаридан, худди бошқа дунёдан келгандай овоз эшитилди,

– Маҳрум бўлган муносабат органларингизнинг бирортасини қайтариб олишни истайсизми? Танланг – қайси бирини оласиз? – деб овозининг борича бақирар эди Аркадий Николаевич.

Мен «Яхши, ўйлаб кўраман!» деган сўзни ифодаловчи ҳаракат билан жавоб беришга уриндим.

Муносабатнинг энг зарур ва муҳим органини танлаётганимда қалбимда нима юз берди?

Ҳаммадан аввал биринчиликка номзод бўлган кўз ва нутқ ўзаро тортишиб қолди. Традиция бўйича – биринчиси туйғуни, ккинчиси эса фикрни ифодаловчи ва намойиш қилувчи ҳисобланади.

Шундай экан, уларнинг сафдошлари ким?

Бу савол менда баҳс, жанжал, исён ва англашилмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Туйғу нутқ аппарати менга қарашли деб қичқирар эди, чунки сўзнинг ўзи эмас, балки гапирилаётган нарсага бўлган ички муносабатни ифодаловчи сўз оҳанг и муҳимдир.

Эшитиш қобилияти учун ҳам уруш бошланиб кетди. Туйғу, у менинг энг яхши кўзғаткичим деб ишонтирса, нутқ эшитиш қобилияти, менинг энг керакли қўшимча қисмим, у бўлмаса ҳеч кимга мурожаат қилолмайман, деб туриб олди. Кейин мимика ва қўл панжалари учун ҳам талашишди.

Уларни мутлақо нутққа қўшолмайсан, чунки улар гапирмайди. Уларни нимага қўшса бўлади? Гавдани-чи? Оёқларини-чи?

– Жин урсин-э! – бутунлай адашиб кетганимдан жаҳлим чиқди. – Актёр чўлоқ эмас! Менга ҳаммасини қайтариб беришин! Ҳаммаси керак!

Менинг оёқ-қўлларимни ечишгач, Торцовга «исёнкор» шиоримни айтдим: «ҳаммаси керак ёки ҳеч нима». У мени мақтади ва шундай деди:

– Ниҳоят. муносабат учун керак бўлувчи ҳар бир аъзонинг аҳамиятини тушунадиган артистга ўхшаб гапира бошладингиз! Бугунги тажриба уларни етарли баҳолашингизга ёрдам берсин!

Актёрнинг маъносиз кўзлари, ҳаракатсиз юзлари, бўғиқ товуши, оҳангсиз нутқи, беўхшов гавда, қийшайган бўйин, ҳаракатсиз, ёғочдай қотиб қолган қўллар, панжалар, бармоқлар, оёқлар, хунук юришлар ва ярамас қилиқлар саҳнада абадий йўқ, бўлсин!

Скрипкачи ўзи учун бебаҳо бўлган Страдивариус ёки Амати ишлаган асбобга қанчалик диққат-этибор бағишласа, актёр ҳам ўз ижодий аппаратига шунчалик этибор қилсин.

Аркадий Николаевич кечки спектаклда банд бўлгани учун дарсни эртарақ тугатишга тўғри келди.

...19 ...й.

– Биз шу пайтгача ташқи, кўзга кўринадиган жисмоний муносабатнинг саҳнада кечадиган процесси устида ишладик, – деди бугунги дарсда Торцов. – Бироқ муносабатнинг бошқача, шу билан бирга, ундан муҳимроқ бўлган тури ҳам бор: булар ички, кўринмайдиган, руҳий муносабатдир. Бугун шулар ҳақида гаплашамиз.

Олдимизда турган вазифанинг қийинлиги шундан иборатки, мен ўзим ҳис этаётган нарсалар тўғрисида гапиртишим керак, лекин уни ўзим билмайман, уни фақат тажрибада синаб кўрганман, унинг учун менда на назарий формула, на тайёр тушунарли сўзлар бор. Мен сизларга тушунтироқчи бўлган сезгиларимни фақат оғзаки, ишора йўли билан айта оламан.

*Благилни бир сиқиб, бир оз тисланди,  
Сўнгра иккинчи қўли қўйиб қанишарга.*

---

Шекспир. Пьесалар. –Т.: 1960 й., 47-бет



*Менга тикилиб боқди сураткаи каби,  
Анча вақт давом этди шу галати ҳол.  
Қўлимни бир силтагач, уч таъзим қилди,  
Ва шу қадар чуқур бир оҳ тортдики, мен –  
Ўйлашимки, узилди сўнги нафаси.  
Шундан кейин қўлимни қўйиб юбориб.  
Қийрилиб менга қараб кета бошлади,  
Йўлига қарамасдан кетар эди у.  
Шундай ажаб ҳолатда чиқди эшикдан,  
Аммо тикилган эди менга кўзлари.<sup>45</sup>*

– Бу мисраларда Гамлет билан Офелиянинг сукунатли муносабати ҳақида гап бораётганини сезмаётибсизларми? Ҳаётда ёки саҳнада ўзаро муносабатда бўлганингизда кўзингиз, бармоқларингиз, баданингиздан чиққан иродали оқимни сезганмисиз?

Бу кўринмайдиган оқим ва ўзаро муносабат воситасини нима деб атаса бўлади? Нур чиқариш ва нур қабул қилиш деб аташ керакми? Нур сочиш ва нурлан и ш дебми? Бошқа терминология бўлмагани сабабли, шу сўзларни ола қоламиз, хайриятки улар, мен гапирмоқчи бўлган муносабат процессини ёрқин кўрсатиб беради.<sup>46</sup>

Бизларни ҳозир қизиқтираётган, кўзга кўринмайдиган оқимларни фан ўрганадиган давр яқинлашиб қолди, ана ўшанда уларга мос келадиган терминологияни яратиб берадилар. Ҳозирчалик уларга бизнинг актёрлик тилимиз яратган номни бериб турайлик.

Энди кўрсатиб ўтилган муносабат йўлларини шахсий ҳиссиётларимиз ёрдами билан текшириб кўришга ҳаракат қиламиз ва уларни топиб, ўзимизда аниқлаб оламиз.

Хотиржамлик ҳолатида нур сочиш ҳам нур қабул қилиш деб аталган ҳолни зўрға пайқаш мумкин. Аммо кечинманинг жазави ва кўтаринки туйғуларининг кучли моментларида бу нур сочиш ва нурланиш нур бераётган одам учун ҳам, уларни олаётган одам учун ҳам аниқроқ ва яна ҳам сезиларлироқ бўлади.

Балки, сизлардан бирортангиз кўрик спектаклининг айрим муваффақиятли моментларида: масалан, сиз Малолеткова, «Қутқаринглар!» сўзи билан саҳнага биринчи марта отилиб чиққанингизда, ёки сиз, Названов, «Қон, Яго, қон!» монологини ўйна-

ганингизда ёки жинни билан бўлган этюд вақтида, ё ҳаётда ҳозир гап бораётган ички оқимни ҳис этдингларми?

Мен куни кеча бир қариндошимнинг уйида янги келин билан куёвнинг ўртасидаги ҳолатни кузатдим. Улар хафалашиб қолишган экан, гаплашмасдан бир-бирларидан узоқда ўтиришди. Келин ўзини куёвни кўрмаётганга солиб ўтирди. Аммо у буни куёвнинг диққатини ўзига кўпроқ тортиш учун қилди (Одамларда шундай усул ҳам бор: муносабатда бўлмоқ учун, муносабат қилмаслик). Лекин куёв, айб қилиб кўйган қуёндек мўлтайиб келинга тикиларди. Куёв келиннинг кўз қарашидан унинг кўнглидан нималар ўтаётганини пайқамоқчи ва тушунмоқчи бўлар эди. У келинни нишонга олаверди. У ўз нигоҳи билан келиннинг қалбини кўраётгандек эди. Унинг қалбига кўринмас найзалар санчарди. Аммо сержаҳл келин муносабат қилишдан қочар эди. Ниҳоят, у келиннинг кўз қарашидаги бир лаҳзалик нурни ушлаб олишга муяссар бўлди.

Бироқ шўрлик йигит бундан хурсанд бўлмади, балки аксинча яна ҳам қовоғини солиб олди. Шунда у, гўё бехосдан қилган сингари, бошқа жойга ўтиб ўтирди, у ердан келиннинг кўзларига тик қараш осонроқ эди. У жон-жон деб унинг кўлларини ушлашга ва бу билан ўз туйғуларини билдиришга тайёр эди, лекин бунга муваффақ бўлолмади. чунки келиннинг у билан муносабат қилишга сира раъйи йўқ эди.

Гапириш ҳам, овоз чиқариш ҳам, мимика, хатти-ҳаракатлар ҳам йўқ эди. Аммо кўзлар, қарашлар бор эди. Бу тўппа-тўғри, бевосита муносабатнинг асл ўзидир, юракдан-юракка, кўзлардан-кўзларга ёки бармоқларининг учида, баданда кўзга кўринмайдиган жисмоний хатти-ҳаракатларнинг намоён бўлишидир.

Илм-фан эгалари бу кўзга кўринмайдиган процессни тушунтириб берганлар, мен бўлсам, уни ўзимда қандай сезишим ва ўз санъатим учун бу сезгилардан қандай фойдаланишим тўғрисида гапириб беришим мумкин.

Афсуски, тагин дарсимиз бўлинди, чунки Аркадий Николаевични шошилинч равишда театрга чақириб қолишди.

...19 ..й.

– Келинлар, билиб олмоқ учун шахсий тажриба йўли билан ўзаро муносабат вақтида ўзимиздан нур чиқариш ва нур қабул қилишнинг кўзга кўринмайдиган оқимларини ахтарамиз. – деб таклиф қилди Аркадий Николаевич.

Бизларни жуфт-жуфт ўтқазиди, шуниси борки, мен тагин Говорков билан бирга ўтирдим.

Биз ўтирган заҳотимизоқ ташқи, жисмоний, механик равишда, ҳеч қандай асосиз ва маъносиз, нурланишни ҳам нур сочишни бошладик.

Торцов шу ондаёқ тўхтатди.

– Бу зўравонликнинг ўзгинасидир, нур чиқариш ҳамда нур қабул қилишнинг нозик ва инжиқ процессида бундан, айниқса, қўрқшимиз керак. Мускуллар сиққиқлигида нур сочиш ва нурланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ана Димкова билан Умнових бир-бирларининг ичларидагини билиб олишяпти, улар бир-бирларига шунчалик яқинлашдиларки, кўринмайдиган нурланиш ва нур сочиш учун эмас, гўё ўпишмоқчи бўлган одамларга ўхшайдилар.

Ҳар қандай сиққиқликни, у қаерда пайдо бўлмасин, йўқотишдан бошланг.

– Орқангизга суяниб олинглар! – деб буюрди Аркадий Николаевич. – Яна! Яна! Ундан ҳам кўпроқ, кўпроқ! Иложи бори-ча қулай ва эркинроқ ўтириб олинглар! Бу оз! Жуда ҳам кам, шундай ўтирингки, чинакамига дам олинг. Энди бир-бирингизга қаранг. Шуни ҳам қараш дейдиларми? Сиққиқлигингиздан кўзларингиз косасидан чиқиб кетай деяпти. Яна ҳам, яна ҳам камайтиринг! Кўз қорачиғларингизда ҳеч қандай сиққиқлик қолмасин?

– Нимадан нурланыпсиз? – мурожаат қилди Аркадий Николаевич Говорковга.

– Биласизми, мен санъат ҳақидаги баҳсимизни давом эттирмақчиман.

– Кўз нурларингиз билан фикр ва сўзларни ифода қилмоқчи эмасмисиз? Бунинг уддасидан чиқолмайсиз. – деди Аркадий Николаевич. – Фикрларингизни овоз ва сўзларда беринг, кўзларингиз эса нутқ билан беришга мумкин бўлмаганини тўлдириб туришга ёрдам берсин.

Балки баҳс вақтида, ҳар бир муносабатда пайдо бўладиган нур чиқариш ва нур қабул қилиш процессини ҳис этарсиз.

Биз баҳсни янгидан бошладик.

– Ҳозир, сукут вақтида нур чиқаришингизни сезгандай бўлдим.

Торцов мени кўрсатди.

– Сиз, Говорков, ҳозир нур қабул қилиб олишга тайёрсиз. Бир-бирингизни пойлаб, жим қолганингизда нима бўлганини эсланг.

– Ишим пачава бўлди! – тушунтирдим мен. – Фикримнинг исботи учун келтирган мисолим, шеригимни ишонтирмади. бинобарин, мен янгисини топиб нишонга олдим.

– Сиз-чи, Вьюнцов, – шошилиш равишда унга мурожаат қилди Торцов, – Малолеткованинг охириги қарашини сездингизми? Бу чинакам нур сочиш эди.

– Нур сочиш бўлганда ҳам қанақаси денг!!! Мана бундай! Мен бундай «нур сочишни» бир ҳафтадан буён сезаман ҳеч чорасини қилолмайман! Худо ҳаққи! – деб шикоят қилди Вьюнцов.

– Сиз ҳозир эшитибгина қолмай, сиз билан гаплашаётган объектнинг аҳволини идрок қилишга уриняпсиз, – менга мурожаат қилди Торцов.

Сўз, онг ёрдамидаги мунозарадан ва ақлий фикр алмашувдан ташқари, қалбингизда айни вақтда бошқа, ўзаро сезиш, кўз нурлари юбориш ва қабул қилиб олиш процесси юз бераётганини сезяпсизми?

Нурланиш ва нур сочиш билан бўладиган мана шу кўринмайдиган муносабат, сув тагидаги оқим сингари, сўзларнинг тагида ва сукунат пайтларида тўхтовсиз ҳаракат қилади, объектлар ўртасидаги кўринмайдиган алоқани ташкил қилади, у алоқа эса ички илмоқни барпо қилади.

Эсингиздами, ўтган дарсларимизнинг бирида, қараш ҳам, кўриш ҳам мумкин, лекин ҳеч нимани идрок этмаслик ва қайтариб бермаслик мумкин деган эдим. Аммо қараш ҳам, кўриш ҳам, идрок этиш ва нур чиқариш ёки муносабат оқимини бериш ҳам мумкин. Энди мен сизнинг нур тарқатишингизни келтириб чиқариш учун янгидан уриниб кўраман. Сиз мен билан муносабат қиласиз, – деди Аркадий Николаевич Говорковнинг ўрнига ўтира туриб.

– Яхшироқ жойлашиб олинглар, асабийлашманг, шошилманг, ўзингизни зўрламанг. Бировга бирор нарса беришдан илгари, одам ўша бермоқчи бўлган нарсасини ўзида жамғариб олмоғи лозим. Ўзингда бўлмаган нарсани бировга бериб бўлмайди. Ички муносабат учун бирор материални жамғаринг, – деб таклиф қилди Аркадий Николаевич. – Бу соҳамиз ва унинг

психотехникаси сизларга мураккаб бўлиб кўринганига ҳам ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, энди бўлса уни сизлар жуда осонлик билан қилиясиз. Нур чиқариш ва нур қабул қилиш билан ҳам шундай бўлади.

– Туйғуларингизни менга сўзсиз, фақат кўзларингизда сездингиз, – буюрди Аркадий Николаевич.

– Туйғуларимизнинг барча нозикликларини ёлғиз кўзларимнинг ўзида кўрсатишим қийин.

– Иложимиз йўқ, нозиклиги йўқолса ҳам майли.

– Унда нимаси қолади, – ҳайрон бўлдим мен.

– Майл, ҳурмат туйғуси. Уларни сўзсиз кўрсатса ҳам бўлади. Аммо бошқа одамни унинг ақллилиги, иш билармонлиги, ишчанлиги, олижаноблиги учун севишимни сўзсиз тушунишга мажбур қилиб бўлмайди.

– Мен ҳозир сизга нимани билдирмоқчиман?! – деб Аркадий Николаевичга тикилдим.

– Билмайман, билишга қизиқмайман ҳам, – жавоб қилди Торцов.

– Нега? – ҳайрон бўлдим мен.

– Чунки сиз кўзларингизни бақрайтиряпсиз, – деди Аркадий Николаевич. – Кечинаётган туйғуларингизни умумий тонини сезмоғим учун, сиз унинг ички моҳияти билан яшашингиз зарур.

– Энди-чи? Нима билан муносабат қилаётганимга тушундингизми? Нима ҳис этаётганимни бундан равшанроқ қилиб беролмайман, – дедим мен.

– Сиз мендан нима учундир нафратланаяпсиз, аммо нима сабабданлигини сўзсиз билиб бўлмайди. Лекин гап бунда эмас. Муҳими шуки, ўзингиздан чиқаётган иродали оқим ҳиссиётини сездингизми ёки йўқми? – деб қизиқди Торцов.

– Ҳар қалай кўзларимда сездим, – жавоб қилдим мен ва туюлган ҳиссиётни қайтадан текшира бошладим.

– Йўқ, сиз ҳозир қандай қилиб бўлмасин ўзингиздаги оқимни мажбуран чиқаришга уриндингиз. Даҳанингиз ва бўйнингиз чўзилиб, кўзларингиз косасидан чиқиб кетай деди. Менинг талабимни эса анчагина осон, енгилроқ ва табиийроқ бажариш мумкин эди. Ўз хоҳишингиз нурини бошқа одамга «сочиб» юбормоқ учун мускулларни зўрлашнинг ҳолати йўқ. Биздан чиқадиган оқим билинар-билинамасдир, ҳо-

зирги сизнинг сиқиклигингиздан эса юрак ёрилиб кетиши мумкин.

– Демак, мен сизни тушунмабман-да! – деб шошила бошладим мен.

– Дамингизни олинг, мен вақти келгач, сизга ахтараётган ҳиссиётимизни эслатиб ўтишга уриниб кўраман; сиз уни турмушда жуда яхши биласиз.

Ўқувчи қизларимдан бири, уни «атир гулдан чиқаётган ҳид» билан таққослаган эди, бошқа бир қиз бўлса «ўзидан нур сочиб турувчи гавҳар ҳам нур сочишнинг худди шундай ҳиссиётини кечирмоғи керак эди» деб қўшиб қўйди. Хушбўй ҳид тарқатувчи гулни ёки ўзидан нур сочиб турувчи гавҳарнинг ҳиссиётини кўз олдингизга келтира оласизми?

Мен ўзимдан чиқаётган иродали оқимнинг ҳиссиётини, – деб давом этди Торцов, – экранга ёруғ нурлар сочаётган қоронғидаги сирли фонарга қараб турганимда эсладим, буни вулқон оғзига яқин жойда турганимда ҳам эслаган эдим. Шу лаҳзада мен ернинг остидан отилиб чиқувчи қудратли ички ҳароратни сездим ва муносабатнинг кучли моментларида биздан чиқадиған кучли оқимларнинг ҳис қилинишини эсладим.

Бу ўхшатишлар сизни ҳозир қидираётган ҳиссиётларга бошлаб бормайдами?

– Йўқ, бу мисоллар менинг туйғумга ҳеч қандай таъсир қилмайди, – деб тихирлик қилдим мен.

– У ҳолда сизга бошқа томондан ёндашиб кўраимиз. – деди чидамлилиқ билан Аркадий Николаевич. – Менга қулоқ солинг.

Мен концертда ўтирган пайтим мусиқа ҳам таъсир қилмагач, зерикканимдан ҳар хил эрмаклар ўйлаб топаман. Мисол учун, ўтирган одамлар орасидан битта-яримтани танлаб олиб, уни кўз қарашим билан гипноз қила бошлайман. Борди-ю, у хотиннинг юзи чиройли бўлса, мен унга ўз завқ-шавқимни, агар башараси совуқ бўлса ундан жирканганимни билдираман.

Бундай пайтлари танлаган қурбоним билан муносабатда бўлиб унга таъсир ўтказаман. Бу машғулот вақтида мен, балки бу иш сизларга ҳам танишдир, биз ҳозир қидираётган худди ана шу физик ҳиссиётни кечираман.

– Бошқа одамни гипноз қилганимда ҳам шундай ҳиссиётни кечириш мумкинми? – деб сўради Шустов.

- Албатта, мабодо сиз гипноз билан шуғуллансангиз, унда биз ахтараётган нарсани жуда яхши билишимиз лозим! – деб севинди Аркадий Николаевич.
- Ундай бўлса бу жуда оддий ва бизга яхши таниш ҳиссиётку, – деб хурсанд бўлдим мен.
- Мен қачон сизга буни оддий эмас дедим? – деб тааж-жубланди Торцов.
- Лекин мен ўзимдан жуда ғалатисини қидирган эдим.
- Ҳамиша шундай бўлади, – деди Торцов. – Ижод тўғрисида гап кетиши биланоқ ҳамманинг мускуллари тортишади ва ясамаликка ўтиб оладилар.
- Тажрибамизни тезроқ қайтаринг! – деб буюрди Аркадий Николаевич.
- Қандай нур сочяпман? – деб сўрадим мен.
- Тағин нафратланиш.
- Энди-чи?
- Энди мени меҳрингиз билан ардоқлаяпсиз.
- Энди-чи?
- Бу ҳам меҳр билан қараш-у, лекин киноя аралаш.
- Деярли тўғри дейиш мумкин? – дедим мен унинг топганига суюниб.
- Биздан чиқадиган қандай оқимни ҳис қилишимиз тўғрисида гапираётганимга тушундингизми?
- Тушунгандайман, – дедим мен иккиланиб.
- Мана шу процессни биз ўз тилимизда нур чиқариш деб атаймиз. Шундай деб аталиши ҳиссиётни жуда тўғри белгилайди.
- Дарҳақиқат, ички туйғу ва истакларимиз нур чиқаришлари аниқ: улар кўзимиз, танамиздан чиқиб, бошқа одамларга ўтади. – деб тушунтирди Аркадий Николаевич хурсанд бўлиб.
- Нур қабул қилиш эса унинг тескарисидир, яъни бўлак одамларнинг туйғу ва ҳиссиётларини қабул қилиш процессидир. Бундай ном ҳозир гапираётган процесснинг ўзини ифодалайди, уни ўзингиз кечириб кўринг.
- Шундан кейин Аркадий Николаевич билан ролларимизни алмаштирдик: у ўз туйғулари нуруни соча бошлади, мен эсам, деярли муваффақият билан топиб турдим.
- Нур қабул қилиш ҳиссиётини ўз сўзларингиз билан белгилаб турунг-чи, – деди менга Аркадий Николаевич, тажриба тамом бўлгач.

– Мен ҳам сиз айтиб берган ўқувчи қизингиз сингари, мисол билан аниқлайман, – деб таклиф қилдим мен, – ўзига темирни тортаётган магнит ҳам нур қабул қилиш ҳиссиётини ўзида худди шундай кечиради.

– Тушунаман, – деб маъқуллади Торцов.

Қизиқ дарсни тўхтатишга тўғри келди, чунки бизларни фехтование синфида кутишаётганди.

...19 ..й.

Аркадий Николаевич бўлиниб қолган тушунтиришларини давом эттирди.

– Артистлар ўртасидаги сўзли ва сўзсиз муносабатда пайдо бўладиган ички боғланишни сезгандирсиз, – деди у.

– Сездим, шекилли, – дедим мен.

– Бу ички боғланиш эди. У алоҳида, тасодифий моментлардан ҳосил бўлади, лекин ўзаро мантиқан ва изчиллик билан боғланган кечинма ва ҳиссиётларнинг узун қаторидан фойдаланилса, боғланиш мустақамланади, ўсади ва пировардида шундай кучга эга бўлган муносабат даражасигача ривожланадики, уни биз чиппа ёпишиб олиш деб атаймиз. Унда нур чиқариш ва нур қабул қилиш процесси кучлироқ, ўткирроқ ва яна ҳам сезиларлироқ бўлиб қолади.

– Қанақа чиппа ёпишиб олиш? – дейишди қизиқиб ўқувчилар.

– Итларнинг (масалан бульдогнинг) тишлашига ўхшаш, – деб тушунтирди Торцов. – Бизларнинг ҳам саҳнада кўзларимиз, қулоқларимиз, умуман бешала сезги аъзоларимизда чиппа ушлаб қолиш қобилияти бўлиши керак. Тинглар эканмиз – астойдил тингламоғимиз керак. Ҳидлар эканмиз – астойдил ҳидламоқ керак. Қараш керак экан – астойдил қарамоқ ва кўрмоқ лозим, лекин объектни юзаки кўриш, бир нигоҳ ташлаб қўя қолиш, илиб олмаслик ярамайди. Объектга тиш-тирноқ билан ёпишиб олмоқ лозим. Бироқ бу ҳаддан ташқари сиқиклик ҳолатига келтириш деган гап эмас.

– «Отелло»ни ўйнаганимда жилла бўлмаса шундай чиппа ёпишиб олиш моменти бўлганмиди? – сўрадим, ўз ҳиссиётимни текширмоқчи бўлиб.

– Бир-икки момент бўлган эди. Лекин бу жуда ҳам оз. Отелло роли бошдан охиригача чиппа ёпишиб олишдан иборатдир. Бу ҳам майли-я, бошқа пьесалар учун оддий чиппа ёпишиш лозим



бўлса, Шекспир трагедияси учун жон-жаҳд билан ёпишмоқ зарур. Бу сизда бўлгани йўқ.

Турмушда чиппа ёпишиш ҳадеб керак бўлавермайди, аммо саҳнада, айниқса, трагедияда, жуда зарурдир. Дарвоқе, турмушда қандай бўлади? Унинг кўп қисми кундалик икир-чикирлар билан ўтади. Кишилар уйқудан туради, тагин ётади, ҳар хил юмушларни бажаради. Булар чиппа ёпишишни талаб қилмайди, механик суратда ўтаверади. Лекин бундай моментлар саҳнага ярамайди. Ҳаётнинг бўлак шундай айрим даврлари бўладики, унда кундалик турмушга даҳшат, кучли қувонч, эҳтирос ва бошқа муҳим кечинма моментлари ва оқими кириб келади. Улар эркинлик учун, маслак учун, яшаш учун, ҳақ-ҳуқуқ учун курашни келтириб чиқаради. Саҳнада бизга худди мана шу моментлар керак. Худди ана шулар ўзларининг гавдаланишлари учун ҳам ташқи жиҳатдан, ҳам ички жиҳатдан чиппа ёпишини талаб қиладилар. Шундай қилиб, кундалик ҳаётдан чиппа ёпишишни талаб қилмайдиган тўқсон беш фоизини олиб ташлаб, керак бўлган беш проценти саҳнага олинса етарлидир. Мана шунинг учун турмушда чиппа ёпишишсиз яшаса бўлади, лекин саҳнада у ҳамма вақт, доимо, юксак ижоднинг ҳар бир дақиқасида керакдир. Шуни ҳам унутмангки, чиппа ёпишиш ортиқча жисмоний сиққиқлик эмас, балки улкан, фаол ички хатти-ҳаракатдир.

Ундан ташқари эсингиздан чиқарманг, актёрнинг кўпчилик олдида ишлаш шароити ғоятда оғирдир ва у доим кескин курашни талаб қилади.

Дарҳақиқат, ҳаётда порталнинг қора дарчаси, минглаб томошабинлар, ёритилган рампа, муваффақият қозониш зарурияти ва қандай бўлмасин, томошабинга маъқул тушиш деган истак бўлмайди. Бутун бу шароитларки нормал одам учун табиий эмаслигини эътироф қилмоқ лозим. Уларни енгга билиш ёки сезмаслик керак, улардан қутулиш учун саҳнада яратиладиган қизиқарли ижодий вазифа билан банд бўлмоқ даркор. Мана шундай вазифа бутун диққат ва ижодий қобилиятни ўзига тортиб олсин, яъни чиппа ёпишишни пайдо қилсин.

Мен шуларни ўйласам, бир ҳикоя эсимга келади: маймунларни ўргатувчи бир одам ўзига керакли ҳайвонлар топиш учун Африкага жўнабди. У ерда танлаб олиш учун маймунларнинг юзларча нусхасини ҳозирлашибди. Улар орасидан ўзига

керак жониворни танлаб олмоқ учун у одам нима қилибди, денг? У маймунларни биттама-битта чақириб, бирор буюм билан қизиқтиришга ҳаракат қилибди: гоҳ алвон рўмол билан (уни маймун кўзи олдида ҳилпиратар экан), гоҳ бирорта ўйинчоқ билан (у маймун диққатини ялтироқ нарсага жалб этар экан) ёки буюмларни тақирлатар экан. Ҳайвон буюмга қизиқиш қолгандан кейин, ўргатувчи унинг диққатини бирорта бўлак нарса – папирос ёки ёнғоқ билан бошқа ёққа чалғитар экан. Борди-ю, у бунинг уддасидан чиқса, яъни ҳайвон ўз диққатини алвон рўмолдан янги нарсага осонлик билан кўчирса, уни яроқсиз топар экан: борди-ю, бунинг тескариси бўлса – ҳайвоннинг диққатини чалғитганларига қарамай, у зўр бериб илгариги объектни, яъни рўмолни ахтара берса, ҳайвон ўргатувчи худди шунисини танлар ва уни сотиб олишининг сабабини бу маймуннинг чиппа ёпишиб олиш қобилиятига эғалиги билан тушунтирар экан.

Биз ҳам ўз ўқувчиларимизнинг саҳнавий диққати ва муносабатларининг кучи ҳамда чиппа ёпишиб олиш қобилиятининг давомати ҳақида худди шундай фикр юритамиз. Бу хислатни мукамаллаштиринг, тараққий эттиринг.

Қандайдир бир китобда ўқиган эдим, қанчалик тўғри эканини айтолмайману, лекин унда айтилишича, баъзан ўлдирилганларнинг кўзига қотилнинг акси тушиб қолармиш. Агар шу рост бўлса, ўзингиз ўйланг: нурланиш процессининг кучи қандай зўр экан.

Бирорта асбобнинг ёрдами билан ижодий кўтаринкилик лаҳзаларида саҳна билан томоша зали ўртасида алмашилиб турадиган нурланиш ва нур чиқаришни кўришнинг иложи бўлса борми, у ҳолда биз артистлар томоша залига юборадиган ва у ердаги минглаб жонли организмлардан оладиган оқимнинг кучига асабларингиз бардош беришини кўриб ҳайратда қолар эдик!

Большой театрнинг биносига ўхшаган катта бинони нур билан тўлдиришга қандай кучимиз етади! Ақл бовар қилмайди! Артистнинг шўри қурсин! Бутун зални ўзига қаратиб олмоқ учун уни ўзининг шахсий туйғу ва иродасининг кўринмайдиган нури билан тўлдиarmoғи лозим...

Нега катта бинода ўйнаш қийин? Овозни кучайтириш, ортиқча хатти-ҳаракат қилиш учун эмас. Йўқ! Бу бўлмағур гап! Кимки саҳна нутқини эгаллаб олган бўлса, бу кўрқинчли эмас. Аммо нур сочиш мушкул.

Бугун мактабдан уйимга қайтиб келаётганимда мени кўрган одамлар жинни деб ўйлаган бўлсалар керак. Гап шундаки, бутун йўл давомида мен нур чиқариш ва нурланиш машқини қилиб келдим. Бу тажрибамни йўлда учратган одамлар билан қилишга ботинолмадим, шунинг учун уни жонсиз буюмларда ўтказиш билан чегараландим. Машқларимнинг асосий объектлари катта мўйна магазини витринасидаги турли ҳайвонларнинг тулумлари бўлди. Бу ерда бутун бир ҳайвонот боғи мавжуд эди: қўлига патнис ушлаган каттакон айиқ, тулки, бўри, олмахонлар бор эди. Уларнинг ҳаммаси билан яқиндан ва яхшилаб танишиб олдим ҳамда уларнинг тасаввур қилинган юракларига таъсир этишга ва таъсирланишга ҳаракат қилдим. Мен уларда йўқ нарсани олишга астойдил уринганимдан бўйнимни, бошимни ва бутун гавдамни орқамга ташладим, шунда орқамда анқайиб турган одамларни янада орқага суришга тўғри келди; шу ондаёқ Аркадий Николаевичнинг ҳаддан ташқари уриниш керак эмас, деган тавсияси эсимга тушди. Кейин ҳайвонларни ўргатувчи сингари буларни гипноз қилдим ва ўзимга шундай дедим: агарда шунга ўхшаган айиқ орқа оёғида менга қараб келаётган бўлса, ирода кучим билан унга таъсир этиб ҳайвонни тўхтата олармидим? Мен таъсир этишда объектга жуда интилганимдан, бурним билан катта деразанинг ифлос ойнасига урилдим. Мен объектга қаттиқ таъсир қилишга уринганимдан денгиз касали бошланадиган вақтдаги ҳолатни ҳис этдим. Кўзларим ўша касал вақтидаги каби косаларидан чиқиб кетаёзди.

«Йўқ! – деб танқид қилдим ўзимни. – Бундай оғир ишни нур сочиш ва нурланиш эмас, балки қусиш ва қусишни босиш деб атаса тўғрироқ бўлади».

«Енгилроқ! Енгилроқ! – дерди Торцов. – Бунчалик сиқикликнинг нима ҳожати бор!».

Аммо нурланиш ва нур чиқаришни бўшроқ қила бошлагандим, кўрсатаётган ва олаётган таъсирларимнинг физик ҳиссиётлари менда йўқолди. Дарҳол ўз тажрибаларимни тўхтатишимга тўғри келди, чунки томошабинлар тўпланиб кетди. Магазиннинг ичида беш кишича, ҳойнаҳой, гумашта ва харидорлар бўлса керак, менга қараб кулишарди. Афтидан, тажрибаларимни пайқаган, лекин уларга жуда қизиқ туюлган. Бу ҳол худди шу тажри-

бамни бошқа магазинда ўтказишимга мутлақо халақит бермади. Бу гал менга объектлик вазифасини Толстойнинг бюсти ўйнади.

Гоголнинг ҳайкали олдида ўтириб олиб, чиппа ёпишишни тажриба қилиб кўрдим. Мен кўзларимни бронза ҳайкалга қараб олиб, уни жоду қила бошладим, қани энди Гоголь ўтирган креслосидан туриб кетса.

Лекин тикилавергач, кўзларим чарчади. Ундан ташқари, энг долзарб пайти ўтиб кетаётган бир танишимни кўриб қолдим.

– Нима қилди, тобингиз йўқми? – деб сўради у менга раҳми келиб.

– Ҳа, бошим қаттиқ оғрияпти – дедим ва ўнғайсизликдан қизариб кетдим.

«Бундай сиққиқликка ҳеч вақт йўл қўймаслик керак» дедим шунда ўзимга-ўзим.

...19 ...й.

Бугунги дарсда Аркадий Николаевич шундай деди:

– Саҳнавий муносабатда нур чиқариш ва нур қабул қилиш шунчалик муҳим рол ўйнар экан, уларни техника жиҳатидан эгаллаб олса бўлмайми, деган савол туғилиши табиий. Уларни мажбурий қилишнинг иложи йўқми? Бу соҳанинг – нур тарқатиш ва қабул қилишнинг яширин процессларини ҳосил қилишнинг иложи, бу орқали кечинманинг ўзига хос киркиги йўқмикан?

Борди-ю, ички ҳолатдан ташқи ҳолатга ўтишнинг иложи бўлмаганда, ташқи ҳолатдан ички ҳолатга ўтадилар. Бу ҳолда ҳам биз тана билан руҳнинг органик боғланишидан фойдаланамиз. Бу боғланишнинг кучи шу қадар зўрки, у ҳатто ўликни тирилтиради. Сувга чўкиб, қон томирлари тўхтаб, ҳаётдан асар қолмаган мурдага фан томонидан белгиланган маълум қоидаларни қўллайдилар ва нафас олиш органларини нафас олишга ва нафас чиқаришга мажбур қиладилар. Қон юриши ва ундан кейин бутун гавда аъзоларининг одатдаги ишини бошлаб юбориши учун шунинг ўзи етарлидир. Шу билан бирга, ғарқ бўлиб ўлган одамда, ҳаёт билан ажралмас «инсоннинг руҳий ҳаёти» ҳам тирилади.

Саҳнада нур чиқариш ва нур қабул қилишни сунъий равишда қўзғатилганда ўша принципдан фойдаланилади: агар ички муносабат ўз-ўзидан қўзғалмаса, унга ташқаридан ёрдам қилинади.

– тушунтиришда давом этди Торцов. – Бу ташқаридан қилинган ёрдам киркиклик вазифасини ўтайди, аввал нурланиш ва нур сочиш процессини қўзғатади, кейинчалик, кечинманинг ўзини ҳам келтириб чиқаради. Яқин орада кўрасиз, янги киркик техникага бўйсунадиган бўлади.

Энди мен ундан қандай фойдаланиш кераклигини кўрсатиб бераман.

Бунга у шундай бошлади: у рўпарамга ўтирди-да, вазифа ва уни асословчи тўқимани ўйлаб топишимни буюрди, топилган парча билан муносабатда бўлишга мажбур қилди. Бунинг учун менга сўзлар, мимика, жест – муносабатда бўлишга нимаики ёрдам берса, шулардан фойдаланишга рухсат этди. Аркадий Николаевич шунинг билан бирга, тарқаётган ва қабул қилинаётган нурлар оқимининг физик ҳиссиётга қулоқ солишни айтди.

Тайёргарлик узоққа чўзилди, чунки Аркадий Николаевич мендан нимани истаётганини пайқаб ололмай гаранг эдим.

Бунга муваффақ бўлган эдимки, муносабат жонланиб кетди. Аркадий Николаевич сўз ҳамда хатти-ҳаракатлар воситаси билан муносабатда бўлишга мажбур қилди ва шунинг билан бирга, физик ҳиссиётга ҳам қулоқ солишим керак эди. Шундан сўнг у мендан сўз ва хатти-ҳаракатларни олиб қўйди ва ёлғиз нур тарқатишлар билан муносабатда бўлишга мажбур қилди.

Аммо, физик нур тарқатиш ва нурланишни ўз-ўзи учун ва ўз-ўзидан йўлга қўйиб юбориш учун анчагина овора бўлишга тўғри келди. Бу иш юришиб кетгандан сўнг Аркадий Николаевич ўзимни қандай ҳис этганимни сўради.

– Ўзимни бўш ҳовуздан сув ўрнига қуруқ ҳавони чиқараётган насос деб ҳис этдим, – деб ҳазил қилдим мен. – Нурлар кўз қорачиқларимдан чиқаётгандай бўлди, баданимнинг сизга қараб турган томонидан ҳам чиққан бўлса керак, – деб тушунтирдим мен.

– Имконият борича менга физик ва механик нур сочишни давом эттиринг, – деб буюрди у.

Аммо кучим кўпга етмади, тезда бу «бефойда машғулотни» бас қилдим.

– Сизда уни англаш истаги туғилмадимми? – сўради Аркадий Николаевич. – Ички туйғуларингиз сизга ёрдамга келмадими? Физик нур сочишнинг пайдо бўлган оқимидан фойдаланиш

учун наҳотки ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилятингиз сизда бирорта тасодифий кечинма ҳосил қилмаган бўлса? – деб сўрашда давом этди Торцов.

– Борди-ю, мени қандай қилиб бўлмасин, физик нур сочишга механик равишда мажбур этсалар, у ҳолда менинг хатти-ҳаракатимга маъно берувчи аллақандай нарсанинг ёрдамсиз иш кўриш қийин бўлади. Бошқача айтганда, ўзимдан нур сочиш ёки қабул қилиш учун материал керак бўлади. Лекин уни қаердан олса бўлади? – ҳайрон бўлдим мен.

– Жилла бўлмаса ҳозир ҳис этаётганингизни, яъни ҳайронлигингизни, ожизлигингизни кўрсатинг ёки бошқа туйғуни топинг, – деб маслаҳат берди Торцов.

Мен унинг айтганини қилдим. Бемаъни физик нур сочишни давом эттириш жонимга тегиб кетганидан, мен Торцовга алам ва фикрингизни кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Кўзларимдан «Мени ўз ҳолимга қўй! Мунча ёпишиб олдинг? Нега мени қийнайсан?» деган маънони уқиш мумкин эди.

– Ўзингизни қандай ҳис этдингиз? – деб яна сўради Торцов.

– Сув тўла тоғорадан ҳавонинг ўрнига сув чиқараётган насос деб ҳис этдим. – деб мен яна ҳазил қилдим.

– Шундай қилиб, сизнинг маъносиз физик нур сочишингиз маъноли ва мақсадга мувофиқ бўлди. – деди Аркадий Николаевич.

Бу машқларни қайтаргандан кейин, нур қабул қилишни кўрсатди. У ҳам худди шу процесснинг ўзи, бироқ тескари йўналади. Шунинг учун мен уни ёзиб ўтирмайман, фақат тажрибам вақтида пайдо бўлган янги бир моментни қайд қилиб ўтаман, холос.

Гап шундаки, нур қабул қилишдан илгари, Торцовнинг кўнглини топишим ва ундан ўзимга нурланиш учун керак бўлган нарсани топишим зарур эди.

Бунинг учун роса синчиклаб қарашга, чунончи, Аркадий Николаевичнинг ўша пайтдаги ҳолатини сезиб олишга тўғри келди, кейин у билан муносабатда бўлишим керак эди.

– Кўрдингизми, саҳнада техник йўл билан нур тарқатиш ва нур қабул қилишни пайдо қилиш осон эмас, у ҳаётда бўлгани каби ўз-ўзидан, кўнгилда пайдо бўлмаса қийин, – деди Аркадий Николаевич. – Бироқ рол ижро этилаётган вақтда бу процесс дарсдаги машқда қилинадиганига нисбатан анча енгил бўлади, деб сизларни хурсанд қилишим мумкин.

Бунинг сабаби қуйидагича: ҳозир нур тарқатиш процессини мустаҳкамлаш учун тезлик билан қандайдир тасодифий туйғуларни ахтариш керак эди, лекин бу процесс саҳнада енгил ва осон рўй беради. Сабаби кўпчилик олдида ўйнаш пайти ҳамма берилган шарт-шароитлар аниқланган, барча вазифалар топилган, туйғу эса рол учун пишиб етилиб, фақатгина намоён бўлиш ва ташқарига отилиб чиқиш учун баҳонани кутиб туради. Жиндаккина туртки берилса, рол учун тайёрланган туйғу ўз-ўзидан тўхтовсиз қуюлиб келаверади.

Резинка ичак ёрдами билан аквариумдан сувни тўкмоқ учун бир марта ичакни оғизга олиб, ҳавони тортиш керак, кейин сув ўзи оқаверади. Нур сочиш процессида ҳам худди шундай: туртки беринг, нур сочиш учун йўл очиб қўйинг, ана шунда туйғунинг ўзи ичкаридан қуюлиб чиқаверади.

– Нур тарқатиш ва қабул қилиш процесси қандай машқлар ёрдами билан ўзлаштирилади? – деб сўрашди ўқувчилар.

– Ҳозир бажарган икки машқ ёрдамида.

Биринчи машқ киркиклар ёрдами билан ўзимизда бирор ҳиссиёт, туйғу пайдо қилиш ва уни бошқа одамга беришдан иборат. Бу машқда ўз жисмоний ҳиссиётингизга қулоқ солинг. Худди шу йўл билан ўзингизни нур қабул қилишни ҳис этишга ўргатинг, уни бошқа одам билан муносабат вақтида сезиб туринг ва табиий йўл билан ундаб чиқаринг.

Иккинчи машқ: ўзингизда ҳиссиётли кечинмасиз нур қабул қилиш ёки нур тарқатишнинг жисмоний сезгисини ҳосил қилишга ҳаракат қилинг. Бу ишда жуда катта диққат-эътибор зарурдир. Акс ҳолда, мускулларнинг оддий сиққиқлигини нур тарқатиш деб тушуниш ҳам мумкин. Жисмоний процесс йўлга қўйилгандан сўнг ўзингиздан бирорта туйғуни, унинг нур сочиш ва нурланиш учун қўйиб юборинг. Бироқ такрор айтаман, бу ишда зўравонликдан ва жисмоний зўриқишдан эҳтиёт бўлинг. Нур сочиш ва нурланиш албатта енгил, эркин, табиий, ҳеч қанақа жисмоний куч сарфланмай қилинади. Хонаси келганда айтиб қўяй, янги усул сизларга диққатингизни объектга йўналтиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, чунки мустаҳкам объектсиз нур тарқатиш мумкин эмас.

Фақат бу машқларни ўзингиз ёлғиз, хаёлдаги шахс билан қила кўрманг. Жонли, мавжуд, ёнингизда турган ва ҳақиқатан ҳам туйғунгизни идрок этишни исгаган объект билан муносабатда

бўлинг. Муносабат ҳар икки томондан барабар бўлишни талаб қилади. Шунингдек, машқларни ўзларингиз ёлғиз, Иван Платоновичсиз қилманглар. Мускулларнинг оддий сиққиқлигини нурланиш ва нур сочиш деб тушуниб, четга чиқиб кетмаслик учун тажрибали кўз керак. Бу ҳам ҳар қанақа майиблик сингари хавфлидир.

– Вой худойим-ей, бунча қийин экан! – деб хитоб қилдим мен.

– Табиатимиз учун нормал ва табиий бўлган нарсани қилиш қийинми? – ҳайрон бўлди Аркадий Николаевич. – Сиз янглишасиз. Нормал бўлган нарсани осонлик билан эгаллаш мумкин. Лекин бу ишга табиатимизни мойиллаштириш қийин. Шунинг учун унинг қонунларини чуқур билиб олинг, бунинг учун табиий бўлган нарсаларни талаб қилинг. Сизларга олдиндан айтиб қўяй, шундай вақт келадикки, саҳнада партнёрлар билан турганингизда, улар билан ҳозир сизларга қийин кўринган ички муносабатсиз, алоқа қилмай, боғланмай иложингиз қолмайди.

Мускулларни бўшатиш, диққат, берилган шарт-шароитлар ва ҳоказолар ҳам ўз вақтида қийин бўлиб кўринган эди, энди бўлса улар зарур бўлиб қолди.

Шунинг учун муносабатни қўзғатишда, яъни нур тарқатиш ҳамда нур қабул қилишда техникангизни янги ва жуда муҳим киркик билан бойитганингиздан хурсанд бўлинг.



## XI. МОСЛАШМА ВА БОШҚА ЭЛЕМЕНТЛАР, АРТИСТНИНГ ХУСУСИЯТИ, ҚОБИЛИЯТИ ҲАМДА ИСТЕЪДОДИ

...19 ..й.

Аркадий Николаевич синфга кириб келгач, Рахманов осиб қўйган шиордаги «Мослашма» сўзини ўқиди, бизларни янги босқич билан табриклади. Вьонцовни чақириб, унга қуйидагича топшириқ берди.

– Сиз шаҳардан ташқарига бир танишингизникига чиқиб кетишингиз керак, уерда вақтингизни жуда хушчақчақ ўтказишга имонингиз комил. Поезд соат иккида жўнайди, ҳозир соат бир. Мактабдан қандай қилиб эртароқ жўнаш мумкин? Қийинлиги шундаки, фақат мени эмас, барча ўртоқларингизни ҳам алдашингиз лозим. Буни қандай қилса бўлади?

– Хафа, хаёлга ботган, ғамгин, касал бўлиб кўриниш керак, – деб маслаҳат бердим мен. – Шунда ҳамма «Нима қилди?» деб сўрайди. Бирорта ақлга сиғмайдиган воқеани баҳона қилиш лозим, унга ҳамма ишонсин. Шунда беморни чор-ночор қўйиб юборадилар.

– Қойил-э! Қойил! – Вьонцовга жон кирди ва севинчидан оёғи билан шундай ҳаракатларни қилиб, сакрай бошладики, уни тасвирлаш ҳам қийин.

Бироқ... учинчи ёки тўртинчи сакрашда қоқилиб, оғриқдан бақириб юборди. Оёғини кўтариб, башарасини буриштирганича қотиб қолди.

Аввалига бизни алдаяпти деб ўйладик, чунки ўйин шундай бўлиши керак эди. Лекин у чиндан азоб чекар эди. Мен унга ишониб, бечорага қўмаклашиш учун ўрнимдан турдим. Бироқ... иккиланиб қолдим. Ҳамма саҳнага югурди. Вьонцов оёғига қўл теккиздирмас, лат еган оёғини босиб, оғриғидан бақириб юборар эди. Аркадий Николаевич иккаламиз бир-биримизга қараб саҳнада бўлаётган иш ростми, ёлғонми деб сўрадик. Вьонцовни эҳтиётлик билан эшикка томон олиб боришди. Икки қўлтиғидан кўтариб олинган Вьонцов, соғ оёғи билан қадам босиб, борар эди. Юриш оҳиста, жим ва тантанали эди.

Бир вақт Вьонцов камаринская ўйинига тушиб, қотиб-қотиб кула бошлади.

– Қойилман!.. Роса кечиндим! Бопладим! Ажойиб! Ҳаммасини дўндирдим! Ёлғонданлиги билинмади! – деб кулар, кулги аралаш қаттиқ-қаттиқ гапирар эди.

Вьюнцов олқишларга сазовор бўлди, мен бўлсам унинг истеъдодли эканини яна бир бор сездим.

– Нима учун унга қарсақ чалганингизни биласизми! – деб сўради Аркадий Николаевич ва шу ондаёқ ўзи жавоб берди. – Яхши мослашма топгани ва уни муваффақиятли бажаргани учун.

Бу мослашма деган сўз билан биз бундан кейин ички ва ташқи устомонликни, йўлини, иложини топа билишликни айтамыз, уларнинг ёрдами билан одамлар бир-бирларига мосланадилар ва мосланишлар объектга таъсир ўтказишга ёрдам беради.

– «Мосланадилар» деганингиз нимаси? – деб қайта сўрашди ўқувчилар.

– Бу ҳозир Вьюнцов қилиб кўрсатганининг ўзи: дарсдан эртaroқ кетиш учун, у устомонлик билан мослашма топди, – деб тушунтирди Торцов.

– Менимча, у бизни шунчаки калака қилди! – деб кимдир эътироз билдирди.

– Борди-ю, шундай қилмаса, сизлар ишонармидинглар? – деб сўради Аркадий Николаевич. – Мақсадга эришмоқ ва мактабдан қочиб кетмоқ учун айёрлик қилиш зарур эди. Вьюнцов бу ишга ва айёрликка шунинг учун ҳам мажбур бўлдики, унга қочиши учун халақит берган муҳитга берилган шарт-шароитларга мосланишга муваффақ бўлди.

– Демак, мосланиш – алдамчилик экан-да? – деб қўйди Говорков.

– Баъзи ҳолларда мосланиш алдашдир: бўлак ҳолларда эса – мосланиш ички ҳиссиётлар ва фикрларнинг яққол тасвиридир: баъзи мослашма муносабатда бўлмақчи бўлган одамнинг диққатини ўзингга тортишга, рағбат туғдиришга ёрдам беради: баъзида бошқаларнинг кўзига кўринмайдиган, фақат ҳис этиладиган, сўз билан айтилмайдиган фикрларни англатади.

Кўриб турибсизки, мослашишнинг имконият ва вазифалари хилма-хил ва жуда кўпдир.

Масалан, фараз қилайлик, ҳозир сиз, Названов, катта мансабдасиз, мен бўлсам – арз қилиб келган одамман. Менга сизнинг ёрдамингиз зарур. Лекин сиз мени мутлақо танимайсиз.

Шунинг учун, ўз мақсадимга эришиш ниятида, арзи-ҳол сўраб келганлар орасидан бир бало қилиб ажралиб. кўзингизга ташла-нишим керак.

Қандай қилсам диққатингизни ўзимга жалб қиламан? Зўрға пайдо бўлган алоқа ва муносабатни қандай қилиб мустаҳкамла-са бўлади? Мен учун фойдали бўлган маънода, қандай қилсам сизга ўзимнинг таъсиримни яхшироқ ўтказа оламан? Сизнинг ақлингизга, туйғуларингизга, диққат-эътиборингизга, тасавву-рингизга қандай воситалар билан таъсир қилсам бўлади? Олий мартабали кишининг кўнглини нима билан олса бўлади?

Борди-ю, у қалбан менинг аянчли аҳволимни тушунса. ўз та-савбурида жилла бўлмаса даҳшатли ҳаётимга салгина ўхшаган манзарани ярата олса, у менга қизиқиб қолади, мен билан муно-сабат қилишга кўнгли чопади. Унда мен азоб-уқубатлардан қуту-ламан! Аммо бировнинг кўнглини билмоқ, унинг ҳаётини сезмоқ учун мослашиш керак.

Унинг ёрдами билан биз ўз ички туйғуларимизни ва умумий ҳолатимизни иложи борича бўрттириб кўрсатишга интиламиз.

Лекин бўлак ҳолларда худди шу мослашишнинг ёрдами би-лан биз ўз туйғуларимизни ҳам, ўзимизнинг умумий ҳолатимизни ҳам яширамиз, ниқоблаймиз. Манманликка берилган мағрур одам ўз аламини яширмоқ учун хушмуомала бўлиб кўринишга уринади. Терговчи сўроқ вақтида сўроқ қилинаётган жиноятчи-га бўлган ўзининг асл муносабатини мослашиш билан яширади.

Мослашма – ҳар қандай муносабатнинг, ҳатто танҳо муноса-батнинг ҳам энг муҳим усулларидан биридир, чунки киши ўзини ишонтирмоқ учун ўз-ўзига ҳам ва ўзининг руҳий ҳолатига ҳам мослашмоғи лозим бўлади.

Вазифа ва бериладиган туйғу қанчалик мураккаб бўлса, мос-лашмалар шунчалик ранг-баранг ва нозик, уларнинг турлари ва функциялари шунчалик хилма-хил бўлади.

– Кечирасиз, – деб сўради Говорков. – булар учун сўзлар мавжуддир.

– Сўзлар туйғунинг ҳамма нозик томонларини тўла-тўқис кўрсата олади деб ўйлайсизми? Йўқ, муносабатда ёлғиз сўзлар-нинг ўзи камлик қилади: улар ҳаддан ташқари қуруқ ва жонсиздир. Уларни тирилтирмоқ учун туйғу даркор, уни пайдо қилиш ва муносабат объектига топшириш учун мослашмалар зарур-дир. Улар сўзларни тўлдирди, айтилмай қолганини айтади.

– Демак, мослашма қанчалик кўп бўлса, муносабат шунчалик кучли ва тўларақ бўлар экан-да? – деб сўради кимдир.

– Гап мослашмаларнинг сонидан эмас, балки сифатидандир.

– Саҳнада уларга қандай сифат керак бўлади? – деб сўрадим мен тушуниб олмоқ учун.

– Улар хилма-хилдир, ҳар бир артистнинг ўзига хос, оригинал мослашмалари бор, уларнинг келиб чиқиши ва аҳамияти ҳам турличадир. Ахир ҳаётда ҳам худди шундай-ку. Эркаклар, хотинлар, чоллар, болалар такаббур, камтар, жаҳлдор, меҳрибон, аччиғи тез, вазмин каби мослашмаларнинг ўзига хос хилма-хил турларига эгадирлар.

Ҳаётнинг ҳар бир янги шароити, вазияти, воқеа кечадиган ери, вақт мослашмаларни ўзгаришга олиб келади; кечаси, ҳамма ухлаб ётганда, кундузи одамлар бор бўлганидагига нисбатан бошқачароқ мосланилади. Бегона мамлакатга бориб қолинса, маҳаллий шароитларга муносиб бўлган мослашмалар ахтара бошланади.

Кечинилаётган ҳар бир туйғу кўрсатилганда мослашмаларда ўзига хос, тутиб бўлмайдиган хусусиятларни талаб қилади.

Худди шунингдек, муносабатнинг ҳамма турлари – ўзаро, группали, тасаввур этилган ёки ўзи йўқ бўлган объект ва ҳоказолар мослашмаларда тегишли хусусиятларни талаб қилади.

Одамлар ўзларининг беш сезги аъзолари ёрдами билан, муносабатнинг кўринадиган ва кўринмайдиган усуллари ёрдами билан, яъни кўз, мимика, овоз, қўл, бармоқ ҳаракатлари, бадан ҳамда шунингдек, нур тарқатиш ва нур қабул қилиш орқали муносабатда бўладилар. Бунинг учун ҳар бир айрим ҳолда уларга муносиб мослашмалар зарурдир.

Баъзи актёрлар драматик кечинма соҳасида жуда ажойиб мослашмаларга эгадирлар, аммо комедияга келганда улар бундан маҳрумдирлар ёки, аксинча, комедияда яхшисига ва драмада ёмонига эгадирлар.

Кўпинча инсон туйғусининг ҳамма соҳасида жуда ажойиб кечинмага эга бўлган актёрлар ҳам учрайди, уларнинг мослашмалари жуда ишонарли, тўғри бўлади. Аммо бундай актёрлар кўпинча интим репетицияларда, режиссёр ва бошқалар яқин ўтирганларида жуда катта таассурот қолдирадилар. Саҳнага ўтиш билан ёрқин ифода керак бўлганда, худди ўша мослашмалар

хиралашиб қолади ва рампадан залга етиб бормайди, гарчанд етиб борганда ҳам етарли ёрқин ва саҳнавий шакл олмайди.

Биз, шунингдек, жуда ёрқин, аммо сон жиҳатидан кам мослашмаларга эга бўлган актёрларни ҳам биламиз. Мослашмалар бир хил бўлганда ўз кучини, ўткирлигини тез йўқотади ва хиралашиб қолади.

Бироқ тақдир ранжитган, тўғри бўлса-да, ёмон, бир хил, хира мослашмаларга эга бўлган актёрлар ҳам оз эмас. Бундай одамлар ҳеч қачон саҳна арбобларининг олдинги сафида бўлолмайдилар.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич ўтган дарсда тугамаган гапини давом эттирди.

– Одамга ҳаётда мослашмалар жуда кўп керак бўлади, актёрларга эса саҳнада яна ҳам кўпроқ керак бўлади, чунки биз у ерда тўхтовсиз муносабатда бўламиз, шунинг учун ҳам ҳамма вақт мослашамиз. Шунинг билан бирга, мослашмаларнинг сифати: унинг ёрқинлиги, ранг-баранглиги, дадиллиги, нозиклиги, ним-ранглиги, нафосати, ёқимлилиги ҳам катта рол ўйнайди.

Масалан, ўтган дарсда Вьонцовнинг мослашмаси ўз дадиллиги билан равшан эди. Лекин бошқача ҳам бўлиши мумкин. Вельяминова, Говорков, Веселовский саҳнага чиқинглар-да, «Пул ёндириш» этюдини ўйнаб беринглар, деб буюрди Аркадий Николаевич.

Вельяминова истар-истамас креслодан турди-да, партнёрлари ундан ибрат олиб ўринларидан туришларини ғамгин кутиб турди. Лекин улар турмадилар.

Ноқулай сукунат чўкди.

Вельяминова диққати ошиб гапириб юборди. У ўз сўзларини юмшатиш учун, хотинларнинг ноз-карашмасидан фойдаланди, бунинг эркакларга таъсир қилишини тажрибадан биларди. У ўз ҳолатини яширмоқ, ниқобламоқ учун ерга қараб олиб креслодаги номерни кўчиришга уринарди. У қизариб кетган ёноқларини яширмоқ ниятида, рўмолчасини юзига тутди.

Танаффус беҳад чўзилди. Уни тўлдириш учун, пайдо бўлган ноқулай вазиятни юмшатиш ва англашилмовчиликка ҳазил тусини бериш учун, Вельяминова зўр бериб кулар, аммо кулгиси жарангламас эди.

– Биз зерикиб кетяпмиз! Рост, жуда ҳам зерикяпмиз! – деб инонтирди у гўзал. – Мен фақат қандай айтиб беришимни билмайман. Келинг, илтимос, бизга бошқа этюд беринг...

Ана шунда биз шундай ўйнаймизки... Шундай ўйнаймизки... Роса... боплаймиз!

– Офарин! Баракалла! Жуда соз! Энди менга пулни ёндириш этюди керак эмас! Усиз ҳам сиз керак бўлган ҳамма нарсани кўрсатдингиз. – деди Аркадий Николаевич.

– Нимани кўрсатди? – деб сўрадик биз.

– Мана шу нарсани: агар Вьюнцов бизга дадил, ёрқин, ташқи мослашмаларни кўрсатган бўлса, Вельяминова унга нисбатан нафисроқ, нозикроқ ички мослашмаларни кўрсатди. У чидам билан нима бўлса ҳам, мени кўндирмоқчи бўлди, кўнглимни юмшатишга уринди; у ўзининг хижолатда қолганидан, ҳатто кўз ёшларидан ҳам яхши фойдаланди; у, мақсадга эришиш ва вазифасини адо этиши учун керак бўлган жойда ноз ҳам қилди. У кечинаётган бутун ҳиссиётлари билан менга таъсир этиш учун ўз мослашмаларини ўзгартириб турди.

У бир мослашма ярамадими ёки жонга тегдими, иккинчисини, учинчисини, ниҳоят объектнинг юрагига етиб борадиган энг ишонарлисининг изига тушмоқ ниятида кўп уриниб кўрди.

Шароитга, даврга, ҳар бир одамга хос мослашма топа билиш керак.

Ишинг тентакка тушса, унинг фикр юритишига мослашиб ибораларнинг ва мослашмаларнинг, тентакнинг ақлига ва онгига тушунарли бўлган соддароқ шаклини қидириш керак бўлади.

Борди-ю, аксинча, муносабат объекти заковатли одам бўлса, у устомонликни тушуниб қолиб ва муносабатда бўлишдан бош тортмаслиги ва ҳоказолар учун эҳтиёткорлик билан хатти-ҳаракат қилишга, нозикроқ мослашмалар қидиришга тўғри келади.

Ижодга мослашмаларнинг роли қанчалик муҳим эканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, кўпгина артистлар ўрғача кучга эга бўлган кечинмаларда ёрқин мослашмалар туфайли «инсоннинг руҳий ҳаётини» кучли ва асосли ҳис этувчи, аммо хира мослашмага эга бўлган артистларга нисбатан кучли ва чуқурроқ акс эттирадилар.

Мослашмаларни ҳаммадан кўра болаларда кузатиш яхшидир. Катталарга нисбатан уларда аниқроқ намоён бўлади...

Масалан, менинг иккита жиянимни олиб кўрайлик: кичкина-си жуда ҳам шўх. Ўзини тиёлмайдиган қизча, илҳомнинг ўзгина-си деса бўлади. Ўзининг беҳад қувончини изҳор этмоқ учун унга ўпишнинг ўзи камлик қилади: бу унинг бахтиёр эканлигини тўла-тўкис кўрсатмайди, яна ҳам таъсирини кучайтириш учун унинг тишлаб олиши ҳам керак. Бу унинг ўзи сезмайдиган мослашма-дир. Бу унинг ихтиёридан ташқари бўлади. Мана шунинг учун ҳам ундаги қувонч айбдори оғриқдан додлаб юборганида қизча ҳайрон қолади ва ундан қачон «тишлаб» олдим деб сўрайди.

Мана бу беихтиёрий мослашма намунасиدير.

Каттаси бўлса, аксинча, ўз мослашмаларининг тамомила онг-ли, ўйлаб танлайди. У ўз ҳурмати ёки миннатдорлигини турли одамларга, уларга бўлган ҳурматига ва ўзига қилинган яхши-ликнинг аҳамиятига қараб изҳор этади. Лекин бу хилдаги мос-лашмаларни тамомила онгли деб атаб бўлмайди, сабаби қуйи-дагилардан иборат.

Мослашмаларнинг яратилиш процессида мен икки моментни қайд қилиб ўтаман: 1) мослашмани танлаш ва 2) уни бажариш. Тўғри, жияним ўз мослашмаларини танлаб олади. Лекин у мос-лашмаларни кўп одамлар сингари, кўп жиҳатдан беихтиёр ра-вишда бажаради. Бундай мослашмаларни мен ярим ихтиёрий мослашмалар деб атайман.

– Тамомила онгли мослашмалар ҳам бўладими? – деб қизи-қиб сўрадим мен.

– Албатта бўлади, бироқ... мен кундалик ҳаётдан мосла-маларнинг танланиши ҳам, бажарилиши ҳам етарли даража-да онгли равишда бўлганда мен уларни пайқамай қоламан.

Фақат саҳнада, беихтиёр муносабатга тўла имконият очили-ши лозим бўлган ерда, мен лаҳза сайин онгли мослашмаларга дуч келаман.

Актёрлик штамплари шулардан иборатдир.

– Нега сиз саҳнада беихтиёр бўладиган муносабатга тў-ла имконият яратиб қўйилган дейсиз? – деб билиб олмоқчи бўлдим мен.

– Чунки кўпчилик олдида ижод қилишда кучли, қайтариб бўлмайдиган таъсир этиш усуллари керак бўлади. органик, бе-ихтиёр мослашмаларнинг кўпчилиги шундайлар қаторига ки-ради. Улар ёрқин, ишонарли, самимий ва таъсирчандирлар. Ундан ташқари, фақат шундай органик мослашмалар ёрдами

билангина саҳнадан туриб минг кишилик оммага туйғуларнинг сезилар-сезилмас нозиклигини кўрсатиш мумкин. Улкан классик образларнинг мураккаб психологияси учун бу хилдаги мослашмалар зўр аҳамиятга эгадир, уларни яратиш ва кўрсатишда беихтиёр органик табиатимизгина уддасидан чиқа олади. Бундай мослашмаларни на ақл ва на актёрлик техникаси ёрдами билан ясаб бўлади. Улар туйғунинг табиий суратдаги кўтарилиш моментларида ўзича туғилади.

Саҳнада беихтиёр бажарилган мослашмалар қандай жилваланади? Улар муносабатдаги шахсларни қанчалик маҳлиё қилиб томошабинни ўзига ром этади! Уларнинг кучи тасодифлиги, жасурлиги ва дадиллигидадир.

Артистнинг саҳнадаги ўйинини, қилаётган ишларини, хатти-ҳаракатларини кузатиб туриб, у фалон жойда ўз репликасини қаттиқ, аниқ, жиддий қилиб гапиришини олдиндан билиб олиш мумкин. Аммо тўсатдан, кутилмаган бир пайтда у репликасини ҳазиломуз, шўх, паст овозда гапиради ва бу билан ўз ҳиссиётининг оригиналлигини кўрсатади. Бу тасодиф кишини эсанкиратиб қўяди ва ролянинг бу ерини шундай талқин қилиш бирдан-бир тўғри талқин бўлиб кўринади. Томошабин, кутилмаган мосламадан завқланиб: «Бу ерда бундай маъно ётганлигини нега фаҳмламаган эканман?!» деб ҳайрон бўлади.

Биз бундай кутилмаган мослашмаларни катта истеъдод соҳибларида учратамиз. Талантли одамларда ҳам бу ҳол ҳадеб учрайвермайди, фақат илҳом пайтларида келади. Ярим онгли мослашмаларга келсак, уларни саҳнада деярли кўп учратиб турамиз.

Мен уларнинг беихтиёрий даражасини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишни ўз зиммамга олмоқчи эмасман.

Фақат шуни айтмоқчиманки, бундай беихтиёрийликнинг энг кичик қисми ҳам саҳнада туйғу ифодаланаётган ва кўрсатилаётганда унга жон бахш этади.

– Демак, – дедим мен бир хулосага келмоқчи бўлиб, – сиз саҳнада онгли мослашмаларни мутлақо тан олмас экансиз-да?

– Режиссёр, актёрлар, ўтган-кетган маслаҳатгўйлар айтсагина тан оламан. Бироқ бундай онгли мослашмалардан жуда эҳтиётлик ва донолик билан фойдаланмоқ лозим.

Улардан шундай, учраган ҳолида фойдалана кўрманг. Уларни тўғридан-тўғри қайтаришга йўл қўйманг! Ўзгаларнинг мос-



лашмаларини ўзлаштириб олишни ва шахсан ўзингни, ўзинг-га яқин қила билишни, у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишни ўрганиш керак. Бунинг учун катта иш қилиш керак, унга янги берилган шарт-шароитлар, киркиklar ва ҳоказолар лозим.

Артист ўз роли учун типик мослашмаларни ҳаётдан олиб, уни ўзига ва яратаётган образига сингдириб юбормоқчи бўлган ҳолларида ҳам худди шундай иш тутмоғи лозим. Бу ҳолда ҳам олдий кўчирмачиликдан қочинг, у актёрни ҳамиша сунъий ўйнашга ва санъатни ҳунар деб қарашга олиб келади.

Борди-ю, сиз онгли мослашмаларни топган бўлсангиз, уни психотехника ёрдами билан жонлантиринг, бу ҳол бир қадар бўлса-да беихтиёрлик бахш этади.

...19 ..й.

– Вьюнцов, мен билан саҳнага чиқинг, бир марта ўйнаган этюднинг бошқа вариантини ўйнаймиз, – деб буюрди Аркадий Николаевич.

Йигитча чаққонлик билан саҳнага чиқди, унинг кетидан Аркадий Николаевич ҳам шошилмай чиқар экан:

– Мен ҳозир, Вьюнцовни ёлғондан ишга солиб қўяман! – деб шивирлади. – Шундай қилиб, сиз қандай йўл билан бўлмасин, дарсдан вақтлроқ кетишингиз керак! Бу асосий, энг муҳим вазифангиздир. Шуни бажаринг.

Торцов столга ўтириб, ўз иши билан машғул бўлди: чўнтагидан қандайдир хатни олиб, фикри-зикри билан ўқишга киришиб кетди. Унинг партнёри, диққатини бир жойга тўплаган ҳолда, Аркадий Николаевичга таъсир қилмоқ ёки алдамоқ учун унинг ёнида ғалати мослашмани ўйламоқда эди.

Вьюнцов ҳар турли устомонликларни қилиб кўрди, лекин Торцов, худди атайлаб қилгандай, унга аҳамият бермас эди. Дарсдан қочиб кетмоқ учун серғайрат йигитча нима ишларни кўрсатмади. У ғамгин чеҳра билан узоқ вақт, қимир этмай ўтирди (Агар Аркадий Николаевич унинг юзига қараса борми, ҳойнаҳой раҳми келган бўларди). Кейин бирданига ўрнидан турди ва шошилиб кулисалар орқасига чиқиб кетди. У ерда бир оз тургач, саҳнага касал, дармонсиз бир ҳолда кириб совуқ терларини арта-арта Аркадий Николаевичнинг яқинидаги стулга хомуш ўтирди. Аркадий Николаевич эса ҳануз унга аҳамият бермас эди.

Вьюнцов ҳаққоний ўйнади, ҳаммамиз томоша залидан унинг ўйинини маъқулладик.

Сўнгра у ҳолдан тойганидан ўлай деб қолди: нафаси хириллаб, аъзойи-бадани чангак бўлиб қолди; у ҳатто стулдан полга йиқилиб тушди, буни жуда ошириб юборганидан биз кулиб юбордик. Бироқ Аркадий Николаевич ҳамон эътибор қилмади. Вьюнцов янги мослашмани ўйлаб топганди, кулги яна ҳам кучайди.

Лекин Аркадий Николаевич бу сафар ҳам унга аҳамият бермади. Вьюнцов сунъийликни яна ҳам оширганди, томоша залида қаттиқроқ кула бошлашди. Бу йигитчани яна ҳам янги-янги кулгили мослашмаларга бошлади, пировардида клоунада даражасига етди ва томоша залида қаттиқ кулги кўтарилди.

Торцов худди шуни кутиб ўтирган эди.

– Ҳозир нима бўлганига тушундингизми? – Бизга мурожаат қилди у, ҳамма кулгидан тўхтаганидан сўнг. – Вьюнцовнинг асосий вазифаси дарсдан қочиб кетиш эди. Унинг бутун хатти-ҳаракатлари, сўзлари, менинг диедатимни ўзига тортиш ва раҳимимни келтириш учун ўзини касалликка солишга уриниб кўришлари мослашмалар эди, холос, уларнинг ёрдами билан асосий вазифа бажарилар эди. Вьюнцов бошлаб тўғри хатти-ҳаракат қилди ва бу хатти-ҳаракатлари мақсадга мувофиқ эди. Лекин чатоқ бир ҳодиса юз берди: у томоша залидаги кулгини эшитиши биланоқ, дарров объектни ўзгартириб, унга аҳамият бермаётган менга мосланишмай, балки ўзининг масхарабозликларини маъқулладган сизларга мослашди.

Унда томошабинларни кулдиришдек бутунлай бўлак вазифа пайдо бўлиб қолди. Аммо буни қандай асослаб бўлади? Берилган шарт-шароитларни қаердан топмоқ керак? Уларга қандай қилиб ишонмоқ ва қандай қилиб уларни кечинмоқ керак? Буни фақат актёрчасига сунъий ўйнаш мумкин эди. Вьюнцов ҳам худди шундай қилди. Мана шунинг учун ҳам четга чиқиб кетди.

Шу иш рўй бериши биланоқ, чинакам инсоний кечинма таққа тўхтаб, актёрларча ҳунармандлик бошланди. Асосий вазифа Вьюнцов яхши кўрган бир қатор қилиқларга ва масхарабозликка айланиб кетди.

Шу лаҳзадан бошлаб мослашмалар мақсадга айланиб, ўзларига тегишли бўлган ўйинни эмас, балки асосий (мослашма мослашма учун бўлиб қолди) ўринни эгаллади.

Бу хилдаги четга чиқишлар сахнада тез-тез учраб туради. Мен жуда ажойиб, аниқ мослашмаларга эга бўлган жуда кўп актёрларни биламан, улар мослашмалардан муносабат процессига ёрдам бериш учун эмас, балки сахнада мослашмаларни ўзини кўрсатиш ва улар билан томошабинларни кулдириш учун фойдаланадилар. Улар, Вьонцовга ўхшаб, мослашмаларни алоҳида қилиқларга, дивертисмент номерига айлантирадилар. Айрим моментларнинг муваффақияти бу хилдаги артистларнинг бошини айлантириб қўяди. Улар қаҳ-қаҳалар, қарсақлар ва сўзлар, хатти-ҳаракатларнинг айрим моментлари деб ролни ҳам қурбон қиладилар. Ҳозир айтганларим пьесага алоқадор нарсалар эмас. Мослашмалардан бундай фойдаланишда хатти-ҳаракатларнинг маъноси йўқолади ва кераксиз бўлиб қолади.

Кўриб турибсизки, яхши мослашмалар ҳам артистлар учун хавфли, йўлдан урувчилар бўлиб қолиши мумкин экан. Бунинг учун жуда кўп сабаблар бор. Шундай роллар ҳам борки, улар артистни ҳадеб тўғри йўлдан тойдираверади. Мана, мисол учун, Островскийнинг «Ҳар тўкисда бир айб» деган пьесасида мўйсафид Мамаевнинг роли бор. Унинг ҳаммага ақл ўргатишдан бошқа иши йўқ; бутун пьеса давомида дуч келган одамга маслаҳат бергани-берган. Беш парда давомида фақат бир вазифани бажариш – нуқул насихат қилиш, партнёрлар билан ҳадеб бир хилдаги туйғу ва фикрлар билан муносабатда бўлиш осон эмас. Бундай шароитларда бир қолипга тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бундан қочиш учун Мамаев ролини ижро этувчиларнинг кўпчилиги ўз эътиборларини мослашмаларга кўчирадилар ва бир хилдаги вазифани (нуқул насихат қилишни) бажаришда ҳар дақиқа уларни ўзгартирадилар. Мослашмаларнинг доимий, тўхтовсиз ўзгариб туриши учун ролга ранг-баранглик беради. Турган гап, бу яхши ҳол. Шуниси ёмонки, мослашмалар аста-секин актёрнинг асосий ва бирдан-бир мақсадига айланиб қолади.

Агар шу лаҳзаларда бундай актёрларнинг ички кечинмалари диққат билан кузатиб чиқилса, улар ролининг партитураси қуйидаги вазифалардан ҳосил топган бўлади: қаттиққўл бўлишни истайман (ўз мақсадига қатъий мослашмаси билан етишиш ўрнига) ёки меҳрибон, қатъий ва чўрткесар бўлишни истайман (вазифани меҳрибонлик, қатъий ва чўрткесарлик мослашмалари ёрдами билан ҳал қилишни ишташ ўрнига).

Аммо, қаттиқ қўл бўлиш учун – қаттиқ қўл бўлиш, меҳрибонлик учун – меҳрибон бўлиш, чўрткесарлик учун – чўрткесар бўлиш керак эмаслигини биласизлар.

Бу ҳолларда мослашмалар мустақил мақсадга айланиб қолади, бу Мамаев ролининг асосий вазифасини (нуқул насиҳат қилишни) сиқиб чиқаради.

Бу ҳол мослашмаларнинг ўзини сунъий ўйнашга ҳамда вазифадан ва ҳатто объектнинг ўзидан ҳам четга чиқишга олиб келади. Шунинг билан бирга, жонли инсоний туйғу ва чинакам хатти-ҳаракат йўқолиб, актёрчасига хатти-ҳаракат бошланади. Маълумки, актёрчасига хатти-ҳаракат қилишнинг типик хусусияти ҳаммадан аввал, саҳнада роли бўйича муносабат қилиши лозим бўлган объекти – партнёр турган ҳолда, ўзига томоша залидан бошқа объектни яратади ва унга мослашади.

Керакли объект билан бундай ташқи муносабатда бўлиб, бошқасига мослашиш бўлмағур ҳолларга олиб келади.

Ўз фикримни мисол билан тушунтириб берай.

Фараз қилинг, сиз катта бинонинг юқори қаватида яшайсиз, рўпарангизда эса сизнинг севган қизингиз яшайди. Унга ўз туйғуларингизни қандай айта оласиз? Ўпиш ишорасини қиласизми, қўлингизни юрагингиз устига кўясизми, тоқатсизлик, ғамгинлик, соғинишни англатасизми, балет мелодрамаси ёрдами билан унинг олдига боришнинг иложи борлигини сўрайсизми? Бу барча ташқи мослашмаларни аниқроқ, кўринарлироқ қилишингиз керак, акс ҳолда у ердаги – рўпарадаги ҳеч нарса тушунмайди.

Мана фавқулодда қулай имконият пайдо бўлди: кўчада ҳеч ким кўринмайди, қиз эса дераза олдида ёлғиз турибди, бошқа уйларнинг деразалари ёпиқ... Севги изҳор қилишингизга ҳеч ким ҳалақит бермайди. Сизларни ажратиб турган масофани енгиш учун овозни баланд қилишга тўғри келади.

Севгингизни мана шу йўсинда изҳор қилганингиздан кейин пастга тушасиз ва уни жоҳил онаси билан қўлтиқлашиб кетаётган ҳолда учратасиз. Уни севишингизни айтиш ёки учрашувга келишини илтимос қилиш учун фурсатдан қандай фойдаланса бўлади?

Учрашув шароитига қараб, қўлнинг ёки фақат кўзларнинг билинар-билинимас, лекин ифодали ҳаракатига мурожаат қилишга тўғри келади. Борди-ю, бир неча оғиз сўз айтиш керак бўлса, унинг қулоғига шивирлаб айтишга тўғри келади.

Сиз шу ишларни энди қилмоқчи бўлиб турган эдингизки, бирданига кўчанинг у томонидан ёмон кўрган рақибингиз чиқиб қолди. Миянгишга қон қуйилиб, ўзингизни идора қилишга кучингиз етмай қолди. Унинг олдида ўз ғалабангиз билан мақтаниш хоҳиши шу қадар кучли бўлдики, қиз онасининг шу ердалигини ҳам унутиб, овозингизнинг борича севги изҳор қиласиз ва балетнамо ҳаракатларни бажарасиз, бу ҳаракатдан олисдан гаплашганингизда фойдаланган эдингиз. Энди бўлса буларнинг ҳаммаси рақиб учун бажарилди. Шўрлик қиз! Сизнинг бу бўлмағур қилингиз туйайли онаси қизининг роса адабини берди.

Нормал одам учун кулгили бўлган худди шундай бемаъни қилиқларни кўпчилик артистлар саҳнада қилаверишади, уларни ҳеч ким уришмайди ҳам.

Бундайлар пьесадаги партнёри билан ёнма-ён туриб, мимикалар, ҳаракатлар ва хатти-ҳаракатлар қилади аммо, саҳнада у билан яқиндан муносабат қилаётган артистлар билан мослашмай, партернинг охириги қаторидагилар билан мослашади. Қисқа қилиб айтганда, партнёрнинг ёнида туриб унга эмас, балки партер орқали томошабинга мослашадилар. Бундан сохталик келиб чиқади, унга на ўйновчининг ўзи ва на томошабин ишонди.

– Мени кечиринг, – деб норозилик билдирди Говорков, – ахир мен, биласизми, актёр овози эшитиладиган ерга, партернинг биринчи қаторига пул тўлашга қурби етмайдиган томошабин ҳақида ҳам ўйлашим керак-да.

– Даставвал сиз партнёрингиз ҳақида ўйлашингиз ва унга мослашингиз лозим, – деб жавоб берди Аркадий Николаевич. – Партернинг охириги қаторида ўтирувчилар масаласига келганимизда, улар учун саҳнада алоҳида гапириш услуби бор: овоз устида ишлаш, нафас олиш, нафас чиқариш, унли ва айниқса, унсиз товушларни талаффуз этишни ўрганиш лозим. Бундай дикция билан хона ичида гапиргандай секин гапирсангиз ҳам, овозингиз бақирганингизга нисбатан яхшироқ эшитилади, айниқса бунинг устига томошабинни гапларингиз мазмунига қизиқтиролсангиз ва сўзларингизнинг маъносига тушунишга мажбур қилсангиз яна ҳам соз бўлади. Секин овозни талаб қилган самимий сўзлар актёрларча бақаришда ўз ички маъносини йўқотади ва томошабин маъносиз гапларни тушунишга уринмайди.

– Мени кечиринг-ку, лекин шунда ҳам биласизми, томоша-бин саҳнада рўй бераётган воқеани кўрмоғи керак-ку, – деб бўш келмади Говорков.

– Бунинг учун ҳам мустақкам, аниқ, изчил, мантиқли хатти-ҳаракат мавжуддир, айниқса, агар сиз у билан томоша қилаётганларни қизиқтира олсангиз, борди-ю, сиз уларни саҳнада қилаётган ишингизни тушунишга мажбур қилолсангиз дуруст бўлади, лекин актёр, ички мазмунга хилоф равишда бекордан-бекор қўлларини қимирлата берса ва турли позаларни олаверса, гарчи улар жуда чиройли бўлганида ҳам, бунга узоқ қараб ўтиролмайсан, чунки биринчидан, бунинг на томошабинга, на пьесанинг гавдалантираётган шахсига кераги бор. Иккинчидан, бундай ҳаракатлар ҳадеб қайтарилса берса меъдага тегади. Бир нарсани ҳадеб кўравериш зерикарлидир. Буни айтишимдан мақсад, саҳнада ва кўпчилик олдида ўйнаганда табиий, чинакам, инсоний характердан узоқлаштириб шартли, ғайри табиий, актёрлик мослашмаларига олиб боришини тушунтиришдир. Аммо бундай нарсаларни барча чоралар билан саҳнадан ва театрдан аёвсиз қувмоқ керак.

...19 ...й.

– Биз энди мослашмаларнинг пайдо бўлиши ва очилишининг техника усуллари масаласига ўтамиз, – деб эълон қилди Аркадий Николаевич синфга киргач.

Бу баёноти билан у бугунги дарснинг дастурини аниқлаб берди.

– Беихтиёрий мослашмалардан бошлайман.

Афсуски, беихтиёрийлик соҳасида бевосита йўллар йўқ, шунинг учун билвосита йўллардан фойдаланишга тўғри келади. Лекин кечинма процессини қўзғатувчи кўпгина киркиклар мавжуд. Қаерда кечинма бор экан, у ерда муносабатнинг ҳам, онгли ёки беихтиёрий мослашмаларнинг ҳам пайдо бўлиши муқаррардир.

Ақлимиз етмайдиган соҳада нима ҳам қила олишимиз мумкин? Табиатга халақит бермаслигимиз, унинг табиий эҳтиёжларини бузмаслигимиз ва зўрламаслигимиз лозим. Ўзимизни шу даражадаги нормал, инсоний ҳолатга туширишга муяссар бўлар эканмиз, у ҳолда энг нозик, яширин туйғулар пайдо бўлади ва ижодий процесс ўз-ўзидан бажарилади. Бу илҳом моменти дир.

Бу пайти мослашмалар беихтиёр равишда туғилади ва тўлиб-тошиб, жилоланиб томошабин кўзини қамаштиради. Бу масала хусусида айтадиган гапларим ҳозир мана шулардан иборатдир.

Ярим онгли мослашмалар соҳасида биз бошқача вазиятдадирмиз: бу соҳада психотехника ёрдами билан баъзи бир ишларни бажарса бўлади, мен фақат «баъзи бир» дедим, чунки бу ерда ҳам катта имкониятларга эга эмасмиз. Мослашмаларни пайдо қилиш техникаси бой эмас.

Менда мослашмаларни қидиришнинг битта амалий усули бор. Уни мисолда тушунтириб бериш осонроқдир. Вельяминова! Бир неча кун илгари «пулни ёндириш» этюдини бажарганингизда турли мосланишлар ахтарар экансиз, ҳадеб бир хил сўзларни қайтара бергач, бу этюдни бекор қилишимни илтимос қилганингиз эсингиздами?

Ўша саҳнани этюд тариқасида ўйнаб кўринг, лекин эски, ишлатилган, ўз таъсирини йўқотган мослашмаларингиздан фойдаланманг, аксинча, онгли ёки беихтиёрий мослашмаларнинг янгисини, ҳали ишлатилмаганларини топинг.

Вельяминова буни бажаролмади ва учта-тўртта янгисини ҳисобга олмаганда, эскиларини, эскириб кетган мослашмаларни қайтарди.

Торцов Вельяминовани бир хилликда айблаган эди:

– Ҳадеб янги-янгиларини қаердан оламиз? – деб ҳайрон бўлдик биз.

Жавоб бериш ўрнига Торцов менга шундай деди:

– Сиз стенограф бир ва қарор ёзувчи котибимизсиз. Нимани айтсам, шуни ёза беринг.

Хотиржамлик, ҳаяжон, меҳрибонлик, киноя, майна қилиш, тирноқ остидан кир қидириш, таъна, инжиқлик, нафрат, умидсизлик, таҳдид, қувонч, мулойимлик, шубҳа, таажжуб, огоҳлан-тириш...

Аркадий Николаевич жуда кўп инсоний ҳолатлар, кайфиятлар, ҳиссиёт ва шу кабиларни санаб чиқди, улардан узундан-узун рўйхат тузилди.

– Шу қоғозга бармоғингизни қўйинг-да, – деди у Вельяминовага, – тўғри келган сўзни ўқинг. Шу сўзда айтилган ҳолат сизнинг янги мослашмангиз бўлсин.

Вельяминова буйруқни бажарди ва тўғри келган мулойимлик сўзини ўқиб берди.

– Бу янги бўёқни аввал фойдаланган мослашмаларингизнинг ўрнига қўйинг, бўлган ўзгаришни асослаб беринг, у ўйингизни янгилайди. – деб таклиф қилди Торцов.

Вельяминова асос ва мулойимлик учун оҳангни (тонни) осонгина топди. Аммо Пушкин унинг муваффақиятига путур етказди. Унинг йўғон овози ҳамма ёқни босиб кетди. Шунинг билан бирга унинг семиз гавдаси ва юзида меҳрибонлик аломати барқ урди.

Ҳамма кулиб юборди.

– Мана сизга худди ўша вазифани бажариш учун керакли янги бўёқнинг далили. – деб таъкидлади Аркадий Николаевич.

Вельяминова яна бармоғи билан рўйхатга қўл уриб тирноқ ичидан кир қидириш деган сўзни ўқиди. Хотинларга хос шилқимлик билан ишга киришган эди, бу галги унинг муваффақияти Говорков томонидан барбод қилинди. Айб топишга келганда Говорковга тенглашадигани йўқ.

– Мана усулимнинг ҳаққонийлигига яна бир янги далил, – деб яқун ясади Торцов.

Шундан сўнг бундай машқлар бошқа ўқувчилар билан қайтарилди.

– Сиз бу рўйхатни ҳар қандай инсоний ҳолатлар, кайфият билан тўлдирманг, уларнинг ҳаммаси, агар ичдан асосланган бўлса, мослашмаларнинг янги бўёқлари ва бўрттирилиши учун яроқли бўлиб чиқади. Мослашмалар соҳасидаги кескин контрастлар ва тасодифлар бошқаларга руҳий таъсир қилишда ёрдам беради. Ҳақиқатан ҳам: сиз қаттиқ таъсир қилган спектаклдан қайтиб келдингиз деб фараз қилайлик... Бунда актёрнинг ўйини жуда соз, ажойиб, тенги йўқ, юксак бўлди, дейишнинг ўзи камлик қилади. Бу эпитетлар сиз кечирган ҳиссиётни ифода қилолмайди. Сиз маъюс, ҳолдан тойган, чарчаган, ҳаяжонланган, қаттиқ умидсизланган бўлиб кўринишингиз керак бўлади. Сабаби мослашманинг кутилмаган бу бўёқлари билан ҳаддан ташқари завқланганингиз ва қувонганингизни кўрсатиш лозим бўлади. Бундай пайти ўзингизга шундай дейсиз: «Оббо хумпарлар-э, шунчалик ҳам яхши ўйнайдими!» ёки «Ҳаяжондан ўзингни аранг тутиб турасан-а!»

Бу усул драматик, трагик ва бўлак кечинмалар соҳасига тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам, мослашманинг бўёғини бўрттирмақ учун сиз энг фожиали дақиқада кулиб юбориб, ўзингизга худди



шундай дейишингиз мумкин: «Тақдир мени не кулфатларга солмади, бу қанчалик кулгили ҳол!» ёки «Бундай мушкулликдан кишининг йиғлаши эмас, кулгиси қистайди!»

Энди ўйлаб кўринглар: саҳнадаги беихтиёрйи ҳаётнинг сезилар-сезилмас нозик томонларига жавоб бермоқ учун артистнинг юзи, бадани ва товуш аппаратлари нақадар чаққон, ифодали, сезгир, интизомли бўлиши керак.

Мослашмалар муносабат вақтида артистнинг ифодалаш воситаларига энг юксак талабларини қўяди.

Бу ҳол, мимика ва овозимизни тегишли равишда тайёрлашга мажбур қилади. Бу ҳақда мен фақатгина мослашмаларни ўрганишга боғлиқ бўлгани учун эслатиб ўтяпман. Бу сизларни гимнастика, рақс, қиличбозлик, овоз постановкаси кабиларга онгли муносабатда бўлишингизни мустаҳкамласин.

\* \* \*

Дарс тугаб, Аркадий Николаевич кетмоқчи бўлиб турган эди, бирдан парда очилиб саҳнада ёқимли, байрамга хос безатилган «Малолеткованинг уйи» пайдо бўлди. Хонанинг ҳар ер-ҳар ерида катта-кичик шиорлар осиб қўйилган, уларда шундай ёзувлар бор эди:

1. Ички темпо-ритм.
2. Ички характерлилик.
3. Чидамлилик ва мукамаллик.
4. Ички ахлоқ ва интизом.
5. Саҳнавий жозиба ва ёқимлилик.
6. Мантиқ ва изчиллик.

– Шиорлар кўп, лекин улар ҳақида ҳозир узоқ гапириб ўтирмаймиз, – деди Аркадий Николаевич, меҳрибон Иван Платоновичнинг топган янги ўйинини кўздан кечирар экан. – Гап шундаки, биз ички ижодий процесс учун зарур бўлган қобилият, истеъдод, артистлик хусусиятлари элементларининг ҳаммасини ҳали кўриб чиқолганимизча йўқ. Яна бошқалари ҳам бор. Мен улар тўғрисида ҳозир ўз асосий методимни бузмаган ҳолда гапира оламанми: тажрибадан, кўрсатмадан, мисолдан ва хусусий ҳиссиётдан назарияга, унинг ижодий қонунларига ёндоша оламанми? Ҳақиқатан ҳам: ҳозир кўзга кўринмайдиган ички темпо-ритм ёки кўринмайдиган ички характерлилик ҳақида қандай қилиб гапириб бўлади? Ўз

фикрларимни қандай қилиб хатти-ҳаракатларда равшан кўрсатиб бера оламан?

Ундан кўра, дастурнинг ўша босқичини – кўзга кўринадиган ташқи темпо-ритмнинг ва кўзга кўринадиган ташқи характерликни ўтадиган пайтимизгача кутиб турсак яхшироқ бўлмасмикан?

Унда уларни кўрсатмали ташқи хатти-ҳаракатда ўрганиш ва бир вақтнинг ўзидаёқ ичдан сезиш мумкин.

Ундан кейин: мен ҳали пьеса ҳам, рол ҳам йўқ пайтда чидамлилиқ тўғрисида гапира оламанми, улар бундай чидамлилиқни саҳнадагина талаб қилиши мумкинми? Тугаллайдиган нарсамизнинг ўзи бўлмаган ҳолда мен мукамаллик тўғрисида гапира оламанми?

Кўпларингиз бир мартагина, у ҳам бўлса кўрик спектаклида саҳнага чиққансиз. Шундай бўлгач, ижод вақтида саҳнадаги бадиий ва бошқа ахлоқ ҳамда интизом тўғрисида қандай гапириш мумкин?

Ниҳоят, ҳали сизлар саҳнавий жозоба, ёқимлилиқ кучи ва таъсирини минглаб томошабинлар қаршисида синаб кўрмагансиз-ку, қандай қилиб улар ҳақида гапириб бўлади?

Мантиқ ва изчиллилиқ қолди.

Булар ҳақида бутун курс давомида шу қадар кўп гапирдимки, жонингизга тегиб ҳам кетган бўлса керак, деб ўйлайман. Мантиқ ва изчиллилиқ тўғрисидаги фикрларимни бутун бошли дастурга сингдирганим учун улар ҳақида кўп гапирдим ва келажакда яна ҳам кўпроқ гапираман.

– Улар тўғрисида қачон гапирдингиз? – деб сўради Вьюнцов.

– Қачон деганингиз нимаси?! – ҳайрон бўлди Аркадий Николаевич. – Ҳамма вақт, ўрни келган пайтлари: сеҳрли «агарда» ва берилган шарт-шароитлар билан шуғуланганимизда ҳам, тасаввур тўқимасида ҳам мантиқ ва изчилликни талаб қилдим, жисмоний хатти-ҳаракатларни бажаришда ҳам, мисол учун, буюмсиз, ўзи йўқ пулни санашда ҳам хатти-ҳаракатларда қатъий мантиқ ва изчилликка эришишга уриндим, объектларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришида ҳам. «Бранд» пьесасидан олган саҳнамаизни қисмларга бўлганимизда ҳам, улардан вазифани келтириб чиқаришда ҳам, уларга ном беришда ҳам мантиқ ва изчилликни қатъий талаб қилган эдим. Бу нарса барча киркиклардан

фойдаланганда ҳам ва ҳоказо ва ҳоказоларда ҳам қайтарилган эди.

Сизларга мантиқ ва изчиллик бўйича ҳозирчалик айтишим керак бўлган гапларнинг ҳаммасини айтганга ўхшайман.

Қолганлари курс давомида бўлак-бўлак қилиб айтилади. Энди ҳамма гапни гапириб бўлганимиздан кейин, мантиқ ва изчиллик учун программанинг алоҳида бўлимини яратишнинг ҳожати бор-микан?

Мен амалий йўлдан чиқиб кетишдан ва дарсларимни назария билан зерикарли қилиб қўйишдан қўрқаман.

Мана шу сабаблар туфайли мен йўл-йўлакай, ҳали кўриб чиқилмаган, ижод учун зарур бўлган элементлар, қобилиятлар, истеъдодлар ва артистлик хусусиятлари тўғрисида гапиришга мажбур бўлдим. Иван Платонович элементлар дастасини тўлдириш учун тушириб қолдирилганларини эслатиб ўтди. Вақти келиб, ишимизнинг ўзи ҳали гапирилмаган масалаларга олиб бориб тақаб қўйганда, биз ҳозирчалик тушириб қолдирган элементларни амалий синаб кўрамиз ва ҳис этамиз, кейинчалик эса уларнинг ҳар бирини назарий жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўрамиз.

Ҳозирчалик айтишим мумкин бўлган гаплар мана шулардан иборат. Бу санаб чиқиш билан ижодий иш учун зарур бўлган ички элементларни, қобилиятларни, истеъдодларни ва артистлик хусусиятларини ўрганишдаги узундан-узоқ ишимизни тугатамиз.<sup>47</sup>

Аркадий Николаевич:

– Энди, ўз элементларимизни, қобилиятимизни, хусусиятларимизни, психотехника усулларимизни кўриб чиққанамиздан сўнг ўз ички ижодий аппаратимизни тайёр десак бўлади. Булар бизнинг қўшинларимиздир, улар билан ҳарбий ҳаракатларни бошлайверсак бўлади. – деди.

Уларни урушга бошлайдиган саркардалар керак. У саркардалар кимлар?

– Биз ўзимиз. – дейишди ўқувчилар.

– «Биз» деганингиз кимлар? Бу номаълум зот қаерда?

– Бу бизнинг тасаввуримиз, диққатимиз, туйғумиз. – деб санай бошлашди ўқувчилар.

– Туйғу! Бу энг асосийларнинг асосийсидир! – деди Вьюнцов хулоса қилиб.

– Фикрингизга қўшиламан. Ролни ҳис қилишингиз билан маънавий кучлар шу ондаёқ шай бўлиб туради.

Шундай қилиб, биринчи ва асосий саркарда, ижоднинг ташаббускори ҳамда ҳаракатлантирувчиси топилди. Бу туйғудир, – деб, эътироф қилди Аркадий Николаевич, аммо шу заҳотиёқ қўшиб қўйди. – Ҳамма бало шундаки, у гапга киравермайди ва буйруқни ёқтирмайди. Буни сиз тажрибадан биласиз. Мана шунинг учун агар туйғу ижодга ўз-ўзидан, ихтиёр киришмаса, ишни бошлаш мумкин эмас, ёрдам сўраб бошқа саркардага мурожаат қилмоқ лозим. Бу «бошқа» деганимиз ким бўлди?

– Тасаввур! Усиз... ҳеч нарса чиқмайди! – деди Вьюнцов қатъий.

– Шундай экан, бирор нарсани тасаввур қилинг ва бутун ижодий аппаратингиз ҳаракатга келсин.

– Нимани тасаввур қилай?

– Билмайман.

– Вазифа, сеҳрли «агарда» керак, шундай нарса керакки, у... – деди Вьюнцов.

– Уларни қаердан оламиз?

– Ақл-идрокимиз айтади, тушуняпсизми, – деди Говорков.

– Агар ақл айтиб берадиган бўлса, – унинг ўзи ўша биз қидирган саркарда, ташаббускор, ҳаракатлантирувчи бўлади-қўяди. Ўзи бошлайди ва ўзи ижодни йўлга солади.

– Демак, тасаввур саркарда бўлолмас экан-да? – суриштирдим мен.

– Кўриб турибсизки, унинг ўзи ташаббусга ва раҳбарликка муҳтождир.

– Диққат, – деди Вьюнцов.

– Диққатни ҳам кўриб чиқайлик. Унинг вазифалари нимадан иборат?

– У туйғуга, ақлга, тасаввурга, иродага кўмаклашади, – санаб чиқишди ўқувчилар.

– Диққат, худди рефлектор сингари ўз нурларини танлаган объектига юборади ва у билан онгни, туйғуни, истакларни қизиқтириб қўяди. – тушунтирдим мен.

– Бу объектни унга ким кўрсатади? – сўради Торцов.

– Ақл.

– Тасаввур.

– Берилган шарт-шароитлар.

– Вазифалар, – эсладик бизлар.

– Демак, ўшалар саркарда, ташаббускор, ҳаракатлантирувчилар, ишни бошловчи ҳисобланадилар; улар объектни кўрсатиб берадилар. диққат эса бу ишни бир ўзи қилишга қодир эмас экан, ёрдам бериш билан кифояланади.

– Хўп, диққат саркарда бўлолмас экан. У ҳолда саркарда ким? – тагига етмоқчи бўлдим.

– Жинни билан бўлган этюдни ўйнаб беринглар, ўшанда ким ташаббускор, ҳаракатлантирувчи ва саркарда эканлигини ўзларингиз билиб оласизлар.

Ўқувчилар бир-бирларига қараб жим туришарди. Ўринларидан туришга ботинишмас эди. Ниҳоят, ҳаммалари бирин-кетин ўринларидан турдилар-да, истар-истамас саҳна томон юрдилар. Аркадий Николаевич уларни тўхтатди:

– Ўзларингизни қўлга олганингиз яхши бўлди. Бу сизларда ҳар ҳолда ирода борлигидан далолат беради. Аммо...

– Демак, саркарда ирода экан-да! – шу заҳотиёқ ҳукм чиқарди Вьюнцов.

-- Аммо... сизлар саҳнага, ирода ҳукми билан эмас, балки унга қарши, худди ўлимга маҳкум этилган кишилар сингари

чиқдинглар. Бу – ижод яратмайди. Ички совуқлик туйғуни қизитмайди. туйғусиз эса кечинма ҳам, санъат ҳам йўқ. Борди-ю, ҳаммангиз ўзингизга хос бўлган артистлик эҳтироси билан, саҳнага отилиб чиқсангиз эди, унда ирода ҳақида, ижодий ирода ҳақида гапирса бўларди.

– Биласизми буни, ҳамманинг кўнглига урган жинни билан бўлган этюдда чиқаришнинг сира иложи йўқ, – тўнғиллади Говорков.

– Майли, шунга қарамай, бир уриниб кўраман! Сизлар жинни катта эшикдан киради, деб кутиб ўтирганингизда, жинни орқа эшик томонга ўтиб олиб, ўша ердан киришга зўр беряпти? Шунни сиз биласизми? У ердаги эшик жуда эски. Ошиқ-машуғи ҳам зўрға илиниб турибди. борди-ю ундан суғуриб олса, ҳолингизга вой! Янги шарт-шароитда қандай чора қўллайсизлар? – савол ташлади Аркадий Николаевич.

Ўқувчилар ўйланиб қолдилар. диққат-эътиборини бир жойга тўпладилар. ҳамма ниманингдир мулоҳазасини қиларди. ниманидир ўйлаб топар. ниҳоят, иккинчи баррикада қуришга қарор қилдилар.

Шовқин-сурон. ғовур-ғувур кўтарилди. Ёшлар қизишиб кетишди. кўзлари чақнади, юраклар қаттиқроқ ура бошлади. Хуллас, ҳозир жонимизга теккан шу этюдни биринчи марта ўйнаганимизда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам деярли ўшанинг ўзи қайтарилди.

– Шундай қилиб, мен сизларга жинни билан бўлган этюдни қайтаришингизни таклиф қилдим; сиз ўзингизни, иродангизга қарши саҳнага чиқишга ва айтайлик, ўзингизда инсоний иродани кўзғатишга мажбур қилиб кўрдингиз. аммо ролдан ҳаяжонланишингизга зўравонлик ёрдам беролмади. Шунда мен сизларга янги «агарда» усулини ва берилган шарт-шароитларни айтиб бердим. Уларга асосланиб, сиз ўз олдингизга янги вазифа қўйдингиз, ундан янги истаklarни (иродани) ундаб чиқардингиз. бироқ бу сафар оддий эмас, балки ижодий истаklar яратдингиз. Ҳамма ишга жон-дили билан киришди. Биринчи бўлиб жангга отланган ва ўз орқасидан бутун кўшинни эргаштириб кетган саркарда ким бўлиб чиқди? – деган савол туғилади.

– Сиз ўзингиз! – ҳукм чиқарди ўқувчилар.

– Тўғрироғи, менинг ақлим! – тўғрилади Аркадий Николаевич. – Аммо сизнинг ақлингиз ҳам худди шу ишни қилмо-

ғи ва ижодий процесда саркардага айланмоғи мумкин эди. Де-мак, иккинчи саркарда ҳам топилди. Бу ақл (идрок)дир.

Энди ахтариб кўрайлик-чи, учинчи саркарда йўқмикан? Ҳамма элементларни кўриб чиқайлик-чи.

Балки бу ҳақиқат туйғуси ва унга бўлган ишончдир? Борди-ю, шундай бўлса, у ҳолда – ишонинг, туйғу ҳаяжонга келганда бўлгани каби, ҳозир ҳам бутун ижодий аппарат бирданига ишлар кетсин.

– Нимага ишонайлик? – сўрашди ўқувчилар.

– Мен қайдан билай? Бу сизнинг ишингиз.

– Даставвал «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратмоқ керак, ана шундан кейингина унга ишанса бўлади. – деди Паша.

– Бундан чиқдики, ҳақиқат туйғуси ва унга бўлган ишонч, биз ахтарган саркарда эмас экан-да. Шундай экан, балки, бу – муносабат ва мослашмадир? – сўради Аркадий Николаевич.

– Муносабатда бўлмоқ учун, ҳаммадан бурун, бировга бериш мумкин бўлган туйғу ва фикрларни яратмоқ лозим.

– Тўғри. Демак, улар ҳам саркарда эмас эканлар.

– Бўлақлар ва вазифалар!

– Гап уларда эмас, гап вазифаларни яратувчи жонли истақлар ва ироданинг интилишларидадир. – тушунтирди Аркадий Николаевич. – Борди-ю, мана шу истақлар ва ироданинг интилишлари артистнинг бутун ижодий апаратини кўзғата олса ва саҳнада унинг психик ҳаётини бошқара олса, у ҳолда...

– Албатта, бошқара оладилар!

– Ундай бўлса, учинчи саркарда ҳам топилди. Бу – иродадир.

– Шундай қилиб, маълум бўлдики, учта саркардага эга эканмиз. Аркадий Николаевич рўпарамизда осилиб турган плакатга ишора қилди ва ундаги ёзувни ўқиди:

А Қ Л, ИРОДА ВА ТУЙҒУ. Шулар бизнинг «психик ҳаётимизни ҳаракат қилдирувчилардир».

Дарс тугади; ўқувчилар тарқала бошлади, лекин бирдан Говорков тортиша кетди.

– Кечирасиз, нега шу вақтгача сиз бизларга ижодда ақл ва ироданинг мавқеи ҳақида гапирмай, унинг ўрнига туйғу тўғрисида гапиравериб, қулоқ-миямизни едингиз!

– Сизнингча, мен психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг ҳар бири тўғрисида бор гапни батафсил гапириб чиқишим керакмиди? Шундайми? – деб сўради Торцов тушунолмади.

– Йўқ, нега энди бор гапни бўлсин, – эътироз билдирди Говорков.

– Бўлмаса қандай қилмоқ керак? Триумвиратнинг\* аъзолари ажралмасдир. чунки биринчиси ҳақида гап юритарканмиз, беихтиёр иккинчиси, учинчиси ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади; иккинчиси ҳақида сўз борар экан, биринчи ва учинчисини эслаб ўтасан, учинчисини гапира туриб биринчи иккитаси тўғрисида ўйлайсан. Бир нарс ҳақидаги қайтариқ гапларни тинглармидинглар, ахир?

Чиндан ҳам: фараз қилинглар, мен сизга ижодий вазифалар, уларнинг бўлакларга бўлиниши, танланиши ва уларнинг номи ҳамда шу кабилар тўғрисида гапираман. Ахир бу ишда туйғу қатнашмайдами?

– Турган гап, қатнашади! – деб қўшилишди қолган ўқувчилар.

– Ахир ирода вазифаларга ётми? – яна сўради Аркадий Николаевич.

– Йўқ, ёт эмас, аксинча, уларга бевосита алоқадордир. – деган қарорга келдик биз.

– Шундай экан, вазифалар ҳақида гапирганимда туйғум тўғрисида гапирган гапларимнинг ҳаммасини қайтаришимга тўғри келарди.

– Вазифани яратаётганда ақл қатнашмайдами, ахир!

– Бўлишда қандай қатнашса, уларга ном бериш процессида ҳам шундай қатнашади. – дейишди ўқувчилар.

– Шундай экан, вазифалар ҳақидаги бир хил гапларни учинчи марта гапиришимга тўғри келарди. Сизларнинг сабр-тоқатингизни аяганим, вақтингизни бекорга исроф қилмаганим учун мендан миннатдор бўлишларингиз керак.

---

\*Қадимги Римда уч киши биргаликда бошқарган давлат: уч кишининг бирлашиб иш тутиши.



Шунга қарамай, Говорковнинг таъналарида жон бор эди. Ҳа, мен туйғули ижодга кўпроқ тўхталаман, буни жўрттага қиляпман, чунки санъатнинг бошқа оқимлари туйғуни тез-тез унутиб қўядилар. Бизда фақат ақлга таяниб иш кўрувчи, қуруқ мулоҳаза қилувчи актёрлар ва саҳна асарлари жуда кўп! Ва айни вақтда чинакам, жонли туйғули ижод жуда камдан-кам учрайди. Шунларнинг бари мени туйғуга, ақлга бир оз халал етса ҳам, икки барабар кўп эътибор беришга мажбур қилади.

Театримизнинг кўп йиллик ижодий ишида биз, унинг артистлари, ақлни, иродани ва туйғуни психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар дейишга ўрганиб қолганмиз. Бу фикр онгимизга қаттиқ ўрнашиб қолган, бизнинг психотехник усулларимиз шунга мослашган. Аммо кейинги пайтларда фан психик ҳаётнинг ҳаракатлантирувчилари деган тушунчага муҳим ўзгаришлар киритди. Бунга биз, саҳна артистлари, қандай қараймиз? Бу бизнинг психотехникамизга қандай ўзгаришлар киритади? Бу ҳақда бугун сизларга айтиб улгуролмайман. Шунинг учун бу гапни келгуси дарсга қолдирамиз.

...19 ...й.

Бугун Аркадий Николаевич психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг янги илмий таърифи ҳақида гапирди.

**ТАСАВВУР ЭТИШ, ФИКР ЮРИТИШ ВА ИРОДА-ТУЙҒУ<sup>48</sup>** плакатдаги иккинчи ёзувни ўқиди.

– Бу таърифнинг ички моҳияти – эски таърифдагининг ўзгинасидир, унда ҳам ақл, ирода ва туйғу ҳақида гапирди, улар илгарри психик ҳаётнинг ҳаракатлантирувчилари, деб ҳисобланарди. Янгиси фақат илгаригисини аниқлаб беради. Уларни ўзаро таққослаб кўрсангиз, сиз даставвал тасаввур этиш ва фикр юрийтиш, биргаликда, илгариги таърифда ақл (идрок) бажарган ички вазифаларни айнан ўзини бажарганини сезасиз.

Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг янги таърифи чуқурроқ таҳлил қилинса, «ирода» ва «туйғу» сўзларининг – «ирода-туйғу» деб қўшиб юборилганини кўрасиз. Ҳар икки ўзгаришнинг маъносини мен сизларга мисолда тушунтириб бераман.

Фараз қилайлик, сиз бугун бўшсиз, вақтингизни мумкин қадар қизиқарли қилиб ўтказмоқчисиз. Ўз ниятингизни амалга оширмақ учун нима қилар эдингиз?

Агарда туйғу ва ироладан ҳеч садо чиқмаса, ақлга мурожаат қилишдан бўлак иложингиз қолмайди. Бундай ҳолларда нима қилмоқ кераклиги ҳақида йўл-йўриқни ақл берсин. Ақлингиз ролини мен ўзим бажараман ва сизга шундай таклиф қиламан: оёқнинг чигилини ёзиш ва соф ҳавода мириқиб нафас олиш учун кўчаларда ёки шаҳар чеккасига чиқиб сайр қилишни истамай-сизми?

Бизнинг бешта сезгимиздан энг ўткири ва сезгири – кўриш-тасаввур ва ички кўриш ёрдами билан бизни бўлажак сайрда нималар кутаётганини ҳам, нималарга жазм этиши мумкинлигини шу ондаёқ чизиб беради. Сиз ўзингизни ички «экранингизда» хилма-хил манзараларни, таниш кўчаларни, шаҳар чеккасидаги жойларни ва шу кабиларни тасвирловчи узун кинолентани дарров кўрасиз. Бўлажак сайр тўғрисида сизда шу хилда тасаввур пайдо бўлади.

«Бу мени бугун қизиқтирмайди. – деган мулоҳаза юритасиз. – Шаҳарда санғишнинг ҳечам қизиғи йўқ, бузуқ ҳавода табиат мени ўзига ҳечам тортмайди. Ундан ташқари, чарчадим».

Шу йўсинда тасаввурингиз асосида фикр юритасиз. Хуллас, кечқурун театрга тушинг, ақлингиз шундай маслаҳат беради.

Шу заҳоти тасаввурингиз чизиб берса, ички кўришингиз эса бир зумда жуда катта аниқлик ва ўткирлик билан театрлардаги сизга таниш бўлган манзарани янгидан яратиб беради. Сиз хаёлингизда кассадан билет олиб томоша залига кирдингиз, спектаклнинг айрим парчаларини кўрдингиз ва ўзингизда тасаввур ҳосил қилдингиз, кейинчалик куннинг янги режаси ҳақида фикр юритдингиз. Бу гал ирода ҳам, туйғу ҳам ақлнинг таклифига (яъни унинг тасаввур этишига ва фикр юритишига) қизиқиб қолдилар ва унга дарров жавоб қилдилар. Сизлар биргалашиб шов-шув кўтардинглар ва ички элементларни уйғотиб юбординглар. Шундай қилиб, – хулоса ясади Торцов, – ақлдан (тасаввур этишдан ҳамда фикр юритишдан) бошлаб, иродани ҳам, туйғуни ҳам ишга солдингиз.

Анча жим турганидан сўнг у яна гапида давом этди:

– Бизнинг бу текширишларимиз нимага олиб келади? У бизга ақлнинг ишини кўрсатиб беради; унинг вазифасидаги икки асосий моментни кўрхатади: тасаввур этиш процессини келтириб чиқарадиган биринчи турткич моментини ва ўшандан келиб чиқувчи иккинчи моментни, яъни фикр юритишни барпо қилади.

Менинг бу тушунтиришларим сизга психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг янги таърифидан биринчи ярмини сифатлаб беради. Унинг иккинчи қисмини тўла тушунишга интилар эканмиз, мен илгари айтиб ўтгандек ирода ва туйғу бирлашиб ирода-туйғуга айланади. Бу нима учун қилинган? Яна мисол келтирай. Икки ҳодисанинг тасодифий тўғри келиб қолишини кўз олдингизга келтиринг. Сиз бир қизни жуда қаттиқ севиб қолгансиз. Қиз – олисда. Сиз бу ерда интизорсиз, севиғи ўтида куйиб ёнасиз. ҳаяжонингизни қандай босишни билмайсиз. Мана қиздан хат келди. Маълум бўлдики, у ҳам ёлғизликдан изтироб чекаркан, тезроқ келинг, деб илтижо қилибди.

Жононингиз илтимосини ўқиб чиқишингиз биланоқ, ҳис-туйғуларингиз тугён уриб кетди. Буни қарангки, худди шу пайтда театрдан сизга Ромео ролини беришди. Ўз туйғуларингизнинг гавдалантирмоқчи бўлган шахс туйғуларига монандлиги туфайли, ролнинг кўп жойлари қалбингизда дарров, осонгина жонланиб кетди. Бу ўринда ижодни йўналтирувчи саркарда ким бўлиб чиқди? – сўрарди Аркадий Николаевич.

– Албатта, туйғу-да! – деб жавоб бердим.

– Ирода-чи? У туйғу билан барабар тўлғонмадим, маъшуқа томон, саҳнада эса, Жульетта томон талпинмадим, уни кўриш иштиёқида ёнмадим?

– Талпинди, – деб иқрор бўлишга мажбур бўлдим.

– Демак, бу сафар уларнинг ҳар иккови ҳам йўлбошчи, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчи бўлдилар ҳамда умумий ишда қўшилишиб кетдилар. Уларни бир-биридан ажратиб кўрингчи. Бўш вақтингизда ирода ва туйғунинг бир-биридан ажралган ҳолда яшашини бир ўйлаб кўринг-чи, унга мисол топингчи, уларни бир-биридан фарқлаб, биринчисининг қаерда бошланиб, иккинчисининг қаерда тугалланишини кўрсатиб беришга уриниб кўринг-чи. Ўйлайманки, сиз ҳам, менга ўхшаб бу ишнинг уддасидан чиқолмасангиз керак. Шунинг учун ҳам охирги илмий таъриф уларни бир сўзга – ирода-туйғуга бирлаштирди.

Биз, саҳна санъатининг арбоблари, бу янги таърифда ҳақиқатни тушунамиз ва келажақда бизга берадиган фойдасини олдиндан кўриб турибмиз, бироқ ҳозирча унга мукамал ўрганиб олиш йўлини билмаймиз. Бунинг учун вақт керак. Янги сиздан қисман фойдаланиб турамиз, чунки уни биз тажрибада ту-

шунганмиз, қолганида бўлса, вақтинча эскидан, яхши синалгани билан қаноатланиб турамиз.

Ҳозирчалик бу аҳволдан бошқача қутулиш йўлини билмайман. Шундай қилиб, мен психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг ҳар иккала, ҳам эски, ҳам янги таърифидан фойдаланишга мажбурман, ҳар бир айрим ҳолда улардан қайси бири ҳазм қилиш учун энгилроқ кўринса, ўшанга мурожаат қиламан. Агар менга у ёки бу моментда эскича таъриф билан иш кўриш, яъни ақлнинг вазифасини бўлмаслик, ирода ва туйғуни бирга қўшмаслик қулайроқ бўлса, мен худди шундай қиламан.

Фан кишилари менинг бу ўзбошимчалигимни кечирсинлар. Бу менинг мактабдаги сизлар билан бўлган ишимда фақат амалий аҳамиятга эга бўлгани учун айб саналмайди.

...19 ..й.

– Шундай қилиб, – деди Аркадий Николаевич, – ақл, ирода ва туйғу ёки янги таъриф бўйича тасаввур этиш, фикр юритиш ва ирода-туйғу ижодий процессда етакчи рол ўйнайди.

У яна шу нарса билан кучаядики, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар бир-бири учун триумвиратнинг бошқа аъзоларини кўзғатувчи қирқик ҳисобланади. Ундан ташқари ақл, ирода, туйғу, ёлғиз ўзича, бир-бирини суямасдан яшай олмайди. Шунинг учун улар ҳаммиша бирга, бир-бирларига қаттиқ боғланган ҳолда (ақл-ирода-туйғу, туйғу-ирода-ақл, ирода-туйғу-ақл) ҳаракат қиладилар. Бу ҳам психик ҳаёт ҳаракатлантирувчиларининг аҳамиятини ва ролини оширади.

Ақлни ишга солиш билан ижодга ирода ва туйғуни ҳам жалб этамиз. Ёки янги тил билан айтганда, бирорта нарсани тасаввур этганда унинг ҳақида фикр юритилиши табиийдир.

У ҳам, бу ҳам ишга ирода-туйғуни жалб этади.

Психик ҳаётнинг барча ҳаракатлантирувчилари умумий, ҳамжиҳат бўлиб ишлаганидагина биз эркин, самимий, содда ва органик, бировнинг номидан эмас, балки ўзимизнинг номимиздан, виждонан, рол ҳаётининг берилган шарт-шароитларида ижод қила оламиз.

Дарҳақиқат, ҳақиқий артист Гамлетнинг «Ё ўлиш, ё қолиш» монологини ўқир экан, наҳотки фақатгина муаллифнинг ёт фикрларини баён қилиб, режиссёр томонидан кўрсатилган ташқи хатти-ҳаракатларни бажариб қўя қолса? Йўқ, у бир қадар кучли

тасвирлайди, ролнинг сўзларига бутун борлигини: ўзининг ҳаёт тўғрисидаги тушунчаларини, қалбини, туйғу ва иродасини жо қилади. Бундай пайтларда артист ролнинг ҳаётига, фикр туйғуларига монанд келувчи шахсий хотираларини эслаб самимий ҳаяжонланади.

Бундай артист саҳнада туриб, ўзи йўқ Гамлет номидан эмас, балки пьесанинг берилган шарт-шароити асосида, шахсан ўз номидан сўзлайди. Ёт фикрлар, туйғулар, тасаввур этишлар, фикр юритишлар унинг шахсан ўзиникига айланади. Шунинг билан бирга, у рол текстини бўлак одамлар эшитиб тушунишлари учунгина ўқимайди, балки артист ўзи гапираётган нарсасига ички муносабатини сезсинлар, унинг шахсий ижодий иродаси нимани истаса, улар ҳам шуни истасинлар. Артистга шу нарса керак.

Бу пайти психик ҳаётнинг барча ҳаракатлантирувчилари қўшилишиб, бир-бирларига тобе бўла бошлайдилар. Бу тобелик, ўзаро алоқа ва битта ижодий кучнинг бошқаси билан бўлган яқин алоқаси ишимизда жуда муҳим аҳамиятга эга, улардан амалий мақсадлар учун фойдаланмаслик хато бўлар эди.

Бундан тегишли психотехника келиб чиқади.

Унинг асослари триумвират аъзоларининг ўзаро муносабати орқали триумвиратнинг ҳар бир аъзосини ва шунингдек, артист ижодий аппаратининг барча элементларини табиий, органик равишда қўзғатишдан иборатдир.

Баъзан психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар бирданига, ўз-ўзидан, тўсатдан, беихтиёр равишда, бизнинг хоҳишимиздан ташқари ишга тушиб кетади. Бундай тасодифий қулай пайтларда психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларни пайдо бўлган табиий ижодий интилишига йўл қўйиб бермоқ керак. Бироқ артистнинг ижодий чақиригига ақл, ирода ва туйғу жавоб бермаган ҳолларда нима қилмоқ керак?

Бундай ҳолларда киркиклардан фойдаланмоқ керак. Улар фақатгина элементларнинг ҳар бирида эмас, балки психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг ҳар биттасида ҳам мавжуд.

Ҳаммасини бирданига қўзғатиб юборманг. Улардан биттасини, мисол учун ақлни белгиланг. Бу бошқа ҳаракатлантирувчиларга нисбатан гапга унайдиган, итоатгўйроқдир. У буйруққа жўнгина бўйсунди. Бу ҳолда артист матннинг расмий маъносидан тегишли тасаввур олади ва айтилаётган нарсани кўра бошлайди.

Тасаввур этиш ўз навбатида тегишли шахсий фикрни пайдо этади. Улар қуруқ, расмий фикрни эмас, балки тасаввурлар билан жонланган фикрни барпо қилади, у эса табиий равишда ирода-туйғуни кўзғатади.

Бу процессни кўрсатиб берувчи мисолларни сизнинг қисқа тажрибангиздан кўплаб топиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда, жонингизга тегиб кетган «Жинни» этюдни жонлантириб юборганингизни эсингизга олинг. Ақл «агарда» ва берилган шарт-шароит тўқималарни ўйлаб топди; улар янги, ҳаяжонлантирувчи тасаввурни, фикр юритишни яратдилар, кейин ҳаммаси бирлашиб, ирода-туйғуни кўзғатди. Натижада этюдни жуда яхши ўйнадинглар. Бу ҳодиса ижодий процессни кўзғашда ақлнинг ташаббускорлигини кўрсатувчи яққол мисол бўла олади.

Лекин, пьеса, этюд ва ролга бошқа йўллар билан, ниҳоятда инжиқлигига ва турғун эмаслигига қарамай, туйғу ёрдамида ёндашиш мумкин.

Агар ҳиссиёт чақириққа дарров жавоб қилар экан, бу катта бахтдир. Унда ҳамма иш ўз-ўзидан, табиий жўнашиб кетади: тасаввур, унинг ҳақида фикр пайдо бўлади, ҳаммаси бир бўлиб, иродани кўзғатади. Бошқача айтганда, туйғу орқали психик ҳаётнинг барча ҳаракатлантирувчилари ишга тушиб кетади.

Борди-ю, бу ўз-ўзидан пайдо бўлмаса, туйғу чақириққа жавоб қилмаса, фаолиятсиз қолаверса нима қилмоқ лозим? У ҳолда триумвиратнинг энг яқин аъзоси – иродага мурожаат қилиш керак бўлади.

Мудроқ ҳиссиётни уйғотмоқ учун қандай киркикни ишга солмоқ лозим?

Темпо-ритм бундай киркик ва кўзғаткич эканлигини вақтисоати келганда билиб оласизлар.

Мудроқ иродани ижодга чорлаш масаласигина қолди.

Уни ижодий хатти-ҳаракатга қандай тортиш мумкин?

– Вазифа орқали. – эслатиб ўтдим мен, – у бевосита ижодий истакка, яъни иродага таъсир кўрсатади.

– У вазифанинг қандайлигига боғлиқ. Қизиқарсиз вазифа таъсир қилмайди. Бундай вазифани артист қалбига сунъий йўл билан таъсир эттиришига тўғри келади. Уни ўткирлашга, жонлантиришга, қизиқарли ва ҳаяжонли қилишга тўғри келади. Аксинча, қизиқарли вазифа тўғри, бевосита таъсир қилиш кучига эгадир. Аммо... иродага таъсир қилмайди. Қизиқиш ҳам-

мадан бурун ҳиссиёт соҳасидир, лекин истак соҳаси эмас. шунинг учун тўғридан-тўғри туйғуга таъсир қилади. Ижодда олдин қизиқмоқ ва ҳис этмоқ керак, сўнгра истак пайдо бўлади. Мана шунинг учун вазифанинг иродага таъсири бевосита эмас, билвоситадир.

– Сиз, янги таъриф бўйича, ирода туйғудан ажралмасдир, деб айтдингиз. Агар вазифа туйғуга таъсир этса, демак, у бир вақтнинг ўзида иродани ҳам кўзгатар экан-да, – деб туриб олди Говорков.

– Худди шундай, ирода-туйғу иккиюзламадир. Баъзи ҳолларда истакдан ҳиссиёт устунлик қилса, бўлак ҳолларда, гарчанд туйғу ҳиссиёт устидан зўрлик қилса ҳам, аксинча бўлаверади. Шунинг учун баъзи вазифалар туйғуга нисбатан, кўпроқ иродага таъсир қилади, баъзилари бўлса, аксинча, ирода ҳисобига туйғуни зўрайтиради.

Лекин... қандай бўлмасин, билвосита ёки бевосита йўл билан бўлса ҳам, вазифа бизнинг иродамизга таъсир қилади, у бизнинг энг ажойиб, севимли киркигимиз ҳисобланади, у ижодий истагимизни кўзгатувчидир: биз ундан кунт билан фойдаланамиз.

Демак, ирода-туйғуга билвосита таъсир қилсин учун аввалгидай вазифадан фойдаланишни давом эттира берамиз.

Бир оз сукутдан сўнгра Аркадий Николаевич давом этди:

– Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар ақл (тасаввур этиш ва фикр юритиш), ирода ва туйғу эканига иқрор бўлишимизни табиатнинг ўзи тасдиқлайди. Бу ҳол кўпинча артистнинг ўзига хослигини, эмоция, ирода ёки идрок жиҳатларининг ўзига хослигини белгилайди.

Биринчи тип артистларда туйғу ирода ва ақлдан устунлик қилади. Улар Ромео ёки Отеллони ўйнар эканлар зикр этилган ролларнинг ҳиссиёт томонларини бўрттирадилар.

Иккинчи тип артистларда ирода туйғу ва ақлдан устунлик қилади. Макбет ёки Брандони ўйнар эканлар, уларнинг шухрат-парастлигини ёки диний истакларини бўрттириб кўрсатадилар.

Учинчи тип артистларда эса ақл туйғу ва иродадан устунлик қилади. Гамлетни ёки Доно Натанни<sup>49</sup> ўйнар эканлар, ихтиёрсиз равишда ролларга идрокни ва ақлни керагидан ортиқ сарф этадилар.

Бироқ психик ҳаётнинг бу учала устунлиги триумвиратнинг бўлак аъзоларини мутлақо босиб кетмаслиги керак.

Кўнглимизни ҳаракатлантирувчи кучларнинг ўзаро уйғун нисбати зарурдир.

Кўриб турибсизки, санъат бир вақтда ҳиссиётли, иродали, шунингдек, идрокли ижодни тан олади, унда туйғу, ирода ёки ақл раҳбарлик ролини ўйнайди.

Биз фақат қуруқ, актёрчасига ўйнашни инкор этамиз. Бундай ўйинни совуқ, ҳис-туйғусиз ўйин деб атаймиз.

Тантанали сукутдан сўнг Аркадий Николаевич дарсни шундай кўтаринки руҳ билан яқунлади.

– Энди сизлар бойсизлар, сизларнинг ихтиёрингизда элементларнинг каттагина гуруҳи мавжуд, улар ёрдами билан ролдаги «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратиш мумкин. Бу сизларнинг ижодий ишларингиз учун ички қурол, сизнинг жанговар армиянгиздир. Бу ҳам майли-я, сизлар ўзингиздан учта саркардани топиб олдингиз, улар энди ўз полкларини жангга бемалол олиб боришлари мумкин.

Бу жуда катта ютуқ, бу ютуқ билан сизларни табриклайман!



### ХШ. ПСИХИК ҲАЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИЛАРНИНГ ИНТИЛИШ ЙЎЛИ

...19 ..й.

– Полклар жангга тайёр! Саркардалар ўз постларида!  
Ҳужумни бошласа бўлади!

– Қандай бошлаймиз?

– Фараз қилинг, биз жуда яхши бир пьесани саҳнага қўядиган бўлдик, ҳар бирингизга яхши-яхши роллар бериш ваъда қилинган. Пьеса биринчи марта ўқилгандан кейин уйингизга келгач, нима қилар эдингиз?

– Ўйнар эдим! – деди Вьонцов.

Пушчин рол ҳақида ўйлардим деди. Малолеткова бурчакка ўтириб олиб, ролни «ҳис этишга» уриниб кўрардим, деди. Мен кўрик спектаклининг аччиқ тажрибасидан сабоқ олганим туфайли, бу хилдаги хавфли, васвасага солувчи нарсалардан ўзимни тияр эдим, ишни сеҳрли ёки бўлак «агарда»дан, берилган шарт-шароитлардан, хаёл суришлардан бошлар эдим, дедим. Паша ролни бўлақларга бўлишдан бошлар эдим, деди.

– Қисқаси, – деди Торцов, – ҳар бирингиз, у ёки бу йўл билан, ролнинг онги, юраги, хоҳишига эришиб, шахсий ҳиссиётингизда унинг ҳаётига монанд хотирани қўзғатишга, гавдалантирилаётган образнинг ҳаётини тасаввур этиш ва фикрлашни ҳосил қилишга, ирода-туйғуни жалб этишга уринасиз. Сиз ролнинг қалбини қалбан сезишга ҳаракат қилган, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг воситаси билан интилган бўлар эдингиз.

Артистнинг ақли, иродаси, туйғуси янги асарнинг асосий моҳиятини жуда камдан-кам ҳолларда бир йўла қамраб олади. Шундай бўлганда у ижодга чорлайди ва ишга зарур бўлган ички ҳолатни жўштиради.

Жуда кўп ҳолларда сўз фақат маълум даражада идрок (ақл) билан ўзлаштирилади, баъзан ҳиссиёт ёрдамида эгалланади ва истақнинг (ироданинг) ноаниқ, кичик-кичик ишига туртки беради. Ёки, янги таъриф билан айтганда, шоирнинг асари билан танишишнинг бошланғич даврида пьеса ҳақида хира тасаввур ва ғоятда юзаки мулоҳаза ҳосил бўлади. Ирода-туйғу ҳам, биринчи таассуротга иккиланиб, қисман жавоб қилади. Бундай ҳолда рол ҳаёти «умуман» ҳис этилади.

Борди-ю, артист томонидан рол ҳаётининг асл маъноси уму-ман тушунилар экан, ҳозирчалик бўлак натижани кутиш мумкин эмас. Аксари ҳолларда ички моҳият маънавий теранликка фақатгина узоқ ишлашдан сўнг, асарни ўрганилгандан сўнг, муаллиф босиб ўтган ижодий йўлни босиб ўтилгандан кейингина эришади.

Шундай ҳам бўладики, пьеса биринчи марта ўқилганда сўзлари артистга ботмайди, ирода ва туйғунинг ҳеч қанақа жавобини олмайди, ўқилган асар ҳақида ҳеч қандай тасаввур, мулоҳаза ҳосил бўлмайди. Кўпинча бундай ҳол импрессионистик ёки символистик асар билан биринчи бор танишилганда рўй беради.<sup>50</sup>

Унда бировларнинг мулоҳазаларини ўзлаштириш, бировнинг ёрдами билан сўз матнини эгаллашга ва маъносини тушунишга тўғри келади. Зўр бериб ишлаш натижасида пировардида аллақандай хира тасаввур, мустақил бўлмаган мулоҳаза яратилади, улар кейинчалик аста-секин ривожланади. Оқибатда ирода-туйғуни ва психик ҳаётнинг барча ҳаракатлантирувчиларини бир қадар ишга тортишга муваффақ бўлади.

Дастлаб, мақсад ҳали аниқ бўлмаган вақтда, улардаги интилиш кучи ҳам ноаниқ бўлади. Пьеса билан биринчи танишишда артист томонидан ҳис этилган рол ҳаётининг айрим моментлари психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларни жўш урдиради.

Фикр, истак мажбурий пайдо қилинади. Улар гоҳ пайдо бўлади, гоҳ йўқолади, гоҳ яна бунёдга келиб, яна ғойиб бўлади.

Агарда психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларда пайдо бўлувчи бу чизиқлар график равишда тасвирланса, аллақандай узик-юлуқ чизма-чизниқлар ҳосил бўлади.

Рол билан кейинги танишиш жараёнида ва унинг асосий мақсадини чуқурроқ тушуниб олиш билан интилиш йўллари аста-секин тўғрилана боради.

Ана шундан кейин ижоднинг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин.

– Нега энди шундай?

Жавоб бериш ўрнига Аркадий Николаевич кутилмаганда қўллари, боши ҳамда бутун гавдасини силкита бошлади ва:

– Менинг ҳаракатларимни рақс деб бўладими? – деб сўради.

Бизлар йўқ, дедик.

Шундан сўнг Аркадий Николаевич ўтирган жойида ҳар хил ҳаракатлар қилди, уларнинг бири иккинчисига қўшилиб кетар ва узлуксиз ҳаракат йўлини ҳосил қилар эди.

– Булардан рақс яратса бўладими? – деб сўради у.

– Бўлади. – деб бир оғиздан жавоб бердик.

Аркадий Николаевич аллақандай ноталарни тўхтаб-тўхтаб, ашула тарзида айта бошлади.

– Буни қўшиқ деса бўладими? – сўради у.

– Йўқ.

– Бунисини-чи? – у бир-бирига уланган бир қанча оҳангдор ноталарни узоқ чўзиб турди.

– Қўшиқ деса бўлади!

Аркадий Николаевич бир варақ қоғозни айрим чизма-чизиқлар, нуқталар, панжара-гулчин билан тўлдириб ташлади.

– Буни расм деб атай оласизми?

– Йўқ.

– Мана бу чизиқлардан расм ясаса бўладими? – Аркадий Николаевич бир неча чиройли, узун, эгма чизиқлар чизди.

– Бўлади.

– Шундай қилиб, ҳар бир санъатда ҳам, ҳаммадан аввал узлуксиз йўл даркорлигини кўрдингизми?!

– Кўрдик.

– Бизнинг санъатимизга ҳам узлуксиз йўл керак. Мана шунинг учун ҳам мен ҳаракатлантирувчиларнинг интилиш йўллари тўғрилангандагина, яъни узлуксиз бўлгандагина, ижод ҳақида сўз очса бўлади, деб айтдим.

– Мени кечиринг-у, лекин ҳаётда, айниқса, саҳнада, бир дақиқа ҳам тўхтамайдиган узлуксиз йўл бўладими ўзи? – деб қарши чиқди Говоров.

– Бундай йўл бўлиши мумкин, аммо у нормал одамда эмас, жиннида бўлади ҳамда у id'ee fixe\* деб аталади. Соғлом одамларга келсак, улар учун баъзи бир танаффуслар нормал ва зарур ҳисобланади. Ҳар қалай бизга шундай туюлади. Лекин бу танаффус пайтларида одамлар ўлмайди, яшайверади, бинобарин, ҳаётнинг қандайдир бир жиҳати – йўли унда давом этади, – деб тушунтирди Торцов.

---

\* Миядан кетмайдиган фикр

– У қандай йўл экан?

– Қандайлигини олимлардан сўранг. Биз бўлсак, олдиндан келишиб олайлик. бундан буён инсонда учраб турадиган кичик-кичик танаффуслар йўлини нормал, узлуксиз йўл деб ҳисоблаймиз.

Дарсинг охирида Аркадий Николаевич. бизга бундай йўлларнинг биттаси эмас. балки бир нечаси. яъни тасаввур тўқимаси. диққат. объектлар. мантиқ ва изчиллик. интилиш ҳамда хатти-ҳаракат. ҳақиқат. ишонч. ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти. муносабат ва ижод учун зарур бўладиган бўлак элемент йўллари лозимлигини айтди.

Агар саҳнада хатти-ҳаракат йўли узилиб қолар экан. бу деган сўз рол. пьеса. спектакл тўхтаб қолди демакдир, борди-ю, бу ҳол психик ҳаёт ҳаракатлантирувчилари ёки ҳеч бўлмаганда фикрда (ақл) рўй берса борми, унда одам-артист нима деяётганига, саҳнада қилаётган ишига ва гапираётган гапига ўзи ҳам тушунмайди, у тасаввур этиш ва фикр юритишга қодир бўлмай қолади. Борди-ю, ирода-туйғу тўхтаб қолгудай бўлса, одам-артист ва унинг роли истак ва кечинмадан маҳрум бўлади.

Одам-артист ва одам-рол саҳнада бу йўллар билан узлуксиз яшайди. Бу йўллар у гавдалантираётган шахсга ҳаёт ва ҳаракат бахш этади. Улар узилиб қолишлари биланоқ ролнинг ҳаёти тугайди, ё фалаж бўлиб қолади ёки ўлади. Йўл пайдо бўлиши билан рол яна жонланиб кетади.

Бу каби ўлиб, тирилиб туришни нормал деб бўлмайди. Рол доимий ҳаётни ва деярли узлуксиз йўлни талаб қилади.

...19 ..й.

– Олдинги дарсимда эътироф қилинларки. ҳамма санъатда бўлгани каби драмада ҳам. ҳаммадан аввал узлуксиз. мунтазам йўл зарур экан. – деди бугун Аркадий Николаевич. – Истасангиз, унинг қандай яратилишини сизларга кўрсатиб бераман?

– Албатта истаймиз, – дейишди ўқувчилар.

– Бугун уйқудан тургандан бери нималар қилдингиз. айтинг-чи? – деди у Вьенцовга мурожаат қилиб.

Серҳаракат йигитча кулгили бир ҳолда диққатини тўплаб саволга жавоб ахтара бошлади. Лекин у диққатини орқага, бугун-

ги ўтган воқеаларга қайтаролмади. Унга кўмаклашиш ниятида Аркадий Николаевич шундай маслаҳат берди:

– Ўтмишни эслаганингизда ўтмишдан олдинга, ҳозирги пайтга қараб эмас, балки аксинча, эслаётган нарсангизга ҳозирги пайдан бораверинг. Яқин келажак ҳақида гап кетаётган ҳолларда, айниқса орқага қараб кетиш осонроқдир.

Вьюнцов бунинг қандай қилинишини дарров фаҳмлаб ололмади, шунинг учун Аркадий Николаевич яна ёрдам бериб шундай деди:

– Ҳозир сиз билан синфдамиз, гаплашаётимиз. Бундан илгари нима қилган эдингиз?

– Кийиндим.

– Бу кийиниш кичик мустақил процесс ҳисобланади. Унда истакнинг интилиши, хатти-ҳаракат ва ҳоказоларнинг айрим кичик жиҳатлари яширингандир, буларсиз қўйилган навбатдаги вазифани бажариб бўлмайди. Кийиниш хотирангизда ҳаётингизнинг қисқа йўлини қолдирган. Вазифалар қанча бўлса, уларнинг бажариш процесси ҳам шунчадир, рол ҳаётининг қисқа йўллари ҳам шунга тенгдир. Мана, масалан:

– Кийинишдан илгари нима қилдингиз?

– Мен фехтование ва гимнастика дарсида бўлдим.

– Ундан аввал-чи?

– Буфетга кириб, чекдим.

– Ундан илгари-чи?

– Ашула дарсида эдим.

– Буларнинг ҳаммаси, хотирада из қолдирувчи ҳаётингизнинг қисқа йўллари дир. – деди Аркадий Николаевич.

Вьюнцов шу йўсинда, борган сари орқага қайтиб-қайтиб бугунги уйғониш моментигача ва бугунги куннинг бошланишигача етди.

– Бугун сиз яшаган куннинг биринчи ярмида – уйғониш пайдидан ҳозирги вақтгача кечган ҳаётингиз қисқа йўлларининг узун қатори ҳосил бўлди. Улар хотирангизда сақланиб қолди.

Уларни яхшироқ эслаб қолиш учун, бу ишни худди шу зайдда бир неча бор қайтариб чиқинг, деди Аркадий Николаевич.

Вьюнцов бу буйруқни ҳам бажаргач, Аркадий Николаевич бугунги кун кечган воқеаларни ҳис этиш у ёқда турсин, ҳатто уларни кўргандек бўлди.

– Энди худди шундай ишни яқин кечган воқеалар билан эсланг, лекин аксинча, уйғонган вақтдан ҳозиргига қараб келинг.

Вьюнцов бу ишни ҳам бир неча марта қайтарди.

– Энди айтинг-чи, – деб мурожаат қилди Аркадий Николаевич, – барча бу эслашлар ва қилинган ишлар сизда бугунги кечган воқеалар йўли тўғрисида фикрий, ҳиссий ёки бўлак бир тасаввур тарзида из қолдирганини ҳис этияспизми? У яқин ўтмишда қилган айрим хатти-ҳаракатлар ва ишлар тўғрисидаги эсдаликлардангина иборат бўлиб қолмай, балки сиз кечинган қатор ҳиссиётлардан, фикрлардан, сезгилардан ва ҳоказолардан ҳосил бўлган эмасми?

Вьюнцов нимани сўраётганига узоқ тушунолмаётди.

Ҳаммамиз унга тушунтиришга ҳаракат қилдик.

– Нега тушунмайсан ахир, ўтмишингга назар ташласанг, яхши таниш бўлган, изчиллик билан алмашиниб турадиган кундалик қатор ишларни эслайсан. Борди-ю, диққат билан яқин ўтмишингни эсласанг, бугунги куннинг фақат ташқи йўлигина эмас, балки ички йўлини ҳам эслайсан. У ноаниқ из қолдиради ва орқамиздан шлейф сингари судралиб бораверади.

Вьюнцов жим тураверди, афтидан, у жуда адашиб кетган бўлса керак. Аркадий Николаевич уни ўз ҳолига қолдириб, менга мурожаат қилди:

– Бугунги куннинг биринчи ярмидаги ҳаёт йўлини қандай қилиб жонлантириш мумкинлигини тушундингизми? Қани бугунги куннинг ҳали кечмаган иккинчи ярмига нисбатан ҳам шундай тажриба қилиб кўринг-чи.

– Яқин келажакда менинг ҳаётимда нималар рўй беришини қаёқдан биламан? – ҳайрон бўлдим мен.

– Нега билмайсиз? Менинг дарсимдан кейин бошқа дарсларга киришингизни ва ундан кейин уйингизга кетишингизни, уйингизда овқатланишингизни билмайсизми! Кечкурун қиламан деб мўлжаллаб қўйган ҳеч қанақа ишингиз йўқми? Танишларингизникигами, театрдами, киногами, лекциягами бормайсизми? Ниятларингизни амалга ошиш-ошмаслигини билмайсиз, лекин мўлжаллай оласиз-ку.

– Албатта! – деб унинг фикрига қўшилдим мен.

– Шундай экан, демак, бугунги куннинг иккинчи ярмида қандайдир мўлжалларингиз бор экан! Унда сиз узоқларга чў-

зилган келажак йўллари, ташвишларини, мажбуриятларини, шодликлари ва кўнгилсиз ҳодисаларини ўйлаганингизда сизнинг шу топдаги кайфиятингиз ё бузилади ёки яхшиланади.

Бу келажакни олдиндан кўришда ҳам хатти-ҳаракат бор, хатти-ҳаракат бор ерда эса ҳаёт йўли ҳам намоён бўлади. Сизни келажакда нималар кутаётганини ўйлаганингизда шу йўлни ҳис этасизми?

– Айтаётганингизни, албатта ҳис этаман!

– Бу йўлни илгариги йўл билан қўшиб, ҳозирги пайтни назарга олсангиз, эрталаб уйғонишдан бошлаб кечаси уйқугача бўлган ўтмишингиз, ҳозирги пайт ҳамда келажакнинг бутун бир катта, изчил йўли пайдо бўлади. Ҳаётингизнинг кичик йўлларида қай тарзда бир куннинг катта, бир бутун ҳаёт йўли ҳосил бўлишига энди тушуниб олдингизми? Энди фараз қилингки, бир ҳафталик муддат ичида сизга Отелло ролини тайёрлаш топширилди. Бу вақт ичида бутун ҳаётингиз бу қийин ишни шараф билан бажаришдан иборат бўлиб қолганини ҳис этасизми? У сизни етти кун мобайнида бутунлай қамраб олади, бутун ташвишингиз кўрқинчли спектаклни эсон-омон топшириб олиш бўлиб қолади.

– Турган гап, – иқрор бўлдим мен.

– Шунингдек, мен томондан белгилаб берилган ҳаётда, илгариги мисолга нисбатан, яна ҳам узунроқ Отелло ролини тайёрлашга бағишланган бутун бир ҳафталик ҳаёт йўли яшиниб ётганини сезаяпсизми? – деб сўради Торцов. – Модомики, кун, ҳафта йўли мавжуд экан, нега ой, йил ва ниҳоят бутун умрнинг йўли бўлмас экан.

Бу катта йўллар ҳам кўпгина кичик йўллардан ҳосил бўлади.

Худди шундай иш ҳар бир пьеса ва ролда ҳам содир бўлади. У ерда ҳам катта йўллар кичиклардан ҳосил бўлади ва улар саҳнада кун, ҳафта, ой, йил, бутун умр ва ҳоказо вақтларни ўз ичига олишлари мумкин.

Реал воқеликда бу йўлни ҳаётнинг ўзи яратади, пьесада эса уни шоирнинг ҳақиқатга яқин бўлган бадиий тўқимаси яратади.

Аммо шоир яратган рол ҳаёти узвий эмас, балки қисман, катта танаффуслари билан берилган бўлади.

– Нима учун? – тушунмадим мен.

– Биз драматург пьеса ва ролнинг бутун ҳаётини бермай, балки фақатгина саҳнага олиб чиқилган ҳамда саҳнада кеча-

диган моментларини беришини гапириб ўтган эдик. Драматург пьеса воқеаси кечаётган жойни ифода қилувчи декорациялардан ташқарида бўладиган кўпгина воқеаларни ёзмайди. Драматург кўпинча кулисалар орқасида бўлиб ўтган ҳодисаларни, яъни артистлар томонидан саҳнада бажариладиган пьеса шахсларининг хатти-ҳаракатларига сабаб бўлган воқеалар тўғрисида гапирмайди. Бизга муаллифнинг нашр этилган пьесасида ёзилмаган нарсаларни ўз тасаввур тўқимамиз билан тўлдиришга тўғри келади. Бусиз саҳнада «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратолмайсиз, фақатгина унинг айрим бўлаклари билан иш кўришингиз керак бўлади.

Кечинма учун рол ва пьеса ҳаётининг (нисбатан) узлуксиз йўли керакдир.

Рол ҳаётидаги йўлларнинг узилиб қолиши ва танаффусларига саҳнадагина эмас, ҳатто кулисалар орқасида ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Улар гавдалантирилаётган шахс ҳаётини узиб қўяди ва унинг учун бўш, ўлик ерларни пайдо қилади. Натижада улар артист-одамнинг ўйнаётган нарсасига алоқаси бўлмаган ёт фикрлар ва туйғулар билан тўлдирилади. Бу уни сохта томонга – шахсий ҳаёт томонига зўрлайди.

Фараз қилинганки, сиз пулни ёндириш этюдини ўйнаяпсиз; рол ҳаётининг йўлини жуда яхши олиб кетяпсиз; хотинингиз чақирди-ю, сиз чўмилаётган болангизни кўриб хурсанд бўлиш учун овқатхонага кирасиз. Аммо, у ерга киргач, олис жойдан келган, кимнингдир ёрдами билан саҳна орқасига кирган танишингиз билан учрашасиз. У одамдан яқин қариндошингизда юз берган қизиқ воқеани эшитасиз, кулгингизни базўр босасиз-у, пул ёндириш жойини ва фожиали паузани ўйнагани саҳнага чиқасиз.

Ўзингиз тушунасизки, ролга киритилган бундай ямоқларнинг ролга нафи, сизга эса ёрдами тегмайди. Демак, кулисалар ортида ҳам рол йўлини узиб қўйиш мумкин эмас. Аммо кўп актёрлар кулисалар орқасида ўйинни давом эттира олмайдилар. Майли улар ўйнамасинлар, лекин борди-ю, гавдалантираётган шахсларининг шароитига тушиб қолсалар, нима қилар эдилар – шунини ўйласинлар. Ролга алоқадор бўлган бу каби масалаларнинг ҳал этилиши ҳар бир актёр учун, ҳар бир спектакл учун мажбурийдир. Шунинг учун артист театрга келади ва томошабинлар олдида чиқади. Борди-ю, артист ўзи учун бугун мажбурий бўлган масалани ҳал этмай туриб,



театрдан кетар экан, ўз вазифасини адо этмади, деб ҳисобламоқ керак.

...19 ..й.

Аркадий Николаевич дарсни, ҳамманинг саҳнага чиқишини, «Малолеткованинг меҳмонхонасида» қулайроқ ўтириб олишини, ким нимани истаса шуни гапиришини буюриш билан бошлади.

Ўқувчиларни юмалоқ стол атрофига ва девор тагига ўтказишди, деворга электр лампочкалари ўрнатилган эди.

Ҳаммадан кўпроқ Рахманов елиб-югурар эди, бундан унинг янги ўйлаб чиқарган ўйини намойиш қилинар экан деган хулосага келдик.

Умумий суҳбатимиз вақтида саҳнанинг ҳар ер-ҳар ерида лампочкалар ёнар ва ўчар эди, шуниси ҳам борки, улар менинг кўзимга ё гапираётган одамнинг олдида ёки бирор одам ҳақида гапираётган бўлса, ўшанинг ёнида ёнгандек туюларди. Масалан, Рахманов бир оғиз гап айтиш биланоқ, унинг олдида лампочка ёнар эди. Стол устида ётган бирорта буюмни эслаши билан стол устида лампочка ёнар эди ва ҳоказо.

Фақат бир нарсага – хонамиздан ташқаридаги овқатхонада, залда ва унинг ён атрофидаги хоналарда чироқнинг ёнишига изоҳ тополмас эди. Шундай бўлиб чиқдики, у нур меҳмонхонамиздан ташқарида бўлган нарсаларни кўрсатар экан. Масалан, коридордаги лампочка ўтмишни эслаганда ёнар эди, овқат хонадаги лампочка ҳозир хонамизда рўй бераётган воқеа тўғрисида гап кетганда ёнар экан. «Малолеткова уйидаги» лампочка келажак ҳақида хаёл сурганимизда нур сочар экан. Мен, шунингдек, чироқларнинг тўхтовсиз ёниб ўчишини, биттаси ўчиб улгурмай, иккинчиси ёнишини пайқадим.

Торцов бизларга, бу ўчиб-ёнишлар ҳаётимиздаги тўхтовсиз мантиқ ва изчиллилик билан ёки тасодифий равишда содир бўладиган объектларнинг узлуксиз ўзгаришини намойиш қилади деб тушунтирди.

– Худди шундай ҳол спектаклда ҳам, рол ижро этилаётганда ҳам содир бўлмоғи лозим, – деб тушунтирди Торцов. – Саҳнада объектларнинг тўхтовсиз алмашилиб туриши ва уларнинг узлуксиз йўл ҳосил қилишлари катта аҳамиятга эга. Бу

йўл шу ерда – саҳнада, рампанинг бериги томонида бўлиши лозим, нариги ёққа, рампанинг у томонига – томоша залига ўтиб кетмаслиги керак.

Инсон ёки рол ҳаёти гоҳ бизни қуршаб олган реал ҳаётда, саҳнада, гоҳ тасаввур этилган воқелик оламида, гоҳ ўтмиш хотираларида, гоҳ келажак тўғрисидаги орзуларда тўхтовсиз ўзгариб турадиган объектлар, диққат доираларидан иборатдир. Аммо сира ҳам театрнинг томоша залида бўлмаслиги лозим. Йўлнинг бу узлуксизлиги артист учун ниҳоятда муҳимдир, уни доимо мустаҳкамлаб боришингиз лозим.

Актёрда бутун рол мобайнида ҳаёт йўли қандай узлуксиз равишда давом этиб боришини ҳозир нузли кўрсатмалар ёрдами билан сизларга кўрсатиб бераман.

– Партерга тушинглар, – деб мурожаат қилди у, – Иван Платонович эса электр будкасига кирсин ва менга кўмаклашсин.

Мен мана бундай пьесани ўйнамоқчиман. Бугун бу ерда аукцион (ким ошди) савдоси бўлади. Рембрандт ишлаган иккита сурат сотилади. Харидорларни кутиб, живопись мутахассиси билан юмалоқ стол атрофида ўтириб суратларга қанча нарх қўйишни келишиб оляпмиз. Бунинг учун гоҳ бунисини, гоҳ унисини кўришга тўғри келади.

(Торцовнинг қўлидаги лампа ўчган пайтда, хонанинг икки томонидан лампочкалар навбат билан ёниб-ўчди).

Шунингдек, бу суратларни Рембрандтнинг биздаги ва чет давлатлардаги музейларда мавжуд ноёб асарлари билан таққослаб чиқишига ҳам тўғри келади.

(Музейлардаги тасаввур этилган суратларни ифода қилувчи даҳлиздаги лампа, меҳмонхонадаги тасаввур этилган суратларни ифода қилувчи девордаги иккита лампа навбатма-навбат ўчиб ёнарди).

Кўча эшиги олдидаги тўсатдан ёнган мана бу хира лампочкаларни кўряпсизларми? Булар чакана харидорлар. Улар менинг диққатимни тортгани учунгина қарши оламан, лекин жон-дилим билан эмас.

«Агар нуқул шунақанги харидорлар келадиган бўлса, суратлар баҳосини оширишга муваффақ бўлолмайман!» деб ичимда ўйлайман. Мен шу қадар ўз ҳаёлимга берилиб кетдимки, ҳеч кимни ва ҳеч нимани сезмайман.

(Аввалги лампалар ўчди, тепадан Торцовнинг устига диққатнинг кичик доирасини ифода қилувчи кўчма нур шуъласи тушди. Аркадий Николаевич ҳаяжонда хона бўйлаб юрар экан, нур шуъласи ҳам у билан бирга юрарди.)

Қаранглар бутун саҳна ва орқадаги хоналар, янгидан ёнган катта-катта чироқларга тўлиб кетди. Булар чет мамлакат музейларининг вакиллари дид. Маълумки, мен уларни алоҳида ҳурмат билан қарши оламан.

Шундан кейин Аркадий Николаевич кутиб олишни ҳам, аукционнинг ўзини ҳам тасвирлаб берди. Эътиборли харидорлар ўртасида катта жанжал билан тамом бўлган кескин тортишувни нурлар тўс-тўполони ифода қилар экан, унинг диққати янада кескинлашди... Катта лампалар бир йўла ва айрим-айрим ёниб ўчарди, худди мушакбозлик охирида бўладиган апофеозга ўх-шаш жуда чиройли манзара кашф этар эди. Кўзларимиз ўйнаб кетди.

– Саҳнада ҳаётнинг узлуксиз йўли қандай яратилишини кўрсатишга муваффақ бўла олдими? – деди Аркадий Николаевич.

Говорков Торцов айтган нарсасини исботлай олмади, деди.

– Агар билсангиз, сиз бутунлай тескарисини исбот қилдингиз. Нурли тасвирлар бизга, йўлларнинг узлуксизлигини эмас, балки тўхтовсиз ўзгариб туришини кўрсатиб берди.

– Мен буни кўрмаётиман. Артистнинг диққати тўхтовсиз равишда бир объектдан иккинчисига кўчиб юради. Диққат объектларининг бундай доимий ўзгариб туришининг ўзи йўлларнинг узлуксизлигини яратади. Борди-ю, артист фақат битта объектга ёпишиб олиб, бутун парда ёки пьеса давомида уни кўйиб юбормаса, у ҳолда ҳеч қанақа ҳаракат йўли бўлмайди, борди-ю, у пайдо бўлган тақдирда ҳам, у жинни одамнинг йўли сингари бўлди, мен айтганимдай, у «idea fixe» деб аталади.

Ўқувчилар Аркадий Николаевичнинг ёнини олишиб, у ўз фикрини ифодали тушунтиришга муваффақ бўлди дейишди.

– Жуда яхши! – деди у. – Мен сизларга буни саҳнада ҳаммиша қандай содир бўлишини кўрсатдим. Гаққослаб кўриш учун кўпинча артистларда содир бўладиган, лекин ҳеч қачон содир бўлмаслиги керак бўлган нарсани эслаб кўринглар. Мен ўз вақтида буларни шу лампочкалар билан намоёниш қилиб берган эдим. Улар саҳнада аҳён-аҳёнда ёнар эдилар, ҳолбуки томоша залида тўхтовсиз ёниб-ўчиб турган эди.

Хўш, артистнинг ҳаёти ва диққати бир лаҳзага жонланиб, шундан сўнг узоқ вақтгача сўниб, томоша залига ёки театрдан ташқарига кўчиб юришини нормал ҳол деб бўладими? Кейин саҳнадан яна узоқ вақтга йўқ бўлиб кетмоқ учун янгидан қайтиб келадилар.

Бундай ўйнашда саҳнада артист ҳаётининг бир неча лаҳзаларигина ролга тегишли бўлади, қолган пайтлари эса унга ётдир. Бундай ҳар турли туйғулар қоришмасининг санъатга кераги йўқ.

Саҳнада психик ҳаётнинг ҳар бир ҳаракатлантирувчиси ва ҳар бир элементи учун тўхтовсиз (нисбий равишда) йўлларини яратишни ўрганинг.<sup>51</sup>

Дарс оддий дарслардан эмас, шиор билан бошланди. Аркадий Николаевич шундай деди:

– Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг пайдо бўлган йўллари қаёққа қараб интилади? Пианиночи артистликнинг худди мана шунақанги кўтаринки лаҳзаларида ўз туйғуларини изҳор қилмоқ ва ижоднинг кенг қулоч ёйишига имкон бермоқ учун қаёққа қараб интилади? Роялга, ўз мусиқа асбобига. Худди шунингдек, рассом ҳам полотно, чўтка ва бўёқларига, яъни ижод қуролига интилади. Артист, тўғрироғи, унинг психик ҳаётини ҳаракатлантирувчилар нимага интилади? Ҳаракатга келтирувчи нарсага, яъни артистнинг руҳий ва жисмоний табиатига, унинг руҳий элементларига. Ақл, ирода, туйғу тревога кўтарилар ва ўзларига хос бўлган куч, темперамент ҳамда ишонч билан барча ички ижодий кучларни сафарбар қиладилар.

Уйқудаги лагерь тревога сигналидан тўсатдан уйғониб, жангга ташлангани каби бизнинг артистлик қалбимиз кучлари ҳам бирданига кўтарилиб, ижодий ишга киришиб кетадилар.

Сон-саноқсиз тасаввур тўқималари, диққат объектлари, муносабатлар, вазифалар, истаклар ва хатти-ҳаракатлар, ҳақиқат ва ишонч моментлари, ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти, мослашмалар узун қаторда саф тортиб турадилар.

Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар эса бу қаторлар орасидан ўтиб элементларни қўзғатадилар ва ўзлари ижодий ғайратдан яна ҳам кучлироқ таъсирланадилар.

Шу билан бирга, улар элементларнинг табиий хусусиятлари зарраларини қабул қилиб оладилар. Бунда ақл, ирода ва туйғу активроқ, ҳаракатчанроқ бўлади. Улар тасаввур тўқималаридан яна ҳам кучлироқ ҳаяжонланадилар, улар пьесани ҳақиқатга яқинроқ, вазифаларни эса яна ҳам асослироқ қилиб берадилар. Бу ҳаракатлантирувчилар ва элементларга ролдаги ҳаётгий ҳақиқатни сезишга ва саҳнада рўй бераётган ишларнинг реал имкониятига ишонишга ёрдам беради. Ҳаммаси бир бўлиб кечингани ва саҳнадаги шахслар билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини туғдиради, бунинг учун эса мослашмалар зарурдир.

Қисқаси, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар ўтиб турувчи элементларнинг рангларини, бўёқларини, туслари ва руҳий

ҳолатларини қабул қилиб олади. Улар унинг руҳий мазмуни билан суғориладилар.

Ўз навбатида, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар элементлар қаторига фақат ўз қуввати, кучи, иродаси, ҳиссиётлари, фикри билан таъсир этибгина қолмай, уларга ўзлари билан олиб келган пьеса ва ролнинг зарраларини топширадилар. сабаби, улар шоирнинг асари билан биринчи бор танишганларида ҳаяжонланган эдилар. бу уларни ижодга қўзғатган эди. Улар элементларга рол жонининг биринчи куртакларини пайванд қиладилар.

Бу куртаклардан ижро этувчининг кўнглида артист-ролнинг ҳиссиётлари аста-секин пайдо бўла бошлайди. Бу кўринишда улар саф тортган полклар сингари, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар йўлбошчилигида олға интиладилар.

– Қаёққа қараб йўналадилар? – деб сўрашди ўқувчилар.

– Аллақандай узоқ ерларга... Улар тасаввур тўқимасининг ҳаёлий аломатлари, пьесанинг берилган шарт-шароитлари ва сеҳрли «агарда»лари чақирган ерга интиладилар. Улар ижодий вазифалар жазм этган, ролнинг ички истаклари, интилишлари, хатти-ҳаракатлари чорлаган жойга интиладилар. Уларни объектлар ўзлари билан муносабатда бўлиш учун, яъни пьесанинг қатнашувчи шахслари муносабатда бўлишлари учун тортадилар. Улар саҳнада ва шоирнинг асарида ишониш осон бўлган нарсага, яъни бадий ҳақиқатга қараб интиладилар. Шуни унутмангки, бу ҳавас уйғотувчи омилларнинг барчаси томоша залида эмас, балки саҳнада, яъни рампанинг биз турган томонида содир бўлади.

Элементлар қатори қанчалик узоқ кетса, уларнинг интилиш йўллари тобора яқинлашиб, тутшиб, пировардида битта умумий нуқтага йиғилади.<sup>52</sup> Артист-ролнинг барча элементларининг умумий интилишдаги бу қўшилиши саҳнада артистнинг ниҳоятда муҳим ички ҳолатини барпо қилади, у санъатда, – Аркадий Николаевич рўпарамизда осифлиқ турган шиорга ишора қилди:

**ИЧКИ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИЯТ,** деб аталади.

– Бу қанақаси! – деб юборди Вьонцов.

– Оддий гап, – мен ўзимни синаб кўриш ниятида унга тунтири бошладим: – Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар элементлар билан артист-ролнинг умумий бир мақсадига қўшиладилар. Шундайми?

– Шунда-й, лекин бунга иккита тузатиш киритиш лозим бўлади. Биринчиси – битта асосий, умумий мақсад ҳали узоқдир, улар умумий куч билан мақсадни ахтариш учунгина қўшиладилар.

Иккинчи тузатиш терминга оиддир. Гап шундаки, шартимизга биноан, биз шу дамгача артистлик қобилиятини, хусусиятларини, истезодини, табиий хислатларини, ҳатто психо-техниканинг баъзи услубларини соддагина қилиб «элементлар» деб атаб келдик. Бу вақтинча берилган ном эди, холос. Биз бунга йўл қўйишимизнинг сабаби аҳволи руҳият тўғрисида гап юритишга ҳали эрта эди. Энди келиб, биз бу сўзни ишлатар эканмиз, мен сизларга, уларнинг асл номини маълум қиламан:

### **ИЧКИ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИАТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

– Саҳнавий... аҳволи руҳият... элементлари... ички... саҳнавий... аҳволи руҳият... – Вьонцов бу ғалати сўзларни тинмай қайтарарди. – Тушунган бўлсам ўлай агар – деган қарорга келди-да, чуқур хўрсиниб, қўлини силтаб умидсизланиб, сочларини тўзғита бошлади.

– Тушунмайдиган ери йўқ! Ички саҳнавий аҳволи руҳият деярли нормал инсоний ҳолатдир.

– «Деярли»?!

– У нормал ҳолатдан яхшироқ ва шунинг билан бирга... ундан ёмонроқ ҳамдир.

– Нимага ёмон?

– Чунки саҳнавий аҳволи руҳиятда кўпчилик олдида ижод қилиш шаронтининг табиий эмаслигига кўра театр ва саҳнага оид ўз-ўзини кўрсатиш аломати мавжуд, бу нарса нормал инсоний аҳволи руҳиятда йўқдир. Шунга биноан, биз артистнинг саҳнадаги шундай ҳолатини оддий ички аҳволи руҳият деб эмас, унга саҳнавий сўзини қўшиб атаймиз.

– Ички саҳнавий аҳволи руҳиятнинг нормал аҳволи руҳиятдан нимаси яхши?

– Шуниси яхшики, биз реал ҳаётда билмаган кўпчилик олдида ёлғиз қолиш ҳиссиётини ўз ичига олгандир. Бу жуда ажойиб ҳиссиётдир. Бир вақтлар, эсингиздами, бўш театрда ёки ўз уйингизда - хонангизда, партнёр билан қолиб, узоқ вақт ўйнаш қийин деган эдингиз. Шунда биз бу хилдаги ўйинни гиллампар ёзилган, юмшоқ мебеллар қўйилган, акустикани йўқотадиган хонада ашула айтишга ўхшатган эдик. Аммо гомошабин

билан лиқ тўла залда, артистнинг юраги билан минг кишининг юраги бир текисда уриб турганда туйғуларимиз учун жуда ажойиб резонанс ва акустика пайдо бўлади. Саҳнадаги чинакам кечинманинг ҳар бир лаҳзасида томоша залидан ҳамдардлик, хайрихоҳлик, биз билан бирга ижод қилаётган минглаб одамларнинг кўзга кўринмайдиган жонли, ҳаяжонли жавоби келиб туради. Томошабин артистни қийнаш ва қўрқитишдан ташқари, унда чинакам ижодий ғайрат ҳам кўзгата олади. Бу ғайрат артист қалбига ҳарорат, ўзига ва артистлик ишига ишонч багишлайди.

Минглаб одамлар қалбидан келаётган таъсир-жавоб ҳиссиёти бизларга инсон эришиши мумкин бўлган энг юксак қувонч бахш этади.

Шундай қилиб, бир томондан, кўпчилик олдида ижод қилиш артистга халақит берса, иккинчи томондан унга ёрдам беради.

Афсуски, бундай тўғри, деярли мутлақо табиий инсоний аҳволи руҳият саҳнада жуда камдан-кам пайдо бўлади. Баъзан шундай муваффақиятли спектакл ёки унинг айрим моментларидан кейин артист ўз гримхонасига кириб келар экан, «бугун мазза қилиб ўйнаяпман» дейди.

Бу унинг саҳнада тасодифий равишда деярли нормал, инсоний ҳолатни топиб олганини билдиради.

Бундай фавқулудда ҳолларда артистнинг бутун ижодий аппарати, барча аъзолари, деярли ҳамма ички «пружиналари», «кнопкалари», «педаллари» жуда аъло даражада, деярли ҳаётдагидек ёки ундан ҳам яхшироқ ишлайди.

Бундай ички саҳнавий аҳволи руҳият саҳнада ниҳоятда зарурдир. Чунки фақат ўша бўлгандагина чинакам ижод бўлади. Мана шунинг учун ҳам биз ички саҳнавий аҳволи руҳиятни ғоятда юқори қадрлаймиз. Бу ижод процессидаги энг муҳим моментлардан биридир: биз элементларни шунинг учун ўргандик.

Илгарилари «Аполоннинг инъоми» сифатида тасодифан келиб турган ички саҳнавий аҳволи руҳиятни ўз хоҳишимиз ва ихтиёримиз билан яратишга имкон берган психотехникага эга бўлишимиз биз учун катта бахтдир.

Мана шунинг учун мен бугун дарсни сизларни табриклаш билан тугатаман: сиз бугун мактаб ишимизда жуда муҳим босқични билиб олдингиз, бу – **ИЧКИ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИЯТДИР.**<sup>53</sup>



– Афсуски, тез-тез учраб турадиган бундай ҳолларда, – деди Аркадий Николаевич. – саҳнада тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳият пайдо бўлмаган пайтларда артист саҳнадан чиқиб, гримхонасига кирар экан: «кайфиятим йўқроқ, бугун ўйнолмаяпман» деб зорланади. Бу ҳол артистнинг руҳий ижодий аппарати нотўғри ишлаётганини ёки бутунлай ишламаётганини, бунинг ўрнига механик одат, сунъий ўйин, штамп, ҳунар ишга киришиб кетганини билдиради. Бунинг сабаби нимада? Балки артист порталнинг қора туйнугидан қўрқиб кетгандир ва бу ҳол унинг аҳволи руҳиятнинг барча элементларини чалкаштириб юборгандир. Ёки у томошабинларнинг олдига тайёрланмаган рол билан чиққандир, у ролда айтаётган сўзларига ҳам, бажараётган хатти-ҳаракатларига ўзи ҳам ишонмайдигандир? Шу сабабли унда иккиланиш пайдо бўлиб, аҳволи руҳияти бўшашиб кетгандир?

Шундай ҳам бўлиши мумкинки, артист ижодда керакли даражада ҳозирлик кўришга эринган, яхши ишланган ролни қайтариб кўрмаган. Ҳолбуки бу ишни ҳар гал, ҳар бир спектакл олдида қилиш зарурдир. Бунинг ўрнига у саҳнага чиқиб ролнинг шаклинигина кўрсата бошлайди. Агарда бу иш қатъий белгиланган партитура ҳамда тақлидий санъатнинг камолотга етган техникаси билан қилинса дуруст. Буни, гарчанд у бизнинг санъатимизга мансуб бўлмаса ҳам ижод деб атаса бўлади.

Аммо шундай бўлиши ҳам мумкинки, актёр спектаклга бепотблиги, эринчоқлиги, эътиборсизлиги ёки хаёлини билмакка ёққа тортган бирор ташвиш ва кўнгилсиз ҳодисалар туфайли тайёргарлик кўролмаган. Балки у, ролни валдирашга ва томошабинни кулдиришга ўрганиб қолган «артистларнинг» биридир, чунки уларнинг қўлидан бундан бўлак иш келмайди. Бундай ҳолларда аҳволи руҳият элементларининг таркиби, сифати нотўғри танланган бўлади. Бу ҳолларнинг ҳар бирини айрим-айрим ўрганиб ўтиришнинг зарурияти йўқ. Умумий хулоса чиқарилса етарли бўлади.

Биласизки, одам-артист саҳнага минг кишининг олдида чиққанида у қўрқувдан, хижолатдан, жавобгарликдан, қийинчиликдан ўз-ўзини идора қилишни йўқотиб қўяди. Бундай пайти у инсонлардай гапиролмайди, қаролмайди, эшитолмайди, фикр юритолмайди, истолмайди, сезмайди, юролмайди, хатти-ҳаракат

қилолмайди. Унда томошабинга ёқиш, ўзини саҳнада кўрсатишга, томошабинни кулдириш учун қилиқ қилишга эҳтиёж пайдо бўлади. Бундай вақтларда актёр элементлари худди бўлиниб кетгандай бўлади ва бир-биридан айрим-айрим яшайди: диққат – диққат учун. объектлар – объектлар учун. ҳақиқат сезгиси – ҳақиқат сезгиси учун, мослашмалар – мослашмалар учун ва ҳоказо. Бу – турган гап, нормал ҳол эмас. Нормал ҳол деб худди реал ҳаётда бўлгани каби одам-артистда инсоний аҳволи руҳият яратувчи элементлар ажралмас ҳолда бўлишига айтилади.

Элементларнинг ижод momentiдаги ажралмаслиги тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳиятда ҳам бўлиш лозим, у ҳаётий ҳолатдан деярли фарқ қилмайди. Артистнинг саҳнадаги тўғри ҳолатида худди шундай бўлади. Бироқ бунинг чатоқлиги шундаки, ижод шароитининг нормал ҳолда бўлмаслигига кўра саҳнавий аҳволи руҳият ҳам турғун бўлолмайди. Уни салгина буздики, шу ондаёқ барча элементлар умумий боғланишни йўқотадилар, бир-бирларидан ажралган ҳолда – ўзларича ва ўзлари учун яшай бошлайдилар. Шундан кейин артист саҳнада, гарчи хатти-ҳаракат қилса ҳам, лекин рол учун керак бўлган оқимда эмас, балки шундай «хатти-ҳаракат» қилиш керак бўлгани учун шундай қилади. Бунга артист муносабатда бўлади, аммо пьесадаги одам билан эмас, балки... хурсанд қилиш учун томошабин билан муносабатда бўлади ёки артист ролнинг туйғу ва фикрларига монанд бўлган ўз туйғу ва фикрларини партнёрга яхшироқ етказиб бермоқ учун мослашмай, маҳорат, техника жиҳатидан қандай зўрлигини кўрсатиш ва ҳоказо учун мослашади. Шунда артист томонидан гавдалантирилаётган одамлар саҳнада аввалига у ёки бу руҳий хусусиятларсиз, кейинчалик инсон-рол учун зарур бўлган бутун руҳий хусусиятларсиз ҳаракат қилади. Бу чала-ярим яратилган одамларнинг бир хиллари ўзлари қилаётган ишларнинг ҳақиқат туйғуси ва ишончидан маҳрумдирлар, бошқаларида эса ўзлари гапирётган сўзларига зарур бўлган инсоний диққат етишмайди ёки бу чала-ярим яратилган одамлар учун объект тушиб қолган бўлади, усиз чинакам муносабат қилишнинг маъноси ва имконияти йўқолади. Мана шунинг учун бу каби майибларнинг саҳнада яратган хатти-ҳаракатлари ўлик, уларда на инсоний тасаввур этишларни, на ички кўз билан кўришларни, хоҳиш ва интилишларни сезмайсан, буларсиз артистнинг кўнглида ирода-туйғунинг ўзи ҳам туғилмайди.

Борди-ю, худди мана шундай нуқсонлар бизнинг ташқи, жисмоний табиатимизда ҳам мавжуд бўлса, улар кўзга кўриниб турса, саҳнада яратаётган шахсимиз қулоқсиз, бармоқсиз, тишсиз юрса нима бўларди? Бундай бадбашараликка кўникишимиз осон бўлмас эди. Лекин ички табиатимизнинг майиблиги кўзга кўринмайди. Уларга томошабин тушуниб етолмайди, фақат беихтиёр рэвизида ҳис этади, холос. Улар соҳамизнинг моҳир мутахассисларигагина тушунарлидир.

Мана шунинг учун ҳам оддий томошабин: «Ҳаммаси жойида-ку, лекин одамга таъсир этмади!» дейди. Мана шунинг учун томошабин актёрларнинг бундай хилдаги ўйинидан таъсирланмайди, қарсақ чалмайди ва иккинчи марта спектаклни кўргани келмайди. Бу ва бундан баттарроқ майибликлар саҳнада бизга доимо таҳдид қилади ва саҳнавий аҳволи руҳиятни беқарор аҳволга солади.

Бу ҳам майли-я, нотўғри аҳволи руҳият ғоятда енгил ва тез содир бўлади, уни ҳисобга олишнинг имкони бўлмай қолади. Мана бу яна ҳам хавфлироқдир. Тўғри пайдо бўлган ички саҳнавий аҳволи руҳият фақат битта нотўғри элементга йўл қўйилар экан, у шу ондаёқ ўзи сингари нотўғри бўлиб қолган элементларни эргаштириб кетади ва ижодга керак бўлган руҳий ҳолатни бузади.

Менинг сўзларимни синаб кўринглар: ўзингизга саҳнада шундай ҳолатни яратингларки, унда барча таркибий қисмлар, худди уйгун оркестр каби, якдиллик билан ишласинлар, бу тўғри элементлардан бирини бошқа нотўғри элемент билан алмаштиринг ва бундан қандай сохталиқ келиб чиқишини кўрасиз.

Масалан, фараз қилинг, рол ижрочиси ўзига тасаввур тўқимасини ўйлаб топди-ю, аммо унга ишонгиси йўқ. Шунда ўз-ўзини алдаш, сохталиқнинг пайдо бўлиши муқаррар, улар тўғри аҳволи руҳиятни бузиб юборадилар. Худди шундай ҳол бўлак элементлар билан ҳам содир бўлади.

Ёки фараз қилайлик, артист саҳнада объектга қарайди-ю, бироқ уни кўрмайди. Бунда унинг диққати пьеса ва рол бўйича керак бўлган нарсага жалб этилмайди, аксинча, у ўзига зўрлаб кўрсатилаётган тўғри саҳнавий объектни четга суриб қўяди ва бошқа нотўғри, бироқ ўзи учун қизиқарлироқ ҳамда ҳаяжонлироқ, яъни томоша залига ёки саҳнадан ташқарида бўлган ҳаёлдаги ҳаётга интилади. Бундай пайтлари артистда механик

«қараш» пайдо бўлади, у сунъийликни келтириб чиқаради ва шунда ҳамма авҳоли руҳият майиб бўлади. Ёки одам-ролнинг жонли вазифасини актёрнинг ўлик вазифаси билан алмаштириб кўринг ёки ўзингизни томошабинларга кўрсатинг ёки ролдан ўз темпераментингиз кучини мақташ учун фойдаланинг. Саҳнадаги тўғри ҳолатга шу нотўғри элементлардан истаганингизни киритган пайтингиз бошқа ҳамма тўғри элементлар бирданига ёки аста-секин ўзгаради: ҳақиқат шартлилика ва актёрча техник усулга айланиб кетади, чинакам кечинмага ва хатти-ҳаракатга бўлган ишонч актёрлик ҳунарига ва одатга кириб колган механик хатти-ҳаракатга бўлган ишончга айланади: инсоний вазифалар, истаклар, интилишлар, махсус, актёрча вазифалар ва истакларга айланади: тасаввур тўқимаси йўқолади, у реал кундалик билан алмашади, яъни шартли ўйнаш тақлид қилиш бачканалик билан алмашади.

Энди бу майибликларнинг барчасига яқун ясанг: рампанинг нариги томонидаги диққат объекти ва мажбурий ҳақиқат туйғуси ҳамда ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилятининг ҳаётийси эмас, балки ясамасига ўлик вазифани қўшинг, буларнинг барчаси бадий тўқима муҳида эмас, балки кундалик реал актёрлик воқелигида, спектаклнинг нормал бўлмаган шароитида олинган, бунга бундай ҳолларда муқаррар рўй берадиган мускулларнинг кучли сиқиқлигини ҳам қўшинг.

Мана шу «элементлар»нинг ҳаммасидан нотўғри саҳнавий ҳолат пайдо бўлади, бу ҳолатда на кечиниб бўлади ва на ижод қилиб, фақатгина ҳунаромандчасига образни тақлид қилиш, қилиқ қилиш, кулдириш, ясамалик ва масхаравозлик қилиш мумкин, холос.

Шундай ҳолат мусиқада ҳам рўй бермайдими? У ерда ҳам битта сохта нота уйғун аккордни бузади, ёқимлиликини йўқотади, консонансни диссонансга айлантиради ва барча бўлак ноталарни сохта жаранглашга мажбур қилади. Нотўғри нотани тўғриласангиз аккорд яна тўғри жаранглайди.

Бугун мен мисол келтирган ҳамма ҳолларда аввалига муқаррар равишда майиблик, кейинчалик саҳнада артистнинг нотўғри ҳолати пайдо бўлади, уни биз ўз тилимизда – ҳунаромандча (актёрча аҳволи руҳият) деб атаймиз.

Саҳнада мана шундай нотўғри руҳий ҳолатга ҳаммадан кўпроқ сизга ўхшаган, артистликни энди бошлаётганлар.

ҳали тажриба ҳамда техникадан маҳрум бўлганлар тушиб қоладилар. Бундай руҳий ҳолат уларда қатор шартлиликларни келтириб чиқаради. Тўғри, нормал инсоний аҳволи руҳиятга келсак, бу уларда беихтиёр, тасодифий равишда пайдо бўлади.

– Бор-йўғи бир мартагина саҳнага чиққан бўлсак, бизларда ҳунар нима қилсин? – деб мен бошқа ўқувчилар билан бирга эътироз билдирдим.

– Бу саволингизга агар хато қилмасам, ўз сўзларингиз билан жавоб бераман, – деб Торцов мени кўрсатди. – Эсингиздами, энг биринчи дарсда, саҳнага чиқиб ўз ўртоқларингиз – ўқувчилар олдида оддий ўтиришни буюрганамда, сиз бунинг ўрнига сунъий ўйнай бошлагандингиз, оғзингиздан тахминан шундай гап чиққан эди: «Тавба! Мен умримда бир мартагина саҳнада бўлдим, бўлак вақтда нормал ҳаёт кечирдим, лекин табиий яшаш ўрнига, саҳнада тақтид қилиш анчагина осонроқ». Бунинг сири шундаки, саҳнада – кўпчилик олдида ижод қилиш шароитининг ўзида сохталик яшириниб ётади. Унга шундайгина кўникиб қўя қолиш ярамайди, балки унга қарши курашмоқ лозим, уни четлаб ўта билиш ва пайқамасликнинг уддасидан чиқа билиш лозим. Саҳнавий сохталик саҳнадаги ҳақиқат билан тўхтовсиз кураш олиб боради. Қайси йўл билан ўзимизни сохталикдан сақлашимиз ва ҳаётийликни мустақамлашимиз мумкинлигини келгуси дарсда кўриб чиқамиз.

...19 ...й.

– Келинлар, навбатдаги масалаларни ҳал қилиб олайлик: биринчидан, саҳнада ўзимизни қандай қилиб нотўғри, ҳунармандларча (актёрчасига) ҳис этишдан сақлаб қолишимиз мумкин, бундай аҳволда қилиқ қилиш ва сунъий ўйнаш мумкин, холос: иккинчидан, қайси йўл билан ўзимизда тўғри, инсоний ҳиссиётни яратсак бўлади, бундай аҳволда чинакам ижод қилиш мумкин, – деб Аркадий Николаевич бугунги дарсни бошлади.

Бу ҳар икки масалани бир вақтда ҳал қилса бўлади, чунки бири иккинчисини инкор этади, тўғри ҳиссиёт яратар экансан, шу билан бирга, нотўғрисини маҳв этасан ва аксинча: бу масаланинг биринчиси муҳимроқдир, шу сабабли унинг ҳақида гапирамиз.

Ҳаётда ҳар бир руҳий ҳолат ўз-ўзидан, табиий йўл билан ҳосил бўлади. Агар ички ҳамда ташқи ҳаёт шароитлари инобатга олинар экан, у ҳаминша ўзича тўғридир.

Саҳнада бунинг тескариси бўлади: кўпчилик олдида ижод қилишдаги нотабиий шароитнинг таъсири остида деярли ҳаминша нотўғри, актёрлик кайфияти пайдо бўлади. Фақат аҳён-аҳён-да, тасодифий равишда, инсоний, нормал аҳволи-руҳиятга яқин бўлган табиий ҳолат пайдо бўлади.

Саҳнада тўғри аҳволи-руҳият ўз-ўзидан пайдо бўлмаган вақтларда нима қилмоқ керак?

Ундай вақтларда деярли воқеликдаги каби табиий, инсоний ҳолатни сунъий йўл билан яратишга тўғри келади.

Бунинг учун психотехника зарурдир. У тўғри аҳволи руҳият яратишга ва нотўғриси йўқотишга ёрдам беради. У артистни рол муҳитида ушлаб туришга, уни порталнинг қора туйнугидан ҳамда томоша залга интилишидан сақлаб туришга ёрдам беради.

Бу процесс қандай бажарилади?

Ҳамма актёрлар спектакл бошланиш олдидан ташқи қиёфаларини гавдалантираётган образларига ўхшатиш учун грим қилиб, кийим киядилар, бироқ улар энг муҳим нарсани унутадилар: артистлар ҳар бир спектаклда ҳаммадан аввал кечинишга даъват этилган «инсоннинг руҳий ҳаётини» яратиш учун ўз юракларини тайёрлашлари лозим.

Актёрлар нега бутун эътиборларини фақат ташқи қиёфаларига берадилар? Ёки ташқи қиёфа саҳнадаги асосий ижодкор ҳисобланадими? Нима учун артист юраги «грим қилинмайди», «кийим киймайди?»

– Уни қандай грим қилиб бўлади? – деб сўрашди ўқувчилар.

– Кўнгил пардозини ва ролга ички тайёргарлик қуйидагидан иборатдир: гримхонага кўпчилик актёрлар сингари сўнгги дақиқаларда кириб келмай, балки (катта рол ўйнаганда) спектакл бошланишдан икки соат илгари келиб, артист саҳнага чиқишга тайёргарлик кўриши лозим, қандай тайёргарлик кўрмоғи керак?<sup>54</sup>

Ҳайкалтарош ҳайкални ясашга тушишдан илгари лойни рося пиштади; ашулачи қўшиқ айтишидан илгари овозини очиб, созлайди; бизлар бўлсак кўнгил торларини созлаш учун ички «пар-

даларни», «педалларни», «кнопкаларни», барча элементларни ва киркикларни уларнинг ёрдами билан ҳаракатга келадиган ижодий аппаратимизни синаб кўрамиз.

Бу иш сизларга «тренинг ва муштра» дари бўйича маълумдир.

Машқлар мускулларни ёзишдан бошланади, чунки бусиз кейинги ишларни қилиб бўлмайди.

Ундан сўнг ёдингизда бўлсин, объект – бу суратдир! У нима ни тасвирлайди? Катта-кичиклигиними? Бўёқлариними? Олис объектни олинг! Кичик доирани – ўз оёғингиздан нари бўлмаган ўз кўкрак қафасингиз доирасини олинг. Жисмоний вазифани ўйлаб топинг! Уни аввал битта, кейинчалик иккинчи тасаввур тўқимаси билан асосланг ва жонлантиринг. Ҳатти-ҳаракатни ҳақиқат ва ишончгача етказинг. Сеҳрли «агарда», берилган шарт-шароит ва ҳоказоларни ўйлаб топинг. Ҳамма элементлар пишитилгандан сўнг, улардан бирортасига мурожаат қилинг.

– Қайси бирига?

– Истаганингизга, ижод вақтида сизга қайси бири ёқса шунга: вазифагами, «агардагами», тасаввур тўқимасигами, диққат объектигами, хатти-ҳаракатгами, кичик ҳақиқат ё ишончгами – хоҳлаганингизга мурожаат қилаверинг.

Улардан бирортасини ишга солишга муяссар бўлсангиз (аммо «умуман» ҳам, тахминан ҳам ва расмий ҳам эмас, балки асосий моҳиятини тўла-тўқис охиригача ишга сололсангиз), унда қолган ҳамма элементлар жонланган элемент кетидан эргашиб кетаверади. Бу ҳол психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг ва элементларнинг биргалашиб ишлашга бўлган табиий майллари туфайли содир бўлади.

Худди актёрлик аҳволи руҳиятида бўлгани каби, мазкур ҳолда ҳам битта нотўғри элемент қолган ҳамма элементларни эргаштириб кетади; битта, тамомила жонланган тўғри элемент, тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳият яратувчи қолган ҳамма тўғри элементларни ишга тушириб юборади.

Занжирнинг қайси бир ҳалқасидан тортманг, қолганлари унинг кетидан тортилади. Аҳволи руҳият элементлари билан ҳам худди шундай бўлади.

Бизнинг ижодий табиатимиз, агар у зўрланмаса, қандай ажойиб нарса! Унинг барча қисмлари яхлит ва бир-бирларига боғлиқдир.

Бу хусусиятдан жуда эҳтиётлик билан фойдаланмоқ лозим. Шунинг учун тўғри саҳнавий аҳволи руҳиятга кирилганда ҳар гал репетицияда, айниқса, спектаклда, яхшилаб, синчиклаб тай-ёргарлик кўрмоқ зарур; элементларни пишитмоқ, улардан тўғри аҳволи руҳият яратмоқ керак.

– Ҳар гал?! – ҳайрон бўлди Вьюнцов.

– Бу қийин иш! – деб Вьюнцовнинг сўзини маъқуллашди ўқувчилар ҳам.

– Сизнингча, зўрланган элементлар билан хатти-ҳаракат қилмоқ осонроқми? Бўлаклар, вазифалар, объектлар, ҳақиқат туйғуси ва ишончсиз энгилроқми? Наҳотки, сеҳрли «агарда» билан ва ишонарли берилган шарт-шароитлар билан асосланган аниқ, жозибатор мақсадни тўғри ишташ ва интилиш сизга халақит берса-да, штамплар, сунъийлик ва сохталик, аксинча, ёрдам берса, шунинг учун улардан ажрагингиз келмай-дими?

Йўқ! Ҳамма элементларни бир йўла бирлаштирмоқ осон ва табиийдир. Бинобарин, улар бунга табиий мойилдирлар.

Биз шундай яратилганмизки, бизга қўлларимиз ҳам, оёқларимиз ҳам, юрагимиз ҳам, буйрагимиз ҳам, ошқозонимиз ҳам бир йўла, бир вақтнинг ўзида керакдир. Бизнинг аъзоларимиздан бирортасини олиб, ўрнига ясамасини қўйсалар, чунончи, шиша кўз, ясама бурун, қулоқ, қўллар, оёқлар, тишларнинг ўрнига протез қўйиб қўйсалар биз учун жуда ҳам ёмон бўлади.

Нега сизлар худди шунга ўхшаган нарсани артистнинг ички ижодий табиатида ёки унинг ролида йўл қўймайсизлар: уларга ҳам барча таркибий органик элементлар керак; протез-штамплар эса уларга халақит беради. Тўғри аҳволи руҳиятни яратувчи барча қисмларнинг бир-бирлари билан тўла ҳамкорликда ишлашларига имконият туғдиринг.

Айрим ҳолда, ўзи ўзи учун ва ўзича олинган диққат объектининг кимга кераги бор? У фақат жозибали тасаввур тўқимасининг орасида яшайди. Бироқ қаерда ҳаёт мавжуд экан, у ерда унинг таркибий қисмлари бор ёки бўлаклари мавжуд, бўлак бор ерда эса – вазифа ҳам бўлади. Ўзига тортувчи вазифа турган гап истак, интилиш эҳтиёжларини келтириб чиқаради, улар хатти-ҳаракат билан тугайди. Лекин нотўғри, сохта хатти-ҳаракатнинг ҳеч кимга кераги йўқ, ҳақиқат бор ерда ишонч ҳам бўлади.



Ҳамма элементлар бир бўлиб туйғуларнинг эркин пайдо бўлиши ва «эҳтиросларнинг чинлилигини» яратиш учун ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятини вужудга келтиради.

Ахир бу ишни диққат объекти, тасаввур тўқимаси, бўлак ҳамда вазифалар, истак, интилиш, хатти-ҳаракат, ҳақиқат, ишонч ва ҳоказоларсиз қилиш мумкинми? «Оқ буқача» эртагидаги каби тагин ҳаммасини бошидан бошлаб қайтариб чиқиш лозим бўлади.

Табиат бириктирган нарсани ажратмаслигингиз керак. Табиий ҳолга қарши чиқиб, ўзингизни майиб қилманг. Табиатнинг ўз талаблари, қонунлари, шартлари бор, уларни бузиш керак эмас. Балки яхшилаб ўрганмоқ, тушуниб олмақ ва авайлаб сақламоқ керак.

Шунинг учун ҳар гал, ижодий ишни қайтарганингизда ҳамма машқларни бажаришни унутманг.

– Мени кечирасиз-у, – деб баҳслаша бошлади Говорков, – бу ҳолда бир кечада битта спектакл эмас, иккитасини ўйнашга тўғри келади! Биринчисини ўзимиз учун тайёргарлик кўраётганимизда, ўз гримхонамизда, иккинчисини томошабин учун саҳнада ўйнар эканмиз-да.

– Йўқ, бунинг ҳожати йўқ, – уни тинчитди Торцов. – Спектаклга тайёрланиш пайтида рол ёки этюднинг айрим асосий моментларини, пьесанинг ҳамма вазифа ҳамда бўлакларини охиригача ривожлантириб ўтирмай, унинг асосий этапларини кўриб чиқиш етарлидир.

Фақат ўзингиздан сўраб кўринг: мен бугун, ҳозир ролимнинг фалон жойига нисбатан ўз муносабатимга ишона оламанми? Мен мана шунақа хатти-ҳаракатни ҳис этиялманми? Тасаввур тўқимасида қандайдир арзимаган детални ўзгартириш ёки тўлдиришим керак эмасми? Спектаклга тайёрланишдаги бу барча машқлар «хамир учидан патиргина» холос, ўз ифода аппаратини синаб кўриш, ички ижодий асбобни созлаш, партитура ва артист кўнглининг таркибий элементларини кўздан кечиришдир.

Борди-ю, рол юқорида айтилган ишларни қилиш мумкин бўлган даражада пишиб ётган бўлса, унда ҳар гал ва ҳар бир қайтарилганда ижод қилиш енгил кўчади. Лекин бахтга қарши артистнинг репертуаридаги ҳамма роллар ҳам бу қадар камолот даражасига кўтарилмайди, шундай бўлганда эди, у партитура-

нинг тўла ҳўжайини бўлар, психотехника устаси, ўз санъатининг ижодкори бўлиб қолар эди.

Бундай шароитда спектаклга тайёрланиш процесси қийинлик билан ўтади. Лекин бунда қайтариш зарур ва ҳар гал кўпроқ вақт ва эътиборни талаб қилади. Артист тўғри аҳволи руҳиятни фақатгина ижод пайтидагина эмас, балки унганча, фақат спектаклдагина эмас, балки репетицияда ҳам ва уйидаги машқларида ҳам йўлга солиб туриши керак. Тўғри, ички саҳнавий аҳволи руҳият дастлабки пайтларда ҳам, рол мустаҳкамланмаган вақтда ҳам, худди шунингдек, пировардида ҳам, рол сийқаланиб, ўз ўткирлигини йўқотган пайтда ҳам тургун бўлмайди.

Тўғри, ички саҳнавий аҳволи руҳият ҳавода тебраниб турадиган аэроплан кабидир, унинг мувозанатини сақлаб туриш учун йўналишини тўғрилаб туриш лозим. Катта тажрибага эга бўлган учувчининг бу иши автоматик равишда бажарилади ва катта эътиборни талаб этмайди.

Бизнинг ишимизда ҳам худди шундай бўлади. Аҳволи руҳият элементлари мунтазам бошқариб туришга муҳтождир, бориб-бориб бу ишни ҳам автоматик бажариш мумкин.

Келинг, бу процессни мисол билан кўрсатиб берай.

Фараз қилайлик, артист ўзини ижод пайти саҳнада жуда яхши ҳис эътапти. У ўзини шу қадар бошқара оладики, ҳатто ролдан чиқмай туриб, ўз аҳволини синаб кўради ва уни таркибий элементларга бўлиб ташлай олади. Бу элементларнинг ҳаммаси яхши ишлайди, бир-бирларига кўмаклашади. Аммо мана бир оз четга чиқилади ва шу заҳотиёқ артист назари «ўз кўнглига қаратилади»: бу билан аҳволи руҳият элементларидан қайси бири нотўғри ишлаётганини билишга ҳаракат қилади, хатони топиб тузатади. Худди шу пайт фикрни билиш унинг учун мутлақо оғир иш эмас, яъни бир томондан нотўғри ерини тузатса, иккинчи томондан рол билан яшашни давом эттира беради.

«Актёр саҳнада йиглайди, кулади, аммо у йиғлаб, кулиб туриб, кулгисини ҳам, йиғисини ҳам кузатиб боради. Санъат бу икки ёқлама ҳаётдан, ҳаёт билан ўйин ўртасидаги мувозанатдан иборатдир».<sup>55</sup>

– Энди сизлар ички саҳнавий аҳволи руҳият нималигини ва психик ҳаётнинг айрим ҳаракатлантирувчилар ҳамда элементлардан қандай ташкил топишини биласизлар.

Худди шундай ҳолат пайти артистнинг кўнглини билишга уришиб кўрайлик-чи. Унда рол яратиш процессида нималар юз беришини кузатишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Фараз қилайликки, сиз энг қийин ва мураккаб образ – Шекспирнинг Гамлети устида иш бошлаяпсиз.

Уни нимага ўхшатса бўлади? Жуда каттакон тоғга. Унинг ичидаги бойликларни тўла-тўқис билмоқ учун, унинг ичида яшириниб ётган қимматбаҳо металлларни, тошларни, мраммарни, ёқилгини текшириб кўрмоқ, тоғдаги булоқларнинг, минерал сувларнинг таркибини билмоқ лозим, табиат гўзаллигини баҳоламоқ керак. Бундай вазифани бир одам бажаролмайди. Кўпчиликнинг ёрдами, мураккаб ташкилот, қанча-қанча маблағ, вақт ва ҳоказолар керак бўлади.

Чўққисига чиқиб бўлмайдиган тоққа аввали пастдан, унинг этагидан туриб қарайдилар; теварак атрофини айланиб, уни ташқи томондан ўрганадилар. Сўнг қояларга пиллапоярлар уйиб, тоғнинг тепасига чиқадиладар.

Йўллар қурадиладар, туннеллар очадиладар, қудуқлар кавлайдилар, шахталар қазийдилар, машиналарни ўрнатадиладар, ишчилар артелини ташкил қиладиладар ва текширишлардан кейин турли белгиларга биноан тоғ ўз ичида бебаҳо бойликларни яшириб ётганига ишонч ҳосил қиладиладар.

Тоғнинг ичига қанчалик кириб борилса, ўлжа шунчалик кўпайиб боради. Одам қанчалик баланд кўтарилса, уфқ кенлигидан ва табиат гўзаллигидан шунчалик таъсирланаверади.

Чуқур жарлик ёқасидаги қоя устида турганда, узоқдаги водий аранг кўзингга кўринади. Жилғалар илон изи бўлиб, пастга интилади. Водийда эса сувлар қуёш нуридан жилваланади. Водийнинг нарёғи ўрмон билан қопланган тоғ, тоғ бағрилари кўмкўк майсазор, баландроқлари оқ қоялардан иборат. Қоялар қуёш нурида ялтирайди. Осмонда елаётган булутлар уларга тез-тез соя ташлаб ўтади.

Ундан ҳам баландда қорли тоғлар, булутлар қўйнига ғарқ бўлгандай; у ерларда нималар бўлаётганини билолмайсан, киши.

Тоғдаги одамлар тўсатдан ҳаяжонга тушиб қаёққадир югуришади. Ҳаммалари хурсанд бўлиб бақирришади: «Олтин, олтин! Олтин конига дуч келиб қолдик!» Иш қизиби кетади, ҳар тарафдан қояни теша бошлашади. Кўп ўтмай, чўқмол уришлар тўхтайдди, ҳамма ёқ жим бўлиб қолади. ишчилар бошларини қуйи солиб, жимгина тарқалишади ва бўлак ерга, қаёққадир олисларга йўл олишади...

Олтин кони чиқмай қолади: қанча-қанча меҳнат зое кетади: кутилган мақсад бўлмайди: ғайрат сўнади; ер ости бойликларини текширувчилар – мутахассислар гангиб, бундан сўнг нима қилишларини билмай қоладилар. Лекин вақт ўтгач, тепалиқдан тағин шодиёна қийқириқлар эшитилади. Ўша томонга югуришади, кавлашади, оломон гувиллайди, кўшиқ янграйди. Бироқ бу сафар ҳам одамларнинг иши ўнгидан келмайди – олтин чиқмайди.

Ер қаъридан гурсиллаган товушлар, илгариги шодиёна қийқириқлар эшитилади, кейинчалик бориб улар ҳам тиниб қолади.

Бироқ тоғ саботли, ғайратли одамлардан ўз хазиначиларини яшириб қололмайди. Инсон меҳнати муваффақият билан тугалланади: олтин кони топилади. Ишчиларнинг зарб билан чўқмол уришлари янгидан бошланади, шўх кўшиқлар янграйди, бутун тоғ устида одамлар шахдам қадам ташлайди, яна бир оз ғайрат қилинса энг қимматбаҳо металлнинг бой хазиначиси топилади.

Бир оз сукутдан сўнг Аркадий Николаевич сўзида давом этди:

– Шекспирнинг Гамлет ҳақидаги буюк гениал асариди худди олтин конли тоғда бўлгани каби ҳисобсиз бойликлар (руҳий элементлар) ва унинг рудаси (асарнинг ғояси) яшириниб ётади. Бу қимматбаҳо нарсалар ғоятда нозик, мураккаб бўлади, тутқич бермайди. Уларни рол ва артистнинг кўнглидан қидириб топиш, ер остиди минералларни қидириб топишга нисбатан қийинроқдир. Аввалига шоирнинг асари билан олтин конли тоғ сингари ташқи томондан завқланадилар, унинг шаклини ўрганадилар. Кейинчалик унинг ичкари қатламларига, руҳий бойликлар яшириниб ётган ерга кириб бормоқ учун йўл ва чоралар ахтарадилар. Бунинг учун ҳам худди ўшандек «пармалаб кавланадиган қудуқлар», «туннеллар», «шахталар» (вазифалар, истақлар, мантиқ, изчиллилик ва ҳоказо), «ишчилар» (ижодий куч ва элементлар), «инженерлар» (психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар) ке-

рак бўлади; тегишли «руҳий ҳолат» (ички саҳнавий аҳволи руҳият) ҳам керакдир.

Артистнинг қалбида ижодий процесс йиллар бўйи: кундузи, кечаси, уйда, репетицияда ва спектаклда қайнаб тошади Бу меҳнат характери ҳаммадан яхшироқ «ижод қувончлари ва қийинчиликлари» деган сўзларда ифодаланади.

Ролимиз ва ўзимизда олтин кони, руда топилган вақтларда бизнинг артистлик қалбимизда ҳам «буюк қувонч» юз беради.

Рол устида ишлашнинг ҳар бир моментида ижодкорнинг бутун вужудида чуқур, мураккаб, мустаҳкам, давомли, турғун, ички саҳнавий аҳволи руҳият пайдо бўлади. Фақат шундай хислатдагина чинакам ижод ва санъат ҳақида гап бўлиши мумкин.

Бироқ, афсуски, бу хилдаги чуқур аҳволи руҳият камдан-кам содир бўладиган бир ҳолдир, у катта артистлардагина учрайди.

Баъзи актёрлар кўп ҳолларда саёз, асоссиз руҳий ҳолатда ижод қиладилар, ундай ҳолларда ролни фақат юзаки ўйнаш мумкин бўлади. Бундай ижодкор тоғнинг ичида яшириниб ётган беҳисоб бойликка қизиқмай, устидан ўтиб бораверувчи мутахассис каби пьеса бўйлаб беғамлик билан ўтиб кетаверади.

Бу хилдаги саёз, юзаки аҳволи руҳиятда шоир асарининг руҳий бойлигини очолмайсан, фақатгина унинг ташқи чиройини билиб оласан, холос.

Афсуски, биз кўпинча саҳна ижодкорларида худди шунақан-ги саёз ички саҳнавий аҳволи руҳиятни учратамиз.

Борди-ю, мен сиздан саҳнага чиқиб, у ерда йўқ қоғозни қидириб кўришингизни илтимос қилгудай бўлсам, у ҳолда сиз берилган шарт-шароитни, «агарда»ни, тасаввур тўқимасини яратишингиз, ички саҳнавий аҳволи руҳиятнинг барча элементларини кўзғатишингиз керак бўлади. Фақат ўшалар ёрдами билангина сиз турмушда қоғозни қидиришдек оддий вазифа қандай бажарилишини эслай оласиз ва янгидан билиб оласиз (ҳис этасиз).

Бундай кичкина мақсад кичик, саёз, қисқа саҳнавий аҳволи руҳиятни талаб қилади. У техникани яхши эгаллаб олган артистда бирданига пайдо бўлиб, хатти-ҳаракатни бажариб бўлгандан сўнг худди ўшандай тўсатдан тўхтайтиди.

Вазифа ва хатти-ҳаракат қандай бўлса, ички саҳнавий аҳволи руҳият ҳам шундай бўлади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ички саҳнавий аҳволи руҳиятнинг сифати, кучи, мустаҳкамлиги, чидамлиги, теранли-

ги, давомлилиги, таъсирчанлиги, таркиби ва турлари беҳад хилма-хилдир. Борди-ю, унинг ҳар биттасида у ёки бу элементларнинг кўп бўлишини, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларни ҳамда ижодкорларнинг ўзига хос табиий хусусиятлари эътиборга олинса, унда ички саҳнавий аҳволи руҳиятнинг турли-туман бўлиши ўз-ўзидан тушунарли бўлади. Бўлак ҳолларда, ўз-ўзидан, тасодифий равишда ҳосил бўлган ички саҳнавий аҳволи руҳият ижодий хатти-ҳаракат учун мавзу ахтаради. Аммо тескариси ҳам бўлади: қизиқарли вазифа, рол, пьеса артистни ва унинг кўнглида тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳиятни келтириб чиқаради. Ижод пайти ҳамда унга тайёрланишда артист қалбида мана шу ҳоллар рўй беради.

– Артист-ролнинг ички саҳнавий аҳволи руҳияти яратилди!

Пьеса ёлғиз қуруқ тафаккур (ақл) билангина эмас, балки хоҳиш (ирода) ва ҳиссиёт (туйғу) ҳамда барча элементлар воситаси билан ўрганиб чиқилди. Ижодий армия яна ҳам жанговар ҳолатга келтирилди! Ишга киришиш мумкин!

– Уни қай томонга бошлаш керак?

– Асосий марказга, пойтахтга, пьесанинг юрагига, асосий мақсадга, шу мақсад учун шоир ўз асарини яратган, артист бўлса унинг ролларидан бирини ижод қилади.

– Бу мақсадни қаердан қидириш керак? – деб тушунолмасди Вьонцов.

– Шоирнинг асаридан ва артист-ролнинг қалбидан.

– Бу қандай бажарилади?

– Бу саволга жавоб беришдан илгари ижодий процессдаги баъзи бир муҳим моментлар тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур. Менга қулоқ солинглар.

Битта дондан ўсимлик ўсиб чиққани каби, ёзувчининг айрим фикри ва туйғусидан асар пайдо бўлади.

Ёзувчининг бу айрим фикрлари, туйғулари, турмуш орзу-умидлари унинг бутун ҳаётига сингиб кетади ва ижод вақтида унга раҳбарлик қилиб туради. Булар пьеса асосини ташкил этади, бу уруғдан адабий асар пайдо бўлади. Бу фикрлар, туйғулар, ҳаётий орзу-умидлар, ёзувчининг ташвиш ва қувончлари пьесанинг асоси бўлиб қолади: шулар учун у кўлига қалам олади. Саҳнада ёзувчининг фикр-туйғуларини, унинг орзу-хаёлларини, ташвиш-қувончларини кўрсатиб бериш спектаклнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Келажакда бу асосий, бош мақсаддан ҳамма вазифаларни мустасносиз ўзига бириктирувчи, психик ҳаётни ҳаракатлантирувчи элементларнинг ижодий интилишини ҳамда артист-ролнинг аҳволи руҳият элементларини вужудга келтирувчи ҳамма нарса-ни ўз ичига қамраб олган мақсадни бундан буён **ЁЗУВЧИ АСАРИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ** деб аташга келишиб олайлик.

Аркадий Николаевич тепамизда осифлиқ турган шиорга ишора қилди.

– Ёзувчи асарининг олий мақсади?! – юзини фожиали буриштириб хаёлга ботгандай бўлди Вьюнцов.

– Мен сизга тушунтириб бераман. – деб Торцов унга ёрдам бермоқчи бўлди. – Достоевский бутун умри кишилардан худо ва иблисни ахтарди. Бу уни «Ака-ука Карамазовлар» асарини яратишга олиб келди. Мана шунинг учун ҳам худони ахтариш бу асарнинг олий мақсади ҳисобланади.

Лев Николаевич Толстой бутун умри камолотга интилиб ўтди, унинг кўпгина асарлари шу негиздан ўсиб чиққан. мана шу нарса уларнинг олий мақсади.

Антон Павлович Чехов қабиҳлик, мешчанликка қарши курашди ва ажойиб ҳаётни орзу қилди. Яхши ҳаёт учун кураш ва унга интилиш унинг кўпгина асарларидаги олий мақсад бўлиб қолди.

Генийларнинг бундай улкан ҳаётий мақсадлари артист учун ҳаяжонли ва қизиқарли вазифа бўлиб қолишини, пьеса ва ролнинг барча бўлақларини ўзига тортишга қодир эканини ўзингиз ҳам сезаётгандирсиз.

Пьесада нимаики рўй бермасин, ундаги барча катта-кичик вазифалар, ролга монанд бўлган артистнинг ҳамма ижодий фикр-зикри ҳамда хатти-ҳаракатлари пьесанинг олий мақсадини бажаришга қаратилади. Спектаклда содир бўлаётган воқеаларнинг у билан умумий боғланиши ва унга қарамлиги шу қадар кучлики, олий мақсадга алоқадор бўлмаган ҳатто энг кичик детал ҳам ортиқча, зарарли, диққатни асарнинг асосий моҳиятидан четга тортувчи бўлиб қолади.

Олий мақсадга интилиш яхлит, узлуксиз, бутун пьеса мазмуни бўйича ўтиб бориши лозим.

Узлуксизликдан ташқари, бу хилдаги интилишнинг сифатини ва келиб чиқишини ҳам фарқ қила билмоқ керак.

У актерчасига, расмий бўлиши ва деярли тўғри, умумий йўналишда бориши ҳам мумкин. Бундай интилиш асарни бондан-оёқ жонлантириб юбормайди, чинакам унумли ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатга бўлган фаолликни кўзғатмайди. Бундай ижодий интилишнинг саҳнага кераги йўқ.

Аммо бошқача – пьесанинг асосий мақсади учун бўлган чинакам, инсоний, фаол интилиш ҳам бўлиши мумкин. Бундай узлуксиз интилиш, худди гавданинг асосий қон томири сингари артист организмни ва гавдалантираётган шахсни озиқлантиради, уларга ва бутун пьесага ҳаёт бахш этади.



Бундай чинакам, жонли интилишни олий мақсаднинг сифати, қизиқарлиги билан қўзғатиш мумкин.

Гениал олий мақсад бўлганда унга бўлган майл ғоятда кучли, гениал бўлмаганда – бўш бўлади.

– Ёмон бўлганда-чи? – сўради Вьонцов.

– Ёмон олий мақсад бўлган тақдирда уни ўтқир ҳамда чуқур маъноли қилиш артистнинг ўз зиммасига юкланади.

– Биз учун олий мақсаднинг сифати қандай бўлиши лозим? – тушуниб олмақчи бўлдим.

– Бизга нотўғри, гарчанд артист учун жуда қизиқарли бўлса ҳам, пьеса муаллифи кўзда тутган ижодий мақсадига тўғри келмайдиган, олий мақсаднинг кераклиги борми? – деб сўради Торцов.

Йўқ! Бундай вазифанинг бизга кераги йўқ. Бунинг устига у хавфлидир. Нотўғри олий мақсад қанчалик қизиқарли бўлса, у артистни шунчалик ўзига тортиб кетади, уни муаллифдан, пьеса-дан ва ролдан шунчалик узоқлаштириб юборади. – деди Аркадий Николаевич ўз-ўзига жавоб бериб.

Ҳис-туйғусиз олий мақсад бизга керакми? Қуруқ, ҳис-туйғусиз олий мақсаднинг ҳам кераги йўқ. Аммо онгли, оқил, қизиқарли ижодий фикрдан келиб чиқувчи олий мақсад ғоятда зарурдир.

Бизнинг бутун табиатимизни қўзғатувчи ҳиссий олий мақсад керакми? Ҳа, бутунлай худди сув билан ҳаводек зарур.

Бизнинг бутун жисмоний, руҳий борлиғимизни қамраб оладиган, прода тўла олий мақсаднинг кераги борми? Жуда ҳам керак.

Ижодий тасаввурни қўзғатувчи, бутун диққатни қамраб олувчи, ҳақиқат туйғусини қаноатлантирувчи, ишончни қўзғатувчи ва артист аҳволи руҳиятининг бўлак элементларини ҳаяжонга келтирувчи олий мақсад тўғрисида нима деса бўлади? Психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларни, артистнинг ўз элементларини қўзғатувчи ҳар қанақа олий мақсад бизга ош-нондек зарурдир.

Шундай қилиб, бизларга ёзувчининг кўзда тутган мақсадига монанд бўлган, лекин ижодкор артистнинг инсоний қалбида муқаррар равишда бунга жавоб қўзғатувчи олий мақсад керак экан. Мана шу расмий, ҳис-туйғусиз эмас, балки чинакам, жонли, инсоний кечинмани келтириб чиқара олади.

Бошқача айтганда, олий мақсадни фақат ролдан эмас, балки артистнинг кўнглидан ҳам қидирмоқ лозим.

Битта ролнинг битта олий мақсади, шу ролнинг барча ижрочилари учун ҳам мажбурий бўлса-да, ҳар бир ижрочида турлича жаранглайди. Бир-бирига ўхшаса ҳам, аммо бошқа-бошқа вазифа бўлиб чиқади. Масалан, ҳаётий, инсоний бир мақсадни олиб кўринг: «ўйнаб-кулишни истайман». Бу истакнинг ўзида ва унга эришиш йўлида ҳамда шодлик ҳақидаги тушунчанинг ўзида қанчадан-қанча хилма-хил, нозик жиҳатлари бор. Буларнинг барида бир талай шахсий, индивидуал, онгли баҳолаш қийин бўлган жиҳатлар бор. Борди-ю, яна ҳам мураккаброқ олий мақсадни мисолга олгудай бўлсангиз, у ҳолда инсон-артистнинг индивидуал хусусиятлари яна ҳам яққолроқ бўртиб чиқади.

Турли ижрочиларнинг кўнглидаги мана шу индивидуал таъсир – жавоблар олий мақсад учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ижодкорнинг субъектив кечинмаларисиз у қуруқ, ўлик нарсадир. Олий мақсад ҳам, рол ҳам жонли, ҳаяжонли бўлмоғи, чинакам инсон ҳаёти билан товланиб турмоғи учун артистнинг кўнглидан жавоб ахтармоғи зарур.

Шуниси муҳимки, артист ролга бўлган муносабатида ҳиссий индивидуаллигини йўқотмасин, шунинг билан бирга, ёзувчининг кўзда тутган мақсадига қарама-қарши бўлмасин. Агар ижрочи ролда ўз инсоний табиатини намоён қилмас экан, унинг яратган қаҳрамони жонсиз бўлиб қолади.

Олий мақсадни артистнинг ўзи топа билмоғи ва уни севмоғи лозим. Борди-ю, олий мақсад унга бўлак одамлар томонидан кўрсатиб берилган бўлса, уни ўзи ҳам ҳис этиб кўриб шахсий, инсоний туйғусидан ҳаяжонланмоғи лозим. Бошқача айтганда, ҳар бир олий мақсадни ўзиники қила билиши керак. Бу ундан ўз қалбига ҳамоҳанг бўлган ички моҳиятни топиш демакдир.

Ролнинг ҳар бир ижрочисини ҳаяжонга солувчи кўзга кўринмайдиган жозибани олий мақсад қаердан олади? Кўп ҳолларда олий мақсадга бундай алоҳида хусусиятни мулоҳазасиз сезган нарсамиз, беихтиёрлик соҳасида яшириниб ётувчи жиҳатлар беради.

Олий мақсад бу соҳа билан жуда яқин алоқада бўлиши лозим.

Катта, тўлқинлантирувчи, чуқур маъноли олий мақсадни қанчалар узоқ вақт ва ғайрат билан қидириб топиш керак эканлигини ўзингиз ҳам энди кўриб турибсиз.

Олий мақсадни ёзувчининг асаридан қидириб топишни ва ўз қалбимизда унга жавоб беришнинг қанчалик муҳим эканлигини кўриб турибсиз.

Қанчадан-қанча олий мақсадларни бекор қилишга ва қайтадан ундиришга тўғри келади. Мақсадга эришмоқ учун қанчадан-қанча нишонга олишни ва мўлжалга тегмасликларни бошдан кечиришга тўғри келади.<sup>56</sup>

...19 ...й.

Аркадий Николаевич бугун шундай деди:

– Олий мақсадни қидириб топиш ва тасдиқлашнинг қўйин процессида унинг номини қўйиш катта рол ўйнайди.

Сизларга маълумки, оддий бўлақларда ва вазифаларда аниқ топилган номлар уларга куч ва аҳамиятлилик бахш этади. Биз ўз даврида исми феъл билан алмаштириш ижодий интилишнинг активлигини ва хатти-ҳаракатни кучайтиришини гапириб ўтган эдик. Бу шартлар олий мақсадни номлаш процессида яна ҳам кўпроқ даражада намоён бўлади.

«Нима деб аталиши бари бир эмасми!» дейишади баъзи олимлар. Бироқ, аниқ топилган номдан, бу номда яширинган хатти-ҳаракатга кўп ҳолларда асарнинг йўналиши ҳам, талқини ҳам (трактовкиси ҳам) боғлиқ экан. Фараз қилайликки, биз Грибоевнинг «Ақллилик балоси» асарини ўйнамоқдамиз ва асарнинг олий мақсади ушбу сўзлар билан аниқланган дейлик: «Софьяни севаман». Пьесада бундай номни асослайдиган кўпгина хатти-ҳаракатлар мавжуд.

Шуниси ёмонки, бундай талқин қилинганда пьесанинг асосий ижтимоий, фош этиш кучи тасодифий, эпизодик аҳамиятга эга бўлиб қолади. Аммо «Ақллилик балоси» асарининг олий мақсадини худди ўша «севаман» сўзлари билан, лекин Софьяга эмас, ўз ватанимга деб белгилаш ҳам мумкин. Бу ҳолда биринчи планга Чацкийнинг Россияга, ўз мамлакатига, ўз халқига бўлган ота-шин муҳаббати чиқиб олади.

Бунда пьесанинг ижтимоий фош этиш кучи катта ўрин эгаллайди ва бунда асар ўз ички мазмуни жиҳатидан аҳамиятлироқ бўлиб қолади. Лекин пьесани мазмун жиҳатидан яна ҳам чуқурлаштириш учун, унинг олий мақсадини қуйидагича белгилаш мумкин. «Озодликни севаман!» – пьеса қаҳрамонининг бундай интилишида унинг золимларни фош қилиши яна ҳам кескинроқ бўлади ва Софьяга муҳаббат боғлаш вариантыда шахсий аҳамиятга, иккинчи вариантда тор миллий аҳамияти эга бўлган бўлса, энди у кенг, умуминсоний аҳамиятига эга бўлиб қолади.

Гамлет трагедиясининг олий мақсади номини алмаштирилганда ҳам худди шундай ўзгариш рўй беради. Борди-ю, у «отамнинг хотирасини ҳурматлашни истайман» деб аталгудай бўлса, унда оилавий можарога тортиб кетади. «Борлиқнинг сириасрорини билиб олмоқни истайман» деб аталадиган бўлса, мистик трагедияга айланади, унда ҳаётни чуқур идрок этиш мумкин. Баъзилар Гамлетда иккинчи Мессияни\* кўришни истайдилар, бу ҳолда у қўлидаги шамшири билан ер юзини ярамаслардан тозалашга керак. «Инсониятни қутқаришни истайман» деган олий мақсад трагедияни яна ҳам чуқурлаштиради.

Мен ўзимнинг шахсий актёрлик тажрибамдан орттирган бир неча ҳодисаларни айтиб берсам, олий мақсад номларининг аҳамиятини келтирилган мисоллардан кўра, яна ҳам яққолроқ тушуниб оласиз.

Мен Мольернинг «Сохта бемор» асарида Арганни ўйнаган эдим. Аввалига бизлар пьесага жуда юзаки қараб, унинг олий мақсадини шундай белгиладик: «Бемор бўлишни истайман».

Ўзимни қанчалик касал қилиб кўрсатишга уринсам, шунчалик яхши чиқаверди. натижада қувноқ комедия – сатира бемор трагедиясига, касалнинг ўзини ўйнашга айланиб кетаверди.

Лекин тез орада хатоимизни тушундик ва жоҳилнинг олий мақсадини қуйидаги сўзлар билан белгиладик: «Истайманки, мени касал деб ҳисобласинлар». Бундай белгилаганимиздан кейин пьесанинг кулгили томони дарров бўртиб чиқди-қўйди, медицина оламидаги муттаҳамлар томонидан тентакни ўз фойдасига ишлатишлари учун замин ҳозирланди. Мольер ҳам ўз пьесасида шундай муттаҳамлардан кулган. Трагедия бирданига мешчанликдан кулувчи қувноқ комедияга айланди-қолди.

Бошқа пьеса – Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси»да биз аввалига олий мақсадни «Хотинлардан нарироқ бўлишни истайман» (хотинларни ёмон кўришлик) деб атадик. Аммо бундай белгилашда пьесадаги юмор ва хатти-ҳаракатчанлик очилмади. Пьесанинг қаҳрамони хотинларни яхши кўришини, у хотинларни ёмон кўрувчи эмас, балки шундай бўлиб кўринишни истаганини тушунганимдан сўнг, олий мақсад қуйидагича белгиланди:

---

\* Мессия – Мусо: яҳудийлар динида у яҳудий халқини озод қилишга келади, деб кутилган зот.

«Кўнглини зимдан овлайман» (ўзимни хотинларни ёмон кўрган қилиб кўрсатаман). Пьеса шу ондаёқ жонланиб кетди.

Бироқ, бундай вазифа бутун пьесага эмас, балки кўпроқ менинг ролимга тааллуқли эди. Пьеса устида анча ишлаганимиздан кейин, аёл киши (Мирандолина) «Меҳмонхонанинг бекаси» ёки бошқача айтганда, «ҳаётимиз бекаси» эканлигини тушунганимиздан кейин ва шунга яраша олий мақсадни белгилаганимиздан кейин бутун ички моҳият ўз-ўзидан намоён бўлди-қолди.

Келтирган мисолларим шундан далолат берадики, бизнинг ижодимизда ва унинг техникасида олий мақсаднинг номини танлаш ғоятда муҳим ҳисобланади, у бутун ишга маъно ва йўналиш бахш этади.

Жуда кўп ҳолларда олий мақсад спектакл ўйналгандан сўнг белгиланади. Кўпинча томошабинларнинг ўзлари артистга олий мақсаднинг тўғри номини топиб олишга ёрдам беради.<sup>57</sup>

Олий мақсаднинг пьеса билан чамбарчас боғланганлиги, олий мақсад пьесанинг мағзи-мағзидан, унинг энг асосий жиҳатларидан олинishi энди сизларга равшан бўлгандир?

Олий мақсад ижодкор артистнинг юрак-юрагига, унинг тасаввурига, фикр-туйғуларига, ҳамма элементларига иложи борича яхшироқ ўрнашиб олсин. Олий мақсад ижрочига ролнинг ички ҳаёти ва ижод мақсадини доимо эслатиб турсин. Артист спектакл давомида ўша билан банд бўлмоғи зарур. У артистнинг эътиборини доимо рол ҳаёти билан банд бўлишига ёрдам берсин. Бунга муяссар бўлинган тақдирда кечинма процесси нормал ҳолда бўлади, борди-ю, ролнинг ички мақсади ролни бажараётган одам-артистнинг интилишларидан ажралиб кетар экан, у ҳолда тузатиб бўлмайдиган майиблик пайдо бўлади.

Мана шунинг учун ҳам артистнинг биринчи вазифаси – олий мақсадни эсдан чиқармасликдир. Уни унутиш пьесада гавдалантирилаётган ҳаётини йўлни узиб қўйиш, демакдир. Бундай ҳол рол учун ҳам, артистнинг ўзи учун ҳам, бутун спектакл учун ҳам хавфлидир. Бундай ҳолда ижрочининг бутун диққат-эътибори бир лаҳзадаёқ нотўғри томонга кетади, рол жонсизлашиб, охири ўлади. Ҳаётда осон ва ўз-ўзидан рўй берадиган нарсани саҳнада ҳам нормал ва табиий равишда кўрсатишга ўрганинг.

Олий мақсаддан ёзувчининг асари пайдо бўлган экан, артистнинг ижоди ҳам ўшанга қаратилган бўлиши керак.

– Шундай қилиб, – деди Аркадий Николаевич. – артистнинг идроки (ақл), истаги (ирода) ва ҳиссиётидан (туйғудан) пайдо бўлган психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг интилиш йўллари, ўзларига ролнинг зарраларини қабул қилиб одам-артистнинг ички ижодий элементларини сингдириб, бир-бирлари билан қўшилиб, чирмашиб ғалати бир шакл ҳосил қиладилар ва каноп чилвири каби битта тугунчага тугиладилар. Бу ҳамма интилиш йўллари бир бўлиб, ички саҳнавий аҳволи руҳиятни вужудга келтирди, фақат шундагина рол руҳий ҳаётининг ҳамма қисмларини, ҳамма мураккаб йўлларини, худди шунингдек, саҳнада ижод қилаётган артистнинг шахсий ҳаётини ҳам ўргана бошласа бўлади.

Ролни шундай ҳар томонлама ўрганилганда олий мақсад аниқланади. пьеса ҳам, ундаги қатнашувчи шахслар ҳам шу олий мақсад учун яратилгандирлар.

Ижодий интилишнинг асл мақсадини тушунгандан сўнг, ҳаракатга келтирувчилар ва элементларнинг ҳаммаси автор кўрсатган йўлга қараб, умумий, энг асосий мақсадга – яъни олий мақсадга қараб интиладилар.

Артист-ролнинг психик ҳаётини ҳаракатлантирувчиларнинг бутун пьеса бўйича ўтадиган бу хатти-ҳаракатини, ички интилишнинг биз ўз тилимизда артист-ролнинг етакчи хатти-ҳаракати, деб атаймиз.

– Шундай қилиб, етакчи хатти-ҳаракат артист учун психик ҳаётни ҳаракатлантирувчилар интилиш йўлининг тўғри давомидир, улар ижод қилувчи артистнинг ақлидан, иродасидан ва туйғусидан келиб чиқади.

Мабодо етакчи хатти-ҳаракат бўлмаганда, пьесанинг барча бўлаклари ва вазифалари, берилган шарт-шароитлари, муносабат, ҳақиқат ҳамда ишонч моментлари ва ҳоказолар ўзларича ажралган ҳолда жонсиз бўлиб қолардилар ва уларнинг жонланишига ҳеч қандай умид қолмасди.

Бироқ, етакчи хатти-ҳаракат йўли буларнинг ҳаммасини бирлаштиради, барча элементларни худди маржонни битта ипга тизгани сингари тизиб чиқади ва уларни умумий олий мақсадга йўналтиради. Шу пайтдан бошлаб ҳамма нарса олий мақсадга хизмат қилади.

Бизнинг ижодимизда етакчи хатти-ҳаракатнинг ва олий мақсаднинг амалий аҳамиятини сизларга қандай қилиб тушунтириб берсам экан?

Ҳақиқий ҳаётдан олинган воқеалар сизни ҳаммадан кўпроқ ишонтиради. Мен шулардан биттасини айтиб бераман.

Томошабинлар олдида муваффақият қозонган ва уларнинг муҳаббатига сазовор бўлган артистка З. «системага» қизиқиб қолибди. У қайтадан ўқиб-ўрганиш ниятида вақтинча саҳнадан кетибди. Бир неча йил мобайнида З. турли муаллимларда янги метод бўйича машғулот олиб борибди. бутун курсни ўтиб бўлгач, яна саҳнага қайтиб келибди.

Шуниси таажжубланарлики, у илгариги муваффақиятга эришолмабди. Собиқ машҳур артистка ўзида бўлган энг қимматли сифатларни – самимийлик, ҳаяжон, илҳом моментларини йўқотибди. Уларнинг ўрнини қуруқ ўйин, натуралистик деталлар, расмий ўйнаш усуллари ва бўлак нуқсонлар эгаллаб олибди. Шўрлик артистканинг аҳволини тушуниш қийин эмас. албатта. Саҳнага ҳар бир янги чиқиши унинг учун имтиҳонга айланибди. Бу ҳол унга ўйнаш учун халақит берган ва уни саросимага солган, умидсизликка олиб келган. У ўзини турли шаҳарларда синаб кўрган, чунки пойтахтда «системанинг» душманлари янги метод тўғрисида ёмон фикрдалар деб ўйлаган. Аммо бўлак шаҳарларда ҳам бу ҳол такрорланган. Бечора артистка «системага» лаънатлар ўқиган ва ундан юз ўгиришга қарор қилган. У илгариги усулига қайтмоқчи бўлган, лекин бунинг ҳам уддасидан чиқолмаган. Бир томондан ҳунармандча актёрлик ҳадиси ва эски усулга ишонч йўқолган, иккинчи томондан эса эски методнинг янгисига нисбатан бўлган бемаънилигини тушунган ва пировардида янгисини севиб қолган. Эскисидан воз кечиб, янгисига бутунлай ўтолмаган ва аросатда қолган. Шундан кейин З. саҳнани ташлаб кетишга ва эрга тегишга қарор қилибди, деган гаплар юрарди. Кейинчалик ўзини ўлдиришга қасд қилибди, деган миш-мишлар ҳам тарқалди.

Шу орада мен З. ни саҳнада кўриб қолдим. Спектакл тамом бўлгандан сўнг, унинг илтимосига кўра, мен унинг гримхонасига кирдим. Мени артистка худди айб қилиб қўйган шогирддай кутиб олди. Спектакл аллақачон тамом бўлган, қатнашувчилар ва театр ходимлари тарқалиб бўлишган эди. У бўлса гримини артмай, кийимини ечмай, мени ўз гримхонасидан чиқармай.

ҳаяжон, умидсизлик билан ўзидаги ўзгариш сабабларини билмоқчи бўлди. Биз унинг роли ва унинг устида ишлашининг ҳамма моментларини, «системадан» ўзлаштирган техниканинг ҳамма услубларини қайта кўриб чиқдик. Ҳаммаси тўғри эди. Артистка унинг ҳар битта қисмини алоҳида яхши билар, лекин «системанинг» ижодий асосларини бошдан-оёқ ўзлаштирмаган эди.

«Етакчи хатти-ҳаракатчи, олий мақсад-чи?!» – деб мен ундан сўрадим.

3. Булар тўғрисида нималардир эшитган ва уларни умуман юзаки билган экан, лекин булар унинг учун амалда ишлатилмаган назария ҳолида экан.

«Агар сиз етакчи хатти-ҳаракатсиз ўйнар экансиз, демак сиз саҳнада берилган шарт-шароит ва сеҳрли «агарда» асосида хатти-ҳаракат қилмайсиз; демак, сиз ижодга табиатнинг ўзини ва унинг беихтиёрлигини жалб қилмагансиз, бизнинг асосий мақсадимиз ва санъатимиз талаби – «ролдаги» инсоннинг руҳий ҳаётини «яратмагансиз». Уларсиз «система» йўқ. Демак, сиз саҳнада ижод қилмай, балки «система» бўйича ўзаро боғланмаган айрим машқларни қилгансиз, холос. Улар спектакл учун эмас, балки мактаб дарси учун яхши. Бу машқлар ва «системада» мавжуд бўлган ҳамма нарсалар, биринчи галда, етакчи хатти-ҳаракат ҳамда олий мақсад учун кераклигини унутиб қўйгансиз. Мана шунинг учун ҳам ролингизни алоҳида бўлаклари жуда ажойиб бўлишига қарамай, таассурот қолдирмайди ва тўла-тўқис қаноат ҳосил қилмайди. Апполоннинг ҳайкалини парча-парча қилиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўрсатсангиз кимга таъсир қиларди».

Эртаси куни уйда репетиция ўтказмоқчи бўлдик. Мен артисткага у тайёрлаган бўлақлар ва вазифаларни етакчи хатти-ҳаракатга қай йўсинда сингдириш ҳамда уларни умумий олий мақсадга йўналтиришни тушунтириб бердим.

3. жон-жаҳди билан ишга киришди ва буларни ўзлаштириб олмоқ учун бир неча кун муҳлат беришимни илтимос қилди. Менсиз қилган ишларини уйига бориб, текшириб турдим ва ниҳоят, театрга янгича ишланган, тузатилган спектаклни кўргани бордим. Ўша кеча театрда бўлган аҳволни тасвирлаш қийин эди. Истеъдодли артистка чеккан азоблари ва иккиланишлари эвазига тақдирланди. У зўр муваффақият қозонди. Ролга мўъжиза, ҳаёт бахш этувчи етакчи хатти-ҳаракат ва олий мақсад мана шундай ишларга қодир.



Санъатимизда буларнинг қандай зўр аҳамиятга эга эканлигига мана шу мисолнинг ўзи ҳам яққол далил эмасми?

Мен масалани яна ҳам чуқурлаштираман! – деди Аркадий Николаевич. – Қўз олдингизга идеал одам-артистни келтиринг; у биргина ҳаётий мақсадга: «ўз юксак санъати билан инсонларни юксалтиришга ва хурсанд қилишга, генийларнинг асарларидаги яширин руҳий гўзалликларни очиб беришга» интилади, дейлик.

Бундай одам-артист театрга тўпланган томошабинлар учун гениал пьеса ва ролни ўзи қандай талқин қилишини кўрсатиш ва тушунтириб бериш учун саҳнага чиқади ва ижодкорнинг фикри бўйича, асарнинг моҳиятини яхшироқ очиб беради. Бундай одам-артист бутун умрини ўз замондошларини маърифатли қилишдек юксак ва маданий мақсадга сарфламоғи мумкин. У ўзининг шахсий муваффақияти ёрдами билан онги, қалби ва ҳоказоларига яқин бўлган ғоя ва туйғуларни кўпчиликка етказмоғи мумкин. Буюк одамларда юксак мақсадлар оз бўлади дейсизми?!

Бундан буён одам-артистнинг бу хилдаги ҳаётий мақсадларини энг олий мақсад ва олий етакчи хатти-ҳаракатлар, деб аташга келишиб олайлик.

– Бу нима деганингиз?

– Жавоб ўрнига мен сизларга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб бераман. Бу воқеа худди шу нарсани тушунишимга (ҳис этишимга) ёрдам берган эди.

Бир пайтлар театримиз Петербургга гастролга бориб, энди ўйинларни бошлаймиз деб турганимизда, мен муваффақиятсиз ўтган, ёмон тайёрланган репетицияда кечроқ қолиб кетдим. Театрдан жаҳлим чиқиб, ҳориган бир ҳолда чиқиб кетаётгандим. Шунда тўсатдан кўз ўнгимда бир манзара намоён бўлди. Театр биноси олдидаги кенг майдонда турган тўда-тўда одамларни кўрдим. Гулханлар ёнар, минглаб одамлар улар атрофида мудраб ўтирар, ўзлари билан олиб келган скамейкаларда ва қор устида ётар эдилар. Беҳисоб оломон тонг отишини ва кассанинг очилишини кутар эди. Бу жонбозликнинг боиси билетни барвақт олиш учун яқинроқ номер олиш эди.

Мен ҳайратда қолдим. Бу одамларнинг жасоратини тақдирламоқ учун ўзимга-ўзим савол беришимга тўғри келди: қандай воқеа, қандай жозибали келажак, қандай мўъжиза, қандай дунёга машҳур бўлган гений мени бир кеча эмас, сурункасига бир

неча кечалаб совуқда титрашга мажбур қила оларди? Бундай фидойилик фақатгина бир парча қоғоз олишга, кассадан кафолатсиз билет олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун қилингандир, холос.

Мен саволга жавоб тополмадим ва ўз соғлиғимни, балки ҳаётимни хавфга қўйишга мажбур этадиган бундай воқеани кўз олдимга келтиролмадим.

Одамлар учун театрнинг аҳамияти нақадар зўр! Биз буни яхшилаб тушуниб олмоғимиз лозим! Минглаб томошабинларга юксак қувонч бахш этиш қандай шараф ва бахт, улар шу шодлик туфайли ҳаётларини хавф остига қўядилар! Мен шундан кейин юксак мақсад яратиш ва уни энг олий мақсад, унинг бажарилишини эса олий етакчи хатти-ҳаракат деб атадим.

Қисқа паузадан сўнг Аркадий Николаевич давом этди:

– Аммо, борди-ю, катта, энг юксак мақсад йўлида, майли у пьеса ролининг ёки артист умрининг олий мақсади бўлсин, ижод қилаётган киши ўз диққатини майда вазифаларга керагидан ортиқ даражада жалб қилар экан унда ёмон бўлади.

– Унда нима бўлади?


– Мана бундай ҳол рўй беради! Болалар узун арқонга боғланган оғир нарса ёки тошни бошлари устида қандай айлантириб ўйнашларини эсланглар-чи. У айланган сари калтакка ўрала беради, арқон калтакка боғланган ва шу туфайли ҳаракатга келади. Бироқ айланиш натижасида, тош боғланган арқон доира шаклини чизади ва айни замонда бола ушлаб турган калтакка ўрала беради. Пировардида тош калтакка тегиб қолади.

Энди кўз олдингизга келтиринг: ўйин қизиб турган пайтда кимдир айланаётган арқонга таёқ тегизади. Шунда тош бойланган арқон ҳаракатга келтирган калтакка эмас, балки инерция бўйича таёқчага ўрала бошлайди. Натижада тош аввалги бола таёқчасига эмас, балки йўлда ушлаб олган бегона одамнинг таёқчасига ўралади. Шунинг билан бирга, бола ўз ўйинини бошқариш ихтиёрини йўқотиши ва четда қолиши табиийдир.

Бизнинг ишимизда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз беради. Юксак олий мақсадга қараб интилаётганингда кўпинча йўл-йўлакай иккинчи даражали, аҳамиятсиз, актёрлик вазифаларига дуч келиб қоласан. Шунда ижод қилаётган артистнинг бутун кучи шунга сарфланади. Бу каби катта мақсадни кичкинага алмашиши артистнинг бутун ишларини бузиши хавфли бир ҳол эканини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

– Сизлар олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракатнинг аҳамиятини яна ҳам қадрлашларинг учун мен графика ёрдамига мурожаат қиламан. – деди Аркадий Николаевич, катта қора доска ёнига бориб, қўлига бўрни олар экан. – Ҳамма вазифалар ва улардаги рол ҳаётининг қисқа йўллари муайян, барчаси бир томонга, яъни олий мақсадга қараб йўналсалар нормал ҳол пайдо бўлади.


Аркадий Николаевич фикрларини доскада шундай ифодалади:



– Рол ҳаётининг кичкина, ўртача, катта йўлларининг узун қатори бир томонга – олий мақсад томон йўналган. Рол ҳаётининг қисқа йўллари ўз вазифалари билан, мантиқан изчиллик билан бирин-кетин бориб, бири иккинчисига уланади. Шунга кўра улардан битта – пьесанинг бошидан-охиригача ўтадиган йўл ҳосил бўлади.

Энди бир лаҳза кўз олдингизга келтиринг: артист олий мақсадга эга эмас, у гавдалантираётган рол ҳаётининг ҳар битта калта йўли ҳар томонга қараб кетган.

Аркадий Николаевич ўз фикрини чизиқ билан ифодалашга ошиқди, у етакчи хатти-ҳаракатнинг узук-узук йўлини тасвирлади:



Мана булар ҳар томонга йўналган рол ҳаётининг кичик бўлаклари ва катта, ўртача ва майда вазифалар қаторидир. Улар тўплатўғри узлуксиз йўлни ҳосил қила оладиларми?

Қила олмаслигига биз ҳаммамиз иқрор бўлдик.


– Бундай шароитларда етакчи хатти-ҳаракат барбод қилинади, пьеса бўлакларга бўлиниб кетган, бўлаклар эса ҳар томонга сочилиб кетган бўлади ва унинг ҳар бир қисми ўз-ўзинча, бутун-

ликдан ташқарида кун кўришга мажбур этилади. Бундай ҳолда айрим қисмлар, улар ўзларича қанчалик ажойиб бўлмасинлар, ўз ҳолича пьесага керак эмас.

Учинчи жиҳатни олиб кўрай, – тушунтиришда давом этди Аркадий Николаевич. – Мен айтгандай, ҳар бир яхши пьесада унинг олий мақсади ва етакчи хатти-ҳаракати асарнинг органик табиатидан келиб чиқади. Бу ҳол бузилар экан, асар ҳам йўқ бўлади.

Фраз қилингики, пьесага бегона, унга алоқадор бўлмаган мақсадни ёхуд тенденцияни киритмоқчилар.

Бу ҳолда пьеса билан органик равишда боғлиқ бўлган олий-мақсад ва табиий ҳосил бўладиган етакчи хатти-ҳаракат қисман қолади, лекин улар дақиқа сайин пьесага киритилган тенденция томонга қараб оғиб туради.



Бу хилдаги умуртқа поғонаси синган пьеса яшай олмайди. Говорков бунга қарши ўзининг бутун театрчилик темпераменти билан норозилик билдирди.

– Мени кечиринг-у, лекин сиз актёр ва режиссёрдан бу тун шахсий ташаббусни, ижодни, ўзиники бўлган энг азиз мени, эски санъатни янгилаш ҳамда уни замонавийликка яқинлаштириш имкониятини тортиб оляпсиз!

Аркадий Николаевич унга хотиржамлик билан тушунтирди:

– Сиз ва сизга ўхшаш кўпгина фикрдошларингиз уч сўзни: абдийлик, замонавийлик ва шунчаки кундалик аҳамиятга эга бўлишликни қориштириб, аксари ҳолда нотўғри тушунаслар.

Замонавий асар борди-ю, ўзида улкан масалаларни ва чуқур ғояларни жамлаган бўлса, абдий бўлиб қолиши мумкин. Бундай замонавийликка, агарда у шоирнинг асари учун лозим экан, мен қаршилиқ қилмайман.

Унга тўла қарама-қарши турган, тор, кундалик аҳамиятга эга бўлган асар ҳеч қачон абдий бўлолмайди, у фақат бугунгина

ҳаёт, эртага эса унутилиши турган гап. Мана шунга кўра санъатнинг абадий асари, режиссёрлар, актёрлар, шахсан олганимизда, сиз асарга қанчалик турли-туман нарсалар киритманг, барибир оддий кундалик билан органик равишда қовушиб кетмайди.


Қадимий, монолит, классик асарга мажбурий равишда кундалик аҳамият ёки пьесага ёт бўлган мақсад киритсалар, у гўзал танага ёпиштирилган бегона этга ўхшаб қолади ва таниб бўлмас даражада хунук қилиб юборади. Асарнинг шикастланган олий мақсади ўзига тортмайди ва қизиқтирмайди, аксинча жаҳлни чиқариб йўлдан оздиради.

Зўравонлик – ижод учун ёмон воситадир. бинобарин, кундалик аҳамият тенденцияси ёрдами билан «янгиланган» олий мақсад пьеса ва роллар учун ўлимдир.

Тўғри, шундай ҳоллар ҳам юз берадики. тенденция олий мақсад билан қовушиб кетади. Апельсин дарахтига лимон куртагини пайванд қилса, ундан янги мева етилади, уни Америкада «грейпфрут» деб атайдилар.

Бундай ишни пьесада ҳам қилишга муваффақ бўлинади. Баъзан эски, классик асарга табиий равишда замонавий ғоя пайванд қилинади, у бутун пьесани яшартириб юборади. Бу ҳолда тенденция мустақил равишда яшашдан тўхтаб қолган ва олий мақсадга айланиб қолади.

Графикада бу қуйидаги чизиқда ўз ифодасини топади: у олий мақсадга ва тенденцияга қараб кетувчи етакчи хатти-ҳаракат йўлидир.



Бу ҳолда ижодий процесс нормал давом этган бўлади ва асарнинг органик табиати майиб бўлмайди.

Ҳамма айтилган гаплардан шундай хулоса чиқади:

Ҳаммадан ҳам олий мақсадни ва етакчи хатти-ҳаракатни эҳтиёт қилинглари; зўрлик билан киритиладиган тенденцияга ҳамда пьесага ёт бўлган интилишларга ва мақсадларга эҳтиёт бўлинглари.

Агарда бугун сизларни ижодда олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракатнинг роли ғоятда муҳим, биринчи даражали аҳамиятга

эга эканлигини тушунтиришга муваффақ бўлган бўлсам, мен ўзимни бахтиёр деб биламан, ҳамда энг муҳим масалани ҳал қилдим – «системанинг» энг муҳим моментларидан бирини сизларга тушунтириб бердим деб ҳисоблайман.

Ҳар қандай хатти-ҳаракат қарши хатти-ҳаракат билан тўқнашади, шунинг билан бирга, иккинчиси биринчисини ҳаракатга ундайди ва кучайтириб юборади. Шунинг учун ҳар бир пьесада етакчи хатти-ҳаракат билан бир қаторда, тескари йўналишда бўлган, унга рўпарадан келувчи, душман бўлган қарама-қарши хатти-ҳаракат мавжуд бўлади.

Бу жуда яхши нарсасиз; буни табрикламоғимиз лозим, чунки қарама-қарши хатти-ҳаракат ўз-ўзидан қатор янги хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бизга бундай узлуксиз тўқнашув керакдир: у кураш, жанжал, баҳс ва шуларга тегишли бўлган қатор вазифаларни келтириб чиқаради ва ҳал этади. Усанъатимизнинг асоси бўлган хатти-ҳаракатчанликни пайдо қилади.

Борди-ю, пьесада ҳеч қанақа қарама-қарши хатти-ҳаракат бўлмаса ва ҳамма нарсасиз ўз-ўзидан тартибга тушиб кетадиган бўлса, у ҳолда ижрочиларнинг ва улар гавдалантираётган шахсларнинг саҳнада қиладиган ишлари қолмаган бўларди, пьесанинг ўзи эса хатти-ҳаракатсиз бўлиб қоларди, бинобарин, саҳна асарлигидан чиқиб қоларди.

Дарҳақиқат, борди-ю, Яго ўзининг маккорона ниятларини ишга солмаса, Отеллонинг Дездемонани рашк қилишига ва уни ўлдиришига ҳожат қолмас эди. Бироқ Мавр бор вужуди билан ўз маъшуқасига интилгани учун, Яго эса уларнинг ўртасига ўзининг қарама-қарши хатти-ҳаракатлари билан суқилгани учун ғоятда хатти-ҳаракатли, оқибати ҳалокат билан тамом бўлувчи беш пардали пьеса ҳосил бўлади.

Қарама-қарши хатти-ҳаракат йўли худди шунингдек, артист-рол ҳаётининг айрим моментлари ва кичик йўллари билан ташкил топишини кўшимча қилишнинг ҳожати бормикан? Бу фикримни Бранд мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Фараз қилайликки, Бранднинг олий мақсади қилиб, унинг «ҳамма нарсасиз эга бўламан ёки ҳеч нимага» (унинг тўғри ёки нотўғрилиги бу мисол учун аҳамиятга эга эмас) деган шиорини олдик. Мутаассиб одамнинг бундай асосий принципи даҳшатлидир. У ҳаётнинг ғоявий маъноси бўлган бу мақсадни бажаришда ҳеч қанақа компромиссга, ён беришга, иккиланишга йўл қўймайди.

Энди бутун пьесанинг бу олий мақсади билан «йўрғак» сахнасининг айрим бўлақларини, жилла бўлмаганда, бир вақтлар бизлар кўриб чиққан сахнамизни боғлаб кўринглар.

Мен хаёлимда бола йўргагидан «ҳамма нарсага эга бўламан ёки ҳеч нимага» – деган олий мақсадга бориш йўлини мўлжалга олиб кўрдим. Турган гап, тасаввур ва бадий тўқималар ёрдами билан бирини иккинчисига қарам қилиб қўйиш мумкин, лекин бу иложсизлик ва зўрма-зўракилик билан бўлади, бу ишлар пьесани бузади.

Она томонидан бунга хайрихоҳлик эмас, қарама-қарши хатти-ҳаракат намоён бўлиши хийла табиийдир, шунинг учун бу бўлақда Агнес етакчи хатти-ҳаракат йўлидан эмас, балки қарама-қарши хатти-ҳаракат йўлидан, олий мақсадга қараб эмас, унга қарши боради.

Мен шунга ўхшаган ишни Бранд роли учун қила бошлаганимда ва унинг вазифаси бўлган «Қурбон бериш учун хотинни йўрғакларни беришга кўндириш» билан бутун пьесанинг олий мақсади бўлган «ҳамма нарсага эга бўламан ёки ҳеч нимага» деган вазифа ўртасидаги боғланишни қидирган эдим, уни тезда топиб олдим. Мутаассиб одам ўзининг ғояси учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Агнеснинг қарши туриши Бранднинг кучли хатти-ҳаракатини келтириб чиқарар эди. Бундан икки ғоя кураши бошланади.

Бранднинг бурчи она муҳаббатига қарши курашиш; ғоя туйғуга қарши курашади: мутаассиб-пастор азоб чекувчи она билан, эркаклик ҳиссиёти хотинлик ҳиссиёти билан курашади.

Шунинг учун бу сахнада етакчи хатти-ҳаракат йўли Бранд кўлидадир, қарама-қарши хатти-ҳаракатни эса Агнес олиб боради.

Аркадий Николаевич дарс охирида бу йилги ўқишимиз давомида гапирган гапларини қисқача эслатиб ўтди.

Ўтган дарсларимизни қисқача кўздан кечириб чиқиш биринчи ўқиш йилида ўтганларимни жой-жойига қўйишга ёрдам берди.

– Энди бутун диққатингизни менга беринглар, чунки ҳозир муҳим бир нарсани айтаман, – деди Аркадий Николаевич. – Мактабда ўтган дарсларимизнинг ҳамма босқичларини, бу йилги ўқиш даврида ўтган айрим элементларини қайта текшириб чиқишимиз ички сахнавий аҳволи руҳият яратиш учун зарурдир.

Бутун қиш бўйи шу мақсад учун ишладик. Мана ҳозир ва бундан кейин ҳам зўр диққатингизни ўзига талаб қиладиган нарсаси ҳам шудир. Аммо ички саҳнавий аҳволи руҳият ўзининг бу босқичдаги тараққиётида ҳам олий мақсаднинг ва етакчи хатти-ҳаракатни нозик, чуқур ўрганиш учун ҳали тайёр эмас. Бу яратган аҳволи руҳият ҳали муҳим қўшимчалар талаб қилади. Унда «система»нинг энг муҳим сири яширинган. Бу сир санъатдаги йўналишимиз асосини ташкил этувчи «онг орқали беихтиёрликка» кириб боришдан иборат. Бу қўшимча ва асосни ўрганишга келгуси дарсдан киришамиз.

\* \* \*

Шундай қилиб, «система» бўйича биринчи курс тугади, лекин «менинг кўнглим» Гоголь ёзганидек «шу қадар ғаш, шу қадар хираки».<sup>58</sup> Менинг ҳисобимча деярли бир йиллик ишимиз мени илҳомлантириши керак эди, лекин афсуски, бу маънода «система» менинг кутганларимни оқламади.

Шу фикрлар билан бўлиб театр даҳлизидида пальто кияр ва бўйнимга эринчоқлик билан шарфимни ўрар эканман, тўсатдан кимдир биқинимга «тушириб» қолди. Мен додлаб юбордим, ўгирилиб қарасам Аркадий Николаевич турибди.

У менинг ҳолатимни кўриб, кайфиятим ёмонлиги сабабини билмоқчи экан. Мен унга очиғини айтгим келмади, у бўлса қўярда-қўймай сўрайверди.

– Саҳнада турганингизда нимани ҳис этасиз – деб сўради у, «система»даги мен тушунмаган нарсани билиб олиш учун.

– Ҳамма гап шундаки, мен деярли ҳеч нарсани ҳис этмайман. Менга саҳнада бўлиш қулай, у ерда нима қилишим кераклигини биламан, беҳудага турмайман, ҳамма нарсага ишонман, ўзимни саҳнада бўлиш ҳуқуқимни англайман.

– Сизга бундан ортиқ тагин нима керак?! Саҳнада сохта бўлмаслик, ҳамма нарсага ишониш, ўзингизни хўжайин ҳис этишингиз ёмонми? Бу жуда катта гап! – деб ишонтирди мени Торцов!

Шунда мен унга илҳом масаласида иш чатоқлигига иқрор бўлдим.

– Бундай денг!.. – хитоб қилди у. – Бу хусусда менга муурожаат қилиш керак эмас. «Система» илҳом ишлаб чиқар-



майди. У фақат илҳом учун қулай замин тайёрлайди. Унинг келиш ёки келмаслик масаласига келганимизда уни Апполлондан ёхуд ўз табиатингиздан ёки тасодифдан сўранг. Мен сеҳргар эмасман, лекин сизга янги киркиқларни, туйғуни, кечинмаларни қўзғатувчи усулларни кўрсатишим мумкин.

Сизга келажакда илҳом шарпаси орқасидан қувмаслигингизни маслаҳат кўраман. Бу ишни сеҳргар табиатга қўйиб беринг, ўзингиз киши онгига тушунарли бўлган нарсалар билан шуғулланинг.

Михаил Семёнович Шчепкин ўз шогирди Сергей Васильевич Шумскийга шундай деб ёзган эди: «Сен баъзан бўшроқ, баъзан бир қадар қаноатланарли ўйнашинг мумкин (бу кўп ҳолларда руҳий ҳолатга боғлиқдир), лекин тўғри ўйнайсан».\*

Артистлик интилишларингиз ва ҳаракатларингиз мана шу томонга йўналиши лозим.

Тўғри изга тушган рол илгарилаб, кенгайиб, чуқурлашиб бориб, пировардида илҳомга олиб келади.

Ҳозирчалик бу ҳол юз бермаган экан, шуни қулоққа қуйиб олинг, ёлғон, сохта ўйин, штамп, қилиқ қилиш ҳеч қачон илҳомни туғдирмайди. Шунинг учун тўғри ўйнашга урининг, «фалак бахш этадиган» илҳомга замин тайёрлашни ўрганинг ҳамда имонингиз комил бўлсинки, илҳом шу ишингиз туфайлигина сиз билан муросага келади.

Қисқаси, кейинги дарсларимизда илҳом тўғрисида ҳам гаплашамиз. Уни ҳам текшириб чиқамиз. – деди Торцов йўлга тушар экан.

«Илҳомни текшириб чиқиш?! Унинг тўғрисида мулоҳаза ва фалсафа сўқиш? Ахир бундай қилиб бўладими? Мен кўрик спектаклда: «Қон, Яго, қон!» деганимда илҳом тўғрисида ўйладимми? Малолеткова ўзининг машҳур «қутқаринглар» деб қичқиришида мулоҳаза юритдимми? Наҳотки, илҳомни ҳам жисмоний хатти-ҳаракатлар сингари, кичик ҳақиқатлар ва ишонч моментларининг бўлак-сўлакларидан ясаб ўтирсак?!» деб ўйлардим мен, театрдан чиқар эканман.

---

\*М.М.Шчепкин. «Шекспирнинг С.В.Шуминскийга хати». Сувори-на шари, 1914 йил, 177-бет.

## XVI. АРТИСТНИНГ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИАТИДАГИ БЕИХТИЁРИЙЛИК

...19 ...й.

– Названов ва Вьюнцов, саҳнага чиқиб «Пул ёндириш» этюдининг бошланиш саҳнасини ўйнаб беринглар, – деб бутурди Аркадий Николаевич, синфга кириб келгач.

Сизларга маълумки, ижодий ишни ҳамisha мускулларни бўшатишдан бошламоқ керак. Шунинг учун аввал бемалол ўтириб олинглар ҳамда худди уйингиздагидек хордиқ чиқаринглар.

Биз саҳнага чиқиб, буйруқни бажо келтирдик.

– Бу ҳам кам! Ўзларингни яна ҳам эркинроқ, яна ҳам қулайроқ ҳис этинглар! – деб томоша залидан қичқирар эди Аркадий Николаевич. – Тўқсон беш процент сиқикликни йўқотинг!

Сиз, эҳтимол сиқиклик ўлчовини ошириб юборди деб ўйларсиз? Йўқ, минг кишилик томошабин олдида турган актёрнинг ҳаракати катта ҳаммага эга. Ҳаммадан ёмони шундаки, ҳаракат ва зўрлик, зарурият бўлмаса-да, ўз-ўзидан, артист ихтиёридан, соғлом ақлидан ташқари пайдо бўлади. Шунинг учун сиқикликни қўлингиздан келганча камайтиринг.

Саҳнада ўзингизни уйингиздагига қараганда ҳам эркинроқ, ҳис этинг. Одам саҳнада ўзини, ҳақиқий ҳаётдагига нисбатан қулайроқ ҳис этмоғи лозим, чунки театрда биз оддий ёлғизликка эмас, балки «кўпчилик олдида ёлғиз қолишга» дуч келамиз. У жуда зўр лаззат беради.

Бироқ шундай бўлиб чиқдики, мен ғоятда ошириб юборибман, ўзимни лоҳас даражага етказиб, қимирламасликка киришдим ҳамда шу ҳолатда қотиб қолдим. Бу ҳам сиқикликнинг энг ёмон турларидан биридир. Унинг билан курашишга тўғри келди. Бунинг учун мен позаларимни ўзгартирдим, ҳаракатлар қилдим, хатти-ҳаракат ёрдами билан қотиб қолишликни йўқотдим ва ниҳоят, бориб-бориб бўлак ҳолатга – беқарорликка тушиб қолдим. У безовталанишни келтириб чиқарди. Ундан қутулмоқ учун тез, асабий ритмни ўзгартириб энг суст, оғир ритмни киритишга тўғри келди.

Аркадий Николаевич менинг усулимга тан берибгина қолмай, балки уларни маъқуллади ҳам.

– Артист ҳаддан зиёд уринганда, ҳатто бир оз бепарволикка йўл қўйиши, ишга енгилроқ муносабатда бўлиши фойдалидир. Бу ҳаддан ташқари сиққиклик урниш ва сунъий ўйнашга қарши энг яхши чорадир.

Бироқ, афсуски, бу восита ҳам реал ҳаётда – уйда. ўз диванинга бемалол, бамайлихотир ҳолатни яратмади.

Шундай бўлиб чиқдики, мен процесснинг уч моментини – сиққикликни, мускулларни бўшатишни, асослашни унутиб қўйибман. Дарҳол хатони тузатишга тўғри келди. Бу иш бажарилгач, мен қалбимда ортиқча нимадир бўшаганлигини, гўё пастга – аллақергадир тушиб кетганлигини ҳис этдим. Мен ўз гавдамнинг ерга тортилганини, унинг оғирлигини, вазминлигини сездим. Гавдам ёнбошлаб ётган креслога ботиб кетгандек туюларди. Шу лаҳза мускулларнинг ички сиққиклигининг анчаси йўқолди. Лекин бу ҳам менга лозим бўлган, реал ҳаётда билганимдек эркинликни бермади. Негадир шундай бўляпти?

Ўз ҳолатимни аниқлаб олганимда, мускулларим ҳисобига диққатим кучли сиққикликка учраганини тушундим. У гавдамни текшириб турар ва бемалол дам олишга халақит берар эди.

Мен ўз кузатишларимни Аркадий Николаевичга айтдим.

– Сиз ҳақсиз. Ички элементлар соҳасида ҳам кўпгина сиққикликлар бор. Аммо дағал мускулларга ички сиққикликларга қараганда бошқача муносабатда бўлмоқ лозим. Рухий элементлар, мускуллар арқонларга нисбатан, нозик ипак толаларидир. Бу нозик ипак толалари алоҳида-алоҳида олинганда узиш енгил бўлади, бироқ, уларни бир-бирига қўшиб, чийриб арқон, чизимчалар ҳосил қилинганда болта билан чопилса ҳам узиш қийин бўлади. Бироқ, пайдо бўлиш даврида уларга жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим.

– Бу ипак толалари билан қандай муносабатд бўлмоқ керак? – сўради ўқувчилар.

– Ички сиққикликлар билан кураш даврида ҳам худди шунингдек уч моментни, яъни сиққикликни, эркинликни ва асослашни назарда тутмоқ лозим.

Биринчи икки моментда ички сиққиклик қидириб топилади. Унинг пайдо бўлиш сабабларини билиб олгач, йўқотишга ҳаракат қиласан, учинчи моментда уни ўз ички ҳолатининг берилган шарт-шароитлари билан асослайсан.

Ҳозир текшираётган ҳолатимизда сизнинг энг муҳим элементларингиздан бири (диққат) саҳна ва томоша залига тарқалиб кетмай, ўз ичингизда, мускулларни ҳис этишга жалб бўлганидан фойдаланинг. Тўпланган диққатга этюд учун қизиқарлироқ ва кераклироқ объект беринг. Уни бирорта қизиқарли мақсад ёки хатти-ҳаракатга йўналтиринг, чунки улар ишингизни жонлантириб юборади ва сизни ўзига тортади.

Мен этюднинг вазифасини, унинг берилган шарт-шароитини эслай бошладим: хаёлимда хона бўйлаб юриб чиқдим. Бу айланиб чиқишимда тасаввур этган ҳаётимда кутилмаган ҳодиса рўй берди: мен шу дамгача билмаган хонага кириб қолдим ва у ерда жуда мункиллаб қолган чол билан кампирни – хотинимнинг ота-онасини кўрдим. Маълум бўлишича, улар умрларининг охирини шу ерда тинчгина ўтказмоқда эканлар. Бу кутилмаган кашфиётдан кўнглим кўтарилди, айни вақтда у мени ташвишга солиб қўйди, чунки оила аъзолари сонининг ўсиши билан менинг зиммамдаги бурч ҳам мураккаблашар эди. Ўзимникдан ташқари, яна бешта қоринни тўйдириш учун, жуда кўп ишлашим керак бўлади. Бундай аҳволда менинг хизматим, эртага бўладиган ре-визия, умумий мажлис, ҳозир керакли ҳужжатларни тартибга солиш ва кассадаги пулни ҳисоблаб чиқиш шу ондаёқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди. Мен креслода ўтириб, қўлимга тушиб қолган каноп ипни асабий ҳолда бармоғимга ўрар эдим.

– Баракалла! – деди партердан туриб Аркадий Николаевич ишимни маъқуллаб. – Мана буни мускулларни чинакамига бўшатиш деса бўлади. Энди гарчанд фикрингиз нима билан бандлигини билмасам ҳам, ҳаммасига ишонаман: қилаётган ишингизга ҳам, ўйлаётган ўйингизга ҳам.

Танамни текшириб кўрсам, мускулларим, ҳеч бир уринмасам ҳам, куч сарфламасам ҳам сиқикликдан бўшашибди. Афтидан, мен унутиб қўйган учинчи момент – ўтиришимни асослаш моменти ўз-ўзидан рўй берган.

– Фақат шошилманг, – деб шивирлади Аркадий Николаевич. – Ички кўзларингиз билан ҳаммасини яхшилаб кўриб чиқинг. Лозим бўлса, янги «агарда»ни киритинг.

«Борди-ю, кассадаги пул кам чиқса-чи?» – деган фикр келди менинг хаёлимга. Унда китобларни, ҳужжатларни текшириб чиқишга тўғри келади. Қандай даҳшат! Бир ўзим... кечаси билан... Бу ишнинг уддасидан чиқа оламанми?

Мен беихтиёр соатга қарадим. Соат тўрт экан. Қайси тўрт? Кундузгими ёки кечасидагими? Мен бир дақиқага кечаси тўрт деб фараз қилдим, вақт оғиб кетганидан ҳаяжонга туш-дим, беихтиёр стол олдига бориб ҳамма нарсани унутиб, жон-жаҳдим билан ишга берилдим.

– Офарин! – деб Аркадий Николаевичнинг маъқуллагани қулоғимга чалинди.

Аммо мен энди мақтовларга эътибор бермас эдим. Уларнинг менга кераги йўқ эди. Мен саҳнада яшадим, астойдил ҳаёт кечирдим, кўнглимга келган нарсани қилиш ҳуқуқига эга бўлдим.

Лекин бу менга камлик килди. Ўз аҳволимни яна ҳам мушкуллаштирмоқчи ва кечинмани ўткирлаштирмоқчи бўлдим. Бунинг учун янги берилган шарт-шароитни, чунончи, жуда кўп пул етмаётганлигини киритишга тўғри келди.

«Нима қилиш керак?» – ҳаяжонда ўз-ўзимдан сўрадим. Идорага боришим лозим! Бормоқчи бўлиб энди даҳлизга чиққан эдим, идоранинг берклиги эсимга тушди ва меҳмонхонамга қайтиб кирдим, фикримни бир ерга тўплаш учун узоқ вақт у ёқ-бу ёққа юрдим, папирос чекдим ва яхшилаб ўйлаб олмоқ ниятида хонамининг қоронғи бурчагига бориб ўтирдим.

Кўз ўнгимда аллақандай қаттиққўл кишилар намоён бўлди. Улар дафтарларни, ҳужжатларни ва кассани текширар, мени сўроқ қилишар эди, мен бўлсам нима дейишимни билмай, нуқул адашар эдим. Умидсизлик қайсарлиги ўз қилган айбимга иқроор бўлишимга қўймас эди.

Шундан кейин мен учун оқибати хунук бўлган қарор ёзишди. Бурчак-бурчакларда алланималарнидир шивирлашди. Мен бир ўзим, шармандам чиққан ҳолда бир чеккада турардим. Кейин тергов, суд, ишдан ҳайдалиш, мол-мулкимни хатга олиш ва квартирадан қувилиш.

– Қаранглар-а, Названов ҳеч нарса қилаётгани йўқ-ку, лекин бизлар унинг кўнглини бетинчлигини сезиб турибмиз! – шивирлади Горцов ўқувчиларга қараб.

Шу пайт бошим айланиб кетди. Мен ўзимни ролда йўқотиб қўйдим ва ўзим қаниман-у, гавдалантираётган шахсим қердалигини билолмай қолдим. Қўлларим арқонни бурашдан тўхтаб қолди ва мен нима қилишимни билолмай қотиб қолдим.

Кейин нима бўлгани эсимда йўқ. Шуниси эсимдаки, хилма-хил экспромтларни бажариш маъқул ва ўнғай бўлди. Гоҳ проку-

ратурага бормоқчи бўлиб даҳлизга чиқардим, гоҳ шкафлардан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳоказоларни ахтарар эдим, қилган ишларим эсимда йўқ, айтиб берганларидан кейин билдим. Менинг ишимда, худди эртақда бўлганидай, мўъжизали ўзгариш содир бўлди. Илгарилари мен этюдим яратган ҳаётда юзаки яшардим, унда ва менда нималар содир бўлаётганини охиригача тушунмас эдим. Энди бўлса «қалбим кўзгуси» очилгандай бўлди ва мен ҳаммасини охиригача тушундим. Саҳнадаги ва ролдаги ҳар битта майда нарса ҳам мен учун ўзгача аҳамиятга эга бўлиб қолди. Мен ролнинг ва шахсий туйғуларимнинг тасаввурини, фикр юритишини ва ички кўринишини билиб олдим. Мен янги пьеса ўйнагандай эдим.

– Бунинг маъноси шуки, сиз ўзингизни ролда ва ролни ўзингизда ҳис этияпсиз, – деди Торцов мен унга ўз ҳолатимни айтиб берганимдан сўнг.

Авваллари мен бутунлай бошқача кўрардим, эшитардим ва тушунар эдим. Унда «туйғулар ҳақиқатга ўхшар» эди, энди бўлса «Эҳтиросларнинг чинакамлиги» пайдо бўлди. Авваллари ожиз фантазиянинг соддалиги бўлса, энди бой фантазиянинг соддалиги мавжуд эди. Авваллари менинг саҳнадаги эркинлигим шартли белгиланган, аниқ чегаралар билан чеклаб қўйилган бўлса, энди мутлақо чексиз ва туғёнкор бўлиб қолди.

Сезиб турибманки, бундан буён «пул ёндириш» этюдида менинг ижодим ҳар сафар қайтарилганда турлича содир бўлади.

– Бу шундай ижодки, бунинг учун яшасанг ва артист бўлсанг арзийди, тўғри эмасми? Илҳом шуми?

– Билмайман. Буни психологлардан сўранг. Фан соҳасида мутахассис эмасман. Мен тажрибакор одамман. бунақа пайтлари, қалбимда кечаётган ижодий ишни қандай ҳис этишимни тушунтириб бера оламан. холос.

– Қандай ҳис этасиз? – деб сўради ўқувчилар.

– Мен буни сизларга жоним билан айтиб бераман. бироқ бугун эмас, чунки дарсни тугатишимиз керак. Сизларни бўлак дарслар кутмоқда.

...19 ...й.

Аркадий Николаевич ўз ваъдасини унутмади ва дарсни қуйидаги сўзлар билан бошлади:

– Бу воқеага кўп вақт бўлди: бир танишимнинг уйига меҳмонга борганимда, мени «ёлғондакам» операция қилишганди.

Катта-катта столлар келтиришди: биттасига гўё хирургия асбоблари қўйилган бўлиб, иккинчиси эса бўш «операция» учун эди. Полга чойшаблар ёйишди, бинтлар, тослар, идишлар келтирилди. «Докторлар» халатларини, мен бўлсам кўйлагимни кийдим. Мени «операция» столига ётқизишди, «боғлашди», соддароқ қилиб айтганда, кўзларимни боғлашди. Ҳаммадан кўпроқ мени хижолатга қўйган нарса шу бўлдики, докторлар мен билан энг оғир касал каби хушмуомалада бўлишди, улар бу ҳазилга ва атрофда бўлаётган воқеага астойдил, ростакамига киришиб кетишди.

Бу мени шу қадар гангитиб қўйдикки, йиғлашимни ҳам билолмай қолдим.

Хаёлимга «Борди-ю, булар мени чинакамига ёра бошласалар-а?» деган бир бемаъни фикр келди. Нима бўлаётганини билмай кутиш мени ташвишга солар эди. Қулоғим дик бўлди, ғинг этган товушни ҳам эшитишга уриндим. Атроф-атрофда шивирлашар, сув қуйишар, хирургия асбобларини чиқирлатишар, идишларни тақирлатишар, баъзида катта тос кўмиш маросимида чалинадиган бутхона қўнғироғи сингари жаранглаб кетар эди.

– Бошлаймиз, – деб шивирлади кимдир менга эшиттириб.

Темирдек қаттиқ қўл теримдан тортди, аввалига зирқираган оғриқ сездим, сўнг уч марта укол қилишди. Мен чидолмадим, сесканиб кетдим. Қўлимни аллақандай қаттиқ дағал нарса билан тимдалаб боғладилар-да, ҳаммалари ҳаракатга келиб қолдилар: асбоблар ерга тушиб кетар эди.

Ниҳоят, узоқ сукутдан сўнг қаттиқ-қаттиқ гапириб кулишди, табриклашди, кўзимни ечишди ва... мен ўнг қўлимни худди чақалоққа ўхшатиб йўрғаклаб, чап ёним билан ётқизиб қўйишганини кўрдим. Ўнг қўл кафтимга чақалоқ расмини чизиб қўйишибди.

Энди савол туғилади: ўша дамдаги менинг кечинмаларим чин ҳақиқатмиди, унга чинакам ишонч ҳамроҳ бўлдимки ёки тўғрироғи менинг кечирганларим «туйғуларнинг ҳақиқатга ўхшашлигимиди?»

Турган гап, у чинакам ҳақиқат ва унга бўлган чинакам ишонч эмас эди. «Ишонаман, ишонмайман» билан, чинакам кечинма унинг иллюзияси билан, «ҳақиқат» ҳақиқатга ўхшашлиги» би-

лан алмашиб турар эди. Шунинг билан бирга, борди-ю, мени чиндан ҳам операция қилсалар мен турмушда ҳам, бу ҳазил вақтида сезган айрим моментларга ўхшаган ҳолатни сезишимни тушундим. Иллюзия етарли даражада ҳақиқатга ўхшар эди.

Ўша пайтдаги ҳиссиётлар орасида тўла кечинма моментлари учрар эди, шундай пайтларда мен ўзимни худди ҳаётдагидай ҳис этардим. Ҳатто бир дақиқа ҳушдан кетиш ҳоллари ҳам бўлди. Бу ҳолат қандай тез пайдо бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Шунга қарамай, иллюзия ўз изларини қолдирар эди. Ҳозир менга шундай туюладики, ўша пайтда кечирганларим чинакам ҳаётда ҳам юз бериши мумкин эди. Мана шу йўсинда мен биринчи марта кўпроқ беихтиёрлик сабабли содир бўлувчи ҳолатни ҳис этдим, уни мен энди саҳнада яхши биламан, – деб ҳикоясига яқун ясади Аркадий Николаевич.

– Шундай-ку, лекин бу ҳаёт йўли эмас, балки унинг қандайдир парча-пурчалари.

– Сизлар, эҳтимол, беихтиёрий ижод йўллари узлуксиз ёки артист саҳнада худди ҳаётдаги сингари кечинади деб ўйларсизлар? Борди-ю, шундай бўлса, одамнинг руҳий ва жисмоний организми санъат қўйган талабларга бардош беролмас эди.

Бизлар саҳнада чинакам реал воқеликдан олинган ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятининг озуқаси билан яшашимизни биласизлар. Улар лаҳзалар давомида реал ҳаёт иллюзиясигача кўтарилади. Киши ўзини ролда тўла, узлуксиз унутиш даражасига кўтарилиши ва саҳнада кечаётган ҳодисага тўла-тўқис ишончи гарчанд яратилса ҳам, лекин жуда камдан-кам учрайди. Биз бундай ҳолатларни айрим, бир қадар давом этган лаҳзаларини биламиз. Бўлак вақтларда эса гавдалантирилаётган рол ҳаётида ҳақиқат ҳақиқатга ўхшашлик, ишонч ишончга ўхшашлик билан алмашиниб туради.

Ҳазилакам операция вақтида менда бўлганидай, Названовнинг «пўл ёндириш» этюдини охирги марта бажарганида ҳам бош айланиш моментлари содир бўлди. Шу ҳолатда бизларнинг инсоний ҳаётимиз ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилиятлари билан биз ижро этаётган ролларнинг ҳаётлари сингари, ўзаро шу қадар бирикиб кетдиларки, биринчиси қаерда бошланиб, иккинчиси қаерда тугагини тушуниб олишнинг ҳам иложи бўлмай қолди.

– Худди мана шунинг ўзи илҳом бўлса керакдир-да! – дедим мен.



– Ҳа, бу процессда беихтиёрийликдан талайгина бор, – тўғрилади Торцов.

– Беихтиёрийлик бор ерда илҳом ҳам мавжуд!

– Нега бундай деб ўйлайсиз? – ҳайрон бўлди Торцов ва шу заҳотиёқ ўз ёнида ўтирган Пушчинга мурожаат қилди: – Тезгина, ўйлаб ўтирмай, бу ерда йўқ бирорта буюмнинг отини айтинг!

– Шоти!

– Нега энди «Шоти»?

– Билмайман!

– Мен ҳам «билмайман» ва буни ҳеч ким ҳам «билмайди». Фақатгина беихтиёрий онгина нима сабабдан шотини бу ерга киритганини биледи, холос.

Сиз ҳам Веселовский тездан ички кўзларингиз билан кўриб турган бирор нарса номини айтинг.

– Ананас!

– Нима учун «Ананас»?!

Шундай бўлиб чиқдики, Веселовский яқинда кечаси кўчада кетаётиб тўсатдан, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бирор сабабсиз ананасни эслабди. Унга бир лаҳзага бу мева гўё хурмо дарахтида битадигандай туюлибди. Унинг хурмога ўхшашлиги бежиз эмас. Чиндан ҳам ананаснинг барглари хурмонинг кичик баргларини эслатади, ананаснинг гадир-будур қобиғи бўлса пальма дарахтининг пўстлогига ўхшайди.

Аркадий Николаевич нега Веселовский хаёлида бу тасаввур пайдо бўлиш сабабини билишга уриниши беҳуда бўлди.

– Балким, шундан илгари ананас егандирсиз?

– Еганим йўқ, – деб жавоб берди Веселовский.

– Балки, унинг тўғрисида ўйлагандирсиз?

– Йўқ..

– Демак, сабабини беихтиёрий ондан қидиришга тўғри келади.

Нимани ўйлаб қолдингиз? – мурожаат қилди Торцов Вьюнцовга. Дарвишимиз саволга жавоб бериш учун чуқур ўйлаб қолди. Шу билан бирга жавоб беришга тайёрланар экан, ўзи сезмаган ҳолда механик равишда қўлларини, кафтларини шимига сурта бошлади. Кейин яна ҳам кучлироқ хаёлга ботиб, чўнтагидан қоғоз олиб, эҳтиётлик билан уни текислаб тахлай бошлади.

Аркадий Николаевич хахолаб қулиб:

– Менинг саволимга жавоб беришдан аввал Вьюнцов учун керак бўлган хатти-ҳаракатларнинг ҳаммасини онгли суратда қайтариб кўринг-чи. Буларни у нима учун қилди? Бу қилган бемаъни ишининг маънисини фақатгина беихтиёрий онггина тушуниши мумкин.

Кўрдингизми? – менга мурожаат қилди Аркадий Николаевич. – Пушчин билан Веселовский айтган ҳамма гаплар, Вьюнцов бажарган ҳамма ишлар ҳеч бир илҳомсиз қилинди. лекин шунга қарамай, уларнинг сўзларида ва ишларида беихтиёрийлик моментлари мавжуд. Демак, у фақатгина ижод процессида-гина келмай, балки истак, муносабат, мослашмалар, хатти-ҳаракатлар ва ҳоказоларнинг энг оддий дақиқаларида намоён бўладилар.

Биз беихтиёрий онг билан қалин дўстмиз. Реал ҳаётда у ҳар қаламда учраб туради. Бизда туғиладиган ҳар бир тасаввур, ҳар бир ички кўриш у ёки бу даражада беихтиёрий онгни талаб қилади. Улар ана ўшандан келиб чиқади. Ички ҳаётнинг ҳар бир жисмоний ифодасида, ҳар бир мослашмада беихтиёрий онг бутунлай ёки қисман кўринмаган ҳолда мавжуд бўлади.

– Ҳеч нарсага тушунмадим! – деб ташвишланди Вьюнцов.

– Лекин бу жуда осон гап: ким Пушчинга «шоти» сўзини айтди-ю, ким унга бу тасаввурни яратиб берди? Веселовскийга қўлларининг ғалати ҳаракатларини, унинг мимикасини, интонациясини, қисқаси, хурмо дарахтида ўсадиган ананасларга ҳайрон бўлишини билдирувчи мослашмаларни ким айтиб берди? Саволга жавоб беришдан илгари Вьюнцов сингари кутилмаган жисмоний хатти-ҳаракатларни қилиш онгли суратда кимнинг хаёлига келибди? Бемаъни ҳаракатларнинг маъносини ҳам яна ўша беихтиёрий онг айтиб берди.

– Демак, – тушуниб олмоқчи бўлдим мен, – ҳар бир тасаввур, ҳар бир мослашма у ёки бу даражада беихтиёрий онгдан келиб чиқар экан-да?

– Кўпчилиги ўшандан келиб чиқади. – тасдиқлашга ошиқди Торцов. – Мен мана шунинг учун ҳам ҳаётда беихтиёрий онг билан қалин дўстмиз, деб даъво қиламан.

Лекин, шуниси ачинарлики, ҳаммадан кўра кўпроқ керак бўлган ерда, яъни театрда, саҳнада уни кам учратамиз. Беихтиёрийликни ўйнайвериб ёд бўлиб, сийқаланиб кетган спектакллардан ахтариб кўринг-чи. Актёр бу спектаклни қолипга тушириб

олган. Рухий ва органик табиатимизнинг беихтиёрий ижодисиз артистнинг ўйини туйғудан маҳрум, сохта, шартли, қуруқ, ўлик ва расмийдир.

Ижодий беихтиёрийликнинг кенг кўламда саҳнага кириб келишига йўл очишга ҳаракат қилинг! Бунга нимаики халақит берса, олиб ташлансин ва нимаики ёрдам берса мустақамлансин. Психотехниканинг асосий вазифаси актёрда лозим бўлган аҳволи руҳият яратишдир, шунда артист вужудида органик табиатнинг беихтиёрий, ижодий процесси пайдо бўлсин.

Ўз хусусияти билан оннга бўйсунмайдиган бу «беихтиёрийликка» қандай қилиб, онгли суратда кириб борса бўлади. Бахтимизга онгли ва беихтиёрий кечинма ўртасида кескин чегара йўқ, табиатнинг бу хусусиятидан биз ўз психотехникамизда кенг фойдаланамиз. У санъатнинг оқимимиздаги энг муҳим асосларидан бири бўлган: онгли психотехника орқали артистнинг беихтиёрий ижодини яратиш учун имконият беради.

Шундай қилиб, олдимизда руҳий органик табиатнинг беихтиёрий ижодини кўзғатадиган артист психотехникаси тўғрисидаги масала кўндаланг бўлади. Бу ҳақда келаси сафар гаплашамиз.

...19 ...й.

– Шундай қилиб, бугун биз ўзимизда онгли психотехника орқали органик табиатнинг беихтиёрий ижодини кўзғатиш тўғрисида гаплашамиз.

Сизларга бу ҳақда ўтган дарсда «пул ёндириш» этюдини қайтарган пайти ушбу процессни ўз бошидан кечирган Названов айтиб бериши мумкин.

– Менга аллақердандир илҳом келганлигини ва қандай ўйнаганимни ўзим ҳам тушунмаганлигимни айтиб беришим мумкин.

– Сиз дарс натижаларини нотўғри баҳолаяпсиз. Сиз айтгандан кўра муҳимроқ нарса содир бўлди. Сизнинг айтганча «илҳомнинг» келиши оддий, тасодифий бир ҳол эмас. Унга ишониб бўлмайди. Кеча дарсда содир бўлган ҳолга ишонса бўлади. Унда ишимизга илҳом тасодифий равишда кириб келгани йўқ, балки сиз унга зарур бўлган заминни ҳозирлаганингиздан сўнг уни ўзингиз чақириб олдингиз. Бу натижа актёрлик санъатимиз учун, унинг

психотехникаси ва амалий тажрибаси учун ҳам ғоятда муҳимдир.

– Мен ҳеч қанақа заминни тайёрлаганим йўқ ва уни қандай тайёрлашни билмайман ҳам, – деб бош тортдим.

– Демак, мен онгингиздан холи равишда ҳозирлабман-да!

– Қандай қилиб? Қачон? Ҳар галгидек, ҳаммаси ўз тартибда, бирма-бир содир бўлди: мускуллар сиқилликдан озод бўлди, берилган шарт-шароитлар кўриб чиқилди, қатор вазифалар қўйилди, улар бажарилди ва ҳоказолар ва ҳоказолар қилинди.

– Мутлақо тўғри. Бу соҳада ҳеч қандай янгилик бўлмади. Лекин сиз ғоятда муҳим бир детални сезмагансиз, ана шу нарса жуда катта ҳамда муҳим янгилик ҳисобланади. У жуда ҳам арзимаган кўшимчадан иборатдир, чунончи, мен сизни ҳамма ижодий хатти-ҳаракатларнинг энг охиригача, миридан-сиригача қилишга мажбур этдим. Энг муҳим иш мана шунда.

– Бу қандай бўлди? – деб Вьюнцов тушунишга ҳаракат қилди.

– Жуда ҳам осон. Ички аҳволи руҳиятнинг психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларнинг ҳамма элементларини, етакчи хатти-ҳаракатларнинг ишларини актёрчасига, шартли эмас, балки нормал ва инсоний даражасигача етказинг.

Шунда сиз саҳнада, ролда ўзингизнинг руҳий органик табиатингизнинг чинакам ҳаётини билиб олган бўласиз. Гавдалантираётган шахсингиз ҳаёти чинакам ҳақиқатини тушунасиз. Ҳақиқатга ишонмай бўлмайди. Қаерда ҳақиқат ва ишонч бор экан, у ерда ўз-ўзидан саҳнада «мен борман» вужудга келади.

Ҳар сафар улар ичдан, ўз-ўзидан, артистнинг ихтиёридан ташқари пайдо бўлганда, ишга органик табиат ўз беихтиёрийлиги билан киришиб кетганини пайқадингизми?

Названов ҳам бир пайтлар худди шундай аҳволга тушганди, ўтган дарсда ҳам яна бу қайтарилди.

Шундай қилиб, артистнинг энг сўнгги нуқтасига етказилган онгли психотехникаси орқали органик табиатимизнинг беихтиёрий ижодий процессининг пайдо бўлиши учун замин яратилди. Бу ишларнинг муҳимлиги ҳам уларни сўнгги нуқтага етказишликка, психотехника усулларининг бажарилишидаги мукамалликка боғлиқ.

Қани энди бу янгиликнинг қай даражада муҳимлигини билсангиз эди?!

Ижоднинг ҳар бир моменти қандайдир жуда катта, мураккаб, юксак бўлиши зарур деб ҳисоблашга ўрганиб қолинган. Аммо сизлар ўтган дарсларимиздан биласизларки, энг кичкина хатти-ҳаракат ёки ҳис этиш, энг кичик техник усул, агарда улар сахнада, ижод пайтида энг сўнгги нуқтасигача етказилган бўлса, катта аҳамиятга эга бўлади. Худди шу пайт ҳаётийлик, ҳаққонийлик, ишонч ва «мен борман» бошланади. Бу ҳолда артистнинг руҳий ва жисмоний аппарати сахнада нормал ҳолда, инсон табиятининг ҳамма қонунларига биноан, худди ҳаётдаги қаби, кўпчилик олдида ижод қилишнинг нормал шароитига ҳам қарамай, тўғри ишлайди.

Реал ҳаётда ўз-ўзидан, табиий равишда пайдо бўладиган ва бажариладиган нарсаси, сахнада психотехника ёрдами билан тайёрланади.

Ўйлаб кўринглар-а: чинакам ҳақиқат ва ишонч моментларини яратувчи энг кичкина жисмоний ёки руҳий хатти-ҳаракат, энг сўнгги нуқтасига етказилган «мен борман» артистнинг руҳий ҳамда органик табиятини, унинг беихтиёрий онгини ишга тортишга қодирдир! Булар сиз аввалдан билган нарсаларга қўшилладиган янгилик, муҳим қўшимчалар эмасми?!

Баъзи муаллимларга қарама-қарши ўлароқ, мен янги бошлаган ўқувчиларни, сизлар сингари сахнага энди қадам қўяётганларни, иложи борича тезроқ беихтиёрий онгга ундаш тарафдориман. Дастлабки пайтлари элементлар устида иш олиб берилганда, ички сахнавий аҳволи руҳият устида ишланганда, машқлар ҳамда этюдлар машқ қилганда бунга эришишга ҳаракат қилмоқ лозим.<sup>59</sup>

Артистлик ҳаётини бошлаётганлар артистнинг нормал ижод вақтидаги ҳузур қиладиган ҳолатини, жилла бўлмаса, унинг айрим моментларини дарҳол билиб олсинлар. Улар бу ҳолатнинг фақатгина номини, қуруқ сўзини, ўлик ва расмий терминологиясини билибгина қолмай (бундай сўзлар бошловчиларни чўчитади), балки уларни ҳис этиб кўрсинлар. Улар бундай ижодий ҳолатни амалда севсинлар ва сахнада ҳаммиша унга интилинлар.

– Сизнинг бугунги айтиб берган қўшимчангизнинг муҳимлигини тушунаман, – дедим мен Аркадий Николаевичга, – аммо бизларга бу камлик қилади. Бизлар унга хос психотехника усул-

ларини билишимиз ва улардан фойдалана олишимиз лозим. Шунинг учун бизларга унинг психотехникасини, аниқ йўл-йўригини ўргатинг.

– Марҳамат. Аммо сизлар мендан ҳеч қандай янгилик эшитмайсизлар. Сиз билган нарсаларни аниқлашга тўғри келади, холос. Сизларга менинг биринчи маслаҳатим қуйидагилардан иборатдир: сиз ўзингизда тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳиятни яратишингиз билан ва психотехника ёрдамида кўнглингизда ҳамма нарса тўғри ижод учун йўналтирилганини ҳамда табиатингиз ишга тушиб кетиши учун турткининг кутиб турганини сезган заҳотингиз, унга ана шу турткини беринг.

– Уни қандай бериш мумкин?

– Химияда икки суюқлик реакцияси суст бўлса, унга учинчи моддадан жиндак қўшилади, мана шу учинчиси ушбу реакцияда катализатор деб ҳисобланади. Бу ўзига хос ачитқидир, у реакцияни керак бўлган даражага етказди. Сиз ҳам ана шундай катализаторни кутилмаган экспромт сифатида детал, хатти-ҳаракат, чинакам ҳақиқат – майли, у руҳийми ёки жисмонийми бари бир, – моментини киритинг. Бундай кутилмаган момент сизни ҳаяжонга солиб юборади ва табиатнинг ўзи жангга отланади.

Бу «пул ёндириш» этюдини охири марта қайтарганда содир бўлган эди. Названов, кейинчалик айтиб берганидек, ўзида тўғри саҳнавий аҳволи руҳият сезди ва ўзининг ижодий ҳолатини кучайтириш учун, шу ондаёқ кутилмаган экспромт билан яратилган бир талай пулнинг етмаслиги тўғрисидаги берилган шарт-шароитни киритди. Мана шу тўқима унинг учун катализаторлик ролини бажарди. Бу «ачитқи» реакцияни охирига, яъни руҳий ва органик табиатнинг беихтиёрий ижодига етказди.

– «Катализаторларни» қаердан қидирмоқ керак? – суриштирди ўқувчилар.

– Ҳамма ердан: тасаввурлардан, ички кўришлардан, мулоҳазалардан, ҳис-ғуйғулардан, истаклардан, энг кичик руҳий ва физик хатти-ҳаракатлардан, тасаввур тўқимасининг энг майда деталларидан, муносабат қилаётган объектингиздан, саҳнадаги сизни қуршаб олган муҳитни кўзга кўринмайдиган тафсилотларидан ва мизансценадан қидириш мумкин. «Мен борман» ҳолатини яратувчи, ишончни келтириб чиқарувчи, кички-

на, чинакам, инсоний, ҳаётий ҳақиқатни ҳамма ердан ва ҳамма нарсадан топса бўлади.

– У ҳолда нима бўлади?

– Шундай бўладики, гавдалантираётган шахсингизнинг ҳаёти билан саҳнадаги шахсий ҳаётингизнинг қутилмагандаги тўла қўшилувидagi бир неча моментлардан бошингиз айланиб кетади. Шундай ҳол юз берадики, сиз ўзингизни бир жиҳатдан ролда ва ролни ўзингизда ҳис этасиз.

– Ундан кейин-чи?

– Мен айтиб ўтгандек: ҳақиқат. ишонч, «мен борман» сизни органик табиатингизга ва унинг беихтиёрлиги ҳукмига топширади.

Ўтган дарсдан аввалгисида Названов бажарган ишга ўхшаган ишни ижоднинг «саҳнавий аҳволи руҳият элементларининг» истаганидан бошлаб, қайтариб чиқиш мумкин. Названов каби мускулларни бўшатишдан бошлаш ўрнига, тасаввур ва берилган шарт-шароитлар, истак ва вазифалар, агар улар аниқланган бўлса, ҳис-туйғу, агар у ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлса, тушунча ва мулоҳаза ёрдамига мурожаат қилиш мумкин: ёзувчининг асаридаги ҳақиқатни беихтиёрли сезиш мумкин бўлса ишонч ва «мен борман» ўз-ўзидан пайдо бўлади. Шуниси муҳимки, бу ҳолларда эндигина пайдо бўлган ва жонланган аҳволи руҳият элементларини тўла жонлантиришни унутмаслик керак. Сизлар биласиз, бу ижодий иш бирорта элемент ёрдамида бажарилиши биланоқ, қолганлари ўзаро алоқада бўлгани учун биринчисининг орқасидан эргашиб кетаверади.

Ҳозиргина мен тушунтириб берган органик табиатимизнинг беихтиёрли ижодини кўзгатувчи онгли усул, бирдан-бир ягона усул эмас. Бошқаси ҳам бор, лекин бугун уни сизларга намоёйиш қилиб улгуролмайман. Шунинг учун уни келгуси сафарга қолдираман.

...19 ...й.

– Шустов ва Названов, – деб бизларга мурожаат қилди Аркадий Николаевич синфга кириб келгач, – Яго ва Отелло саҳнасининг бошланишини – фақат биринчи жумлаларинигина ўйланглар.

Биз ҳозирлик кўриб бўлгач, ўйнадик. Ўйнаганда ҳам шунчаки эмас, балки диққат-эътиборни бир ерга яхшилаб тўплаб, тўғри ички саҳнавий аҳволи руҳият билан ўйнадик.

– Ҳозир нима билан банд бўлдинглар? – деб сўради Торцов.

– Энг яқин вазифа, яъни Названовнинг диққатини ўзимга тортиш билан. – жавоб қилди Паша.

– Мен бўлсам Пашанинг сўзлари маъносига тушуниш ва худди шунингдек, унинг менга айтаётган сўзларини ҳис этиш билан машғул бўлдим. – деб тушунтирдим мен.

– Хулласи бирингиз иккинчингизнинг диққатингизни ўзингизга тортиш учун диққат қилдингиз, бошқангиз бўлсангиз биринчи одам нима деяётганига тушунмоқ ва уни тушунишга ва айтаётганларини кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилдингиз.

– Йўқ! Нега энди... – норозилик билдирдик биз.

– Чунки, пьеса ва ролларнинг етакчи хатти-ҳаракати ва олий мақсади йўқ бўлгач, худди шундай бўлиши турган гап эди. Уларсиз, фақат диққатни тортиш учун диққат қилиш ёки тушуниш ва ички кўриш учунгина кўриш ва кўз олдига келтириш мумкин.

Энди ҳозиргина ўйнаганингизни қайтаринг ва кейинги саҳнани. Отелло Яго билан ҳазиллашадиган саҳнани ҳам кўшинг.

– Вазифангиз нимадан иборат бўлди? – деб Торцов. Биз ўйнаб бўлганимиздан сўнг яна сўради.

– *Dolce fat niente\** дан. – жавоб қилдим мен.

– Илгариги «ҳамсуҳбатимни тушунишга уринаман» деган вазифа қаерда қолди.

У янги, яна ҳам муҳимроқ вазифага қўшилиб, унга сингиб кетди.

– Ҳар иккала вазифани қандай бажарганингизни ва ўйнаган иккита бўлагингиздаги рол сўзларини қандай гапирганингизни эсланг-чи – буюрди Аркадий Николаевич.

– Биринчи бўлакда қандай бажарганим ва нима деганим эсимда, иккинчиси эса эсимда йўқ.

– Демак у, ўз-ўзидан бажарилган, унинг матни ҳам ўз-ўзидан айтилган, – деди Торцов.

---

\* Ёқимли ҳеч нима қилмасликдан (*итал.*)



– Афтидан, шундай бўлган.

– Энди ҳозирги ўйнаганингизни қайтаринг ва ундан кейинги қисмини, яъни бўлғуси рашкчининг биринчи ҳаяжонини қўшинг.

Биз буйруқни бажардик ва нўноқлик билан вазифамизни қуйидаги сўзларда аниқладик: «Ягонинг бемаъни бўҳтонидан қулиш».

Аввалги вазифалар: «ҳамсуҳбатимнинг сўзини тушунишни истайман» ва «Dolce far niente» қайда қолди?

Мен уларни янги, яна ҳам йирикроқ вазифалар қамраб олди демоқчи эдим, бироқ, ўйланиб қолдим ва ҳеч нима демасдим.

– Нима бўлди? Нимадан хижолат бўляпсиз?

– Бу ерда ролнинг битта йўли – бахтиёрлик йўли узилди ва янги йўл – рашк қилиш йўли бошланади.

– У узилмайди. – деб гапимни тўғрилади Торцов. – балки берилган шарт-шароит ўзгаргани сабабли у аста-секин ўзгара бошлайди. Аввалига бу йўл янги уйланган Отеллонинг бахтиёрлиги, унинг Яго билан қилган ҳазилларининг қисқа даврасидан ўтган эди, кейин бориб ҳайратланиш, тушунмаслик, гумонлар, бостириб келаётган бахтсизликни нарига суришга ўтилади; сўнгра рашкчи ўз-ўзини юпатади, тинчлатади ҳамда илгариги ҳузур-ҳаловат ва бахтиёрлик ҳолатига қайтади.

Кайфиятнинг бу хилдаги ўзгариб туришларини биз ҳаётда ҳам биламиз. Ҳаётда ҳам бахтиёр турмуш давом этиб туриб, бирдан нига гумон, ихлос қайтиш, ғам-ғуссага айланади; кейинчалик булар ҳаммаси тарқалиб кетади.

Кайфиятнинг бу каби ўзгаришларидан кўрқманг, аксинча, уларни сеving, асосланг, контрастлар билан ўткирлаштиринг. Ҳозир келтирган мисолимизда буни қилиш қийин эмас. Отелло билан Дездемона севгиларининг бошланишида нималар кечганини эслаб кўрилса, ошиқ-маъшуқларнинг бу саодатли ўтмиши хаёлда кечинилса ва шундан сўнг фикран контрастга ўтиб, уни Яго томонидан маврга етказилган даҳшат ва жаҳаннам билан таққослаб кўриб буни тушуниш мумкин.

– Ўтмишнинг нималарини ҳам эслаш мумкин? – тагин тушунмади Вьонцов.

– Брабанцио уйдаги ошиқ-маъшуқларнинг дастлабки учрашувлари, Отеллонинг танг қолдирувчи ҳикоялари, махфий учрашувлар, келинни ўғирлаб кетиш, тўй, никоҳ кечасидаги жудолик, жануб қуёшига ғарқ бўлган Кипрдаги дийдор кўри-

шиш, никоҳдан кейинги унутилмас бол ойн. Ундан кейин келажакда нима бўлишини... Отеллони келажакда нималар ку-таётганини ҳис этиб кўринг.

– Келажакда уни нималар кутар экан?

– Ягонинг даҳшатли интригаси туфайли бешинчи пардада рўй берувчи барча ҳодисалар.

Ўтмиш ва келажакдаги икки ҳолни таққослаганда Мавринг олдиндан сезиши, ҳаяжон ва эҳтиёткорлиги тушунарли бўлиб қолади. Шунда ижод қилаётган артистнинг гавдалантираётган шахси тақдирига бўлган муносабати ҳам аниқланади. Мавр ҳаётининг саодатли онларини қанчалик яққол кўрсатсангиз, муд-ҳиш оқибатни шунчалик кучли кўрсата оласиз.

– Энди пьесанинг маъносига яна ҳам чуқурроқ кириб бо-ринг, – деди Торцов.

Шу йўсинда биз Ягонинг осмон ва юлдузларга қараб: «Мана Яго алданган Отелло учун ҳадя қилди ақлин, қалбин, қўлининг кучин» деб қасам ичадиган машҳур саҳнасига қадар ўйнадик.

– Борди-ю, шу йўсинда бутун рол бажарилса, – тушунтир-ди Аркадий Николаевич, – кичик вазифалар бир-бирига қўши-либ, бир қанча йирик вазифаларни ҳосил қилади. Улар сон жиҳатидан кўп бўлмайди. Пьеса бўйича қўйиб чиқилган бу вазифалар, худди фарватор белгилари каби, етакчи хатти-ҳара-катнинг йўлини кўрсатиб туради. Кичик вазифаларнинг кат-талари томонидан қамраб олиниши беихтиёрий суратда бажар-ишлишини тушунишимиз, яъни ҳис этишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи катта вазифани қандай номлаш тўғрисида гап бор-ди. Бу масалани ҳеч қайсимиз, ҳатто Аркадий Николаевич ҳам ҳал этолмади. Лекин бунинг ҳайрон қоларли ери йўқ: ҳис-туйғу-сиз, формал эмас, балки, ҳаққоний, жонли, қизиқарли вазифа дарров ўз-ўзидан кела қолмайди. У саҳнадаги ижодий ҳаётда, рол устидаги иш давомида пайдо бўлади. Ҳали бизлар бу ҳаётни тўла билиб ололганимиз йўқ, бинобарин, унинг ички моҳиятини тўғри аниқлай олмадик. Лекин шунга қарамай, кимдир унга беўх-шов ном қўйди, бошқа яхшироқ ном бўлмагани учун биз уни қабул қилдик: «хотинларнинг сараси – Дездемонани бошимга кўтаришни истайман; унинг хизматида бўлишни ва унга бутун умримни бағишлашни истайман».

Мен бу катта вазифанинг маънисини ўйлаб, уни ўзимча жон-лантириб кўрган эдимки, у менга бутун саҳнани ва ролнинг ай-

рим бўлақларини ички моҳияти жиҳатидан асослашга ёрдам берди. Мен буни энг охирги мақсад қилиб олинган: «хотинларнинг сараси – Дездемонани бошимга кўтаришни» мўлжалга олгач, ўйинининг қандайдир моментиди ҳис этдим. Ўзимнинг аввалги майда вазифаларимдан энг охирги мақсад сари борар эканман, уларга берилган ном ва улар ўз аҳамиятини йўқотганини сезиб турдим. Мана, мисол учун, биринчи вазифани олайлик – «Яго нима деяётганини тушуниш». Бу вазифа нимага керак? Маълум эмас. Ҳамма нарса равшан бўлгач, яна нимани тушуниш керак: Отелло севади, фақат Дездемонани ўйлайди, ёлғиз унинг тўғри-сида сўзлашни хоҳлайди. Шунинг учун ўз сеvimлисига тааллуқли бўлган ҳамма сўраб-суриштиришлари ва шахсий хотиралари Отеллога даркор ва булар қувонч бахш этади. Нима учун? Чунки у «хотинларнинг сараси – Дездемонани бошига кўтаради», чунки у «унинг хизматида бўлишни ва унга бутун умрини бағишлашни истайди».

Иккинчи вазифани олиб кўраман: у – «dolce far niente». Бу вазифанинг ҳам кераги йўқ, бундан ташқари – у тўғри эмас. Мавр ўз сеvimлиси ҳақида сўзлар экан, у ўзи учун жуда зарур бўлган муҳим ишни қилади. Нега шундай? Чунки «у хотинларнинг сараси – Дездемонани бошига кўтаради», чунки у, «унинг хизматида бўлишни ва унга бутун умрини бағишлашни истайди».

Ягонинг биринчи бўҳтонидан кейин менинг Отеллом, менинг тушунишимча, хахолаб кулиб юборади. Унинг покиза, софдил маъбудаси Дездемонани ҳеч қанақа ёмон гап қоралай олмаслигини тушуниши кўнглига ором бағишлайди. Бу ишончи маврни жуда хурсанд қилади ва хотинига бўлган ҳурматини яна ҳам ошириб юборади. Нима учун шундай? Чунки «хотинларнинг сараси – Дездемонани бошига кўтаради» ва ҳоказо. Унинг қалбида аста-секин рашк пайдо бўлаётганлигини, идеалга бўлган ишончи оҳиста сўнаётганлигини ва сеvimлисида маккорлик, фоҳишаллик борлигини, фаришта қиёфасида илон яширинганлигини борган сари кучлироқ ҳис этаётганини тушуна бошладим.

– Аввалги вазифалар қаерда қолди? – суриштирди Аркадий Николаевич.

– Уларнинг барини ҳаток бўлаётган идеал ташвиши ютиб юборди.

– Бугунги тажрибадан қандай хулоса чиқарса бўлади? Дарсининг натижаси нима бўлди? – сўради Аркадий Николаевич.

Натижаси шу бўлдики, мен Отелло ва Яго саҳнаси ижрочиларига катта вазифалар кичик вазифаларни қамраб олишини амалий тажрибада ўргатдим. Бунинг ҳеч қанақа янгилиги йўқ. Мен бўлақлар ва вазифалар ёки олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракат ҳақида илгари айтганларимни қайтардим, холос.

Муҳим, янги гап бутунлай бошқа нарсададир, яъни, Названов ва Шустов ўз тажрибаларида диққатни яқин вазифадан ижоднинг асосий, пировард мақсадига буришини, кичик вазифалар диққат марказидан қандай йўқ бўлиб кетишини билиб олдилар. Маълум бўлишича, бу вазифалар беихтиёрлик касб этиб, мустақилликни йўқотиб, ёрдамчи вазифаларга айланиб қоладилар, улар буни катта вазифаларга элтадилар. Названов ва Шустов энди пироварди мақсад қанчалик теран, кенг ва салмоқдор бўлса, у ўзига диққатни шунчалик кўпроқ тортишини, яқинда турган ёрдамчи, майда вазифаларга берилиб кетиш хавфи шунчалик кам бўлишини яхши биладилар. Ўз ҳолига қўйилган бу майда вазифалар, органик табиат ва унинг беихтиёр бошқарувиغا ўтади.

– Қандай бўлади дедингиз? – ҳаяжонланиб тўсатдан сўради Вьюнцов.

– Мен қачонки, артист белгиланган катта мақсадга берилиб кетар экан, у бутун борлиғи билан уни ҳис этади, дедим. Бу пайти органик табиатга эркин, ўз билганича, ўзининг органик эҳтиёжларига ва интилишларига яраша ҳаракат қилиши учун ҳеч нарса халақит бермайди. Табиат қарамсиз қолган барча майда вазифаларни ўз қарамоғига олади ва улар билан артистнинг пировард вазифасига ёрдам беради, ижодкорнинг бутун диққат-эътибори ва онги ана шунга қаратилган эди.

Бугунги дарсни шундай хулосалаш мумкин: йирик вазифалар энг яхши психотехника воситаларидан биридир, уларни биз ўз беихтиёрлиги билан руҳий ва органик табиатга билвосита таъсир қилмоқ учун ахтариб топамиз.

Аркадий Николаевич узоқ ўйлаб олгач, давом этди:

– Ҳозиргина майда вазифаларда кузатган ўзгаришларга ўхшаган ҳодиса йирик вазифаларда ҳам содир бўлади, аммо уларнинг бошида ҳаммасини қамраб олувчи пьесанинг олий мақсади пайдо бўлади. Йирик вазифалар унга хизматда бўлар эканлар, ўзлари ҳам ёрдамчи вазифаларга айланиб қоладилар. Улар ҳам ўз навбатида асосий, ҳаммасини қамраб олган, пировард мақ-

садга олиб борувчи поғоналарга айланадилар. Артистнинг диққат-этибори олий мақсадга қаратилган пайт, йирик вазифалар ҳам кўп ҳолларда беихтиёрий равишда бажарилади.

Етакчи хатти-ҳаракат, сизларга маълумки, қатор йирик вазифалардан пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бирида беихтиёр равишда бажариладиган беҳисоб майда вазифалар мавжуд.

Энди шундай савол туғилади: бутун пьесага сингдирилган етакчи хатти-ҳаракатда беихтиёрий ижоднинг қанча моментлари яширинган?

Улар жуда кўп. Етакчи хатти-ҳаракат беихтиёрийликка таъсир этишдаги биз қидирган энг қудратли қўзғатиш воситасидандир. Бироқ етакчи хатти-ҳаракат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг ижодий интилиш кучи олий мақсаднинг жозибадорлигига бевосита боғлиқдир.

Олий мақсад ҳам ўзида беихтиёрий ижодий моментларни пайдо қилиш учун қўзғатувчи воситаларни сақлаган бўлади. Энди уларни етакчи хатти-ҳаракатда туғилган ва яшириниб ётганларига қўшсангиз органик табиатнинг беихтиёр ижодини қўзғатиш учун энг қудратли киркиқлар олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракат эканлигига тушуниб оласиз.

Уларни чуқур ва кенг маънода эгаллаб олиш, ҳар бир ижодкор артист ижодидида асосий орзуга айлансин. Агар шу айтганим содир бўлар экан, қолганлари сеҳргар табиат томонидан беихтиёр бажарилаверади.

Бу ҳолда ҳар бир спектакл, ҳар бир қайтарилган ижод ўз-ўзидан, астойдил, чинакамига, энг муҳими, фавқулодда хилма-хил бажарилади. Фақат шундагина санъатда ҳунармандликдан, штамплардан, бачкана қилиқ қилишдан, актёрча бемаъни ўйиндан қутулмоқ мумкин. Фақат шундагина саҳнада жонли одамлар ва улар атрофида ҳақиқий мусаффо ҳаёт пайдо бўлади.<sup>66</sup> Бу ҳаёт ижоднинг деярли ҳар бир қайтарилишида янгидан пайдо бўлаверади.

Менинг сизларга етакчи хатти-ҳаракатдан тинмай, йўлчи юлдуздан фойдалангандек, фойдаланишни маслаҳат беришим қолди, холос. Шунда пьесанинг ва ролнинг барча етакчи хатти-ҳаракатлари энгил, табиий кўп ҳолларда беихтиёр бажарилади.

Олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракат барча йирик вазифаларни ўзида сингдириб, ёрдамчи қилиб олгани сингари, инсон – артист умрининг олий мақсади ва олий етакчи хатти-ҳаракати

ҳам ўз репертуарларидаги қанча-қанча пьеса ва ролларнинг олий мақсадини ўзига сингдириб олади. Улар артистнинг ҳаётидаги асосий вазифани, мақсадни бажаришдаги восита ва поғоналарга айланиб қолади.

– Шу нарса спектакл учун яхшими? – иккиланди Шустов.

– Онг жиҳати устун келса ёмон, таъсир этиш бадиий воситалар ёрдами билан содир бўлса яхши.

Энди сизлар онгли психотехника нима эканлигини ҳам билиб олдинглар. У табиатнинг ва унинг беихтиёрийлигининг ижодий иши учун услублар, қулай шароитлар яратиб беради.

Психик ҳаётимизни ҳаракатлантирувчиларни нималар кўзғата олиши ҳақида ўйланг, ички саҳнавий аҳволи руҳият ҳақида, олий мақсад ҳақида ва етакчи хатти-ҳаракат ҳақида, хулласи калом, онгнинг кучи етган ҳамма нарсалар ҳақида ўйланг. Уларнинг ёрдами билан артистлик табиатимизнинг беихтиёр иши учун қулай замин тайёрлашни ўрганинг. Бироқ ҳеч қачон илҳом пайдо қилиш учун тўғри илҳомга мурожаат қилишни ўйламанг ва унга интилманг ҳам. Бу доимо жисмоний кучанишга ва тесқари натижаларга олиб келади.

...19 ...й.

– Беихтиёрий ижод учун замин тайёрловчи онгли психотехникадан ташқари, биз саҳнадаги ижро вақтида оддий тасодиф билан ҳам тез-тез учрашиб турамиз. Ундан ҳам фойдалана билиш керак, бироқ унинг ўзига мос келадиган психотехника даркор.

Мисол учун, Малолеткова, кўрик спектаклдаги «қутқаринг!» деб қичқирганингизни эсланг ва бу туйғулар туғён урган пайтдаги кечинмаларингизни айтиб беринг.

Малолеткова жим тураверди, чунки биринчи саҳнага чиқиши хотирасида яхши сақланиб қолмаган эди.

– Ўша уйингизда нималар бўлганини эсингизга туширишга уриниб кўраман, – унга ёрдам бермоқчи бўлди Аркадий Николаевич. – Сиз гавдалантирган етимчани зим-зиё кўчага ҳайдаб, сизни ўқувчи Малолетковани порталнинг даҳшатли қора дарчаси кўриниб турувчи катта бўш саҳнага итариб чиқаришган эди. Бўшлик даҳшати, етимча қизнинг ва янги ўқувчи Малолеткованинг ёлғизлиги, бир-бирига ўхшашлиги қоришиб, бирлашиб кетди. Саҳна бўшлигини кўча бўшлиғи деб, ўз шахсий ёлғизлигингизни уйдан ҳайдалган етимча қиз ёлғизлигидек ҳис этиб, «қутқа-

ринглар!» деб шундай содда, астойдил бақирдингизки, бундай ҳолни биз фақат реал ҳаётда учратамиз. Бу тасодифий, лекин ўз ўхшашлиги ва шароитнинг монандлиги жиҳатидан жуда муваффақиятли чиққан эди.

Тажрибали актёр ўз санъатида бу муваффақиятли тасодифдан ўзига мос психотехника ёрдамида фойдаланган бўлар эди. У инсон артистнинг қўрқувини, инсон-ролнинг қўрқувига айлантириб юборган бўлар эди. Аммо сиздаги тажрибасизлик ва психотехниканинг йўқлиги инсон-артисткани енгиб қўйди. Сиз ижодга хиёнат қилиб, ўйинни тўхтатиб, кулисаларнинг ортига беркиниб олдингиз.

Сўнгра Аркадий Николаевич менга мурожаат қилиб, шундай деди:

– Ҳозир айтган ҳолатни сиз ҳам кечинмадингизми? Сизда ҳам ролга тасодифий ўхшашлик ва монандлик содир бўлмадими?

– Менимча «Қон, Яго, қон!» саҳнасида рўй берди.

– Шундай бўлди, – деб тасдиқлади Торцов. – Ўшанда нима бўлганини эслаб кўрайлик.

– Аввалига мен ролнинг сўзларини Отелло номидан эмас, балки ўз номидан бақирган эдим, – эсладим мен. – Бироқ бу муваффақиятсизликка учраётган артистнинг жон аччиғидаги ҳайқириғи эди. Бу бақиримиз Отеллони, Пушчиннинг Отелло ҳақидаги таъсирчан ҳикоясини, Маврнинг Дездемонага бўлган севгисини эслашимга мажбур этди. Мен ўзимнинг – инсон-артистнинг ночор ҳолатини, инсон-ролнинг ночор ҳолатида, яъни Отелло ўрнида қабул қилдим. Улар менинг тасаввуримда қоришиб кетди ва мен матннинг сўзларини, ўзим билмаган ҳолда, кимнингдир номидан айтиб юбордим.

– Бу сафар ўз монандлиги ва ўхшашлиги жиҳатидан тасодифий ҳол юз берган бўлиши ҳам мумкин, – деди Торцов.

Бироз сукутдан сўнг Аркадий Николаевич давом этди:

– Биз тажрибада бундан бошқа тасодифларга ҳам дуч келамиз. Кўпинча саҳнанинг шартли ҳаётига чинакам, реал ҳаётдан пьесага, ролга, спектаклга даҳли бўлмаган оддий ҳодиса тўсатдан кириб қолади.

– Бу қандай ҳодиса экан? – деб сўрашди ўқувчилар.

– Жилла бўлмаса, тасодифан ерга тушиб кетган рўмолча ёки ағдарилган столни олайлик, мен бу ҳақда сизларга бир вақтлар гапириб берган эдим.

Агар саҳнадаги актёрлар бундай ҳодисадан чўчимай, юз ўғирмай унга эътибор бериб, пьесага киритсалар, бу нарса улар учун камертонлик вазифасини ўтайди. У саҳнада кечаётган шартли, сохта актёрлик ўйинига чинакам ҳақиқат бахш этади; пьесани ўз орқасидан бошлаб бориб, саҳнада «мен борман» деб айтган ҳолатимизга ишонишга ва ҳис этишга мажбур қилади. Ҳаммаси бир бўлиб, артист табиатини беихтиёрий ижодга йўллайди.

Саҳнада содир бўладиган тасодифий ҳодисалардан ҳам, монандликлардан ҳам оқилона фойдаланмоқ, севмоқ лозим, лекин ижодий режаларда уларга ишона кўрманг.

Сизларга беихтиёрий ижодни қўзғатувчи онгли психотехника ва тасодифий ҳодисалар тўғрисида айтадиган гапларим шулар. Кўриб турибсизки, лозим бўлган онгли услубларга унчалик бой эмасмиз. Ҳали сизларга бу соҳада кўп ишлар қилишга ва излашнишларга тўғри келади. Шундай экан, топилган нарсани ниҳоятда эҳтиётлик билан сақламоқ лозим.

...19 ...й.

Бугунги дарсада кўзим тамомила очилди, ҳаммасига тушундим ва «системанинг» зўр муҳлисига айландим. Мен онгли техника ўзи илҳомлантирадиган беихтиёрий ижодни қандай пайдо қилишини ўз кўзим билан кўрдим. Воқеа бундай бўлган эди.

Димкова бир вақтлар Малолеткова томонидан ажойиб ижро этилган «Ташландиқ гўдак» этюдини бажарди.

Димкова «Бранд» пьесасидаги «Йўргаклаш саҳнаси»га ўхшаган болалар иштирок этувчи саҳнага ва янги этюдга нега бунчалик ўч эканлигини билмоқ керак: у яқинда яхши кўрган ягона ўғлидан айрилган экан. Менга бу ҳақда махфий шипшитиб қўйишди. Бироқ бугун унинг этюдини томоша қилиб ўтириб, бу миш-мишнинг ростлигига ишондим.

Ўйин вақтида унинг кўз ёши тинмади: боланинг ўрнига ўраб қўйилган ёғоч палёнга оналик меҳр-муҳаббати билан муносабатда бўлгани учун биз томоша қилиб ўтирганларга у жонли боладек туюлди. Биз дастурхонга ўралган бу палённи йўргакланган бола деб ҳис этдик. Воқеа боланинг ўлимига етганда, хунук оқибатларга олиб бормаслиги учун этюдни тўхтатишга тўғри келди: Димкованинг ҳаяжони жуда кучайиб кетган эди.

Ҳамма ҳайратда қолди. Аркадий Николаевич ҳам, Иван Платонович ҳам, бизлар ҳам – ҳаммамиз йиғладик.



Чинакам ҳаёт гавдаланиб турганда, қандайдир киркиқлар, ролнинг йўналиши, бўлақлар, вазифалар, жисмоний хатти-ҳаракатлар тўғрисида гап юритишнинг нима ҳожати бор?

– Мана табиат, беихтиёрийликнинг қандай ижод қилишини кўрсатувчи ёрқин мисол! – деди Торцов шавқ-завқ билан. – Улар санъатимизнинг қатъий қонунлари асосида ижод қиладилар, чунки бу қонунлар ўйлаб топилган эмас, балки шу табиатнинг ўзи тақдим этган.

Аmmo бу хилдаги ҳиссиёт ва илҳом бизга ҳар куни ҳам юборилавермайди. Шундай пайтлар ҳам бўладики, улар келмасликлари мумкин, у чоғда...

– Йўқ, улар келадилар! – деди ҳаяжон билан Димкова гапимизни тўсатдан эшитиб қолиб.

Гўё уни илҳом тарк этадигандек кўрқиб, ҳозиргина ўйнаган этюддини қайтаришга киришди.

Ниҳол каби нозик асабларини аяб. Аркадий Николаевич уни тўхтатмоқчи бўлиб турган эди, ўзи тўхтаб қолди, чунки бу сафар эпизоднинг уддасидан чиқолмади.

– Нима қилиш лозим? – ундан сўради Торцов. – Ахир сиздан келажакда фақат биринчи мартагина эмас, балки қолган ҳамма спектаклларда яхши ўйнашингизни талаб этадилар. Акс ҳолда премьерда муваффақият қозонган пьеса, бўлак спектаклларда муваффақиятсизликка учрайди ва унга томошабин келмай кўяди.

– Йўқ! Мен фақат ҳис этсам бўлгани, ўшанда ўйнай оламан. – деб Димкова баҳона қила бошлади.

– «Ҳис этсам, ўйнай оламан!» – деб кулди Торцов. – Ахир бу «Сузишни ўрганиб олсам, кейин чўмиламан» дейиш деган гап эмасми?

Сиз дарров туйғуга берилишни яхши кўришингизни тушунаман. Тўғри, бу жуда қулай. Қани энди муваффақиятли чиққан кечинмани қайтариш учун керакли бўлган техникани бир йўла эгаллаб олсак қандай яхши бўлар эди. Аммо ҳиссиётларни сақлаб, мустаҳкамлаб олишнинг иложи йўқ. У худди сув сингари бармоқларнинг орасидан оқиб кетади... У барқарор бўлсин учун унга таъсир қиладиган турғунроқ услубни ахтариб топишдан бўлак чора йўқ.

Истаганингизни танлаб олинг! Энг қулайи ва осони жисмоний хатти-ҳаракатлар, кичик ҳақиқат, ишончинг кичик моментларидир.

Бироқ, бизнинг Ибсенчи қизимиз ижоддаги ҳар қанақа жисмонийликдан жирканиб, қўл силтайди.<sup>61</sup>

Артист юриши мумкин бўлган ҳамма йўллари: бўлақларни ҳам, ички вазифаларни ҳам, тасаввур тўқимасини ҳам кўриб чиқдик. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам деярли қизиқарсиз, беқарор ва ноқулай бўлиб чиқдилар.

Димкова ҳар қанча уринмасин, жисмоний хатти-ҳаракатларни ҳар қанча четлаб ўтмасин, охирида бориб уларга тўхталишга тўғри келди, чунки улардан яхшироқ нарсани тополмади. Торцов уни тезда йўлга солиб юборди. Аммо бунда у янги жисмоний хатти-ҳаракатлар қидирмади. У қизни тусмоллаб топган ва ажойиб равишда бажарган хатти-ҳаракатларини қайтартиришга ҳаракат қилди.

Димкова ҳаққоний, ишонч билан ўйнади. Лекин бу хилдаги ижрони биринчи мартадаги ўйин билан тенглаштириб бўладими?!

Аркадий Николаевич унга шундай деди:

– Сиз жуда яхши ўйнадингиз, лекин сизга тайинланган этюдни эмас, бошқа этюдни бажардингиз. Сиз объектни алмаштириб юбордингиз. Мен сиздан чақалоқ саҳнасини ўйнашни сўраган эдим. Сиз бўлсангиз менга дастурхонга ўралган палённи ўйнаб кўрсатдингиз. Сизнинг жисмоний хатти-ҳаракатларингиз ўшанга мосланган эди: сиз эпчиллик, чаққонлик билан ёғочни йўргакладингиз. Аммо чақалоққа бўлган муносабат, сиз ташлаб кетган кўпгина аниқликларни талаб этади. Мана масалан, сиз биринчи марта тасаввур этилган болани йўргаклашдан аввал, унинг қўлларини, оёқларини тўғрилаб қўйдингиз, уларни ҳис этдингиз, севиб ардоқлаб ўпдингиз, алақандай ширин сўзларни пичирладингиз, лабларингизда табассум, кўзларингизда ёш билан уни оутдингиз. Бу жуда таъсирли эди. Лекин ҳозир бу деталлар тушиб қолди. Ўз-ўзидан тушунарлики, палённинг қўли ҳам, оёқлари ҳам йўқ.

Биринчи марта тасаввур этилган чақалоқнинг бошини ўраётганингизда унинг чеккасини эзмаслик учун жуда эҳтиёт бўлган эдингиз: чақалоқни йўргаклаб бўлиб, унинг тепасида узоқ қараб турган, оналик қувончи ва ғуруридан ҳўм-ҳўм йиғлаган эдингиз.

Келинг, йўл қўйган хатоларни тузатайлик. Менга палён этюдини эмас, чақалоқ этюдини қайтариб беринг.

Кичик жисмоний хатти-ҳаракатлар устида Торцов билан узоқ ишлаганларидан сўнг Димкова буни ниҳоят тушунди ва биринчи

марта беихтиёрий равишда қилган хатти-ҳаракатларини онгли суратда эслади... У гўдакни ҳис этди ва йиғлаб юборди.

– Мана бу психотехника ва жисмоний хатти-ҳаракатнинг туйғуга бўлган таъсирига мисол бўла олади! – деди Аркадий Николаевич. Димкова ўйинни тугатиши билан.

– Шундайликка шундайку-я. – дедим мен ҳафсалам пир бўлиб. – Бироқ бу сафар Димковада илҳом тўлқини мавж урмади. шунинг учун мен ҳам, сиз ҳам йиғламадик.

– Ҳечқиси йўқ! – деди Торцов. – Замин тайёрланган ва актрисанинг туйғулари қўзғалган экан, илҳом тўлқини мавж ураверади, унинг пайдо бўлишига қизиқарли вазифа, сеҳрли «агарда» ёки бошқа бир «катализатор» топилса бас. Димкованинг нозик асабларини аяб турибман-да. Ҳа, майли... – деди у бир оз ўйланиб тургач, Димковага мурожаат қилиб.

– Борди-ю, мен мана бундай сеҳрли «агарда»ни киритсам, сиз дастурхонга ўралган палённи ҳозир нима қилар эдингиз? Фараз қилинг, сиз ажойиб бир ўғил кўрдингиз. Бутун меҳру муҳаббатингиз унга қаратилди... Бироқ... у бир неча ой ўтгандан сўнг, тўсатдан ўлиб қолди. Сиз ўзингизни қўярга жой тополмай қолдингиз. Бироқ сизга тақдирнинг раҳми келди. Кўча эшигингизга ўлган ўғлингиздан ҳам ширин, дўндиқ бир болани ташлаб кетишибди.

Ўқ нақ мўлжалга тегди!

Аркадий Николаевич ўз тўқимасини айтиб тугатгани ҳам йўқ эди, Димкова дастурхонга ўралган палён қўлида, ҳўнграб йиғлаб юборди, ва... илҳом туғённи икки баробар куч билан қайтарилди.

Мен содир бўлган ҳолатнинг сирини тушунтирмақ учун Аркадий Николаевич олдига югурдим: ахир у Димкованинг чинакам фожиасини топиб гапирган эди-да.

Торцов ҳанг-манг бўлганча шўрлик онани тўхтатмоқчи бўлиб рампа томон югурди, аммо унинг саҳнада қилаётган ишидан завқланиб, унинг ўйинини тўхтатишга журъат этмади.

Этюд тамом бўлгач, ҳамма тинчланиб, кўз ёшларини артиб бўлгандан кейин, мен Аркадий Николаевичнинг олдига бориб, шундай дедим:

– Ҳозир Димкова тасаввур тўқимасини эмас, балки воқеликни, яъни шахсан ҳаётида содир бўлган қайғусини кечингани йўқми, сиз шунга нима дейсиз? Шунинг учун ҳозир саҳна

да содир бўлган иш, менимча, артистлик техникасининг ғалабаси эмас, ижод эмас, санъат эмас, балки тасодиф, воқеалар ўхшашлигининг натижасидир.

– Биринчи марта қилгани санъатмиди? – қайтариб сўради Торцов.

– Ҳа, – деб эътироф этдим. – У гал санъат эди.

– Нега энди?

– Чунки у беихтиёрий равишда ўз қайғусини эслаб, чинакам яшай бошлади.

– Демак, ҳамма бало буларни ўтган галдаги сингари ўзи топмай, аксинча, ҳиссиётларини эслаб қолиш қобилиятида сақланган ҳолатни эслатиб, айтиб берганимда экан-да. Артист кўнглидаги ўзининг ҳаётий хотираларини ўзи эслайдими ёки бошқа биров эслатадими, бунинг фарқи йўқ. Энг муҳими шундаки, хотирани сақлаб юрсин ва керак бўлган пайтда бошдан кечирилган воқеаларни жонлантирсин. Ўз хотирангизда сақланган воқеага бутун вужудингиз ва дилингиздан ишонмаслик мумкин эмас.

– Майли, шундай деб фараз қилайлик. Лекин шунга ҳам иқрор бўлишингиз керакки, Димкова ҳозир саҳнада жисмоний вазифалар, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончи туфайли яшай бошлагани йўқ, балки сиз айтиб берган «сеҳрли агарда»дан тўлқинланиб кетди.

– Мен буни инкор этипманми? – гапимни бўлди Аркадий Николаевич. – Ҳамма гап, деярли ҳамма вақт тасаввур тўқимасида ва сеҳрли «агарда»дадир. Аммо «катализаторни» ўз вақтида кирита билиш лозим.

– Қачон киритиш керак экан?

– Қачон бўлишини ҳозир кўрасиз! Димкованинг олдида борингда, сўранг: агар мен сеҳрли «агарда»ни, анча олдинроқ (иккинчи марта бажарганидаги каби) палённи дастурхонга совуққина ўрар экан, топиб олган чақалоқнинг нақўлчаларини, на оёқларини ҳис этмасдан, уни суйиб ўпмасдан, тўмтоқ палённи дўмбоқ, жажжи бола деб билмасдан, илгари ишга солсам, у илҳомланармиди? Имоним комилки, шу ўзгариш содир бўлгунга қадар мен айтган, яъни кир ёғочни унинг чақалоғига ўхшатишим ҳақорат бўларди, холос. Турган гап, мен топган тўқиманинг унинг ҳаётда бошига тушган қайғусига тасодифий ўхшашлигидан у йиғлаб юборар эди. Бу унга шу

ондаёқ ўглининг ўлимини эслатар эди. Лекин бу хилдаги йиғи ўлганга йиғлашдир. Ваҳоланки, топиб олинган гўдак саҳнасида биз ҳам ўлганга ачиниб, ҳам тириклигига суюниб, йиғлашни ифодалашимиз лозим.

Бу ҳам майли-я. Димкова, имоним комилки, ўз хаёлида жонсиз ёғочни жонли гўдакка айлантиришдан аввал, палённи жирканиб ўзидан нарига суриб қўяр, ундан узоқроқ бўлар эди. Ана у ерда, четда бир ўзи ўзининг қимматли хотираси билан ҳўнг-ҳўнг йиғлаган бўлар эди. Бироқ, тўкилган бу ёш ҳам бизга керак бўлган, этюдни биринчи бор бажаргандаги ёш бўлмай, балки ўликка тўкилган кўз ёшлари бўлар эди. Аммо у хаёлида боланинг қўл-оёқларини яна кўриб, сезганидан сўнг, Димкова этюд учун керак бўлган кўз ёшларни тўқди. У дастлабки этюддаги каби, яъни тирик жонга қувонганидан йиғлаб юборди.

Мен пайтини топиб туриб, ўз вақтида алангалатдим, сеҳрли «агарда»ни айтиб бердим, бу нарса унинг энг теран ва энг нозик хотирасига мос келди. Шунда чинакам илҳом пайдо бўлди, туйғулар тугёни кўтарилди, ўйлайманки, у сизни тўла қаноатлантирган бўлса керак.

– Буларнинг ҳаммаси ўйин вақтида Димкованинг кўзига кўриниб кетди, деган гап эмасми?

– Йўқ! – деди Горцов қўлини силкитиб. – Бунинг сири шундаки, у палённи тирик жонга айланишига эмас, балки, этюдда тасвирланган воқеа, ҳаётда ҳам содир бўлишига ва бу қайғудан қутулишига ишонди. У саҳнада ўз хатти-ҳаракатининг чинакамлигига, уларнинг изчиллигига, мантиғига, ҳаққонийлигига ишонди: шулар туфайли у «мен борман»ни ҳис этди ва табиатнинг ижодий беихтиёрийлигини яратди.

Кўриб турибсизларки, ҳиссиётга жисмоний хатти-ҳаракатларнинг ҳаққонийлиги ва ишонч орқали ёндашиш услуби ва «мен борман» фақатгина ролнинг яратилишидагина эмас, балки яратилган ролни жонлантиришда ҳам керак бўлади.

Илгари яратилган ҳиссиётларни қўзғатиш услубларининг борлиги катта бахтдир. Усиз артистнинг бир марта келган илҳоми, бир маротаба ярқ этиб, сўнг абадий йўқолиш учун келган бўлар эди.

Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим: дарсдан кейин Димкованинг уйига бориб, ҳали санъатда мен учун тўла ойдинлашмаган муҳим бир нарсани – у ўз ўйини билан менга кўрсатиб, тушунтириб бергани учун миннатдорлик билдирдим.

– Келинлар, текшириб кўрамиз! – деб таклиф қилди Аркадий Николаевич синфга кириб келар экан.

– Нимани текшириб кўрамиз! – деб ҳайрон бўлишди ўқувчилар.

– Энди, деярли бир йиллик машқлардан сўнг ҳар бирингизда саҳнавий ижод процесси ҳақида тасаввур ҳосил бўлди.

Мана шу янги тасаввурни эскиси билан, яъни ҳаваскорлик спектаклларида ёки мактабга кираётганингиздаги оммавий кўриклардан қолган сохта ўйин тасаввури билан таққослаб кўрайлик-чи.

Малолеткова! Биринчи дарсларда парданинг қатларидан қимматбаҳо тўғноғични ахтарганингиз, сизнинг истиқболингиз, мактабимизда қолиш-қолмаслигингиз ўша тўғноғичга боғлиқ эканлиги эсингиздами? Ўшанда шоша-пиша ахтарганингиз, елиб-югурганингиз, жонсарак бўлганингиз, ночорликда қолганингизни кўрсатишга уриниб артистчасига ўйнаганингиз эсингиздами? Ҳозир сизни ўшандай «ўйин» ва саҳнада ўзингизни сезишингиз қаноатлантирадими?

Малолеткова ўтмишини эслар экан, ўйланиб чеҳрасида истеҳзоли табассум пайдо бўлди. Ниҳоят, бошини чайқаб, илжайиб қўйди, афтидан ўзининг аввалги содда, сохта ўйинидан кулаётган эди.

– Ана кўрдингизми, куляпсиз. Нимадан куляпсиз? Илгари натижага тўғридан-тўғри эришмоқчи бўлиб ҳаммасини бирдан, «умуман» ўйнаганингиздан куляпсиз. Шу сабабли, образни, гавдалантирилаётган ролнинг эҳтиросини сохта ўйнашлик ва маъйбликнинг пайдо бўлиши таажжубланарли эмас.

Энди «ташландиқ гўдак» этюдини қандай кечинганингизни ва жонли чақалоқ билан эмас, балки палён билан қандай муомала қилганингизни эсланг. Саҳнадаги бу ҳаққоний ҳаётни ва ижод вақтида ўзингизни қандай ҳис этганингизни илгариги сохта ўйинингиз билан таққослаб кўриб, айтинг: мактабда шу ўтган вақт ичида олган билимингиз сизни қаноатлантирадими?

Малолеткова ўйланиб қолди, чеҳраси жиддийлашди, кейин қовоғи солинди, кўзларида бежоллик аломати кўринди, сўнгра лом-мим демай, ўйланиб туриб, боши билан маъноли тасдиқ ишорасини қилди.

– Ана кўрдингизми, – деди Торцов. – Ҳозир сиз кулма-япсиз, буларни эслаб йиғлагундай бўляпсиз. Нега шундай? Чунки сиз этюдни яратишда бутунлай бошқа йўлдан бордингиз. Сиз тўғридан-тўғри энг охирги натижага, томошабинни ҳайратда қолдириш, қойил қилиш, этюдни мумкин қадар кучли ўйнашга интилмадингиз. Бу гал сиз қалбингизга уруғ ташлаб, ундириб аста-секин ўстира бошладингиз. Сиз органик табиатнинг қонунлари асосида иш тутдингиз. Бу икки хил йўл ҳамиша эсингизда бўлсин, уларнинг бири муқаррар равишда ҳунарга, иккинчиси эса ҳақиқий ижодга ва санъатга олиб боради.

– Жинни этюдига ҳам биз шундай ҳолатни сездик! – деб ўқувчилар мақтов олмоқчи бўлишди.

– Қўшиламан, – деб иқрор бўлди Торцов.

– Сиз ҳам, Димкова, ўзингизнинг ажойиб этюдингиз «Ташландиқ гўдак»да худди шу ҳолатни сездингиз.

Вьонцовга келсак, танца вақтида оёғини синдирган қилиб кўрсатиб бизни алдади. У, ўзининг ўйлаб топган мослашмасига чиндан ишониб, бир дақиқага иллюзияга берилиб кетди. Кўпчилик илгари ўйлаганидек ижод аллақандай актёрчасига қилиқ қилиш, образни, эҳтиросни юзаки, сохта ўйнашдан иборат эмаслигини энди яхши биласизлар.

Ижодимизнинг моҳияти нимада?

Бу янги, жонли инсон-ролни яратиш ва такомил эттиришдир. Бу одамнинг туғилишини эслатувчи, табиий ижодий ҳолатдир.

Агарда ролга кириб бориш пайти артист қалбида нималар кечаётганини синчиклаб кузатиб борсангиз, менинг бу ўхшатишимнинг тўғрилигига иқрор бўласиз.

Ҳар бир яратилган саҳнавий бадий образ ҳам табиатдаги каби бирдан-бир, қайтарилмайдиган бир ҳодисадир.

У яратилиш пайти худди одамнинг туғилиши каби босқичларни босиб ўтади.

Ижодий процессда у, яъни «эр» (автор) бор.

У, яъни «хотин» (ролдан ҳомиладор бўлган, авт орнинг уруғини, асарининг мағзини қабул қилиб олган ижрочилар) бор.

Мева – бола (яратиладиган рол) бор.

Артистнинг рол билан биринчи марта танишадиган моментлари бор. Унинг яқинлашадиган, севиб қоладиган, жанжал, келишмовчилик, ярашиш, қўшилиш, урчиш, ҳомиладорлик давр-

лари бор. Бу даврларда режиссёр процессга доялик ролида ёрдам кўрсатади.

Худди ҳомиладорликда бўлгани каби ижодий процесснинг ҳам турли босқичлари бор, улар яхшими, ёмонми, артистнинг шахсий ҳаётига таъсир этади. Масалан, она ҳомиладорлигининг турли даврларида ўзига хос инжиқликлар, «боши қоронғи»ликлари бўлади. Худди шундай ҳол ижод қилаётган инсон-артистда ҳам рўй беради. Ролнинг пайдо бўлиши ва вояга етишининг турли даврлари артист характери ва ҳолатига турлича таъсир этади.

Мен ролни органик равишда етилтириш учун тирик одамни дунёга келтириш ва парваришlashга кетганча, балки ундан ҳам кўпроқ вақт керак деб ҳисоблайман. Бу даврда режиссёр ижодга доя ёки акушерлик ролида қатнашади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нормал кечган ҳолда артист яратган рол ўз-ўзидан табиий, жисмоний шаклланади, кейин «она» (ижодкор артист) томонидан парваришланади, тарбияланади.

Аммо бизнинг ишимизда ҳам чала туғиш, абортлар бўлади. Бу тақдирда саҳнада чала, пишиб етилмаган мажруҳлар пайдо бўлади. Бундай процесснинг анализи бизларни маълум бир қонуниятга ишонтиради: органик табиат оламда янги бир нарсани яратар экан, бу хоҳ биологик, хоҳи инсон фантазиясининг ижоди бўлсин, барибир, шу қонуният бўйича иш кўради.

Хуллас, саҳнавий тирик жоннинг (ёки ролнинг) туғилиши артистнинг органик ижодий табиатининг табиий бир ҳолати ҳисобланади.<sup>62</sup>

Бу ҳақиқатни тушунмаганлар ўз «принципларини», «асосларини» ўзларининг «янги санъатларини» ўйлаб чиқарувчилар, ижодкор табиатга ишонмовчилар қаттиқ янглишадилар. Табиат томонидан доимий қонунлар яратилиб қўйилган экан, ўз қонунларини ўйлаб чиқаришнинг нима ҳожати бор? Табиат қонунлари ҳамма учун мажбурийдир, саҳна ижодкорлари ҳам бундан мустасно эмаслар, кимки буларни бузар экан, шўри қурийдди.

Бундай зўраки актёрлар ижодкорга айланмайди, балки сохта, ясама ўйновчиларга тақлид қилувчиларга айланиб қоладилар. Ижодий табиатнинг барча қонунларини чуқур, бус-бутун ўрганиб олганингиздан кейин, уларга ҳаётдагина эмас, балки саҳнада ҳам эркин итоат қилишга ўрганганингиздан кейин, кўнглингизга қандай ёқса – шундай ижод қилаверинг, лекин бунинг битта мажбурий шarti бор: органик табиатингиз қонунла-



рининг ҳеч бирини мустасно қилмай, қатъий равишда бажариб бориш керак.

Ўйлайманки, бизларнинг табиатимиз асосида табиатга зид бўлган, ўйлаб топилган, модадан нарига ўтмайдиган кўпгина янгиликларни ва турли-туман «изм»ларни бажарувчи шундай гений, шундай ажойиб техника эгаси ҳали туғилмаган бўлса керак.

– Мени кечирасиз! Демак, сиз санъатда янгиликни инкор этар экансиз-да?

– Аксинча! Мен инсон ҳаёти жуда нозик, мураккаб ва кўп қиррали бўлганидан, ўзининг тўла-тўқис ифодасини топмоғи учун, у ҳали бир қанча янги, биз билмаган «изм»ларга муҳтождир, деб ҳисоблайман. Лекин шу билан бир қаторда, мен афсус билан қуйидагиларни таъкидлайман: ҳали техникамиз бўш ва жуда соддадир, бизлар чинакам жиддий новаторларнинг кўпгина қизиқарли ва адолатли талабларини бажаришга ҳали-бери қурбимиз етмайди. Новаторлар катта хатога йўл қўядилар: идея, принцип, янги асос билан, улар қанчалик тўғри бўлишликларидан қатъи назар, уларнинг рўёбга чиқарилиши ўртасида жуда катта фарқ борлигини унутадилар. Уларни яқинлаштирмақ учун, санъатимизнинг техникаси устида кўп, узоқ ишламоқ лозим, ваҳоланки, у ҳали ибтидоий ҳолатдадир.

Психотехникамиз мукамаллаштирилмаганга қадар, ҳаммадан ҳам ижодий органик табиатингизни ва унинг табиий, бузилмас қонунларини зўрлашдан қўрқинг.

Ўзингиз кўриб турибсиз, санъатимиздаги ҳамма нарса артист бўлишни истаган ҳар бир ўқувчидан биринчи навбатда органик табиатнинг ижодий қонунларини назарий томондангина эмас, балки амалда ҳам батафсил ўрганишини талаб қилади. Ўқувчи, шунингдек, психотехникамизнинг ҳамма усулларини ўрганишга ва амалий эгаллашга ҳам мажбурдир. Буларсиз саҳнага чиқишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Акс ҳолда санъатимизда чинакам маҳорат эгалари эмас, балки ҳаваскорлар, чала муллалар етишиб чиққан бўлади. Бундай саҳна ходимлари билан театрларимиз ўсмайди, гуллаб яшнамайди. Аксинча, улар тушқунликка маҳкум этилган бўладилар.

Дарснинг охири хайрлашувга бағишланди, чунки ҳозирги дарс бу йили «системадан» ўтган дарсимизнинг охиргиси эди.

Аркадий Николаевич ўқувчиларга қилган мурожаатини куйидаги сўзлар билан тугатди:

– Энди сизлар психотехникага эгасизлар. Унинг ёрдами билан сизлар кечинмани қўзғата оласизлар. Энди сизлар туйғуни парвариш қила биласизлар, уни гавдалантира оласизлар.

Аммо органик табиатимизнинг ғоятда нозик ва кўпинча беихтиёрий ҳаётининг ташқи кўринишини яратиш учун ғоятда сезгир ва мукамал ишланган овоз ва гавда аппаратига эга бўлмоқ лозим. Улар жуда нозик, деярли билинар-билинемас ички кечинмаларни ғоятда ўткир сезгирлик билан, бевосита тез, аниқ, кўрсатишлари керак. Бошқача айтганда, саҳнадаги артист гавдасининг ҳаётини унинг руҳий ҳаётига қарамлиги бизнинг «система»мизда алоҳида аҳамиятга эгадир. Мана шунинг учун бизнинг йўналишимизга мансуб бўлган артист санъатнинг бўлак оқимларида бўлганларга нисбатан, кечинма процессини яратувчи ички аппарати ҳақидагина қайғурмай, балки туйғунинг ижодий ишини тўғри намойиш қилувчи, унинг ташқи шаклини ифодаловчи ташқи-гавда аппарати ҳақида ҳам кўпроқ қайғурмоғи зарур. Органик табиатимиз ва унинг беихтиёрийлиги ҳам бу ишга қайта таъсир этади, соҳада гарчи бу техника ўзига биринчиликни кўр-кўрона даъво қилса ҳам, гавдалантиришда уччига чиққан актёрлик техникаси унга тенг-лашолмайди.

Гавдалантириш процесси, табиийки, эндиги галдаги ишдир. Унга келгуси йилнинг кўпгина қисми бағишланади.

Бундан ташқари, сизлар ундан кейин келадиган «рол устида ишлаш» учун ҳам баъзи бир нарсаларни ғамлаб олдинглар: сизлар шундай ички ҳиссиётни яратишни ўрганиб олдингизки, бу процесга фақатгина шу йўл билан бориш мумкин. Бу ҳам келажак учун катта воситадир (қуролдир), ундан вақти келганда, «рол устида ишлашни» ўтганимизда кенг фойдаланамиз.

Шу билан энди, хайр, яхши қолинглар! Дам олинглар. Бир неча ойдан кейин «актёрнинг ўз устида ишлаши»нинг ва хусусан, гавдалантириш процессини ўрганишни давом эттириш учун яна йиғиламиз.

Жуда бахтиёрман, ўзимда йўқ хурсандман. мен ишда ҳам, тажрибада ҳам қуйидаги сўзларнинг маъносига тўла тушуниб олдим.

«Артистнинг онгли психотехникаси орқали органик табиатнинг беихтиёрий ижодига!!!»

Бу гап мен учун шундай маънога эга: сен йилларча умрингни психотехникани эгаллашга сарфласанг илҳом учун замин тайёрлаб оласан. Шунда илҳом сенда ўз-ўзидан пайдо бўлаверади.

Қандай ажойиб истиқбол! Қандай улкан бахт! Яшаш ва ишлаш маъноси – бу!

Мен даҳлизда бўйнимга шарфимни ўрар эканман, ўзимни шундай ҳис этар, мулоҳаза юритар эдим.

Тўсатдан, ўтган галгидек, қаёқдандир Аркадий Николаевич пайдо бўлиб қолди. Лекин бу сафар у биқинимга туртмади. Аксинча, мен уни қучоқлаб, ўпиб олдим. У ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўради.

– Сиз мени санъатимизнинг сири органик табиат қонунларига аниқ амал қилишда эканини тушунишга мажбур қилдингиз ва мен уларни бирма-бир, чуқур ўрганишга тантанали равишда ваъда бераман! Мен уларга қаттиқ бўйсунишга ваъда қиламан, чунки фақат ўшаларгина ижод ва санъатнинг тўғри йўлини кўрсатиб бера олади. Мен психотехникани ишлаб, такомиллаштиришга ва бу ишни чидам билан, мунтазам равишда, эринмай бажаришга ваъда бераман! Қисқаси, беихтиёрий ижод учун, замин тайёрлашни ўрганиш учун бутун қобилиятимни ишга соламан, фақат илҳом келса бас! – дедим.

Аркадий Николаевич бу гапларимдан эриб кетди. У қўлимдан ушлаб, бир чеккага олиб борди-да, қўлларимни кўйиб юбормай, шундай деди:

– Ваъдаларингизни эшитиш мароқли, лекин қўрқаман.

– Нимадан қўрқасиз? – ҳайрон бўлдим мен.

– Кўнгли совиб кетганларни жуда кўп кўрганман. Театрда кўпдан бери ишлайман, қўлимдан юзлаб талабалар ўтди, аммо улардан бир нечасигина менинг эмаслошим бўлиб қолдилар, ана шуларгина бутун умримни сарфлаган ишимнинг моҳиятини тушундилар, деб ҳисоблайман.

– Нега бунча кам?

– Асл санъатга эришиш учун кўпларнинг иродаси, сабри чидамайди. Фақатгина «системани» билиш озлик қилади. Уни қўллай олиш ва ишлата билиш лозим. Бунинг учун бутун артистлик фаолияти даврида кундалик, доимо машқ, муштра қилиб туриш керак бўлади.

Ашулачиларга вокализлар, раққосларга кундалик машқлар, саҳна артистларига «система»да кўрсатилган тренинг ва муштра зарур. Астойдил киришинг, бу ишни ҳаётда ҳам қилиб боринг, ўз табиатингизни ўрганинг, уни интизомга солинг, шунда агар талантингиз бўлса буюк артист бўлиб етишасиз.

## ИЗОҲЛАР

1. Станиславский 1926 йили нашр этилган «Менинг санъатдаги ҳаётим» номли асаридан ташқари, бу ерда номлари кўрсатиб ўтилган китобларнинг иккинчи томинигина нашрга тайёрлаб беришга улгурган эди: биринчи марта 1938 йили нашр этилганди. Учинчи ва тўртинчи томлар тугалланмай қолган эди. Бу иккала китобга оид сақланиб қолган материаллар К.С.Станиславскийнинг асарлар тўпламининг сўнгги томларига кириптиди.

К.С.Станиславский «система» («Тренинг ва муштра») бўйича амалий машқлар тўплами яратмоқчи эди, лекин бу ҳам амалга ошмай қолди. Унинг архивдан топилган баъзи машқлар баёни учинчи том изоҳларида берилди.

Станиславский актёрнинг ташқи ва ички артистлик техникасини эгаллаш бўйича олиб борадиган кундалик машқларига жуда катта аҳамият берган эди. У менинг «системамни» узоқ ва мунтазам машқ қилиш билангина эгаллаш мумкин, деб таъкидлар эди. Бизнинг санъат тилимизда билиш, – деганди у, – қила билиш демакдир, лекин ҳар қандай билиш ҳам, илмдан ташқари, амалий кўникмани талаб қилади. Шунинг учун ҳам «системаларни» Торцов таълими бўйича ўзлаштириш Торцов-Станиславский ўз талабаларига бераётган кундалик амалий машқларини ўзлаштиришга асосланади.

2. Станиславский ҳаётининг сўнгги йилларидаги ён дафтарчаларидан бирида қуйидаги ёзувларни ўқиймиз: «Актёрнинг ўз устида ишлаши» («Кечинма») китобининг янги нашридаги тузатишлар... Менинг системам барча миллатлар учун мўлжалланган. Одамлар табиати бир хил, лекин мослашмаси турличадир. Кўникманинг системага алоқаси йўқ». (МХАТ музейи, К.С. № 263, 33-бет). Станиславский турли миллат артистлари ҳамма учун бир бўлган ижод қонунилари асосида, форма жиҳатидан турлича сахна асарлари яратадилар, деб ҳисобларди. Бу фикрни у баъзи мақолаларида ҳам илгари сурган эди. «...ижод-

нинг ўзгармас, ҳамма учун мажбурий бўлган қонунлари, – деган эди у 1936 йили ёзган «Ижоди ҳамкорлик мақоласида. – барча миллат артистларини бир-бирига яқинлаштиради. Бу қонунларни биргаликда ўрганамиз, ўзлаштирмоғимиз ва булар учун лозим бўлган актёр психотехникаларини яратмоғимиз лозим». Лекин, – деб яна қўшимча қилган эди Станиславский, – «ҳар бир миллат, ҳар бир халқ санъатда ўз халқига хос энг нозик миллий, инсоний хислатларини акс эттирсин, ҳар бир халқ санъати ўз миллий хусусият, колоритини сақлаб қолсин. Худди мана шу хислатларда ҳар бир халқ қалби акс этиб турсин» (К.С.Станиславский. Мақолалар, нутқлар, суҳбатлар, хатлар. «Искусство», 1953, 359-360 бет).

3. Станиславский «система»нинг кейинги баёнини Торцов дарсларининг стенограммасини ёзиб олган театр мактаби ўқувчиси Названовнинг кундалик дафтари сифатида беради.

Станиславский ўз китоблари устида ишлар экан, ўқувчиларнинг дарс ва репетицияларда ёзиб олганлари кўпинча «система»нинг у ёки бу қисмига қўшимча материал бўлиб хизмат қилди.

Масалан, Е. Б. Вахтанговнинг кундалик дафтаридида қуйидаги ёзувларни учратамиз: «1911 йил, 15 март. Бадий театрға қабул қилиндим. К.С.Станиславскийнинг иккинчи лекцияси. К. С. биринчи дарсидаёқ дафтаримни кўриб: «Қойил, балли. Қандай улгуролдингиз? Сиз стенограф экансизда», унинг 2 августдаги ёзувида: «К. С. мендан «Гамлет» репетициясида «унинг гапларини ёзиб боришимни илтимос қилди» деб ёзилганди (Е.Б. Вахтангов. Ёзувлар, хатлар. мақолалар. «Искусство»; 1939, 12 ва 15-бет).

Е. Б.Вахтангов ёзувидан ташқари, К.С.Станиславскийнинг адабий архивида Л. А. Сулержицкий, О. В. Гзовская, Н. М. Горчаков ва бошқа ўқувчилари томонидан ёзиб олинган лекция ва репетициялари ҳам мавжуд.

4. К.С. Станиславский театр мактабига кираётган ёшларнинг саҳнавий қобилиятларини бу усулда текширишга катта аҳамият берган эди.

«Биз... фақат имтиҳонда эмас, балки синов дарсида ҳам, спектаклда ҳам, томошабин олдида, саҳнада ўйнаётганда ҳам жиддий кўриқдан ўтказмоғимиз лозим» деб ёзган эди К. С. Станиславский 1937 йили.

«Бундай кўриқларни ташкил қилиш учун биз бир неча кун эмас, ҳатто ҳафталарни аямаймиз. Бундай кўриқлар кенг томо-

шабин учун эмас шунчаки ўқитувчилар, саҳна ишчилари, ўқувчининг ота-оналари учун бўлса ҳам майли.

Мактабга кираётган ўқувчини саҳнада, рампа ва томошабин қаршисида кўриш жуда катта аҳамиятга эга. Ўқувчида саҳнага мойиллик (мослиги), жозиба завқ-шавқи ва оммавий ижод учун зарур бўлган бошқа хислатлар бор-йўқлиги кўпинча шу хил кўрикларда маълум бўлади.

Бундай оммавий кўрикларда актёрни костюм ва гримда ҳам кўриш керак. Унинг гавда ва юз кўриниши мос келадими-йўқми? Унинг овозини дикциясини ва нутқини катта хонада эшитиб кўриш лозим – жаранглайдими, йўқми билиш керак.

Бундай синовлар учун программани имтиҳон бераётган ўқувчиларнинг ўзлари танлаши мумкин. Бу уларнинг диди, билими, адабий майли ва ижодий ташаббусларини кўрсатиб беради.

Ўқувчини биринчи чиқишида чўчитиб юбормаслик керак, шунинг учун ҳам у қўлидан келганини ва ўзи ишонганини кўрсатсин» (МХАТнинг 1947 йилномаси. Москва, 1949, 300-бет).

1935 йили Опера-драматик студиясига кириш учун уюштирилган конкурс имтиҳонларида Станиславский шу талабларни тажрибада синаб кўрди. Студияга кирувчилар ўзлари танлаган драматик саҳналар ва парчаларни кўрсатишди.

5. Ўқувчи Названовнинг Отелло роли устидаги ишлари Станиславскийнинг ўз «система»сига бағишланган кўпгина асарларининг сюжет линиясида салмоқли ўрин тутади. Шекспирнинг «Отелло» трагедияси Станиславский ижодий биографиясида ҳам катта ўрин эгаллайди.

Станиславский фикрича, Шекспир пьесаларидаги хатти-ҳаракатнинг мантиқий жиҳатдан аъло даражада берилиши артистлик техникасини тарбиялашда ажойиб материал бўлиб хизмат қилади. Шекспир образларининг чуқур ва мураккаблиги эса актёрнинг ижодий имкониятларини намоён этишга ёрдам беради, ундаги иродани, темпераментни ва бошқа артистлик хислатларни ишга солади.

6. Китобнинг аввалги вариантларида бу эпизод бир қадар кенг баён этилган эди: ўқувчининг дарсга кечикиб келиши Торцовга артистлик этикаси ва интизомнинг аҳамияти ҳақида суҳбат ўтказишга баҳона бўлган эди. Станиславский бу томонни таҳрир қилиш пайтида биргина артистлик этикаси ҳақидаги суҳбат билан чегараланиб қолишни хоҳламади, аксинча

бу муҳим масалага бутун бир китоб бағишлашни мўлжаллади.

Артистлик этикаси ва интизом масалаларига Станиславский асарлар тўпламининг учинчи томида алоҳида боб ажратилган.

7. К.С.Станиславский бу бобда актёрнинг асосий ижодий вазифасини аниқлаб беради; бу формулада у театрнинг ижтимоий тарбиявий ролига тўхталмайди. Бу масалалар ҳақида у ўзининг кўпгина мақола, нутқ, суҳбатларида тўхталган. К.С.Станиславский МХАТнинг ўттиз йиллик юбилейида сўзлаган нутқида (1928 йил, 27 октябрь) санъатнинг асосий вазифаси ҳақидаги тезисини қуйидагича баён этади: «Санъат инсоннинг руҳий ҳаётини яратади. Биз саҳнада замонамиз кишисининг ҳаётини кўрсатмоғимиз, унинг ғояларини ифодаламоғимиз лозим. Театр ўз томошабинига мослашиш эмас, балки уни катта йўлдан бошлаб бормоғи лозим. Санъат халқни ўзи яратган идеалларни кўришга ўргатиши керак».

«Биз Москва Бадиий театрини ташкил этар эканмиз ўз олдимизга, фақат бадиий вазифаларни эмас, балки ижтимоий вазифалар ҳам қўйгандик, – деб ёзган эди К.С.Станиславский ўзининг 1935 йилда ёзган бир мақоласида. – Биз ўша пайтлари, айниқса ҳозир катта фикр ва катта томошабинсиз катта театрнинг бўлиши мумкин эмаслигини яхши биламиз».

Икки йилдан кейин К.С.Станиславский шундай деб ёзган эди: «... ўзининг тарбиявий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятини тушунган, ҳис этган актёр бўлиш қандай қувончли!»

8. К.С.Станиславский Томазо Сальвинининг «Саҳна санъати ҳақида баъзи мулоҳазалар»ни келтиради («Артист» журнали, № 14, 58-бет).

Сальвини Томазо (1829–1916) – буюк итальян трагик актёри, Шекспир қахрамонларининг ажойиб ижрочиси. У бир қанча марта Россияда гастролларда бўлган. Сальвини ўз ижодий ва назарий мулоҳазаларида «кечинма санъати» принципларини маъқуллаган эди.

9. Бу цитата Катта Кокленнинг «Актёр санъати» китобидан олинди. Киев, 1909, 8-9-бетлар.

Коклен Бенуа – Констан (Катта Коклен 1841 – 1909). Махшур француз актёрларидан; унинг актёрлик маҳорати ва назарий қарашлари «тасаввур санъати» учун характерлидир. У Россияда 1889 ва 1891 йиллари гастролларда бўлган.



Коклен актёр санъати соҳасидаги қарашларини ўзининг бир қанча назарий асарларида баён этган (Катта Коклен. «Актёр санъати» китобига қаранг. «Искусство». Л. –М., 1937). Бу китобда у Д. Дидро ўзининг «Актёр ҳақида парадокс»ида илгари сурган фикрларини маъқуллайди. Д. Дидронинг фикрича, ҳиссиёт актёр ўйинининг камолотига халал берармиш. Коклен: «актёр ҳаққоний ва кучли ҳиссиётни ифодалаётган пайти, бу ҳиссиётнинг ҳатто учқунини ҳам сезмаслиги керак», дейди.

К.С.Станиславский Коклен ижросининг техника камолотига тегишли баҳо берган ҳолда, бу ижодий методнинг рус актёрлари табиатига ёт ва рус реалистик театр санъатининг прогрессив традицияларига қарама-қарши эканлигини кўрсатиб берди.

10. Станиславский бу «тақлидий санъат»га ўзининг «Тасаввур санъати» мақоласида тўла-тўқис характеристика беради; бу мақола биринчи марта «Мақолалар, нутқлар, суҳбатлар, хатлар» тўпламида эълон қилинган (450 бет).

11. Станиславский саҳнадаги қуруқ ҳунарга ўзининг «Ҳунар» номли мақоласини бағишлаган. Бу мақола биринчи марта «Театр маданияти» журналида босилган (1921, 5-6-сонлар).

Станиславский фикрича, бу мақола театр санъати соҳасидаги турли оқимлар ҳақидаги алоҳида бир китобга кириши лозим эди.

12. Бу абзацдан мактаб программасининг кечинма элементларига (биринчи ўқиш йили) ва ифода элементларига (ўқишнинг иккинчи йили) бўлиниши шартли эканлиги кўриниб турарди. Торцов мактаби ўқувчилари, Станиславский раҳбарлик қилган театр мактаби ўқувчилари сингари ички кечинма элементларини ҳам, ташқи, жисмоний (яъни, ашула, дикция, гимнастика, рақс ва бошқалар) жиҳатларни ҳам баробар эгаллаб борардилар. Программанинг бу икки қисми ўртасидаги тафовут Станиславскийнинг сўнгги йиллардаги амалий педагогик ишларида йўқолиб борганди.

13. К.С.Станиславский 1906 йилда Бадний театрда қўйилган Г.Ибсеннинг «Бранд» номли драматик поэмасининг тўртинчи пардасидаги охириги эпизодни «чақалоқ таглиги саҳнаси» деб атаганди. Бу саҳна баёни шу томнинг 162-бетида берилган.

14. К.С.Станиславский халқ артистлари И.М.Москвин, В.И.Качалов ва Л.М.Леонидовлар билан кўп йиллар ижодий ҳамкорликда ишлаган эди; улар Станиславский раҳбарлик қилган студия кечаларида доимо қатнашиб турнарди. 1935–

1937 йилларда Л. М. Леонидов ва И. М. Москвин опера-драматик студияда педагоглик қилишарди, В.И.Качалов эса студиячилар олдида бир қанча марта концерт программалари билан чиққан эди.

15. М.Метерлинкнинг 1908 йилда МХТ сахнасида қўйилган «Кўк қуш» номли афсонавий пьесасида пари сеҳрли олмосни бураса болалар атрофидаги предметларга жон кириб, улар эртанинг қатнашчиларига айландилар.

16. Бу тилдаги машқлар Станиславскийнинг опера-драматик студиясидаги педагогик тажрибаларида кенг ривожлантирилган эди. Бу ерда берилган шарт-шароитни ўзгартувчи тасаввур катта аҳамиятга эга, у ўқувчи хулқини ўзгартишга таъсир этади, фаол ҳаракатни келтириб чиқаради.

17. Станиславскийнинг педагогик ва режиссёрлик приёмининг муҳим хусусияти худди шунда кўринади. Бу хусусият ташқи (драматург ва режиссёр берадиган) фикрни актёрнинг индивидуал мойиллиги билан бирлаштиришда, ролни актёрга «пайвандлашда» кўринади. Станиславский фикрича, бундай метод драматург ижоди билан актёр ижодининг қўшилишидан иборат бўлган оригинал жонли сахна образи яратишга олиб келади.

18. «Ички кўриш» термини Станиславский айтмоқчи бўлган мазмунни очиб беролмайди. Аввалги матнда фақат тасвирий образларни ифодалаш эмас, балки эшитиларли ва бошқа тасаввур этилувчи сезгилар ҳақида ҳам гапирилади. «Ҳиссиётларни эслаб қолиш қобилияти» бобида ўқувчиларга ҳиссиётларни кўзгатиш ва мустаҳкамлаш учун фақат кўриш ва эшитиш хотиралардан эмас, балки ҳидларни, мазани, туйғуларни хотирлашдан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

К.С.Станиславский ўз иш тажрибасида кўриш деб предметлар ҳақидаги образли ва ҳиссий тасаввурларни айтган; унинг айтишича, актёр булардан бир хилда эмас, ўсишда, тараққиётда фойдаланиши лозим; шу сабабли Станиславский актёрга тасаввурингиздан кўриш кинолентасини ўтказинг, деб маслаҳат берган эди.

Станиславский «Тасаввур» бобида тасаввур этиладиган сезгилар комплексини актёрнинг образли тасаввур этиши деб атайди; бу юқорида баён этилган ва кўриш деб шартли термин билан номланган масала моҳиятини аниқ ифодалаб беради.

19. Станиславский бу ерда саҳнадаги диққат-эътиборнинг амалий табиатини таъкидлаб кўрсатади. Бу нарса унинг сўнгги йиллар педагогик тажрибасида кенг ривожлантирилган эди.

«Система»нинг дастлабки шаклланиш йиллари фикр тарқоқликларига ва ижод объектларидан узоқлашишга қарши курашиш учун бир қатор машқлар яратилган бўлса (кўп ёки оз вақт давомида диққатни бир нуқтага қаратиш машқи, диққат доирасини торайтиш ва кенгайтириш ва ҳоказолар учун машқлар), кейинги даврларда Станиславский диққат-эътибор масаласига саҳна ҳаракатининг ажралмас бир қисми деб қаради, у саҳнадаги хатти-ҳаракат асосида вужудга келади ва уни мустаҳкамлайди деб ҳисоблади. М. Н. Кедровнинг тўғри таърифича, диққат-эътибор бу – бирор объектга қараб «қотиб қолиш эмас» («таёқдек бўлиб қолиш эмас»), балки ўша объектни тушуниб хатти-ҳаракат қилиш процессидир: у атрофимиздаги муҳитни сезиш ва тушуниш учун зарур нарсадир.

20. Станиславский «ҳиссий диққат-эътибор» терминини «Бадний ижодда образга кириш ҳақида» мақоласидан олган (И. Лапшин. Бадний ижод. «Мысль» нашри. П. 1943). И. Лапшин бадний ижод табиати ҳақидаги тадқиқотларида сохта, идеалистик позицияда туради.

Диққат-эътиборнинг интеллектуал ва ҳиссий жиҳатларга бўлинишини шартли деб тушунмоқ лозим. Диққат-эътибор доимо ҳиссий сезиш, фикр ва «ироданинг иши билан боғлиқдир: у ёки бу элементнинг устун туриши ҳақида бориши мумкин. Станиславский учун бу ўринда бу шартли термин эмас, балки объектга қизиқиш лозимлиги ҳақидаги тўғри фикр катта аҳамиятга эга.

21. Станиславский ўзининг «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобидаги «Чидам» бобида А. Писемскийнинг «Аччиқ қисмат» (1888) пьесасидаги Анания Яковлев роли устида ишлаган пайтидаги артистлик туйғулари ҳақида ҳикоя қилади. «... Мен илҳомим келди деб, ролга жуда берилиб кетган пайтим гавдамни ўзим эмас, балки илҳом бошқаргандек бўлди... Шу ҳолатда ижод қилиш ва фикрлаш мумкинми?!

...Кучимнинг борича қўлларимни мушт қилиб, тирноқларимни кафтимга ботира берганимдан кафтларим қонталашиб кетарди. Оёқ бармоқларимни тириштириб, полга қаттиқ қадай берганимдан, тирқираб қон чиқиб кетарди».

22. Джером Джером Клапка (1859–1927) инглиз буржуазия ёзувчиси: у ўзининг юмористик асарлари билан машҳур. Джером юморлари асосан турмушда учраб турадиган ҳар хил қизиқ англашилмовчиликларга асосланади.

23. Беш актли пьесани бундай бўлақларга бўлишга «К.С. Станиславскийнинг «Отелло» трагедияси учун тузган режиссёрлик плани» мисол бўла олади. Бу план 1929–1930 йиллари ёзилганди («Искусство» нашриёти 1945 йили нашр этган).

Бу ижодий ҳужжатда Станиславский учун хос бўлган пьесанинг чуқур анализи ва бўлажак спектаклнинг аниқ плани билан бирга унда драматургия материали ва пьеса ижрочиларига ёндошишдаги баъзи методик хусусиятларнинг ҳам борлиги диққатга сазовордир: бу хусусиятлар Станиславскийнинг сўнгги ижодий фаолияти ва назарий асарларида янада ривожлантирилди.

«Отелло» учун яратилган режиссёрлик планини Станиславскийнинг биринчи адабий асари дейиш мумкин. Бу асарида унинг пьеса ва ролга ёндошишидаги янги «принципи» ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу принцип кейинчалик «жисмоний хатти-ҳаракат» деб ном олган.

Станиславский бу ўринда одат тусига кирган пьесани бўлақларга ва вазифаларга бўлиб анализ қилиш усулини бузмайди, лекин бўлақларни аниқлашда эса аниқ принцип қўллайди. Бу принципга асосан олинган маълум бир бўлақ номи қатнашувчи шахслар ҳолатига, у ёки бу саҳнадаги асосий кайфиятга қараб эмас (МХТнинг илгариги постановкаларининг режиссёрлик планини тузишда бу ҳолга йўл қўйилган эди). балки етакчи хатти-ҳаракат ва воқеага қараб белгиланади.

Пьеса анализининг бу янги фаол принципи Станиславскийнинг сўнгги йиллардаги ижодий фаолиятида драматик асарга режиссёр-педагог сифатида ёндошиши учун характерлидир. Станиславский саҳнада содир бўлаётган воқеага қараб баъзан «бўлақлар» термини билан бирга «эпизодлар» терминини ҳам ишлатади. Кейинчалик пьесани анализ қилиш принципини аниқ ифодаловчи фаол эпизод театр фаолиятида термин сифатида тобора кўпроқ қўллана бошланди.

24. Станиславский бу ўринда саҳна хатти-ҳаракатининг муҳим жиҳатларидан бирини кўрсатмоқчи. Бу доимо қарама-қаршиликни, қарама-қарши кучларни енгиш натижасида вужудга келади.

25. Станиславскийнинг бу педагогик маслаҳати тажрибада аста-секин ривож топиб актёр билан ижодий ишлаш методига айланди. Станиславский пьеса ва ролнинг анализ қилишда саҳна образи тараққиётининг асосий этапларни аниқлаб берувчи катта вазифаларни сақлаган ҳолда, ролни майда бўлақларга бўлиб юборувчи, унинг кичик вазифаларини аниқловчи сон-саноқсиз хоҳиш ва истаклардан воз кечди. Истакларни чуқур анализ қилиш ва кичик вазифаларни белгилаш ўрнига у содир бўлаётган воқеани синчиклаб ўрганишга ўтади; воқеа фақат истак билан аниқланиб қолмасдан, у актёрни ўраб олган конкрет шароитга бевосита боғлиқ бўлади. Авваллари рол устида ишлаш стадиялари аналитик, стол атрофида ўрганиш ва ижодий репетиция ишларидан иборат бўларди; Станиславскийнинг сўнгги йиллардаги режиссёр-педагогик фаолиятида анализ билан синтез ўртасидаги фарқ йўқолди ва тўғридан-тўғри содир бўлаётган воқеани ўрганишга ўтавериш зарурати туғилди (бунда албатта катта, тўғри вазифа назарда тутилмоғи керак).

Матндаги жисмоний хатти-ҳаракатга мисол тариқасида келтирилган вино узатиш ва тарсаки уришлар шуни аниқ кўрсатиб турибдики, Станиславский «жисмоний хатти-ҳаракат» термини ни ишлатар экан, у механик хатти-ҳаракатларни эмас, балки ролнинг ички ҳаёти билан боғлиқ бўлган ва психиканинг чуқур ва мураккаб иши натижасида вужудга келадиган хатти-ҳаракатларни назарда тутди.

Станиславский тушунишича, жисмоний хатти-ҳаракат психологик хатти-ҳаракатларнинг мураккаб процессларидаги бир жиҳатдир.

26. Бу матндан шу нарса маълум бўляптики, Торцов ўқувчиларини театрда кетаётган спектакллар учун саҳна орқасидаги оммавий шовқин-суронларни уюштиришга чақирди. Театр мактаби ўқувчиларини аста-секин театр ишларига жалб этиш ҳақида асарлар тўпламининг учинчи томидаги «Саҳнавий аҳволи руҳиятини текшириш» бобида ҳам гапирилади.

27. Станиславский 1933 йилги репетициялардан бирида бу тўғрида шундай деганди: «Томошабин билан бевосита муносабатда бўлувчи актёр ҳунарманд актёрлар категориясига кириди. Партнёрдан холи равишда ўзи учунгина ўйнайдиган актёр «тақлидий санъат» позициясида туради. Бунда ролнинг ташқи кўриниши бир хил, ўзгармас бўлади. «Кечинма санъати» ва ҳаққоний хатти-ҳара-

кат позициясида турувчи актёр партнёри билан (ёки сахнадаги бошқа объект билан) муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, партнёрига таъсир қилиш ва унинг таъсирида бўлишга уринади».

Шундай қилиб, Станиславский актёрнинг сахнадаги ўйини деганда унинг партнёри билан муносабатда бўлишини назарда тутлади.

28. «Жисмоний хатти-ҳаракат» термини Станиславскийнинг сўнги йиллар фаолиятида бу ердагига нисбатан бир қадар кенг маънода ишлатилган. Масалан, жиннинамо Леди Макбетнинг жисмоний хатти-ҳаракати деганда унинг қон доғини юшиб ташлашинигина тушунилмайди – бу жисмоний хатти-ҳаракатлар жинни одамга хос бўлган мураккаб жисмоний ахлоқларни ифодалаши лозим (бу ўринда вазифа тасаввур этилган партнёрни ишонтириш ва қутилаётган хавфни тўғри баҳолашдан иборатдир).

Станиславскийнинг жисмоний хатти-ҳаракатнинг табиати ҳақидаги яқунловчи фикрлари шу томнинг турли қисмларида ўз ифодасини топган. Масалан, Станиславский 196-197 бетларда: сахнадаги хатти-ҳаракатсиз туюлган моментларга ҳам жисмоний хатти-ҳаракат мантиғи нуқтаи назаридан ёндашмоқ лозим, дейди. Бунда артист «тасаввур этилган ҳаёт ва хатти-ҳаракат» ҳақида гапирар экан, «уларга ҳаққоний, реал жисмоний воқеалар» деб қарашга ҳақли.

29. Станиславскийнинг бу педагогик кўрсатмалари унинг ижодий усулларига мос келади. Масалан, Станиславский ўзининг «Отелло» спектаклига ёзган режиссёрлик планида мана бундай деган эди: «Илҳомли ва туйғули актёрлар ўзларининг темпераментларига ишониб... рол ижросини илҳом ва туйғу асосига қурадилар. Бундай артистлар сахнага чиқишлари билан бундай содиқ дўстлари ва йўлдошларни ахтаришга тушадилар, лекин улар бу содиқ дўстлари – илҳом ва туйғунинг жуда инжиқлигини, уларга ишониб бўлмаслигини унутадилар. Улар буйруқ билан эмас, балки ўз қизиқиши билан пайдо бўлади. Шунга аминманки, артист кўпроқ ҳиссиётга берилади – бу ўз ички ва ташқи хатти-ҳаракатларга бўлган ишончдир... Агар бугун кайфиятингиз яхши бўлиб илҳом келса, техникани ўйлаб ўтирмай ҳиссиётга берилаверинг. Лекин актёр илҳом фақат байрам кунларигина келишини унутмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам энг қулай, актёр эгаллаб олган ўнғай услуб бўлиши лозим, лекин актёрни эгал-

лаб олган усул бўлмаслиги керак: ҳиссиёт усули худди шундай бўлади. Актёр осонгина эгаллаб, олдиндан белгилаб оладиган услуб жисмоний хатти-ҳаракатлар чизифидир» (К.С. Станиславский, «Отелло» спектаклининг режиссёрлик плани, 254–255-бетлар).

30. Станиславский бу ўринда Пушкиннинг «Қаҳрамон» ва «Элегия» («Қувончсиз аҳмоқона йиллар») шеърларидан мисол келтиради.

31. «Отелло» спектакли учун ёзилган режиссёрлик планидаги «жисмоний хатти-ҳаракат» қисмида бу ерда айtilган фикрнинг яна ҳам ривожлантирилганини ва аниқланганини кўриш мумкин.

«Аэропланнинг ҳавога кўтарилишини эсланг: у учмасдан аввал инерциясини ошириш учун анча жойгача юриб боради. Ерда ҳосил бўлган ҳаво ҳаракати уни юқорига кўтара бошлайди.

Актёр ҳам аввал секин юриб, кейин қадамини тезлаштириб, инерция тўплайди. Худди шу пайт мавжуд шарт-шароит, сеҳрли «агарда»лар ёрдамида актёр ишончнинг кўзга кўринмас қанотларини очади, бу қанот уни ўзи чиндан ишонган тасаввур соҳасига парвоз эттиради.

Теп-текис ер ёки аэродром бўлмаса, самолёт ҳавога кўтарила оладими? Албатта кўтарила олмайди. Шунинг учун ҳам бизнинг вазифамиз биринчи навбатда аэродром қуриб, уни шиббалаб чиқишимиз лозим. Ижро учун ҳам худди шундай қудратли, ҳаққоний жисмоний хатти-ҳаракатлар керак» (К.С. Станиславский, «Отелло» спектакли учун ёзилган режиссёрлик плани, 133-бет).

32. Станиславский актёрларни аввалгича шартли «амплуа»ларга бўлишга қарши доим курашиб келди (биринчи ва иккинчи ошиқлар кўйлак ва фрак қаҳрамонлари, насиҳатгўйлар, гул ва бошқалар). Бу хилда бўлиш ҳунарманд театрлар учун тапиқдир, деб ҳисобларди. «Ифоданинг ижодий-процессиди ўз устида ишлаш («характерлилик») бобида ва «Актёр амплуаси» ҳақидаги мақоласида Станиславский ҳамма роллар ҳам характерли бўлиши лозимлиги, характерсиз роллар бўлмаслигини гапирди.

Станиславский бу ўринда ҳар бир актёр ўз «амплуасини» билиши лозимлиги ҳақида гапирар экан у, бу сўзни кенг маънода ишлатади, яъни ампула деганда актёрнинг ички имкониятлари ва саҳнавий жозибасига мос келадиган роллар гуруҳини кўзда

тугади. Станиславский китобнинг бошқа бир ерида (228-бетда) актёрларни ампуласига қараб эмас, балки уларнинг ички моҳиятларига қараб фарқлаш кераклигини айтади.

33. Самойлов Василий Васильевич (1812–1887). Петербургдаги Александринск театрининг машҳур артисти. У ташқи роль ифодаси ва грим санъатини жуда яхши эгаллаган артистлардан эди. У яратган образлар саҳнавий ифодаси жиҳатидан мукамал бўларди.

34. Станиславский психология масалалари бўйича машҳур француз олими. экспериментал психология вакили Р. Рибо (1839–1936) асарларидан ўзини қизиқтирувчи кўпгина фойдали маълумотлар олади.

Станиславскийнинг иш библиотекасида Т. Рибонинг қуйидаги асарлари сақланган: «Ироданинг нормал ва нотоб ҳолатлари», «Диққат психологияси», «Асаб хотираси», «Хотиранинг нормал ва нотоб ҳолатлари», «Умумий ғоялар эволюцияси», «Ҳиссий мантқиқ». Бу китобларнинг кўп саҳифаларида Станиславскийнинг белгилари бор.

Станиславский Рибонинг инсонда асаб хотираси мавжуд деган фикридан келиб чиқиб, унинг бадний ижоддаги роли масаласини ўрганди. У Рибонинг назарий хулосаларини яна бойитди ва чуқурлаштирди ҳамда унинг «асаб хотираси» терминини «эмоционал хотира» деган тўлароқ ва аниқ тушунча билан алмаштирди.

Матндаги бундан кейин келтирилган икки сайёҳ ҳақидаги мисол Станиславский услуби учун характерли эмас. Станиславский ҳеч вақт автоматик хотирани эмоционал хотирага қарши қўйган эмас, лекин бу асарида Рибо бунинг аксини қилган эди. Станиславский одатда туйғуга бевосита муносабатда бўлишга ва уларни хотирада тўғридан-тўғри ҳосил этишга қарши эди. У эмоционал хотирага бошқа йўл билан – актёрни образнинг мантиқий ҳолатига кириши билан таъсир этади. Бунда жуда илгари кечинилган воқеани эшлаш реффлекторга, ижод процессидаги психик ва жисмоний жиҳатларнинг узвий алоқасига асосланади.

35. К.Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси» пьесасидаги (бу пьесани 1898 на 1914 йиллари МХТ қўйган эди) кавалерди Рипафратт ролини Станиславский ўйнаган эди. Станиславский Мирандолинанинг кавалерини ўзи тайёрлаган рагу билан меҳмон қилиш саҳнасини айниқса яхши ўйнади. Шундан ке-



йин пьесада катта ўзгариш бўлади, чунки кавалер энди беканинг жодусига бардош беролмайди.

36. Китоб бошида воқеа Н. шаҳрида содир бўлади дейилсада (китобнинг биринчи вариантыда Нижний Новгородда деб кўрсатиларди). Станиславский ўз тафсилотида содир бўлувчи воқеанинг бирор аниқ жойини кўрсатмайди. У Москва кўчалари (Арбат) ва бадий театрдаги ўзига таниш артистларнинг исларини ишлатаверади.

Стрешнево (ёки Покровское – Стрешнево) – Москва яқинидаги район. Станиславский 1935 йили бу ердаги санаторийда довланган ва мазкур китобининг охириги варианты устида тинмай ишлаган эди.

37. Станиславский Гётенинг «Фауст» ва «Эгмонт» драма асарларидаги қаҳрамонлар исмини келтиряпти. Эгмонт қиёфасида муаллиф озодлик учун курашган қаҳрамон образини яратади. Қамоқ кўриниши драманинг кульминацион нуқтасидир.

38. Бу фикр «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобида ҳам исботланади («Сезги ва ҳиссиёт чизиқлари» боби). Станиславский мана бундай ёзади: «Атрофимизни ўраб олган ва инсон психологияси қарам бўлган бутун борлиқдан ўзимизни қандай ажратиб оламиз, бизда нималар кечади. ёруғлик, товуш ва буюмларга қандай муносабатда бўламиз?»

Станиславскийнинг МХТ спектакллари протоколи китобидаги ёзувлари унинг саҳна муҳитининг бутун ўзгаришларига артист сифатида сезгирлик билан муносабатда бўлишдан гувоҳлик бериб туради ва бу нарса унинг ижодий методи учун характерлидир.

Шу билан бир қаторда. Станиславскийнинг иқрор бўлишича, у Бадий театрнинг аввалги постановкаларида саҳна эффеқтларини суиистеъмол қилган, лекин булар кўпинча ижодий зарурат туфайли содир бўларди. «Асарни чуқур тушунишнинг сирли йўллари ҳали билмаганимиз сабабли. – деб ёзади Станиславский ўзининг «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобида («Олчазор» бобида), – Актёрнинг ҳаяжонли хотираларини ишга солиш, қалбларида ижодий башорат қила олиш ҳиссини уйғотиш учун биз декорациялар – нур ва овоз ёрдамида иллюзиялар яратдик. Баъзан бу иш ёрдам берарди, шунинг учун саҳнанинг ёруғлик ва товуш каби воситаларини кўп ишлатардим».

Аммо кейинчалик, саҳнада актёр аҳволи руҳиятини яратишнинг бошқа, бир қадар ишончли усуллари яратилгандан сўнг Станиславский ўзининг режиссёрлик ишларидаги баъзи услубларни қайта кўриб чиқди ва спектакллардаги ташқи майдачуйда, ортиқча нарсаларни олиб ташлади.

39. Бу ерда кўрсатилган рол устида ишлаш усули – (хайрихоҳликдан ҳаққоний сезишга) пьесада артистнинг кузатувчидан аста-секин ҳаракат қилувчи шахсга айланиши Станиславскийнинг саҳна образини яратишда 1920 йил ўрталарига қадар фойдаланиб келган усули учун характерлидир.

Станиславский кейинчалик ролга ёндашишнинг бир қадар мукамал ва равон йўлларини топишга ҳаракат қилади. Бу усулга биноан актёр тўғридан-тўғри пьесада кўрсатилган фаол ҳаракат қилувчи шахсга айланади («Отелло» материали асосида «Актёрнинг роль устида ишлаши» ва «Мақолалар, нутқлар, суҳбатлар, хатлар» тўпламидаги «Пьеса ва рол ҳаётини реал ҳис этиш» мақолаларига қаранг).

40. Озеров Владислав Александрович (1762–1816) драматург, «Афинадаги Эдип», «Фингал», «Дмитрий Донской», «Поликсена» трагедияларининг автори. Озеров ижодида XVIII аср охири – XIX аср бошларидаги рус адабиётига хос сентиментал йўналиши билан классицизм традициялари ўз ифодасини топганди.

Станиславскийнинг фикрича, классицизм қонуни асосида яратилган драматургия актёрларни шартли ўйинга тортади.

41. Бу аҳамияти жиҳатидан биринчи даражали масаладир: у санъаткор асари даражаси билан атрофдаги ҳаётни ўрганиш даражаси ўртасида бевосита алоқа ҳосил қилади: Станиславскийнинг бутун ижодий фаолияти ана шунга асосланган.

Станиславский 1889 йилдаёқ ўзининг бадий ён дафтарида мана бундай деб ёзган эди: «Ҳаётга, ҳақиқатга олиб борувчи йўл энг тўғри йўлдир, албатта. Бунга эришмоқ учун аввал ҳақиқат ва ҳаётнинг ўзи нималигини билиб олмоқ лозим. Менинг вазифам ана шундан, бу иккаласини ҳам билиб олишдан иборат» (К.С.Станиславский, 1877–1892 йиллардаги Бадий ёзувлар, «Искусство», 1939. 60–61-бетлар).

Станиславский ўзининг бутун ижодий ва ижтимоий фаолиятида замон билан яқиндан алоқада бўлди, унинг талабларига ҳозиржавоб бўлди ва ўз ижоди учун ундан материаллар олди. Бу хусусият уни театр маданиятининг илғор арбоби даражасига кўтарди.

42. Станиславский 1938 йили МХАТнинг қирқ йиллиги муносабати билан ёзган мақоласининг қораламасида бу фикрни давом эттириб, ўтмиш классик драматургияси учун салбий образларнинг кўплиги характерли эди, энди замонавий қаҳрамонлар галереяларини яратувчи ҳозирги замон драматургияси театр олдига янги, ҳали охиригача ҳал этилмаган масалаларни қўяди, деган эди.

«...Биз янги драматик асарларда, – деб ёзган эди Станиславский, – янги инсонни кўрдик, уни ҳар жиҳатдан ўрганишга тўғри келди. Бу вазифа ҳаётнинг янги даврга – романтик, ижтимоий-социал-сиёсий даврга кирганлиги муносабати билан янада мураккаблашди. Бу ҳаёт энди оддий инсонни эмас, балки романтик қаҳрамонни талаб қила бошлади...

Биз ҳозир ҳам ижобий образлар яратиш йўллариини ўрганишни давом эттиришимиз керак; бу жуда қийин вазифа, уни тезда ҳал қилишимиз осон эмас».

43. Замондошларнинг эслашича, Станиславский Фамусов, Крутицкий ёки бошқа салбий ролларни ўйнаган куни актёрлар ундан ҳеч нима сўрашмас экан, чунки саҳнага чиқишга тайёрланар экан, тасвир этаётган қаҳрамоннинг бошқаларга бўлган ўзига хос муносабатини сақлашга ҳаракат қилар экан. Аксинча, бошқа хил ролларда ўйнаган кунлари эса (Астров, Штокман) у билан муомала қилиш осон экан. Бу ҳақда «Станиславский ҳақида» номли тўпلامда эълон қилинган Л. Я. Гуревичнинг мақоласи диққатга сазовордир (126-бет).

44. Станиславский ҳаётининг сўнгги йиллардаги режиссёрлик, педагоглик тажрибасида ўз-ўзи билан муносабатда бўлиш услубидан воз кечган эди. Бу ҳақда 254-бетда гапиради («ақлнинг ҳиссиёт билан диалоги»). У монолог масаласида конкрет усул топишга ҳаракат қилади. Станиславский актёрларни саҳнада бундай «ўзи билан ўзи» муносабатда бўлишидан қочишга ундарди, чунки бундай муносабат «актёр кўзини ичига қаратишга» мажбур қилади дерди. Шунинг учун ҳам у монологни доим актёрнинг конкрет ижросига айлантиришга ҳаракат қилар эди. У бу ҳаракатни субъектнинг (актёрнинг) объектлар билан (реал ёки тасаввур этилган) алоқаси деб тушунар эди.

45. Станиславский Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси иккинчи кўринишидаги Офелия ҳикоясини цитата қилиб келтиради (А.Кронеберг таржимаси).

46. Станиславский «Нур таратиш» терминини Рибонинг «Диққат психологияси» китобидан олган. Бу китобдан кўчириб олинган жойлари Станиславскийнинг адабий архивида сақланиб қолган. Станиславский бу терминни шартли деб қараган.

«Система» тараққиётининг маълум босқичида «нур таратиш» ва «нурланиш» масалаларига ёндашиш маълум амалий маъно касб этган эди. Бу эса партнёрларнинг бир-бирига бўлган эътиборини кучайтиришга, саҳнадаги у ёки бу эпизодда муносабатларни мустақкамлашга олиб келади. Аммо педагогик тажрибада «партнёрнинг қалбига таъсир этувчи», ноаниқ ҳаракатли машқлардан фойдаланишлар ижобий натижалар бермади. Бу каби машқлар Станиславскийнинг сўнгги йиллардаги педагогик ишлари учун характерли эмас, Торцовнинг баъзи мулоҳазалари (масалан, ҳосил бўлган жисмоний нур тарқатиш токидан фойдаланиш учун туйғуларни эслаб қолиш сизга бирор тасодифий кечинма бермадими?) на шакли, на моҳияти жиҳатидан Станиславскийнинг иш услубини эслатмайди.

47. Станиславскийнинг адабий архивида турли даражада ишланган қўлёзмалар бор. Уларда эслатиб ўтилган бу олти элементларнинг мазмуни ва аҳамияти баён этилади. Улар Станиславскийнинг учинчи томида берилади.

48. Станиславский ақл (интеллект) тушунчасини тасаввур ва фикрга бўлар экан, инсон руҳий ҳаётини ҳаракатлантирувчи (ақл, ирода ва ҳиссиёт)ларга берган аввалги фикрига аниқлик киритди. У фикрлаш процессини тушунтириб беради, бу процесс пайти куйидаги моментлар алоҳида кўрсатилиши мумкин: 1) предмет ҳақида озми-кўпми умумлашган образли тасаввурнинг пайдо бўлиши (бу бадий фикрлаш учун айниқса характерлидир) ва 2) предметга маълум муносабатда бўлиш ҳақида фикр юритиш.

Торцов-Станиславский ирода ва ҳиссиётга бир бутун нарса деб қарашни тавсия этар экан, ўқувчиларга мана бундай дейди: «Бўш пайтинглар ирода ва ҳиссиётнинг алоҳида-алоҳида мавжуд бўлишига мисол тояишга ҳаракат қилиб кўринглар, улар ўртасидан чизиқ тортинглар-да, бири қаерда тугашини, иккинчиси қаердан бошланишини белгиланглар. Ўйлайманки, мен каби сизлар ҳам бунинг уддасидан чиқолмассизлар» (302-бет).

Ирода ва ҳиссиётнинг узвий боғлиқлигини ҳозирги замон психология фани ҳам тасдиқлайди: «...Туйғу эҳтиёжнинг актив жи-

ҳатини ифодалайди. Шу сабабли туйғу ҳиссиётга маъқул бўлган интилиш ва майлни ҳам ўз ичига олади; майл каби истак ҳам озми-кўпми эмоционалдир. Ирода ва туйғу (ҳаяжон ва ҳавас) асоси бирдир – эҳтиёждан иборатдир. Эҳтиёжимизни қондириш предметни тушунишга боғлиқдир. бизда бунга истак пайдо бўлади, эҳтиёжни қондириш ёки қондирмаслик жиҳатидан ўзимизда бу тобеликни ҳис этар эканмиз (буни бизга предмет мажбур этади) бизда у предметга нисбатан бирор бир ҳиссий муносабат шаклланади. Бунда бири иккинчисига боғлиқ бўлади» (С. Л. Рубинштейн. Умумий психология асослари. Учпедгиз, 1946. 460-бет).

Станиславский «триумвират» аъзоларининг бўлинмаслигини жуда тўғри таъкидлаганини ҳам кўрсатиб ўтмоқ лозим. «Уларнинг биринчиси ҳақида гапирар эканмиз, иккинчиси ва учинчиси ҳақида ҳам беихтиёр тўхталишга тўғри келади» (328-бетга қаранг).

49. Натан Мудрый – XVIII аср машҳур немис ёзувчиси Г. Э. Лессингнинг шу номли драмасидаги бош қаҳрамон.

50. Станиславский томонидан тақдим этилувчи актёр ақли, туйғуси ва иродасини жалб этиш билан рол ҳаётига чуқур кириб бориш методи драматик материал реал воқеликни акс эттирган ва ҳаётини мантқиққа бўйсундирилган тақдирдагина яхши натижа бериши мумкин. Станиславский бу ўрнда импрессионистлар ва символистлар асарларини эслатиши бежиз эмас, албатта: бундай асарларни «артистнинг ақли ҳечам бовар этмайди», «ҳеч қандай ирода ва ҳиссиёт уйғотмайди».

Станиславскийнинг дунёни реалистик ҳис этиш ва унинг табиат қонунларига асосланувчи «система»си бу каби нореалистик асарларга қарши чиқди, масалан, Станиславский К. Гамсуннинг «Ҳаёт драмаси» ва Л. Андреевнинг «Инсон ҳаёти» символистик пьесаларини МХТда (1907 йил) постановка қилганида ўз «система»сини қўллаб кўрган эди.

«Ҳаёт драмаси»ни саҳналаштиригандан кейин жуда ҳам хафа бўлдим, – деб ёзган эди Станиславский ўзининг «Менинг санъатдаги ҳаётим» китобида. – Менинг аввалги ўтказган бутун лаборатория ишларим натижасиз чиққандай ва мен яна боши берк кўчага кириб қолгандай эдим. Аслида булар менга янги санъатнинг тўғри йўлини кўрсатиб бериши мумкин эди...». «Инсон ҳаёти» ҳақида эса бундай дейилган: «Спектаклнинг катта му-

ваффақият қозонишига қарамай, унинг натижаси мени қониқ-тирмади. чунки унинг актёр санъати учун бирор янги нарса бермаганини яхши билардим».

«Система»ни қўллашдаги бу муваффақиятсиз тажрибаларга қарама-қарши ўлароқ, рус классик драматургияси (Гоголь, Тургенев, Островский, Л.Толстой) устида ишлаш жуда ажойиб натижалар берди.

51. Станиславский сўнги йиллар иш тажрибасида ва унинг ролустида ишлаш процесси ҳақидаги баёнининг сўнги вариантларида («Пьеса ва роль ҳаётини реал ҳис этиш») артистнинг ижодий ишлаши усуллари ривожлантирилади ва мукамаллаштирилади. Ҳар бир элемент учун бир қанча мантиқ йўналишлари яратиш ўрнига артистнинг бутун эътибори бир муҳим йўналишга – яъни актёрнинг саҳнадаги ҳаракат мантиғига қаратилган бўлади. Хатти-ҳаракат мантиғи олий мақсад сари интилувчи етакчи хатти-ҳаракат йўналиши бўйича тўғри қурилган шароитда бошқа бутун элементларни ва психик ҳаётни ҳаракатлантирувчиларни ўзида бирлаштиради.

52. Станиславскийни бу китобига оид қораламалари ичида унинг баъзи нарсалар ҳақидаги фикрлари ҳам бор. Уларда бу ерда баён этилган актёрнинг ички аҳволи руҳиятини яратиш процессини график шаклда тасвир этишга уринади. Станиславскийнинг ўз кўрсатмаларига асосан бу схемалардан бир қанча вариантлари учинчи томга киритилди.

53. Станиславский ўзининг сўнги йиллардаги назарий асарлари ва амалий тажрибаларида актёрнинг ички саҳнавий аҳволи руҳиятини ташқи, жисмоний жиҳатлардан алоҳида қарашга қарши эди; уларнинг бир-бирига узвий боғлиқлигини таъкидлаб кўрсатганди. Станиславскийнинг актёрнинг ички, психологик аҳволи руҳияти ва унинг жисмоний аҳволи руҳиятини алоҳида-алоҳида яратиш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосаси бу томда баён этилган ижодий процесда жисмоний ва маънавий жиҳатларнинг узвий, органик муносабат ҳақидаги фикрларнинг қонуний тараққиётидан иборат бўлди.

54. «Актёр туалети» Станиславскийнинг педагогик за режиссёрлик иш тажрибаларида мустақкам ўрин олганди. Уни опера-драматик студияда (1935–1938) қўллаган эди. Матн давомида баён этилган «актёр туалети» программаси Станиславский ўз дарсларида амалга оширган ишларига мос келади.

Станиславский «Актёр туалетини» жорий қилиш «Тренинг ва муштра» каби театр ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, бу келажакда актёр маҳоратини оширишга ёрдам берган бўларди. Унинг фикрича, буларсиз актёрнинг ўз устида ишлаб ўрганган нарсалари «система»нинг бир қанча терминларини формал равишда ёдлаб олишдан иборат бўлиб қолади, булар эса табиийки, актёрга реал, сезиларли бир ёрдам бермайди.

«Система»ни билишнинг ўзи етарли эмас, – дейди Станиславский бу китобнинг охирида. – Уни билиш ва ҳаётга татбиқ қила билиш лозим. Бунинг учун эса артист кунда доимий равишда машқ, муштра қилиб туриши керак».

Станиславскийнинг бу муҳим васияти, афсуски, ҳалига қадар театр тажрибасига ва театр ўқув юрғларига етарлича жорий этилмай келяпти.

55. Қўштирноқлар ичига олинган матн аниқ бир шитата эмас, лекин Т.Салвини айтган фикрлар маъносини беради («Артист» журнаliga қаранг, 1891, №14).

Станиславский актёрда ижод пайти икки хусусият пайдо бўлиши ҳақида «Артист ва роль перспективаси» бобида ҳам гапирди.

56. Станиславскийнинг ижодий биографиясида драматург асаригадаги олий мақсадни белгилаш соҳасида жуда кўп мисоллар мавжуд. Станиславский пьесанинг олий мақсадини йиллар давомида чуқурлаштириб борган пайтлари ҳам бўлган, бунда у роллар трактовкасига аниқликлар киритар ва бунинг натижасида тасвирланаётган образ қиёфаси ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан ўзгарар эди. Бу жиҳатдан Фамусов образининг эволюцияси характерлидир: Станиславский бу образни бадиий театрнинг 1906, 1914 ва 1925 йилдаги постановкаларида турлича талқин этган эди.

Станиславский асарнинг олий мақсадини аниқлашга палапартиш, формал ёки мулоҳазасиз қараган режиссёрларга қарши қаттиқ курашди, чунки олий мақсадга бу йўсинда ёндашиш спектаклнинг гоёвий мазмунини пароканда этади.

Станиславский, шунингдек, асарнинг олий мақсадини биргина муаллиф матинини ўқиш билан, бу асарни саҳна образларида гавдалантирувчи актёрларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, аниқлашга ҳам қарши эди. Станиславскийнинг бу талабига ҳамма етарли баҳо бермаганди. У: «Фақат

ёзувчи ғоясига мос» олий мақсадни эмас, балки ижод қилувчи артистнинг инсоний қалбини ҳаяжонлантирувчи олий мақсадни ҳам топиш керак». деб талаб қиларди.

57. Станиславскийнинг томошабинни коллектив саҳнавий ижод қатнашчиси деб аташи унинг эстетик қараши моҳиятига, театр ва унинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини тушунишига асосланади.

«Тақлидий санъат» идеологлари мутлақо бошқа позицияда турадилар, улар томошабин театрда умрбод кузатувчи бўлиб қолишига талабдордирлар. «Агар... сиз томошабинни, унинг театрда ўтирганини унутишга ҳаракат қилар экансиз – томошабин ҳузур қилолмайди, завқ ололмайди: у томошабиндан актёрга айланади. Ҳолбуки, у томошабинлигича қолиши керак...» деб ёзади Катта Коклен («Актёр санъати», 114-бет).

Станиславский Коклен билан баҳслашгандек: «Сизнинг санъатингизда томошабин томошабинлигича қолади. Менинг санъатимда эса у беихтиёр гувоҳга ва ижод қатнашчисига айланади; у саҳнада содир бўлаётган ҳаётга аралашиб кетади, ўша ҳаётга ишонади». Станиславский бу ўринда томошабин кўпинча «артистга олий мақсадга тўғри ном топишда кўмаклашади», яъни артист ғоясини тўғрилайди, роль талқинини чуқурлаштиришга ёрдам беради, деган фикрни илгари суради. Бу нарса Станиславскийнинг артистлик тажрибасидан келтирилган мисоллар билан тасдиқланади. Станиславский Россиядаги революцион ҳаракатлар кучайган даврда, 1901 йили доктор Штокман ролин ижро этганини ҳикоя қиларкан (Г. Ибсеннинг шу номли пьесасидан) шундай хулосага келади: туйғу ва ҳиссиёт услубида ишланган роль томошабиннинг революцион кайфияти туфайли, бутун спектакль каби, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Бу нарса аввал на режиссёр ва на актёр топа олган эди («Менинг санъатдаги ҳаётим» китобидаги «Ижтимоий-сиёсий йўналиш» бобида қаранг).

58. «...Ревизор ўйналди – қалбимни ноаниқ, жуда ғалати бир ҳис чулғаб олди...» «Авторнинг «Ревизор» биринчи бор қўйилгандан сўнг бир адабиётчига ёзган хати» шундай бошланади («Гоголь ва театр» тўпламини қаранг. «Искусство», 1952. 374-бет).

59. Станиславский ўқувчиларига машқ ёки этюд ижро эттирар экан, худди шундай чинакам ҳақиқат ва мукамалликка



эришишни талаб қилар эди. Бу масалада у шундай дерди: биринчи ва тўртинчи курслар ўртасидаги фарқ ўқувчилар олдига қўйилладиган вазифаларнинг мураккаблигидадир, аммо ҳар қандай вазифа ҳам ҳаққоний ва тугал ҳолга етказилиши лозим. Станиславскийнинг фикрича, театр мактабларида тарбияландиганларнинг ҳақиқий санъаткор бўлиб етилиши шунга боғлиқдир.

60. Чинакам ва изчил реалист санъаткор Станиславский учун бутун ижодий процесснинг асоси асар ғоясини (олий мақсадни) иложи борица чуқурлаштиришдан иборатдир. У доимо ҳаётий мақсад ва ижодкорнинг (энг олий мақсад) дунёқараши билан мос келмоғи лозим, деган фикрни илгари суради.

Асар ғоясини аниқ тасаввур этиш, уни шу сўзнинг «асл, кенг маъносида», «тўла-тўқис қамраб олиш» Станиславский фикрича, саҳнада жонли одам яратиш учун асос бўлиб хизмат этади. Бу билан артист ғоясиз ҳунармандликдан, актёрлик бачканалиги ва санъатдаги натурализмдан қутулади.

Олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракатнинг актёр ижодидаги ҳаддан ташқари зўр ва муҳим аҳамияти Станиславскийнинг бошқа асарларида ва ўқувчилар ҳамда МХАТ актёрлари билан қилган суҳбатларида алоҳида таъкидланади («Мақолалар, нутқлар, суҳбатлар, хатлар» тўпламига қаранг).

61. Ижоддаги бутун жисмоний жиҳатлардан жирканч билан қўл силтаган Димкова фикрига эътироз билдирар экан, Станиславский бу билан ижодни соф психик процесс, у санъаткордаги «ижодий мен»нинг руҳий кўринишидир, деб талқин этувчи идеалистик қарашни рад этади. Ижодга бундай қараш илҳомга ишонувчи ёки «нутра» актёрларга хосдир. Санъаткор учун онгнинг родини камситиш ва саҳнавий аҳволи руҳият яратишда ташқи, жисмоний жиҳатларни назарга илмаслик шу тоифадаги актёрларга хосдир.

62. Станиславский артистининг ижодий табиати ҳақида бу ерда баён этилган фикр асосида режиссёрлик санъатига ҳам мутлақо аниқ талаблар қўяди.

Саҳнада тезликда ижодий натижаларга эришишга интилувчи ва артист қалбида ролни аста-секин органик процесс асосида ўстириб боришни менсимовчи режиссёрларни Станиславский натижа режиссёрлари ёки ҳунарманд-режиссёрлар деб атарди.

«Бизга миришкор режиссёрлар керак» дерди у. Бу билан у режиссёрлар ҳам мичуринчи боғбонлар каби табиат қонунларига асосланиб мева ёки гуллар (ижодий образлар) етиштира оладиган бўлсинлар, деган фикрни илгари суради. Бунда улар бўлажак роль уруғи ёки илдизидан ўсиб-унувчи ниҳолни (ролни) бутун зарур стадиялар даврида тарбиялаб борсинлар («МХАТ санъат усталари билан қилган суҳбатдан», «Мақолалар, нутқлар, суҳбатлар, хатлар». 654-бет).

## МУНДАРИЖА

ТАРЖИМОНДАН .....	3
СЎЗ БОШИ .....	6
КИРИШ .....	9
I. ДИЛЕТАНТИЗМ .....	10
II. САҲНА САНЪАТИ ВА САҲНА ҲУНАРИ .....	24
III. ХАТТИ-ҲАРАКАТ. «АГАРДА». БЕРИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТ .....	51
IV. ТАСАВВУР .....	80
V. САҲНАВИЙ ДИҚҚАТ .....	112
VI. МУСКУЛЛАРНИ БЎШАТИШ .....	154
VII. БЎЛАКЛАР ВА ВАЗИФАЛАР .....	173
VIII. ҲАҚИҚАТ ТУЙҒУСИ ВА ИШОНЧ .....	195
IX. ҲИССИЁТЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ .....	251
X. МУНОСАБАТ .....	295
XI. МОСЛАШМА ВА БОШҚА ЭЛЕМЕНТЛАР, АРТИСТНИНГ ХУСУСИЯТИ, ҚОБИЛИЯТИ ҲАМДА ИСТЕЪДОДИ .....	333
XII. ПСИХИК ҲАЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИЛАР .....	352
XIII. ПСИХИК ҲАЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИЛАРНИНГ ИНТИЛИШ ЙЎЛИ .....	365
XIV. ИЧКИ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИАТ .....	377
XVI. АРТИСТНИНГ САҲНАВИЙ АҲВОЛИ РУҲИЯТИДАГИ БЕИХТИЁРИЙЛИК .....	414
ИЗОҲЛАР .....	449

*Бадиий-публицистик нашр*

**К.С.СТАНИСЛАВСКИЙ**

**АКТЁРНИНГ ЎЗ УСТИДА ИШЛАШИ**

*Биринчи қисм*

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Тех. муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ  
Наврўз БЕКМУРОДОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 20.09.2011 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 14,75. Шартли босма тобоғи 24,78.  
Гарнитура «Lex Times Cyr+Uzb». Газета қоғоз.  
Адади 500 нусха. Буюртма № 208.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АІ № 198, 2011 йил 28.08да берилган.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожаат учун телефонлар:*  
Нашр бўлими – 278-36-89;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс — 273-00-14; e-mail: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)